

**НУРИДДИН ИСМОИЛОВ**

# **ИБЛИС САЛТАНАТИ**

*Саргузашт-детектив роман*

**Учинчи китоб**

ТОШКЕНТ «VEKTOR-PRESS» 2009

84(5У)6  
И 81

**Исмоилов, Нуриддин.**

**Иблис салтанати:** Саргузашт-детектив роман: [III қисм-ли] / Нуриддин Исмоилов. — Т.: VEKTOR-PRESS, 2009. 3-китоб. — 352 б.

**ББК 84(5У)6**

ISBN

© «VEKTOR-PRESS» нашриёти, 2009.

\* \* \*

Дилором тўйдан қандай келганлигини билмайди. Келинни ўлдирмоқчи, вақти келиб Икромнинг ёнида ўзи ўтирмоқчи эди. Аммо эплаёлмади, қўлидан келмади. Одам ўлдириш унга отасидан юқмаган экан. Мақсадига етишиш учун охиригача курашолмаскан, иродасиз экан.

У ўзини тўшакка ташлаб, болишининг бир четини тишлади, сўнг йиғлай бошлади... Йўқ, уни ҳеч нарса овутолмайди. “Мен шунчалик ёқимсизманми? Мен чиройли эмасманми? Икром нега меники бўлмади? Ўша қиздан нима топди у?” — дея ўзини саволларга қўмиб ташлади. Ўрнидан ирғиб туриб тошойна қаршисига борди. Қизарган кўзига, кўз ёши қуримаган юзига синчиклаб назар солди. Пешонасини ёпиб турган сочига эътибор қиларкан: “Мен хунукман! Дилдора мендан ўн чандон гўзал! Шунинг учун Икром акам уни севади!” — деган хулосага келди ва ўзини қайтадан тўшакка ташлади-да, шундай хунук қилиб яратган табиатдан нолий бошлади.

Тўйда ҳамма унга ошиқ бўлганди. Айни дамда уйда шифтга қараб ётиб, унинг ҳақида хаёл сураётган, қизнинг бир оғиз илиқ гапи учун жонини беришга тайёр йигитлар ҳам бор эди. Улардан тўрттаси отасининг хизматини қилган, ҳозирда Икромнинг қўл остига ўтганлар бўлса, биттаси тўйхона — ресторан директори Фани Пўлатович эди. Калбош, бурни узун, шалпангқулоқ, кўзи қисик, сариқдан келган, қорин қўйган бу одам Самандар билан анча яқин эди. Ресторанга директор бўлишига ҳам аслида Самандар сабабчи бўлганди. Ресторан Икромнинг қўлига ўтганидан сўнг директорни олиб ташлади. Тўғрироғи, йигитларига: “Бориб айтинглар, бугуннинг ўзида аризасини ёзсин”, деди. Икром амри вожиб! Ўша куннинг ўзидаёқ шаҳар ташқарисидаги қурилиш трести бухгалтери унинг ўрнига ўтирди. Бу ўша Фани Пўлатович

бўлиб, у ҳақдаги батафсил маълумотни ҳикоямиз давомида ўқувчига маълум қиламиз.

Ёши элликларга борган бу одамнинг бир эмас, учта хотини бор эди. Лекин унинг аёлга ўчлигини уч хотини ҳам қондирилмасди. Кўча-кўйда бегона қиз-жувонларга кўзи тушганида оғзининг суви қочар: “Нега шуларнинг ҳаммаси меники эмас?” — дея ўйларди. Шу боис айрим кунлари ишратхоналар топиб “меҳмон” бўлиб келарди.

У тўйда келинчак — Дилдорани кўрганидаёқ ҳушини йўқотаёзди. Бировга билдирмай яширинча бир неча марта суқланиб қаради. “Афсус, Икромнинг ўрнига мен бўлмаган эканман-да... Нега шу пайтгача бу қизни кўрмадим? Эсизгина, увол бўлди-да, ўзим ҳалоллаб қўярдим”, дея ўйлади. Аммо кўп ўтмай Дилором пайдо бўлди-ю, ўйлаган ўйи бутунлай хаёлидан кўтарилди. Иши-дарди Дилором бўлиб қолди. Бир-икки марта қиз ўтирган столнинг ёнига борди. “Яхши ўтирибсизларми, камчиликлар йўқми?” — деб ўзича илтифот кўрсатган киши бўлиб иржайди. Бироқ тўйдаги энг сулув қиз унга бир марта ҳам қараб қўймади.

Фани Пўлатович секин Икромнинг йигитларидан суриштириб билдики, ҳамманинг диққат-эйтиборидаги гўзал Шернинг катта қизи экан. Шер номини эшитиб директор бир қалқиб тушди-ю, шу пайтнинг ўзидаёқ, шаҳарнинг аввалги эгаси аллақачон нариги дунёга рихлат қилгани ёдига тушиб, дарров ўзига келди ҳамда: “Шу қизни албатта илинтираман”, деб дилига тугиб қўйди.

Дилором ўзини дунёдаги энг хунук қиз санаётган тунда Фани Пўлатович учинчи хотинини бағрига босганча Дилором ҳақида хаёл суриб ётарди.

Тўй куни Самандарнинг ҳам феъли айниган эди. У хотинидан унча узоқ бўлмаган столда ўтирган Дилоромни Ҳанифа билан таққослади. Осмон билан ерча фарқ бордай туйилди унга. Аввал ҳам унинг Дилоромга кўнгли кетганди. Бироқ у пайтлари: “Барибир бир кун Икром, албатта, унга уйланади”, деган хаёлга борган ва ўзини четга тортганди. Мана, мутлақо кутилмаганда Икром бутунлай бошқа қизни танмаҳрамликка танлади. Дилором эса эгасиз...

Самандар тўй кунининг ўзидаёқ бу гўзални ўзиники

қилиб олмоқчи бўлди-ю, кўрқди. Мабодо бу нарсанинг “ҳид”ини хўжайини сезиб қоладиган бўлса, тириклайин терисига сомон тикади. Ахир у Икромнинг кўнглида нима ўй-хаёли борлигини билмасди-да. Балки, хожаси Дилоромни шунчаки юрадиган қизи қилиб олар. Бу ёғига энди Худо пошшо.

Дилором Икром билан Дилдоранинг чимилдиқда бири-бирига суйкалишаётганликларини хаёл қилиб сочларини чангаллаб ич-ичидан эзилаётган маҳал Самандар балконда узоқларга термилганча сигарета чекиш билан овора эди. Кўз ўнгида эса мафтункор Дилором.

Тонг аста-секин оқариб келаётганида қиз бутунлай чарчади ва ухлаб қолди. Шундан кейингина хонасининг эшиги оҳиста очилиб, тунги кийимдаги аёл кирди. Бу — Санобар опа эди. У ҳам қизи каби бутун тунни бедор ўтказди. Қизининг қай аҳволдалигидан хабари бор эди унинг. Бироқ Дилором ўз ёғига ўзи қоврилиб ётганида унинг ёнига кирмади. “Майли, йиғлаб олсин. Азоблансин. Ҳаммаси мана шу тунда қолиб кетсин. Эртага у бутунлай бошқа қиз бўлиб уйғонсин”, деган ўйда қизига халақит бермади. Лекин қўшни хонада ҳушёр ўтирди. Аччиқ устида қизи ўзини бирон нима қилиб қўйишидан чўчиди.

Ниҳоят Дилором жимиб қолгач, орадан бирор фурсат ўтказиб кирди. Дилором беозоргина пишиллаб ухларди. Санобар опа унинг пешонасидан ўпди ва секин ўтириб қизининг юмшоқ каравотига суянди-да, кўзини юмди.

— Ойи, — деган овоздан Санобар опа чўчиб уйғонди. Унинг ёнгинасида кичик қизи қараб турарди. — Ойи, — такрорлади кенжа қиз, — нима қилиб бу ерда ўтириб-сиз? Нега жойингизда ётмадингиз?

Санобар опа оғриб қолган бўйинини уқалади-да, ҳали-ҳамон ухлаётган Дилоромга бир қараб қўйиб, кўрсаткич бармоғини лабига теккизиб:

— Тисс, опанг ухлаяпти, халақит берма, юр, чиқиб кетайлик, — деди.

Бироқ улар чиқишга улгурмасидан Дилором уйғонди. У ҳам худди синглиси каби эшик ёнига бориб қолган Санобар опага:

— Ойи, — деди ётган жойида.

— Сен ҳали ухла, кейинроқ ўзим уйғотаман, — дея ортига ўгирилиб қизига қаради Санобар опа.

— Хўп, — деб Дилором кўзини юмди. Бироқ ухлаёлмади. Хаёлига тундаги ўйлари келиб безовталанди. Аммо бу сафар йиғламади, азобланмади. Ёстиқдан бошини қўтариб кулди. “Уйланса уйланибди-да. Шуни деб бутун умр қайғуришим керакми? Менга аталганиям бордир. Суймаганга шунча суйкалдим. Бекорга ўзимни ерга урганим қолди. Ҳайф, кўзимдан оқизган ёшларим”, деб ўзига-ўзи гапириб ўрнидан турди-да керишди.

У тўрт кун хушчақчақ юрди. Уни кўрган одам ҳечам изтироб чекканга ўхшатмасди. Айниқса, сингиллари унинг бунақанги хурсанд юрганига ҳайрон эдилар. Кичик сингил Нигора бир-икки марта тегишмоқчи бўлди-ю, дарров ниятидан қайтди.

Бешинчи кун Дилором хиёбонни айлангани борди. Шунчаки кўнглидаги губорларни ёзиш учун. Аммо бир-бирини ачомлаб олган, ўриндиқларда ёнма-ён ўтирганча ширин суҳбат қураётган йигит-қизларни кўргач, ёдига Икром тушиб дили хуфтон бўлди. Кўз олдига севган йигитининг бошқа жонон билан ошиқ-маъшуқ ўйини келди. Юраги ҳаприқди, бўлиқ кўкраги кўтарилиб туша бошлади. Кўзига ёш қалқди.

— Дилоромхон, — деган овоз эшитилди унинг қулоғига шу маҳал. Овоз Икромникига жуда-жуда ўхшаб кетди. Оний дақиқаларда қиз шодланишга улгурди ва бирдан ўгирилиб овоз келган тарафга қаради ва рўпарасидаги кал бошга кўзи тушди.

— Сиз... Сиз мени чақирдингизми?! — сўради Дилором ҳаяжонини яширолмай тез-тез нафас оларкан.

— Ҳа, мен-да, Дилоромхон, — деди калбош илжайиб.

— Кечирасиз, танимайроқ турибман, — деди бирпасда шодлигидан асар ҳам қолмаган Дилором.

— Албатта-да, Дилоромхон, у маҳаллари сиз жудаям кичкина қизалоқ эдингиз, мен бўлсам, навқирон, келишган, сочлари қоп-қора, ҳар қандай қизнинг эс-хушини дарров оладиган йигит эдим.

Дилором ўзи ҳам сезмаган ҳолда кулиб юборди. Сўнг тезда ўзини тутиб, жиддий қиёфага кирди-да:

— Кимсиз? — деди.

— Адангиз раҳматлининг энг яқин дўстларидан бириман. Ўн беш йиллар аввал адангизнинг буйруғи билан чет элга кетган эдим. Мана, кўриб турибсиз, ўн беш йилда нима аҳволга тушдим?

— Адам сиздан қарздор эканлар-да. Сиз ҳам адам ту-файли қийналган одамлардан биттаси экансиз-да.

— Асло, асло унақа дея кўрманг. Адангиз мен учун энг улуг инсон эдилар. Афсус, вафотларини жуда кеч эшитдим. Шу боис, уйлариингга бориб фотиҳа қилишга ҳам улгурганимча йўқ. Кейин буларнинг дардини янги-лаб қўймайин деган андишага боргандим. Кутилмаганда сизни бу ерда учратиб қолдим...

— Сиз, — унинг гапини бўлди Дилором, — мен ҳали кичкиналигимда чет элга кетган экансиз, ҳозир қандай танидингиз?

— Танимай ўлибманми? Юришингиз худди адангиз-ники.

Дилором яна бирдан кулиб юборди. Оғзини қўли би-лан бекитиб, бир оз турди-да:

— Адамлар айиққа ўхшаб юрардилар, тавба, мен ҳам шунақа юриш қилишимни сиздан эшитиб турибман. Шу-нинг учун мен бечорага куёв топилмаётган экан-да, — дея қоши устидаги тўрт-беш дона майингина, ялтираб турган қоп-қора силлиқ соч толаларини секингина бош-қаларининг қаторига кўшиб қўйди. Қиз буни шунақанги назокат билан бажардики, Фани Пўлатович “дод” деб юборай деди. Оғзидан оқаётган сўлагини шоша-пиша ар-ти-ю, илжайиб:

— Мен ҳечам унақа демоқчимасман. Юришингизда оз-моз ўхшашлик бор... Янаям аниқ қилиб айтсам, яқинда бир тўйда сизни кўрдим. Бу гўзал қиз ким бўлди, деб сўрасам, шунақа, мен доимо ардоқлаган, бошқача қилиб айтганда, сиғинган инсоннинг пушти-камарига тегиш-ли...

Фани Пўлатовичнинг гапи шу жойга келганда Дило-ромнинг қовоғи уюлиб, қошлари чимирилди. У ўзидан бир неча ёш катта бу одамдан бунақанги қўпол ўхшатиш эшитаман деб ўйламаганди. Шу боис Фани Пўлатович-нинг сўзларини охиригача тингламай, секин бурилди-да, кета бошлади. Фани Пўлатович қизнинг бундай қилиши-

ни кутмаганди. Шу боис, аввалига бақа бўлиб қолди. Сўнг дарров ўзига келиб, унинг ортидан юрди.

Хиёбон тугаши билан катта йўл ёқасида ойналари қопқора, ранги эса оппоқ “Жигули” турарди. Дилором айнан шу тарафга қараб кетаётганди...

Икром билан Дилдоранинг тўйидан кейин Фани Пўлатович Шернинг уйи атрофига ўз қўл остида ишлаётган йигитлардан учтасини қўйиб, қизнинг кириш-чиқишини назорат қилиб туришни буюрган эди. Йигитлар Дилором ёлғиз ўзи бирон жойга борадиган бўлса, хўжайинга хабар беришлари керак эди. Мана, ўшандай вазият бўлди. Фани Пўлатович аввалига Дилоромни машинада изма-из кузатиб келди. Қиз қайси автобусга чиқади, қаерда тушади, сўнг яна қаерга боради, ундан кейин яна қайси уловга минади — ҳаммасини кўздан қочирмади. Дилоромнинг хиёбонга киргани унинг учун айни муддао бўлди. Қолаверса, қиз ўта ҳаяжонли аҳволда эканлигини кўргач, кўнглидаги учкун аланга бўлиб ёна бошлади.

Ҳозир Дилором “Жигули” ёнига боради. Иккита йигит машинадан чиқади. Улардан бири одамни ҳушидан кетказадиган газни Дилоромнинг юзига пуркайди. Иккинчиси қарахтланган қизни секингина машинага ўтқазади.

\* \* \*

Баланд-баланд тоғларга, уларнинг ён-бағирларида паст-баланд ўсган буталарга кўзи тушиши билан Икром яйраб кетди. Ичида энтиқишга ўхшаш бир туйғу пайдо бўлди. “Эҳ, шундай дилтортар, офатихон жойлар ҳам бор эканку, шу пайтгача кўзим кўрмиди менинг? Бу томонларга ҳам бир-икки келиб дам олиб кетсам бўларкан-ку, қаёқдаги кераксиз ишларга жонимни тикиб юрибман”, дея ўйлади ва ёнгинасида худди у каби тоғлардан нигоҳини узолмай ўтирган Дилдоранинг момиқ қўлидан тутди. Келинчак эрининг қилиғини худди ҳайдовчи билан унинг ёнида ўтирган қори домла кўриб қоладигандай қизариб кетдида, қўлини тортиб олди. Икром завқланди. Яна ўзига танмаҳрам бўлган соҳибжамолнинг узун оппоқ бармоқларидан тутгиси келди ва секин қўлини у томонга олиб бораётганида, Дилдора кўрсаткич бармоғини лабига қўйиб, бош чайқади.



Машина тоғлар оралаб икки соатча юргач, кафтга ўхшаш ялангликда бир нечта чодирлар тикилган жойга тўхтади. Аввал Норбой қори машинадан тушди ва чуқур тин олгач, вазминлик билан қадам босганча чодирлар томон юра бошлади. У беш-олти қадамча юрмасидан, чодир тарафда соқоли кўксига тушадиган, қорамтир салла ўраган, қадди хиёл букик, қўлига ҳасса ушлаган чол пайдо бўлди.

— Тушимми, ўнгимми?! — деди у Норбой қорига, — Биз томонларга келар кунингиз бор экан-ку!

Қори мийиғида кулди ва кучоғини очиб турган оқсоқол сари юрди. Улар кучоқлашиб кўришишди. Чол талай муддат қорини кучоғидан бўшатмади. Кўзидан ёш чиқди.

Икром уларни бир оз кузатиб турган киши бўлди-да, эшикни очди.

— Эсим қурсин! — деди чол қорини кучоғидан бўшатаркан, шанғиллаган овозда. — Мулла бова, одам қаригач, мияси сал айниб қоларкан. Ҳозир, — дея у чодир томонга ўтирилди-да: — Эгамназар, ҳов Эгамназар! — деб кимнидир чақирди.

Унинг овози ҳавога сингмасдан, атрофи шох-шабба билан ўралган қўтон тарафда яна битта чол пайдо бўлди. У семиз араби қўй етаклаб олганди.

— Билади, — деди қорининг ёнидаги чол, — мендан беш ёш кичкина-да, ақли бутун ҳали.

Эгамназар исмли, соқоли ўзини сенсираб чақирган чолниқидан қалта бўлмаган, юзига ҳисобсиз ажин тушган эса-да, дадил-дадил қадам босиб келган отахон қорининг оёғи остига қўйни ётқизди-ю, бўғзига пичоқ тортиди.

Дилдора машинадан тушмаган эди. Ташқаридаги воқеаларни ойнадан кузатиб турганди. Чолнинг қўй бўғизлаганини кўриб: “Вой!” — деб қичқириб юборди-да, юзини бекитди. Сал ўтгач, унинг юзида кўз ёшлари пайдо бўлди.

Икром ҳам иззат билан кутиб олинди. Дарров меҳмонлар чодирлардан бирига олиб кирилди. Албатта, Дилдора бошқа чодирга — шу ерда яшаб, чўпон-чўлиқларнинг хизматини қилиб юрган аёллар кулбасига олиб кирилди.

Чодир ичи хийла кўркам эди. Ерга аввал қалин қилиб сомон ёйилган, устига гилам тўшалганди. Деворлари ҳам қалин жунли кигиз билан ўралган эди. Икром худди ўзини бундан юз йил олдинги замонга тушиб қолгандай хис этди.

Чол билан қори кўрпача устига яхшилаб ўтириб олгач, обдон сўрашишди. Чолнинг исмини қори “Нарзулла ота” деб атади. Икром эса уларнинг узундан-узоқ сўрашишларига қулоқ тутиб ўтирди.

— Бу йигитнинг исми Икром, — деди қори тортинибгина ўтирган йигитни кўрсатиб, — яқин одамларимиздан бири. Ўзи ажойиб, кўнгли очиқ йигит.

— Шунақами? — деди Нарзулла ота юзига табассум югуриб. — Яхши-да. Биз томонларга бир меҳмон бўлай дебсиз-да.

Ўзига қарата айтилган гапга Икром ҳам жилмайиб “ҳа” дегандек бош силкиди.

— Бир кун эмас, анча кун меҳмон бўлади. Бора-бора балки мезбонга ҳам айланиб кетса, ажабмас.

Икром қорининг гапини эшитиши билан ғалати аҳволга тушди. Шу боис, озгина қимирлаб қўйди. Юзининг ҳам бир оз қони қочиб, оқарди.

Кўпни кўрган Нарзулла ота йигитдаги ўзгаришни дарров илғади, шу боис:

— Кўринишидан тузук болага ўхшайди. Қони тозалиги афтидан билиниб турибди. Одамимиз оз. Яхши-да шундай жигитларнинг орамизга қўшилгани, — деди.

Дилдора ҳам ўзгача иззат-икром билан сийланди. Келинчак бунақа бўлишини ҳечам кутмаганди. Қишлоқ, айниқса, бунақанги тоғу тошлар орасида яшайдиган аёлларни у ўта қўпол бўлишса керак, деб ўйларди. Лекин бу кўримсизгина кулдада учта қари кампирдан тортиб, иккита ҳали етти-саккиз оралигидаги қизчаларнинг уни айланиб-ўргилишлари, бирпасда турли-туман ноз-неъматлару қанд-қурслардан ейишга даъват қилишлари эсанкиратиб қўйди. Ҳаммадан ҳам, аввалига ўзларини олиб қочган қизчаларнинг дарров унга кўникиб суйкала бошлаганликлари шунчалик ёқиб тушдики, бутунлай ғам-ғуссани, бу ерга не мақсадда келганини унутди.

— Сийзни опам дисам мейлима? — деди қизчаларнинг бўйи пастроғи чучук тилда.

— Ҳа, бемалол, — дея унга жавоб қилди кўзлари қувончдан порлаб кетган Дилдора.

Бироқ Дилдоранинг ёнгинасидан жой олган, юзию пешонасида ҳисобсиз ажинлари бўлган кампир:

— Жамила, бор долага чиқиб ўйна, катталарди ичида сенга нима бор? — дея қизалоқни ҳайдаб юборди-ю, Дилдоранинг ҳафсаласини пир қилди.

Дарҳақиқат, кампир бу соҳибжамолнинг кутилмаганда пайдо бўлганидан бошқалар каби хурсанд эмасди. Айниқса, Дилдоранинг кийиниши унга мутлақо ёқмаганди. “Бўйи етган қиз (бу ернинг келинчаклари, албатта, бошларига рўмол ўрашар ва мумкин қадар очиқ кийинмасди. Бармоғидаги никоҳ узугини ҳисобга олмаганда, Дилдорани кўрган одам келинчак деб сира ўйламасди) уялмай-дими ярим-яланғоч юришга? Бу аҳмоқнинг ота-энасига нима бало бўлган, шундай юрғизиб қўйибди? Улар-ку, майли, анави қорини ёши қайтганида жин-пин уриб кетганми дейман? Уялмай-нетмай шу таннозни бошлаб келадими?” — деб ўйлар, шу боис, невараларининг бу қизга суйкалишларидан гаши келиб, уларни ҳайдаб юборганди. Иккинчи томондан, унинг ўзи ҳам қиз боланинг бунақанги гўзал бўлишидан ҳайратга тушган эди.

— Ота-энангиз борма, қизим? — деб сўради кампир қизчалар қовоқларини уюшиб ташқарига чиқиб кетишгач.

— Ҳа, — деди дастурхондан кўзини узмай Дилдора.

— Ҳмм, шаҳарликмисиз?

— Ҳа, шаҳарда турамиз.

— Ёшингизам йигирмага бориб қолгандир?

— Ҳа, шунга яқин, — дея жавоб қилди қиз баттар ўнғайсизланиб.

Яхшики, шу маҳал бирин-кетин иккита жувон чодирга кириб келди. Агар шулар келиб қолишмаганда, кампир ҳали тузук-қуруқ нафас ростлашга улгурмаган қизни гап билан бир-икки “чимчиб” олмоқчи эди. Келинларининг бевақт келиши унга ёқмай, ёвқараш қилиб қўйди.

Жувонлар қайнонанинг афт-ангорини кўргач, ичларида фаришта мисол ўтирган қизнинг гўзаллиги олдида лол қолган эсалар-да, хушламайгина кўришган бўлдилар.

Сухбат ҳам шу тарзда узуқ-юлуқ кечди. Асосан кампир

савол қотди. Дилдора қимтиниб, уялибгина жавоб бера-верди. Унинг тортинчоқлиги кампирни авжлантириб юборган эса-да, меҳмонни бирдан жуда уялтириб қўйишдан, ҳартугул, ўзини тийди. Кўп ўтмай, қовурилган жигар олиб келишди. Дилдора ростмана очиққан эди. Бунинг устига, жигар қизартириб қовурилиб, устига пиёз тўғралган, унинг хушбўй ҳиди эса келинчакнинг иштаҳасини баттар қўзғатиб юборганди. Шундай эса-да, “олинг-олинг” бўлмагунча ўзини тийди. Кампир бир бўлак жигарни оғзига солиб ўзгача лаззат билан чайнай бошла-гачгина, Дилдора кичкина бўлакчани оғзига солди.

— Қизим, — деди кампир оғзидаги луқмасини ютганидан сўнг, — бу ерда тортинчоқлик ҳам, таннозлик ҳам кетмайди. Тоғ деб қўйибди бу ерларни. Тўйиб овқатлан-масангиз очқаб қоласиз.

Дилдора барибир унинг айтганини қилолмади. Уялди. Шу боис, кампирдан бошқа аёллар, келинчаклар ҳам овқатдан озгина тотинган бўлишди-ю, дарров қўлларини артишди.

— Қизим, — деди лагандаги қовурилган жигарни еб битираёзган кампир лаб-лунжини сочиққа артиб, бир хўплам кўк чой ичганидан сўнг, — бу ерда бир-икки кун меҳмон бўлишингиз аниқ. Очиқ-чочиқ юришингиз тўғри келмайди. Келинлар кўйлак топиб беришади. Кийиб олинг.

Бу гапдан кейин Дилдора дув қизарди. Узун киприкларини пирпиратиб, жувонларга бир-бир қаради. Улар мийиғида қулишди. Бири эса кўзини қисиб қўйди. Келинчак бундан ҳеч қандай маъно уқмади. Шу боис, унга тикилиб қолди. Шунда жувон кампирга юзланиб:

— Менинг кўйлакларим роса мос тушади. Гавдамиз ҳам бир хил экан, — деди жилмайиб. Унинг табассуми кампирга ўтиришмади. Бир гап билан узиб олмоқчи бўлди-ю, меҳмоннинг олдида ўзини босди. Унинг ўрнига:

— Қараб турмай, обор, кийинтириб кел, — деди.

Жувон дик этиб ўрндан турди. Унинг бу қилиғи эса ҳаммасидан ошиб тушди. Кампир чидаб туrolмади.

— Нима, мунча эчкига ўхшаб диконглайсан? Бировни кўрсанглар ўзларингни босолмай қоласанлар-а! — дея

кенжа келинига ўқрайиб қаради. Бироқ келин унинг гапига парво қилмади. Дилдорага юзланиб жилмайди-да:

— Юринг, — деди.

Дилдора билан келини чиқиб кетгач, Зарбуви кампир ёнида ўтирган овсинига қараб:

— Кўрдингизми, буни? Гапираяпсанам демайди. Муш-тдай боши билан гап қайтарганига ўлайми? Ҳали эри келсин, яхшилаб айтиб бераман. Кун кўрмагур, бир ҳақини олсайди, эси кириб қоларди, — дея ёзғирди.

— Қўйинг, овсин, бир-икки йилдан кейин ўзи мулла минган эшакдай бўп қолади, ҳали ёш-да, — деб уни юпатган киши бўлди-да, Дилдорани мақташга тушиб кетди. — Оппоққинайкан. Бундайчақинлар эркакларди жонини суғуриб олади. Кийинганини айтмаса, одоблигина-гаям ўхшайди. Ўзимизникилар, ҳамма жойини ёпволгани билан, пала-партиш. Ёйишиям, ишиям шундайчағин.

— Энди шаҳарди қизи-да, қаерда қандай ўтиришди билади. Лекин бундайчалар ичидан пишган бўлади. Ҳа-а, айтганча, келинларга айтиб қўйинг, эрларидан бохабар бўлишсин. Яна хотини қолиб, бу қизга ёпишиб олиш-масин. Ўзи қори нимага опкепти буни? Ё бу қориям шаҳарда юравриб айниб қолдима?

— Ким билсин? Художўй-ку... Лекин-чи, анави кенжангиз Бахшуллога шу қизди келин қисангиз, менимча, узукка кўз қўйгандай бўлайди-да.

Аслида Зарбуви кампирнинг хаёлида ҳам шу ўй эди. У Дилдорани кўриши билан бир қалқиб тушган ва бирдан келин қилиш истаги пайдо бўлганди. “Агар ўзимизди кийимлардан кийдириб қўйсам, роса ярашади. Битта шаҳарлик келиним бўлса, ҳамманинг оғзидан суви қочиб, ич-эти куйиб ўлади. Бугина бунчаям чиройли бўлмаса, бир пиёла сув билан ютиб юборгудай. Ўзиям сутга чайилгандайгина экан”, деб ўйлаганди. Ўзидан ўн беш ёш кичик Мастура овсини унинг қўнглидагини топиб айтди. Истагини баттар кучайтирди. Энди: “Ўзим ҳам шундай қилмоқчиман”, деб оғиз жуфтлади-ю, бирдан тилини тийди. “Бу шумияндиям бўйи етган боласи бор. Икки-уч ойдан бери уйлантираман деб юрибди. Мени улимга айтганиминан ўзиниям қўнгли алағда бўп ўтиргандир”, дея хаёл қилди-да:

— Кўрамиз-да. Кўриниши ёмон бўмаганиминан ичида нима бор, буни худо билади. Яхши қиз бўсайди, учта эркакди орасида шу товларга келармиди? Яна кўчада юрайдиган қаланғи-қасанғилардан бўмасин тагин, — дея бужмайган юзини баттар бужмайтирди.

— Кўринишидан ундайчага ўхшамайди. Бир дарди бор-дирки, кеган. Ҳа, айтганча, анави иккови кимакан, бу қизга ким бўлайкан?

— Унисини ҳали менам билмайман. Чол меҳмон келади, демовди. Кийиниб кесин-чи, сўраймиз-да. Менга қаранг, овсин, Бахшулло сизди Исматиллангиздан бир ёш кичкина, келинам излаб юрувдингиз, аста қўнглига қўл соп кўринг, шу ерларда қолишига хоҳиши бўса, шартта келин қиласиз-қўясиз. Мен бўлса, ўтган йили келин туширувдим. Ҳам Исматилла турганда Бахшуллони уйлантириб қўйсақ уят бўлар.

— Эй-й, янга, дардим ичимда бўп қолди мени. Бу кунинг кўп бўғур бола Эшмонсойдаги битта қизга ошиқ бўп қопти. Анави куни бош чўпон — Неъмат чўлақ кеп менга нима деса деп кетди. Исматилла бир сурув қўйди қаровсиз ташлаб, ўзи шу қизди олдига кетиб қопти. Чўлақни гапига қараганда, у бир бетайин одамди қизиймиш. Ўзим бир нима қилалмайман, дардимни бошқага айталмайман. Шуйтиб, ўзимни мойимга ўзим қоврилиб юрибман.

“Ўл, ўл, бу кунингдан баттар бўл, мени боламди устидан оғзинг қолиб орқанг билан кулувдинг, ана, ўзинг мендан баттар бўпсан-ку! Меники-ку, тагли-тугли одамди қизини опқочиб келувди. Келиним, худога шукр, ёмон чиқмади. Хизматимди қип юрибди”, дея хаёл қилди-ю, Зарбуви кампирнинг тилига бошқа гап кўчди:

— Бўмаса айни муддао. Бу қизди кўрса, улингиз ошиқ бўган қизидан айнийди-қолади. Ҳозир келишиминан меҳмон қизди оғзини исканг. Менам ёрдамлашаман. Бир бало қилиб кўндираимиз.

— Шошмайлик, янга. Шундай қиз шаҳарда юради-ю...

— Эй-й, менга қаранг, шаҳарда бундайлар жудаям кўп. Ҳаммаси бир-биридан чиройли. Кўндираимиз, гап тамом. Биздаям битта чиройли келин бўсин-да.

Дилдора билан жувон чодирдан чиқишлари билан келинчак меҳмонининг қўлидан ушлаб олди-да:

— Қайнанамнинг гапига хафа бўлманг. Ёши саксонга яқинлашиб қолган. Қари одам бир хилда шундай гапириб кўяди-да, — деди.

— Йўқ, ҳечам хафа бўлмадим. Ўзим хижолат бўлиб ўтиргандим. Уйдан чиқаётганимда бошқа кўйлак кийсам бўларкан. Кела-келгунча роса афсусландим, — дея жилмайди Дилдора.

— Исмингиз нима? — сўради жувон.

— Дилдора.

— Меники Назокат. Ўтган йили келин бўлдим бу ерга. Қишлоғимиз анча олисда. Қўлингиздаги узукни кўриб, сизни ҳам турмуш қурган деб ўйладим.

— Ҳа, яқинда эрга тегдим. Хўжайиним билан бирга келганмиз.

— Хўжайинингиз ҳам шу ердами? Яхши бўпти-да. Сиздай қизни, менимча, ҳеч бир эркак ёлғиз жўнатмаса керак. Айниқса, бу томонларга. Бизда бўрилар кўп бўлишади.

Иккала келинчак ҳам бирдан кулиб юборишди. Назокат Дилдоранинг белидан қучди.

— Қайнсингилларим олдимга югуриб боришиб: “Янга! Янга! Шундай чиройли қиз келдики... Ҳинд қизлариданам чиройли!” — дейишди. Уларнинг гапини эшитишим билан дарров оёғимни кўлимга олиб чопдим. Айтганларича бор экансиз.

Унинг гапидан яна Дилдоранинг юзига қизиллик югурди. Бу ҳолат уни янада гўзал қилиб юборди. Айни шу пайт Бахшуллони унга кўзи тушди. У чўпонларга тушлик олиб кетиш учун келган, отидан энди тушганди. Ота-энасининг чодирини тарафдан чиқиб келган янгаси билан бу санамни кўрди-ю, бир қалқиди. Юраги дукиллаб уриб кетди. Қўлидан отининг жилови тушиб, бир муддат фариштага термилиб қолди.

Иккала келинчак ҳам бир вақтда Бахшулло томон юзланишди. Дилдора бирдан кўзини олиб қочди, оппоққина юзига қизиллик югурди. Назокат Бахшуллога ўқрайган бўлди.

— Ким у бола? — деб секин сўради Дилдора Назокат билан бирга чодирга кираркан.

— Қайним. Кўринишидан Алпомишга ўхшайди. Асли-

даям шундай. Бир куни, ишонсангиз, тўртта бўрини якка ўзи овлаб келибди. Бўрилар унга ҳамла қилишган экан, барини ўлдириб, ўлжа қилибди. Яна денг, қўлида қамчисидан бўлак нарсаси йўқ экан. Бир ичим ачиди бечорага, бир ичим ачиди. Ёш наrsa уйланмай туриб ўлиб кетса нима бўларди? Аксига олиб, от қурғур ҳам бўрини кўрди дегунча худди сеҳрлангандай бир ерда қотиб қолади.

Дилдора унинг гапларини мароқ билан эшитди. Боягина ўзига ўзгача нигоҳда қараб турган алпқомат йигитнинг энгилмас, жасурлигидан ҳайратланди.

— Лекин-чи, мен энди келинчак бўп тушганимда жуда бошқача қараш қилувди, — давом этди Назокат. — Уялиб кетганман ўшанда. Сиз ниҳоятда гўзалсиз. Эркаклар у ёқда турсин, аёллар ҳам ошиқ бўп қолишибди. Қайнаман ўлгур бирам суқланиб қарадики!

— Назокатхон, мани кўрқитиб юбораяпсиз, ўзи ноқулай ўтиргандим.

— Ҳечам кўрқманг, ҳаммаси жойида бўлади. Эрингизни ҳам кўркамгина йигит дейишди.

Дилдора жилмайди. Унинг хаёллари теранлашганди. Гарчи анави йигит ўзига ҳирс билан тикилган, Назокат ҳам, худди атайин қилгандай, ўша йигитни мақтаган эсада, унинг кўнглига мутлақо шубҳа-гумон келмади. Қайтанга Назокатнинг очиқкўнгиллиги унга ёқди. “Энди шу қиз билан доим сирдош дугона бўлиб юраман”, деб хаёлидан ўтказди.

Назокат берган кўйлакни Дилдора ўзига ўлчаб кўриб, жилмайди.

— Иккаламиз бир хил киярканмиз, энди кўйлакларингизнинг ҳаммасини олиб қўяман-ов.

— Вой, бемалол, менга устингиздагини ечиб берсангиз бўлди, — дея Назокат ҳам ҳазиллашган бўлди.

— Вой, — деб Дилдора кўзларини катта-катта очди. Унинг бу қилиғи ўзига шунақанги ярашдики, Назокат ичида бир энтикиб қўйди. — Қайнонанингиздан балога қолиб кетасиз. Қаранг, бегона бўлсам ҳам мени қанчалик ёқтирмадилар.

— Кечаси, хўжайин келганидан кейин... Би-ир кўзини ўйнатаман, нима дейсиз?

Иккала келинчак ҳам шарақлаб кулиб юборишди. Улар-



нинг шодон кулгиси эндигина отини боғлаган, юраги гупиллаб ураётганидан ҳаяжон босиб, акасининг чодир томон тез-тез қараб қўяётган Бахшуллонинг ҳам қулоғига эшитилди. Кўзлари олов бўлиб ёнди ва шоша-пиша обдастада юз-қўлини ювиб, белбоғига артди. Чанг босган сочларини бармоқлари билан тараган бўлди.

Бу пайтда Нарзулла ота ичкаридан чиқиб, кампири ўтирган чодирга яқинлашмоқда эди. У кичик келинининг чодир томонга ҳайкалдек қотиб қараб турган Бахшуллони кўриб ажабланди.

— Бахшулло, нима қип турибсан?

Отасининг овозидан Бахшулло чўчиб тушди ва худди ўғрилиқ устида қўлга тушган одамдай қизариб кетди.

— Ўзим. Ҳозир келдим, — дея зўрға гап топиб берди.

— Қўйларга ким қараб қолди?

— Неъмат ака... Тушликка кеча ҳеч ким овқат опкетмаган экан, шунга келувдим.

— Бўпти. Меҳмонлар бор. Ҳалим акангди чодирда ўтиришибди. Дарров кириб сўраш-да, овқатингни шу ёқда еб, кейин тез жўна изингга. Мулла боваям шу ерда. Салом бериб кир.

— Хўп, — деди Бахшулло бош ирғаб ва отаси айтган тарафга юрди.

Нарзулла ота кампири ўтирган чодирга келди-да, ичкарига кирар-кирмасини билмай бироз туриб қолди. Сўнг саноқсиз ажинлар босган пешонасини қашлаб:

— Кампир! Ҳов кампир! — деб аёлини чақирди.

Зарбуви кампир овсини билан шаҳарлик олифта қизнинг гўзаллиги-ю, шарм-ҳаёни билмаслиги тўғрисида обдон ғийбатлашаётганди. Чолининг овозини эшитиб афтини бужмайтирди. Овсини эшитар-эшитмас қилиб:

— Шу сассиқ чол ўлмади, қутулмадим-да, — деди минғирлаб. Сўнг: — Ҳозир! — деганча оғриниб ўрнидан турди.

— Кампир, санга меҳмонларди кимликларини айтишга улгурмовдим, — деди Нарзулла ота аёлига. — Булар шаҳарди яхши одамлариданакан. Ҳимм. Силар билан ўтирган келинчак...

— Эй-й! — деди Зарбуви кампир бирдан кўзи чақчайиб, эрининг гапини бўларкан. — У ҳали келинчакма? Мен билмапман-да.

— Ҳа, келинчак. Эриминан кепти.

— Ҳеч ўхшамайди-ку! Худо осин-да буларди! Келин деганам шундайча кийим кияма?

— Шаҳарлик-да. Уларда урф шундай. Менга қара, майда-чўйда гапингди йиғиштир-да, катта улингди қишлоққа жўнат, битта чодир опкесин... Тўхта, отга аравани қўшсин. Кўрпа-ёстикларданам кўпроқ опкесин. Идорани қоровулига бориб учрашиб, мени айтса, битта чодир беради. Кейин бугунча келин силарминан ётиб туради. Куёвди кўриниши яхши, келинам ёмон бўмаса керак. Тушундинг-а? — деб кампири жавоб қайтармасидан, Нарзулла ота ортига бурилди. Зарбуви кампир гапирмоқчи бўлдию, лекин чоли бурилиб кета бошлаганидан кейин гапи оғзида қолди ва ҳафсаласи пир бўлиб чодирга кирди.

Бахшулло ўзи кўрган қизнинг эри Икром эканлигини билгач, ичидан зил кетди. Аввалига: “Бошқа бир қиз ҳам бордир, шунинг эридир. Мен кўрганим қиз боладир”, деган ўйга борганди, лекин даврадагиларнинг суҳбатлари асносида бошқа бир келинчакнинг йўқлигини билиб олди. Ва шоша-пиша овқатланиб, қоридан дуо қилиб беришини сўради.

— Шошма! — деди унга отаси ва Икромни кўрсатди. — Бу бола сен билан бирга юради. Ҳозирча. Шунга эртага тушдан кейин келгин.

Бахшулло жавоб қилмади. Фақат бош ирғаб қўйди. У ташқарига чиққач, тоза ҳавода ўпкасини тўлдириб нафас олди ва бошини ҳам қилиб оти томонга кета бошлади. Ҳали ёш эмасми, кўзи ёшга тўлди. “Шундай қиз нега қаердаги сўтакнинг хотини бўлади? Агар бунақангиларга мана шундай гўзаллар теккан бўлса, менга ундан ўн чандон зўрроғи тегиши керак. Лекин бу атрофнинг қизлари унинг яқинигаям йўлолмади”, деб ўйлади. У отининг ёнига етгач, талай муддат туриб қолди, минг бир умидла акаси билан янгасининг чодирига қаради. Бироқ энди у тарафдан ҳеч бир сас эшитилмасди. Чуқур хўрсинди, отнинг жilовидан ушлади, лекин унга минишга ўзида куч тополмади. Оёғини узангига қўйди-ю, яна ерга туширди. Сўнг умидларини кўзига жамлаб аввал акасининг, сўнг ота-онасининг чодирига қаради. Аммо орзуси ушалмади. Соҳибжамол қайтиб кўринмади. Сўнг ноилож

отига минди-ю, шу заҳоти яна сакраб тушди ва шитоб билан энаси ўтирган чодир томон юриб, худди ҳеч вақодан хабари йўқ одамдай бостириб кириб борди.

— Эй-й, меҳмон бормиди? — деди кирган жойида тўхтаб.

Уни кўриб Зарбуви кампир қувониб кетди ва бирдан Дилдора томон юзланиб:

— Мени кенжам, Бахшулложон, — деди ўглининг қадди-қоматидан кибрланиб.

— Ассалому алайкум, — деди Дилдора остонада ўзига термилиб турган йигитга.

— Майли... — деди зўрға тили калимага келган Бахшулло қизнинг саломига алик олишни ҳам унутиб, — кечикаётувдим. Янга, анави, сизда ишим борида...

У чўпонларнинг ёнидан нима мақсадда бу ёққа келганини эслади. Эслаш баробарида қувониб кетди. Ахир энасининг чодирига кирганлиги учун баҳона топилганди-да.

— Тинчликми? — деди Назокат қайнисининг ортидан ташқарига чиққач.

— Овқатга келувдим, янга. Чўпонларди овқати қолмади. Кам опкетишган экан.

— Ҳозир, — деди Назокат ва шошиб ўзининг чодир томон кетди.

Совхоз директори шу ердагиларнинг оқсоқоли ва жуда кўп йиллар ҳалол қўй боққани учун Нарзулла отанинг уйига чўпонларнинг овқатига деб масаллиқ ташлаб кетарди. Шунингдек, Нарзулла отага қўшимча ойлик ҳам белгилаб қўйганди. Албатта, қишлоқдан анча олисда яшайдиган бу одамлар кундалик ҳаётининг ғамини еб қўйган эди совхоз директори. Электр сими тортирган, газета-журналлар, вақтидан кеч бўлса-да, келиб турарди. Гўшт масаласи эса шу ернинг ўзида ҳал бўларди.

Назокат хуржунни яхна гўшт, ёғ, нон ва бошқа масаллиқлар билан тўлдирди-да, олиб чиқиб қайнисига берди.

— Янга, — деди Бахшулло кетишни истамай, — анави келганлар ким экан?

— Қайси бири? Биз билан бирга ўтирган келинчакми ёки отамлар билан бирга ўтирган йигитми? — деди Назокат кўзини айёрона қисиб.

— Ҳаммаси.

— Шаҳарда қариндошлар борлигини билмаскансиз-да. Ана шу қариндошларимиз келишди.

Бахшулло янгасига ўқрайиб қараб қўйиб, ирғиб отига минганча чоптириб кетди.

— Тентак, — деди унинг ортидан Назокат, — бир кўргандаёқ оғзидан суви оқиб қолибди.

Қори Нарзулла отага Икромнинг қандай одамлигини, нима ишлар қилганлигини айтмади. У ўғлидай бўлиб қолган бу йигитга қаттиқ ишонар, аввалги қилиқларини бошқа такрорламаслигига имони комил эди. Шу боис ёлгон гапирётгани учун бир неча марта Яратганга узр айтиб, Икромга тоза ҳаво кераклигини, шунинг учун бирор йилча тоғлар орасида яшаши зарурлигини таъкидлади.

— Мўмин-муслмон эканлиги кўриниб турибди. Ажабмас, бизди жойлар кўнглига ўтириб кейинчалик ҳам қолиб кетса. Шу қўзилаш мавсумида қўйларди сони ярим баробар ошиб кетди. Боқадиган одам керак бўлиб турувди. Аввалига Бахшулло билан юриб, ўн-ўн беш кун ўрганади, сўнг ўзи боқиб юраверади, — деди Нарзулла ота қорининг гапларини диққат билан эшитаркан.

Эртасига Икром билан Дилдора учун алоҳида чодир тикилди. Бу чодир бошқаларига нисбатан бирмунча кичик эди. Лекин икки киши бемалол яшаса бўларди.

— Бир кун ёнимда бўлмасангиз, ўзимни жуда ёлғиз ҳис қиларканман. Илтимос, энди менинг сиздан бўлак ётишимга йўл қўйманг, — деди Дилдора эртасига кечки пайт.

— Ёқдимми ўзи бу ерлар? — сўради Икром Дилдоранинг сочларини силаркан.

— Ҳавоси ниҳоятда тоза. Одамнинг дили яйрайди. Ундан кейин мен Назокат исмли келинчак билан дугона бўлиб олдим. Соддагина экан. Истараси иссиқ. Бошқалар ҳам содда, яхши одамларга ўхшайди-ю, яна ким билсин?

Худди шу маҳал Дилдоранинг кўз ўнгидан Бахшуллонинг ўтли қараши ўтди. Бу қараш жуда бошқача эди. Ҳатто Икром ҳам унга бирор марта бўлсин, бундай нигоҳ билан тикилмаганди. Бахшуллонинг нигоҳида болаларча

беғуборликка алланарса қоришиқ бўлгандики, уни Дилдора бировга айтолмасди.

— Менинг чўпонлик қилишимни тасаввур қилоласанми? — сўради Икром Дилдоранинг хаёлини бўлиб.

— Йўқ, ҳечам. Нима, қўй боқмоқчимисиз?

— Бу ерда бошқа қиладиган иш йўқ. Ундан кейин, ўзимга ҳам маъқул келиб турибди. “қурай-қурай” деб юраман сурув ортидан.

Дилдора пиқ этиб кулиб юборди. Ва эрини маҳкам кучоқларкан:

— Ўша юришингизни йигитларингиз кўрганларидами?

Унинг гапига Икром жилмайди.

— Танимасди. Қайтанга танимаганлари яхши. Аста-секин эсларидан чиқариб юборишса, шаҳарга бориб бемалол яшаймиз.

— Айтганингиз келсин.

Эртасига чошгоҳга яқин Икром қори билан хайрлашди.

— Сиз ҳам биз билан бирга бирор ҳафта турсангиз бўларди. Кўникканимиздан кейин, борардингиз ўша шаҳарга, — деди Икром бир нарсасини йўқотиб қўяётган одамдай ғамгин қиёфада.

— Хавотир олманг, иним, бу ердагиларнинг ҳаммаси яхши. Шумликни билмайдиган одамлар булар. Бировга зиёни тегмайди. Тез топишиб кетасиз. Мен ҳали вақт топиб яна келаман, — деди қори ва Икромнинг елкасига қоқиб қўйди.

Қорига нисбатан ниҳоятда ихлоси баланд бўлган Нарзулла ота кўзига ёш олди. Ахир Нарзулла отанинг ўз қариндошларини намоз ўқишга, ўғирликдан тийилишга (қўйлар эгиз туғиши табиий ҳол, албатта. Лекин кўзиларнинг ҳар иккиси ҳам доимо ҳисобга олинавермайди. Баъзи кўзилар эса бош сифатида ўз онасининг ўрнига ўтиб кетаверади. Чол қариндошларининг бундай қилмасликларини қаттиқ тайинлайди. Гоҳида ҳамма қўйни санаб чиқишга ҳаракат қилади... Нарзулла ота ҳатто раисга ҳам қоғози бўлмаса қўй бермайди. Лекин қоғозларнинг сохта бўлиши унинг хаёлига ҳам келмайди), ароқ ичмасликка даъват қилиб, тўғри йўлга солган одам мана шу қори эди. Энди Нарзулла чолнинг ёши бир жойга бориб

қолган, қабрга қўйилишидан аввал, ўзи ниҳоятда қаттиқ ихлос қўйган мана шу Норбой қори жанозасини ўқишини истайди. Бироқ қори доим шаҳарда бўлади. Чолнинг ўлими ҳақидаги хабар унга етиб боргунича ер қаърига кириб кетиши ҳеч гап эмас. Чўчийдиган томони мана шунда.

— Ишқилиб, — деди Нарзулла ота Норбой қори ўтирган машина жўнаб кетганидан кейин, — янаги сафар келгунича омонатимни топшириб қўймайин-да.

— Ҳали кўп яшайсиз, ота, — дея кўнглини кўтармоқчи бўлди унинг ёнида турган Бахшулло.

Отаси унга қараб ҳам қўймади. Нигоҳи тобора узоқлашиб кетаётган машинада эди. У бирон сабаб бўлиб, бугуннинг ўзида Норбой қорининг қайтиб келишини истарди. Бироқ истак истаклигича қолиб кетаверди.

Машина кўринмай кетгачгина Нарзулла ота билан бирга қорини кузатгани чиққанлар ортларига қайтишди. Ва ҳамма иш-ишига кета бошлади.

— Сайисхонадаги отни Икромжонга эгарлаб бер, — деди Нарзулла ота Бахшуллога.

Отасининг гапи Бахшуллога ёқмади. Лекин унга ёқиш-ёқмаслиги кейинги масала. Ота айтдими, демак, уни бажариши шарт. Бажармайин ҳам кўрсин-чи, Нарзулла ота уни нима қўйга солади!

У Икромни жуда ёмон кўриб қолганди. Чунки Икром у бир кўришдаёқ севиб қолган қизнинг — келинчакнинг эри эди. Мана шунинг учун ҳам ёмон кўрарди. Лекин буни ҳозирча ўзигина биларди.

— Кеча оқсади, бугунча дам берсак бўлмайдими? — деб баҳона қилмоқчи бўлди Бахшулло.

— Оқсаган бўлса наҳалини кўр, — деди уни жеркиган Нарзулла ота.

Ноилож қолган Бахшулло бошини ҳам қилиб сайисхона тарафга кетди. Бироздан кейин олачипор отни етаклаб келди. От мутлақо оқсамай, қўйиб берса, гижинглаб кетадигандай эди. Уни кўрган заҳоти Икромнинг завқи ошди. Унинг бўйнини, ёлларини силади. Отга Икромнинг қўли хуш ёқиб, пишқириб қўйди.

— Зўр экан! — деди Икром ҳаяжонини босолмай.

Унинг шодлиги дарров Бахшуллога ҳам юқди. У бу от

бошқаларидан қандай хислатлари билан фарқ қилишини айтиб мақтанмоқчи бўлганида, чодирдан Дилдора чиқди-да, эрининг жуда гўзал тулпор ёнида турганлигини кўриб, кўзи қувнаб кетди ҳамда:

— Икром ака! — деб қичқирганча югуриб кела бошлади.

Бахшуллонинг юраги гупиллаб уриб кетди. Икром хотинига жилмайиб қаради.

— Бунча ширин! — деди Дилдора ҳеч тап тортмай отнинг бўйнига осилиб оларкан.

— Ширин? — дея ҳайрон бўлди Бахшулло. — Қанақасига от ширин бўларкан?

— Чиройли, ёқимтой нарсаларни шаҳарликлар кўриб қолишса, шундай дейди, — деб Икром изоҳ берган бўлди.

— Мен ҳам бир минайин.

Дилдора шунақанги эркаланиш, нозланиш билан гапирдики, Бахшулло бутунлай довдираб қолди. У азбаройи ҳолатини Икромга билдириб қўймаслик учунгина, ёнидаги тулпорнинг айилига қўл юбориб, гўё бўшаган-бўшамаганини текшириб кўра бошлади.

Шундан сўнг унинг юрагига яна битта “ўқ” тегди. Эри отга минишидан аввал Дилдора унинг лабидан бўса олиб қўйди. Айни шу лаҳзада Бахшулло улар томонга қараган эди.

— Яхши бориб келинг, эҳтиёт бўлинг, кўп қолиб кетманг, — дея Дилдоранинг эрига эркаланишлари эса Бахшуллонинг баттар рашкини кўзғади. “Шу қилганингга, — дея хаёлидан ўтказди у, — эрингни бошқа қайтиб кўрмайсан. Мен ўзим сенга эрлик қиламан. Мени худди мана шундай эркалаб кузатасан”.

Дилдоранинг гапларини, эрини ўпиб қўйганлигини бошқалар ҳам кўрган эди. Аёллар бир-бирларига сирли қараб қўйишган, эркалар эса ўзларини кўрмаганликка олган эдилар. Биргина Икром хотинининг ўпичини одадий ҳол деб қабул қилганди...

Икром сойликлардан, сўқмоқлардан, бутазору арчазорлардан ўтиб бораётганларида атрофга болаларча бегуборлик, шодлик, завқ-шавқ билан тикилди. Унинг кўзига ҳар битта гиёҳ ниҳоятда гўзал кўринар: “Дилдора ёнимда бўлса, маза қилар эди”, деб хаёлидан ўтказаркан, ушбу

табиат мўъжизаси ҳақида қайтиб борганидан сўнг лаззатланиб хотинига гапириб беришни кўнглига тугиб қўярди. Бахшулло бўлса миқ этмасди. Хаёлидан келинчакнинг Икромга қилган эркаликлари чиқмас, бунга сари юраги баттар гупиллаб урар, ортидан келаётган йигитни уриб ўлдиргиси келарди.

Икки соатдан мўлроқ юришгач, улар ялангликка чиқишди. Қўйларнинг маъраган овозлари эшитила бошлаганидан Икром билдики, яқин қолишибди. Лекин у ҳали тоғ манзарасини томоша қилиб тўймаганди.

— Етиб қўйдикми? — сўради олдинда боши эгик ҳолда хаёлга чўмиб кетаётган Бахшуллодан.

Бахшулло унинг гапини эшитмади. Шу боис жавоб қилмади. Агар шаҳарда Икромнинг бирорта йигити унинг гапини икки қилган ёки эшитмаганида борми, албатта, керагича “ҳақ”ини олган бўларди. Гапи жавобсиз қолгач, Икромнинг қони кўпчиди. Лекин Норбой қорининг: “Ҳар қандай шароитда ҳам ўзингизни босинг. Озгина нарсага қизиққонлик қилишингиз бошингизга кўп кулфатлар келтириши мумкин. Ақл билан иш тутсангиз, Оллоҳнинг барча синовларидан, албатта, ўтасиз”, деган сўзлари келиб, ўзини босди. Хаёлига Дилдоранинг гўзал табассумини келтирди. Ўзининг қўй боқиб юрганлигини тасаввур қилиб кўрди.

Бахшулло сурувга жуда яқин қолганларидагина бошини кўтариб орқасига бурилиб қаради-да:

— Етиб келдик, — деди.

Чўпонларнинг ҳаммаси бир жойга тўпланган, ўртага олов ёқишганди. Четроқда биттаси кабоб пишириш билан овора эди. Ҳаммаси қалин кийинган, бошидагини ҳам бостириб олишган ва ҳаммасининг соқоли ўсган, юзлари офтобда қорайган. Бироқ гарчи ёшлари ўттизқирқдан ошган эса-да, биронтасининг ҳам юзида ажин йўқ эди.

Икром: “Менинг келишимни буларга аллақачон айтишган бўлишса керакки, қўй сўйиб меҳмон қилишмоқчи”, деган хаёлга борди. Аммо Бахшулло:

— Менинг сурувимданмасми? — дея буларнинг истиқболларига чиқаётганларга савол қотганидан билдики, қўй бошқа мақсадда сўйилган.



— Айни сеникидан-да, ука. Энди отанга ўзинг жавоб берадиган бўлдинг, — деди чўпонлардан бири.

— Нимага сизлар қилган ишга мен жавоб берарканман?

— Қўй деганнинг этини суягига ёпиштирворибсан. Семиз, бақувват бўлганда битта тошнинг устидан тушаман деб оёғини синдириб олмаган бўларди.

— Менинг қўйларимнинг ҳаммаси семиз, — дея ростмана аразлай бошлади Бахшулло.

— Бирдан қовоғинг тушиб кетди-я, — деб кулди Ҳақим исмли Бахшуллодан икки ёш катта чўпон. — Кўрқма, ана, Неъмат акамникидан кетди.

Чўпонлар Бахшуллодан фарқли равишда ўзгача бир мулойимлик, илиқлик билан Икромни кутиб олишди ва иккита хуржунни устма-уст тўшаб, шунинг устига таклиф қилишди.

— Бизнинг кўрпачамиз шу, меҳмон. Энди сиз ҳам шунга кўникасиз-да, — деб кулди қўйбоқарларнинг ёши улуғи, бошқаларга нисбатан савлатлироғи, пешонаси кенг, Неъмат исмлиси.

— Менга ўзи шуниси маъқул. Бемалол ўтираман, — деди Икром ҳам жилмайиб.

— Ҳозир меҳмонлигингиз учун иккита хуржуннинг устида ўтирибсиз. Эртага битта бўлади. Кейин ўзингиз гамингизни емасангиз, қуруқ ернинг устидаям ўтиришга мажбур бўласиз, — деб ҳазиллашди Неъмат.

— Ака-а, меҳмонни бирдан кўрқитиб қўйманг, қочиб кетмасин тағин, — деди Ҳақим.

Шу пайт чўпонлар айлана қилиб ўтириб олган дастурхонга буғи чиқиб турган, ҳиди димоғни қитиқлайдиган кабобни олиб келишди.

— Одам очқаганда, шундай шашликни бировга бермай еб қўйгиси келади, — деди Неъмат бошқаларга қараб илжаяркан.

— Бошқа нарса хоҳламайдиларми, акагинам?! — дея унга кўзини олайтирди Ҳақим. — Кейин ўзингизни еб ташлаймиз-да.

Унинг гапига бошқалар хохлашиб қулишди.

— Менга қаранглар, — деди Неъмат чўпонларнинг кулгиси тўхтагач, — ҳар куни қўйнинг оёғи синавермай-

ди. Биз ҳар доимам бундай шашликхўрлик қилавермай-миз, отинг ўчгур оппоққина шайтоннинг суви бўлсамиди, би-ир маза қилардик-да.

— Қишлоққа ўзлари бориб келадилар шекилли, отингиз ҳаммамизникидан учқур, қанот етишмайди фақат...

— Отам эшитиб қолса, териларингизга сомон тикади, — деб унинг гапини бўлди бирдан Бахшулло.

— Агар сен чақимчилик қилмасанг, отанг билмайди, — деб дарров унинг овозини ўчирди Неъмат, — хуллас, мен эҳтиёт шарт биттасини доим хуржунимга солиб юраман. Айтиб бўладими, бировнинг қорни оғриб қолади, биров шамоллайди. Агар чодирга борганда акамга кўрсатмай, қайтарамиз десанглар, ўртага қўяман.

— Қўйинг, ака, мен ўзим сизга биттамас, иккита бераман. Қўйинг, — деди кабобпаз чўпон.

Дарров дастурхондан бўйни узун, қорнига “Столичный” деб ёзилган тиниқ шиша ҳам ўрин олди.

Икром жигари оғришини баҳона қилиб ўзига узатилган пиёлани қайтарди. Меҳмон бўлгани учун ҳам уни зўрлашмади. Чўпонлар ичларида хурсанд ҳам бўлишди. Ахир бор-йўғи биттагина шиша бўлса, шунча одамга нимадан тегарди? Бахшулло ҳам ичмади. Унга узатишмади ҳам.

— Шаҳардан гапиринг, меҳмон, — деди Неъмат пиёласини бўшатиб газига гўшт чайнар экан, — айниқса, қизларидан. Шаҳарнинг қизлари жа бошқача бўлади деб эшитганман. Ҳар қалай, орамизда уйланмаган, битта қизнинг билагини ушламаган йигитлар ҳам бор. Эшитиб бир маза қилсин.

Бахшулло ўзига қарата айтилган гапдан бўзарди. Икром ҳам дабдурустдан қизлар ҳақида сўрашади, деб ўйламаган эди. Шу боис бироз ноқулай аҳволга тушди. Аслида бундай гаплардан ийманиш унинг табиатига ёт нарса эди. У қўполлик тарафдори бўлиб келганди ҳамиша. Аммо қори билан бўлган суҳбатлардан кейин сўкишларни, ҳақоратни тилга олмайман деб ўз-ўзига онт ичганди. Чўпонлардан бўлса, бунақанги гаплар эшитаман деб сира ўйламаганди. Бунинг устига, уларнинг ҳаммаси бегона.

— Шу ердан туриб кетсам қутуламанми?! — деб бақириб юборди кутилмаганда Бахшулло, — Қичиқ гапла-

рингиз жонга тегди. Меҳмоннинг олдидаям оғзингиз ёпил-масин сизнинг.

Неъмат атайин индамади. Индаса, биладики, ҳўкиз-нинг кучига эга бўлган Бахшулло ташланиб қолишдан ҳам тоймайди. Бунинг устига, унинг кайфияти йўқроқ-дай туйилганди.

Бахшулло ўрнидан турди-да, хуржунини елкасига осиб суруви томон кетди. Агар шаҳар бўлганида, агар Икром аввалгидай баджаҳл бўлганида, Бахшуллонинг ўзидан катта одамлар ёнида бақиринини кечирмасди. Яхшилаб бур-нини ерга ишқаб, ақлини киритиб қўйган бўларди. Лекин у ҳозир ҳеч нарсага эътибор бермаслиги, бировга қўпол гапирмаслиги шарт.

— Меҳмон, — деди Бахшулло нарироққа кетгунча оғзи-даги луқмасини ҳам чайнамай турган Неъмат кўзини қисиб, — калаётганда олдиларингиздан жийда-пийда чиқ-маганмиди?

— Билмадим, эътибор қилмаган эканман, — дея жа-воб қилди Икром гарчи ичида аланга ёна бошлаган эса-да.

— Майли, — деб қўлини силтади Неъмат, — ҳали бўз бола-да, яхши бўп кетади. Қани, сиз овқатга қаранг.

Кечгача Икром Неъмат билан бирга юрди. Неъмат у ўйлаганидан ҳам анча шинаванда йигит экан. Оғзи тин-мади. Тоғнинг сойликларини, жарликларни, қаерда бўри-лар кўпроқ изғишини гапириб берди. Бундан ташқари, ҳар битта чўпонни таърифлади.

— Бу ерларнинг одамлари анча чапани бўлишади. Ҳазилни кўтаришади-ю, лекин бир хилда тушунмай қола-сан. Мана, мен ўзим бутун умр шу ерларда яшадим. Ҳар битта тош, арча, ҳатто буталар ҳам таниш. Энди уч-тўрт қир наридагиларниям танийман. Лекин, ука, одамлари-мизни ҳалигача билмайман. Ана, боя битта мисол кўрдин-гиз. Бахшулло қўпол бўганиминан содда, кўнглида кири йўқ бола. Илгари унга нималар деб ташламаганман. Фиринг этмаган. Қайтанга ўзиям қўшилишиб кулган. Ҳозир бўлса, тўнини тескари кийиб олибди. Шунақа гап-лар. Бу ёғига энди шароитга қараб муомала қилаверасиз. Эшитдим. Бахшулло билан бирга сурув боқаркансиз. Кўнглидан чиқсангиз, жониниям берворади у.

— Кўринишидан ёмонга ўхшамайди. Чиқишиб кетсак керак. Менга ўзи шунақанги болалар ёқади.

Шу билан уларнинг гаплари узилди. Неъмат кунботар тарафга кетаётган қўйларни қайтариш учун отига қамчи босди. Икром эса отининг жиловини қўйиб юборди.

Агар Неъмат пўстин топиб бермаганида, Икром кечаси билан ухлаёлмай, совуқдан дирдираб чиқарди.

Ҳали тонг отмасдан, шудринг кўтарилмасдан, уйқудан туриб қўйларни ёйишгина унга бироз ёқмади. Кўникмаси йўқ эди. Шу боис қуёш чиққунча от устида икки-уч марта пинакка кетишига оз қолди.

У: “Бир сидра қўйларни боқиб келганимиздан кейин яна ҳаммамиз бир жойга тўпланиб, нонушта қилсак керак”, деб ўйлаганди. Бироқ ундай бўлмади. Ҳамма ҳар тарафга кетгани бўйи қайтиб қорасини кўрсатмади. Қовоғи солиқ, мутлақо гапирмайдиган Бахшуллонинг ортидан юриш эса Икромга оғир бўлди. У ҳали бирор марта ҳам бунақанги одамга дуч келмаганди. “Худо кўрсатмасин, бу ҳинду билан бир ҳафта юрсам, ёрилиб кетсам керак”, деб ўйлади Икром.

— Овқатланайлик, — дея бир оғизгина гапирди Бахшулло тушга яқин.

— Чўпонлар кунига бир марта овқатланади шекилли, деб ўйлай бошлагандим, — деди Икром ҳазиллашган киши бўлиб. Бахшулло унга ўқрайиб қараб қўйди-ю, миқ этмади. Отидан тушиб, хуржунни олди ва унинг чўнтагидан нон, яхна гўшт, шиша идишда сув чиқариб ерга қўйди.

Қорни тўйганидан кейин Бахшулло ерга чўзилиб ётиб олди. Икром унинг ёнида ўтиргиси келмай, аста-секин қирга чиқа бошлади. Қир хийла баланд эди. Ҳаммаёғини бута эгаллаганди. Фақат нариги тарафида жарлик бор эди. Икром ўзи билмаган ҳолда айнан шу томонга кета бошлади. Унинг ортидан қараб қўйган Бахшуллонинг бирдан юраги гупиллаб уриб кетди. Хаёлига шайтон солган фикр кўзини чарақлатиб юборди. Агар ўша жарликдан Икромни итариб юборса, биров билмайди. Ҳеч ким бундан шубҳаланмайди ҳам. Эҳтиётсизлик қилиб ўзи йиқилиб тушган бўлиб кетаверади. Хотинчаси бир-икки кун чирқирайди. Кейин аста-секин кўникади ва Бахшулло уни қўлга киритиши осон бўлади.

У ўрнидан сапчиб туриб, секин-аста Икромнинг ортидан тушди.

\* \* \*

Фани Пўлатовичнинг ҳам, унинг иккала йигитининг ҳам тарвузи кўлтигидан тушди. Дилором машинани кўриши билан таққа тўхтади. У илгари ҳам бир неча марта алдов, зўравонлик қурбони бўлишига оз қолганди. Шу боис, энди: “Сутдан оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади”, деган ақидага қатъий амал қиларди.

— Адамнинг энг яқин одамларидан бири экансиз... Унда сиздан бир нимани илтимос қилсам бўладими? — сўради Дилором ортидан етиб келган Фани Пўлатовичдан.

— Бўлмасам-чи! — кўзи қувончдан порлаб кетди Фани Пўлатовичнинг. — Менга илтимос қилмасангиз кимга қиласиз? Аслида илтимос эмас, буюришингиз керак. Биз адангизнинг буйруғига итоат қилиб ўрганиб қолганмиз.

— Раҳмат, шундай дейишингизни билардим. Анави машинани кўраяпсизми? — Дилором кўрсаткич бармоғи билан “Жигули”га ишора қилди.

— Кўраяпман, — деди Фани Пўлатович бояги шодлигидан асар ҳам қолмай.

— Ўша машинадагилар кеча роса асабимга текканди. Шилқимлик қилаверишиб жонимни ҳалқумимга келтиришганди. Агар адамнинг руҳларини шод қилай десангиз, бориб рудда ўтирган боланинг юзига яхшилаб битта тарсаки туширинг.

Фани Пўлатовични ҳаяжон босди. Пешонасида тер пайдо бўлди. Нима қиларини билмай, бир машинага, бир Дилоромга қараб жойида туриб қолди.

— Кўрқаяпсизми? Наҳотки адамнинг йигитлари шунчалик юраксиз бўлишса?! Ҳаммаси адажоним борликларида кўкрагини кериб юрарканлар-да.

Дилоромнинг бу кинояси қаршисидаги эркакнинг кўксига наштардек ботди.

— Ҳозир, — деганча у машина тарафга илдам юриб кетди.

Дилором унинг ортидан жилмайиб қараб тураркан: “Агар “Жигули”дагилар ўзининг одамлари бўлса, бунга кўл кўтаришмайди. Бегоналар эса соғ қўйишмайди”, деб хаёлидан ўтказди.

Фани Пўлатович шиддат билан бориб машина эшигини очди-да, ҳайдовчининг бўйнидан бўғиб суғуриб оларкан, башарасига икки-уч марта тарсаки туширди.

— Тушунарли, — деди Дилором овоз чиқариб, — мени аҳмоқ деб ўйлаган бўлсангиз, хато қиласиз, ҳурматли эркак.

У ниҳоятда ақл билан иш тутганидан роса хурсанд бўлди ва чопқиллаганча жуфтакни ростлади.

Орадан ярим соат ўтар-ўтмас уйига етиб келди. Бўлиб ўтган воқеаларни сингилларига мароқ билан гапириб бермоқчи эди, бироқ дарвоза ёнида Икромнинг машиналаридан бири турганини кўриб ҳафсаласи пир бўлди. Хаёлан Икром келганини тахмин қилиб, ич-ичидан суюнди. Сўнг жаҳли чиқди. “Юравермайдами хотинчасини эргаштириб, нима бор эди бизникида? Энди-энди эсимдан чиқараётганимда, мени яна ёндирмоқчимми? Номард! Кўрнамак! Аблаҳ! Ёмон кўраман сени!” — дея ўзича қарганди-ю, бироқ ичидаги қувонч буларнинг барини ёпиб кетди ва у шоша-пиша ичкарига кирди.

Айвон йўлакчасидаги зинада уч-тўрт жуфт туфли қатор турарди. Ичкаридаги овоз ташқарига бемалол эшитилиб турибди. Демак, Икром келганига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Аммо негадир бошқаларнинг, айниқса, Самандарнинг товуши баланд чиқарди-ю, Икромники эшитилмасди. Одатда, Икром бор жойда Самандарнинг уни чиқмасди. Гапирганда ҳам, паст овозини ўзи ва хожаси эшитарди, холос.

Дилором зиналардан кўтарилиб эшикни очди-ю, туриб қолди. Уй тўрида Самандар, ундан берироқда Соли, пойгакда эса ойиси Санобар опа ўтирарди. Уларнинг орасида Икром йўқ эди.

— Ас-са-лом, — деди Дилором чўзиб ва иккала меҳмонга ҳам саволомуз бир нигоҳ ташлаб олди.

— Эй-й, — дея бирдан ўрнидан турди Самандар. — Келинг, келинг. Интиқ бўлиб кутиб тургандик. Бор экансиз-ку.

— Кеннойим яхшимилар, бирга олиб келмабсиз-да, — деди Дилором шошиб.

Чунки у бир қарашдаёқ Самандарнинг нигоҳида турли-туман маъно уққанди. Улардан энг даҳшатлиси ҳирс

эди. Ҳа, адашмади. Ахир инсон сезади-ку. Айниқса, қиз бола жуда тез илғайди. Дилором айнан шунинг учун ҳам ундан дарров хотинини сўради.

— Раҳмат, яхши... Энди унинг номи кеннойи-да. Ҳаммаёққа эр билан етаклашиб кетаверса, тўғри келмас.

— Шунақасизлар-да, — деб жилмайган бўлди Дилором, — уйлангунча дод-вой. Ундан кейин уйга қамаб қўясизлар... Кеннойимларга роса ўрганиб қолган эканман, кейинги сафар олиб келмасангиз, ўзингизниям киритмаймиз.

Унинг гапига эркакларга қўшилиб Санобар опа ҳам кулди.

— Бундай яхшилаб сўрашиш ўрнига, эшикдан кирма-сингдан бўйнидан бўғаяпсанми? — деди у қизига.

— Унда нега ёлғиз ўзлари келади-ю, кеннойимнинг бир ўзларини зериктириб уйларига ташлаб келадилар? Мен ҳам соғиниб кетганман кеннойимларни.

— Бўлди, кейинги сафар аввал уни киритиб юбориб, ундан кейин ўзим уйларингга кираман.

— Шундай бўлсин.

Писанда Самандарга ўтиришмади. Қиз бола гапини ҳазилга буриб юборса ҳам бўлаверарди. Лекин бошқача мазмунда гапиргандай бўлди-да Дилором. Гўёки: “Яна бир марта ҳаддингдан ошиб шунақанги қараш қилсанг ўзингдан кўр”, демоқчидай. “Вой, баччагарнинг қизи, кимингга ишонаяпсан? Илгари отанг, ундан кейин Икром бор эди. Энди икковиям йўқ! Ҳайронман, кимингга ишониб гўддаяпсан? Балки ҳазиллашиб гапиргандирсан-у, мен сени ўзидан кетган тусмоллагандирман... Лекин қовоғингни уйиб, қошингни чимириб сўзласанг ҳам ўнта соҳибжамол чангингда қолиб кетаркан, қойил!”

— Амрингиз вожиб, — деди Самандар ҳам киноя билан, хаёлида кечган ўйларни сиртига чиқармасдан. — Шундай бўлсин, дедингизми, демак, шундай бўлади. Бўлмаса бўлгизамиз-да, хоним, қаёққаям борардик!

Самандарнинг сўнги гапидан кейин Санобар опа унинг киноя қилаётганини, гапининг тагида бошқа гаплар гимирлаб қолганлигини англагандай бўлди.

— Дилором, сен дарров сингилларингга қарашвор, — деди вазиятни юмшатиш учун.

— Хўп, — дея қўлини кўксига қўйган Дилором ортига бурилиб ташқарига чиқиб кетди.

— Хафа бўлманглар, — деди Санобар опа Самандарга Дилором бироз узоқлашгач, — эркалиги ҳечам қолмаскан-да, бетинг-кўзинг демай гапириб юбораверади.

— Лекин ярашади, — кулди Самандар, — очиги, ярашади. Бахтини берсин. Хў-ўш, яна эллик-эллик бўлсин, мамашка.

— Йўқ, мен анча ичиб қўйдим. Бу ёғини ўзларинг эплайверасизлар.

— Шунисиниям олинг, кейин индамаймиз, — деб Соли пиёлани ароққа тўлдирди-да, Санобар опага узатди.

— Мен ундан бундай қилиқни ҳечам кутмагандим, — деди шайтон сувини ютиб, устидан помидорни газак қилган Санобар опа. — Эрим раҳматли бошқача эди. Икромнинг юзида иссиқлик, мулойимлик бор. Биринчи марта уни кўрганимдаёқ сезганман. Албатта, ҳайрон бўлганман. “Бу аҳволда қандай қилиб у катта бир тўдани бошқариши мумкин?” — деб ўйлаганман.

— Қизингиз келиб, гапимиз бўлиниб қолди, опа, Икром акада маълум режа борлигини ҳеч қачон кўрмаганман, буни сизга очик айтаяпман. Лекин Шер акамлар бошқача эдилар. Ҳеч вақт ўйламасдан бирон ишни қилмасдилар. Лекин, афсус, у кишидан эрта айрилдик. Энди биргалашиб аввалги обрўйимизни тикламасак, биров бизни сариқ чақага олмай қўйди, — деди боядан бери гапга аралашмай ўтирган Соли опага тикилар экан.

— Хўш, нима қилмоқчисизлар? Тўғриси, агар мўлжалларингда Икромга қарши иш бор бўлса, мен қўшилмайман. Унинг менга, қизларимга кўп ёрдами теккан. Ношукрчилик қилиш ниятим йўқ, — деб Санобар опа “яна куй” дегандек бўш пиёлани Самандарга узатди.

Санобар опа илгари ҳечам ароқ ичмасди. Лекин Самандар билан Соли уни шунга мажбур этишди. Аввал обдон яхши гапириб, кўнглини овлашди. Сўнг ичимлик тутишди. Опа охирги кунларда роса сиқилиб кетганди. Айниқса, Дилоромнинг кетма-кет ўзгариши, Икромни бутунлай йўқотганидан кейин абгор бир аҳволга тушиб қолиши Санобар опанинг қон босимини ошириб юборганди. Ич-ичидан, гарчи унинг қайта одам қаторига



кўшилишига кўмак берган эса-да, Икромни ёмон кўриб кетганди. Мана, унинг йигитлари келишди. Аввал узоқдан бошлашиб, хўжайинларининг арзимас хатоларини айтишди. Озгинадан ароқ ичишиб қизишганларидан кейин росманасига унга лой чаплашни бошлаб юборишди. Айниқса, Икромнинг ҳеч кимга билдирмай сирли равишда ғойиб бўлиши унинг иккала ўринбосарининг ҳам кўнглига ботибди.

Самандар Санобар опанинг ёнига дардини дастурхон қилиш учун келмаганди. Хотинини қучган маҳали ҳам Дилором хаёлига келаверганидан, уни кўриб кетиш учун келганди. Шу боис ҳам Солини шерик қилган эди. Гап айланиб, Икромга тақалди. Сўнг учаласининг фикри бир жойдан чиқиб, Икромнинг устига “от ҳайдаб” юборишди. Дилоромнинг келиб қолиши уларнинг қизғин суҳбатини бироз тўхтатганди. Санобар опа уни ошхонага юборди-ю, тагин Икром ҳақидаги гаплари бошланиб кетди.

— Умуман, опа, бошим қотиб қолди. Нима қилишга ҳам ҳайронман. Балки биз учун авлиё бўлган Шернинг аёли сифатида сиздан маслаҳат олиб иш қилганимиз маъқулми деб ўйлаб турибман, — деди Самандар Санобар опанинг пиёласини ароққа тўлдириб узатаркан.

— Қизиқсан-а, болам, агар бу гапингни одамларинг эшитса, нима дейишларини биласанми? Сенларнинг тўпларингда аёлнинг гапи ҳеч вақт ўтганми ўзи? Эркаклар аёллардан маслаҳат сўрамайди. Буни иккала қулонинг билан ҳам эшитиб ол. Менга келсак, тўғриси, эрим раҳматлидан кейин бизни топташларини истамайман. Шунинг учун беш-олтита йигитингни бер. Яна бир-иккита район ҳам менинг ихтиёримда бўлсин. Қолганини ўзим биламан нима қилишни. Лекин барибир Икромга қарши бормайман. Сизлардан яширадиган гапим йўқ. Қизим унинг учун жонини беришга тайёр эди. Мақташ ниятим йўғ-у, лекин шаҳарнинг энг олд қизларидан биттаси Дилором. Икром мана шу қизимни абгор қилди. Унинг айби йўғ-у, лекин қизимнинг кўз ёшларини кўриб шунчаки қараб туролмайман, мен ҳам онаман, тўғри тушунинглар. Боламнинг тинчлиги — менинг тинчлигим.

Шундай деб у бир кўтаришда пиёласидаги ароқни ичиб юборди. Соли билан Самандар: “Кампир чатоқ-ку”, деган мазмунда бир-бирига қараб қўйишди.

— Биз ҳам Икромдан ёмонлик кўрмаганмиз, — дея гап бошлади Самандар, — лекин бизнинг майдонга кирган одам гўрга кирибгина қайтиб чиқиши мумкин. Икромни фақатгина биз таниганимиздаям майлийди. Уни россияликлар ҳам, чет давлатдагилар ҳам яхши билишадди. Шундай экан...

— Қанча бўлди унинг кетганига? — сўради Санобар опа помидордан газак қилгач.

— Бир ҳафтача.

— Бир ҳафтада шунча ваҳима қиляяпсизларми? Агар у эртага келиб қолса, айтган гапларингдан дарров қайтасизларми?

Бу гап иккала йигитга ҳам ёмон таъсир қилди. Зумда уларнинг кўз ўнгидан қай аҳволга тушишлари ўтди. Албатта, бу гаплари учун Икром уларни кечирмайди. Камида терисини шилиб олади. Гарчи уларнинг учаласи ҳам бир-бирига садоқатлидай кўринаётган эса-да, албатта, ораларидан биттаси ё билиб, ёки билмай сотқинлик қилади. Ундан кейин тамом.

“Кампирни йўқ қилишим керак, — деган ўй ўтди бирдан Самандарнинг хаёлидан. — Қолаверса, Соли ҳам ортиқча. Бир кунмас-бир кун ўзини садоқатли кўрсатиш учун “сасиб” кўяди”.

Айни ўй Солининг ҳам миясидан жой олди. Биргина Санобар опа бепарво эди. Фақат у Икром шу суҳбатдан хабар топишидан чўчимаётганди. “Икром юмшоқ кўнгил, аёлларга зиён етказиш унинг қўлидан келмайди”, деган ўйга аллақачон бориб қўйганди у.

— У қандайдир қорини топиб олди. Қори билан маслаҳатлашиб иш битираяптими, демак, биз ўз-ўзидан четга чиқиб қолган ҳисобланамиз. Мана, уйланишиниям қанчалик сир тутди биздан. Бундан чиқди, ишонмайди бу ерда ўтирганларнинг бировигаям. Хўш, нима қилишимиз керак?

Соли саволни гўёки Санобар опага берди, аслида эса, Самандарнинг қўйнига яна бир марта қўл солиб кўрмоқчи эди. Саволига у жавоб беришини истарди.

— Ана кўрдингизми, опа, — Самандар ўзининг Солига ҳамфикрлигини сездириб қўйди, — бизнинг бошимиз қотган.

— Агар ниятларинг уни орадан бутунлай олиб ташлаш бўлса, унда кутинглар. Бир ой... Икки ой. Дараги бўлавермаса, шунга яраша иш қиласизлар. Боя айтганимдай, сизларнинг ишларингга мутлақо аралашмайман.

Уларнинг гапи шу ерда узилди. Остонада бир лаган ош кўтарган Санобар опанинг кенжа қизи Нигора пайдо бўлди.

— Хоҳ ишонинглар, хоҳ ишонманглар, паловнинг ҳидини сузишаётганларидаёқ сезгандим. Оғзимнинг суви қочиб зўрға ўтиргандим. Бунинг ҳидини қаранг, опа! — деб кулганча Самандар гапни бошқа ёққа буриб юборди.

Ош дастурхон ўртасига қўйилди. Соли чаққонлик билан пиёлаларни ароққа тўлдирди.

— Мени қўйинглар, — деди Санобар опа, — сизлар билан тенглашиб ичолмайман. Қолаверса, шунча ичганим учун ҳали қизларимга жавоб беришим керак.

Иккала йигит ҳам унинг гапига хохолаб кулиб юборишди ва опани яна ичишга ундаб кўришди. Натижа бўлмагач, ўзлари пиёлаларини оқлаб қўя қолишди.

Хушхўр тайёрланган ош лаганда қолмади. Айниқса, эркаклар жуда зўр иштаҳа билан ейишди.

— Шу, опа, биз уйланишда адашганмиз-да, аслида Соли иккаламиз божа бўлиб, иккита қизингизга уйланишимиз керак эди. Кейин маза қилиб мана бунақанги ошдан еб юрардик, — дея илжайди Самандар лаб-лунжини кичик сочиққа артар экан.

— Бекор айтибсан. Солиникини кўрмаганман-у, лекин сенинг хотинингнинг қизларимдан ҳечам кам жойи йўқ. Агар ношукрчилик қилсанг, ўзингдан кўр, келинга айтиб, бир танобингни торгтириб қўяман.

— Бўлди, кўрқдик, биз таслим, — деб иккала қўлини ҳам кўтарди Самандар.

Сиртдан қараганда, иккала йигит ҳам Санобар опанинг уйидан хурсанд ҳолда чиқишаётган эдилар. Аслида эса, икковининг ҳам кўнглида бир тугун бор эди. Икковини ҳам ўша тугун безовта қилаётганди.

Дилоромни кўриш яна бир марта Самандарга насиб этди. Чорпояда оёқларини осилтириб олганча олма кавшаб ўтирган қиз эркаклар кўриниш бериши билан ўрнидан дик этиб турди ва кавшанишидан уялиб бироз қизарганча жилмайди.

— Кирмаганингиз учун кетиб қолаяпмиз, — деди Самандар ҳазиллашган бўлиб илжаяркан.

— Ўзларинг-ку, эски танишимиз бўлади шу қиз ҳам демаринглар. Бир оғиз “ўтиринг” деганларингда, жон-жон деб ўтирардим. Кўп ғийбатларни кўнглимга тугиб қўйгандим, ҳаммасини сизларга айтиб берардим.

Иккала йигитнинг ҳам табассуми сохталашиб, беўх-шов тус олди. Уни кўрган одам бутунлай бошқа маъно уқарди. Яъни бу табассумга ғазаб аралашганди. Ғазабнинг яна бир белгиси — иккала йигитнинг ҳам ранги ўзгаргани эди. Уларнинг кўнглида: “Наҳотки Дилором гапларимизни эшитиб қолган бўлса?” — қабилидаги ўй пайдо бўлганди.

— Айтишга улгурмадик-ку, — деди Самандар зўрға гап топиб, — дарров чиқиб кетдингиз.

— Шунақа гапираверсанглар, қизларимни бошқа кўрсатмай қўяман, — дея дарров уларнинг суҳбатига нуқта қўйди Санобар опа.

Соли рулга ўтирди. Самандар унинг ёнидан жой олди. Машина Санобар опанинг уйдан узоқлашгач, Самандар Солига қараб қўйди-да:

— Энди нима қилдик? — дея сўради.

— Ўзлари ҳамма ишга бош бўладилар-да, биз ҳар доим буйруққа тайёرمىз, — деди Соли йўлдан кўзини узмай муаммони ўзидан қочиришга уринаркан.

— Сен ҳам биргалашиб қозонга қошиқ тиқиб қўйдинг. Энди бирга ичмасанг, ўзинг шу қозонда қайнаб, бошқаларга егулик бўласан, яхшиси, кампирни нима қилишни айт менга.

Самандарнинг гапидан Солининг эти жимирлаб кетди. Тилини тишлади, лекин энди кеч эди.

— Гапиравер очикчасига, орамизда сир қолмади.

— Менимча, Икром қайтиб қолса, кампир унга ҳам худди шунақа вақиллайди. “Ана, тўрт кун бўлмаганинга энг ишонганларинг гимирлаб қолишибди”, дейди. Менимча, вақиллайдиган тил ортиқча-ёв.

— Ортиқчалиги аниқ. Бугун кечаси ўзи хоҳлаган районлардан бирортасининг қабристонидан жой ажратиб берасанлар.

— Бўлди.

— Лекин қизларидан биронтаси ҳам ҳид олмасин.

— Шу пайтгача ишимиздан кейин из қолмаган, бундан бу ёғигаям, худо хоҳласа, тоза бўлади.

\* \* \*

Бахшулло бунақанги шошиб юрадиган бўлса, Икромга жуда тез етиб оларди. Ундан кейин режаси амалга ошмай қолиши мумкин эди. Шунинг учун қадамини секинлатди. Етиб борган биринчи бута ортига гўё офтоб тиғидан қочиб соялаётган одамдай ўтирди. Шу пайт узоқдан от чоптириб келаётган одамга кўзи тушди. “Уфф, — дея ижирғанди у, — қачон қарама, оёғим остидан чиқиб туради. Қариндош бўлсаям аввал шунинг суробини тўғрилайман-ов. Жа, жонга тегиб кетди”.

— Ҳов! — деб бақирди Неъмат унга ўттиз-қирқ қадамча қолганида отини тўхтатиб. — Анави меҳмонга қўйларни топшир-да, ўзинг дарров орқамдан юр. Ҳакимнинг оёғи синиб қолди, тез қишлоққа обориш керак!

— Ўзларингиз...

Неъмат унинг гапини эшитмай, отини ортга буриб қамчи босди.

Эндигина қирга юқорилай бошлаган Икром ҳам Неъматнинг овозини эшитганди. Шоша-пиша югуриб қайтиб тушди.

— Тинчликмикан? — сўради бутанинг тагида бошини қашлаб турган Бахшуллодан.

— Билмайман. Ҳовлиқма-да, оёғининг тагига қарамайди. Тилни узун қилгунча, оёғингни бақувватроқ қилмайсанми? — деди Бахшулло режаси амалга ошмай қолганидан жаҳли чиқиб.

— Фалокат-да, ука, айтиб бўлмайди.

— Мен кетдим. Сиз қўйларга қараб турунг. Шу атрофдан бошқа ёққа олиб кетманг, адашиб кетасиз, — деб Бахшулло тез-тез юрганча отининг ёнига борди.

У ҳам Неъматдек тулпорини чоптириб кетаркан, ичичидан суюниб кетди. Суюнмасинми, ахир қишлоққа борди-ю, ортига қайтади. Баҳоналар мингта, шулардан битасини топиб, чодирда бир-икки кун бўлади, анави соҳибжамол қиз билан гаплашишга уринади. Гаплашади. Ҳозирча... Балки бутун умр у билан гаплашса етади. Ортиги керакмас. Лекин у бировники бўлиб қолмаслиги

керак. Бахшулло билан гаплашиб, сўнг бошқа бир одамнинг кучоғида ётмаслиги шарт. Шундагина у суҳбатлашиш билангина қаноатланади. Қаноатланади...

Бахшулло кетма-кет отга қамчи босар, тулпор жони борича югурар, лекин бу чавандозга камлик қилиб яна ва яна қамчи босаверарди...

Кўп ўтмай Бахшулло Неъматга етиб олди. Кўрмади, қамчисини ҳавода тинимсиз силкитиб ўтиб кетаётганди:

— Онангни эмгур, нима қиляяпсан?! — деб бақириб қолди Неъмат.

Бахшуллонинг хаёлидагилари зумда тумандай тарқади. Чексиз нафрат билан Неъматга қаради.

— Нима қиляяпсан, деяпман сен овсарга? Отни ўлдириб қўясан-ку!

Бахшуллонинг қўлидаги қамчи ҳавода қотди. У Неъматни шунақанги дўппослагиси келди-ю, зўрға ўзини босди.

— Мен сенга Ҳаким ўлиб қолди дедимми, аҳмоқ? Шунинг учун отнинг терисини шилиш керакми?!

Бахшулло кўзидан ёш оқаётган отнинг жиловини тортиди. Лекин тулпор дарров тезликни пасайтиравермади. Кўрқди, устида ўтирган телба яна савалаб қолишидан кўрқди.

Бахшулло отнинг яғринига қаради, дарҳақиқат, икки-уч жойдан қон сизиб чиқибди. Шунини кўрганидан кейингина ўзини бирозгина босди.

Ҳакимнинг суяги этини ёриб чиқиб кетганди. Умирида одам суягини кўрмаган Бахшуллонинг дарров ранги оқарди. Бунинг устига, ҳамкасби шунақанги инграр эдики, унинг кўзидан ёш чиқиб кетаёзди.

— Серрайиб туравермай, елкасидан ушла, — деди Неъмат уни жеркиб.

— Аввал боғлайлик, — деди зўрға тили калимага келган Бахшулло.

— Тоза латта йўқ.

— Менда бор.

Бахшулло югуриб бориб отининг хуржунидан янги чит рўмол олиб келди.

Агар бошқа пайт бўлганида у кулги остида қоларди, лекин ҳозир аския қилишнинг ўрни эмасди. Шу боис, Неъмат унинг қўлидан рўмолни юлқиб олиб, Ҳакимнинг кўриниб турган суяги устидан маҳкам ўраб боғлади.

— Ҳовлиқмай кет, яна бирон жойга ағдариб, бутунлай абжағини чиқариб қўйма, — деди Неъмат отини секин қишлоқ тарафга буриб, енгилгина қамчи босган Бахшуллога.

Бу сафар йигит жим тура олмади.

— Ўргатманг, бўлмаса ўзингиз оборинг, — деди. Шундай деди-ю, тулпорининг биқинига оёғи билан ниқтади.

У йўлни сўл тарафдаги қир томондан солди. Зеро, агар шу тараф билан юрадиган бўлса, чодирлар тикилган жой билан айланиб ўтишдан кўра икки баробар яқинроқ бўларди. Лекин бу томон анча қалтис эди. Бирорта ҳам сўқмоқ йўқ. Бутазорлару арчазорлар оралаб юришга тўғри келарди. Қолаверса, йўлда баландлиги бир километрдан ошиқ, фақат тошдан иборат, озгинагина ётиқлигини ҳисобга олмаганда, тик қоя ҳам кўндаланг турарди. Унча-мунча чавандоз у ердан от билан ошиб ўтмасди. Айниқса, қўшимча юк бўлса. Лекин Бахшулло тулпорига ишонди.

Неъмат унинг ортидан қараб тураркан, қўллари мушт бўлиб тугилди. Унга, узоқ бўлса-да, бежавотир чодирлар орқали борган афзалроқ эди. Лекин Бахшуллодек ўжар, билганидан қолмайдиган чапанига гап уқтириб бўлмаслигини англаб турарди. Шу боисдан ҳам қўл силтади. “Бир нарса бўлса, калланг билан жавоб берасан”, деб лаблари пичирлади ҳамда бир сакраб отига минди-да, ўзиники билан Ҳақимнинг сурувини Икром боқаётган қўйлар томонга ҳайдади.

Жароҳатланган оёғига арча шохлари тегиб кетганида, отнинг илкис ҳаракатида Ҳақим инграб юборарди. Лекин унинг оғриқли ноласи Бахшуллога зиғирча таъсир қилмас, хаёли ўша санам, ўша гўзал билан банд, ўзининг ширин ўйидан лаззатланар, гоҳ юзига табассум югурар, гоҳ пешонаси тиришиб кетаверарди.

Қоядан ўтаётганларида Ҳақим ҳақиқий дўзах азобини кўрди, унинг синган оёғи уч-тўрт марта эгарга қадалиб шунақанги оғриқ бердики, кўзидан олов чиқиб кетди.

— Нима қиляяпсан, ит эмган, ундан кўра мени шу ерга ташлаб кет, бўриларга ем бўлай!!! — деб бақирди. Кошки унинг гаплари ишқ ўтида ёнаётган Бахшуллога таъсир қилса:

— Эркаксиз, ака, чиданг, ҳозир етволамиз, — дейди у

гүе беморнинг кўнглини кўтарган киши бўлиб ҳиссиз овозда.

— Одам туққанми сени, мараз! Сал кўзингга қара!!!

— Одамни қон қивордингиз-ку. Озгина сабр қилинг! Ўзи бўптими бу тоғдан ошишнинг?! — деб ундан баттар бақирди Бахшулло.

— Сенга биров шу йўлдан юр деганмиди? Сени чақириб келган Неъматнинг ҳам оналарини...

— Сўкинманг-эй, ҳозир отвораман!

Ҳаким алам билан лабларини тишлади. Агар соғ бўлганида борми, кучи етмасаям шу қилиғи учун тош-пош билан уриб Бахшуллонинг бошини ёрган бўларди.

Ҳар қалай, тулпор иккала чўпонни тоғдан олиб ўтди ва бир текис юра бошлади. Бу пайтда Ҳаким оғриққа чидолмай ҳушидан кетганди. Лекин кошки буни Бахшулло сезса. У ҳамон ўша ўзининг ширин, бетакрор хаёллари оғушида сузиб юарди.

Қишлоқ врач отнинг устидаёқ Ҳакимнинг томоқ томирини ушлаб кўрди, кейин Бахшуллонинг башарасига газаб билан тикилиб:

— Нима бало қилдинглар? — деди.

— Оёғи синиб қолди, опкелаяпман, нима қипти? — деди Бахшулло бамайлихотир.

— Ҳушидан кетиб қопти-ку. Сенларга қачон ўлса ҳисоб, бўл тезроқ тушир!

Врач Ҳакимни ўзига келтириб олгунча анча тер тўкди. Ҳаким кўзини очди-да, бироз у ёқ-бу ёққа қараган бўлди, сўнг кўзидан ёш сизиб чиқди ва шунақанги сўкиндики, яхшиям Бахшулло ташқарида эди, эшитганида борми, бечора Ҳакимни бўғиб қўя қоларди.

Врач оғриқ қолдирувчи укол қилиб Ҳакимни тинчлан-тиргач, район марказига кўнғироқ қилиб тез ёрдам чақирди, шундан сўнггина Бахшуллога кетишга рухсат берди.

Бахшуллога қайтадан жон киргандек бўлди, сакраб отига минди-да, қамчи босди ва қишлоқ кўчасини чангитганча югуртириб кетди. У қуш мисоли қанот қоқиб кетаётгандай эди. Шунақанги шошардики, худди унинг йўлига Дилдора интизор кўз тикиб, интиқлик билан кутаётгандай. Шу боисдан ҳам, зўрға ўзларини четга олиб қолган



қишлоқ одамларининг: “Тентак-пентак бўлганмисан, аҳмоқ чўпон?!” — деб ортидан бақриб қолганларини эшитмасди.

Ўғли отига тинимсиз қамчи босиб елдай учиб келаётганини кўрган Нарзулла отанинг ҳуши бошидан учаёзди.

— Бу ҳовлиқма нимага бунча қутуриб келаяпти? — деди у ўзига-ўзи гапириб. Сўнг Назокатнинг эрини чақирди:

— Худойберди! Ҳов Худойберди, бу ёққа қара!

Назокатнинг Дилдора ҳақидаги гапларини жон қулоғи билан эшитиб ўтирган ўғил отасининг овозидан бир сапчиб тушди ва хотинига қараб:

— Тинчликмикан? — деди-да, хотини жавоб беришга улгурмасидан ташқарига отилди ва отасининг ёнига югуриб бориб:

— Нима гап?! — дея ҳовлиқиб сўради.

— Анави ўпкани қара! — деди Нарзулла ота Бахшулло келаётган тарафни кўрсатиб.

— Бирон нима бўптими, дейман, ҳеч отини бундай чоптирмасди-ку. Нимага қишлоқ томондан келаяптийкин?!

— Билганимда сендан сўрармидим, баччағар?!

Бахшуллонинг кўзи кўр эди гўё, у манзилга етиб келганини ҳам пайқамай қолди, шу боис, отни тўғри отасининг устига ҳайдади. Яхшики, Худойберди чаққонлик қилиб Нарзулла отани тортиб қолди. Йўқса, бутунлай борлиқни унутган ўғил уни ер билан яксон қилиб ўтиб кетарди.

— Энангни эшшак...! — деб бақирди чол.

Унинг овози телбага айланаёзган Бахшуллонинг бошига тўқмоқдек тегди, кўзи мошдек очилиб, жон-жаҳди билан отининг жиловини тортди. Оғзи икки томонга йиртилиб кетгудек бўлган тулпор оғриқ зўридан осмонга сапчиганча кишнаб юборди.

Отидан сакраб тушган Бахшулло худди бир томон ёниб кетаётгани ҳақида хабар келтирган одамдай ҳансираганча отасининг ёнига югуриб бориб:

— Ҳаким аканинг оёғи синиб, суяги чиқиб кетди! — деди.

— Ўлмадимми?! Мени энангникига тикворай дединг-ку,

ўйнашдан бўган!!! — деб бақирган Нарзулла ота Бахшуллонинг елкасига ҳассаси билан икки марта чунонам урдик, ўғил бечора ўтириб қолиб:

— Нима қилди-и-м?! — деганча ўкириб юборди.

— Кўрсанми, нима бало? — деди унинг тепасига борган Худойберди. — Отамни уриб кетай дединг-ку! Оёғи синган бўлса, тузалади. Шунга шунча ҳовлиқишинг керакми, ит?!

Акасининг сўкиши ошиб тушиб, бечора ошиқнинг кўзидан ёш чиқиб кетди ва ғўлдираганча ўрнидан туриб, елкасини силай-силаё, тоғ тарафга кета бошлади.

Шовқин-сурондан ҳамма чодирдагилар ташқарига чиқшганди. Уларнинг орасида Дилдора ҳам бор эди. Нима гап-сўзлигини билмаган келинчак бурнини шўлқиллатиб энгига артиб кетаётган Бахшуллога ачиниб қараб турарди.

— Бор, опке бу ёққа, бу аҳмоқ яна бир балони бошлайди! — деди Нарзулла ота ўғлига.

Бахшуллонинг ўзига келиши жуда қийин бўлди. Юзини ювиб, уст-бошининг чангини қоқиб, чодирга кириб ётганидан кейин ҳам талаё муддат шифтга қараб ётди. Бир куч уни ташқарига чиқиб соҳибжамолни топишга ва у билан гаплашишга ундаса, иккинчиси: “Ҳеч қаерга қимирлама, шарманда бўлдинг унинг олдида”, дерди. Икки ўт орасида қолган Бахшулло қоронғи тушгунча қимирлаёлмади. Агар:

— Овқат еб олинг, — деган майин овоз келмаганида, қимирламасди ҳам.

Овоз қулоғига чалиниши билан сапчиб тушди ва бирдан ўрнидан турди. Чодир эшиги ёнида бир қўлида дастурхон, иккинчи қўлида коса кўтарган Дилдора турар эди. Йигит бир неча муддат сеҳрлангандай жойида қотиб турди, сўнг хаёлига: “Ҳозироқ бу қизни обқочиб кетаман. Ҳеч ким тополмайдиган жойларга кетаман!” — деган ўй келди.

Бахшуллонинг аҳволи ҳаммани бирданига ваҳимага солиб қўйди. Биргина Нарзулла ота: “Ўлиб кетсин, ҳовлиқма, ўпка! Агар бирортанг ҳолидан хабар олсанг, ўзингдан кўр!” — дея жаҳл билан чодирга кириб кетди.

Худойберди шу пайтгача отасининг гапини икки қил-

ган эмас. Зарбуви кампир чоли билан шунча йил бирга яшаган эса-да, бир марта ҳам юзига шапалоқ тегмаган. Лекин кўрқади. Нарзулла ота кампирини ҳатто сўкиб ҳам ўтирмайди. Қовоғини шундай уядики, кампир бечоранинг ўша заҳоти оёғидан дармон қочади. Тили танглайига ёпишиб, бўзрайибгина қолаверади. Ҳозир ҳам худди шундай бўлди. Зарбуви кампир ўғлининг ортидан бир қадам босган жойида чолининг дағдағасини эшитди-да, худди қийшиқ хода ютгандай жойида қотди.

Дилдоранинг унга ниҳоятда ичи ачиди. Ўзича нимадир деб юпатмоқчи бўлди. Лекин шунча одамнинг кўз ўнгида нима ҳам дея олиши мумкин? “Кечагина келган келинчақда бет борми ўзи?” — дейишмайдими? Бунинг устига: “Шунча қариндош-уруғи турганида, мен ўзбошимчалик қилсам, кўнгилларига оғир ботади”, деб ўйлади, шу боис, индамай қўя қолди.

Кечки пайт ёнига Назокат келди. Унинг қовоғи солиқ эди. Бахшулло “каромат” кўрсатган маҳал Дилдора Назокатга қараган ва унда ҳеч қанақанги ўзгариш сезмаганди. Ҳатто юзида озгина табассум ҳам бордай туйилганди. Энди қовоғи осилган ҳолда келиб турибди.

— Тинчликми? — сўради Дилдора.

— Тинчлик. Шу... баъзи пайтлари қайнонам жонимдан тўйдириб юборади. Анави тентак ўғлидан хабар олишим керак эмиш. Тўғрисини айтсам, нимагадир шу қайнимдан кўрқаман.

— Вой, нега кўрқасиз? — сўради Дилдора ҳайрон бўлиб.

— Билмадим. Шунча бўрига бир ўзи бас келган, асаби бузилиб турганида ёнига борсам, мениям бир ёқли қилиб ташлайдими дейман-да.

— Жа унақамасдир... Хўжайинингизга айтсангиз бўлмайдими?

— Хўжайиним ҳам отасига ўхшаган, тўнини тескари кийиб ўтирибди. Ичкарига киргач ёмон жаҳли чиқди. “Отамга бирор кор-ҳол бўлганида соғ қўймасдим”, дейди. Бу ёқда қайнонам: “Сен бор, янгасисан. Яхши-яхши гапириб кўнглини кўтар”, дейди. Шунга сизнинг ёнингизга келдим.

— Менинг қўлимдан нима келади?

— Овқатини опкириб беришда ёрдамнингиз керак.

— Ҳеч қачон қайнингиз билан гаплашмаган бўлсам, нима деб қираман?

— Шуниси яхши-да, жаҳли чиқиб турган бўлсаям, сизга бир нарса деёлмайди. Чунки ҳали янгисиз, меҳмонсиз. Илтимос, йўқ деманг. Ёнингизда ўзим ҳам бўламан. Майлими?

Дилдора Назокатнинг гапларидан ийиб кетди. Айниқса, “Майлими?” деган сўз шунақанги мунгли, юракни ўртаб юборадиган даражада айтилдики, Дилдора ўзига дугона бўлиб қолган бу келинчак ҳозир йиғлаб юбормасайди, деган ўйда:

— Розиман, фақат ёнимда турасиз, — деганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Дилдора Бахшуллонинг чодирига кирди-ю, йигитнинг юзтубан ётганлигини кўриб бироз туриб қолди. Нима қиларини, нима деярини билмай иккиланди. Бир неча марта ортига — чодир эшиги ёнида турган Назокатга қараб олганидан сўнггина Бахшуллога тамадди олиб келганини айтди. Аммо йигитнинг ғалати ҳаракатидан ўзини йўқотиб, ташқарига чиқиб кетишига бир баҳа қолди. Яхшики, чироқ йўқ эди, ҳамма ёқ қоронғи эди. Йўқса, у Бахшуллонинг ёниб турган кўзларини кўрар ва бутунлай довдираган бўларди.

— Овқат?! — деди йигит титраган товушда, хаёлидаги тубан ўй таъсиридан чиқолмай.

— Ҳа, Назокат кеннойи билан бирга олиб келгандик.

Бахшуллонинг бирдан ҳафсаласи пир бўлиб, шу пайтгача ардоқлаб ўзгача ҳурмат қиладиган янгасини ёмон кўриб кетди. “Унга нима бор эди? Ўтиравермайдими чодирда эрини бағрига босиб?” — хаёлидан ўтди унинг ва Дилдоранинг қўлидан дастурхон билан косани олаётганида, бехосдан (ҳа, ҳечам атайлабдан қилмади, тасодифан) бармоғи келинчакнинг қўлига тегиб кетди. Дилдора билан бирга Бахшуллонинг ҳам эти жимирлади. Қўли қалтираб кетганидан йигит косани ташлаб юборай деди.

— Ёқимли иштаҳа! — деганча Дилдора шоша-пиша ортига бурилди. Унинг юраги гупиллаб урар, ҳуши бошидан учаёзганди. Эр кўрган, эҳтироснинг энг чўққисига ҳам чиққанди. Бир тарафдан қараганда, бармоғининг бошқа бармоққа тегиши оддий ҳол бўлиши, титратиб

юбормаслиги лозим эди. Лекин у шу кўйга тушди ва Назокатга:

— Юринг, тезроқ кетайлик, — деди.

— Ўқрайиб қарадими ёки мушт-пушт кўрсатдими? — сўради ҳайрон бўлган Назокат.

— Йўқ, ҳеч нима қилмади. Ўз-ўзидан бошимга қаттиқ оғриқ кирди. Юринг, тезроқ кетайлик.

У туни билан ухлаёлмай чиқди. Вужуди олов мисоли ёнар, ҳар лаҳза кўз олдида Бахшуллонинг сиймоси намоён бўлаверарди. Унинг йигитга ичи ачиганди, холос, бошқа хаёл йўқ эди унинг кўнглида. Лекин нима жин урди? Йигит ҳатто бир оғиз гапирмади, шунчаки бармоқларигина бехосдан туташиб кетди. “Эсимдан чиқаришим керак, фақат ва фақат Икром акамнигина ўйлашим зарур, бошқасига ҳақим йўқ менинг”, дея ёмон хаёллардан чалғишга уринарди Дилдора. Ёнида ётган Назокатга ўғринча қараб, унинг ухлаётганига амин бўлгач: “Икром акажон, жонгинам, севгилим, якка-ю ёлғизим, эртароқ келинг. Соғиниб кетдим, сизсиз ўлиб қоламан!” — деб пичирлар, аммо барибир хаёлига Икромнинг ўрнига Бахшулло келаверарди. Сиқилди. Устидаги кўрпа уни қиздириб юбораётгандай туйилаверди. Аввал кўрпани олиб ташлади. Ўрнидан туриб ўтирди. Барибир фойда бермади. Шунда секин эшик ёнига бориб, уни қия очди. Юзига муздай ҳаво урилди. Тани яйради. Шу тахлит бироз ўтирди. Гўё хаёлидаги бемаза ўйлар ортга чекинди. Узоқларда ой ёруғида қорайиб кўриниб турган тоғларни томоша қилган бўлди. Сўнг фалакдаги ҳисобсиз юлдузларга кўзи тушди. Бир пайтлар онасининг: “Юлдуз оқса, бир одамнинг умри тугаган бўлади. Битта одам битта юлдуз”, деган гапини эслаб, мийиғида кулганча ҳар бир юлдузга диққат билан тикилди. “Қай бири меники экан, порлаб турибманми ёки зўрға ёғду таратайпманми?” — дея ўйлади ва ўзи ҳам сезмаган ҳолда эшикни катта очиб юборди ҳамда ихтиёрсиз равишда бошқа чодирларга қаради. Ундан икки чодир нарида қўлини иягига тираб қамир этмай ўтирган одамни кўрди. Йўқ, унинг одамлигини дарров ажратолмади. Аввалига бирорта кесилган дарахт танаси, сўнг чўнқайиб ўтирган ит деб хаёл қилди. Синчиклаб назар ташлаган эди, у одам бўлиб чиқди. Дилдора

унинг кимлигини ҳам дарров фаҳмлади. Бахшулло, бошқа ҳеч ким эмас, чодир уники. Демак, ўтирган ҳам ўша.

“Нима дарди бор экан? Нега у ерда ўтирибди? Довдиргина, қўполгина бола...” — Дилдоранинг ичи ачиди. Унинг ёнига боргиси, ғамига шерик бўлгиси келди. Бироқ шу ондаёқ хаёлини ҳайдаб солди. Унинг ўрнига: “У ҳақда қайғуришга ҳақим йўқ. Балки унинг анави келган томонида — қишлоқда яхши кўрган қизи бордир, бунақанги ёшда бўлади-ку, мен ҳам севдим, Икром акам мени севди, демак, у ҳам севган. Фақат ўша ўзи эъзозлайдиган қиз билан ораларида гап қочиб, кўнгли вайрон... Кўй, яна нималар деяпман, ахир менинг у тўғрида ўйлашим уят. Бўлди, хаёлимдан чиқараман. Икром акамни деб бу ерларга келдим. У ҳам менинг тинчлигимни, бежавотир яшашимни, фарзандларимни соғлом дунёга келтиришимни ўйлаб, мана, чўпонликка ҳам рози бўлиб юрибди. Ахир у нималардан воз кечмади бунинг учун? Шундай одам ўзида ирода топдими, мен ҳам у каби бўлишим шарт. Бу ёқларга келаётганимда қандай гўзал ўйларни хаёл қилгандим! Ана шу нарсага, албатта, эришаман. Бўлди, бошқа нарсага миямда жой йўқ”, деб ўйлади ва секин эшикни ёпди.

Айни шу лаҳзада Дилдоранинг дардида ухлаёлмаган, юрак-бағри эзилиб, худди истаганини осмондан топиб оладигандай фалакдан кўз узмай ўтирган йигит шу томонга қаради. Эшик ёпилганини аниқ-тиниқ кўрди. Ич-ичида ўкинишга ўхшаш бир нарса пайдо бўлди ва култ этиб ютинди-да, сочларини ғижимлади.

Зарбуви кампир эртасига ўғлининг аҳволи бутунлай ўзгариб кетганини кўриб, кўрқиб кетди.

— Болам, — деди чоли кўриб қолмаслиги учун атрофига бир қур назар ташлаб олгач, — сенга нима бўлаяпти? Нимага хаёлинг жойидамас?

— Кўйинг, эна, ўзим... Бошим оғриб турибди, — дея жавоб қилди Бахшулло.

Айни уларнинг мана шу суҳбати аввалида Дилдора чодирдан чиқди, тонг отгандан бери Зарбуви кампирни энди кўриб турганлиги боис мулоим товушда салом берди-да, ўтиб кетди. Унинг ортидан Бахшулло тикилганча

бир неча сония қараб қолди. Шунинг ўзи энасига гап нимада эканлигини билиб олиши учун етиб-ортди.

— Кириб овқатингни еб ол. Отангнинг кўзига кўринмай тур. Ҳалиям жаҳлидан тушмади бу чол. Оқшомиминан тўнғиллаб чиқди. Касали гўрга кирса тўғриланади. Тез бўл, болам, овқатингни е. Бўлмаса, отанг очлигинг-гаям қараб ўтирмай қўй боқишга ҳайдаб юборади.

Кеча Бахшулло азбаройи Дилдора овқат олиб кириб бергани учун тамадди қилди. Шунда ҳам ҳаммасини еёлмади, томоғидан ўтмай, ярми косада қолиб кетди. Ҳозир ҳам иштаҳаси йўқ эди унинг. Фақатгина отасининг кўзига кўриниб қолмаслик учунгина чодирини тарафга юрди.

Зарбуви кампир овсинининг ёнига шошди. Дилидагиларни эрталоқ унга айтмоқчи, тўкилмоқчи эди. Шунинг билан бирга, Дилдора ўзининг қош қоқишлари билан ўғлининг кўнглига фулғула солиб қўйганлигини ҳам қистириб ўтмоқчи эди. Ва бу келинчак хулқининг чатоқлиги боис бу ерларга келиб қолган бўлиши мумкинлигини, йўлини қилиб эрталоқ ундан қутулмаса, эртага ҳар хил гаплар урчишини алоҳида таъкидламоқчи эди-ю, аммо ўзининг ширинсуханлиги, шаҳарлик бўлишига қарамасдан, бирорта ишдан бўйин товламадлиги, энг асосийси, ниҳоятда гўзаллиги билан эътиборини қозонганидан шундай келинни орзу қилиб қолганлиги боис, тилини тийишга мажбур бўлди. Лекин ўғли шу келинчакка бошқача қараганини айтди.

— Балки, кўзингизга шундай кўрингандир? Балки ҳақиқатанам Бахшулло бечора уни кўриб эси оғиб қолгандир? Эсингизда бўлса, овқат опкетиш учун киргандаям шу келинчакка бошқачароқ қарагандай бўлувди. Янаям билмадим, янга. Яхшиси, бир иш қилсак. Миямга бир нарса кеп қолди-да, — деди Мастура кампир бошидаги рўмоли тушиб кетаётгандай иккала қўли билан устидан босиб.

“Тезроқ гапирсайди”, деган ўйда Зарбуви кампир овсинининг юзига тикилди.

— Қишлоқдаги Бодом чечанинг қизи бор-ку, оти нимаиди? Ҳа, эсимга келди: Ойхол, шу ҳозир полчи бўпти. Ҳамма айтаётганлари тўғри чиқаётганмиш. Бир очириб кўрайлик. Балки товда юровриб... Айтиб бўладими, бу

товда қанча жин-ажина кезиб юради. Бечора болаларимиз кундуз демайди, оқшом демайди. Шу жин-ажиналар орасида юровради. Нима дедингиз, янга?

Зарбуви кампирнинг ранги оқариб, қулт этиб югинди. Овсинининг гапида жон бордай эди унинг назарида. Бўлмаса, буй бола жувоннинг орқасиданам шундай суқланиб қарайдими? Келинчак ўлгур чиройлиликка чиройли-ку-я, барибир, овсини айтгандай қилиб ҳам кўриши керак. Лекин фолчининг ёнига кетганини чоли эшитиб қолса, тириклайин гўрга тикәди. Ўн йилча олдин огоҳлантирувди: “Агар яна шундайча жойга борадиган бўлсанг, мен сендайча кампирни қўяман”, деганди Нарзулла ота. Бўлмаса, ўшанда ўн беш чақирим наридаги қўшни қишлоққа ўнтача қўйи ўз-ўзидан йўқолиб қолгани учун борувди. Чолини ўйловди. Раиснинг олдида юзи шувут бўлмасин девди. Агар яна борадиган бўлса, бу ўжар бир сўзли чол аниқ ўшанда айтганини қилади. Неваралари, келинлари борлигига қараб ўтирмайди. Ҳайдайди, тамом-вассалом. “Бу чол ўлмади, мен қутулмадим-да, — дея ўйлади Зарбуви кампир, — одам бунча қаримасин экан, вақтида омонатини топшириб қора ерга кирсинкетсин экан. Бўлмаса, эзмалигиминан ҳеч кимга тинчлик бермайди”.

— Шу чолим қурғур қўймайди-да, — деди Зарбуви кампир овсинига қараб афсусланганча бошини чайқаркан.

— Акамга айтмайсиз-да. Тожиниса янганинг худойисига бормовдик. Шуни баҳона қип кетоврасиз. Уларнинг уйлари бир-бирига тоза яқин.

— Майли, бўлмаса, шундай қилайлик, — Зарбуви кампирнинг бироз юзи ёришди, — Бахшулложоннинг ўзи обориб келади. Арава қўштирамиз.

Тугунча қилиб олиш учун Зарбуви кампирга беш дақиқагина вақт кетди. Бироқ Бахшулло онасининг буйруғини эшитганидан кейин афтини бужмайтирди. Тўнғиллаб тоққа чиқиб кетиши кераклигини айтди. Зарбуви кампир қовоғини уйди, бир-икки марта ўхшатиб хўрсинди-да:

— Ҳамманг отанг билан бир туссан. Ажал эртароқ жонимни олсайди, барингдан қутулардим, — деди сўник овозда.



Шундан кейин ҳам Бахшулло унинг айтганини қилмай кўрсин-чи.

— Хўп, обориб келаман, — деб аввал отасининг чодирига, сўнг не бир умид билан Дилдораларникига қараб кўйди.

Кампирлар қишлоққа боргунларича фолчи тўғрисида чурқ этишмади. Ўзларининг ёшликларини, қилган ишларини эслашиб кетишди. Орада Зарбуви кампирдан икки ёш кичик Тожиниса кампирни ҳам тилга олишди. Бахшулло эса уларнинг бир оғиз ҳам гапларини эшитмади. Эс-хуши Дилдорада эди унинг. Нозиккина, ниҳоятда сулув келинчакнинг ҳар бир ҳаракатини кўз олдига келтирар, ичкара, сўнг узоқларга термиларди.

Кампирлар худойига тез кириб чиқишди. Бахшулло ичидан хурсанд бўлиб, энди отига минмоқчи бўлиб турганида, энаси:

— Бодом чечаникига кириб чиқамиз, — деб ёнидан аста-секин, ўзини касалга солиб зўрға юриб ўтиб кетди. Атайин, ўглининг раҳмини келтириш учун шундай қилди. Чунки озгина тоби қочса, Бахшулло типирчилаб қолади.

Ҳозир ҳам шундай бўлди. Бечора ўғил югуриб энасининг ёнига борди-да, қўлидан ушлаб, юришига ёрдам берди.

— Умрингдан барака топ, болам, шундай пайтларда сени туққанамга шукр қиламан, — деди кампир ожиз товушда.

Фолчи хотин Мастура кампир айтганидан ҳам кўзли экан. Икки овсин унинг таклифидан кейин (Бахшулло ичкарига кирмади) кўрпачага ўтириши билан:

— Бола бечора қийналиб қопти-ку, — деди.

Унинг гапидан сўнг кампирлар дарров бир-бирига қарашди.

— Айланай, — деди бирдан юраги гупиллаб уриб кетган Зарбуви кампир, — шунинг дардида келдик-да. Билмайман, нима жин урди, икки-уч кундан бери одамови бўп қолган.

— Ҳа, бундай пайтда ҳар қандай одам эсини йўқотади, момо. Бу дард ким-кимларни қийнамаган, — дея қора қўлларини ҳомиладорлигида юзига тушган доғ устига кўйиб бошини чайқади Ойхол фолчи. — Мен сизлар

ҳали йўлдаликларингизда олдимга келаётганларингизни билувдим... Момоларим кўпинча шундай хабарларни ҳам айтиб туришади.

Фолчининг бу гапидан кейин иккала овсин ҳам ҳангманг бўлиб қолишди. На унисининг ва на бунисининг тили калимага келарди.

Ойхол фолчи айна лаҳзадан усталик билан фойдаланиб, кўзларини юмди-да, пичирлаб алланималарни ўқиган бўлди ва юзига фотиҳа тортиб, иккала кампирга ҳам жилмайди.

Шундан кейингина Зарбуви кампир ўзига келди ва “гапиринг” дегандай овсинини туртиб қўйди.

— Ўргилай, — деб гап бошлади Мастура кампир, — сизнинг отингизни эшитганимиз заҳоти оёғимизни қўлимизга олиб келавердик. Энди ўзингизга ҳамма нарса маълум экан, нима қилсак бўлади?

— Бўлмаса, мен бир фол очиб олайин, момоларим нима деса, мен сизларга шуни айтаман, — деб Ойхол фолчи дастурхон устига пичоқ, қамчи ва бошқа ўзининг ашқол-дашқоллари билан бирга, бошқа фолбинлардан фарқли равишда, суяк қўйди. Ана шунисига иккала кампир ҳам ажабланди. Бироқ лом-мим дейишмади.

Ойхол кампирлар умрларида эшитмаган сўзларни пичирлаб талаффуз қиларкан, ора-чора кекириб ҳам қўяверди. Унинг чиқарган нафаси шунчалик сассиқ эдики, Зарбуви кампир зўрға чидаб ўтирди.

— Эй-й, — дея бошини сарак-сарак қилди фолбин ҳамма расм-русумларини қилиб бўлганидан кейин, — Бахшулложоннинг аҳволи анча оғир экан. Уни тузатиш менинг қўлимдан келадими-йўқми, билмайман.

Зарбуви кампир қўлида сиқимлаб ушлаб турган дастурмолини тезда очди-да, гижимланган уч сўмликни олиб, фолчининг ёнига қўйди:

— Умид билан келганмиз, қизим.

— Худо йўлига бердингизми? — сўради Ойхол фолбин пулни олиб дастурхоннинг тагига қўяркан.

— Худо йўлига.

— Даргоҳида қабул қилсин, — деб фолчи юзига фотиҳа тортиди, — энди, момо, мен сизга айтсам, яқинда бир эркак билан бир келинчак келган экан.

— Ҳа... ҳа, келди, — дея овсинидан олдин гап бошлаб юборди Мастура кампир шошиб. — Анави-да, эрининг оти Икром, хотининики Дилдора, икковиям ёш, шаҳарлик.

— Момоларимнинг айтишича, ана шу келинчакнинг жодуси бор экан. Тўғриси, уни кўрган эркак зоти борки, ақли-хушидан айрилади. Агар вақтида ҳаракат қилинмаса, билмадим, ўғлингиз чўпон, тоғу тошлар орасида юради, яна хаёли билан андармон бўлиб биронта қоя-поядан...

— Товба қилдим, товба қилдим, — деб Зарбуви кампир фолчининг гапини бўлди-да, ёқасини кўтариб ичига туфлаб қўйди. — У келинчак одаммасакан, офат экан. Шум қадам! Вой, бечора болам-а!

— Момо, — деди Ойхол Зарбуви кампирга юзланиб, — дардни берган шифосиниям беради.

— Шунисини айт-да, қизим, шунисини, биз нима қилайлик энди?

— Бахшулло уни шунчалик қаттиқ яхши кўриб қолганки, ё унга уйланиб, сир-асрорини билганидан кейин тинчийди, ёки...

— Менинг бўй болам келиб-келиб жувонга уйланадими? Яна унинг бошида эри бўлса, қуриб кетмагур-а, болагинам, — деб кампир кўзига ёш олди. — яхшиси, бораман-у, у жувонмаргни ҳайдайман, қаердан келган бўлса, шу ёққа кетсин.

— Момо, болангиз ҳам унинг орқасидан кетиб қолади, ундан кейин нима қиласиз? Бизди товди болалари шаҳарда яшолмайди. Икки ўртада яна сиз куйиб қоп кетаверасиз.

— Ҳай, эри бўмагандаям бир нав эди, бир гап чиқиб... Насаққа қоп кетмасак гўргайди. Қизим, ирим-сирим қилиб Бахшулложонни ундан совутиб бергин, мендан қайтмаса, Худодан қайтсин.

— Майли, момо, қилиб бераман, ишқилиб, нафи тегсин-да, — деб Ойхол қоғозчага аввалдан ўзи тайёрлаб қўйган турли хил кукунларни солиб ўради ва узоқ ўқиди, ундан сўнг қоғозчадаги кукунни пиёлага тўкиб, устидан сув куйиб роса аралаштиргач, секин ўрнидан туриб ташқарига йўл олаётиб: — Шу ерда ичиб кетгани маъқул,

кейин яна битта тайёрлаб бераман, уни уйда овқатига соласиз, — деди.

Бахшулло истар-истамас фолбиннинг уйига киргач, қўлига тутқазилган пиёлага термилиб:

— Нима бу? — деб сўради.

— Ич, — деди унга Зарбуви кампир, — оқшом юрган-нингда жин-ажинадан сақлайди, ич!

Бахшулло пиёлани оғзига олиб борди-да, афтини бужмайтириб:

— Бунча сассиқ, — дея фолбиннинг қўлига қайтариб бераётганида, Зарбуви кампир ўрнидан туриб кетди.

— Шифобахш ўтларнинг иси бўлади, минғирламай ичвор, сассиқ ароқни ичишга бетинг бузилмайди, ич! — деди у овозини бир парда кўтариб.

Бахшулло ноиложликдан нафас олмай, пиёладаги саргимтир суюқликни ютди, сўнг лабини енгига артиб:

— Бўлдими? — деб ортига бурилди-да, ташқарига чиқиб кетди.

Зарбуви кампирнинг бироз кўнгли жойига тушди. Унинг овсини эса ич-ичидан суюнди. “Ана энди Дилдоранинг эрини бир ёқли қилсам, шундай қизни боламнинг қўйнига солиб қўяман”, дея ўйларди у.

Отига миниб энасини кутаётган Бахшуллонинг ичи ёниб кетаёзди. Унинг кўзига Дилдора ўт бўлиб кўринар, мумкин қадар тезроқ ёнига кетгиси келаётганди. Шу боис, фолбиннинг уйи тарафга пешонасини тириштириб қараб қўярди. Орадан бироз ўтиб, энаси билан янгаси кўринди. “Хайрият-э”, дегандай у чуқур нафас олди.

Кета-кетгунча Зарбуви кампирнинг қовоғи очилмади. У қилиб қўйган ишидан ниҳоятда афсусда эди. “Қизик устида, аччиқ устида қип қўйдим, қирғин кегур Мастуранинг ҳеч дўстлиги йўқ-да, келиб-келиб шунинг гапига кирганимни...” — деган ўйда эди у. Айни чоғда унинг-да кўз ўнгида ширинсухан, доим нимтабассум қилиб турувчи Дилдорага баттар меҳри ошиб кетаётганди. “Эридан совутиб олардим-а, эсиз... Одамлар бир кун гапирарди, икки кун гапирарди, кейин оғзи чарчайди”. Шу гаплар хаёлидан ўтганида у отнинг устида ўтирганча бутун дунёни унутиб, ўзи билан ўзи андармон бўлиб кетаётган ўғлига ачиниб қараб қўярди.

— Бўлди, — деди секин пичирлаган Бахшулло, — бугун тунда Дилдорани опқочиб кетаман!

Албатта, унинг гапини ўзидан бошқа ҳеч ким эшитмади. Шундай эса-да, у ортига бурилиб, ҳар эҳтимолга қарши, кампирларга назар ташлаб қўйди.

\* \* \*

— Ойи, — деди Дилором, Самандар билан Соли ўтирган машина узоқлашгач, Санобар опанинг елкасига осилиб, — нимани гаплашдинглар?

— Қўявер, қизим. Болаларнинг дарди бор экан, бир эзилишди-да, — дея жавоб қилди Санобар опа бепарво қўл силтаб.

— Бекордан-бекорга ичмагандирсиз. Қизларингиз роса хафа бўлишди. Кейин... ойи, бунақа қилмасдингиз-ку! Раҳматли адамлар бор бўлганларида, роса гап тагида қолардингиз.

— Фақат гапнимас, қизим, калтакниям. Лекин нима қилай, ичим тўлиб кетган менинг. Дардимни ким эшитади? Кимдан нажот кутай?! — шундай дея Санобар опа кўзига ёш олди.

— Юринг, ойижон, яхшиси, ётинг, ўтиб кетади, ўзим аччиққина чой дамлаб бераман, — деб Дилором онасини дарвозадан ичкарига киритди-да, ётоқхона тарафга етаклай бошлади.

Санобар опа барибир ётиб ухлаёлмади. Боши ёстиққа тегиши билан лўқиллаб оғрир, биров болга билан ураётгандай бўлаверарди.

— Дилором! Дилором! — дея ташқарига чиқиб кетган қизини чақирди у.

Дилором ўзининг исмини эшитиши билан югуриб ойисининг ёнига келди-да:

— Лаббай, ойижон! — деди ҳадик аралаш.

— Менга дори бер, кейин ёнимга ўтир, катта қиз бўлиб қолдинг, сен билан маслаҳатлашмасам бўлмайди, — деди Санобар опа ётган жойида.

Қизи тезда унинг айтганини бажариб, ўзи ойисининг бошини кўтариб дори ичириб қўйди.

— Кўнглим жуда беҳузур-да, қизим, — деди кўзини оҳишта юмган Санобар опа.

— Ойижон, балки ҳаммомга кирарсиз, чўмилиб чиқсангиз, дарров тетиклашасиз.

— Йўқ, қизим. Бошқа нарсадан хавотирдаман. Боя анави икковига қўшилиб ҳар балоларни гапириб ташлабман, энди қийналаяпман. Сенга тўғриси айтсам, уларнинг хаёллари бузуқ. Икром акангга дўстлик қилмайди. Тез Икром акангни топиб, менинг олдимга олиб кел. Зора қилган яхшиликларига бизам жавоб қайтаролсак.

— Нималар деяпсиз? Икром акамлар уларга қаттиқ ишонадилар-ку! Ундан кейин саёҳатга кетганлар деб эшитдим. Ёнларига бориб халақит бериб нима қилдим?

— Агар ҳозир уни топмасанг, кейин у бир умр беҳузур бўлади.

— Мен-чи, ойижон, мени қай аҳволга солдилар? Мен дардимни кимга айтайин? Ақллари жу-д-аям кўп, ҳар қандай вазиятдан чиқиб кетишни яхши биладилар! Қўяверинг! — деб Дилором киприклари орасидан қуйилиб келиб, юзини шалаббо қилган кўз ёшларини кафти билан артди-да, ўрнидан турди ва бир-бир босиб хонадан чиқиб кетди.

Санобар опа дардини айтолмай қолди. У қизининг қай аҳволда эканлигини билиб турарди, аммо ҳозир бунинг мавриди эмасди. Агар вақтида ҳаракат қилмаса, қарзи бўйнида қолиб, бир умр қийналиб юриши керак эди. Йиғлагиси келди. Юзини ёстиққа босди. Йиғлаёлди. Лекин овози чиқмади. Шу бўйи ухлаб қолди.

Дилором сингилларининг ёнига чиқди. Аввалгидай қовоғини уйиб олмади. Ҳаммасига онасининг ёнидан узоқлашгандаёқ қўл силтагани у. Шундай ҳам қилиш керак-да, тоқайгача Икромни деб азобланади? Бўлди, бундан бу ёғига шўх-шодон қиз бўлиб юради. Қани, биров унинг дилини оғритиб кўрсин-чи?

Кенжа синглиси Нигоранинг орқасидан секин бориб қитиқлади. Синглиси аввал чўчиб тушди, сўнг ёқасига туфлаган бўлди-да, онасининг ўзини ҳам қитиқлашга тушиб кетди. Бирпасда ҳовлида қизларнинг қийқириб кулгани эшитилди. Дилоромнинг борган сари завқи ошар, синглиси билан кўпроқ-кўпроқ ўйнагиси келарди.

— Бўлди! — деди кулавериб қизариб кетган Нигора кўрсаткич бармоғини юқорига кўтариб, — сиз жудаям шўх бўлиб кетибсиз, биринчи келган совчиларга бериб юборамиз, дарров босилиб қоласиз.

— Ҳо, шунақами ҳали? Ўзингизни ўйлаб шундай қилаётган бўлманг тагин, ойимқиз? Мен кетганимдан кейин сизга — хонимга навбат яқинлашади-да, шундайми?! — деди-ю, Дилором бирдан жиддий тортиб қолди.

“Ахир мен сингилларимнинг олдини тўсиб турибман-ку, фақат ўзимни ўйлайверсам, эртага булар ҳам бахтсиз бўлиб қолишмайдими?” — дея ўйлади у.

— Ҳа, сизга нима бўлди? — деди ундаги ўзгаришни кўрган Нигора опасининг қўлини қучоқлаб.

— Эътибор берма, ўзим шундай, бошим озгина оғриб кетди, шекилли.

— Ўзингиз ҳам билмайсизми? — деб кулган бўлди сингил. — Шекилли экан. Агар ҳақиқатан оғриси дарров кўз ёши қиларкансиз-да.

— Йўқ, нималар деяпсан? Худо хоҳласа, энди менинг йиғлаганимни кўрмайсизлар, бугундан эътиборан ваъда бераман.

— Ўзимнинг ширингина опагинам, — деб Нигора Дилоромнинг юзидан чўлпиллатиб ўпиб қўйди.

Кечки овқатга қизлар оналарини уйғотишмади. Оромини бузгилари келмади. Ўзлари дастурхон атрофига тўпланишди. Ҳозирги пайдо бўлаётган модадан гаплашишди. Ўзларига гап отган йигитларнинг ёқимсиз қилиқларини айтиб қулишди. Дилором бугунги куни қандай ўтгани тўғрисида сингилларига лом-мим демади. Нима десин, келиб-келиб қаердаги кекса бир чол илакишди, десинми? “Лекин боладим. Иккинчи ёнимга яқинлашмайдиган бўлди!” — дея хаёлидан ўтказди у ва сингилларининг сўзларига диққат билан қулоқ солиб ўтирди.

Тонг отишига ҳали уч-тўрт соат бор эди. Ҳамма қизлар бир маромда нафас олиб, ширин тушлар кўришиб ухлашаётганларида дарвоза ёнига “Жигули” келиб тўхтади. Унинг олд ва орқа тарафидаги давлат рақамлари йўқ эди. Машина тўхтаган жойида бирор муддат қимир этмай турганидан кейин олдинги иккита эшиги очилиб, қоп-қора кийимдаги ниқобли кишилар тушди. Иккисининг ҳам қўлида милига товуш чиқармайдиган ускуна ўрнатилган тўппонча бор эди.

Басавлат икки ниқобли йигит атрофга олазарак қараганча, аста-секин юриб дарвозага яқинлаша бошлади.

Шу маҳал бошқа бир машина ғийқиллаганча тормоз бериб уларнинг улови орқасига келиб тўхтади. Ниқобдагилар кутилмаган бу ҳолдан кўрқиб кетишиб, дарров тўппончаларини бегона “Волга” томонга тўғрилашди. Бироқ тепкини босишга улгурмасидан “Волга”дагилар тасир-тусуротишга тушиб кетишди. Битта ниқобли кўксини темир парчаси тешиб ўтганидан кейин йиқилди. Иккинчиси ўзини ерга ташлаб, бегоналар ўқидан қутулиб қолди. Шунинг билан бирга, уч-тўрт марта тўппончасини ҳам ишлатди. Бироқ унинг ўқлари “Волга”га тегиб бошқа тарафга учиб кетди.

Бегоналар уч дақиқа чамаси отишмадан кейин қандай келган бўлишса, шу тариқа кўздан йўқолди.

Ўқ овозидан баттар ваҳимага тушган Дилором ўрnidан ирғиб турди ва дераза пардасини очиб, секин ташқарига қаради.

— Нима бўлди?! — сўради чўчиб уйғониб кетган Нигора.

— Жим! — деди унга қараб қўйган Дилором.

Опасининг паст, аммо ваҳимали овозидан кичик сингил кўрқиб, ўрnidан тура-сола чироқни ёқмоқчи бўлганди:

— Ёқма, сезиб қолишади! — деб бақриб юборди Дилором.

Нигора девор ёнида ҳайкалдай қотиб қолди.

Душманлар кетиб бўлганидан сўнг, соғ ниқобли киши тезда шеригини опичлаб кўтариб, машинанинг орқа ўриндиғига ётқизди, сўнг ўзи рулга ўтирди-да, “Жигули”га қаттиқ газ бериб орқага ҳайдади ва у ҳам тезда кўздан йўқолди. Шундан сўнггина Дилором югуриб бориб чироқни ёқди ва сингисига қаради. Нигоранинг рангида қон қолмаган эди. Шу боис, у киприкларини пирпира-тиб опасига жавдирабгина қараб турарди.

— Ўзимнинг жоним, кўрқиб кетдингми? Ҳаммаси жойида, — деб Дилором уни кучоқлаб юзидан ўпди.

— Нима бўлди, опа? Қанақангидир ўқ товушидан кўрқиб кетдим. Кимлар келишган экан? — сўради Нигора юраги дук-дук уриб.

— Бўлди, ўтиб кетди, аввал сув ичволгин.

Дилором эшик ёнидаги стол устида турган графиндан



синглисига сув ичиргач, бошқа сингиллари ётган хонага Нигорани етаклаб борди-да, Заҳронинг ёнига ётқизиб қўйиб, ўзи Санобар опанинг олдига ўтди. Ойиси бир текисда нафас олганча ухламоқда эди. Дилором бир неча муддат унга тикилиб қараб турди. Ойисининг оромини бузгиси келмади. Лекин бўлиб ўтган воқеа унча-мунча ҳодиса эмасди. Ахир ярим кечаси отишма бўлиб, бутун бошли бир одам яраланди. Яна уларнинг дарвозаси тагида. Аслида ниқоблилар кимлар? Ким уларни юборган? Ким уларга ҳужум қилди? Буларнинг бари жумбоқ эди. У кеча ойисининг гапини охиригача эшитмагани учун ўздан хафа бўлди. Овоз чиқармасдан Санобар опанинг ёнига ўтирди. Бироқ ойиси барибир безовталаниб уйғониб кетди.

— Дилором, нега ухламаяпсан? — сўради уйқули кўзини уқалар экан.

— Ойижон, сизни безовта қилмоқчимасдим.

— Чироғим ёниқ қолган эканми?

— Йўқ, ўзим ёқдим.

— Унда нима гап, тинчликми?

Дилором бир муддат жавоб қилолмай каловланиб онасига термилиб қолди. Сўнг паст, хаста товушда кўрганларини бирма-бир гапириб берди-да, ўзига жавдирабгина термилиб турган ойисига:

— Нега?.. Нега бизни тинч қўйишмайди?.. Кеча анавилар билан нимани гаплашгандингиз? Ҳозиргача биров бизни безовта қилмай қўйганди-ку, яна нима учун?..

Санобар опа ўрнидан турди, тўзғиган оппоқ сочларини тўғрилади. Сўнг қизининг қўлидан ушлади.

— Эшитмай чиқиб кетганингдан хурсанд эдим. Қайси аёл эркак билан тенг келибдики, биз тенглашсак? Аксига олиб, биронтанг ҳам ўғил бўлмадинг. Майли, Худонинг бергани... Хуллас, Икромни йўқ қилишга мен аралашмайман, деган эдим Самандар билан Солига. Энди улар ўзларидан қўрқишаётган бўлса керак. Мендан ҳам хавотирда, гуллаб қўйишим мумкин-ку! Демак... Демак! Наҳотки шу рост бўлса? Аданг раҳматли бирорта ҳам аёлга қўл кўтармаган эдилар. Шунча бирга яшаб, сўкиш эшитмаганман. Қўрққанлигим рост... Булар шунчалик паст кетишдими ҳали? Бу ёққа юр, қизим, аёл бўлсак ҳам

гамимизни еб қўяйлик. Тагин “оббо!” деб бошимизни чангаллаб юрмайлик.

Санобар опа шоша-пиша халатини елкасига илди-да, қизини қўлидан ушлаб ташқарига етаклади.

Улар ертўлага тушишди. Санобар опа чироқни ёқиб энг тўригача борди.

— Ойи, нима қилмоқчисиз? — сўради Дилором ҳайрон бўлиб. — Бу ерда ҳеч нарса йўқ-ку.

— Ҳа, ҳамма ёқ кафелланган, бир қарашда ҳеч бало кўзга ташланмайди, лекин шу ердаям сир бор, — дея Санобар опа энг тўрдаги бетон устига ёпиштирилган кафеллардан еттита санаб, саккизинчисида тўхтади. — Адашмасам, мана шу. Сен бир тарафидан, мен иккинчи тарафидан қаттиқ босамиз.

Ҳали-ҳамон бирон нима тушунмаган қиз онасининг айтганини бажарди ва бутунлай қутилмаган воқеанинг гувоҳи бўлди. Улар кафелни босганлари сайин у тепага кўтариларди.

— Қаттиқроқ, қаттиқроқ, кучинг борича бос! — дерди тинимсиз Санобар опа.

Кафел Дилоромни бутунлай ҳайратлантириб, ўзи билан бирга қалин тунукадан ишланган ранги қоп-қора қутини ҳам кўтариб чиқди. Санобар опа бирдан уни сўл тарафга итарди.

— Нима бу? — деб сўради Дилором.

Санобар опа жилмайиб, нафас ростлаб олиш мақсадида, белини ушлаб бироз энгашиди-да:

— Бир пайтлар, — деб гап бошлади ҳансираганча, — аданг раҳматли кўрсатганди: “Менинг уйда бўлиш-бўлмаслигим кўп, керак бўлиб қолади, кўриб қўй”, деган эдилар, — тўртбурчак қутининг ҳамма томони сип-силлиқ, бирон жойида ҳатто тешик ҳам йўқ эди. — Лекин ҳозир қандай очилишини билмай турибман, — деб пешонасини тириштирди аёл.

— Адам кўрсатмаганмидилар?

— Кўрсатувдилар, эсимдан чиқибди-да, ўн беш йиллар чамаси аввал эди. Очаётганларида эътибор ҳам бермаган эканман. Барибир керак бўлмайди деб ўйлаганман-да... Адашмасам, адашмасам, манави устидаги кафелни айлантиргандай бўлувдилар. Қани, кўрайлик-чи.

У ўнг тарафга кафелни айлантирди. Лекин қутида очи-лиш аломатлари сезилмади.

— Шошма, шошма: “Буни очиш учун қизларингнинг ҳаммасини эслайсан, агар эсламасанг, бомба билан пор-тлатган тақдирингдаям очолмайсан. Бу сейф жудаям қалин пўлатдан тайёрланган. Махсус. Жухуд устанинг қўлидан чиққан. Уларнинг ишлари ҳамиша пишиқ бўлади”, дев-дилар. Гаплари аниқ-тиниқ эсимда. Бир айлантирдим, демак, яна уч марта айлантиришим зарур. Чунки сизлар тўрттасизлар.

Дилором ўзи учун яна бир мўъжизани кўрди. Ойиси кафелни айлантириб бўлиши билан қутининг бир тара-фи автоматик равишда жуда секин очилиб кела бошла-ди.

— Ичида сандиқчалари бор экан! — деб қичқириб юбораёзди Дилором, — тўртта!

— Менга кўрсатганларида иккитагина эди. Қани, бит-тасининг ичини кўрайлик-чи, нима бор экан?

— Билмасмидингиз нима борлигини?

— Йўқ. Аданг кўрсатмаганлар. Фақат эгаларига бериб қўйишимни тайинлаганлар.

Дилором эҳтиёткорлик билан энг юқоридаги сандиқ-чани олди. У чироқ рангида ўзгача товланарди. Қиз бир муддат хийлагина оғир қутининг нақшларини томоша қилди. Сўнг ойисига қараб деди:

— Тилладан ясалган экан, жуда нозиклик билан иш-лов берилибди. Нақшларининг чиройлилигини қаранг.

— Кўзни қамаштиради, — деди Санобар опа сандиқ-чани қизининг қўлидан оларкан.

— Ичини очинг, ойи, нималар борлигини кўрайлик.

— Ҳозир, — деб Санобар опа сандиқчанинг қопқоғи-ни секин кўтарди-ю, ҳайратдан донг қотди.

— Вой-бўй! — деб юборди Дилором ва сандиқ ичидаги брильянт кўзли тақинчоқни қўлига олди. — Бунча чи-ройли! Бунақасини умримда кўрмаганман.

— Бунисига қара.

Санобар опанинг кафтида турган тилла занжирдаги тош хийла катта ва чироқ ёруғида жуда ўзгача товланар-ди. Дилором бирдан занжирни ойисидан олиб бўйнига тақди-да:

— Ярашдими?! — деб сўради ҳаяжонини яширолмай.

— Жудаям. Очилиб кетдинг.

Улар сандиқ ичидаги ҳамма қимматбаҳо тошларни эринмасдан бирма-бир кўриб чиқишди. Дилоромга ҳаммасидан ҳам нўхатдай келадиган брильянт кўзли узук кўпроқ ёқди. У бармоғига тақди-ю, қайтиб ечмади.

— Энди бошқаларини кўрамиз, — деб Дилором қутидаги бошқа сандиқчаларга энди қўлини узатганди ҳамки, Санобар опа уни силтаб ташлади-да:

— Тегма! — деб бақариб юборишдан ўзини тиёлмади.

— Улар сенга тегишли эмас, сингилларингники.

— Шунчаки кўрмоқчийдим, — деди Дилором хафа бўлиб.

— Мумкинмас. Ўзингникини олдинг. Мен тегинмадим-ку. Бўлди, кўлингдаги қолсин, қолганини жойига қўйиб қўямиз.

Улар ертўладан чиққанларидан кейин ҳам Дилором кўрган дуру гавҳарлари жодусидан қутулолгани йўқ эди. Бу пайтда энди-энди тонг отиб келмоқда эди.

— Сингилларинг уйғонмасдан сенга айтайин, — деди Санобар опа уйга кирмоқчи бўлиб зиналардан кўтарилаётган қизига, — сен ҳам ўғлим, ҳам қизимсан. Нега шунча нарсани сенга кўрсатганлигим сабабини биласанми?

Дилором “йўқ” дегандек елка қисди.

— Унда шошилмасдан бу ёққа кел.

— Ойи, яхшиси, хонангизга кирайлик. Ҳар қалай, уйимиз бўлсаям... Ўзингиз айтасиз-ку, доим эҳтиёт бўлинглар деб.

— Яхши, юр.

Дилором тўғри бориб ойисининг юмшоққина диванига ётиб олди ва яна боягидай зўр қизиқиш билан узугини томоша қила бошлади.

— Кўрдингми, узук сандиқ ичида эмас, сенинг қўлингда жило таратаяпти.

— Тушунмадим, — деб Дилором онасига қаради.

— Ҳар қандай нарса ҳам эгасига текканидан кейин гўзал. Лекин бу нарсани янада гўзаллаштириш мумкин. Яъни сен узукни тақиб юрмайсан, балки ундан фойдаланасан.

— Сотасан демоқчимисиз?

— Нималар деяпсан? Буни сотиб оладиган одамлар жуда кам. Ундан кейин, улар сотволишмайди. Оддий одамларнинг эса бунақанги нарсаларга қурби етмайди.

— Адамлар ҳам сотвомаганмилар?! — деди вужудига бирдан титроқ кирган Дилором.

— Унисини билмадим. Адангнинг ишларига ҳеч қачон аралашмаганман. Айтмоқчи бўлганим, бойликларинг билан ўзингни яхшигина ҳимоя қилсанг бўлади. Менга фақат шу керак. Бойликлар эмас. Ертўлада ҳеч кимнинг корига ярамай ётганидан кўра, ишласин.

— Ойи, қандай қилиб ишлатаман?

— Мен ўйлаб қўйибман. Сен яхши спортчи топ. Боксчими, яқинда пайдо бўлиб қолди-ку, каратэмиди оти? Хуллас, чаққон, муштлашувда битта-иккита одамни бемалол енга оладиган одам топ. У сенга тансоқчилик қилади. Эвазига пул тўлайсан. Бу, албатта, жуда нозик масала. Тансоқчиман деган одамнинг ўзи душманлик қилиб қўйиши мумкин, шунинг учун жуда эҳтиёт бўлишинг керак.

— Ойижон! — деб Дилором ўрнидан турди-да, Санобар опанинг ёнига келиб бўйнига осилди. — Нималар деяпсиз?

— Қизим, агар сенга, сингилларингга бирор нима бўлса, мен пичоқсиз сўйиламан. Кўнглим хотиржам бўлиши керак. Яхшиси, бундай қиламиз: сен бориб ўша йигитни топасан; менинг ёнимга олиб келасан; қолганини ўзим гаплашаман. Йилига битта тақинчоғингдан айриласан. Лекин ҳечқиси йўқ. Ўзинг тақиб юришинггаям қолади. Чунки бахтинг очилган куни куёв бола сен учун жавобгарликни бўйнига олади.

— Агар, — деб Дилором онасининг юзига қаради, — менга тансоқчилик қилмоқчи бўлган йигит куёвликка даъвогар бўлиб қолса-чи?

— У ёғига Худо пошшо. Сен соғ-омон бўлсанг, шунинг ўзи менга етарли.

— Хўп, мен тансоқчи топарман. Лекин бошқа қизларингиз-чи, менга зиён етказмоқчи бўлган одам уларга индамайдими?

— Ўша битта одам етади. Ким кўчага чиқса, ўшани кўриқлаб юради. Балки уларга ҳам топармиз!

Дилором онасининг гапларига рози бўлди. Айни чоғда ўзга имконияти ҳам йўқ эди. Шундоғам кўп қайғуларни бошидан ўтказган Санобар опа дардларга ортиқ бардош беролмай ётиб қолиши ҳеч гап эмасди.

Лекин қизнинг хаёлида ўзгача ўй пайдо бўлганди. Яъни шунча бойлик билан бемалол ўзига гуруҳ тузиб олиши ва душманларига қарши курашиши мумкин эди.

— Ҳаммаси айтганингиздай бўлади, — деб у Санобар опани юпатган киши бўлди.

Соат тахминан тўққизлардан ошгач, Дилором тўғри бозор тарафга йўл олди. Онаси: “Мен айтган жойга кетаяпти”, деган хаёлда қизига:

— Эҳтиёт бўлиб бориб кел, — дейиш билангина чегараланиб, уйда қолди.

Дилором то автобус бекатига боргунча зимдан атрофни кузатди. Ёнидан ўтган машиналар ҳам унинг назаридан четда қолмади. Юраги дукиллаб урди. “Ишқилиб, орқамдан тушган бўлишмасин”, деган ўй автобусга чиққунича хаёлини тарк этмади. Бўш ўриндиқлардан бирига бориб ўтирганидан кейин эса ўзига бир икки марта термилиб қўйган йигитларга кўзи тушди-ю, юраги шув этиб, секин ял-ял ёниб турган узуги устига бармоғини қўйди. “Ҳозир ўғрилиқ роса авжига чиққан. Эҳтиёт бўлишим керак. Қарашлари жуда ёмон экан”, дея хаёлидан ўтказди Дилором ва деразадан кўчани томоша қилган киши бўлиб кетаверди. Ҳартугул икки бекатдан кейин йигитлар тушиб кетишди. Бироз кўнгли хотиржам тортган қиз узугини ечиб сумкачасига солиб қўйди. Шунда ҳам атрофдагиларни минг бора кузатиб, улар ўзига эътибор бермаётганини билганидан кейингина. Аммо беш-олти бекат юрганидан сўнг, автобус салони йўловчилар билан лиқ тўлди. Дилором ўрнидан туришга мажбур бўлди. Ахир ёнгинасига қари бир кампир келиб туриб олганча ҳансираб нафас олавергач, унга жойини бўшатиб бермасинми? Турмай ўтираверганида шунақанги гап эшитардики, бундан кўра, автобусдан тушиб пиёда кетгани минг марта афзал. Аммо турди-ю, тагин кўнглини шубҳа-гумонлар эгаллаб олди. Чунки у кўзлари ўйнаган, сочлари пахмоқ, баданидан бадбўй ҳид таратувчи одам билан ёнма-ён туриб қолганди. Бундайлар кўпинча пиёниста бўлишади.

Бир қултум сассиқ вино илинжида ҳар қандай жирканч ишдан ҳам тойишмайди. Дилором сумкачасини қўлтиғига маҳкам сиқиб олгани етмагандай, иккинчи қўли билан ҳам маҳкам ушлади.

У бозорга етиб олгунча ҳар кимдан гумонсирайверганидан роса асабийлашди. Боши оғриди. Шу боис, талай вақт нима қиларини билмай, бозор ичкарасига киролмай туриб қолди. Меровсираб турган гўзалликда тенги йўқ, истарали бу қизга ўтган-кетганлар ҳайрон бўлиб қарашарди. Йигитлардан: “Оппоқ қиз, мабодо, мени кутиб турганингиз йўқми?” — дегувчилари ҳам бўлди. Уларга Дилором шунақанги қовоғини уйиб қарадики, мўйлаблари сабза уриб қолган болалар ортиқча шилқимлик қилишга ботинолмай йўлларида давом этишди.

“Бу аҳволда бирон нима қилишим даргумон. “Молокосос”лардан умид қилмаса ҳам бўлаверади. Чаққон, ёши йигирмадан ўтиб қолган йигитлар керак менга. Ишқилиб, ақлим панд бермасин”, деган ўй хаёлидан ўтган Дилором расталар оралаб, сотувчи йигитларга зимдан назар ташлай бошлади. Лекин у истаганини тезда топа қолмади.

Қўли-қўлига тегмай картошка сотаётган, қорачадан келган, озгингина йигит қаршисига борганда эса, тўхтади. Йигитнинг ишини кузатди. Сотувчи бало эди. Тили билан қўли бир хил ҳаракатланарди. Шунинг билан бирга, харидорларни шунақанги алдаётган эдики, Дилором қойил қолди. “Қани, мени қандай алдаркан?” — деган ўйда:

— Икки ярим кило тортинг, — деди.

Бу пайтда сотувчи пул санаш билан овора эди, шу боисдан Дилоромга қараб ҳам қўймасдан:

— Ҳозир бир минутда есть қиламан. Одамлар ҳам қизиқ-да, пулга эътибор беришмайди. Пул ҳам нозикликни, “порядка”ни яхши кўради. Ота-бобомиз бекорга агар бир сўм топиб олган тақдирингдаям уни яхши...

Шу жойга келганда йигитнинг тили айланмай қолди. У Дилоромга қараган ва гўзаллик қаршисидан нима деяётганини ҳам унутганди.

— Ке... Келинг, — деди озгина фурсат ўтгач ўзига келган йигит, — сизга неча кило тортиб берай?

— Икки ярим кило, — дея бепарво жавоб қилди Дилором.

— Ҳозир... Ҳозир, — деб сотувчи тарози палласига беш килолик тош қўйиб, энг сара картошкаларни челака ташлай бошлади.

— Илтимос, тезроқ, — деди Дилором ўзини бетоқатланган кўрсатиб.

— Ҳа... Ҳа, тезроқ. Мана-да.

Картошкага тўлган челақ тарозининг иккинчи палласига қўйилди. Шубҳасиз, у беш килодан кўп эди.

— Вой-бўй! — дея бурнини жийирди қиз. — Икки ярим кило дегандим, ўн кило эмас.

— Эсим курсин!

— На мунча довдирайсиз?

— Шу десангиз, озгина паришонхотирлигим бор-да.

— Дўхтирга бориш керак.

— Дўхтирга... Бориш керак, тўғри. Сиз дўхтирмасмисиз?

— Дўхтирман.

— Яхши бўлди, ўзингиз қараб қўясиз-да.

— Оббо, — деди бошини сарак-сарак қилган Дилором, — сизни яхшигина юлғичмикан, десам, довдирлигингиз ҳам йўқ эмаскан. Энди беш кило тортиб юбордингиз-ку.

— Э-й, майли, қўяверинг, икки ярим килога... Йўғ-э, сизга совға. Даволанишга бориб қолсам, қарашиб юборарсиз.

— Мен бунингизни қандай кўтариб кетаман?

— Ҳозир, — деганча сотувчи ўзидан сал нарида мийиғида кулганча буларни кузатиб ўтирган ёши қирқлар атрофидаги одамдан илтимос қилди: — Эрмат ака, молимага шундай қараб туринг, мен дарров келаман, манави қизнинг картошкасини обориб берай. Таксига чиққунча қийналиб қолади. Илтимос.

Сотувчи гапининг сўнгида кўзини қисиб қўйишга ҳам улгурди.

— Майли, ука, бориб келавер, лекин кўп қоқ кетма, — деб номига қовоғини солган бўлди унинг қўшниси.

Дилором олдинда, орқада унинг картошкасини кўтарган сотувчи машиналар зувиллаб у ёқдан-бу ёққа ўтиб турган йўл тарафга кета бошладилар. “Бекор қилдим. Бундан тансоқчи чиқмайди. Ландовур экан. Салгина



жилмайиб қараганимга довдираб қолди”, деб ўйларди Дилором. “Нима қилиб бўлса ҳам алдайман. Кўндираман. Бир кун маишат қиламан. Агар кўнмаса, уйига етиб боргунча сумкасини шип-шийдам қиламан. Биламан, бунақаларда пул кўп бўлади. Бундай қизлар ё бойваччаларнинг хотини, ёки бўлмаса, “любовница”си бўлишади. Шундай экан, сумкаси тўла пул бўлмаса, бозорга тушишмайди. Мендай уста ўғрилар ўзи келган мўмайгина пулни қўлдан чиқазадиган аҳмоқмас. Ўзи бугун омадим келиб турибди. Эрталабдан бери эллик килоча картошка уриб қолдим. Бундан ташқари, картошканинг эгасиниям ўттиз килога туширдим. Яна ҳар килодан йигирма беш тийин қолиб турибди. Бу ёғига бу жонона. Худо бераман деса, қўшқўллаб бераркан-да... Оҳ, оҳ! Бунинг оёқлари оппоқлигини. Қадди-қомати одамнинг юрагини суғуриб олади... Норбой, ақлингни йиғ, бола! Пулинг кўп бўлса, бундай қизларнинг мингасини қўлдан ўтказасан. Шунинг учун пулини тинчитгин-у, изингга қайт”, деган бир-бирига зид ҳаёллар миясини чулғаб олганди сотувчининг. Аммо унинг ҳаёли зум ўтмай яна ўзгарди. У бирдан ҳамма нарсага эришишни истаб қолди. Ҳам қизнинг бор-будини шилади, ҳам лаззатланади.

\* \* \*

Кампирлар тушганидан сўнг энди аравани ечмоқчи бўлган Бахшулло Дилдора яшаётган чодир тарафга қаради-ю қотиб қолди. Қўллари мушт бўлиб тугилди, қўзларидан ўт чақнади. Юрак уриши тезлашганидан кўкраги кўтарилиб туша бошлади. Эшик ёнида ўзига қараб турган Икромни бурдалаб ташлагиси келди.

Икром ҳам унинг вазоҳатини дарров англади ҳамда:

— Аччиғинг келмасин, — дея жилмайган киши бўлди, — бўриларга ташлаб келганим йўқ қўйларни. Неъмат ака боқаяпти.

— Унинг бир ўзи шунча қўйни қаердан эпласин? Биламан, боргунимча камида иккита қўй сўйилади. Сиз жавоб берасизми?! — деб бақирди Бахшулло оғзига келган гапни қайтармай.

Икромга аллақачонлардан бери биров бунақанги муомала қилмаган эди. Қони кўпчиди. “Сен тирмизак нималар деб валдираяпсан? Қўйингга қўшилиб қўшмозор

бўлгинг келаяпти, шекилли”, дея хаёлидан ўтказди-ю, шу ондаёқ шайтонга ҳай берди. Қорининг: “Сизга ёмонлик қилган одамга ҳам яхшилик қилинг. Ана шундагина чин мусулмон бўласиз. Иймон юрагингизга киради. Агар буни удалай олмасангиз, ҳеч нарса қилманг, бу ҳам одамнинг иймонли эканлигидан далолат. Бу дунёда меҳмон эканлигингиз асло ёдингиздан кўтарилмасин”, деган гапларини эслади. Тишини-тишига босиб жаҳлини ичига ютиб, индамасдан чодирга кириб кетди.

Бу эса Бахшуллонинг жон-понини чиқариб юборди. Ахир Икром ҳозир Дилдорани бағрига босади, ўпади, сўнг иккаласи бир-бирига суйкалишади. Йўқ, гурури осмон қадар баланд йигит бунга чидолмайди. Чидолмайди! Қандай чидасин!

Бахшулло қўлини белбоғига осилган пичоққа юборди.

— Ҳов бола, — деди шу пайт акаси Худойберди, — нимага боядан бери қоққан қозикдай турибсан? Отам чақираяпти, тез кел!

Бахшуллонинг кўзига акаси бало-қазодай кўриниб кетди. “Қачон қарасам, оёғим остидан чиқиб туради. Акам бўлмаганда абжағини чиқариб ташлардим”, деб хаёлидан ўтказган йигит зўр-базўр:

— Ҳозир! — дея тўнғиллади ҳамда имиллаб аравани отдан ажрата бошлади. Акаси унга тикилиб тураверди. Укасининг қилаётган ишига гаши келди.

— Қори ака келса, айтаман, бир ўқиб қўяди, — деди сўнг.

Бахшулло унга ўқрайиб қаради-да:

— Келса, ўзингизниям менга қўшиб ўқитиб юборасиз, — деб ёнига туфлади. Қолган гапларни чодирдан чиқиб келган энаси давом этказди.

— Отанг икковингга Бахшуллодан бошқа одам қуриб қолган. Айланасан, шунга тегинасан, ўргиласан, шунга тегинасан. Нима, сенларга бу ўғайми? Мен буни бошқа жойдан орттириб келганманми? Ҳе, бетинг қурсин ҳаммангни! Одамам ўз жигарини шундай қиладим?! — дея кўзига ёш олди.

— Эна, мен нима қилдим бунингизга? Ўзи меровсираб юрибди, худди жин-пин чалиб кетгандай. Муштдайлигидан эркалатдингиз-да, мана, битта гапга қўнмайди, ик-

китаси ортиқчалик қилади бунингизга, — дея бақирди Худойберди.

— Бунимас, сенларни жин-пин урган, бўлмаса, ҳамманг шу бечорага тармашармидинг? Ҳе, ака бўлмай ҳар бало бўлгур!

Худойберди ортиқ гап эшитиб туrolмади, қўлини силтаб нари кетди.

Бахшуллонинг дили хуфтон бўлганди. У бу ерда қанчалик қолишни истамаётган бўлса, бориб қўй боқишни ҳам шунчалик хоҳламаётганди. Аммо у овқатланиб бўлгач, Нарзулла ота уни чўпонликка жўнатди. “Неъматнинг бир ўзи Ҳакимнинг қўйини боқсинми, сеникиними? Худойбердининг бу ерда ҳали бир-иккита қиладиган ишлари бор, шунинг учун кун борида эртароқ жўна”, деди у.

Йигитнинг отга миниши қанчалик оғир бўлган бўлса, Икромнинг чодиридан кўз узиши ундан-да баттар қайғуга айланди. Ахир у умрида биринчи марта бутун вужуди билан севган қиз — келинчак ўша ерда эди. Бошқа бир йигитни қучиб, эркаланиб, унга олам-олам бўсалар, ширин сўзлар ҳадя этиб турарди. Қандай қилиб шуларнинг барини сезиб, ҳис этиб кетади? Қандай қилиб? Бахшулло тишини-тишига маҳкам босди ва зўрға отига “чух!” деган буйруқ бера олди.

Дунё кўзига қоронғи, бу кенгликлар тор кўринди. Ҳаммасига қўл силтаб, боши оққан тарафга кетиб қолгиси келди. Бироқ унда ютқазиб қўйишини ўйлаб, юраги орқага тортиб кетди. Чунки умри бино бўлиб ҳали ҳеч нарсада ҳеч кимга ютқазмаган эди. Ҳамиша ютиб келган, демак, шу сафар ҳам омад у томонда бўлмоғи лозим.

У ўй-хаёллари билан бўлиб, вақтнинг шиддат билан ўтиб кетганини сезмай қолди. Отига буйруқ бермади. Неча йиллардан бери бу сўқмоқларда юравериб, ҳар қаричини ёд олган тулпорнинг ўзи йўл топиб кетаверди. Аммо “Қиябурун” деб аталадиган орқа томони чуқур сойлик бўлган, қалин ёнғоқзор билан қопланган, унча баланд бўлмаган тоғ ёнига етганида от бирдан тўхтади. Унинг тўхтаганидан беҳабар устидаги чавандоз бошини бир томонга қийшайтирганча ўтираверди. Тулпор бирдан кишнаб юборганида эса, кўрқиб кетганидан йиқилиб кетишига сал қолди. У ўзини ўнглаб, атрофига қараркан,

рўпарасида эшак етаклаган, соқолли бир одам ўзига термилиб турганига кўзи тушди.

Неча вақтдан бери шу ердан ўтади, лекин бирор марта бўлсин, бегона одамни учратмаганди. Яна кўриниши жуда галати.

— Кимсиз? — дея сўради Бахшулло жойидан қимирламай.

— Дўнгтепаданман, — деб жавоб қилди соқолли киши ва секин эшагининг айилини тортиб кўра бошлади. Шундан кейин бироз жонланган Бахшулло отига қамчи босиб унинг ёнида пайдо бўлди.

— Дўнгтепа бу ердан анча олисда-ку, нималар қилиб юрибсиз?

— Бирданига ўн қўйим йўқолди. Изламаган жойим қолмади, — жавоб қилди соқолтой бепарво.

— Топдингизми?

— Қаёқда? Аллақачон кимларнингдир қорнига кириб кетганга ўхшайди.

Соқолли киши Бахшуллога қараб жавоб қилди. Шунда йигит унинг кўзи ўйнаётганини сезиб, бирдан кўнгли хижил тортди. Хаёлан: “Бу одам қўй излаб келганга ўхшамайди, агар қўйи йўқолганда чўпонлардан бориб сўрарди. Чунки қўй адашса, айланиб-айланиб, барибир сурувни топади. Албатта, бўри еб кетмаса. Қолаверса, бу ердан кўра, чодирга бориш осонроқ”, деган ўй келди.

— Чўпонлардан сўрамабсиз-да, бегона қўй кўрса дарров эгасига айтарди, — деди чолни яна бир синовдан ўтказиш учун.

— Ҳе, айтарди! Ҳўкиз туғса айтади. Ҳозир аввалги чўпонлар қолмаган, илгари бўларди ҳалол одамлар...

— Мен ҳам чўпонман.

— Йўғ-э, лекин ўхшамайсан.

— Юринг, бошқалардан сўраймиз, балки улар кўришгандир.

— Яхшиси, мен кетаман. Жонимга тегиб кетди. Ўзимники бўлганида кечворардим. Колхозники эди. Энди нима қиламан? Штрафини тўлайман-да. Бошқа иложим йўқ.

У гапни тугатиши билан сўл тарафдаги булоққа олиб борувчи сўқмоқ ёнидаги улкан ёнғоқ орқасидан олачипор от минган, кўринишидан бақувват бир киши чиқиб келди-да:

— Сен кимсан?! — дея дағдаға билан Бахшуллодан сўради.

— Чўпонман, — деб жавоб қилди бирдан қони қизий бошлаган Бахшулло.

— Чўпон бўлсанг, нега бизнинг олдимизни тўсиб чиқдинг, йўлингда кетаверсанг ўласанми? Йўқол кўзимга кўринма, йўқса, башарангни бузиб қўяман! — деб узун мўйловини силаб қўйди отлиқ.

— Қўполлашманг, ака. Мен шу ернинг одамиман. Тоғликман, кечирмайман, — деди Бахшулло унга жавобан қамчиси билан оёғига уриб қўяркан.

— Сендақа местний королларнинг кўпини кўрганман, — деб мўйловли киши ёнидан тўппонча чиқариб чўпон йигитга тўғрилади.

Бахшуллонинг ранги оқарди. Отининг жиловини қаттиқроқ тортди. Тулпор орқага тисланди.

— Менга дағдаға қилманг! Ҳали сиз билан тузук-қуруқ гаплашганим ҳам йўқ-ку! Қолаверса, ҳали йўлингизни тўсмадим, — деди у.

Мўйловли киши кўзини олайтириб Бахшуллога қаради-да, тўппонча тепкисини босган эди, унинг юқорисидаги қопқоқча очилиб, милтиллаган аланга пайдо бўлди.

— Ҳа, йигит, қўрқиб кетдингми? — мийиғида кулди у. Сўнг отидан сакраб тушди ва ён чўнтагидан папирос қутисини олиб, ичидан бир дона сигарет чиқарди-да, лабига қистирганча бояги услубда аланга пайдо қилиб тамакисини тутатди. Тутунни ҳузур қилиб ичига ютгач: — Оддий зажигалка. Шунақа беўхшов. Лекин гугуртдан афзал. Мана, сен ҳам кўр, — деди қўлидаги матоҳини Бахшуллога узатаркан.

Йигит уни айлантириб томоша қилган бўлди-да, яна эгасига қайтариб бериб, отидан тушди.

— Кўринишингдан яхши болага ўхшайсан. Ҳар қалай, ҳазилни кўтардинг. Менинг исмим Сайдулло, анави эшакнинг эгасиники Мурод, — деб у кулди. — Унга яхшилаб қарасанг, оқсайди. Шунинг учун лақаби чўлоқ.

— Менинг отим Бахшулло, — деди йигит Сайдуллонинг узатган қўлини сиқаркан.

— Мана, дарров танишиб олдик. Аммо бу ерлар менга жудаям ёқди. Манзарани кўр, қараб одамнинг кўзи

тўймайди, ҳавосининг тозалигига гап бўлиши мумкинмас. Кўкракни тўлдириб-тўлдириб симирсанг, баҳри-дилинг очилади. Бахтинг бор экан, ука, шундай жойда туғилибсан. Менимча, юз йилдан кам яшамайсан. Энди бу ерларда кам яшаш, проста, уят, — деди Сайдулло Бахшулло билан худди аввалдан таниш қадрдондай елкасига қўлини қўйиб.

— Ҳа, яхши бу ерлар, — дея унинг гапини тасдиқлади Бахшулло паст овозда.

— Яхшимас, зўр дегин, зўр. Дунёни айланиб бунақанги жойни тополмайсан... Ке, шундай ажойиб табиат қўйнида сен билан танишганимиз учун озгинадан отамлашамиз, — деб Сайдулло шеригига қаради. — Мурод, анави хуржундаги нарсалардан ол, дам олайлик. Шундай жойларга келиб одамга ўхшаб дам олиб кетмасак, эшитганлар устимиздан кулади.

Дарров кўм-кўк майса устига дастурхон ёзилиб, пишган гўшт, помидор, бодринг, нон ва икки шиша ароқ қўйилди.

— Бу тоғларда одам еб тўймайди, ичиб маст бўлмайди дейишарди. Бор гап экан. Мурод икковимиз икки соатча олдин роса еб-ичгандик, ҳозир қоринда ҳеч вақо йўқ. Ичимизни ит тирнаяпти, — деб Сайдулло ароқ шишасининг оғзини очди-да, кирланиб қолган пиёлаларни тўлдирди ва биттасини қўлига олди. — Қани, олайлик, олдирмайлик, пичоғимиз ҳамиша мой устида бўлиб, озгина умримизни кайф-сафо билан ўтказайлик.

— Мен ичолмайман, — деди Бахшулло бош чайқаб. Ҳолбуки, у роса сиқилганидан, ҳамма нарсани унутиш учун маст бўлмоқчийди. Лекин бирдан нафсини қўйиб юборишдан ўзини тийди. Чунки азалдан у уятчан эди. Айниқса, мана шундай давраларда ўзини тортиб турарди.

— Шундай тоғнинг боласи... Тўғрисини айтайми? Ука, мен сени кўришим билан ҳақиқий тоғлик мана шунақа бўлиши керак, деб ўйлагандим. Қани ол, ҳали сен билан қалин ўртоқ бўлиб кетамиз.

Бахшулло ортиқча таранг қилмади. Пиёлани олди-ю, ичидагини бир кўтаришда симириб юборди. Сайдулло у билан тўқиштирмоқчийди, йигитнинг қилиғига аввал ҳайрон бўлди, сўнг кулиб юборди:

— Бор экансан-ку, қани, битта закуска қилвол-чи!

Бахшулло гачирлатиб бодрингни чайнарган, иржайди.

— Азамат йигит мана бунақа бўлади. Эскидан гап бор, биринчиси билан иккинчиси орасидан қил ҳам ўтмаслиги керак. Қани, яна биттадан.

Биринчи-иккинчисигина эмас, қолганларининг орасидан ҳам қил ўтмади. Бахшулло бир парча гўшт еяр-емас беш пиёлани сипқорди. Албатта, ичкилик деса ўзини томдан ташлайдиган Сайдулло билан Мурод ҳам қараб туришмади. Хуллас, ана-мана дегунча иккала шиша ҳам бўшади. Бахшуллонинг кайфи ошди.

— Бир ўзим тўртта бўрини ер тишлатганман! Ҳали бундай иш бирортаям чўпоннинг кўлидан келмаган, — деди у кўзи сузилиб.

Сайдулло кулди. Сўнг Муродга юзланиб:

— Хуржунингни бориб кўр, яна битта-яримта бордир, — деди.

— Ҳали, эҳ-ҳей, қанча юришимиз керак! Оқшомга қолиб кетсак ҳам ажабмас. Совқотганда...

— Қўй унақа гапларни! Мана, Бахшулло бор, бу ҳақиқий эркак. Тўртта бўрини... ўзи бўптими? Сен биттасини кўрсанг, иштонингни хўллаб қўясан! Бор, опке, — деб бирдан унинг сўзини бўлди Сайдулло, — биз Бахшулло билан ака-ука бўлиб кетамиз, йўлни унинг ўзи кўрсатиб қўяди. Икки соатда қишлоғингда бўласан.

— Бу ерларнинг ҳар бир тошини биламан, обориб қўяман, ака, иш тутманг, — деб унинг гапини маъқуллади Бахшулло.

— Эшитдингми? — деб Сайдулло Муродга кўз қисиб қўйди. У маст эмасди. Ҳар пиёлани бўшатишидан аввал сариёғ ялаб қўяётганди. Шунингдек, оғзи ҳам тинмай гўшт чайнади.

Мурод хуржундан яна бир шиша ароқ олиб келди. Бироқ бу сафар Сайдулло тезда пиёлаларга ароқ қуймади. У Бахшуллонинг жудаям маст бўлиб қолишини истамаётганди. Чунки ҳали сўраши керак бўлган кўп гаплар бор эди. Бунинг устига, кўринишидан анча содда бўлган бу йигитдан кўп фойдаланиш мумкинлигини аллақачон сезиб улгурганди.

— Мен... Мен... Сени ўл... ўлдиришим керак, шунда

меники бўлади, меники!.. — дея ғўлдираганча гапира бошлади Бахшулло.

Сайдулло аввалига унга ҳайрон бўлиб қараб турди. Гапларига тушунмади. Лекин сездики, чўпон йигит айнан у хоҳлаган ҳолатга тушди.

— Биз турибмиз, ука, — деди кўкрагини кериб, — нима проблеманг бўлса туриб берамиз. Ака-ука...

— Илтимос, менга ака бўлманг. Нима бўлсангиз бўлинг, аммо акамас. Менга ҳамма душман: акам, отам... Анави падар лаънати Неъмат чўпон ҳам. Бундай қараса, қариндошим. Лекин шу пайтгача бир мартаям илиқ гапирганини сезмадим. Мени ёш бола деб устимдан кулади.

— Айт, бориб пешонасидан отиб ташлайинми? — деб Сайдулло қўйнидан ҳақиқий тўппонча чиқарди. — Манави матоҳни кўраяпсанми? Кўп нарса келади бунинг қўлидан.

— Йўқ, — деди мижжасида ёш қалқиган Бахшулло кўзига отасидан ҳам қадрдон кўриниб кетган Сайдуллога қараб қўяркан, — менга бир одамни йўқ қилишга ёрдам берсангиз бўлди.

— Ким экан у? — деб пешонасини тириштирди Сайдулло: “Ортиқча ваъда бериб юбормаяпманми?” — деб ўйларкан.

— Шаҳарлик олифта.

— Шаҳарлик? — деди ҳайрон бўлган Сайдулло. — У сенга нима қилди?

— Хотини бор. Жудаям чиройли. Унақаси дунёда бўлмайди. Мен яхши кўриб қолдим шу келинчакни.

— Бировнинг хотини бўлса... Бизда бу ўтакетган номардлик ҳисобланади.

— Ҳой! — деб бирдан Сайдуллонинг ёқасидан олди Бахшулло. — Айбми?! Нима, мен уни кечроқ кўриб қолган бўлсам гуноҳқорманми?! Анави олифтада юрак бўлса, мендаям бор! Менам яхши кўраман уни!..

— Тушундим, тушундим, — Сайдулло чўпон йигитнинг қўлини ёқасидан олди. — Эркакнинг гапини гапирдинг.

— Уфф! Шунинг эрини йўқ қилсанглар, нима десанглар ҳаммасига рози бўламан!

Сайдулло учун айнан мана шу керак эди. У Бахшулло-



га тузоқ ташлаб ўтирмади. Унинг ўзи келиб қўлига қўнди. Ахир қанчадан бери мана шунақанги йигитни қидириб юрганди. Ниҳоят унга омад кулиб боқди. Энди ўзи сарсон-саргардон бўлиб тоғу тошлар орасида юрмайди.

— Гапингдан қайтмайсанми? — деб укки кўзларини Бахшуллога қадади у.

— Мен эркакман, гапимдан қайтсам, хотин бўлай...

— Ҳали қасам ичишга улгурасан, йигит. Бизда ҳамма иш манави орқали ҳал бўлади, — у қўлидаги тўппончани кўрсатди. — Энди юр.

Сайдулло чўпон йигитнинг қўлидан ушлаб, Муроднинг эшаги ёнига олиб борди ва хуржунни очиб, унинг ичидан селофан халта чиқарди.

— Бу нима? — сўради Бахшулло кўзини йириб очаркан.

— Жаннат мевасининг майдалангани. Яна бир номи — оқ ажал.

Бахшулло ўшшайди-да, селофанни қўлига олиб оппоқ кукунга тикилди. Кайфининг тароқлиги ичида нима борлигини билишга халақит берди.

— Озгина татиб кўрасанми? — сўради Сайдулло.

— Нималигини айтсангиз, еб ташлаймиз, ошқозон бақувват...

— Буни емайди, бошқа нарса қилади.

Сайдулло бу пакетни қайтариб хуржунга тиқиб қўйди-да, оғзи очилган бошқасини олди.

— Юр, мазасини кўрасан, — шундай деганча у оппоқ қоғоз устига бир чимдим кукун тўкиб, ётиб олганча ҳидлай бошлади. Бахшулло ҳайратдан донг қотди. Сайдулло бўлса, ҳузур қилиб ҳидлашда давом этар, ора-чора бошини юқорига кўтариб: “Ваҳ-ваҳ-ай!” — деб қўярди. Бахшуллонинг ҳам шунақанги ҳидлагиси келиб кетдики, ютоқиб-ютоқиб қўйди. Бироқ кейинги навбат Муродники эди. У “иш”ини битиргач, Сайдуллога ўхшаб бошини тиззалари орасига тиқиб ўтирмади. Чўзилиб ётиб олди-да:

— Дунёнинг бундан ортиқ лаззати йўқ! — деди ҳайқариб.

Бироқ улар қилганини Бахшулло бажаролмади. Бурнига кукун кириб кетиб ўхчиди-да, кетма-кет уч-тўрт марта йўталди. Яна бояги кайфидан асар ҳам қолмади.

— Хе-хе-хе! — деб кулди Сайдулло чўпон йигит оппоққина қорадорини ҳидлашнинг уддасидан чиқолмагач. — Бошида шунақа бўлади, кейин ўрганиб кетасан. Лекин ўзи сенга ёқдими?

— Ёқмади. Ширингина кайфим бориди, йўқ қилди.

— Хафа бўлма, ҳали зўр бўлади. Кел, ёнимга ўтир.

Сайдулло бир бўлак гўштни оғзига солиб шоша-пиша чайнай бошлади. Унга тезда Мурод ҳам қўшилди. Улар гўёки кимўзарни бошлаб юборгандилар. Агар ҳозир тезроқ еб қолишмаса, қуруқ қоладигандай. Бахшулло уларга термилганча ўтираверди. Орадан бироз муддат ўтиб, нафси қонган Сайдулло ёғли лабини артиб, кетма-кет беш пиёла сув ичди-да, чўпон йигитга юзланди:

— Бояги айтган гапларинг эсингдами?

— Қайси бири? — Бахшуллонинг пешонаси тиришди.

— Биз сенинг айтганингни қилсак, ҳар қандай ишни бўйин товламасдан бажаришинг.

— Бўлмаса-чи! — деди Бахшулло гўддайиб.

— Эслатиб қўяй сенга, шу гапларни гапиришингнинг ўзи қаторимизга қўшилганингни билдиради. Биз сенинг манави, — у тоғни кўрсатди, — тошларинг орасига қўйпўй излаб келганимиз йўқ. Наркотика олиб ўтамиз бу ерлардан. Наркотика — анави сен ҳидлаган нарса. Карочче, мен сенга жойини айтаман, бориб олиб келасан. Ишинг мана шундан иборат. Агар бирор жойда гуллайдиган бўлсанг, тилингдан осиласан.

— Қўрқитаяпсизми мени?

— Мен ҳеч қачон қўрқитмайман. Ишлайман, тамом. Энди айт: анави олифтанинг исми ким?

— Шаҳарликними?

— Менга деса, сувдан чиқиб келган одам бўлмайдими?

— Икром.

— А-а!

Сайдуллонинг кўзи чақчайиб кетди ва бирдан Муродга қаради. Улар бир-бирларига бироз тикилиб туришгач:

— Ким, дединг? — дея сўради Мурод.

— Азроилнинг отини эшитгандай, нимага бунча қўрқиб кетдингиз? — деди Бахшулло бепарво. — Икром унинг оти. Хотининики Дилдора.

Бу исмларни эшитгач, қорадорифурушларнинг ҳар ик-

киси бақа бўлиб қолди. Иккисининг-да киприклари пир-пиради. Ҳаяжон босди. Ранглари оқарди. Бундан чўпон йигит баттар таажжубга тушди. У ҳозиргина худди осмонни ушлаб турган одамлардай жуда баланддан келаётган йигитлар бирдан дами чиққан пуфакдай шалвираб қолганларига ҳайрон эди.

Сайдулло Икромни яхши биларди. Бир-икки марта уни кўрганди ҳам. Лекин охириги пайтларда унинг қаёққадир йўқолиб қолганини ва қорасини кўрсатмаётганини эшитганди. Кейинчалик, аниқроғи, икки кун аввал: “Сўраб-суриштириб юринглар, балки Икром шу тоғу тошлар орасидан чиқиб қолар. Топсанглар, хабарини зудлик билан етказинглар. Лекин бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очманглар”, деган кўрсатма олган эди у. Буйруқни Самандар берган. Сайдуллонинг у билан тўғридан-тўғри алоқаси бўлмаганлиги сабаб, ўзининг хўжайини, “кескир” номи билан машҳур, нақ йигирма йил “ўтириб” чиққан, ҳозир қорадори олди-сотдисиди бош бўлган, аввал Шерга, сўнгра Икромга, айни чоғда Самандарга итоат қилувчи, Мансур исмли одамдан ушбу буйруқни олганди.

— Адашмадингми, точно Икромми унинг оти? — сўради Сайдулло тўла ишонч ҳосил қилиш учун.

— Ака, аллақачон кайфим тарқаб бўлган, — деди Бахшулло хафа бўлиб.

— Бўлди. Сенинг айтганингни еш қиламиз. Унинг хотини эртагаёқ сеники бўлади, — деди қувончдан кўзлари порлаган Сайдулло. Сўнг Муродга қараб: — Анави соқолингни йиғиштир-да, хуржундаги қолган ароқларни ҳам олиб кел. Ҳозир даҳшат маишат қиламиз.

Мурод ясама соқолини олиб ташлаган эди, ёш болага айланди. Шундан кейингина чўпон йигит нега уни Сайдулло сенсираётганини тушуниб етди.

Кайф-сафо икки соатдан мўлроқ давом этди. Бу пайтда қуёш уфққа ёнбошлаётганди.

— Бахшулло, ўғил бола! — деб наъра тортди Сайдулло аввалгидай кайфи ошиб қолган чўпонга. — Ҳозир борамиз, анави чодирларингни узоқдан пойлаймиз. Икромни би-ир кўзим билан кўрай. Ундан кейин пешонасидан дарча очаётганимда қийналмайман. Яна адашиб қариндошларингнинг биронтасини нариги дунёга жўнатиб

қўймайин. Куёв бола, костюм-шимингни тайёрлайвер, ўзим сенга куёвжўра бўламан.

Бахшулло унинг гапларидан яйраб кетди. Ҳатто маст бўлишига қарамай, бироз қизарди ҳам. Ва ўрnidан сапчиб туриб:

— Кетдик, — деди оти томон юраркан.

— Отинг шу ерда қолади. Боя кишнаб қовун тушириб қўйди. Пиёда кетамиз. Тоғнинг боласига нима бўпти пиёда юриш? Ёки мен нотўғри айтаяпманми? — деб иржайди Сайдулло.

Соддалик курсин. Гўрдан гўшт олиб чиқадиган Сайдуллонинг тузоғига Бахшулло осонгина тушаётганини билмаётганди. Боягина чўпон йигит “тулкининг устози”га қорадорини ташиш учун зарур эди. Энди эса унинг мутлақо кераги йўқ. Чунки Икром тўғрисидаги маълумот учун уни катта муқдордаги мукофот кутиб турарди. Шу боис, у Икромнинг ҳақиқатан ҳам шу ердалигига тўла ишонч ҳосил қилгач, ортиқча одам — Бахшуллонинг баҳридан ўтишни мўлжаллаб қўйди.

\* \* \*

— Жуда ғалати бола экан, — деди Икром чодирга киргач Дилдорага, — битта гап камлик қилади, иккитаси кўп. Менимча, у билан тил топишиб кетолмайман. Эҳ, шу тоғлар орасига келаётганимда роса яйрайман, деб ният қилувдим. Ўз-ўзидан муаммолар чиқиб келаяпти.

— Хафа бўлманг, — деб уни кучди Дилдора, — ҳали бу ерларга кўникканингиз йўқ. Аста-секин ҳаммасига ўрганиб кетасиз. Қишлоқдан келган курсдошларим бўлишарди. Аввалига улар ҳам худди биздайин ҳеч кимга қўшилмай торганиб юришди. Кейин ҳеч кимга гап бермайдиган бўлишди. Ана шунақа, жоним!

Дилдора эрини маҳкам кучоқларкан, хаёлига дабдурустдан Бахшулло келди: унинг кенг елкалари, бургутникидай ўткир нигоҳи. “Йўқ, йўқ, ўйламайман, мумкинмас. Менинг бутун хаёлим Икром акам билан банд бўлиши керак”, дея ўйлади у ва Икромни янада маҳкамроқ кучди.

— Нимагадир кўнглим хотиржам эмас, зўрға тонг отирдим. Сендан хавотир олдим, қўйларнинг ҳаммасини ташлаб кетай десам, боқадиган одам йўқ. Яна айтишла-

рича, бўри ҳам кўп бўларкан. Улар шунақанги ақли бўлиб кетишибдики, қаровсиз отарни дарров билишаркан. Кейин бирдан хужумга ўтишаркан. Биттагина кўйни олиб кетишсаям майли, бир йўла бир нечтасини гумдон қиларкан. Хурккан кўйлар эса, тўхташи даргумон: ё ўзини жар-парга ташлаб юборганини, ёки тош-пошга бориб урилганини сезмай қоларкан. Энг қизиғи, биттаси нима қилса, қолганлари ҳам унга эргашаркан. Бошим қотиб турувди, жонимга Неъмат ака ора кирди. “Сиз боринг, хотинингиз ёш, ёлғиз қолдирманг”, деб кўйларни боқишни ўз бўйнига олди. Ана шу одам яхши экан, — деди Икром.

— Мен ҳам сиз тўғрингизда кўп ўйладим... Ҳа, ҳали сизга айтганим йўқ, анави Назокат исмли келинчак билан дугона бўлиб олдим. Ажойиб аёл экан, менга ёқиб қолди. Кейин бу ернинг кичкина болаларига ҳам эрмак бўлдим. Роса мен билан ўйнашади.

Икром мийиғида кўлди. Лекин кўнглининг хижиллиги тарқаб кетмади. У қори бу ердаги одамлар ҳақида гапирганда мутлақо бошқача тасаввур қилганди. Ҳаммасини Норбой қорига ўхшатиб юборганди. Аммо келиб бутунлай бошқача манзарани кўрди. Бир хаёл изига қайтмоқчи ҳам бўлди. Лекин тез ниятидан қайтди. Сабабки, оқсоқолнинг гаплари унга ёққан эди. Шундай одам бош бўлган жойда ёмонлик бўлмайди, деган қарорга келганди. Аммо айнан оқсоқолнинг ўғлининг қилиқлари унга ўтиришмади. Бироқ у ҳали Бахшуллонинг дилида изғирин борлигини билмасди. “У билан гапимиз бир жойдан чиқмаяпти”, деган ўйда эди. Шунингдек, чўпон йигитнинг бошқалар билан муомаласини кўргач: “Ўзи асли шунақанги бола экан-да”, деган фикрга ҳам борганди. Иккинчи томондан, у қолган умрини чўпонлик билан ўтказишни ҳам истамаётганди. “Бошқа бир юмуш чиқиб қолса, шу билан шуғулланаман”, деган ўйда эди.

— Бир нарсани сенга айтайми? — деди Икром Дилдоранинг юзини кафти орасига олиб уни ўзига қаратар экан.

— Айтинг, — дея жилмайди келинчак.

— Кечаси ювиниш қийин экан, совуқ одамнинг суягидан ўтиб кетаркан.

— Ҳо, шунақами? Унда яхшилаб таъзирингизни бериб қўяман. Қани, кўникмай кўринг-чи совуққа!

Иккаласи ҳам кулиб юборишди. Бу пайтда Назокат уларнинг чодирига яқинлашиб келмоқда эди. У эр-хотиннинг кулгисини эшитиб, юришдан тўхтади. Унинг-да юзига табассум югурди. Бир хаёл ортига қайтмоқчи бўлди. Аммо қайнонасининг гапларини эслаб, чодир ёнига бо-ришга ва қисқа йўталишга мажбур бўлди.

— Иккаламиздан биримиз кимгадир керак бўлиб қол-дик, — деб шивирлади Дилдора эрининг қулоғига.

— Йўтал аёл кишиники, демак, сен керак бўлгансан. Майли, боравер, мен озгина дам оламан, кечга куч йи-ғиб турайн, — дея Икром хотинининг бурнини чимдиб қўйди.

— Уятсиз! — деганча Икромнинг юзига юмшоққина уриб қўйган келинчак эшик тарафга юрди.

Ташқарида Назокатнинг жилмайиб турганини кўргач эса юзига қизиллик югурди.

— Бевақт келиб қолдим, шекилли, — дея пичирлади Назокат.

Унинг овози Икромга ҳам эшитилди. “Сал кечроқ кел-ганингизда, дугонангиз бир умр бошини кўтариб юрол-май қоларди”, ўйлади у.

Дилдора унга гап тополмай қолди, шу боисдан ҳам мафтункор табассум билан кифояланиб қўя қолди.

— Қайнонам чақираяпти, — деди Назокат.

Зарбуви кампир бу сафар бутунлай бошқача кутиб олди Дилдорани. Роса айланиб-ўргилгач, ёнидан ўтиришга жой кўрсатди. Сўнг келинчакнинг пешонасига тушиб турган қоп-қора сочини қўли билан тўғрилаб қўйган киши бўлди. Кампирнинг қилиғи Дилдорага жуда бошқача туйилди, у уялганидан шунақанги қизариб кетдики, ўзини қўярга жой тополмай, безовталана бошлади.

— Қизим, — деди Зарбуви кампир юмшоқлик билан, — кеганингдан бери сўрайман дейман-у, нимагадир ҳеч тилим бормайди. Қайнона-қайнотанг борми?

Бунақанги саволни мутлақо кутмаган келинчак бутун-лай довираб қолди. Тили калимага келмай бироз калов-ланди. Нажот истаб эшик томонга қаради. Аксига олиб, Назокат ҳам у чодирга кирганидан ортига бурилиб кет-ганди. Кампир эса саволига жавоб кутиб турарди.

— Йў-ўқ, — деди Дилдора бош чайқаб паст овозда.

— Бечораларга сени кўриш насиб қилмаган экан-да, — деди кампир унинг кўнглини кўтарган бўлиб. — Сен, қизим, у томондан ҳечам ташвиш тортма. Мен ўзим сенга қайнона... эналик қиламан. Эринг яхшийкан, ўғлим бўп юраверади-да.

— Раҳмат, — деди кўнгли бўшашган Дилдора. Айни чоғда у кампирнинг қучоғига ўзини ташлагиси, тўйиб-тўйиб йиғлагиси келиб кетган эди. Ахир қайнонани кўриш, унинг хизматини қилиш, дуосини олиш бахтига муяссар бўлмаганди. Қайнонаси бўлишини жуда-жуда истар эди у. Зарбуви кампир бутунлай бошқа ниятда унга юмшоқ гапирётгани унинг тушига ҳам кирмаган эди. “Мени, Икром акамни ўзининг болаларидай яхши кўрди”, деб ўйлаган эди-да у.

— Назокатдан сўрадим. Эринг келганига тушлик ҳам қимабсан, қизим. Бу туришда ошқозонингни ишдан чиқариб қўясан. Товда оч юриб бўмайди, чарчаб қолади одам, манавилардан еб тўйволгин, — деб кампир уни лагандаги роса оби-тобида пиширилган қўй гўштига ундади ва ўзи биринчи бўлиб лаганга қўлини чўзди. Овқатнинг ҳали буғи чиқиб турарди. Уни яқингинада Назокат ўчоқда пиширганди. Қайнонаси буюрганди. Қовурма сузилганидан кейин эса Зарбуви кампир: “Дилдорани чақириб кел”, деди. Келини чиқиши билан камзулининг чўнтагидан рўмолчани олди. Унга ҳар хил ўтларнинг уруғлари тугилганди. Кампир бир сиқимини олиб овқатга аралаштирди-да, ичида билганича узоқ дуо ўқиди. Ва: “Шугина келинчакнинг улимга кўнгли ийиб, менинг келиним бўлсин. Эрини ёмон кўриб қолсин. Худоё-худовандо, Бахшуллодан қўчқордай ўғил туғсин”, деб ният қилди. Мана, Дилдора ўша овқатдан емоқда. Қувончдан кампирнинг юрак уриши тезлашди. Ич-ичидан амали иш беришини тилаб ўтирди. Бу орада Назокат келди. қайнонасидан берухсат дугонасининг ёнига ўтирди. Зарбуви кампир уни ёмон кўриб кетди-ю, лекин дилидагини тилига чиқазолмади. Унинг ўрнига мурувват кўрсатди:

— Сенам тез-тез егин, ҳализамон овсинингнинг болаларигаям бирон нима пишириб беришинг керак, — деди.

Кампир кесатмоқчи эди. Ўхшамади. Гаплари самимий чиқди.

Назокат лагандан гўшт олиб оғзига солиб чайнаши баробарида ёқимли ҳид туйди. Бирорта ҳам зиравор солмаганлигини ўйлаб ҳайрон бўлди. Лекин у ҳам ичидагини ташқарисига чиқармади.

— Эна, Мастура чеча бугун кечга Дилдорани овқатга айтди. Исматилла шаҳарга бориб келибди. Кўп нарса обкелибди. Ичида битта тақинчоғам бор экан. Чечам қанақалигини — тилломи-тилломасми — ажратолмаётганмиш. “Шаҳарлик бундай нарсаларни яхши билади”, деб Дилдорани чақирибди, — деди Назокат луқмасини ютиб бўлгач.

— Балоларни биларди-ку. Тақинчоққа фаҳми кемай қоптими? Товба! Мақтангиси кеган бўлса керак-да. Ўзи шу боласи жуда тайинсиз чиқди. Қўлидан ҳеч бало кемайди. Лекин энаси оғзидан кўпиги сачраб мақтайди, — деди қовоғи осилган кампир. Зеро у овсини Дилдорани нега чақирганини яхши биларди. Қишлоқдан қайтаётганларида унинг юз-кўзида қувонч аломатлари борлигини сезгандай бўлувди. Мана энди ҳаммаси очиқ-ойдин бўлди. “Бахшуллони келинчакдан совутдим. Энди ўзимнинг улимга иситиб оламан, деган-да, шумиян. Ҳали шошмай тур, сенга шундай ўйин кўрсатайки... Менинг совунимга кир ювмабсан, сен шўртумшуқ”, дея ўйларди Зарбуви кампир.

Қайнонасининг гапидан кейин Назокат Дилдорага қараб секингина кўз қисиб қўйди-да, деди:

— Чечамнинг айтишига қараганда, Исматилла ака шаҳарга ўқишга борармиш. Мияси бутун, дейди. Кўп китоб ўқиганини кўрганман, дейди.

— Ҳа-а, чўпонни боласидан олим чиқаркан-да. Шаҳарга жўнатгунча, қаритмай уйлантирсин. Бечарани умри ўтиб кетаяпти. Қишлоқни одами қизини бермаса, бошқа қишлоққа борсин. Товилиб қолар битта-яримта.

Шундан сўнг суҳбат узук-юлуқ бўлиб қолди. Назокат этароқ қўлини артиб ўрнидан туриб кетмаса, қайнонасининг қитиқ-патиға тегиб қўйганлиги учун яхшигина гап эшитиб қолишини биларди. Шу боис, ишлари кўплигини баҳона қилиб ўрнидан турди. Унга Дилдора ҳам эргашди.



Ташқарида эшитилган кулгидан Зарбуви кампир бир сапчиб тушди. “Сенгинани тилгинанг узилсин”, деб келинини қарғади.

— Бопладимми? — деган эди Назокат.

— Жинни, — дея Дилдора уни қитиқлади, Назокат кулиб юборди. Ва бирдан қочиб қолди.

Дилдора Икромни жудаям соғиниб кетганди. Шу боис, Назокатнинг ортидан бормасдан ўзларининг чодирини томон кетаётганида, бирдан боши айланиб, кўзи тинди ҳамда ёнига йиқилиб тушди. Назокат унинг йиқилганини кўрди, унга ёрдам бериш тугул, бақиринишга-да улгурмади, худди Дилдораники сингари кўзи тиниб, у ҳам ағанади.

\* \* \*

Самандарнинг кўзи олайди, газабдан қони кўпчиб, вужуди титради. Қўллари мушт бўлиб тугилди ҳамда ишни битиролмаганликлари етмагандай, биттаси оғир ярадор бўлиб қайтган шотирларидан соғининг башарасига мушт туширди. Бир қўлида ниқобини маҳкам ушлаб олган йигит айнан шу зарбани кутган эди. Калтак тегиши билан нима қилишини ўйлаб ҳам қўйганди. У гурсиллаб полга йиқилди.

— Итдан тарқаган! — деб уни сўқди Самандар. — Бутун бошли машина орқа тарафларинга келиб тўхтайдими-ю, бежавотир қараб турасанларми?!

Ниқобли йигит биргина мушт билан қутулмади. Биқинига бир нечта тепки тегди. Аммо Самандар бу билан ҳам қаноат қилмади. Кўп қон йўқотганидан ранги оқариб сулайиб қолган шотирининг кўксини мўлжаллаб тўппончасидан бир нечта ўқ узди. Йигит шўрликнинг кўкраги бир кўтарилиб тушди-ю, шу заҳоти жони узилди.

— Сенга кечгача муҳлат! — деб бақирди Самандар навбатдаги нишон бўлишдан кўрқиб дағ-дағ қалтираётган йигитига. — Агар Санобар кампирнинг калласини оёғим остига ташламасанг, мияннинг қатигини чиқарман!

Самандарнинг дағдағаси боиси, ҳаддан зиёд кўрқаётганида эди. Гўёки Икром уни синамоқчи бўлиб, шаҳарнинг бирон жойига бориб атайин яшириниб олган; Самандарнинг сотқинлиги тўғрисида унда барча маълумот-

лар бор; ҳали-замон келади-да, бўғизлайди. “Шошмас-лигим керак эди. Яна озгина кутганимда, ҳаммаси аниқ бўларди. Қардан ҳам Дилоромни кўргим келди? Нега уларникига бордим? Соли билан бирга боришга бало бормиди?.. Энди бу ёғига худо пошшо, тезроқ Санобар кампирни йўқ қилсам, ундан кейин Солини ҳам гумдон қиламан, шу билан ёпиғлиқ қозон ёпиғлиғича қолаверади. Икром келганида бегуноҳгина бўлиб уни кутиб оламан”, дея ўйларди у.

— Самандар, гаплашиб олишимиз керак, — деди Соли паст овозда, ташқарига чиқиб кетишга шайланган шотирига қўли билан “тўхтаб тур” ишорасини қиларкан.

— Гапир, — деди унга қарамай Самандар.

— Сенлар ташқарига бориб кутиб туринглар, нима қилиш кераклигини кейин ўзимиз айтамыз, — деди Соли буйруқ кутиб турган йигитларига, сўнг кўзи очиқ ҳолда ётган мурдани кўрсатиб, — буниям олиб кетинглар. Кеч-курун бирорта мозорга кўмиб келасизлар, — деди.

Унинг буйруқ бераётгани Самандарга малол келди. Бироқ индамади. Индаёлмади. Тишини-тишига босди.

— Шошмайлик, — деди Соли йигитлари чиқиб кетгач.

— Кампир ҳамма ёққа жар солишини кутаяпсанми?

— Эрталабдан одам қўйганман. Унинг уйига кириб чиқаётганларни кузатиб турибди.

— Телефон-чи?

— АТСдагилар қўлга олинган. Ҳозирча қизлари гаплашишяпти. Оддий гаплар. Кампир ҳеч кимга қўнғироқ қилмади. Уйдан фақат Дилором чиқиб кетди. Ортида одам бор.

Солининг шу гапидан сўнг Самандарнинг баттар жаҳли чиқиб кетди. Уни уриб юборишдан зўрга ўзини тийди. Агар Солининг оғзидан: “Фалон нарсани буюриб қўйибман, пистон нарса тайинланган”, деган гап чиқса, мушт тушириши аниқ эди. Чунки Икром ўзининг ўрнига Самандарни қўйиб кетган. Баски, ҳамма буйруқни у бериши керак.

— Агар бир оғиз гап бошқа ёққа чиқса, — деди Самандар Солига кўрсаткич бармоғини ниқтаб, — калланг билан жавоб берсан. Йигитларга айт, ҳозирдан бошлаб Икромни қидиришсин, тиригими-ўлигими, фарқи йўқ, топиб келишсин!

Бу гапларни айтиш Самандарга жуда оғир бўлди. Ҳар сафар Икромнинг номини талаффуз қилганда мана шундай аҳволга тушарди у. Илгари билинмасди. Санобар опаникидан келди-ю, шунақа бўлиб қолди. Ўзини қўярга жой тополмайди, ҳамма кўзига душман бўлиб кўринади. Битта-битта бўғиб ўлдиргиси келади. Айрим ҳолларда атрофидагиларга буни сездириб қўяётганини ўзи англамасди.

— Самандар, сен хўжайинсан, нима десанг шу. Мен бажариб ўрганган одамман, — деди Соли унинг ичидагини илғагач.

— Шундай бўлсин!

Писанда Солига ёқмади. Лекин у хурсанд эди. Сабаби, Самандар ўзи билмаган ҳолда ҳамма айбни бўйнига олиб қўйганди. Мабодо бирор кун Икром пайдо бўлган тақдирда, буйруқ ундан чиққан бўлади ва Соли четда қолиб кетаверади.

— Сенинг омадинг — менинг омадим, — деди Соли, — ишимиз олға кетиши учун ҳар нарсага тайёرمىз. Қараб турсам, менга аввалгидай ишонмаяпсан. Орамизда илиқлик бўлиши учун эллик-эллик оламиз, қизилидан.

Самандар илжайди, пешонасидаги чизиклари ёзилиб, юзи ёришди.

— Сўраб ўтирасанми, тезлаштир, ўзи бошим ёрилиб кетаман деяпти, — деди у.

Улар шу бўйи беш соатлар чамаси отамлашишди. Айтилмаган гап қолмади ҳисоб. Бироқ, ўша-ўша иккаласининг-да кўнгилларидаги ҳадик йўқолмади. Бир-биридан гумонсирашди.

— Барибир, — деди ширакайф Самандар, — кампирни йўқотиш керак.

— Икром келгандаям ҳеч нарса қилолмайди. Йигитларнинг ҳаммаси бизга итоат қилишаяпти.

— У кутилмаганда бир йўлини топади. Шер, Абдуҳамид, Қосим кичкина одамлармиди? Кўрдинг, йўқ жойдан пайдо бўлди-ю, ҳаммасининг жойини солди. Шунинг учун эҳтиёткор бўлсак, ёмон бўлмайди. Қолаверса, эҳтиёткорлик қўрқоқликка кирмайди.

— Бўпти, бугун кечаси яна бир уриниб кўрамиз...

— Шошма, ким бизнинг йигитларга нападения қил-

ган, эсан чиқиб қолибди-ку. Яна ўша Икром бўлиб чиқмасин. Шаҳарда ундан бошқа кимнинг ҳадди сиғади бизга қарши туришга?

— Қайнотасининг уйи аниқ. Ҳар қалай, улар билишар қизининг қаёққа кетганини? Икромнинг нозик жойи, менимча, мана шу.

— Ақлингга балли! Лекин бу биттаси. Иккинчиси, Икромнинг Дилором билан қанақангидир алоқаси бўлган. Уям нимадандир хабардор. Биласан, Дилором унинг учун жонини берарди. Беш кетмадим, тўғриси. Шундай кетворган қизнинг ўзи сен учун ўлиб турган бўлса, бошқасига уйлансанг ҳам, у билан маишатингни қилиб юрaver, нима дединг?

— Тўғри, Икром шу ишнинг дабдаласини чиқарди.

Уларнинг суҳбати шу ерга етганида, шотирларидан бири кириб келди.

— Гапир, — деди унга менсимай қараган Самандар.

— Дилором бозорда биттаси билан кўришди, — деди йигит унинг кўзига тик қараб.

— Ким экан ўша биттаси?

— Пўлат Фаниевич.

Самандар билан Соли бирдан бир-бирига қаради.

\* \* \*

“Одам танлашда адашмаган бўлайин-да, ишқилиб. Кўринишидан чаққонга ўхшайди. Кўнглида нималар бор, ёлғиз Худога аён”, — дея хаёл суриб кетаётган Дилором олдидан чиқиб қолган киши билан тўқнашиб кетишига сал қолди.

— Вой! — деганча ўзини четга олишга зўрға улгурди у.

— Тушимми-ўнгимми? Дилоромхон, бу ерда сизни учратаман деб ҳеч ўйламагандим! — деди қизнинг рўпарасидаги калбош Пўлат Фаниевич. — Ўзингиз бозорлик қилиб юрибсизми? Айтмайсизми, йигитларни югуртирардик.

Дилоромнинг ортидан келаётган савдогар йигит бирдан жойида таққа тўхтади, ранги оқарди. Сўнг қочиб қолиш учун аланглаб қулайроқ йўл қидира бошлади.

Аввалига довдираган Дилором дарров ўзини қўлга олди. Узун киприклари пирпирашдан тўхтаб, кўзлари чақнади.

— Ие! — деди жилмайиб. — Мен сизни ёш болалар

билан муштлашаман деб ҳамма ёғи моматалоқ бўлиб кетганидан касалхонага ётиб олган бўлса керак, деб ўйлагандим.

— Кўриб турибсиз, ҳали унча-мунча йигитларнинг суробини тўғрилаб қўядиган кучимиз бор экан, амалладик.

Бу гапни эшитган сотувчи йигитнинг ичида бир нарса узилгандай бўлди ва у секин қўлидаги юкни ерга қўя бошлади.

— Ҳа, бало экансиз! Танишиб қўйинг, манави йигит, — Дилором ўгирилиб сотувчини кўрсатди, — тансоқчим бўлади. Ҳар қалай, қиз боламан, сиздақа филнинг кучи бўлмаса.

— Вой-бўй! — деди Пўлат Фаниевич иржайиб. — Тузуроғи қуриб қолганмиди? Бу аммамнинг бузоғига ўхшайди-ку! Бир имо қилганингизда зўрларидан топиб берардим, анавиларга ўхшаган.

Улардан ўн қадамча нарида басавлат, бўйи нақ икки метр, ҳар елкасига бемалол бир одам сиғадиган икки йигит турарди.

— Лаҳм гўштдан суяк оғирроқ бўлади, — деди Дилором йигитларга бирров қараб қўяркан.

— Лекин суякда маза йўқ-да, хоним.

— Итнинг олдига ташланг-чи, қанақа маза қиларкан?

— Балосиз, Дилором, балосиз, топиб айтдингиз! Қойилман! — деб хохолаб кулиб юборди Пўлат Фаниевич.

Норбой бутунлай адо бўлди. Агар вақтни ганимат библиб ҳозирнинг ўзида қочиб қолмаса, аҳволига маймунлар йиғлашини у сезиб турар эди. Фақат энди шунчаки қочиб қутулолмасди, анави йигитлар ернинг тагидан бўлса ҳам топишади. Ундан кейин бировнинг унга ёрдам бериши даргумон.

У қалтираган оёқларини бир-бир босиб қиз билан Пўлат Фаниевичнинг ёнига келди-да:

— Кеч... кечирасиз, яхши қиз, мана... манави юкларингизни олиб қўйинг... Мен...

— Таксига чиқариб қўймоқчийдингиз-ку, дарров ниятингиздан қайтдингизми? Ёки шундай қизнинг дилини хира қилмоқчимисиз? — деди унинг гапини бўлиб қовоғини уйиб қараган Дилором.

— Айтдим-ку, — дея кулди Пўлат Фаниевич, — аммамнинг бузоғи деб. Бунақаларни ит ҳам гажимайди.

Унинг имоси билан йигитларидан бири югуриб келди-да, Норбойнинг кўлидаги сумкаларни юлқиб олди ва Пўлат Фаниевичнинг гижинглаб турган оппоқ “Волга”си томон юриб кетди.

— Тили чаққоннинг юраги бўлмаскан, вақти келса тилиям музларкан, — деди Дилором нафрат билан сотувчига.

“Майли, нима десанг деявер, энг пасткаш, латта, ҳайвон десанг ҳам розиман. Фақат ҳозир бу ердан кетиб олсам бўлди”, — дея ўйлади Норбой ва бошини эгди. Дилором сумкасидан бир даста пул чиқариб:

— Мана, чаққон йигит, яна чув тушиб юрманг, — деди кесатиб.

— Дилоромхон, одамни уялтирманг. Биз турганда сиз сумка ковлайсизми? — дея қизнинг момикқина кўлини орқасига қайтариб, бир дона қип-қизил ўн сўмликни сотувчининг кўкрак чўнтагига тиқиб қўйди.

Бутунлай довдираб қолган Норбой ортига бурилди-ю, тез-тез юриб булардан узоқлашди. Сал нарига боргач эса югуриб кетди. Бунгача ўзидан кўз узмай турган йигитига Пўлат Фаниевич ими-жимидан сотувчи билан яхшилаб ҳисоб-китоб қилиб қўйишга ишора қилиб улгурганди.

— Мен сизга айтсам, — деди Пўлат Фаниевич Дилоромни машинаси тарафга етаклар экан, — бугун шундай шўх-шодон кўриб турганимдан жуда хурсандман.

— Нима, мени доим ғамгин юрадиган қиз деб ўйлаганмидингиз? — деди Дилором. Шу маҳал унинг кўз ўнгидан тундаги воқеалар ўтди. “Наҳотки Самандардан гумонсираганларимнинг ҳаммаси мана шунинг иши бўлса?” — дея ўйлади у.

— Ҳартугул, кеча вақтида сезиб қолдик.

— Нимани?

Дилоромнинг туси ҳам ўзгармади. У гўё ҳеч нарсадан хабари йўқдай кетиб борарди. Пўлат Фаниевичнинг эса ғўдайгиси келиб кетаётганди. “Ҳар қалай, ўзимнинг нималарга қодир эканлигимни қизга билдириб қўйсам, ундан кейин Дилоромнинг кўнглида ўзгача ҳурмат пайдо бўлади”, деб ўйларди у.

— Кечаси шундоққина уйингизнинг ёнидан ўтиб кетаётгандим. Мутлақо тасодифан. Бир оғайним билан гап

ўйнаймиз, сизларга яқин туради. Биласиз, эркаклар бир ўтирганидан кейин дарров қиттай-қиттай қилишади. Қарабсизки, гап ўпқони очилиб, бирови гапириб бўлма-сидан иккинчиси сайрашга тушиб кетади. Биз ҳам шунақа ўтираверибмиз, вақт алламаҳал бўлиб кетганини сезмабмиз ҳам. Энди уйга борайлик деб кетаётсам, дарвозаларинг тагида машина турибди. Яхшилаб қарасам, иккита одам. Икковиям ниқобда...

— Вой ўлмасам! — деди гўё кўрқиб кетган Дилором. — Ниқобли?!

— Ҳа. Дарров ниятлари бузуклигини сездим-да, эркакнинг ишини қилдим.

— Нима деганингиз бу?!

— У ёғини сиз билмаганингиз яхши. Ҳар қалай, уйқунгиз бузилмади, шуниси муҳим. Мана, бугун очилиб-сочилиб юрибсиз. Мени Худонинг ўзи етказди...

Пўлат Фаниевич шу гапларни айтаётганида унинг ёнидан ўта юпун кийинган, сочлари пахмоқ, кўринишидан пиёнистага ўхшайдиган бир йигит ўтганди. Бироз аввал худди шунақа бошқа биттаси рўпара келганди. Бироқ Пўлат Фаниевич уларнинг ҳар иккисига ҳам эътибор қилмади. Мақтанишдан бўшамади. Атрофни назорат қилиб юрадиган шотирлари эса бошқа юмушлар билан овора эдилар. Самандарнинг одамлари эса айни пайтда қулоқларини динг қилишган ва ўзини осмон чоғлаб гўдаяётган Пўлат Фаниевичнинг ҳамма гапларини эшитиб бўлишганди.

\* \* \*

Улар барибир пиёда кетишолмади. Бахшулло беш-олти қадам босар-босмас, гупиллаб ерга ағанаб тушди-ю, қайтиб ўрнидан турмади. Ичган ароқлари тобора кўпроқ таъсир қила бошлаган, шу боис, кўз олдини туман қоплаб, йигит ҳеч нарсани кўрмай қолганди. Унинг шу қадар қаттиқ уйқуси келаётгандики, қовоқларини-да кўтаришга мадори келмасди. Сайдуллонинг жаҳли чиқди. Аммо на илож, ҳозир чўпундан воз кечиб кетолмайди. Шу боис, Бахшуллонинг онасини “сийлаш” билангина чегараланди. Агар унинг оғзидан чиққан сўзларни чўпон йигит ақли-хуши жойида пайти эшитганида борми, соғ қўймасди.

Олтинга тенг бўлган “мол”ни овлоқда қаровсиз қолдириб бўлмасди. Шунингдек, Сайдуллонинг юраги гавдасига нисбатан анча кичик эди, ёлғиз ўзи Бахшулло билан Икромни кўриб келгани боролмасди. Шунинг учун Бахшуллони эшакка худди хуржундай ортиб, икки тулпорни ўзлари минишди. Олдинда Мурод кетди, зеро у чўпон йигитнинг отига эга чиққанди.

— Эшакка жабр бўлаяпти, — деди Мурод бироз юрганларидан сўнг, — отнинг ўзи йўлни биларкан, тегинганим ҳам йўқ. Кетиб бораяпти.

— Озгина юрайлик. Агар от ҳақиқатан ҳам уйини ўзи топиб боролса, анави гўрсўхтани бир ёқли қилиб кетамиз, — деди Сайдулло ёнидан сигарета олиб тутатаркан.

Эшак энгиллашди. Сайдулло Бахшуллони эшакнинг устидан тушириб, чуқур устига “қулоч”ини ёйган арчанинг остига судраб олиб борди-да, икки қошининг ўртасига тўппонча милини тиради. Одам ўлдириш унга чўт эмас. Аввал ҳам бир неча марта бунақа ишни қойиллатиб бажарган. Ҳозир ҳам битта жонли танани жонсиз қилиш учун унинг бир туки қилт этмаётганди. Бироқ у тепкини босар маҳали ўйланиб қолди. Ўқ овози бу жойларда тошдан-тошга урилиб узоқларга эшитилади. Яна Икромни чўчитиб қўймаслиги зарур. Икром жуда зийрак, ҳар бир нарсага эътибор қилади. Мабодо, масофа яқин қолган бўлиб, тўппонча товушини эшитса борми, тинч ўтирмайди. “Ҳозирча нафас олиб тур, сени ўлдиришга ҳамма вақт улгураман, ундан кўра бошқача усул қўллайман”, деб Сайдулло қаддини ростлади-да, ортига қайтди.

— Нега ўлдирмадинг? — дея сўради Мурод ҳайрон бўлиб.

— Ҳали бизга керак бўлади. Кўр-чи, ароғингдан қолибдимми?

— Қолмади.

— Қовоқ калла! Қолдирмайсанми озгина?

— Ўзинг қўймадинг-ку!

— Уфф! — деди Сайдулло тўхтаб ва бироз сочлари орасини қашиб турди-да, ортига қайтди. Йўл-йўлакай қирра тош олди ҳамда ҳеч иккиланмай бориб Бахшуллонинг бошига урди. Шу пайтгача алланималарни гўлдира-



ганча пишиллаб ухлаётган чўпон йигит “оҳ-воҳ” деган овоз чиқармади. Бирдан жимиб қолди.

— Пешонангда бўлса, яшайсан, бўлмаса ўзингдан ўпкала, — деб Сайдулло қон юқи тошни четга ирғитиб юборди-да, изига қайтди.

От ҳақиқатан ҳам мўлжалланган жойга уларни олиб борди. Уловнинг жиловини тортиб тўхтатган Мурод ортига ўгирилиб, Сайдуллога қаради-да:

— Анави кўриниб турган чироқ бўлса керак, — деди.

— Қоронғида келганимиз чатоқ бўлди-да, буларда бўрибосар деган ит бор. Дуч келсанг, ямламай ютади.

— Нима қиламиз унда?

— Озгина яқинроқ борайлик.

Йўқ, улар бошқа юришолмади. Юраклари дов бермади. Бўрибосарни йўқ қилиш чўт эмас, лекин Икром билан рўпара келиб қолишдан асрасин.

\* \* \*

Икромнинг энди кўзи илинганди. Бирдан ташқарида шовқин-сурон кўтарилгач, ўрнидан сапчиб турди ва кўйлагини кияр-киймас эшикка отилди. Бола-чақа, хотин-халаж ва чодирдаги ҳамма эркаклар икки томонга югура бошлашганди. Икромнинг кўзи ерда чўзилиб ётган Дилдорага тушиб, ҳуши бошидан учди.

— Нима гап?! — дея қичқирди ва икки ҳатлаб хотинининг тепасида пайдо бўлди-да, энгашиб Дилдоранинг бошини кўтарди.

— Сенга... Сенга нима бўлди?! — деди у нафаси бўғзига тикилиб.

— Ўз-ўзидан йиқилиб тушди, — деди йиғлаганлардан биттаси, — яхшигина юриб келаётганди, бирдан йиқилди.

Икром эҳтиёткорлик билан хотинини кўтарди-да, чодир томонга юра бошлади. Ўчоқ бошида эса Худойберди Назокатни худди шундай кўтариб олганди.

Юзига сув сепилганидан кейин келинчак кўзини очди. Қордай оппоқ юзига табассум югурди. Тепасига йиғилган хотин-халажга, Икромга қаради. Унинг кўзлари жуда бошқача боқаётганди.

— Қизгинамнинг бўйида бўлиб қолганга ўхшайди, — деди Мастура кампир.

Аmmo худди ўша лаҳзада келинининг ранги-рўйини, бежо боқишларини кўрган Нарзулла ота Назокатнинг бангидевона еб қўйганини англаган ва кампирини бўралатиб сўкканча, тезда эчки сутидан тайёрланган қатиқ ичкизишни, Худойбердига эса тезда қишлоққа бориб дўхтир олиб келишни буюрганди. Назокат ҳали бир коса қатиқ ичишга улгурмасидан, Нарзулла ота шитоб билан ташқарига чиқди.

— Эчкининг қатигини ичкизинглар! Эчкининг қатигини ичкизинглар! — деб бақирди у Икромларнинг чодирига етиб бормасдан.

Унинг овозини аёллардан бири эшитиб, ошхона томонга югурди.

Дилдора қайт қилди. Аввал ичидаги бор-буди чиқиб кетди. Сўнг фақат сув келди. Нарзулла ота кўрқиб кетди. Дарров қўл томирини ушлаб кўрди.

— Юрак уриши тезлашибди, — деди ўзига жовдираб қараб турган Икромга. — Қатиқдан ичкизинглар, кўпроқ ичсин. Қайт қилгани яхши...

— Заҳарланганми, ота? — деди ҳаяжоннинг зўридан тез-тез нафас олаётган Икром.

— Йўқ, заҳарланмаган, ёмонроқ нарса еб қўйибди, сен ташқарига чиқ, — деб Икромнинг кўлидан ушлаб ташқарига етаклади чол.

— Ота, ўлиб қолмайдими?! — деди Икром ўзини бо-солмай.

— Бангидевонадан одам ўлганини эшитмаганман. Илгари бир-иккита ёш бола еб қўйганидан хабарим бор. Тузалган. Лекин кап-катта одамлар қандай қилиб ейди?.. Бу келин шаҳарлик, билмаслиги мумкин, лекин Назокат-чи? Яхши иш бўлмабди-да...

Икромнинг кўнгли қандайдир нохушлик содир бўлишини сезиб турарди. Унинг назарида Нарзулла ота ёлғон гапираётгандай эди.

— Майли, сен бориб, келиннинг бетини совуқ сув билан ювиб тур, мен кампирдан сўрай-чи, эртароқ олдини олишнинг йўли бормикин? — деб Нарзулла ота ўзининг келини ётган чодир томонга юрди. Бориб Зарбуви кампирдан:

— Нима овқат еювди булар? — деб сўради.

— Гўшт қовурувдик. Менам буларга қўшилиб еювдим,  
— деди кампир ранг-қути ўчиб.

У ёлгон гапирди. Тўғри, бир парча гўштни оғзига сол-  
лганди. Аммо ютмади. Чайнаб ўтираверди. Иккала ке-  
лин ҳам чиқиб кетгач, дастурхоннинг бир четига оғзида-  
гини чиқариб қўйди, сўнг дастрўмолига ўраб чўнтагига  
солди.

Шовқин пайдо бўлган маҳал, Зарбуви кампир қўлида  
товоқ билан ташқарига чиқди. Ҳамманинг фикри-хаёли  
Дилдора билан Назокатда эди. Шу боисдан ҳам кампир  
ортган овқатни итнинг ялоғига солганини биров кўрма-  
ди.

— Овқатни ким пиширди?

— Келиним турганда, бориб мен ўчоқнинг остига олов  
ёқаманми? — деди кампир овозини бир парда кўтариб.

Нарзулла ота унга бироз ўкрайиб қараб турди-да, ҳас-  
сасига суянганча ўчоқ бошига борди. Қозондаги овқат-  
дан еб кўрди. Лекин ортиқча таъм туймади.

У ҳеч кимдан гумонсирамаётганди. “Бангидевона қозон-  
га қаердандир тушиб қолган”, деган хаёлда эди. Аммо бу  
ҳам нотўғри бўлиб чиқди. “Эс-хушини таниган келинлар  
ўзлари бориб бангидевонанинг уруғини емагандир”, дея  
ўйлади Нарзулла ота ва шоша-пиша Дилдора ётган чо-  
дир томонга кета бошлади. “Шаҳарлик келиннинг эти  
бўш, бу ердагилардай тоғда яшамаган, ишқилиб, бир нарса  
бўлиб қолмасин-да”, деган хавотир унинг ичини кеми-  
рарди.

Бироқ ярим йўлга етганида невараси уни чақирди.

— Янгамнинг мазаси бўлмай қолаётганмиш, — деди у.

Унинг гапидан Нарзулла отанинг юраги шув этиб кет-  
ди ва ҳассасига суянишни ҳам унутиб, тез-тез юриб кет-  
ди. Борди-ю, ўзи тахмин қилаётган манзарага дуч бўлди.

— Энажон, — дерди Назокат Зарбуви кампирнинг  
қўлини силаб, — ҳамма бўйи етган дугоналарим эрга  
тегиб кетди. Мени қачон берасиз, қариқиз бўлиб юраве-  
раманми?

— Вой шўрим! — дея бир қўлини кўксига қўйди кам-  
пир. — Нималар деяпсан, эринг бор-ку!

Бу пайтда Дилдоранинг аҳволи уникадан беш-баттар  
эди.

Дилдора аввал Икромга жилмайиб қаради, сўнг ўқрайди. Бир неча сония ўтар-ўтмас кўзида ёш пайдо бўлди.

— Бунчалар хунуксиз?! — деди йиғламсираб.

Бу гапни эшитган Икром бақа бўлиб қолди ва секин атрофдагиларга қаради. Хотини шунчаки алаҳсираётганини айтмоқчи бўлди-ю, аммо эпини қилолмади. Тили калимага келмай иржайиб қўя қолди. Сўнг вужудидаги қон кўпирди. “Шуми яхшилик истаб келган жойим? Бу ерда бошқа яшолмайман...”, дея хаёлидан ўтказган йигит Дилдорани даст кўтарди-да, ташқарига юрди.

— Ҳой бола, — деди унга дуч бўлган Нарзулла ота, — қаерга опкетаяпсан?!

— Дўхтирга, ота, дўхтирга!

Икром дағал овозда гапирганини ўзи ҳам сезмади. Аслида, одоб туйғуси унинг учун ёт эди. Доим кўполлик, дағаллик билан ишини битириб келганди. У мана шунинг орқасидан обрў топишни, ҳурмат қилишларини истарди. Фақат Норбой қорига дуч бўлгунга қадар. Қолаверса, Нарзулла ота ҳам ниҳоятда истарали одам эди. У билан гаплашган одам мумкин қадар тилига эҳтиёт бўлишга интиларди. Шу боис, Нарзулла отага нисбатан Икромнинг ҳурмати жуда баланд эди.

— Ўғлим, тўхта, — деди Нарзулла ота шошиб.

Унинг шу биргина сўзидан Икромнинг кўзидан ёш чиқиб кетди. Қора дев ҳам икки-уч марта уни шундай чақирганди. Бироқ унинг оҳангида меҳрдан асар ҳам йўқ эди. Бу билан Қора дев Икромни ёмон кўрарди, деб бўлмасди. Асло. Икром унинг учун ўғлидай гап эди. Аммо Қора девнинг табиатида сўзга сеҳр бериш туйғусининг ўзи йўқ эди. Агар Икромнинг қони бошқа бўлмаганида, у ҳам устозидан мутлақо фарқ қилмаган бўларди.

Бутун вужуди титраётган Икром секин Нарзулла отага қаради.

— Дўхтирга бораяпман, — деди энди юмшоқ оҳангда.

— Улгуролмайсан, болам, қишлоқ узоқ, район унда нам узоқ. Худойберди кетган, ҳали-замон келиб қолади, унгача ётқизиб тур, Худонинг ўзи шифосини беради.

Иккала келинчакнинг ҳам ошқозони ювилди, иккисигаям укол қилинди. Шундан сўнг улар ухлаб қолишди. Бу пайтда атроф зим-зиё эди. Ҳамма чодирига кириб

кетган, биргина Икром ташқарида эди. Дилдоранинг ёнида Мастура кампир ўтирарди. Албатта, бежизга эмас. Нияти амалга ошаётганидан чексиз хурсанд эди у. Иккала келинчакнинг бирданига бундай аҳволга тушиб қолишида Зарбуви кампирнинг қўли борлигини ич-ичидан сезаётганди. Демак, орага аввалгидан ҳам кўпроқ совуқлик тушган. Келинчакни кампир душманидай кўради. Агар ҳозир отини қамчилаб, Дилдорани ўзига қаратиб олса, марра уники. Икромни ёмон кўрсатиш унга хаширдан қил суғургандай гап.

Икром ана шундай ялмоғизга хотинини ишониб, ўзи ташқарида, қоронғиликда юлдузларга термилганча келажаги ҳақида хаёл сурарди. Анча нарида эса икки нусха ундан кўз узмай пусиб ётишарди. Масофа олис бўлгани учун, чироқ ёруғида бир кўриниб, бир кўринмаётган Икромни улар гоҳ одам, гоҳ дарахт, баъзан тош тасаввур қилишарди. Бу аҳволда нияtlари амалга ошмаслигига амин бўлишгач, улар ортларига қайтишди.

— Анави чўпонни бекор ўлдирибмиз. Шошибмиз, — деди Сайдулло отнинг устида бир маромда тебраниб кетаркан.

— Барибир фойда бермасди. Ўлгудай ичди. Икромнинг хотинига ошиқ бўпти. Туя ҳаммомни орзу қилгандай, — деди иржайган Мурод.

— Унинг хотинини офатижон дейишади. Чўпон бечора кўриб довдираб қолган-да.

Улар Бахшуллони жойидан топишолмади: ҳамма ёқ зимистон, тирик қолиб бирон жойга кетганини ҳам биллиб бўлмайди. Қон изини қоронғида топиб бўлармиди?

— Бўри еб кетдимикин? — деди Мурод юраги гупиллаб уриб.

— Ажабмас. Лекин биз узоқ кетмадик-ку. Балки инига судраб кетгандир. Бўрилар қон исини жуда узоқдан сезармиш. Соддагина бола эди, жойи жаннатдан бўлсин, — деб юзига фотиҳа тортган бўлди Сайдулло.

Улар яна йўлларида давом этишди, бироқ узоққа кетишолмади. Қоронғида адашиб кетишдан кўрқиб, қулайроқ жой топишди-да, шу ерда тонг оттиришга қарор қилишди. Ҳаво борган сари совиб, уларнинг этини жунжиктира бошлагач, олов ёқишди.

\* \* \*

Бахшулло тез ўзига келди. Боши лўқиллаб оғрир, қулоғи шанғиллар, вужуди титрарди. Анча вақтгача қаерда, нега бундай абгор аҳволда ётганлигини билолмади. Аста-секин шуури тиниқлашгач, Сайдулло уни эшакдан туширгани ва мана шу арчанинг остига олиб келиб ётқизганини эслади.

— Итдан тарқаганлар, — дея сўкинди у ва газабининг зўридан сапчиб ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, бироқ боши айланиб йиқилиб тушди. Шунда ҳам ҳаракатдан тўхтамади, эмаклай бошлади. Агар у чодирга етиб олса, дарров ярасини боғлатади. Бироз дам олиб, ўзига келганидан кейин ортига қайтиб, анави икковининг онасини учқўрғондан қўрсатади. Унинг хаёлида фақат мана шу ўй чарх урарди. Бироқ унинг тез-тез тинкаси қуриб, кўзи тинганидан, ҳеч эмаклаши унмасди. Ўзига таниш бўлган йўлдан адашмайди: буниси аниқ. Фақат қувватдан қолмаса бўлгани.

Шу аҳволда олға силжиркан, қоронғида у режалари амалга ошмаганидан жиғибийрон бўлиб қайтиб келаётган Сайдулло билан Муроднинг шарпасини узоқдан илғади. Бир хаёл, тўсатдан ҳужум қилиб, икковини ҳам бир ёқли қилмоқчи бўлди. Бироқ дарров аҳдидан қайтди. Мажолсизлигига, бекордан-бекорга ўлиб кетишига кўзи етди ва ўзини сўқмоқ йўл четига олиб, пастқамгина жойдаги бута остига қапишиб ётиб олди.

Шарпалар ўтиб кетгач, яна йўлида давом этди.

\* \* \*

Эти совуқдан жунжикавергач, Икром қунишиб олиб, энди чодирга кирмоқчи бўлганида, тоғ томондан инг-рашга ўхшаш товуш келди. У юришдан тўхтаб, овоз келган тарафга қулоғини динг қилди. Бу сас бошқа такрорланавермагач, хаёлидан: “Менга шундай туйилгандир”, деган ўй ўтиб, энди юрмоқчи бўлганида, ҳалиги овоз яна такрорланди. Бу бирорга ҳайвонниқидан кўра, одамниқига кўпроқ ўхшаб кетарди.

“Ёлғиз одам қоронғиликда қолса, шоқоллар ана шундай товуш чиқариб, алдаб-сулдаб овлоққа етаклармишда, кейин кўпчилик бўлиб ҳужум қилармиш”, деган гапни Икром кимдан эшитганини ҳозир эслаёлмади. Лекин

шу нарса ёдига тушиб, кўнглини хавотир эгаллади. Овоз келган томонга бир-икки қадам ташлади-ю тўхтади, шунда унинг қулоғига юракни эзиб юборувчи ингроқ эшитилди. Ана шундан кейин Икром ўзини тўхтатолмади. Аввалига илдам юрди, охири бунга ҳам қаноат қилмай, югурди.

У Бахшуллони улкан харсангтош устидан топди. Чўпон йигит хириллаб нафас олар, алланималар дейишга ури-нарди.

— Нима бўлди?! — деди Икром унинг белидан опичлаб тургазишга ҳаракат қиларкан.

Бахшулло жавоб беролмай гўлдиради.

— Ҳозир... Ҳозир... озгина сабр қил, чодирга етволамиз, — деб Икром елкасига опичлаб кўтариб олди.

Бахшуллонинг етмиш килодан зиёд вазни бор эди. Уни кўтариб юриш Икромга осон эмасди. Бироқ ғурури баланд, бошлаган ишини, ҳар қанча қийин бўлмасин, охиригача етказадиган йигит, бир сония бўлсин, қадам ташлашдан тўхтамади. Бир-икки марта оёқ остидаги тошга қоқилиб йиқилаёзди. Камига, манзилга етишига юз қадамча қолганида, аввалига роса безовта бўлиб жон-жаҳди билан ҳурган бўрибосар — Тўрткўз Икромнинг таниш овозини эшитиб югуриб келганча оёғига суйкала бошлади. Икром уни ҳайдади, лекин кошки кетса, баттар эркаланаверди. Яхшики, Худойберди ҳали ухламаган, итнинг безовталанганидан ташқарига чиққан экан. Икромнинг кимнидир кўтариб келаётганига кўзи тушиши билан шошиб ёнига борди:

— Нима гап, ким бу?

— Бахшулло, тош... харсангтош устида ётган экан, — дея жавоб қилди Икром ҳансираб нафас оларкан.

— Менга беринг, — деб Худойберди укасини Икромнинг елкасидан олди.

Бирпасда ҳамма ёқ қий-чув бўлиб кетди: Зарбуви кампир ўғлини шу кўйга солганларни миясига келган сўзлар билан қарғаган, Нарзулла ота Бахшуллонинг оғзидан ароқ ҳиди келаётганини сезиб, сўкинган, қўшни хотинлар, шу жумладан, Мастура кампир ҳам шовқин кўтариш билан овора. Бироздан кейин Худойберди отга минди. Тагин кишлоқ тарафга йўл олди.

Эртасига соат ўнларга яқинлашиб қолганида Бахшулло ўзига келди. Бир муддат қаерда ётганлигини англолмай, атрофига аланглади. Кўзига таниш буюмларни кўргач, ёнидан мутлақо жилмай, тунни бедор ўтказган энасига қараб жилмайишга уринаркан:

— Нима бўлди менга, эна? — деб сўради.

— Вой, энагинанг ўргилсин, болам! Қўрқитдинг-ку! Қайси умр кўрмагур сени бу аҳволга солди?! Ўлиб қолай дедим. Агар яна озгина кўзингни очмай ётганингда, мени кўрмасдинг, болам, ўлиб кетардим, таъзиямниям ўтказиб юборардинг.

Зарбуви кампир гапириш асносида кўзидан дув-дув ёшни оқизар, атайлаб артмаганидан, юзи шалаббо бўлиб кетган эди.

Бахшулло онасининг сўроқларига жавоб бермади. Индамай ётаверди. Зарбуви кампир сўзлаб бўлиб, бурнини рўмолчасига артаётганида:

— Икром қани? — деб сўради.

Зарбуви кампир бирдан сергак тортди. Йиғидан тўхтаб, ўғлига термилди:

— Ўзи шу шумқадам келганидан бери тинчлигимиз бузилди. Ўйловдим-а, шу ер ютгурнинг қўли бор деб. Адашмаган эканман. Яшшамагур, куниминан ҳеч қаерга кетмовди-ку, қандай қилиб орқангдан етиб борди? Нима гуноҳ қилибсанки, сен бечорани... Отанг бўлса, шу келгиндининг тарафини олгани-олган. Сен билмайсан, нималар деб мени сўкмади, қариб айниган чол. Ичиб отингдан йиқилганмишсан...

— Эна, — деб бир қўлини кўтарди Бахшулло, — отам тўғри айтибди. Отдан йиқилдим. От қочди. Кейин пиёда қайтдим уйга. Икром ҳеч нарса қилгани йўқ.

— Барибир, — деди Зарбуви кампир жаҳдан тушмай, — шўртумшуқ хотиниминан келди-ю, тинчимиз йўқолди.

Дилдора касал бўлиб қолганида кампир жуда ачинди. Назокат билан иши йўқ, “Ишқилиб, шу келинчакка бир нарса бўлиб қолмасин-да”, дерди ичида у. Табиий, Дилдоранинг эри бўлгани учун, агар бекаму кўст фариштадай одам бўлган тақдирда ҳам, унинг наздида Икром яхшилар қаторига киролмасди.



— Хотини-ку, бир нав, — деди кампир орадан бироз ўтиб, — шу Икром деганларингнинг бирам сўхтаси совуқки, турқига қарагим келмайди. Ният қилувдим, бугуноқ отангга айтиб, келган ерига қайтариб жўнаттириб юбораман, деб.

Бахшуллонинг ичида бир нима чирт этиб узилгандай бўлди, энасига бирров норози нигоҳ ташлади-да:

— Айтдим-ку, унинг гуноҳи йўқ, деб, — деди паст овозда.

— Сен ниманиям билайдинг, — деб кампир ўрнидан турди ва ташқарига чиқиб кетди.

Икром ўзини бу ерда шунчалик ёмон кўришларини ҳалигача сезгани йўқ эди. “Ҳали кўниколмаяпман, бирикки ой ўтганидан кейин ҳаммаси изига тушиб кетади. Мен ҳам бошқа одамга айланаман”, деб ўйларди-ю, кўнглининг бир четида хавотир бор эди. Бу ернинг одамлари Дилдорага бошқача қараш қилаётганликларини Икром дарров сезганди (ўзи ҳам шундай гўзал қизни биринчи бор кўрганида тили айланмай қолганди-да). Аммо қорининг гапларини ёдига олган: “Бағри кенг, кўнгли тоза кишиларда гайирлик бўлмайди, ҳамма ташвиш шаҳарда бўлади”, деган қарорга келган эди. Ва мумкин қадар майда-чуйда нарсаларга эътибор бермасликка ҳаркат қиларди. Бироқ келажагидан ташвишдалиги унинг юз-кўзидан кўриниб турарди. Шу боис, гарчи уйғонганига анча бўлишига қарамай, шифтдан кўзини узмай ётган Дилдорага қараб ачиниб кетди.

— Балки кетармиз бошқа шаҳарга, — деди у хотинига тикилиб.

Дилдора энди уйғонгандай чўчиб тушди ва эрига маъносиз боқаркан:

— Менга шу ер ёқиб қолди, — деди.

Ҳозир унинг ақли-хуши ўзида: ким яқини, ким бегона — бемалол ажрата оларди. Бироқ негадир Икром кўзига хунук, ёмон одамдай кўринар, унинг эртароқ ташқарига чиқиб кетишини истаётганди. Эрининг кетиш ҳақидаги таклифи эса энсасини қотириб юборди.

— Тушунаман, ҳавоси тоза, шовқин-сурон йўқ, лекин, менимча, бу ерлар биз учунмасдай туйилапти...

— Кечаси нима бўлди? — сўради Дилдора гапни бошқа ёққа буриш мақсадида.

— Анави довдир отдан йиқилиб тушибди. Қайси гўрда бўлсаям ўлгудай ичибди. Отаси: “Ўзига келганидан кейин терисини шилиб оламан!” — деб тиш қайраб юрибди.

“Бечорагина, нима қўйларга тушиб юрибсан? Мен сенинг юрагингда нима борлигини яхши биламан-ку, нега ўзингни бунчалар қийнаёпсан? Шарт эмас-ку... Дардингни ўзим олай...”, дея хаёлидан ўтказди Дилдора. Шунинг баробарида унинг тиниқ, текис, оппоқ пешонасида икки дона чизик пайдо бўлди. Икром фақат шуни кўрди. “Хотинимнинг дарди қўзғади, бу ёқларга олиб келиб қийнаб қўйдим”, дея хаёл қилди. Ахир у бу гўзал хилқатнинг кўнглидагини ўқишдан Мосуво эди. Қайғуси нелигини билмасди. Билганда борми?.. Дунёларидан кечиб юборарди. Ахир у фақатгина шу қизни деб зимистондан чиқди. Бошқаларга ўхшагиси келди. Тоғу тошлар орасида санқиди. Фақат шу қизни, шу хилқатни деб.

Ташқарида Нарзулла отанинг овози эшитилди. Жононасининг пешонасидан ўпган йигит ўрнидан турди ва эшик томон юрди.

— Болам, — деди уни кўрган заҳоти Нарзулла ота, — биздан хафа бўлмайсан.

— Ота, нега хафа бўлайин? — деб жилмайди Икром.

— Гофил бандалармиз, мен агар кимда-ким оғзига шайтоннинг сувини олса, бу ердан қуваман, қишлоққаям бордиртирмайман, кўзимдан йўқолади, деб ҳаммани огоҳлантиргандим. Лекин ўзимнинг улим биринчи бўлиб юзимга оёқ босди. Лекин бандаман, отаман... — Нарзулла отанинг юзига икки томчи кўзёш думалаб тушди, — ўлиб кетишини хоҳламайман. Шаҳарда ёру биродарларингиз бўлса керак... Хулласи калом, ўлмаса бўлди. У ёғига итнинг кунини кўрсаям розиман!

Унинг гапларини Дилдора ҳам эшитиб ётарди. Дарров киприклари намланди. Бақариб юборишдан зўрға ўзини тийиб, лабини тишлади. Бу ҳол бир неча дақиқа давом этди. Сўнг дарров ғамгинлик ўрнини табассум эгаллади. Ширин энтикиб қўйди.

\* \* \*

Пўлат Фаниевич Дилоромни тўғри уйига олиб бориб қўйди, қиз тушаётганида унинг момиқ кўлини ўпишганда журъат этди. Бошқа пайт бўлганида, бу қилиғи учун

яхшигина шапалоқ еган бўларди. Бироқ айна чоғда Дилором: “Шунинг ўзидан фойдалансам-чи?” — дея ўйлай бошлаганди. Шунинг учун ҳам Пўлат Фаниевичнинг лаб босишига қўйиб берди.

Хурсандчилиги терисига сиғмайдиган даражада бўлган бу одам иш жойида ўзини нималар кутиб турганини ҳали билмасди. Кета-кетгунча қўшиқ хиргойи қилди. Бир-икки марта ҳайдовчисининг елкасига уриб қўйди. “Ҳой! — деди кўкрагини кериб. — Сенлар мени қарига чиқариб қўйманглар, ҳалиям унча-мунчани бир чўқишда қочирадиган кучим бор. Кўрдингми, шундай офатижоннинг қўлини ўпдим! Ўзи ўптирди. Ҳали шошмай тур, бошқа ишларниям қилиб ташлайки, оғизларинг очилиб қолсин. Унга не-не одамлар етишолмаган. Мен бўлса, икки марта гаплашишда илинтирдим”, дея мақтанар эди у.

Аммо ресторанга кирди-ю, бирдан ранги оқарди. Тўрдаги столда Самандар билан Соли бир-бирига рўбарў ўтиришар, олдиларида эса битта ароқ шишаси яримлаган, иккинчиси бўш эди. Пўлат Фаниевич култ этиб ютинди-да, сохта табассум билан:

— Ассалому алайкум, — деди.

— Қаерларда санқиб юрибсан иш жойингни ташлаб? — дея бўшаган қадаҳларни ароққа тўлдира бошлади Самандар. У Икромдан бошқа ҳаммани, ёшидан қатъи назар, “сен” деб чақирарди. Шунга ўрганганди. Агар сизласа, ўзининг обрўси тушиб қолаётгандай туйилаверарди. Бошқалар ҳам шунга кўникканлари боис миқ этишмасди.

— Ҳозиргина чиқувдим-а, келишдан олдин хабар...

— Сенинг олдингга бирор марта огоҳлантириб келган мизми? — деди кесатиб Соли ва ўзининг улушини бир кўтаришда ичиб юборди.

Пўлат Фаниевич ёши-ю гавдасига ярашмаган чаққонлик билан уларнинг ёнига борди-да, бўш столга ўтирди.

— Ма, ол! — деди Самандар пиёлани шайтон сувига тўлдирад экан. — Насибанг бор экан, ич!

Самандар қуйиш билангина чекланмай, пиёлани Пўлат Фаниевичнинг қўлига тутқазди. Албатта, бундай “муруват” тагида нимадир ётишини Дилоромга ошиқу беқарор бўлган одам сезмасдан қолмасди. У худди Азроилни кўра-

ётгандай Самандар билан Солига қаради, сўнг бир кўтаришда пиёлани оқ қилди.

— Аввалдан ичишингга гап йўқ эди, — деди иржайган Самандар, — одамнинг ҳавасини келтирасан-да. Ўладиган дунёда маишатниям санъат даражасига чиқариш керак-да ўзи. Қани, яна битта олайлик.

Шишадаги ароқ ҳаммага етмасди. Пўлат Фаниевичнинг сергак шотирлари дарров янгисини олиб келиб стол устига қўйишди.

— Энди гапир, — деди Самандар яна бир мартадан қадаҳларни бўшатишгач, — қаерларда бўлдинг, нималарни кўрдинг?

— Майда-чуйда ишлар, — деб елка қисиб қўйди Пўлат Фаниевич ва бир парча қовурилган гўштни оғзига солиб чайнай бошлади.

— Қайсидир буюк одам айтган экан, оғзингдагига ишонма, қорнингдаги ўзингники, деб, — шу гапни айтаркан, Соли кавшанаётган Пўлат Фаниевичга қараб ўшшайди.

— О-о, зўр гап экан! Эшитдингми, кал, ичган ароқинг ўзингга қолибди. Шу гўштни ютиш насиб қилармикин?

Пўлат Фаниевич бирдан чайнашдан тўхтади. Ранги бўздай оқарди. Иккала “жиблажибон”га сездирмай луқмасини ютишни ўйлай бошлади. Унинг тишлари ишламагани билан, бошқа аъзолари ҳаракатланиб сирини ошкор қилиб қўйди.

Самандар билан Соли бараварига қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборишди. Бундан бирмунча олдин осмонни ушлаб тургандай гўддаяётган Пўлат Фаниевичнинг нафаси ичига тушиб, ўсал бўлди.

— Нима? — деди кутилмаганда кулгидан тўхтаган Самандар. — Ножўя иш қилдингми, рангинг оқараяпти? Пусиб қолдинг.

— Йўғ-э, йўғ-э, салобатларинг босади-да, энди шаҳарнинг эгалари билан ўтирганда одам озгина довдирайди-да, айбга буюрмайсизлар...

— Шаҳарнинг эгаси дегин? Ҳмм! Шуни аввалдан билармидинг ёки энди эсингга тушиб?.. — Самандар Пўлат Фаниевичга ўқрайиб қаради.

— Аввал... Аввал...

Ресторан директорининг гапи оғзида қолди. Шира-кайф ҳолга келган Самандар ўрнидан турди-да, стол устидаги сигаретадан бир донасини лабига қистирди. Пўлат Фаниевич ҳали маст бўлмаганди. Умуман, у икки шишани бир ўзи кўрдим демасди. Шу боис, чаққонлик билан ўрнидан туриб, гугурт чақди.

— Лекин-чи, — оғзидан тутун чиқариб гапирди Самандар, — хушомадни қийиб ташлайсан, мочағар. Энди мени спальныйга обор-чи! Ёки... ҳиқ... ёки зайнитми?

— Ҳеч қачон, ҳеч қачон зайнит бўлмайди. Ҳамма вақт хизматингизга шай туради.

Пўлат Фаниевич буйруқ кутиб турган шотирларига ишора қилди. Зумда бири малла, иккинчиси қора сочли қизлар рестораннынг махсус меҳмонлари учун доим тайёр турадиган ётоқхонага кириб кетишди.

— Вой-бўй, даҳшат-ку! — деди Соли ётоқхонага кириши билан кўкрагини яшириб турган кийимсиз қизларга кўзи тушаркан. — Адашиб жаннатга тушиб қолмадикми?

— Адашмадинглар, жаннатнинг ўзгинаси, — дея қийпаланглади Пўлат Фаниевич.

— Ҳе, — деди Самандар оғзидаги сигаретасини бармоқлари орасига қистириб оларкан, — бизни қачон ўлдиргандинги, жаннатга тушсак. Билсанг, кал, биз дўзахнинг одамларимиз, бизга жаннат мана шу дунёда, мана-ви, — у қизларни кўрсатди, — жононаларнинг кучоғида. Лекин бугун жаннатда сайр қилмаймиз...

— Оғайни, бошқа ишга улгураимиз, маишат қилайлик, кайф қилайлик. Қанчадан бери занг босиб ётибмиз, — деди Самандарга норози қиёфада боққан Соли. — Қара, буларнинг нозланиб туришларини.

— Хотининг ўлиб кетганми, занглайсан? Ха... х...ха...-ха!

— Мошинанинг мойиниям тез-тез алмаштириб турмаса, моторнинг дабдаласини чиқарворади!

— Аввал иш! Буюк Икром шундай деган. Аввал ишни қотириб ташла, ундан кейин маишатни истаганингча қилавер! Мен... Мен, — деб ўзининг кўкрагига кўрсаткич бармоғи билан ниқтади Самандар, — икковини бирдай қиламан.

У кўйлагини ечиб отиб юборди-да, бирдан иккала “қушча”нинг бағрига ўзини ташлади. Соли ўшшайди.

— Ёшгина хотининг бўлсаям ўлиб турган экансан-ку, — деди.

— Маст ҳолимда икковини эплотмайман, ҳозир биттасини сенга бераман, — деб Самандар ўрнидан туриб ўтирди. Иккала тунги капалак вакиллари унинг елкасига ияқларини қўйишиб, эшик ёнида турган эркакларга сузилишди.

— Кал! — деди қовоғини уйган Самандар. — Оёғим тагига тиз чўк, “кабутар”ларинг кўриб қўйишсин ким хўжайинлигини!

Пўлат Фаниевичнинг ҳали-ҳамон юраги гупиллаб урарди. У манави икки зўравон қизлар билан андармон бўлиб қолишса, секин жуфтакни ростлаб қолмоқчи эди. Лекин нияти амалга ошмай қолди. Қаердаги фоҳишалар олдида ўзини камситгиси келмай бироз туриб қолгач, мажбуран, худди биров орқасидан итараётгандай зўрға қадам босиб, Самандарнинг тўғрисиغا бориб қаққайди.

— Сенга тиз чўк, дедим! — ўшқирди Самандар.

Соли бу пайтда чўнтагидан тўппончасини чиқарган ва гўё у ёқ-бу ёғини томоша қилаётгандай айлантириб кўрарди. Унинг қўлидаги қуролга нигоҳлари тушган қизларнинг ранги оқариб кетди. Бақириб юбормаслик учун оғизларини беркитиб олишди.

Ҳар нарсадан кўркув устун келиб, Пўлат Фаниевич тиз чўкди.

— Ҳозир, — деди Самандар қизларга юзланиб, — томоша кўрсатаман, агар биронтангнинг овозинг чиқади-ган бўлса, калнинг ўрнига ўтирасанлар.

Бу гапни эшитган ресторани директори иштонини ҳўллаб кўяёзди ва худди нафаси сиқилаётган одамдай тез-тез нафас ола бошлади.

— Мен сенга иккита савол бераман, агар икковигаям тўғри жавоб берсанг, жонинг омон қолади. Ёлғон гапирсанг, — деб у пайпоғига қистирилган ханжарни олди-да, Пўлат Фаниевичнинг кўзи олдида ўйнатди, — манави анча пайтдан бери қонсираб юрибди, чанқоғини қондирришга мажбур бўламан. Тушундингми?

— Ҳа-а, — деди пешонасини тер босган Пўлат Фаниевич.

— Нечта хотининг бор?

— Учта.

— Тўғри. Нега Дилоромни илинтирмоқчи бўлиб юрибсан?

— Ҳалиги... Ҳалиги... Мен уни сизга совға...

— Нотўғри. Менинг одамларимдан биттасини гум қилганинг эсингдами?

— Йў... йўқ.

— Яна битта нотўғри, — деди-ю, Самандар ханжар тигини Пўлат Фаниевичнинг томоғига ботириб тортиб юборди.

“Хирр-хирр” деган овоз чиқди. Қони фавворадек отилган ресторан директори бир муддат кўзи олайиб турди-да, сўнг ёнига гурс этиб йиқилди. Буни кўрган қизларнинг жон-пони чиқиб кетди. Лекин иккиси ҳам миқ этмади. Самандар бўлса, худди товуқ сўйган одамдай қонга беланган ханжарни оппоқ кўрпага артиб иржайди. Унинг усти ҳам қип-қизилга бўялган эди.

— Сасиб кетибди, — деб ўшшайди у Солига қараркан, — қонигача ўтиб кетган экан.

Бу пайтда унинг кайфи бутунлай тарқаганди. Кўринишидан бир туки ўзгармаганга ўхшаса-да, ичидан зил кетган, энди нима қилишини билмасди. Бу ерга бошқачароқ сценарий тузиб келганди. Боради, йигитларига Пўлат Фаниевични “гум” қилиш учун бериб юборади-да, Соли билан ароқхўрлик қилиб ўтиради. Бироқ ресторан директорининг ўрнида йўқлиги, қолаверса, ичкилик унинг режасини ўзгартириб юборди. У қизларни кўрганида ниятидан қайтмоқчи ҳам бўлди-ю, кейин қатъиятсизлиги учун одамлари орасида обрўси тушишидан кўрқди. Соли деганлари унинг ҳар бир хатти-ҳаракатига эътибор бериб юрибди. Самандар бирон жойда хатога йўл қўйса борми, шу лаҳзанинг ўзидаёқ тождан айрилиб қолиши ҳеч гап эмасди. У ҳозирги иши билан ўта бадбахт, қаттиққўл ва бағритош эканлигини намоён қилди. “Кўриб қўй, — демоқчи бўлди Солига, — ҳеч кимни аяб ўтирмайман. Менинг атрофимдагилар у ёқда турсин, агар қариндошим олдимни кесиб ўтган тақдирда ҳам соғ қўймайман”.

— Хўжайин, — деб иржайди Соли, — қизларга зўр иш чиқиб қолди.

У ҳозиргина одам эмас, чумчуқ сўйилганини кўргандай ўзини бемалол тутаётганди.

— Қанақа иш экан? — деб иржайишга ҳаракат қилди Самандар ҳам.

— Баданингдаги қонни ялаб тозалашади!

— Зўр фикр! Калланга қойилман. Сен манави нусхани кўзимдан йўқот, одамнинг иштаҳасини бўғади.

— Бунисини шесть секундда ҳал қиламиз.

Соли чаққонлик билан совишга улгурган Пўлат Фаниевичнинг танасини эшик ёнига олиб борди-да, устига гилам ташлаб, қўлларини қоқди.

— Қизлар ишини битиришсин, кейин болалар бу гўрсўхтани майдалаб овқатга ишлатиб юборишади. Гўшт текин тушиб, тўрт-беш сўм чойчақали бўлиш кимга ёқмайди?

У тўппончасини бармоғида бир айлантириб олгач, чўнтагига тикди ва чиқиб кетди.

— Гапни эшитдинглар-а, — деди Самандар малла сочли қизга қараб, — энди тез ишга киришинглар.

Аллақачон тирик қолиш умидида ҳамма ишга рози бўлиб турган қизларнинг иккиси ҳам зўрға тилларининг учини Самандарнинг баданига теккизишди.

— Тушундим! — энди уларнинг сусткашликларидан жаҳли чиқди Самандар. — Кал билан бирга кўмилгиларинг келибди.

Унинг бу гапидан кейин тунги капалаклар вакилаларининг юраклари тушиб қолаёзди ва зўр иштаҳа билан қон ялашга тушиб кетишди.

Қабиҳликнинг бундан ортиқ намунаси бўлмаса керак, албатта. Ҳозир Самандар ўзи билмаган ҳолда, тубанликнинг энг тубига тушиб кетганлигини англамасди. Амал, нафснинг ҳаддан зиёд ҳакалак отиб кетиши уни мана шу аҳволга солиб қўйганди. Айни чоғда у галаба нашидасини сурарди. Лекин бунинг бор-йўғи бир неча сония давом этажагини билмасди. Чунки ташқарида сигарета чекиб ўтирган Соли унга: “Лақма, ҳовлиқма, пасткаш”, деган номларни бериб қўйган ва эртароқ бунақанги “томи кетган” раҳбарнинг баҳридан ўтиш лозимлигини ўйлаб ўтирарди.

\* \* \*

Дилдоранинг энтикиши ортида шайтоний ҳислар яширин эди. У эрга текканлигини, энди фақатгина шу йи-



гитга танмаҳрам бўлишини бутунлай эсдан чиқарганди. Хаёлидан бургут кўз, алп қомат Бахшулло кетмади. “Агар, — дея ўйларди у, — Бахшулло бу ердан кетадиган бўлса, албатта, мени ҳам олиб кетади. Ахир мени деб шу кўйга тушиб юрибди-ку”. У мана шундай ўзи ҳам тушунмайдиган бир аҳволга тушганди. Ора-чора худди уйқудан уйғонгандай чўчиб тушар, теварак-атрофига қарар, ниманидир қидирар, тополмас, сўнг маъюсланиб қоларди. Ташқарида эса ҳамон Икром билан Нарзулла отанинг гурунги эшитилиб турарди.

— Бир марта ичганини кечиринг, — деди Икром Бахшуллонинг тарафини олиб, — унинг ёшида...

— Ўғлим, сен ҳам ундан жуда катта эмассан, ўзингни босиб юрибсан-ку. Ҳовлиқмаяпсан-ку. Ҳайронман, туппа-тузук юрувди, бирдан қилиғи чиқди, — деди чол ғамгин овозда.

— Балки бизнинг келганимиз унга маъқул тушмагандир.

— Нималар деяпсан? Нима, сен унинг еяётган нонини тортиб олдингми ёки миниб юрган отига эга чиқдингми? Ҳеч кимга оғирлигинг тушаётгани йўқ. Келин ҳам очиққина экан, ҳамма хотин-халаж билан чиқишиб кетди. Биз сенларнинг келганларингдан хурсандмиз.

— Унда, ота, мен Бахшулло билан бир гаплашай, ҳар қалай, қуш тилини қуш билади. Ажабмас, дардини менга айтиб қолса.

Икром шундай деди-ю, ўйланиб қолди. Чунки у Бахшуллонинг тундлигини яхши биларди. Ундан тузук-қуруқ гап олишига кўзи етмасди. Шундай бўлса-да, ўта кўрс бу йигитга нисбатан кўнглида ачинишга ўхшаш бир нарса туйди. Чўпон бола шаҳарга борса, хор бўлишини у яхши англаб турарди. Довдирлик, жисмоний куч-қувват мана шу тоғларга ярашади. Лекин шаҳар буларни кўтармайди. Шаҳарга кўпроқ маккорлик мос тушади.

— Майли, бир кўнглига қўл солиб кўр, дардини айтиб қолар... Кимга ўхшади бу ўзи, билмайман... — деб бошини сарак-сарак қилган Нарзулла ота сокин қадам босганча Икромнинг ёнидан узоқлашди. Икром бироз унга қараб турди ва Бахшулло ётган чодир томон юрди.

Шифтга қараб хаёл суриб ётган чўпон йигит Икром-

нинг келишини мутлақо кутмаганди. Шу боис, аввал таажжубланди. Сўнг чуқур хўрсиниб, ундан кўзини олдида:

— Нима керак? — деди дағал овозда.

— Шундай ўзим келдим, ҳолингдан хабар олай дедим, — жилмайган бўлди Икром. Ҳолбуки, у бу гапни ичидан гўё суғуриб олганди. Юмшоқ сўзлаш унинг учун шунчалик оғир бўлдики, бунинг ўрнига юзига бир шапалоқ туширишганда енгилроқ кўчарди.

— Сен қолувдинг хабар олмаган, — дея баттар дағаллашди Бахшулло.

Икромнинг жон-пони чиқиб кетиб, кўзи чақчайди ва икки ҳатлашда чўпон йигитнинг тепасида пайдо бўлди ва яна шундай чаққонлик билан тиззалаб ўтираркан, Бахшуллонинг ёқасидан олди:

— Ҳов бола, тилиннга эрк бераверма, қуюшқондан чиқаверсанг, мен ўзим учун жавоб беролмай қоламан!

— Ҳе, — деди Бахшулло иржайиб, — қўлингдан нима ҳам келарди?!

— Кўлимдан нима келишини ҳали билмайсан, билганингда кеч бўлади, тушундингми?!

— Шу ҳолимдаям абжафингни чиқариб ташлайман, яхшиликча ёқамни кўйиб юбор! Мен сенинг кимлигингни яхши биламан! Ўғрисан!

Бахшуллодан мутлақо бунақанги гапни кутмаган Икром тошдек қотди, шунинг баробарида, ўзи сезмаган ҳолда чўпон йигитнинг ёқасини қаттиқроқ силтай бошлади.

— Оппоққинаман, сўфиман, соддагина одамларни лақиллатиб юравераман, деб хомтама бўлма!.. — деди Бахшулло хириллаб.

— Ким айтди сенга?! — ўшқирди бироз ўзига келган Икром унинг ёқасини бироз бўшатиб.

— Сенинг дастингдан отам мени ёмон кўриб юрибди.

— Сўяман! Ким сенга мени “ўғри” деди? Яхшиликча айтсанг айтдинг, айтмасанг, ундан кейин кимлигимни мен сенга кўрсатаман!

Икром бутунлай ўзини йўқотган ва аввалги ҳолига қайтган эди. Агар Бахшулло яна биттагина ортиқча сўз айтса, ҳақиқатан ҳам сўйиб ташлашдан тоймасди.

Чўпон йигит асло унинг пўписасидан кўрққани йўқ,

фақатгина соддалик қилди ва шунинг орқасидан ўзининг жонини омон сақлаб қолди.

— Менга биттадан кўра иккита одамнинг гапи чинроқ, — деди у хотиржам. Бу гапдан сўнг Икром бироз шаштидан тушди.

— Қайси иккита одам? — деди жуда қисқа сониялар ичида маккорликка ўта билган Икром чўпон йигитнинг ёқасини қўйиб юбораркан.

— Тоғда дуч келдим. Яхши одамлар экан, биргалашиб ичдик, оппоқ унга ўхшаш нарсани ҳидладик. Сени улар яхши билишаркан: “Одаммас”, дейишди...

Шу ерга келганида Бахшулло гапиришдан тўхтади. Сайдулло ўзини эшакдан туширганини аниқ эслайди, лекин ургани ёдида йўқ. Балки маст бўлиб қолгани учун озгина дам олсин деган умидда “ошна”лари арча остига олиб боришган-у, Бахшулло ақлини йўқотганидан ўзи бошини тошга уриб олгандир. Заҳри қотил сотувчиларга нисбатан Бахшуллонинг орттирган нафрати бироз ортга чекинди. Назарида, бошининг ёрилишида уларнинг қўли йўқдай эди. Ҳатто янги танишларига дуч бўлмай, яшириниб қолгани учун ўзидан бироз хафа ҳам бўлди.

Икром хаёлан минг бир кўчага кириб чиқар, Бахшулло дуч бўлиши мумкин бўлган одамларни галма-гал кўз ўнгидан ўтказарди.

— Сен ўша афиристларнинг гапларига лаққа тушдингми? Келсин эди, башарамга тўғриси айтсин эди, эркакмас экан...

— Ни-ма? — унинг гапини қоқ ярмида бўлди Бахшулло. — Эркакмас?! Шу пайтгача мен ундай одамларни учратмаганман.

— Ҳа, бўпти, сен айтганча бўлсин ҳам дейлик. Хўш, оти нима экан ўша “герой”ларнинг?

— Сайдулло. Иккинчисиники Мурод.

Икром ўйланиб қолди. Биринчи айтилган исм унга жуда танишдай эди. Лекин аниқ-тиниқ Сайдулло отли одам билан дуч бўлгани тезда хаёлига келавермасди.

— Даминг чиқиб кетдимми? — деди Бахшулло рақибининг жим бўлиб қолганини кўргач. — Мендаям шунақанги танишлар бор!

Ғўдайиб, андак кибр билан сўзлаган Бахшулло бир

пайтлар Неъмат чўпондан шаҳардаги жиноий тўда бошлиқларининг ақлга сизмас ишлари ҳақида кўп эшитганди. Баъзан ҳаваси кетиб, шулардай бўлишни ҳам орзу қилиб қоларди. Энди эса ўшалардан таниш орттирганига шубҳаси йўқ эди. Демакки, уларнинг номини айтадиган бўлса, ҳар қандай одам ер чизиб қоларди унинг назарида.

Икром чўпон йигитнинг соддалиги-ю довдирлигидан кулди.

— Ўшалар мени ўғри дейишдими? — деди кесатиб.

— Ҳа, ўғри экансан, — деб ўзи гапирган ёлгон гапни яна бир марта тасдиқлади Бахшулло.

— Сенга ичим ачияпти, тўғриси. Эсли боласан, лекин келиб-келиб... Айтмоқчи, қачондан бери танишсан улар билан?

— Кечадан буён, — деб яна бир маротаба гўллигини намойиш қилди чўпон йигит.

— Улар билан бирга ичгансан, маст бўлгансан, отга минаман деб йиқилиб тушгансан, бошинг ёрилган, лекин ўша ошналаринг аҳволингни била туриб сени ташлаб кетишган. Энди уларнинг номини айтиб керилаяпсан, шундайми?

Икромнинг сўзларидан Бахшулло ўзини таҳқирланган сизди. Ҳар қандай шароитда ҳам отига минолмаслик бу ернинг эр йигити учун уят саналарди. Албатта, бу ҳам чўпон йигитнинг хаёлида. Чунки у ҳаммадан абжир, зийрак, кўрқмас ҳисобларди ўзини.

— Эркакман, ичаман! У ёғи билан ишинг бўлмасин. Яна айтиб қўяй, агар ўлаётган бўлсам ҳам сендан яхши от минаман.

Икром айна дақиқада Бахшулло ҳеч нарсани тушунмаслигини англаб етди ва секин ортига бурилиб кета бошлади.

Зарбуви кампир бундан бир неча дақиқа олдин ўғлига пишган гўшт олиб келган эди. Одат бўйича гўштининг ёнида, албатта, пичоқ ҳам бўларди. Икром ортига бурилган маҳал Бахшулло кўлига шу пичоқни олди ва секин гавдасини кўтарди.

\* \* \*

Бахшулло билан Икромнинг тортишуви авжига чиқ-

қан паллада Мастура кампир Дилдоранинг ёнига кирганди. Кўрди: келинчак бутунлай ўзига келган, юзига ҳам қон югуриб қолган.

— Айланай, — деди унинг ёнига ўтираркан, — ойдай бўп қопсан, кўз тегмасин.

Дилдоранинг кўзида бирдан ёш ҳалқаланди. Ўпкаси тўлиб йиғлаб юборишдан зўрға ўзини тийди.

— Ҳай-ҳай, йиғлама, хурсанд бўл. Ўзиям ёмон кўзикибсан, чиройлисан-да, овозинг қўнғироқдай, сени кўрган одам ҳилқинади-да. Бир муллага ўқитамиз, ҳеч бало кўрмагандай бўп кетасан.

Дилдора бош силкиб тасдиқ ишорасини қилди. У айна дақиқада гапиролмасди. Мабодо, бир сўз айтса, ичидаги ҳамма гап потирлаб чиқиб кетадигандай эди.

Мастура кампир кўп ўтирмади. Дилдорани йиғидан тўхтатиб олгач, Иззатилласидан гап очди. Уни кўкларга кўтариб мақтади.

— Менинг Иззатилламдан олим чиқади, ҳар балога ақли етади унинг. Мияси путун-да, мияси. Ҳа, айтмоқчи, қишлоққа обориб келади. Тайинлаб қўйдим. Ўзиниям боргиси келиб турган экан, китоб опкемоқчийкан. Бир дунё китоби бор. Шуларни ўқийверсанг бўмайди, десам: “Барини ўқиб қўйибман”, дейди. Билмайман, шунча ўқиганларини миясининг қаерига жойлаштираркан? — дерди у.

Дилдора кампирнинг гапларига кулди. Лекин шундай барно йигит билан кўришишни истамади. Бахшуллони ўйлади. “Нима қилиб ўтирган экан, боши оғримаяпти-микин? Анави чол уни қайси томонга ҳайдаркан? Мени олиб кетишнинг чорасини қилолармикин?” — қабилидаги саволлар унинг миясини эгаллаганди.

— Қизим, саломатлигингни кўрдим, Иззатиллага айти, отга аравани кўшсин.

Кампир чиқиб кетиши билан ташқарида қий-чув бошланиб кетди. Эндигина ёстиққа бошини қўйган Дилдора бирдан ўрнидан турди ва шоша-пиша кийимларини тўғрилади-да, эшик тарафга юрди. Аммо у энди эшик ёнига етганида, қаршисида бошига дока танғилган Бахшулло пайдо бўлди. Унинг қўлида қонга беланган пичоқ бор эди.

— Вой!!! — дея бақриб юборди Дилдора.

Дилором уйга кирганида бўлган воқеанинг ҳаммасини Санобар опага айтиб бермоқчи бўлди. Бироқ ойиси уйда йўқ экан. Сингилларидан сўраган эди, ҳаммаси елка қисишди. Шунда Дилором Заҳронинг кўзи бежо боқаётганини сезиб қолди.

— Нима бўлди? — сўради у сингисидан.

— Ҳеч нима, — жавоб қилди қиз жилмайишга ҳаракат қилиб.

— Нимага унда бошқача қараяпсан?

Шунда улардан унча узоқ бўлмаган Нигора “пиқ” этиб кулиб юборди.

Дилоромнинг кўнгли баттар ғашланди.

— Сенлар мендан бир нарсани яшираяпсанлар! — деди у баланд овозда. — Қани, биттама-битта гапир-чи?

Заҳро миқ этолмади. Оппоққина бўлгани учун қулоғига қизариб кетди.

— Гапиринг, опа, — дея Нигора ҳам орага қўшилди.

— Ҳалиги... Ҳалиги... — дея бироз дудуқланиб турган Заҳро ерга қаради-да, — кўйлагингиз бор-у, пушти ранг, шуни киювдим. Универмага бориб келдим.

Дилором бошқачароқ гап кутганди.

— Фақат шуми? — деди у ажабланиб.

— Ҳа, — деди бош силкиган Заҳро.

— Ўзимнинг эркатойим, ҳали шуни деб кўрқаяпсанми? — деб сингисини қучоқлади Дилором. — Кийиб йиртиб ташласанг ҳам майли.

Нигора иккала опасига термилди, кулгидан зўрға ўзини ушлади. Бироқ унинг юзидаги табассум шунчалик эдики, Дилором бир қарашдаёқ кўрди ва Заҳро ёлғон гапирётганини англади ҳамда уни қучоғидан чиқариб, кўзига тикилди-да:

— Кўйлак дегин! — деди.

Унинг вазоҳати бўлакча эди. Эркаклар билан талашиб-тортишиб юрганлиги боис, гапига дўқ билан кеса-тиқ аралашганди. Заҳро довдираб қолди.

— Кўй... кўй... — дея қандайдир сирни ошкор қилиб қўйди.

— Гапир! — деб бақириб юборди шунда Дилором. — Нега довдирайсан? Тилинг узилиб тушдимми?

Ана шу маҳал олди ёпиқ айвоннинг эшиги “ғийқ” этиб очилди. Дилором ялт этиб қаради ва бўй-басти келишган, сочини силлиқ тараган, галстук таққан йигитни кўрди-ю, тепа сочи тикка бўлди.

— Эй-й, — деди ҳайратини яширолмай, — бу киши ким бўлди?

— Шунча айтдим, келманг деб, барибир келдилар, опажон!

— Яхши, келсалар ёмон бўптими? — деди Дилором. Унинг қони кўпчиганди. Илгари, отаси ҳаётлигида бу хонадонга чумчуқлар ҳам киришдан кўрқарди. Энди бўлса, истаган одам бемалол келади, хоҳлаган гапини гапириб, билганича иш қилади. — Фақат, — гапини давом этказди қиз, — бу йигитчани танимайроқ турибман-да. Ким бўлди экан?

— Мен, — деб галстугини тўғрилаган бўлди йигит, — Заҳрони яхши кўраман, шунинг учун келдим.

— Наҳотки? — юзига ясама табассум югурди Дилоромнинг, — Менинг синглимни яхши кўрасиз?! Ажойибку!

У синглисига юзланди ҳамда ўша-ўша табассумда:

— Меҳмонга дастурхон ёзганмидинг, чой-пой дамладингми? — деди.

Санчилаётган “нина” Заҳронинг юрак-юрагига бориб қадалаётганди. У қандай қилиб ўзини оқлашни билмас, лабини тишлаб, кўзидан ёшини оқизарди.

— Мен унга уйланаман! — деб Дилоромга термилди йигит. — Йиғлама, Заҳро! Нега йиғлайсан?!

— Жуда яхши, ҳозир мулла чақириб никоҳ ўқитамиз. Нигора, сен бориб овқатга унна, сиз бўлсангиз, йигитча, ёнимга келинг, ҳар қалай, синглимнинг бўлажак турмуш ўртоғини яқиндан кўрсам ёмон бўлмас.

Ҳали-ҳалигача Дилоромнинг кесатиб гапираётганини англамаган йигит бемалол зиналардан пастга туша бошлади. Унга қараб турган Дилоромнинг баттар газаби кўзиди.

— Мана, опа, келдим, — деди йигит куйдирилган калладай тиржайиб.

Худди шу маҳал унинг юзига қарсиллаб шапалоқ тушди.

— Безбет, тарбиясиз! Сени ўзбек туққанми?! Бизни одаммас деб ўйладингми? Хоҳлаган пайтда топтаб кетавераман, деб ўйладингми?!

Дилором ўзини бошқаролмай қолди, яна икки-уч марта йигитнинг башарасига шапалоқ тортди. Йигит аввалига туриб берди. Сўнг ҳимоялана бошлади.

— Йўқол!!! — дея бақирди Дилором.

Ошиқ йигит унга бироз қараб турди. Сўнг шартта бурилиб дарвоза тарафга югурди. Унинг бурни қонай бошлаганди. Бу йигит учун тарсаки ейишдан ҳам шармандалироқ эди. Қиз бола тарсаки туширибди дейишса, унчалик ҳам уят бўлмас, лекин қонига белаб ташлабди дейишса, ҳар қандай одам “Эркакмисан?” қабилида масхара қилиши ва баъзи тилига кучи етмаганлар буни овоза қилиши ҳам турган гап. Албатта, бўлган воқеа бирон жойга чиқиши амримаҳол, лекин айтиб бўладими? Деворнинг ҳам қулоғи бор. Қолаверса, йигит Заҳронинг синглисини ҳам, опасини ҳам яхши билмайди. Тўғри, Заҳро ҳар бирига таъриф берган, аммо барибир одамнинг, айниқса, қиз бола — аёл кишининг ичини унинг ўзидан бўлак ҳеч ким билмайди.

— Сен! — деди Дилором титраб синглисига қараркан. — Яхши кўраман деса, уйга киргизиб олдингми?! Қиз бола эканлигингни эсингдан чиқардингми?

— Опажон! — дея чинқириб юборган Заҳро тиз чўкди ва Дилоромнинг оёқларини кучди. — Унақамас, уйга киргизмагандим, ҳовлида эдилар, сиздан кўрққанимдан... Келманг, дегандим, лекин...

— Бу уйда адамларнинг руҳлари кезиб юради. Қилаётган ишларимизни кўриб, чирқираб қолади... Биттамит ўғил бўлганимизда нима қиларди-я?..

Дилором йиғлади. Ўпкаси тўлиб, елкалари силкиниб йиғлади. Оқаётган кўз ёшини, овозининг баландлаб бораётганини сингилларидан яшириб ўтирмади. Алам устида бира-тўла ҳаммасини тўкиб ташлаш ва бундан кейин бошқа бирор марта ҳам кўзидан ёш оқизмаслик учун шундай қилди.

Иккала сингил ҳам уни юпата олишмади. Кўрқишди бирон сўз дейишга, шу боис, сассиз, кўзларини намлаб тураверишди.



Орадан маълум фурсат ўтгач, Дилором қўл силтади ва югурганча уйга кириб кетди.

“Нега шундай? Нега биз тинч-тотув яшай олмаймиз? Нега ҳамма қийинчиликларга айнан биз рўпара бўлишимиз керак? Нега? Нега? Ҳаммаси жонга тегиб кетди! Ўзимни ўлдирсам... Йўқ, осонгина жон берадиган аҳмоқ йўқ. Сўнгги қоним қолгунча курашаман. Агар яна битта одам пастга урмоқчи бўлса, ўзидан кўрсин!” — дея сўнгги қарорга келган Дилором кўз ёшларини кафти билан артиб, ойнага қараб жилмайишга ҳаракат қилди, лекин уддасидан чиқолмади. Шунда ҳаётида содир бўлган энг кулгили воқеани эсламоқчи бўлди, аксига олиб, ундай воқеа содир бўлмаганми ёки қизнинг хотираси панд бердими, хуллас, ёдига фақат бир-биридан аянчли воқеалар келаверди. Тагин у маъюсланди, таъби хира тортди. Бироқ бунинг-да умри қисқа бўлди, Дилором тез-тез устидагиларини ечиб ташлаб, бутунлай кийимсиз қолди. Бу аҳволда ойнадаги аксига қарашга уялди ва кафти билан юзини бекитди. Бир неча сониядан кейин эса қизиқсиниб бармоқлари орасидан секин кўзгуга қаради. Ва маҳлиё бўлиб қолди. Кийимсиз соҳибжамол оҳанрабодай ўзига тортарди. Танасига жуда секин бармоғини теккизди. Вужудида жимирлашга ўхшаш бир нима пайдо бўлди ҳамда ўз-ўзидан кўзи юмилди. Силашда давом этганида эса “оҳ” деган овоз чиқазганини сезмай қолди. Шу маҳал ташқарида ниманингдир овози янгради, бундан чўчиб тушган қиз ерда ётган кўйлагини олибоқ кўкрагини бекитди. У ниҳоятда қизариб кетган эди.

“Жинниман, — дея хаёл қилди у шкафдан уй кийимларини оларкан, — нималар қилаяпман? Биров кўриб қолса, нима бўларди? Одам ғалати бўларкан”.

У ташқарига чиққанида тушкун кайфиятидан асар ҳам қолмаганди. Сингилларининг қилмишини унутганди ҳисоб, шу боис, Нигорага жилмайиб қараб:

— Нима овқат қиламиз? — дея сўради.

Нигора опасининг ҳали-ҳамон кайфияти йўқ бўлса керак, деб ўйлаганди. У уйдан чиқиб келганида кўзига қараёлмай, ўзини иш билан андармон қилиб кўрсатиш мақсадида, узум сўрисига илинган сочиқни олди. Баҳонаси шунчалик сунъий чиқдики, Дилором дарров илғаб

олди ва бу ҳам унинг кўнгли янада кўтарилишига ёрдамлашди.

— Билмадим, — деди Нигора Дилоромга бир қараб қўйиб, опасининг юзидаги табассумни кўрганидан кейин хотиржам тортаркан.

— Димлама! — деб кўрсаткич бармоғини юқорига қилди Дилором. — Қанча бўп кетди емаганимизга. Айтиб қўяйин, мен картошка арчийман, гўшт майдалашга тобим йўқ.

— Яхши, — деб кулди Нигора опасининг кайфияти дарров ўзига юқиб.

Хафагарчиликнинг умри қисқа бўлади деганлар андак янглишади, шунингдек, узун дейиш ҳам хато. Унинг қай тарафга ўзгариши одамнинг ўзига боғлиқ. Дилором сингилларини ёмон кўриб, ёлғиз ўзи хонасига қамалиб, аввалгидай йиғлаб-сиқтаб, чарчаб ухлаб қолмоқчи бўлганида, ана шундай деб ўйлади. Ҳаётининг қизиқарли дамлари эмас, ақлли кишилар кўзи билан қараганда, тасодифий ҳаёсизлик туфайлигина у енгиллашди. Қизиқ, баъзан шу ҳам керак экан-да. Синглиси ҳам хушнуд. Мана, биргалашиб овқат қилишаяпти. Бироқ бу хушчақчақ дам ҳам кўпга бормади. Телефон асабий жиринглаб қолди.

Дилором аввалига Нигорага гўшакни олишни буюрди. Синглиси ўрнидан туришга улгурмасидан қарори ўзгариб, телефон ёнига ўзи чопқиллаб борди-да, гўшакни кўтарди. Кўпол овозни эшитган Дилором:

— Ким бу? — деб сўради энсаси қотиб.

— Кимлигимни келганларингдан кейин биласизлар, моргдан телефон қилаяпман, бир аёлнинг мурдаси топилган, ёрмасимиздан кўринглар, сизларга тегишлими-йўқми, айтасизлар.

Дилоромнинг ранги оқарди, қўлидан гўшак тушиб кетди ва гурс этиб полга йиқилди.

\* \* \*

— Ишинг битдими? — деб қарши олди машина ёнида Соли Самандарни. Иккисининг ҳам кайфи анча-мунча тарқаган, вужудларида ҳорғинлик пайдо бўлганди.

— Ҳайронман, ичиб, аёллар билан истаганча маишат қилганлар қандай қилиб дам оларкан? Шунчалик чарчадимки, бир вагон кўмирни ёлғиз ўзим туширгандайман.

— Тушириш ҳолва, уни вагонга ортиб кўр. Қаерга борамиз энди? — деди ўшшайган Соли.

— Уйга бориб озгина ухлайин. Кейин гаплашамиз.

Аммо ухлаш унга насиб этмади. Дарвозадан кириши билан йигитларидан бири ёнига югуриб келди-да, Сайдуллонинг келганлигини айтди.

— Бирор тонна олиб ўтибдими? — деди Самандар парво қилмай.

— Билмадим, жа хурсанд. Бир қоп тилла топгандай, — дея жавоб қайтарди шотири.

— Меҳмонхонага олиб бор, мен шу ёқда бўламан, — деб оёғини судраб босганча юриб кетди у.

Юмшоқ курсига ястаниб ўтирган Самандар шошилмасдан коньяк қопқоғини очди-да, қадаҳга қаноат қилмай, пиёлага тўлдириб қўйди ва уни сипқориш учун лабига яқинлаштириганда, хаёлига ресторандаги қизларнинг қон юқини ялаганлари келиб, кўнгли айниб кетди.

— Падар лаънатилар, — деб сўқинди, — қандай ялади? Менга қолса, пешонамдан отганларидаям қилмасдим.

У пиёлани отиб юборди ва ғазаб билан чўнтагидан сигарета қутисини олди. Бироқ чекишга улгурмади. Эшикдан бояги йигит калласини суқди.

— Гапир! — деди боягина берган буйруғини эсдан чиқарган Самандар.

— Кираверсинми? — сўради шотири ботинмайгина.

— Ҳа-а, анави нусха келдимми? — деб пешонасини қашлади у. — Кирсин.

Сайдулло бошдан-оёқ назардан ўтказилаётганида бевозталаниб кетди ва ўзини ноқулай сизди-да, киприкларини пирпиратди. У жиноят олами ҳокимларининг кўпини кўрган эди. Ҳаммаси чапдаст. Дақиқада ўзгариб турадиган. Кўнгли хушласа, айтмайин инъом беради. Битта сўзинг ёқмаса борми, шартта каллангни олиб ташлайди. Албатта, Самандарнинг ҳам улардан фарқи йўқ эди. Фақат бу амал унга “осмондан тушган”лиги боис, довдирроқ, бефаросатроқ эди.

— Нима топиб келдинг? — сўради Самандар кузатуви-ни ниҳоялаганидан сўнг.

— Икромнинг изи топилди, — деди Сайдулло иржайишга ҳаракат қилиб.

— Икром!..

Самандарнинг бирдан ранги оқарди, ичидан бир нима чирт этиб узилгандай бўлди. Андак ҳаяжон босди.

— Ҳа, хўжайин, биласизми, нима иш қилаётган экан?

— Айт.

— Чўпон, — деди кўзлари хонасидан чиққудек бўлган Сайдулло.

— Чўпон дейсанми? — деди ҳайратини яширолмаган Самандар.

— Ҳа, хўжайин, чўпонлик қилиб юрибди. Яшаётган жойини кўрсангиз, чўчаникидан фарқи йўқ.

— Ўз кўзинг билан кўрдингми? — сўради Самандар ишонқирамай.

— Кўрдим.

Сайдулло шундай деди-ю, тилини тишлади. “Мабодо, у бошқа одам бўлса-чи?” — деган ўй ялт этиб ўтди хаёлидан. Бироқ энди тамом. У керакли сўзни айтиб қўйди.

— Вой, мочағар, шунчалик паст кетибдими? Икром-а?

Самандарнинг ҳеч ишонгиси келмасди. У Икромнинг таёқ кўтариб қўйлар орқасидан юришини тасаввур қилолмасди. Хотинчаси билан зўр бир жой топиб олиб маза қилиб яшаб юрибди, деб ўйлаганди. Зеро, “устоз”и бор йиққан-терганини ўзи билан олиб кетганлигига юз фоиз ишончи комил эди.

У лабига сигарета қистириб тутатди, сўнг ўрнидан туриб у ёқдан-бу ёққа бориб кела бошлади. Дам хурсанд бўлар, дам кайфияти тушиб кетар, ўйлари алғов-далғов эди.

— Агар, — деди у ниҳоят юришдан тўхтаб, — алдаган бўлсанг, онангни учқўрғондан кўрсатаман!

У ҳайқариб гапирди. Овозини бошқалар, хусусан, эшик ёнидан ўтиб кетаётган хотини ҳам эшитди ва бир зум тўхтади, эрининг кейинги гапларини эшитмоқчи бўлди-ю, тезда ниятидан қайтди. Мабодо пойлоқчилик қилаётганини Самандар сезиб қолса борми, соғ қўймайди. Тўғри, шу пайтгача эридан бирор марта бўлсин, шапалоқ емайди. Аммо эрининг бошқаларга қилаётган муомаласини кўриб юрак олдириб қўйди. Ҳар қандай ортиқча гапини йиғиштириб, доим эрининг оғзига қарайдиган бўлди. Шу боис, ҳозир ҳам илдам юриб ошхонага кириб кетди.

— Хўжайин! — деди Сайдулло худди гуноҳ иш қилиб қўйган одамдай, — қулингизман!

Самандар уни ҳайдаб солди. Худди итни қувгандай: “Тур, кет!” — деди. Сайдулло кела-келгунча умид қилиб келган мукофот тўғрисида ўйламади ҳам. Бир неча муддат юмшоқ курсига ўтиролмай тик турди. Ич-ичидан қандайдир титроқ бостириб келаверди. Икки-уч пиёла ароқ ичди, лекин титроғи босилмади. Худди ҳозир Икром кириб келадигандай, унинг жонини суғуриб оладигандай туйилаверди. Бундан қутулиш учун у бир неча марта: “Чўпон!.. Кўйбоқар!.. Пасткаш!..” — деб овоз чиқариб гапириб кўрди. Аммо, қани энди, булар таъсир қилса? Қайтанга, таёқ кўтарган, соқоллари ўсган, басавлат бир киши кўзига кўринди ва устига бостириб кела бошлади.

Самандар қўлларини мушт қилиб тугди. “Ҳаммангнинг, ҳаммангнинг қонингни ичаман!” — деб ўкирди. Аммо бу сафарги овози ҳам ўзига қарши таъсир кўрсатди. Энди хаёлида ресторандаги башараси қонга бўялган қизлар пайдо бўлди. “Имм!” — деб сочлариниғижимлади Самандар ва бурилиб стол устида турган коньякка қаради. Назарида, бир шиша қон тургандай эди. “Шунча вақтдан бери ичиб келардим-а, ўйламаган эканман. Қон ичиш шунчалик осонми?”

У хаёллар уммонига шўнғиган ҳолда ўзи сезмай, пиёлани коньякка тўлдирди. Ичди. Ароқ билан аралашган қизил шайтон суви бир неча муддат ўтар-ўтмас кучини кўрсата бошлади. Самандарнинг боши шунақанги қаттиқ оғридики, шотирларидан бирини чақириб, кўкнори олиб келишни буюрди. Илгариям боши бир оғриганида, у кўкнори пўстлоғини толқон қилиб майдалаб оғзига солганидан кейин устидан чой ичиб, оғриқдан қутулганди. Яна шу усулни қўллади. Дарров ҳаммаси жойига тушди. Кайфияти кўтарилиб, мияси тиниқ ишлай бошлади. Қуришган лабларини чой билан тез-тез ҳўллаб турди. Мабодо сув ичиб қўйса, қорни дамлаб роса абгор бўлишини у яхши биларди. Шу боисдан ҳам, гарчи стол устида турган минерал сув кўзига ўтдай кўринса-да, қўлга олишдан тийилди. “Нимага ташвиш қиламан? Икромнинг топилгани зўр бўлди-ку! Энди бориб гумдон қил-

сам, олам гулистон: биров олдимни кесиб ўтолмайди; ўзим — хон, кўланкам — майдон бўлиб, айшу ишратга кўмилиб яшайман”, деб хаёлидан ўтказди ва кафтларини бир-бирига уриб: “Давринг келди, Самандар, отни қамчила!” — дея кўкрагига муштлаб уриб қўйди.

Бир неча дақиқа ичида бир юз саксон даражага ўзгарган Самандар ташқарига чиқиб, шотирларига тезда Солини чақириб келишни буюрди ва ўзи қайтиб уйга кириб, хотинини йўқлади.

Доимо ишлаб ўрганган, ҳозир эса ҳамма юмушни хизматкорлар қўлига топшириб, мутлақо бекорчи бўлиб қолган Ҳанифа эри ўзини эслаб қолганидан бирмунча хурсанд бўлди ва тезда унинг ёнига борди.

Самандар аёлига бошдан-оёқ қараб чиқди, хаёлан Дилором билан таққослади. “Йў-ў-қ, барибир бу қишлоқилигига боради. Унча-мунча бўянишниям эпини қилолмайди. Мендай королнинг маликаси бўлишга ярамайди чоғимда, алмаштириш керак. Йўлини қилиб, ўрнига Дилоромни қўйиш зарур. Шунда ҳамма нарса изига тушиб, армоним қолмайди”, деб ўйлади.

— Дадаси, чақирган экансиз, — деди Ҳанифа ийманибгина.

— Биринчидан, дадаси эмас, адаси; иккинчидан, ҳали болали бўлмадик, адаси дейишга бало борми? — дея Самандар хотинининг бир оғиз гапидан шунча айб топиб уни довдиратиб қўйди, — кейин, бундан бу ёғига сал одамга ўхшаб юр. Кўрганимда нафратим кўзимасин.

Бу гаплар Ҳанифани бутунлай адойи тамом қилди. Кўнгли бўш бўлганидан аввал қизарди, сўнг кўзига ёш қалқди.

— Ҳа, нима бўлди? Дарров филтиллашга тушдинг. Нозиклашиб қолдингми? Йиғласам, менга ичи ачийди деб ўйладингми? Нимангга ичим ачийди? Эшагимни лойдан ўтказиб қўйганмидинг?!

Самандар гапиргани сайин асаби ўйнаб тутақаётганди. Ҳанифа яна бирон нима деб қўйса, калтак еб қолиши ҳам мумкинлигини сезиб, индамай тураверди. Унинг мум тишлаши ҳам Самандарга ёқмади. Калтаклагиси келди. Чунки хаёли Дилором томонга кетганди. “Озгина қолди, Икромни бир ёқли қилишим билан, сени кучоғимга ола-

ман, манави овсар бўлса, хизматкорликка яраб қолади”, дея ўйларди у.

Саволларига жавоб ололмаган Самандар:

— Бундан кейин чақирган заҳотим ёнимда бўлмасанг, терингни шилиб оламан! — дейиш билан қаноатланиб, хонадан чиқиб кетди.

Эрининг нега бунчалик тўнини тескари кийиб олганига ақли етмаган Ҳанифа ҳам нафрат, ҳам ҳайрат билан унинг ортидан қараб қолди.

— Янгиликдан ҳали хабар топмадингми? — сўради Самандар Соли келгач.

— Айтсангиз билиб оламиз-да, хўжайин, — иржайди Соли.

Ҳолбуки, у Икром ҳақидаги хабарни эшитган, бироқ ҳозир ўзини гўлликка солмоқда эди.

— Шефинг топилди. Чўпонлик қилиб юрган экан! — деди Самандар кўзлари чақнаб.

— Йўғ-э! Вой, онангни эмгур, шунча паст кетибдими? Айтмайдими, бирон жойга кочегар-почегар қилиб ўтказиб қўярдик, — дея иржайди Соли.

— Бугуннинг ўзида бориб, бирорта қўйини еб келмасак бўлмайди. Шундай амалга ўтганидан кейин ювишиям керак-да. Ими-жимиди сурворгани учун индамадикку, нима дединг?

Соли пешонасини қашлади ва Самандарнинг кўзига тикилиб:

— Хўжайин, бугун анча кеч бўлди. Саҳарлабдан борган маъқул. Ҳар қалай, кун бўйи маишат қилишимиз бемалол бўлади. Унгача бир ишни қилиб қўйсақ...

— Нима иш экан?

— Икки кун аввал йигитлар бир арава олиб келишганди. Мойи артилмаган. Консерва заводи директори тийинлаб йиғиб олган экан, бечора. Хотинчасининг белидан қучоқлаб универмага келганида, йигитларнинг кўзига араваси яхши кўриниб кетибди. Гаражда турибди ялтиллаб.

— “Қулоқлик” қилмабдими?

— Албатта, айтган.

— Итдан тарқаган, энди нима хоҳлаяпти?

— Аввал мусорларнинг эшигини қоққан, натижа чиқ-

магач, келибди бошини эгиб. Ўзингиз билан таништи-  
риб қўйсамми, дегандим.

— Чойхонага олиб бор, зиқ бўлиб кетганман, бориб  
шамоллаб келаман. Лекин тонгги учга мошиналарни тай-  
ёрлаб қўйинглар, анави ит уйқудан уйғонмасидан бориб,  
абжағини чиқарамиз.

Шундан кейин улар бир соатлар чамаси Икромни қан-  
дай қилиб қўлга олиш режаси устида бош қотиришди.  
Унга кўра, Соли йигитлардан бири билан бориб, бошқа  
чўпонлар билан гаплашиши ва кутилмаганда Икромга  
рўпара келиб қолиши керак эди.

— Салом-аликдан нарёғига ўтмайсанлар, у билан қанча  
кўп гаплашсанглар, шунча имкониятларинг камаяди. Пе-  
шонасидан иккита дарча очасизлар, тамом, — шундай  
дея Самандар ўйланиб қолди. Агар шу усул қўлланила-  
диган бўлса, унинг ўзи қопқонга тушиб қолиши мум-  
кин-да: “Бу ифлос бориб, ўзини оппоқ кўрсатса-да, мени  
ёмонласа, ундан кейин биргалашиб менга ташланиш-  
са...”

— Яхшиси, икковимиз йигитлардан яна иккитасини  
ёнимизга олиб борамиз, шунда гўёки уни кўргани келган  
одамлардай бўлишимиз мумкин. Икромда шубҳа уйғот-  
маслик керак, — деди у ва сигарета чека бошлади.

\* \* \*

Бахшуллонинг башараси даҳшатли даражада қўрқинч-  
ли эди. Ҳозиргина у ҳақда бир-биридан гўзал ўйлар су-  
риб ўтирган келинчак қўрқиб кетди ва аста-секин ортига  
тисарила бошлади.

— Жонингдан умидинг бўлса, мен билан кетасан!  
Бўлмаса, чавақлаб ташлайман! — деди Бахшулло важоҳат  
билан унга яқинлашар экан.

Дилдоранинг тили калимага келмасди. Ранги докадай  
оқариб кетган, кўкраги тинимсиз кўтарилиб тушар, то-  
бора устига бостириб келаётган йигитдан кўзини узмас-  
ди.

— Эшитдингми?! Агар типирчиласанг, ўзингга қийин  
бўлади. Шунинг учун индамай олдимга туш...

Бахшулло бошқа гапиролмади. Бутун фикри-зикри Дил-  
дорада бўлганлиги боис, орқа тарафидан келган Худой-  
бердини сезмай қолди. Бўйни билан орқа мияси аралаш



теккан муштдан зумда кўз олди қоронғилашди-ю, гуп этиб йиқилди.

Буни кўрган Дилдоранинг жон-пони чиқиб кетди ва бор овозда бақариб юборди.

— Бўлди, келин, бўлди, энди у сизга ҳеч нарса қилолмайди, — деди Худойберди ва шоша-пиша арқон билан укасининг оёқ-қўлини чандиб боғлаб ташлади.

У ҳали ишини битириб, қаддини ростлашга улгурмасидан, рангида ранг қолмаган, ўнг қўли билан биқинини маҳкам чангаллаганча, бармоқлари орасидан қон сизиб чиқиб, бир-бир томчилаб ерга томаётган Икром кириб келди.

Унинг аҳволини кўрган Дилдора чинқириб юбориб, эрининг ёнига югуриб келди-да:

— Икром ака! Икром ака! Нима бўлди, ким сизни бундай қилди?! — дея чинқириб йиғлай бошлади.

— Сен омон экансан, шуниси етарли, — деб Икром секин ўтирди, — менинг жароҳатим ҳеч нарса эмас, ҳозир боғлаб қўямиз, дарров ўтиб кетади.

Чодирга бирин-кетин аввал Нарзулла ота, унинг ортидан яна икки эркак, кейин Зарбуви кампир ва анча ўзини тиклаб олган Назокат кириб келишди. Зарбуви кампир ўғлини оёқ-қўли боғланган, беҳуш ҳолда кўриб, аввал унга тикилганча бўзрайиб қотиб қолди. Сўнг у ҳам аста-секин ёнига оға бошлади.

— Эна! Эна! — деган овоз эшитилди. Биров ташқарига сувга югурди, бошқа биров Худойбердига ёрдамлашиб кампирни ушлаб қолди.

Юзига сув тегиши билан кампир кўзини очди, бир неча сония гоҳ унга, гоҳ бунга анграйиб қаради. Сўнг бирдан ўрнидан турди-да, Икромнинг устига ўзини отди.

— Келгинди! Умринг гўрда чиригур! Сен келиб бизнинг тинчимизни буздинг, сен ҳаромхўрнинг дастидан ўғлим ақлидан озди! — деб қарғаганча тобора ҳолсизланиб бораётган Икромнинг юзларидан юлиб, сочидан тортқилай бошлади. Яхшики, одам кўп эди, кампирни унинг устидан турғазишди.

— Ҳамманг шу ҳаромхўр билан бир бўлдингми?! Менинг Бахшуллому ўғай! Манави, — кампир қўлини бигиз қилиб Икромни кўрсатди, — кун кўрмагур, илону чаёнларга ем бўлгур қариндошларинг бўп қолдими?!

Нарзулла ота ортиқ чидаб туролмади.

— Қариганда мияси суюлган кампир, ўчир овозингни!!! — деб бақириб юборди.

Зарбуви кампир бир зум қарғашдан тўхтаб, чолига қаради, кейин яна жағи очилиб кетди.

— Ҳа-а, мен Бахшуллони кўчадан орттириб келганман! Шаҳарда болангиз боракан, айтмайсизми!

— Худойберди-и!!! ... еб қараб турибсанми, эшак?! Опкет энангни!

Кампир ташқаридаям қарғанишдан тўхтамади. Икромни гўрдан олиб гўрга тикди, ўзини ушлаб ичкарига қўймаётганларни ҳам тинимсиз “сийлади”.

Дилдоранинг кўзидан ёш шашқатор оқар, қўллари қалтирар, шу боис эрининг кўйлагигаги тугмаларни ечишининг-да уддасидан чиқолмаётганди. Назокат ёрдам берди.

Нарзулла отанинг ўғли — Бахшулло худди ўлиб қолган одамдай қимир этмасдан ётар, бироқ ота унга қайрилиб ҳам қарамасди. Худойберди ва шу ерлик бошқа йигитлар унинг қўлидаги арқонни ечишди. Биров юзига сув сепди, шунда ҳам ўзига келавермагач, Худойберди бетига шапалоқлаб урди. Бахшулло аввал гўлдиради. Сўнг кўзини очди. “Қайси итдан тарқаган мени урди? Ҳозир энасини эмдираман!” — дея вишиллади.

— Ўчир овозингни! — бақирди унга Худойберди, — ҳозир мен сенга ким итдан тарқганини кўрсатиб қўяман!

Бахшулло ётган жойида акасининг оёғига тепиб юборди, Худойберди буни мутлақо кутмаганди, шу боис, орқаси билан гурс этиб ўтириб қолди.

Шундай бўлсаям, укаси билан бирга ўрнидан туришга улгурди. Албатта, Бахшуллога бир ўзининг кучи етмасди. Буни уларнинг иккиси ҳам билиб турарди. Гарчи Бахшулло ўзини акаси уриб йиқитганини сезган эса-да, Икромнинг боши Дилдоранинг тиззасида эканлигини кўргач, газаби икки ҳисса ошиб, акасини эмас, айна қовоқларини-да кўтаришга мадори етмай бораётган Икромни аввал бир ёқли қилмоқчи бўлди. Бу сафар чодирда йигитлар кўплик қилишди. Улар бараварига Бахшуллога ташлаиб, уни ерга босишди.

— Бунга яхшилик қилган одамнинг ўзи аҳмоқ! — ба-

қирди Нарзулла ота. — Нега оёқ-қўлини ечдинглар? Боғла қайтадан! Ҳе-е, ичинг ачимай ҳар бало бўл, гўрсўхта-лар!

Бахшуллонинг қўллари орқасига боғланди. Лекин оёқларини боғлашга йўл қўймади у. Худойберди икки марта тепки еди, шундан кейин кўплашиб уни ташқарига олиб чиқиб кетишди.

— Барибир ўлдираман! Дилдора меники бўлади барибир!!! — дея ўкирарди у.

Дилдора: “Ишқилиб, эрим эшитмаган бўлсин”, деган ўйда Икромнинг юзларини силаб:

— Ўтиб кетади, яхши бўласиз, ҳеч нарса кўрмагандай бўп кетасиз! — дея баланд овозда юпатарди. Аммо Икром Бахшуллонинг гапларини эшитган, ичидан бир нима чирт этиб узилган ва фақатгина ҳолсизлиги боис, тишини-тишига қўйиб, кўзини юмганча жим ётарди.

Нарзулла ота эса ўғлининг гапларидан кейин бир қалқиб тушди. Аъзойи бадани титради. Ранги оқариб, секин ортига ўтирилди. Жиққа тўлган ёши кўзидан оққанани бошқалар кўриб қолишидан чўчиб, эшик тарафга бурилганча тезда артди. Зеро, у ўғлининг бунақанги тез ўзгариб қолганлиги сабабини англаган, шу боис, ич-ичидан эзилаётганди. “Менинг болам шундай аҳмоқлик қилади-ми? Бировнинг жуфти-ҳалолоига кўз олайтираяпти-я! Ҳаромдан кўрқмай, Икромдан: “Хотинингни берасан!” — деб сўраб турибди-я! Қандай бедодлик бу? Оқпадар!” — дея хаёлидан ўтказарди.

Гарчи Дилдора бирмунча муддат аввал Бахшулло тўғрисида бир-биридан гўзал, ширин хаёллар сурган эса-да, ҳозир бутунлай ўзгариб кетган эди. Қандайдир кўрқув уни бутунлай ўз исканжасига олган, хаёлида Икром ўзига келиши билан уни ҳайдаб юборадигандай эди. Айни чоғда ўзини улкан гуноҳ иш қилган ҳисоблаётганди у.

Нарзулла ота ташқарига чиқди. Бахшуллонинг чодирни тарафдан ҳали-ҳануз бақир-чақир овозлар эшитилиб турарди. Нафрат билан шу тарафга қараган чолнинг қўллари мушт бўлиб тугилди ва шиддат билан юриб кетди.

Чодирга судраклаб олиб киришгач, йигитлар амаллаб Бахшуллонинг оёқларини боғлашни ҳам уддалашганди.

— Қўйинглар!!! Оёқ-қўлимни бўшатинглар!!! Ҳамманг-

ни ўлдираман! Биттангни соғ қўймайман, итлар! Ўғрининг тарафини олаяпсизларми? Мен сизларга бегона бўп қолдимми?! — деб Бахшулло томоғи йиртилгудек бўлиб бақираётганида, Нарзулла ота чодирга кириб келди.

— Яна қайтар?! — деди у ўғлига еб қўйгудек тикилиб.

Бахшулло бир зум бақиршидан тўхтаб, отасига қаради, сўнг оқаётган бурнини тортиб қўйди-да:

— Ота, ўғри у! Ҳозироқ уни ҳайдаворишимиз керак! — деди юраги кўкрагидан чиқиб кетгудек бўлиб ураркан.

— Нимангни ўғирлади? — деди Нарзулла ота мумкин қадар ўзини босишга уриниб.

— Орқасидан одам излаб келган, ўғрилиги учун бу ерларда қочиб юрибди у, ота! Ҳали бизниям куйдириб кетади!

— Шунинг учун сен унинг хотинини тортиб олмоқчи бўлаяпсанми, итдан тарқаган?! Мен сенга ҳаром едирганмидим?! Айт, мол, ҳаром едирдимми, а?!

— У... у... — деб ётган жойида асабий типирчилади Бахшулло, — Икромнинг хотинимас, мажбурлаб опқочиб келган, биламан ҳаммасини! Икромнинг кўзи кўз, кўнгли кўнгили-у, бизда кўз-кўнгили деган нарсалар йўқми?!

Нарзулла ота бошқа чидаб туролмади, ўғлининг орқасига тепиб юборди ва қарахт аҳволда гоҳ отасига, гоҳ укасига қараб турган Худойбердига буюрди:

— Бунни йўқот, обориб тоғ-тошлар орасига ташлаб кел, шоқолларга ем бўлсин, бунақа боланинг кераги йўқ!

Ота ўзини ниҳоятда гуноҳкор сезарди. Эрта бир кун қори келса-ю, унинг ўғлидан мана шунақа қилиқ чиққанлигини эшитса, нима аҳволга тушади? Бунисиям майли, озгина қизарар, бошини ҳам қилиш билангина қутулар. Лекин ўлиб нариги дунёга борганида нима деб жавоб беради? Ўғлининг гуноҳларидан бир қисми унинг ҳам бўйнига тушмайдими?

Нигоҳлари узоқларга қадалган чол отхона ёнида ўй суради, мақсади “Кўкёл” номли тулпорини миниб бир ёқларга кетиб қолиш эди. Аммо хаёллари мақсадини эсидан чиқариб юборди.

\* \* \*

Дилдора бир текис нафас олаётган эрини “ухляпти” хаёл қилиб секин сочларини силай бошлади.

— Дилдор, — деди Икром.

Келинчак чўчиб тушди ва киприкларини пирпиратиб Икромга қаради-да:

— Лаббай, — деди.

— Анави сўтак нима деди?

— Ким? — сўради Дилдора билмасликка олиб.

— Мараз айтди-ку: “Дилдора барибир меники бўлади”, деди-ку!

— Ҳа, анави Бахшулломи? Тентак бўлганга ўхшайди, эсингиздан чиқариб юборинг. Ҳе...

— Ҳали ўрнашиб бўлмасингдан яхши кўриб қоптими сени ёки гаплашиб улгурдингларми? — дея унинг гапини бўлди Икром. — Бирдан сени олиб кетмоқчи бўлганига ҳайрон бўлиб турибман.

— Нега ҳайрон бўласиз? Аҳмоқ бўлганидан кейин оғзига келган гапни айтаверади-да. Найновми, бир бало! — деди қизишган Дилдора. “Сенга еб қўйгудек тикилгани, ўзинг у ҳақда ширин ўй сурганларинг эсингдан чиқдими? “Мени қандай опқочиб кетаркан?” — деган хаёлгаям боргандинг-ку! Аҳмоқ, агар эринг ичингдагиларни уқий олганида, алақачон талофингни берарди”, — гапираётди миясига келган ўйлар Дилдорани кўрқитиб юборди.

Яхшики, Икром кўзини очмай сўзлаётганди. Бўлмаса, сулув келинчакнинг гўзал кўзлари ҳамма нарсани ошкор қилиб қўйган бўларди.

— Тентак эмас, — деди Икром, — сен ҳақиқатан ҳам жуда чиройлисан, бу ерларда сенга тенглаша оладиган қизнинг ўзи йўқ. Бахшулло ёш, яхши кўриб қолган бўлиши кундай аниқ. Фақат соддалигига борди...

— Нима демоқчисиз, яхши кўриб қолган бўлса, ёнига чопиб борайинми? Пишиқ бўлганида, осонгина мени кўлга киритармиди?.. Мени шунақа енгил деб ўйлайсизми? Наҳотки шу гапларни сиз гапирдингиз?!

— Сенга ишонаман. Шаҳардаям ошиқларинг кўп бўлганлигига шубҳам йўқ. Бунинг учун сен айбдор эмассан. Нима қилайинки, кўпчилик эркакларнинг итдан фарқи бўлмайди. Чиройли қизни кўриб қолса, оғзидан суви қочади... Ортиқ бу ерда туролмаймиз... Шундай дейман-у, кўрқоқлик қилаётганга ўхшайман. Битта чўпон хотинимни тортиб олишидан кўрқиб, яна шаҳарга қочиб кетаётганга ўхшаб қолаёпман.

— Агар сиз шу гапни айтмаганингиздаям ўзим бу ерда ортиқ туrolмасдим. Энди биров менга яхши кўз билан қарамаса керак. Учта одамдан иккитаси анави чўпонни айблагани билан, биттаси мени қоралайди, айниқса, аёллар... “Ўзи сузилган”, дейди. “Буқа ўз-ўзидан ипини узмайди”, дейди...

Икром пиқ этиб кулиб юборди ва хотинининг қўлидан ушлади. Сўнг дарров жиддий тортди.

— Агар икки ойгина аввал биров шунақа қилиб гапирганида борми, тилини суғуриб олган бўлардим. Аммо ҳозир ҳам Бахшуллони соғ қўймайман, ҳали у менинг хотинимга кўз олайтирадиган бўптими? Менинг кимлигимни билмайди. Ўзгармоқчийдим, қори нима деб ўргатган бўлса, ҳаммасини қилмоқчийдим. Лекин падар лаънати мени яна гуноҳ қилишга мажбурлади. Агар ўласи қилиб тепкилаганида ҳам бир нима демасдим. Майлийди сўкканидаям, лекин “хотинингни тортиб оламан!” деганига чидаёлмайман. Барибир соғ қўймайман уни...

— Икром ака, — деб Дилдора энгашиб эрининг лабидан ўпди, — энг яхши йўл бу ердан кетиш. Шунда сиз гуноҳга ботмайсиз, мен ҳам осойишта яшайман. Қўрқиб қочди, демаса, ундан бошқасини гапирсин. Асосийси, мен сизнинг мардлингингизни биламан. Сиз билан бир тану бир жонмиз, гуноҳ қилишингизни асло хоҳламайман.

— Сенга тегажоқлик қилса-ю, лаллайиб ётаверайинми? Кейин бошқа гаплар ҳам борга ўхшаб қолапти... Ўйлаб кўрайин, бир қарорга келиб, сўнг айтаман. Унгача ёнимдан ҳеч қаёққа қимирлама.

— Ҳўп.

\* \* \*

Худойберди отасининг буйруғини бажариш-бажармаслигини билмай боши қотиб, оғзидан боди кириб, шоди чиқиб типирчилаётган Бахшуллонинг ёнида турганида, Зарбуви кампир чодирда пайдо бўлди.

— Вой, болагинам, вой шўрим, ҳалиям қўл-оёғинг бойланиб ётибсан-ку! — деди ва кўзидан ёшини оқизиб Худойбердига нафрат билан қаради: — Келгиндини деб ўз укангни шу аҳволга солдингми, ит?! Анави мияси айниган чол нима деса қилаверасанми? Ундан кўра, обориб

ўлдириб ке! Мен сенга укасини одамгарчиликдан чиқаради деб оқ сут берувдимми, яшшамагур?! Бечорагинанинг айби нима?! Ҳаммангнинг топганинг шу!..

— Индаманг, эна! — қичқирди Бахшулло. — Буларнинг ҳаммасига кўрсатиб қўяман! Менинг кимлигимни билмайди булар! Тиқилсин шу шаҳарликка...

— Ҳе нонкўр, еч оёқ-қўлини! — бақирди кампир Худойбердига, кейин бунга қаноат қилмай ўглининг юзига шапалоқ ҳам тортиб юборди. Худойберди бошини эгганча миқ этмай тураверди.

— Агар ҳозир оёқ-қўлини бўшатмасанг, берган сутимга розимасман!

— Эна, бу аҳмоқ Икромнинг хотинига кўз олайтириб юрибди. Ҳаммамизнинг юзимизни ерга қаратди. Қишлоқдагиларнинг қулоғига шу гаплар етиб борса, қандай бош кўтариб юрамиз? Уйлангиси келса, қиз қуриб қоптими?.. Билмай ҳар балони гапираверасизми?! — деди ахийри Худойберди чидолмай.

— Бекорга бўлмагандир шу гаплар? Товдай ақлли-хушли бола ўз-ўзидан жувонга осилмайди. Уни ўзининг бир гови бор. Фунажиннинг ўзи суйкалгандирки...

— Нима бўлгандаям, бировнинг хасми, эна!

— Ўчир овозингни, оғзингдан қонинг кегур! Ундан кўра, бориб келгиндиларни ҳайда. Пишириб қўйгани йўқ, ундайча нонхўрларга бу ерда...

— Эна, Дилдора кетса, ўзимни ўлдираман! — деди Бахшулло ётган жойида.

— Эшитдингизми? Шундан кейинам индамайликми? Ерга тикади бу ит! — деб ўкириб юборди Худойберди.

— Болам, — деб Бахшуллонинг ёнига ўтирди кампир, — қўй уни. Келиб-келиб ишқинг шу жувонга тушдимми?! Ўзим сенга унданам чиройли қиз топиб бераман... Бечорагина сени иссиқ-совуқ қилиб қўйибди-ку, қирилгур!

— Менга шундан бўлак ҳеч кимнинг кераги йўқ, — деди йиғлаб юборган чўпон йигит, — агар у кетса, ўзимни ўлдираман, қолса, эрини соғ қўймайман... Эна, Икром унинг эримас, ўғирлаб келган уни. Мен ҳаммасини биламан.

— Эй, мараз, нималар деб валдираяпсан? — деди жони ҳалкумига келган Худойберди. — Отам-ку, сени оқ қилди. Энди менам кечдим сендан. Сенга ўхшаган укам йўқ!

Худойберди шоша-пиша Бахшуллонинг оёғидаги арқонни ечиб ташлади ва сочидан гижимлаб ушлаганида, Зарбуви кампир қўлига ёпишди, катта ўғлини қарғади, дод солиб йиғлади. Зум ўтар-ўтмас, ўзини ташлаб юборди.

— Эна, сизга нима бўлди, эна?! — дея ҳайқирди Худойберди ва онасининг бошини кўтарди.

Ташқарида одам кўп эди. Ҳаммаси ичкаридаги гапларни эшитиб турарди. Бироқ бировининг ҳам киришга, она-болаларнинг бақир-чақирига аралашишга ҳадди сизмаётганди. Айниқса, Назокат юм-юм йиғлар, нажот истаб атрофдагиларга қарар, сўнг яна юзини ҳўллашда давом этарди.

Худойбердининг сўнгги гапидан кейин ҳамма бирдан сергакланди ва бирдан ичкарига ёпирилди.

Бор-йўғи бир дақиқагина Бахшулло назардан четда қолди. Ҳеч ким унинг оёғидаги арқон ечилганига эътибор бермади. Кирганлар-у Худойбердининг бутун диққат-эътибори Зарбуви кампирда бўлди, айти шу нарса Бахшуллога керак эди. У секин ташқарига йўл олганида, Иззатулла сизди, олдини тўсмоқчи бўлди, бироқ гавдаси униқидан иккита келадиган, ичи қаҳр-ғазабга тўла Бахшулло елкаси билан бир уришда Мастура кампирнинг ўғлини ерга қулатди ва ташқарига югурди. Мақсади, эртароқ Икромнинг чодирига етиб бориш ва рақибини янчиб ташлаш эди. Бир сафар у адашди. Икромнинг биқинига пичоқ ураётганида душмани ўзини бироз тортиб қолгани ва нишони мўлжалга аниқ етиб бормаганига эътибор қилмади. Оқибатда Икром фақатгина яраланди. Энди у ўша хатосини тўғриламақчи, товонлари билан ҳолсизланган Икромнинг қовурғаларини синдирмоқчийди. Энди унга уч-тўрт киши бирданига ташланмаса, бировнинг кучи етмасди. Буни ҳамма билганлиги боис, Худойберди укасининг қочганини сезиб қолмагунча биров унинг орқасидан қувмади. Тўғри, Иззатулла Бахшулло чиқиб кетганлигини айтди. Аммо унинг овозини шовқин-сурон босиб кетганди.

Бахшуллонинг бақувват, чаққон оёқларига қайтадан куч энгандай эди. У гўё елдай учиб борарди. Чодирдагилар унинг ортидан чопганларида, Бахшулло манзилига етиб



боришига оз қолганди. Икромни нариги дунёга жўнатиш учун Бахшуллога бир дақиқа ҳам етиб ортади. Буни кўзи қонга тўлган чўпон йигит жуда яхши англарди.

Англарди-ю, аммо кўзи ҳеч нарса кўрмасди. Шу боисдан ҳам отасининг ёнидан шиддат билан ўтиб кета бошлади.

— Тўхта! — деди Нарзулла ота.

Бахшулло қадамини секинлатиб, отасига ўтирилди. Бир хаёл отасининг буйруғига итоат қилмоқчи ҳам бўлди. Аммо кўнглидаги шайтон қутқуси, Икромни ўлдиришга бўлган иштиёқи бунга йўл қўймади.

Ўғлининг вазоҳатидан ҳозир қулоғига гап кирмаслигини англаган Нарзулла ота жаҳл билан ҳассасини силкиди. Фойибдан чолнинг билагига даҳшатли куч кирди гўё. Ёнгинасидан ўтаётган Бахшуллонинг оёғига ҳасса билан чунонам туширдик, оғриқ зўридан ўғил ўкириб юбориб ерга юзтубан қулади-да, ўнг оёғини қучганча типирчилаб, тинимсиз оҳ-воҳ қила бошлади. Нарзулла ота чексиз нафрат билан унга тикилиб турди-да, секин ҳассасини ердан олди. Бу пайтда Бахшуллонинг ортидан қуваётганлар ҳам етиб келишган, фақат улар энди нима қилишни билмай лол қолишганди. Боягина босар-тусарини билмай қолган йигитни тезроқ ҳовуридан тушириб, оёғини қайтадан кишанлашга шошилган бўлсалар, ҳозир унга ёрдам керак бўлиб қолганини тушуниб туришар, аммо бундай қилиш учун аввал оқсоқол — Нарзулла ота изн бермоғи лозим эди.

— Оёғи синганга ўхшайди, оборинглар, ўзим боғлаб қўяман, — деди у ва Икром ётган чодир томон юрди. “Азоб тортсин пича. Аҳмоқлик орқасида қандай касофатлар ётганлигини, зора, тушунса”, дея ўйларди чол.

Бу пайтда Икромнинг иситмаси кўтарилиб, тинимсиз алаҳсирар, нима қилишни билмаган Дилдора кўзидан дув-дув ёш оққанча эрининг юзини силаб:

— Ҳаммаси яхши бўлади, жоним, уйимизга кетамиз. Озгина... озгина сабр қилинг, — дерди.

Бу манзарани кўргач, Нарзулла ота ич-ичидан эзилиб кетди ва шошиб ташқарига чиқди-да, дўхтирга хабар бериш учун Худойбердини қишлоққа жўнатди. Сўнг бошқаларни чақиритишга сабри чидамай, ўзи бир коса муздай сув олиб Икромнинг чодирига кирди.

— Ўлиб қоладилар, энди нима қиламан?! — деб ўкириб йиғлашга тушди уни кўрган Дилдора.

— Отдай бўлиб кетади, қизим, йиғлама! — деб уни юпатган бўлди Нарзулла ота, сўнг Икромнинг ёнига ўтирди-да: — Бор, сен Назокатга айт, иситма туширадиган дори берсин, тез бўл, кўз ёшингдан фойда йўқ, — деди.

Қишлоқдан дўхтир келиб укол қилмагунча Икромнинг иситмаси тушмади. Дилдора тугул, Нарзулла отанинг ҳам кўнглига ваҳима оралади. “Шундай бола оддийгина иситманинг орқасидан ўлиб кетаверадими?” — дея хавотирланди у. Унинг Икромга меҳри қанчалик жўшаётган бўлса, ўз ўғли Бахшуллога нисбатан шунчалик нафрати ошаётганди. Тўғри, врач келгунича, у бориб ўғлининг оёғини тахтакачлаб яхшилаб боғлади. Лекин бир оғиз ҳам гапирмади (Нарзулла отанинг авлод-аждодида табиблик хунари бор эди. Унга эса фақат чиққан-синган суяқларни даволашгина мерос қолганди).

Фақатгина чодирлардан иборат бу овулда ўша кун жуда осойишта бўлди. Онда-сонда итнинг хуриши, отнинг кишнаши, чуғурчуқларнинг овозини ҳисобга олмаганда, ҳамма ёқ сув қуйгандек жимжит эди. Нарзулла ота бундан баттар сиқилди. Ўзини қўярга жой тополмади. Илгарилари агар мана шундай ҳолат бўлса, дарров кампирини ёнига чақирар, у билан ўтган-кетганлар тўғрисида гаплашар ва енгил тортарди. Ҳозир бўлса, кампирига бир оғиз гапириб бўлмайди. Ўғли сабаб, кампири қовоқ-тумшук қилиб олгани камлик қилгандай, неча маротаба чолини қарғади. Ҳар бир қарғиш орасида, албатта, ўлим ҳам тиларди. Гарчи қарғишлар Нарзулла отанинг юзига айтилмаган эса-да, чол эшитди. Ташқарида юрганида, Зарбуви кампирнинг: “Беш-бегана болангдан азиз бўп қолдимми? Урган қўлларинг синиб тушсин! Илоё, ўлигингнинг устида ўтирай, мўйсафид!” — деганлари аниқ-тиниқ қулоғига етиб борди. Оқсоқолнинг ичидан зил кетди, кириб кампирини бўралатиб сўкмоқчи бўлди, аммо шаштидан қайтди. Фақат чуқур хўрсинди. Балки бу гапларни ёлғиз ўзи эшитганида бунчалик оғринмаган: “Кампирим аччиқ устида айтди-қўйди-да”, деган бўларди. Аммо меҳмон келин Дилдора ҳам бундан воқиф бўлди. Зарбуви кампирнинг қарғиши айни авжига чиққанида, у ташқарида эри-

га сув олиб кетаётганди. Юришдан тўхтаб, овоз келаётган томонга қаради, юзи қизарди. Сўнг бирдан йиғлаб юборди.

Нарзулла ота бунинг ҳаммасини кўрди. Келинчакни юпатмоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, аммо лозим бўлган сўзни тополмади.

Аввалига у Бахшуллони ҳайдаб юбормоқчи эди. Аҳволни билгач, ниятидан қайтди. Бу ўғил ҳеч нарсадан қайтмайди. Қувиб юборса, тунда келиб ҳақиқатан ҳам Икромни чавақлаб қўйиши, хотинини олиб қочиб кетиши аниқ.

Кейинроқ, орадан бирор икки соат ўтиб, ҳамма ёқ тинчиганидан кейин ҳам Нарзулла ота ўзига келолмади. Ташқарида, икки ой аввал кесилган арчанинг кундаси устида қоронғи тушгунча ўтирди. Фақат ҳамма ухлагачгина чодирига кирди. Бунгача Худойберди бир неча марта отасининг ёнига келди. Кириб дам олишга ундади. Бироқ ота кўнмади. Охири кўзлари юмилиб кетаверганидан кейингина ўрнидан туришга мажбур бўлди.

— Икром ака, — деди кечаси Дилдора эрининг бошини кўксига босиб ётаркан, — тонг отиши билан кетамиз. Хўпми?

— Кетамиз, — деб бир оғизгина жавоб қилган бўлди Икром ва кўзини юмди. Бироқ ухламади, ўйга чўмди. Шаҳарга у боролмасди. Гарчи тезда аввалгидек обрў-эътибор қозонишига кўзи етса-да, тушига устози Қора дев кириб безовта қилишидан, Норбой қорининг: “Ироданг шунчалик бўшмиди?” — деб таъна қилишидан қўрқди. Айни чоғда бу ерда ортиқ қололмасди ҳам. Ҳаммаси кундай равшан. Албатта, Дилдорани айблаб бўлмайди. Худо уни шундай гўзал, истарали, ширин сўз қилиб яратиб қўйган бўлса, унда нима гуноҳ? Тўғри, дарров ҳамма билан очилиб-сочилиб гаплашмаслиги керак эди, бошқаларда кўникма пайдо бўлгунча ўзини тортиброқ турганида, балки Бахшуллога ўхшаганларнинг кўзи ёнмасмиди? “Бахтинг бор экан, — дея хаёлидан ўтказди Икром, — бундан уч-тўрт ой олдин шу гапларни айтганинда борми, битта ўзининг ичагининг бошинга салла қилиш у ёқда турсин, уруғ-аймоғинг билан қуришиб юборардим. Ҳалиям хотинимга кўз олайтирганинг учун ўзинг жавоб берасан, мен буни шунчаки ташлаб қўймайман.

Гурур, ор-номус деган туйғу биргина сенда эмас, бизда-ям бор. Бошқа ҳар қандай айбингни кечириб юборишим мумкин-у, лекин бунисига чидолмайман”.

— Ухладингизми? — сўради Дилдора эрининг хаёлини бўлиб.

— Йўқ, — жавоб қилди Икром.

— Мениям кўзимга ҳеч уйқу келмаяпти.

— Дилдора, менинг аввалгидай одам бўлишимни хоҳлайсанми?

— Йўқ! Икки дунёдаям хоҳламайман. Нима, сиз шаҳарга қайтганингиздан кейин яна безорилик қилмоқчимисиз? Мени бутунлай куйдириб, бахтсизларнинг бахтсизига айлантириб!

— Нималар деяпсан? Сендан бўлак ҳеч кимим бўлмаса, қандай бахтсиз қилишим мумкин? Лекин анави жинқарчанинг гапи эсимдан чиқмаяпти. Бировнинг хотинига қараган одам эмасман. У ит эса, келиб-келиб менинг хотинимга эга чиқмоқчи бўлдимми?!

— Икром ака, менга ишонинг, жоним! Уни бутунлай эсингиздан чиқаринг, эртага кетамиз, тамом!

— Фақат шаҳаргамас.

— Қаерга бўлсаям, — деди Дилдора паст овозда ва эрининг юзидан ўпди. Ахир Икром биргина: “Шаҳарга бормаймиз”, деган гапи билан жиноятчиликдан қайтганлигини билдирганди-да.

Бироқ улар эртасига кетишолмади. Нарзулла ота қўймади. “Кетишларингга қаршилиқ қилмайман. Саноқли кунлар ичида бировинг ўғлим, иккинчинг келинимдай бўлиб қолган бўлсаларинг ҳам, бу ерда сизларни ортиқча олиб туrolмайман... Лекин Икром ўзига келиб олсин. Кейин... Балки унғача бошқа бир чораси чиқиб қолар”, деди у.

Зарбуви кампирнинг эса алами ичида эди. Аввалига Икромларнинг қолажагини эшитгач, суяк-суягигача оғринган эса-да, кейинчалик чолининг қароридан хурсанд бўлди. Чунки бу муддат ичида у Икромга озми-кўпми зиён етказишга улгуради.

Ҳозир аниқ бир режаси бўлмаса-да, тезда уни ўйлаб топиши мумкинлигини яхши билади. Кенжасининг боши ёрилди, оёғи синди. Барига сабабчи Икром деб билар

эди у. Қайсидир маънода ҳақ эди. Агар Икром хотини билан бу ерга келмаганида, Бахшулло бегоналар билан бирга ичмаган, бошини ёрмаган бўларди, шунингдек, отаси оёғини синдирмасди.

Бир ҳафта ўтди. Икром билан Бахшулло худди “сендан мен камми?” дегандек басма-басига соғая бошлади. Иккиси ҳам онда-сонда ташқарига чиқар, тиниқ, тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олганча, бирор икки соатча туришар, сўнг ичкарига кириб кетишарди.

Бир-икки дафъа бир вақтда ташқарида дуч келишди ҳам. Фақат узоқроқдан. Энди Бахшуллоникига нисбатан Икромнинг нафрати икки ҳисса ошиб кетганди. Қани, имкони бўлса-ю, ўзининг назаридаги “жўжахўроз”ни тилкалаб ташласа. Лекин ҳар сафар миқ этмади. Бутун аламини ичига ютиб, ичкарига кириб кетди. Бахшулло ҳамон ниятидан қайтмаган, соғайиши билан Дилдорани қўлга киритиш учун яна ҳаракат қилишни кўнглига тугиб қўйганди. Фақат эндиги сафар очикдан-очик эмас, пинҳона, бировга билдирмай, ими-жимиди ишини битирмоқчи эди у. Ҳатто бунинг учун бошқаларга ёқиш кераклигини ҳам тушуниб етиб, ёнига келганларга юшоқ муомала қилар, уларнинг панд-насихатларини миқ этмай эшитарди.

Ўғлидаги бундай ўзгаришни кўрган Нарзулла ота Икром ҳақидаги қароридан қайтишни ҳам ўйлаб қолди. Албатта, бунга кампирининг ҳам жуда юшоқ бўлиб қолгани сабабчи эди. Бироқ ўғли билан кампирининг бири-биридан беҳабар ҳолда ягона қабих ниятга келиб қўйганликларини у билмасди.

Эри қайнукасининг ўрнига қўй боққани кетиб, қайсингиллари — амакиваччаларнинг кичкина қизалоқлари билан тунаб юрган Назокат қайнонаси ва унинг кенжа ўғлида кутилмаганда пайдо бўлган бундай ўзгаришдан кўнгли хира эди-ю, ичидагини бировга айтолмасди. Нима десин? “Фалончилар аввал ҳеч бунақа эмасди, бир гапи борки, юшаб қолибди”, десинми? Шундоғам, ҳамма бир-биридан хавфсираб қолган. Яхшиси, кутади... Йўқ, йўқ, эртага Бахшулло яна бир ҳунар кўрсатиб, Дилдора шўрлик кўз ёшига чўмилиб қолмасин.

Назокат бир неча марта Дилдораларнинг чодирини ёнига

бориб қайтди. Келинчакни учратганида эса, атрофида бошқалар ҳам бор эдики, у дардини айтолмади. Шундай қилиб, бир ҳафта шамолдай ўтди-кетди.

Яраси бироз битиб, юришига асло монелик қилмай қўйгач, Икром Нарзулла отанинг ёнига борди ва мақсадини айтди.

— Балки қоларсан, Бахшуллоям анча одам бўлиб қолди. Оёғи тузалиб кетгач, бу ерда жуда кам бўлади. Сенгаям бирорта иш топиб берармиз, — деди унга Нарзулла ота.

— Йўқ, шунча яхшилик қилдингиз, ҳеч қачон эсимдан чиқармайман, лекин энди кетмасам бўлмайди. Мени тўғри тушунинг. Вақти-вақти билан келиб тураман.

— Майли... Шаҳарга борасанми?

— Билмадим... Шундай шекилли. Лекин бу ернинг ҳавосидан маза қилдик. Ўпкамизам яйради. Қаерга кетсам ҳам...

— Эҳтиёт бўл.

Икром ташқарига чиққанидан кейин кўкрагини тўлдириб нафас олди. Кўнглидаги ғашлик тарқамади. Назарида, нимадир бу ерда қолиб кетаётгандай эди.

Кириб Дилдорага дилидагини айтди.

— Балки ўрганиб қолгандирсиз. Шунинг учун бўлса керак, — деб жавоб қилди Дилдора унга тикилиб туриб.

— Йўқ, ҳали ўрганмагандим, бошқа нарса. Эй-й, нима бўлгандаям майли. Сигмадик, тамом-вассалом.

Аслида бундай эмаслигини у Дилдора гапираётганида англагани. Уларнинг борадиган жойи йўқ эди. Шу боисдан ҳам Икромнинг унчалик кетгиси келмаётганди.

\* \* \*

Юзига сув теккач, Дилором кўзини очди-ю, бироқ индамай ётаверди.

— Опажон! — деди Нигора йиғлаб. — Бирон нима денг. Ким телефон қилди? Нима деди? Бизларни қўрқитманг!

Аммо садо чиқмади. Бир нуқтага термилган Дилором лом-мим демас, оғир-оғир нафас оларди.

— Нега гапирмаяпсиз?! Гапирсангиз-чи, ким экан кўнғироқ қилган?!

Бу савол ҳам жавобсиз қолганидан сўнг, чидаёлмаган Заҳро ўрнидан сапчиб турди-да, бир челак сув олиб ке-

либ, Дилоромнинг устидан қуйиб юборди. Опасининг ҳамма ёғи жиққа ҳўл бўлди.

— Нега бунақа қилдинг?! — деди ўрнидан туриб ўтирган Дилором кўзида ёш билан. — Қандай айтаман сизларга ойижонимни машина уриб кетганини?

— А-а!!!

— Ни-ма?!!

— Бақирманглар!!! — дея сапчиб ўрнидан турди Дилором. — Ёлгон бўлиши мумкин. Дабдурустан ойижоним моргга тушиб қолмадилар! Бу ерда нимадир бор. Ҳеч қурса, касалхонадалигида хабар топишимиз керак. Бугун ойим уйда эдилар-ку! Бор, тирик одамга аза очмаймиз! Ҳозир ҳаммамиз ўша падар лаънати морг деган жойга борамиз. Ҳаммасининг дабдаласини чиқарамиз! Бўлинглар, кўзларингнинг ёшини оқизгунча, кийининглар!

Тўрт опа-сингил кўчага чиқишлари билан худди атайин қилгандай такси ёнларига келиб тўхтади. Хаёлларида тезроқ манзилга етиш бўлган қизлар бирон нимадан хавфсирамай дарров машинага ўтиришди. Ўтиришди-ю, улов уйларидан анча узоқлашиб кетгунча бориладиган манзилни бировиям айтмади, ҳайдовчи индамай машинасини бошқариб кетаверди.

— Вой! — деди Нигора бирдан. — Қаерга кетаётганимизни айтганимиз йўқ-ку.

— Ростдан, қайси томонга ҳайдаб кетаяпсиз, амаки? — деди Дилором ҳам дарров ўзини ўнглаб.

Рулда ўтирган киши гўё ажаблангандай ёнида ўтирган Дилоромга қараб қўйди-да:

— Одамларга ҳайронсан... Ё мен эсимни еб қўйганман, ёки ҳамма ақлини йўқотган. Моргга ҳайданг, деб айтдинглар-ку, — дея зарда қилди.

Орқа ўриндиққа ўтирган қизлар бир-бирларига қараб қўйишди. Дилоромнинг кўнгли ғашланди.

— Ишқилиб, тўғри кетаяпмизми? — деб сўради ҳайдовчига тикилиб.

— Аввалам бориб юрармидингиз, қизим? — деб киноя қилди рулда ўтирган киши.

— Худо сақласин, у ёққа боришдан.

Дилором шундай деди-ю, аммо барибир кўнгли беҳузур бўлаверди. У дастлаб машинага ўтирган пайтларини

хотирасида тиклашга қанчалик уринмасин, барибир эслаёлмади. Шундан кейин: “Балки ҳақиқатан ҳам қаерга бораётганимизни айтгандирмиз”, деб ўзини хотиржам қилишга уринди.

Аммо машина шаҳарнинг шимоли-шарқидаги жинкўчалардан бирига бурилгач, нафрат билан ҳайдовчига тикилиб:

— Эй-й, тўхтатиб юборинг, бир нарса эсимдан чиқиб кетибди, — деди.

Сариқ “Волга” озгина юргач, тўхтади.

— Фақат, орқага...

Ҳайдовчи бошқа гапиролмади, бўғзига тиралган пичоқни кўриб кўзи олайиб кетди.

— Ҳов, ит! — деди бўғриқиб кетган Дилором титраб.

— Агар айтганимдан чиқсанг, каллангни узиб оламан!

— Опа! — деди орқада ўтирган Заҳро кўрқиб кетиб. — Нима қилияпсиз?!

— Ишинг бўлмасин. Бу ит бизни бутунлай бошқа томонга олиб кетаяпти. Машинага ўтирганимизда қаёққа боришимизни айтмагандик. Уюштирилган ҳаммаси. Ойим соппа-соғлар. Ҳозир уйга кириб борган бўлсалар ҳам ажабмас. Ҳайвонларнинг калласи ишлаганини қара. Ойим ҳақида биронта нохуш хабар эшитсак, ақлимизни йўқотишимиз мумкинлигини ҳам билишибди. Манави латтани ол, — деб Дилором ўриндиқ ёнидаги машина артадиган докани бўш қўли билан Заҳрога узатди, — томоғидан ўтказ. Бу эшаклар кимнинг қизлари эканлигимизни унутишибди.

Опасининг гаплари таъсир қилган Заҳро докани тезда эшиб ипга айлантирди-да, ҳайдовчининг бўйнидан ўтказди.

— Энди “Роҳат” томонга ҳайда, агар озгина ортиқча ҳаракат қилсанг, сўяман!

Таҳдид ҳайдовчига чивин чаққанчалик таъсир қилмади. Лекин умрида аёл зотидан бунақанги пўписа эшитмаганидан: “Қани, бу шайтоннинг қулваччалари нима каромат кўрсатаркан?” — деб машинасини орқага бурди ва Дилором айтган томонга ҳайдади.

— Ким сени жўнатди? — деди бироз юрганларидан кейин Дилором таҳдидли овозда.



— Таксичини ким ҳам жўнатарди? Кўчанинг одами бўлсам, қаердан бир сўм унаркан, деб аравамни судраб юравераман-да, — деди ҳайдовчи йўлдан кўзини узмай.

— Бу ёлғонларинг ўзингга қимматга тушишини билсанг керак. Ҳар қалай, оқаларинг битта ортиқча сўзинг учун каллангни олиши мумкинлигини яхшигина билсанг керак.

— Менга қара, ҳой қиз, биринчидан, отанг қатори одамман, ким бўлсанг ҳам сенсираб, уйингда қандай тарбия олганингни билдириб қўйяпсан, иккинчидан, оқаларим ўлиб кетганига анча бўп кетган...

— Ўлмаганлариям бордир, жа етим бўлмасанг керак. Ундан кейин, сенга ўхшаган одамларни сиз дейишга тилим бормади. Одам қаторигаям қўшмайман. Шу ёшида бировнинг югурдаги бўлиб юрган сендақалар одаммас.

— Шу гапларни бекорга айтаяпсан, аввало, шубҳаларингнинг ҳаммаси бекор. Мен ҳеч кимнинг хизматини қилмайман. Тагимдаги мошина давлатники, тўрт-беш сўм тушиб турибди, шунинг ўзи етиб ортади менга.

— Шунақами? — деб Дилором пичоқни унинг томоғига пича ботирди. Тиг учидан озгина қон сизиб чиқди.

— Имм! — деб ҳайдовчи кўзини бир юмиб-очди. — Агар яна озгина ботирсанг, ўзинг ҳам ўлиб кетасан. Менку бола-чақа орттириб улгурганман. Ҳали эргаям тегмаган кўринасан, орқангда ҳеч ким қолмайди.

— Опа, бу бечоранинг айби йўққа ўхшайди, — деди Нигора унга ичи ачиб.

— Бор-йўқлигини кейин биламиз.

Машина “Роҳат” кўлининг жанубий тарафидаги тош йўлдан бирор тўрт километрча юрганидан сўнг Дилором:

— Тўхтат, — деб ҳайдовчига амр қилди.

Рулда ўтирган киши итоаткорлик билан унинг амрини бажо келтирди. Дилором пичоқни унинг иягига қадаркан, Заҳрога дока-ипни қаттиқроқ тортишни буюрди. Зумда ҳайдовчининг туси қизарди.

— Бир оғиз ёлғон ишлатсанг, каллангни олиб ташлайман, мен Икромнинг қўлида тарбияланганман, илгари учта одамни сўйганман, тўртинчисини сўйиш чўт эмас, тушундингми?! Энди гапир, ким сени жўнатди, мақсадларинг нима?!

Таксичининг юзи ачинарли ҳолга тушди. Дилоромнинг ич-ичидан раҳми келаётганди. Мабодо элликдан ошиб қолган бу эркак кўзидан озгина нам чиқарганида борми, унинг ўзи йиғлаб юборар, пичоқни улоқтириб машинадан тушарди-да, боши оққан томонга югуриб кетарди.

— Айтдим-ку, мени ҳеч ким юбормаган деб, — деди йиғламсираган овозда, — ҳеч курса, уйимдаги гўдакларимга раҳминг келсин.

— Шафқатнинг кўчасидан чиқиб кетганимга анча бўлган. Сен бизни бошлаб борган кўчада бир пайтлар дугонам яшаган, у ерда морг тугул, биронта идораям йўқ.

Ҳайдовчи секин чап қўлини эшик тарафдан ўриндиғи остига тика бошлади. Шу маҳал кафтининг устига бир нарса қаттиқ санчилиб:

— Воҳ! — деб юборди.

— Ёмон оғридими? — деб кулди Нигора.

У таксичининг ўриндиқ остига узалаётган қўлини кўриб қолган ва қулоғидаги сирғасини ечиб игнасини унинг қўлига тикиб олганди.

— Нима қилди? — сўради Дилором.

— Сиденаси тагида бир нарса борга ўхшайди, шу томонга қўлини тикди, — жавоб қилди Нигора.

— Захро, қаттиқроқ торт! — деб бақирди Дилором ва ўзи ҳам пичоқ тиғини ҳайдовчининг томоғига кўпроқ ботирди-да, Нигорага: — Кўр-чи, нима бор экан? — деди.

Шундан кейин таксичини титроқ босди. Зеро, у энди ҳақиқатан ҳам қовун туширганини англаб етганди.

— Вой-бўй, тўппонча-ку! — деди қуролни кўриб кўзлари чақчайиб кетган Нигора.

— Ярамас, болаларинг бизга ўхшаб отасиз қолади! — деб Дилором жаҳл устида пичоқни янада кўпроқ ботираётган маҳал, ҳайдовчи чаққон ҳаракат билан унинг қўлидан ушлаб қайирди. Оғриқ устун келиб: “Вой!” — деб бақириб юборди Дилором ва шу ондаёқ қўлидаги тиғи оёқ остига тушиб кетди. Захро жон-жаҳди билан таксичини бўғаркан, кўзидан дув-дув ёш оқарди.

— Отаман! Отаман! — дея қичқирарди Нигора. Дилоромнинг учинчи синглиси эса душманнинг сочига тар-машганди.

Нафаси қайтиб, ўзидан кетиш арафасида бўйни билан докадан қилинган арқон орасига қўлини тикишга улгурган ҳайдовчи силтаб бир тортишда ипни йиртиб юборди. Худди шу пайт Нигора тепкини босди. Аммо тўппончадан сас-садо чиқмади. Ахир умрида илк маротаба тўппонча ушлаган қиз уни қандай ўқлаб отишни қаёқдан билсин?

— Вой, онангни эмгурлар! — деб ҳайдовчи ортига ўгирилган эди ҳамки, “ғирч” этиб биқинига бир нарса кириб кетди.

— Имм! — деб инграб юборди у ва икки қўллаб оғриқли жойини чангаллади-ю, бошига кетма-кет теккан иккита зарбадан кўзи тиниб кетди.

Қўлида қонга беланган пичоқ ушлаган Дилором титрарди. Сингиллари эса карахт аҳволга тушишган, кўзлари бир томонга қийшайиб қолган таксичида эди. Тезда ўзига келган Дилором машинадан тушди-да, югургилаб айланиб ўтиб ҳайдовчи тарафнинг эшигини очди ва таксичини тортиб ерга туширди. Сўнг сингилларига:

— Бу ёққа келинлар! — деб бақирди ва ўзи юкхонани очди. Ҳартугул, узунлиги икки қулочча келадиган арқон бор экан, олиб ҳайдовчининг тепасига келди.

— Ўл... ўлишимдан олдин, — деди ҳансираб нафас олаётган таксичи афти бужмайиб, — сизларга бир гап айтайин!

Дилором унинг оёғини боғлашдан тўхтаб, тобора ранги оқараётган ҳайдовчига тикилди.

— Ойинглар ҳақиқатан ҳам ўлган. У моргда, Самандарнинг... Самандарнинг йигитлари уриб кетишди “Жигули”да. Кейин тўғри моргга олиб бориб ташлашди. У ердагилар Самандарга хизмат қилишади. Кейин менга сизларнинг уйдан чиқишларингни пойлаб туришни буюришди. Мен... Мен асли водийликман. Қорақамишда тураман. Пи... Им-м-м, правамда адресим бор, илтимос, бориб айтинлар, қишлоққа кетишсин. Энди ўн саккизга кирган ўғлим Самандарга қўшилиб кетмасин... Яна... Яна битта гап, Икромнинг изи топилган, агар эртароқ унга хабар берилмаса, орқасидан бориб ўлдириб юборишади...

— Шу гапларни аввалроқ айтганингда бўлмасмиди? — деди унинг тобора кўзи нурсизланиб кетаётганига ачиhib кетган Дилором.

— Унда ҳали ўлишимни билмасдим. Ҳамманг отанга тортган экансан. Мени шу ерга ташлаб, машинани ҳайдаб кетинглар, сизларга қилган яхшилигим шу. Зора, озгина гуноҳим камайган бўлса... Кейин... Кейин сал нарироққа тўппончани ташлаб кетинглар, ўзимни-ўзим отиб ташлайман, йўқса, қиз бола ҳолларингга қотилга айланиб қоласизлар...

— Балки, — деди кўзидан дув-дув ёш оқаётган Нигора, — ярангизни боғлаб қўйсак, тирик қоларсиз.

— Йўқ, қизим. Менга яшаш мумкин эмас энди. Самандар бошимга итнинг кунини солиб ўлдириб юборди, барибир. Яхшиси, ўзимни отганим маъқул...

Дилором машинани юрғизиб, газни босди.

Чанг-тўзон кўтариб елдек учиб кетаётган “Волга” катта йўлга яқинлашиб қолганда, орқа томондан ўқ овози эшитилди. Аммо бу товушни қизлар эшитишмади, уларнинг бутун диққат-эътибори рўпараларидан келаётган қора “Жигули”да эди.

— Яна анави итнинг одамлари! — деди Дилором юзи баттар жиддийлашиб. — Икром акаям одаммас экан, келиб-келиб шунга ишонадими?!

— Нима қиламиз, опа? — деди Заҳро кўркувдан ранги оқариб.

— Ўзимизга ишонамиз, Худо бир қўллади, умид қилсак, тагин қўллайди, — деб унга далда берди Дилором ва газни кўпроқ босди.

Қарама-қарши тарафдан келаётган “Жигули”нинг ҳайдовчиси ёнида Самандарнинг ўзи ўтирарди. У қушдай учиб келаётган “Волга”га диққат билан тикиларкан:

— Рулда қиз бола-ку! Мараз Аҳроп! — деб бақариб юборди ва машина бошқараётган шотирига: — Йўл четига ўтиб тўхта, бу қизлар менга тириклайин керак! — деди.

— Кеч бўлди, хўжайин! — деб бақирди шотири.

— Йўл четига!..

Худди шу маҳал қарсиллаган овоз эшитилди.

Елдай учиб келаётган “Волга” “Жигули”нинг сўл қанотидан урилди. Қасир-қусурлар ичида дод-войлар эшитилмай кетди. Гўё икки машинадагиларнинг кўз олдини туман қоплади. Бақувват уловнинг зарбасига дош берол-

маган “Жигули” ёнига ағдарилди. Самандар билан ҳайдовчининг боши аввал олд ойнага, сўнг эшик қирраларига урилди. Иккаласининг-да боши ёрилиб, ҳушидан кетди. Орқада ўтирган йигитларнинг ранги докадай оқариб кетган, карахт бир аҳволга тушишганди.

Дилором рул билан ўриндиқ орасига сиқилди. Яхшики, сингилларининг ҳаммаси орқада ўтиргани, йўқса, улардан бири олд ойнани тешиб ўтиб кетиши ҳеч гап эмасди. Нигора қандай қилиб опасининг ёнидаги ўриндиқда пайдо бўлиб қолганини англаёлмас, юраги гупиллаб урар, опаларига бирма-бир қарарди.

— Ҳамма соғми? — деди қўллари рулни маҳкам ушлаган Дилором.

— Нигор, сен яхшими? Ҳаммамиз, ҳеч кимга ҳеч нарса...

— Тезроқ бўлинглар, эшикни очинглар! — деди Дилором зўрға Заҳронинг гапини бўлиб.

Қизларнинг боши шанғиллар, нима қилишни билишмасди. Айниқса, Нигора бутунлай ўзини йўқотиб қўйганди.

Дилором сиқилиб қолган, бунинг устига, эшик ҳам очилмасди. Сингиллари уни чиқариб олишга анча қийналишди. Охири ҳайдовчи томондан имконияти бўлмагач, ўнг тарафдан деярли суғуриб олишди. Дилоромнинг кўкраги тинимсиз симиллаб оғрир, нафас олишга қийналарди.

— Опажон! — деди Нигора Дилором кўкрагига қўлини қўйиб, секин ўтирганидан кейин. — Яхшимисиз?

— Ҳозирча... Ҳозирча яхшиман. Бу ердан эртароқ кетишимиз керак.

Қизларнинг бахтига серқатнов катта йўлга яқин қолганди. Дилором юришга қийналганлиги боис, икки сингиси ёрдамлашди. Шундай эса-да, йўлга етгунча ярим соатга яқин вақт сарфлашди.

Машина тўхтатишга қизларнинг юраклари безиллаб қолганди. Аммо на илож? Одатда, сулув қизлар кўчада кўп туриб қолишмайди. Айниқса, ўта гўзаллар. Дилором ва унинг сингилларини шаҳарнинг энг олд қизлари деб бемалол айтиш мумкин эди. Ҳар қандай эркак, агар у ўта шошиб кетаётган эса-да, ҳеч бўлмаса, уларга бир қараб қўяди.

Кетма-кет иккита машина тўхтади.

Ҳайдовчи билан гаплашмоқчи бўлган Захро аввал Дилоромга “қаерга борамиз?” деган савол назари билан қаради.

— Уйга, — деди Дилором ва ёнидаги Нигоранинг елкасига бошини қўйди.

Ҳайдовчи йигирма-йигирма беш ёшлар оралиғидаги йигит эди. Нигора бир хаёл “кетаверинг” демоқчи бўлди. Чунки бу ҳам Самандарнинг одамларидан бири бўлиши мумкин эди-да. Сўнг бир муддат ўйланиб қолди.

— Такси керакми? — дея йигит сўраганидан сўнг ўзи ҳам сезмаган ҳолда уй манзилени айтиб юборди.

— Ўтиринглар, — деди йигит кўзини қиздан олиб йўлга боқаркан. Уст-боши тупроқ, ҳаяжонланган, ранглари оқарган, кўзлари тўла қўрқув, бир-биридан гўзал қизларни бундай жойда учратган одам қандай хаёлга боради? “Эсиз, — ўйлади йигит, — кўринишидан тузуккина қизлар экан-у, лекин... исроф бўлаяпти... Ота-онаси қаёққа қарашади, ҳайронман. Майли, ким бўлгандаям айтган жойларига олиб бориб қўяман, тамом-вассалом”, — ўйлади йигит. У кўзгу орқали орқа ўриндикда ўтирганларга бир сидра қараб олди. Ўртада ўтирган қиз кўксини ушлаган, ҳар-ҳар замон инграниб кўзини юмиб-очади.

— Тинчликми? — сўради у бироз юрганларидан кейин. — Бирон жойингиз оғриётган бўлса, касалхонага олиб бориб қўяй.

— Раҳмат, — деди Дилором. Унинг овози оғриқли чиқди. — Уйга борволайлик аввал.

— Қизлар, мени кечиринглар-у, лекин нега уст-бошларинг тупроққа беланган?

— Ока, — деди ҳайдовчининг ёнида ўтирган Нигора, — таксичимисиз? Йўлингизга қараб кетаверинг. Нима қиласиз ўзингизга кераксиз нарсаларни сўрайвериб?

— Аслида таксичимасман. Сизларни кўрганимдан кейин тўхтадим.

— Илинадиган қизларга ўхшайди, деб ўйлагансиз-да, — деди Нигора кесатиб. У эркин гапирар, йигитнинг ҳар бир сўзига жаҳли чиқаётганди. Захро бир неча марта синглисини “валдирайверма” қабилида туртиб қўйди. Лекин Нигора эътибор ҳам қилмади. Ҳайдовчи билан ўчакишгиси, “узиб” олавергиси келаверди.

— Нима деяпсиз, шундан бошқа ташвишим йўқми? Хоҳласанглар, шу ернинг ўзидаёқ ташлаб кетишим мумкин. Кейин ҳақиқий таксичилар келиб олиб кетади.

Нигора йигитнинг жаҳли чиқаётганини сизди ва гарчи тили қичиб турган эса-да, индамай қўя қолди. Салонга тезда сокинлик чўкди. Фақат машина моторининг овози эшитилиб турар, ора-чора Дилоромнинг афтини буриштириши, билинар-билинемас инграб қўйишигина сокинлик ҳокимиятининг ниҳоятда ожизлигидан далолат бериб турарди.

— Ким экан, негадир “тўхта” деб чироғини ёқиб-ўчираяпти? — деди ҳайдовчи йигит орадан бирор беш дақиқа ўтганидан кейин ўзига-ўзи гапириб.

Дилором бурилиб, секин орқа тарафга қаради. Қаради-ю, юраги шиф этиб кетди. Қувиб келаётган — таниш машина. Икромга тегишли эди бир пайтлар. Дилором унда бир неча марта сайр қилганди.

— Акажон! — деди у титроқ овозда. — Илтимос, тўхтаманг. Умуман, адаштириб ташлаб кетинг!

— Тинчликми? — деди ҳайрон бўлган йигит.

— Агар бизни ушлаб олишса, ўлдиришади. Мафиозлар улар! — бақириб юборди Дилором.

— Мафиозлар?! — баттар ҳайрати ошди йигитнинг. — Улар билан қандай алоқанглар бор?

— Бунисини кейинроқ айтамиз, ҳозир бизни уларнинг қўлига топшириб қўйманг, хоҳлаганингизча пул берамиз!

Йигит машинага газ берди, тезлик ошди. Аммо ортдан келаётган машина бундан-да тез юрар, бир неча дақиқа ичида етиб олиши аниқ эди.

— Менинг исмим Рустам, сизлар қариндошим бўласизлар, келишдикми? — деди йигит йўлдан кўзини узмай.

— Нима, сиз тўхтамоқчимисиз?! — деди қўрқувдан юраги дукиллаб ураётган Дилором.

— Машина янгига ўхшайди. Бунақанги машиналар эскиларини дарров қувиб етади.

— Энди нима қилдик? Уфф, шуниси етмай турувди! — деди кўзига ёш тўлган Захро.

Барибир кутилган нарса содир бўлди. Ортдан қувиб келаётган машина буларники билан тенглашди. Ҳайдов-

чининг ёнида Соли ўтирарди. У Рустамга: “Тўхта”, дея ишора қилди.

— Йў-ў-ўқ, тўхтаманг, ҳайданг, газни босинг! — бақириб юборди Дилором.

— Хавфли, шаҳарнинг ўртасига келиб қўйдик. Машиналар қўп, авария бўлади. Сизлар менга ишонинглар! — деб йигит уловини секинлатди ва йўл четига тўхтатди.

\* \* \*

Самандар билан Соли Икромни “ов” қилиш учун отланмоқчи бўлиб турганларида, шотирларидан бири қўнғироқ қилиб қолди. Санобар опанинг милисахонадан чиқиб келаётганини кўрибди. Ҳозир ортидан кетаётган экан.

— Мусорларга сотган бизни, — деди бирдан Самандар, — йўқотиш керак!

— Тўғри айтасан, — унинг гапини тасдиқлади Соли, — сиримизни билади. Бошқа жойлардаям “қулоқлик” қилади. Энг тўғри йўл — баҳрдан ўтиш.

— Срочно, — деди гўшакни ушлаб турган Самандар, — машина билан уриб юбор-да, кейин моргга обориб ташла. Сўнг телефон қил.

— Калламга бир фикр келди, — деди Соли, — иш битгач, онасини мошина уриб кетиб моргда ётганлигидан қизларини хабардор қилиш керак...

— Тўхта, — деб унинг гапини бўлди Самандар, — бирдан ментларга айтишса-чи? Мусорлар Икромнинг орқасидан боришимизни билишади. Анави кампир айтган. Кампир ўлганидан кейин дарров биздан хитланиб қолишади.

— Йўқ, биронтасиниям хаёлига келмайди. Бунисига юз фоиз гарантия бераман. Ишониб-ишонмай моргга югуришади. Уйларидан чиқишлари билан таксига ўтиришади. Менимча, улар моргнинг қаердалигини билишмасаям керак. Ҳайдар кўчасидаги уйимизга қамаб қўямиз, у ёғини шароитга қараб, тинчитиш керак бўлса, тинчитамиз.

— Агар ўхшамай қолса, калланг билан жавоб берасан, — деб ўкрайди Самандар.

Ҳаммаси кўнгилдагидай кетаётган эди. Аммо кутилмаганда кўчанинг ярмига етмай такси тўхтади ҳамда Самандарнинг шотирларини ҳайрон қолдириб ортига бури-



либ кета бошлади. Тўдабоши Дилоромни кўриш мақсадида, қизлар қамалиши керак бўлган уйда уларни кутаётганди.

— Калласини оламан! — деб ўкириб юборди такси ортга бурилганини эшитгач. — Қув орқасидан!

Такси “Роҳат” кўли ёқалаб кета бошлагач, Самандар ҳайрон бўлиб машинани тўхтаттирди.

— Ифлос, “Аввал маишат қилволай, кейин обориб ташлайман”, деганга ўхшайди, — деди ёнида ўтирган шотирига ва бироз кутишни, таксичилик билан шуғулланадиган шотирини айб устида, айнаи кайфу сафо қила бошлаганида ушлайман, деб ният қилиб қўйди. Иккинчи томондан, уни ич-ичидан бир нарса кемираётганди. Дилоромга бировнинг кўли тегишини истамасди. Лекин ҳозир шундай воқеа содир бўлишини кутиб турибди. У бир неча дақиқа бўғилиб, қони кўпчиб, вужудига сиғмай ўтирди. “Нимани кутаяпсан, аҳмоқ? — дея ўйлади. — Тўртта қиз мошинасида ўтирган бўлса, элликдан ошган одам қай бирига ёпишсин? Тўрт қиз бир бўлиб уни юмдалаб ташлашади-ку! Қолаверса, унинг нечта юраги борки, ўзбошимчалик билан гапимни икки қилса! Шошма, нега айб устида ушлашим керак экан? Нима, айб қилмасдан озгина ёқмай қолса, йўқ қилиб юбориш қўлимдан келмайдими? Эҳ, Самандар, чўққига чиқиб бўлганингни эсингдан чиқараяпсанми? Ёқмадими, йўқотиб юбор, ким ҳам энди сенинг олдингни кесиб ўтарди?” У мийиғида кулди ва шотирига: “Ҳайда!” — дея буйруқ берди.

Соли ундан бирмунча кейин етиб келди. Самандар ўтирган машина атрофга чанг-тўзон кўтариб елдек учиб кетаётганини кўрди. “Гўдак, сенга ким қўйибди тўдани бошқаришни? Қанча қонунларимизни оёқости қилдинг! Демак, сени олиб ташлаш керак. Иззатинг битди. Ортиқча кутиб турмайман. Аввал сени, кейин Икромингни йўқ қиламан. Шер салтанати бошқатдан барпо қилинади. Фақат шаклу шамойили бир хил бўлгани билан, услуби бутунлай бошқача бўлади”, дея хаёлидан ўтказди ҳамда йигитларига машинани бир чеккага тўхтатиб, кутишни буюрди. Самандарнинг машинаси кўп юрмай, қаршисидан келаётган такси билан тўқнашганини кўргач,

хайрон бўлди. Бир хаёл, бормоқчи бўлди, лекин дарров ниятидан қайтиб, воқеанинг давомини кутди. Қизларнинг “Волга”дан тушиб қоча бошлаганликларига кўзи тушгач эса, мийиғида кулди. “Валакисаланг, тўртта қизни эплаш қўлингдан келмади-ю, қанақа қилиб бизга бош бўлардинг?” — дея ўйлади ва шотирларига:

— Шефнинг аҳволини кўрдингларми? Ҳозир иккитанг қоласан, анави қизлар кетиб бўлишгач, бориб Самандарни йигитлари билан бирга тинчитасанлар! Ҳозир бўлса, орқароққа бориб турайлик. Шернинг эркатойлари ҳуркишган, бизни кўриб юраклари ёрилиб, уволига қолмайлик, — деди истехзо билан.

Опа-сингиллар йўловчи машинага ўтириб кетишгач: “Бу аҳмоқлар ментларнинг ёнига боришса-я”, деган ўй келди миясига ва ортларидан қувишга қарор қилди.

\* \* \*

Рустам ортига ўгирилиб қизларга қаради-да:

— Миқ этмай ўтираверинглар, ўзим гаплашаман, — деди ва эшик ойнасини туширди.

Уларнинг олд томонига тўхтаган “Волга”дан аввал Соли, сўнг унинг йигити тушди. Юришга шошилмай бироз қараб туришди. Сўнг бир-бир қадам босиб яқинлаша бошлашди.

Дилором Рустамга қаради. Оддийгина кийинган, буғдой ранг, сочлари қоп-қора йигит ҳеч нарсадан ҳайиқмай бемалол ўтирарди.

— Биттаси катталаридан, — деди Дилором Солини таниб, — қуроли бўлиши мумкин. Гапингиздан чалкашманг, эҳтиёт бўлинг.

— Чайналсам ёрдамлашиб юборарсиз, — дея Рустам жилмайди ва яқинлашаётганларга тикилиб ўтираверди.

Соли қизлар ўтирган машина ёнига етгач, тўхтади. Зимдан машинанинг давлат рақамига қараб, ҳар эҳтимолга қарши, хотирасида сақлаб қўйди ва Рустам тарафга юрди.

— Ўв, мараз! — деди у ортиқча пачакилашмай. — Нимага ялпайиб ўтирибсан?!

— Олдингизга югуриб боришим керакмиди, қўлимни кўксимга қўйиб? — дея бамайлихотир жавоб қилди Рустам.

— Ни-ма?! Сен ҳали менинг кимлигимни билмайсанми, ит?!

— Оғзингиздан бузилманг. Тушимгаям кирмагансиз.

Унинг бу гапи Солининг суягигача етиб борди. Ғазабдан аъзойи бадани титраб, чўнтагига қўлини тикди-да, ханжарининг дастасидан ушлади.

\* \* \*

Икром шу пайтгача, бирор марта бўлсин, майдондан бошини эгиб чиқмаган. Ҳамиша ғолиб бўлган. Мана, ўз ихтиёри билан “жанг либоси”ни ечганидан кейин чорасиз аҳволга тушиб турибди. Унинг учун энг алам қиладигани мана шу эди. Лекин қорига ваъда бериб қўйган: “Иккинчи бирорта одамнинг бурнини қонатмайман”, деган. Шундан сўнг тушига Қора дев кириб безовта қилмай қўйди. Бироқ унинг ўзи энди кўниколмаяпти. Ахир уларнинг ёзилмаган қоидаси бўйича биров бошқа бир кишининг жуфти ҳалолига кўз олайтирмаслиги керак! Қоидани бузган одам ўлим билан жазоланиши шарт! Шунчаки ўлиб қўя қолмайди, дўзах азобини ҳаётлигидаёқ тотиб кўради. Яъни, аввал қараган кўзлари ўйиб олинди, қўллари кесилади, товонидан болдиригача териси шилиниб, туз босилади. Ундан кейин юраги суғурилади. Икром шуларни ўйлади. Мияси ғувиллаб, вужудига титроқ кирди. Ич-ичидан Худога ёлвордики: “Кўлим қонга ботишидан сақла, ўзинг менга инсоф бер! Тинчгина кетишимга ёрдамлаш!” — деб.

Эрининг бир нуқтага тикилганча қотиб турганини кўрган Дилдора сал бошқача хаёлда эди. Шу боис:

— Келиб турасиз бу ерларга, — дея унга далда бермоқчи бўлди.

— Келгулик қилмасин, — деди унга жавобан Икром пешонасини тириштириб.

Дилдора бошини эгди. Зеро, эрининг бу ерга келиб барака топмаганлигига асосий сабабчи ўзи эканлигини яхшигина англаб турарди. “Айбим нима? — дея ўйлади у, — мен ҳеч нарса қилмадим-ку!.. Йўқ, шошма, Дилдора, Бахшулло билан суҳбатлашишни хоҳладинг-ку. Ўзингни ўзинг қандай алдайсан? Ҳатто у билан қочиб кетишга-да тайёр эдинг. Мана энди ўзингни оқламоқчи бўлаяпсан. Нима жин урди сени? Икром аканг учун ҳар нарсага тайёр эдинг-ку!”

— Икром ака! — деди Дилдора, овози қалтираб чиқди унинг. — Мени кечиринг!

— Нега? Нима айб қилдингки, кечирим керак? — дея Икром унга ҳайратланиб қаради.

— Мен туфайли шу аҳволга тушиб турибсиз, асли келмасам бўларкан.

— Кечирмайман. Чунки айб иш қилганинг йўқ.

— Шундай-ку-я, барибир... барибир эндигина ёмон йўлдан қайтиб, яхшилик томонга кетаётганингизда, йўлингизга тўғаноқ бўлиб турибман. Биламан, сиз ноҳақликка чидолмайсиз, шунчаки кўз юмиб орқангизга ташлаб кетолмайсиз... Сиз, сиз виждонли одамсиз, гурурингиз жудаям баланд. Сизни ўзимдан ҳам кўпроқ ҳурмат қиламан...

— Нималар деяпсан, жиннивой? — деб Икром кўзидан тинимсиз ёш оқаётган Дилдорани кучди, юз-кўзи-ю лабидан ўпди. — Энди нарсаларингни йиғиштир, — деди хотинини бағридан бўшатиб, — куннинг борида кетволайлик.

— Хўп, — дея бош силкиди Дилдора.

Икромнинг ўзи ташқарига чиқди. Нарзулла ота билан хайрлашиб келмоқчи эди у.

— Борадиган жойинг тайинмасга ўхшайди чоғимда. Худойберди эртага келади. Ҳарна, йўлни билади. Мениям кўнглим хотиржам бўлади, — деди Нарзулла ота Икромнинг гапларини эшитиб бўлгач, — шунинг учун яна бир кун қол.

— Ўзим ҳам йўлни биламан, кетавераман. Бекорга уни овора қилмайлик. Шундоғам икки одамнинг ишини бир ўзи бажараяпти. Чарчаб келади, — деб эътироз билдирди Икром.

— Нима, аввал ҳам борганмисан у ёққа?

— Қаерга?

— Эҳ, эсим қурсин, қаричилик-да, болам. Раиснинг иккита дачаси бор эди. Бундан уч йил бурун биттасини менга совға қилди. Шунча йил ишладингиз, ҳар-ҳар замон кампирингизни обориб, икковингиз дам олиб келасиз, дейди. Энди бир камим, ёшим бир жойга бориб қолганда тентираб юриш қолувди, десам ҳам кўнмади, зўрлаб бериб кетди. Ўтган йили бир бориб у ёқ-бу ёғига

қараб келдим. Шу бўйи биров қадам босмайди. Келин икковинг шу ёқда уч-тўрт кун яшаб кўр, кейин гаплашармиз.

Икром ўйланиб қолди. Ич-ичидан хурсанд эса-да, розилигини бирдан билдириб қўйгиси келмади.

— Келин билан маслаҳатлаш, лекин нима бўлгандаям шу ёқдан бошқа жойга бормайсизлар.

Икром ҳеч қачон хотини билан маслаҳатлашмайди. Бундай қилиқ унинг учун ёт нарса. Тўғрироғи, Қора дев унга тарбия бераётган паллада: “Бизнинг тоифамиздаги одамлар ҳеч қачон хотини билан маслаҳатлашмайди”, дея унга уқтирган. Унинг бу гапи Икромнинг қулоғида кўрғошиндай қотиб қолганди.

— Майли, — деди у Нарзулла отанинг юзига қараб, — ўша ерга борамиз. Сизга яна бир марта раҳмат. Вақти келиб мен ҳам сизга қайтарарман.

— Нима деяпсан, болам? Бизда ундайча гап бўлмайди. Сендан ҳеч нима умид қилмайман. Келин икковинг яхши яшасанглр бўлди. Кеп турасан. Менинг тобутимни кўтарасан...

— Ота, ҳали сиз кўп яшайсиз. Худо хоҳласа, невараларингизниям ўзингиз уйлантирасиз.

— Сезиб юрибман, оз қолди. Янаям Худо билади. Энди бориб келинга айт. Бир кун шошмасин.

Икром Нарзулла отани кучди. Ичидан бир нарса отилиб чиққандай бўлди. Зеро, у “ота” деб аталмиш инсоннинг қўлида эркалиниш у ёқда турсин, унинг тусини ҳам кўрмаганди. Шу боис ҳам бир қанча муддат кўзини юмиб турди-да, сўнг шахд бурилиб чодирни тарк этди...

Нарзулла ота кампиридан шубҳаланиб қолганди. Шунча йил бирга яшади. Қанчадан-қанча иссиқ-совуқларни кўрди. Лекин ҳеч вақт аёлидан гумонсирамаганди. Қанча пул топса, қўлига берарди. Қайтиб сўрамасдиям. Бошқа масалаларда ҳам ишонарди. Мана энди ёшини яшаб, ошини ошаб, умрининг охири кўриниб қолганида гумонсираяпти. Назарида, кампири билан ўғлининг тили бирдай. Яна Назокат билан Дилдоранинг бир вақтда ўзидан кетиши, бангидевона ейишидаям қандайдир сир бор-у, буни Зарбуви кампирдан ўзга кимса билмайди. Балки Бахшуллонинг ҳам хабари бордир...

У келинини чақирди. Эртагача гўшт қовуриб қўйишни, бир тандир иссиқ нон ёпишни ва бошқа егуликларни ҳам тайёрлаб қўйишни буюрди. Назокат:

— Ким кетаяпти? — дея ҳайрон бўлиб сўраганида:

— Икром билан келин... — деди хомуш тарзда.

— Вой! — деди Назокат киприкларини пирпиратиб. Икром билан хотинининг кетишидан у мутлақо беҳабар эди. Дилдора бир-икки оғиз жуфтлаганди-ю, аммо айтмаганди. Кетиш арафасида айтарман, дея кўнглига тугиб қўйганди. — Қаёққа боришади? Дилдора икковимиз дугона бўлиб қолгандик!

Унинг кўзи ёшланди. Илк маротаба буни қайнотасидан яширмади. Буни кўрган Нарзулла отанинг ҳам кўнгли бузилди. Бироқ билдирмади.

— Узоққа кетмайди. Ўзимизнинг дала ҳовлимизда туради вақтинча. Худойберди икковинг борасан, улар келади. Борди-келдини узмаймиз.

Нарзулла ота келинининг кўнглини кўтариш учун гапирди-ю, бу гапни Назокат қайнонасига билмасдан айтиб қўйишини ўйламади.

Назокат аввал Дилдоранинг ёнига борди. У йиғиштириб қўйган нарсалари ёнида ёлғиз хомуш ўтирарди. Назокатни кўриб жилмайди. Лекин табассуми шикаста чиқди.

— Келинг, — деб ўрнидан турмоқчи бўлганида:

— Ҳо, ўзингиз ўтириб дам олволгансиз-да, дарров ўрнингиздан тураёпсиз. Ўтиринг, мен ҳам озгина дам олай. Тик оёқда юравериб тинка-мадорим қуриб кетди, — деди кулиб.

— Сизнинг ишларингизгаям қарашолмаяпман. Роса ялқов экан бу келин, деб ўйлаётгандирсиз, — дея барибир ўрнидан турди Дилдора.

— Нега унақа дерканман? Қанча иш бўлса, ўзимдан ортмайди. Ялқов эмаскансиз-у, лекин роса пишиқлигингизни энди билдим.

Дилдора бирдан жиддий тортди ва савол назари билан Назокатга қаради.

— Нимага кетаётганингизни мендан яширдингиз?

Назокат шундай деди-ю, йиғлаб юборишдан зўрға ўзини тийиб қолди.

— Айтмоқчийдим... Бугун. Ҳали номаълум эди-да. Шунга ёлгончи бўлиб қоламанми...

— Вақтида айтмаганингиз учун айбдорсиз, — деб Назокат Дилдорани кучди. — Ҳаммасини тушунаман. Қиргин келсин шу Бахшуллога. Мен уни мард йигит деб юрардим. Одаммас экан. Ҳалиям эрингиз босиқлик қилди. Бошқа бўлганида соғ қўймасди.

— Майли, қўяверинг. ҳаммаси ўтиб кетди-ку. Ақли кириб қолади.

— Лекин сиз кетаяпсиз-да. Сирдош дугона бўлиб юрамиз деб ният қилувдим.

— Келиб тураман. Гапларимнинг ҳаммасини орқалаб келаман. Икки кунлаб гаплашамиз.

— Билиб олдим қаёққа кетаётганингизни, келишингизни кутиб турмай, эримни тезлайман, олиб боради.

— Ана, келишиб олдик.

— Вой, эсим қурсин! Хамир қоришим керак эди.

— Ўзим ёрдамлашаман.

— Бўпти. Супрани шу ерга олиб келаман!

Назокат аввал Зарбуви кампир ўтирган чодирга бурилди. Супра шу ерда турарди. Қовоғини солиб, рухсат ҳам сўрамай, тўғри кириб борди.

— Ҳа-а, — деди Зарбуви кампир унинг қилиғидан жаҳли чиқиб, — биров қувиб келаяптими ё арпангни хом ўриб қўйишдими? Қовоқчангни осилтириб олибсан.

— Эна, Дилдораларнинг бизга нима оғирлиги тушувди? Яхшигина оила экан, чиқишиб кетувдик. Энди худди моховлардай, қаердаги раисдан қолган дала ҳовлига ҳайдалаяпти! — деди лаблари титраган Назокат.

— Тилинг суғурилиб тушсин, хўпми! Сен қолувдинг хўжайинлик қилмаган. Барибир келгиндилигингга борсан-да. Бу ёқда қайнинг бир ўлимдан қайтиб келди. Униси билан ишинг йўқ. Лекин қаердаги беш-бегана сенга азиз! — дея шанғиллашни бошлаб юборди кампир. — Бор! Шуларминан кет!

— Эна, мен уларни азиз деяётганим йўқ...

— Нима деяпсан?! Ҳа-а, менинг миям айниб қолган. Сенинг гапингни тушунмайман. Эрчангнинг устига минвобсан-да. Мен боламга хотин ўрнига илон оберганимни билмабман! Сен шошмай тур!..

Назокат унинг гапларини эшитишга ортиқ тоқат қилолмади. Кўздан дув-дув ёшини оқизиб супрани олди-ю, ташқарига чиқиб кетди.

Буни кампир менсимасликнинг яна бир аломати деб тушунди ҳамда қалтираганча ўрнидан турди. Бироқ қаёққа борарини билолмай, бир муддат туриб қолди. Кўзи ёшга тўлди.

— Оғзигинангдан қонинг кесин! Келиб-келиб сен ялмоғизни келин қиламанми? Эрингни минвоганинг етмагандай, энди менинг ёқамдан оладиган бўп қолдингми? Аввал ўзинг битта бола туғиб катта қил. Қўйдираман. Ҳа, Худойберди сен қончиқни қўймаса, менинг боламас, берган сутимга розимасман! — деди у ва гарчи оёқлари ҳали-ҳамон бақувват эса-да, оқсоқланиб, юзини бужмайтириб, чодирдан чиқди. Ҳеч кимга қарамади, тўғри кенжаси ётган чодирга борди.

Энасининг кўзида ёш кўрган Бахшулло ўрнидан туриб кетди.

— Нимага йиғлаяпсиз, эна? — деди қўлини мушт қилиб.

— Болам, икковимиз сиғмай қопмиз. Иккита келгинди сен билан мендан азиз экан. Шўрим қурсин, болам. Товни урса талқон қиладиган улларим туриб, мени талаб ташлашяпти, — деди кампир ўзи билан олиб келган таёққа суяниб.

— Ким талади, қайси эшак! — бақирди ўғил.

— Сен ҳовлиқма, болам, ўтир, оёғинг оғриб қолади.

— Оғримаса узилиб тушмайдими, эна?! Ким сизни йиғлатди? Шунини менга айтинг!

— Сен аралашма. Ўтир. Ҳаммаси миясини еган отаннинг иши. Шу мўйсафид болаларини нарироқ қилмаганда, биров бир нима дермиди? Бола катта қилиб, оёғимни узатиб ўтираман, келинларим хизматимни қилади деб ўйлабман мен нодон!

Отасининг номини эшитиб Бахшулло дами чиққан пуфакдай бўшашиб қолди ва секин ўтирди-да:

— Отамни улар бир бало қилган, — деди.

— Болам, сенга бир гапим бор. Худойберди аканг ҳеч гўр бўлмади. Хотинининг чизган чизигидан чиқмайди. Қирғин келгур Назокат мени роса жеркиб-жеркиб кетди...



— Йўғ-э, энангни эмгур! Ўлдираман, тирик қўймайман! — бақирди Бахшулло онасининг гапини бўлиб.

— Йўқ, болам, ўзингни бос. Мен-ку, беш куним қолдими-йўқми... Ўртада сени ўйлайман. Ишқилиб, сен хотин қули бўлмагин. Акангга ўхшаб қаерга етакласа, шу ёққа кетавермагин. Кейин анави жувонни қўй. Сендай бола келиб-келиб эр кўрган аёлга ошиқ бўладими?! Болалигингга бординг-да... Ана, кетаяпти. Эсингдан чиқиб кетади...

— Кетаяпти?.. — деди Бахшулло ажабланиб.

— Ҳа, болам, отанг бизни манави латтанинг ичида яшатиб, — кампир чодир шифтини кўрсатди, — ўзининг арзандаларига уйини берди.

— Қишлоқдагиними?

— Анави раис совға қилувди-ку.

— Шуларга оталик қилсин! — деди алами келган Бахшулло. — Шуниси қолувди. Бизга ўхшаган ўғай болаларни нима қилади!

— Ундай дема. Мияси айниган бўлсаям, шу чол сенин отанг... Гапим эсингдан чиқмасин. Хотинингнинг эрқаланишига учма...

Зарбуви кампирнинг шу ерда гапи узилди. Чодирга овсини кирди. У она-боланинг гапларини узук-юлуқ эшитган, овсинлиги ёдига тушиб, ҳол сўрагани, шу баҳонада бўлаётган гаплардан хабар топгани кирганди.

Зарбуви кампирнинг ўз-ўзидан кўзидан ёш чиқиб кетди. Овсини келиб ўтириши билан дардини дастурхон қилишни бошлаб юборди. Аммо энди унинг гапларини Бахшулло эшитмасди. Бутун фикри-зикри Дилдорада эди. Ахир у энди кетаяпти. Бахшуллонинг бутун умидларини ўзи билан олиб кетаяпти. Ҳаётида мазмун қолмайди-ку... Кутилмаганда бирдан унинг юзига табассум югурди. “Отам менга шароит яратиб берибди-ку!.. Орқаларидан бориб Икромни ўлдираман. Дилдора эса меники бўлиб қолаверади”, дея хаёлидан ўтказиб, ўзининг ўйидан ўзи завқланиб кетди. Хурсандлигидан, ҳозироқ ўрнидан туриб рақсга тушишга ҳам тайёр эди у.

Бахшулло кампирлар эртароқ чиқиб кетишини истарди. Уларнинг дийдиёси хаёлини чалғитиб, ширин энтикишига халақит бераётганди.

— Энди билаяпмиз, бекардан-бекарга шаҳардан қочиб кемаган бу бўйнинг узилгурлар, шу ёқлардаям қанча-қанча рўзғорни бузган, муллани алдир-гулдирга солган-у, биз томонларга кеп қолган. Ана қаранг, ота билан болани бир-бирига душман қип қўйди, уйнинг куйгурлар. Мен сизга айтсам, чеча, кетаётгани яхши бўпти. Мана кўрасиз, Бахшулло аввалгидай мўмин-қобил, отасининг чизган чизигидан чиқмайдиган бола бўп қолади, — дея овсинининг қулоғига қуярди Мастура кампир.

— Эна, роса бошим оғрияпти, — деди Бахшулло улар томонга норози боқаркан.

— Болам бечора қийналиб кетди. Озиб кетганини қаранг. Ҳалиям шугинанинг ўлмаган жони, бўлмаса, озмунча дардни бошидан ўтказдими? — деди Зарбуви кампир ўғлига ачиниб қараркан. — Майли, озроқ ухлаб олгин.

Кампирлар инқиллашиб бирин-сирин ташқарига чиқишди.

Бу пайтда Икром чодирда эди. Шифтга қараганча ўй суриб ётар, дилхиралиги кетавермаганидан қийналарди. У бирор ишга қўл уришдан олдин обдон мулоҳаза қиларди. Ҳозир ҳам борилажак жой ҳақида ўйлаётиб, Бахшулло хаёлига келди-ю, бирдан пешонаси тиришди. “Агар изимиздан тушса, кечирмайман. Етар шунча паст кетганим. Менимча, бунисини қори тўғри тушунса керак. Қизик, нима хато қилдимки, ҳаётим яна чигаллашиб кетди? Агар хотинимни асролмасам, эркак деган ном мен учун ҳаром!” — деган қатъий фикрга келди у.

Эртасига, Икром билан Дилдора бир умрга кетаётгандай, ҳамма уларни кузатгани чиқди. Тўпланганлар орасида биргина Бахшулло билан унинг онаси йўқ эди. Зарбуви кампир бирмунча хотиржам тортган, Дилдорани келин қилишдан умидини узганди. Бахшуллонинг эса қувончи чексиз эди. У ҳар-ҳар замон ярадор оёғига норозилик билан қараб қўярди. Агар ҳозир оёғи соғ бўлганида борми, дала ҳовлига етиб бормасиданоқ Икромни тинчитарди.

— Худойберди тез-тез хабар олиб туради, — деди Нарзулла ота Икромни маҳкам кучоқларкан, — ўзинг ҳам олд-орқангга қараб, эҳтиёт бўлиб яша.

— Хўп, ота, биздан хавотир олманг, ҳаммаси яхши бўлади, — дея жавоб қилди Икром.

Йўл Икром ўйлаганидан ҳам анча олис эди. Машина юролмайдиган, фақат от-уловга мўлжалланган торгина сўқмоқда Худойберди ўз тулпорида йўл бошлаб борар, орқадаги уловга эса эр-хотин мингашиб олишганди. Дилдора қалин ўсган арчалар оралиғидаги турли гуллар, ўт-ўланларга ажиб завқ билан тикилар, ўша яшилликлар устида думалаб ўйнагиси келарди. Ахир у бундай манзарани фақат телевизорда кўрган, шундай ажойиб табиат кўйнига ўзи келиб қолишини ҳечам ўйлаб кўрмаганди.

— Зўр-а! — деди у эрига.

Бироқ Икромдан садо чиқмади. У бир пайтлар ўзи барпо қилиб, сўнг бошқаларга ташлаб келган “салтанат”и тўғрисида, мана, неча кунлардан бери энди хаёл сураётганди. Айниқса, уни Дилором ва унинг оиласи кўп ташвишлантираётганди.

Самандарни ўзи тарбиялади. Чиниқтирди. Аммо бу унга тўла ишониш мумкин дегани эмасди-да. Шогирдининг бир неча марта қовун туширганига гувоҳ бўлган, энди у ҳамма нарсани кўлига олдимикин ёки аллақачон Солининг кўлига топшириб кўйдими? Ҳартугул, Соли ҳам Икромга бошини эккан эса-да, Шернинг кўлида катта бўлган, ҳар қандай шароитда феъли айниб қолиши мумкин. Ахир одамнинг ичини билиб бўларканми?

Кўнглида туғилган саволлар исканжасидан чиқишга улгурмасидан, Дилдора унинг биқинига туртди.

— Ухлаб қолдингизми? — деди.

— Эй, нимада кетаётганим эсимдан чиқиб кетди, ҳаво совибдими дейман, — деб қунишган бўлди Икром.

— Вой, тавба, отдаям ухлайдими? Ухламанг. Мен кўрқаман, ундан кўра, ана, табиатга қаранг, қандай чиройли, одамнинг кўзини қувнатади!

Икром Дилдора кўрсатган тарафга юзланди. Кўй боқишга кетаётганида, роса томоша қилганди. Ҳозирги кўраётганлари унинг учун янгилик бўлмаганлиги боис, индамай қўя қолди.

Улар икки соатдан мўлроқ юришгач, манзилга етишди.

Икром пишиқ ғиштдан қурилган маҳобатли иморатга

тикилганча бетон плиталарни бирма-бир кўздан ўтказаркан:

— Худойберди, — деди отдан тушиб, уловини боғламоқчи бўлиб турган йигитга, — биронта транспорт бу ерга келолмайди-ку, шунча гиштни қандай олиб келган-сизлар? Уям майли, анави том устига қўйилган бетон плиталарни-чи?

Худойберди кулди. Сўнг шимол томонни кўрсатиб:

— Кўраяпсизми, арчалари бошқаларидан фарқ қилади. Ҳам ёш. Мана шу сойликдан кетаверсангиз, охири ялангликка, ундан кейин асфальт йўлга олиб чиқади, — деди.

— Тўғри, лекин на трактор юролади, на бир каттароқ мошин...

— Лекин бульдозер бемалол келади. Албатта, аввал арчаларни қирқиб ташлаш керак. Илгари арчалар йўқ эди. Раис бульдозер билан опкелган, ичкарида печка, стол-стуллар ҳам бор.

— Бетон плитани опкелган одамга стол нима бўпти? — деб Икром ҳам отдан тушди ва Дилдорага кўмаклашди.

Худойберди Икромни янги бошпана билан таништиргач, ортига қайтди. Дилдора дарҳол ўчоққа ўт қалаб, чой қайнатишга киришиб кетганди. Чой ичиб кетишга шунчалик ундамасин, Худойберди қолмади. Эртароқ бориши кераклигини баҳона қилиб йўлга чиқди.

— Мана сизга олам-олам гул! — деди уни кузатиб қайтган Икром Дилдорага, — иккаламиз кимсасиз жойда яшаймиз. Ҳеч ёлғиз қолишни орзу қилганмисан?

— Ёлғиз эмасман-ку, ёнимда сиз борсиз.

— Нимагадир энди кўнглим хотиржам тортди. Бемалол яшаймиз, ҳеч ким бизга халақит бермайди. Қара, ҳовлимиздан тип-тиниқ булоқ суви чиқиб турибди. Ёнғоқзор бор экан, ўрик, олма...

— Қишда қандай қиламиз? Қолаверса, яшаш учун кўп нарса керак бўлади, қаердан оламиз? — сўради Дилдора Икром кўрсатаётган томонга қараркан.

— Робен Гудни билсанг керак. Бир ўзи битта оролда маза қилиб яшаган. Менинг-ку, ёнимда сен борсан, демак, иккаламиз шоҳлардай яшаймиз, ҳеч кимнинг кераги йўқ бизга. Нима дединг?

Дилдора жавоб бериш ўрнига келиб эрини кучоқлади, лабидан ўпди. Майин жилмайди. Сўнг:

— Ҳамма ёғимиз тоғ, кечаси қўрқинчли бўлмасмикин? Бу ерларда бўрилар кўп бўларкан...

— Нечта бўри бўлса, ўзим еб қўяман. Асосийси, икки оёқли бўрилар йўқ. Ана шу томони маза...

Эрининг гапи Дилдорага тегиб кетди. Хаёлида Икром Бахшуллога шаъма қилаётгандай эди. Эрининг кучоғидан чиқиб тескари ўгирилди:

— Икки оёқли бўрилардан қўрқасизми? Унда нега мени бу ёқларга олиб келиб юрибсиз? — деди.

— Дилдор! Жоним, дарров хафа бўлаяпсанми? Мен уларнинг биронтасидан ҳам қўрқмайман. Ўзимдан қўрқаман. Аниқроқ қилиб айтсам, қўйларни еб қўйишдан қўрққанамдан тоғу тошлар орасида юрибман.

Шу гап Дилдоранинг чиройини очиб юборди. У Икромни аввалгидан-да кўпроқ яхши кўриб кетди. Дарров яна турмуш ўртоғининг бўйнига осилди.

— Сизни, — деди кўрсаткич бармоғи билан эрининг бурнини чимчилаб, — кечаси яхшилаб жазолайман!

— Наҳотки!

Дилдора қиқирлаб кулиб юборди ва ёстиқдошининг кучоғидан чиқиб қоча бошлади.

Эр-хотин ярим соатлардан зиёдроқ қувлашмачоқ ўйнашди. Тоза ҳавода одам чарчаганиниям билмайди, югургани сайин югургиси, баҳри-дили очилиб, осмонларга учгиси келади.

— Бўлди, — деди Дилдорани ушлаб олиб кучоқлаган Икром, — агар шунақа югураверсанг, мени жазолашга мадоринг қолмайди. Буниси, биринчидан. Иккинчидан, қорним роса очқаб кетди. Агар тезда бирон нима тайёрлаб бермасанг, кийиклардай ўт ейишга тушаман.

— Отга ўхшаб денг!

— Тойга ўхшаб!

— Йўқ! Йўқ! Отга... Отга ўхшаб, отга!

— Майли, худо хайрингни берсин, отга ўхшаб бўлса, отга-да! Ҳар қалай, отнинг ҳўкиздан фарқи бор-ку!

Дилдора хандон отиб кулиб юборди ва Икромнинг юзидан чўлпиллатиб ўпди-да, югурганча уйга кириб кетди. Кирди-ю, “А-а-а-а-а!!!” — дея қичқириб юборди. Хо-

тинининг овозини эшитган Икром чўчиб тушди ва Дилдоранинг орқасидан югурди.

\* \* \*

Рустамнинг бўғзига пичоқ қадалди. Буни кўрган қизларнинг рангида ранг қолмади. Нигора йиғлаб юбормаслик учун зўрға лабини тишлаб турарди. Аммо йигит бемалол эди. Ҳатто шундай қалтис вазиятда ўзида жилмайишга куч топа олди.

— Ажалинг етганга ўхшайди! — деди Соли кўзи ёниб. — Аввал тилингни кесайми ёки бир йўла каллангни олиб ташлайверайми?!

— Сиздай одамга йўлнинг ўртасида, шунча одамнинг кўз ўнгида бунақанги иш қилиш ярашмаса керак, — жавоб қилди Рустам, — агар мумкин бўлса, пастга тушайин, шунда сўкишларингизни қизлар эшитишмайди. Сизни ичларида қарғашмайди.

— Қарғашмайди? — ўшшайди Соли. — Буларнинг қарғиши ўзларидан нарига ўтмайди. Гап сотмай, туш пастга тезроқ!

У ханжарини Рустамнинг бўғзидан узоқлаштираркан: “Ҳеч қайсисининг эътиборини тортмадиммикин?” — деган хавотирда ёнидан визиллаб ўтиб турган машиналарга олазарак боқди. Аммо мана шу ҳаракат ортиқча эканлигини билмасди у. Рустам Солини эшик билан шунақанги уриб юбордики, кўлидаги пичоғи ерга тушиб кетди. Ўзи ҳам икки қадам ортга чекинди. Сал бўлмаса, катта тезликда келаётган “Москвич” уриб юборай деди.

— Итдан тарқаган! — деб бақирди, аммо овози ҳали ҳавога сингмасидан, пешонаси билан капотга урилди. Оғриқ азобини тўла ҳис қилмай туриб, икки оёғининг ўртасига ҳам зарба тегди. Буниси ҳаммасидан ошиб, кўзидан ўт чақнади. “Имм!!!” — дея инграркан, ерга ўтириб қолди. Бундай шиддаткор хатти-ҳаракатни кутмаган Солининг шотири шошиб, хўжайинини билган қўйига солаётган Рустам томон интилди. Бироқ жағига теккан тепкидан шу ондаёқ орқасига қулади. Қўлини қўйнига тикиб, костюмининг ички чўнтагидан тўппончасини олишга олди-ю, лекин биқинида пайдо бўлган оғриқдан ингради. Сўнгра, қурол ушлаган бармоқлари асфальтда эзилиб, дунё кўзига қоронғи кўриниб кетди.

Кўз очиб юмгунча иккала зўравоннинг суробини тўғрилаган Рустам олдин Солини, кейин унинг шотирини йўл четига судраб ўтди-да, сўнг худди чанг босган буюмни ушлагандай қўлларини қоқиб машинага ўтирди. Қизлар унинг чаққонлигини — кўз илғамас хатти-ҳаракатлари, тап тортмай муштлашишини кўриб ҳайратдан қотиб қолишганди. Дилором кўксигаги оғриқни бутунлай унутган, йигитдан кўз узолмасди. “Мен қидирган йигит шу эмасми? Худонинг ўзи етказиб турибди-ку”, дея ўйлар эди у.

— Кетдикми? — деди Рустам қизларга бир қур назар ташлаб жилмаяркан.

— Ҳа-а, — дея опаларидан аввал жавоб берди Нигора киприк қоқмасдан.

— Ана... Анавилар...

Дилоромнинг гапи оғзида қолди.

— Кўчанинг одамлари кўчада қолиши керак, — деб бир оғиз гап билан эътирозга ўрин қолдирмаган Рустам моторни ўт олди.

— Бекор қилдингиз, — деди пича юришгач, ўзига келган Дилором.

— Нега? Ўзларинг: “бизни қутқаринг”, дединглар. “Тўхтаманг”, дединглар, — ҳайрон бўлди Рустам.

— Тўғри. Агар улар билан муштлашмай қочиб қутулганингизда бошқа гап эди. Калтаклаб, бошингизга ташвиш орттириб олдингиз. Улар тинчишмайди. Бизнинг-ку, ҳар қадамимизда хавф бор. Энди сиз ҳам эмин-эркин юролмайсиз. Хуллас, биз ўтирган кемага сиз ҳам ўтирдингиз.

— Кечирасиз, исмингиз нимаиди? — сўради кўзгу орқали қизга қараб қўйган Рустам.

— Дилором.

— Менимча, сиз ёнингиздагилардан каттароқ бўлсангиз керак.

— Ҳа. Булар менинг ўз сингилларим.

— Наҳотки тўртта гўзалнинг ҳаммаси опа-сингил бўлса... Мен нима иш қилаётганимни биламан. Хавотир олманглар. Лекин сизлар...

— Икром деган одамни эшитганмисиз? — сўради Дилором: “Ишқилиб, хабари бўлсин-да”, деган умид билан.

— Ҳа, мафиозларнинг ўзаро жанжаллари оз-моз қуло-

гимга чалинган. Бир ўртоғим бор, жуда қизиқади шунақанги одамларга. Эшитишимча, ҳаммасини енгиб, ҳозир тўдага ўша бош бўлган эмиш.

— Лекин уям кетиб қолган, шунинг учун қирғинбарот қайтадан бошланиб кетди. Бизга бундан кейин ҳам ёрдам бериш ниятингиз йўқми? Ҳар қалай, биз уларнинг кўп сирларини биламиз. Яккаланиб қолмасдингиз. Биз ҳам ёнимизда сиздек ишончли одамимиз борлигини ҳис қилиб, бемалол юрардик.

— Тансоқчиликни таклиф қилаяпсизми?

— Шундай десаям бўлади... Илтимос, йўқ дейишдан аввал яхшилаб ўйлаб кўринг. Афт-ангорингиздан ёмон одамга ўхшамайсиз...

— Балки. Лекин одамнинг ичида нима борлигини билиб бўлмайди. Бу — биринчидан. Иккинчидан, мен бировга, айниқса, қиз болага қарам бўлишни истамайман.

— Ҳамкорликни таклиф қилаяпман. Ҳар қалай, анави безорилар сизга зиён етказолмаганликлари билан оилангизни тинч қўйишмайди энди.

— Биттагина онамдан бўлак ҳеч кимим йўқ...

— Онам! — деб бақариб юборди қутилмаганда Дилором. — Моргга ҳайданг, моргга, тез! Эсимиздан чиқибди-ку!

— Тинчликми?! — сўради ҳайрон бўлган Рустам.

Унинг саволига ҳеч ким жавоб қайтармади. Бирдан тўртала қизнинг ҳам юзи қайғули тус олган, кўзларида ёш ҳалқаланганди. Улардан садо чиқавермагач, йигит кўзгу орқали орқада ўтирган қизларга, сўнг ёнидаги Нигорага қараб қўйди.

Ўликхонага етиб боргунларича Дилором: “Ишқилиб, моргда ойижоним бўлмасин, уларнинг навбатдаги ёлғони бўлиб чиқсин”, дея тилаб борди. Бироқ, бу сафар “кўча эгалари”нинг гаплари тўғри чиқди. У онасининг қонсиз оппоқ юзини кўрди. “Менинг ойим эмас! — дея ҳайқирарди ичида бир овоз. — бу мутлақо бошқа аёл. Одам эмас, шунчаки кўғирчоқ. Совуқ, қоронғи хонага кўғирчоқни ётқизиб, устига оппоқ чойшаб ёпиб қўйишибди. Фақат менинг ойимга жуда-жуда ўхшаб кетаркан. Аблахлар, маразлар! Бошқа аёл қуриб қолибдими? Келиб-келиб менинг ойимгаям ўхшатишадими? Ҳамма-



сини жазолаш керак! Булар шу йўл билан бизни синдиришмоқчи бўлишган. Менинг ойижоним уйда ўтирибди, боравермаганимиздан хавотир олаётган бўлсалар ҳам керак. Нега келдик бу ерга?..” Дилором киприк қоқмас, Санобар опага термилган кўйи қотиб турарди. Ундаги ҳар бир ўзгаришни кузатиб турган Рустам секин қўлидан ушлади.

— Бошқа аёлми? — сўради мумкин қадар юмшоқ оҳангда.

— Ойижонимга ўхшайдиган қўғирчоқ, — жавоб қилди Дилором ва ўз-ўзидан оёқларидан дармон кетиб, ёнига оға бошлади. Яхшики, Рустам уни ушлаб қолди. Йўқса, мурдалар учун қурилган махсус каравотга боши билан урилар, эҳтимолки, совуқдан-совуқ бўш каравотлардан бирига эга ҳам чиқиши мумкин эди. Чунки унинг икки чети шунчалик қиррали эдики, пичоқдай бўлмаса-да, бемалол юмшоққина этни кесиб, бош аталмиш олий ижод маҳсулини вайрон қила оларди.

Рустам секин Дилоромнинг юзига урди. Ўзига келавермагач, белидан кучиб ташқарига олиб чиқди.

Ташқарида уч опа-сингил Дилоромни интиқ бўлиб кутишаётганди. Уларнинг миясида: “Ҳозир опамиз кулиб, хушчақчақ ҳолда: “Алдашнинг бошқача йўлини тополмабдилар-да”, деб чиқади”, деган ўй ҳукмрон эди-ю, кўнгилларининг аллақайси четида хавотир ўзининг борлигидан нишона бериб турарди. Уларнинг ичкарига киришига Рустам қаршилиқ қилганди. У Дилоромдан онаси тўғрисидаги қисқача маълумотни эшитгач: “Кутиб туринглар, балки ёлғондир. Сизларни алдашгандир”, деб қизларни ташқарида қолдирганди.

— Опажон! — дея чинқириб юборди бирдан Нигора.

Унинг иккала опаси ҳам бирдан бўсағада турган Рустам билан Дилоромга қаради.

Захро югуриб келиб, опасини кучди.

— Нима бўлди, қўрқиб кетдингизми? Бошқа эканми, бизни алдашибдими?! — дея сўради ҳовлиқиб.

— Қўғ... Қўғирчоқ, — деди ранги докадек оппоқ Дилором зўрға тили айланиб, — оймга ўхшайди, оймимас.

Унинг гапидан ҳамма ҳанг-манг бўлиб қолди. Қизлар Дилоромга тикилганча қотиб туришар, нима дейишларини билишмасди.

— Сув, сув олиб келинглар, тез! — деди Рустам.

Нигора аланглаб турганида, ичкаридан ўликхона ходими бир коса сув кўтариб чиқиб қолди.

— Нима бу?! — ҳайқариб юборди Дилором. — Нима олиб чиқдингиз менга?! Дори... Дори ичириб ўлдирмоқчимидингиз?!

Оқ халатли, юзида ёруғликдан ном-нишон йўқ, боқишлари худди ўликларникига ўхшайдиган йигит унга бепарво термилиб турди-да:

— Сув бу, сув, — дея косадаги суюқликдан бир ҳўплам ичди.

Шундан кейингина унинг қўлидаги косани Рустам олиб Дилоромнинг оғзига тутди.

Сув ичиргач, қиз ўзига келди. Аввал ҳаммага бирмабир қараб чиқди, сўнг: “Ойижо-о-о-н!!!” — дея бақариб юборди.

Агар Рустам аралашмаганида, шу куни қизларга оналарини беришмасди. Баҳоналар кўп эди: “Терговчилар келиши керак. Уларнинг рухсатисиз беролмаймиз. Хат қилиб келинглар. Ҳали айнан қайси аъзоси биринчи ишламай қолганлиги учун ўлганлиги аниқлангани йўқ. Ким уриб кетганиям номаълум” ва ҳоказо.

Рустам бошлиқнинг ёнига кириб кетди. Шундан сўнг орадан бирор ярим соат ўтар-ўтмас, махсус машина ҳам берилди.

Мотам маросимида Дилором бошқалар каби айюҳаннос солмади. У бир нуқтага тикилган кўйи жим турарди. Кўшни хотинлар неча марта ёнига келиб:

— Йиғланг, бу аҳволда ўзингизни олдириб қўясиз, — дейишди.

Аммо Дилоромга уларнинг гаплари, заррача бўлсин, таъсир қилмади. Жим тураверди. Фақат меҳрибон онажонисини тобутга солиб кўтариб кетишаётганида, кўз ёши ёноқларига оқиб тушиб, лаблари титради. “Ойижон! Ойижон, бизни кечиринг!” — дея пичирлади.

Марҳуманинг еттиси ўтгунча, Рустам нимаики юмуш бўлса, барини қилиб юрди. Шунинг билан бирга, келиб кетувчиларнинг ҳаммасини диққат билан кузатди. Уларнинг орасида, албатта, ўта шубҳалилари ҳам бор эди. Бироқ йигит уларга ҳеч нарса демас, таъзиясини қабул қилиб қолаверарди.

Ўтган вақт Дилоромнинг ҳаётидаги энг оғир кунлар бўлди. Уни ич-ичидан шунақанги бир туйғу қийнардики, бунинг нима эканлигини унинг ўзи ҳам билолмай азобланар, шундан ўзга чора тополмасди. “Ҳаммасига ўзим сабабчиман, — деган фикрга келди у, — агар мен бўлмаганимда, ойижоним, албатта, тирик бўлардилар, сингилларим касофатимга қолиб, уйда ўтиришмасди. Бир-биридан гўзал, бир-биридан латофатли бу қизлар мактабни битиришга-да улгурмай, турмушга чиқиб кетиши керак эди... Икром ака, уйимиз хароб бўлди. Нима топдингиз ўша қиздан? Тақдиримиз билан қизиқмадингиз ҳам. Майли, мени суймаскансиз, ҳеч қурса, ўзаро дўстлигимиз ҳақи-ҳурмати, паноҳингизга олмайсизми? Қаерларда юрибсиз?!”

У кўзидаги ёшни артиб, ёнига Заҳрони чақирди.

— Синглим, — деди мумкин қадар босиқ, мулойим гапиришга уриниб, — анави йигитинг билан алоқанг жиддийми?

Заҳро бошини эгди. Нима деб жавоб беришни билолмай бироз каловланди. Охири, бош силкиб тасдиқ ишорасини қилди.

— Оиласини биласанми? Ишқилиб, нормальныйми?

— Битта акаси бор, уйланган, сингиллари иккита, бири турмушга чиққан, иккинчиси ҳали ёш, саккизинчида ўқийди. Онаси боғчада ишлайди, отаси заводда инженер экан.

— Вой-бўй, ипидан игнасигача биларкансан-ку. Бемалол бераверсак ҳам бўларкан.

Заҳро қизариб бошини эгди. Дилоромнинг эса шунча кун бадалига энди биринчи маротаба юзига табассум югурди.

— Агар тинч-тотув оила бўлса, ўша йигит сени келажакда қийнаб қўймаса, бахтли қилишига кўзинг етса, совчиларини жўнатсин.

Заҳро опасига ҳайратланиб қаради. У Дилоромдан бунақанги гапни мутлақо кутмаган эди.

— Опа, — деди у кўзлари чақнаб, — олдимда сиз борсиз-ку, қандай қилиб сиз турганда мен турмушга чиқаман? Қолаверса, ойижонимдан айрилганимизгаям кўп бўлгани йўқ. Ҳали уларнинг тупроқлари совимай туриб...

У гапине давом этказолмади. Кўзидан оқаётган ёш, ўпкасининг қайғуга тўлиб кетгани халақит берди.

Буни тезда илғаган Дилором синглисини бағрига босди, юзидан ўпди.

— Ойижонимнинг вазифаларини бажаришим керак. Мен тўғримда ўйлама. Асосийси, сизларни эртароқ ишончли одамларга топшириш.

— Нега, опажон? Нега ўйламаслигимиз керак? Дунёдан шундай ўтиб кетаверасизми?

— Йўқ. Ўзимга муносибини тополмаяпман. Топсам, албатта, эрга тегаман. Сеники бўлса, бор. Бу, аввало, бахтинг. Илойим, севганингга етишгин...

Энди Дилоромнинг ўпкаси тўлди. Кўз ўнгидан ялт этиб Икром ўтди.

— Ҳалиям ўша номардни ўйлаб юрибсизми? — деди Заҳро опасининг кўнглидан кечганини дарров фаҳмлаб.

— Билмадим. Билмадим. Қўй, бу тўғрида гаплашмайлик. Сен менинг айтганимни қил, ойижонимнинг қирқи ўтиши билан совчилар келишсин. Хўпми?

— Хўп, — дея бош ирғади Заҳро ва опасини маҳкам кучоқлаб юзидан ўпаркан, — сиз ҳаммадан яхшисиз, — деди.

Агар ўша маҳал Рустам келиб қолмаганида, улар яна талай муддат гаплашишар, озми-кўпми сирлашишга ҳам улгуришарди.

Рустамнинг қарашада хавотир бор эди. У Дилоромга тикилиб турар, нимадир демоқчи бўлар, аммо Заҳронинг олдида айтолмасди.

— Сен уйга киравер, кейин гаплашамиз, — деди Рустамнинг ҳолатини сезган Дилором синглисига, сўнг Рустамга юзланиб:

— Тинчликми? — дея сўради.

— Бир-икки кундан бери эътибор бериб юрибман, қопқора “Волга” дарвоза ёнида айланиб қолди. Ҳали қарасам у ёққа ўтади, ҳали қарасам бу ёққа. Боя чиқсам, кўчанинг бошида турибди. Иккита йигит машинага суяниб сигарета чекапти, — деди Рустам.

— Бошланибди. Озгина сабр қилишларига кучлари етмабди.

Соли ҳайдовчини кўрқитиб қўймоқчи, кейин қизларни ўз машинасига ўтқазмоқчи эди. Аммо машинадан тушган йигит ўта чаққон чиқиб қолди. Оғзини очишига ҳам қўймай, ўласи қилиб калтаклади.

У йўл четидаги майса устида ҳушидан кетиб ётганида, Самандарни “тинчителиш” учун кетган йигитлари келиб қолишди. Улар таксида эдилар. Ўзларига таниш бўлган машинани кўрдилар-у, таксичига тўхтатишни буюришди. Уларгача кўп ҳайдовчилар Соли билан шотирининг йўл четида чўзилиб ётганликларини кўришганди. Аммо биронтаси ҳам тўхтамади. Атрофни кузатиб юрган ГАИ машинасидагилар эса таниш рақамли “Жигули”ни кўришлари билан тескари қараб ўтиб кетишди. Афтидан, уларга ҳам ортиқча ташвиш керак эмасди.

— Падар лаънати, — деди ўзига келиб, йигитининг ёрдами билан ўрнидан турган Соли, — аямади. Кутилмаганда ҳужум қилиб қолди.

— Ким?! — сўради кўзи ўт бўлиб ёнаётган йигит.

— Анави ит, қизларни машинасига ўтқазиб кетган. Туғилганига пушаймон едирмасам, юрган эканман. Бир жойга илдириб қўйинглар, йигирма уч-ўн тўрт. Номери шунақа эди. Мошина кимникилигини аниқланглар. Бугуннинг ўзидаёқ ҳисоб-китоб қиламиз.

У йигитларига кўрсатма бергач, машинага ўтирди.

Шотири бардачокдан ароқ олди-да, очиб хўжайинига узатди. Соли шишани кўтариб қултуллашиб ичганидан кейин афтини бужмайтириб, лабини енгига артди-да, сиварета чекди, сўнг жилмайиб:

— Мараз, бошлаб кетди-ю! Юраверган эканмиз, шаҳарда қаёққа қўл узатсак етади деб. Бу ёқда бўйни йўғонлар пайдо бўп қолишибди.

— Қайирамиз! Агар бегемотникидай бўлсам, синдириб юборишга кучимиз етади, — деди машина бошқариб кетаётган йигити унинг кўнглини кўтариб.

— Фақат ўзининг эмас, уруғ-аймоғининг ҳам абжағини чиқараман! — дея қўлини мушт қилди Соли ва ўриндиқнинг суянчиғига ўзини ташлаб кўзини юмди.

Йўқ, у шу аҳволда тинчгина ўтиролмади. Ғазаби қайнаб кетаверди. Аламига уч-тўрт марта ароқ ичди. Кайфи ошди, шундан сўнггина Самандарни эслаб қолди.

— Анави итни нима қилдинглар? — сўради шотиридан.

— Ҳе, — дея кулди йигити, — бизгача тамом бўлган экан. Шопир ҳам ўлган. Орқада ўтирганлар тирик экан, эндигина мошинадан чиқишиб довдираб турганларида, пешоналарига темир парчаларини жойлаб қўйдик.

— Ҳеч ким сезмадимми?

— Йўқ. Жийдазор ичидан қайтдик. Йўлга чиққанимизда мусорларнинг араваси шу ёққа кетди. Бориб йиғиштириб олишади-да.

— Итнинг ўлганини аниқ кўрдингларми?

— Мажақланиб кетган машина. Уям қонига беланган...

— Ўласанларми, томир-помирини ушлаб кўрсанглар?! Найновга хабар беринглар, мусорлардан сўраб билсин. Ҳақиқатан ҳам ўлганми-йўқми, аниқласин.

“Барибир, — деб ўйлади у йигитларига буйруқ бериб бўлгач, — итдан ит, йўлбарсдан, урғочи бўлсаям, йўлбарс туғиларкан. Балолар экан қизлар, шундай қалтис вазиятдан қутулиб чиқишди. Манаман деган эркак бундай аҳволдан фақат ўлиб қутулади... Менимча, шопир боланинг яхшигина муштлашишини билганларидан сўнг дарров қош қоқишган, балки битта-яримтаси мушукдай суйкалган, кўнглини овлаган. Шундай офатижонларни кўрганидан кейин бола бечораям ўзини йўқотиб қўйган бўлса керак-да. Лекин бу қилиғи қимматга тушди. Ў-ў, мен уни ҳали нима аҳволга соламан!”

Соли эски шаҳардаги ғарибгина кулбасига борди. Шу ерда бироз дам олгач, йигитларини Дилоромнинг уйига ва моргга жўнатди. “Душманча”ларининг нима билан машғуллиги ҳақидаги хабарни эшитгач:

— Кутинглар, кампирни кўмиб олишсин, бошқа куни гаплашамиз. Ҳар қалай, Шернинг обрўсини қилайлик, — деди.

Шу боис, йигитлар фақат кузатув билангина чекланишди. Рустам уларни сезиб қолганида эса, Солидан: “Аёл аралашган ишдан барака учади. Бошқа юртликлар устимиздан кулишмасин, тўртта қизга қўшиб, уларнинг югурдагини ҳам йўқ қилинглар!” — деган буйруқни олишганди.

Топшириққа кўра, Дилоромларнинг уйидан ҳеч ким чиқиб кетмаслиги керак эди. Агар биронтаси чиққан тақдирдаям унинг ортидан камида учта йигит тушар ва биринчи қулай вазиятда нариги дунёга равона қилишарди.

Солини қаттиқ ҳаяжон босганди. У ўзини бир неча бор ҳамма тўдаларнинг бошлиғи сифатида тасаввур қилиб кўрган, бундан ажиб роҳат туйиб, терисига сиғмайдиган даражада қувонган эди. Бир пайтлар, ҳали Шер, Қосим тириклигида, Абдуҳамид отнинг устидалигида унинг чивинчалик обрўси йўқ эди. Биров сариқ чақага олмасди. Шунчаки Шернинг югурдакларидан бири эди. Худо қўллайман деса ҳеч гап эмаскан, кўз очиб юмгунча бир пайтлар устидан ҳукмронлик қилганларга бош бўлиб турибди. Энди улар Солининг оғзидан чиқадиغان сўзга маҳтал, мисоли думларини ликиллатишади, мушукдай суйкалишади. Мақсадлари яқинроқ бўлиш, тўрт-беш сўм кўпроқ ундириш, ғоз юриб: “Мен фалончиман!” — деб гердайиш. Албатта, уларнинг ўзларини яқин тутишлари Солига мойдай ёқаяпти. “Бизниям ошиғимиз олчи бўладиган кун бор экан-ку”, дея ўйлади у мамнун жилмаяркан.

— Шернинг обрўсини қилдик, керак бўлса, хотинининг таъзиясиниям қолдирмадик. Энди ҳаммаси тугади. Зудликда атрофни тозалашимиз керак, бўлмаса, “касаллик” урчийди, — деди у шотирларига. Сўнг юқоридаги буйруқни берди.

Ўзи эса эски шаҳардаги ўша уйида ўтирди. У кеч бўлишини интизорлик билан кутар, тезроқ ғалаба нашидасини суришни истарди. Бироқ Рустамнинг қай даражада зийрак ва устомонлиги тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмасди. “Шундай қўлимга оламану эзиб ташлайман, суякларига-ча майдаланиб кетади”, деган хаёлда эди. Бир марта унинг қандай қобилиятга эғалигини кўрди, аммо хулоса чиқармади. Шотирлари-ю ўзининг қўлидаги ўқотар матоҳига ишонди. Аммо ҳамма нарса, аввало, каллага боғлиқлиги, не-не тўдабошилар айнан миясини ишлатишга эрингани учун нариги дунёга равона бўлганлиги кўнглининг кўчасига ҳам келмади.

Айни чоғда Дилоромнинг ҳам боши қотганди. Шунча ғам-ғусса камлик қилганидай, отасининг тузини еб, туз-

луғига тупурган Солининг кўрсатаётган кароматлари жигар-бағрини эзарди.

— Қўшниларнинг телефон рақамини биласизми? — сўради Рустам бир нуқтага термилганча қотиб турган Дилоромдан.

— А-а, — деди Дилором худди энди уйқудан уйғонган одамдай.

— Қўшниларнинг телефон рақамини сўраяпман, биласизми?

— Уйда телефон ёнидаги блокнотда бор эди. Нимага керак бўп қолди?

— Юринг, қўнғироқ қилайлик, девордан ошиб ўтасизлар, уларникида ўтириб турасизлар. Мен душманларни шу ерда кутиб оламан.

— Қўшнилар нима деб ўйлашади? Қолаверса, уларнинг ҳаммаси бизни кўришса йигирма қадам наридан ўтишади. Авваллари кўрқижарди... Энди... Энди, билмайман, ёмон кўришса керак. Сиз ўйлайсизки, уйларига киритишадими? Қўйинг, ундан кўра, ўлсак шу ерда ўлайлик, уларга кулги бўлмайлик...

— Нималар деяпсиз? Сиз ўз хаёлингизни қўшниларингизники билан таққосламанг.

— Йўқ! Гап тамом! Агар кўрқаётган бўлсангиз, кетинг.

— Илтимос, ўжарлик қилманг. Кўрққанамда бу ерда ўтирмаган бўлардим. Мен фақат ёрдам бермоқчиман, ҳеч нарсадан умидвормасман!

— Барибир қўшниларникига чиқмаймиз, девордан эса ҳеч қачон ошиб ўтмаймиз. Тўхтанг, балки сиз ваҳима қилаётгандирсиз, тагин шу кўчада яшайдиган одамнинг мошинаси бўп чиқмасин. Мен аввал бориб кўрай.

Йигит билан қиз зинада бир-бирларига тикилиб қолишди. Рустам ўта мағрур, шаддоқ қизнинг нигоҳларида бошқа нарса кўрди. Унда газабдан кўра меҳрга муҳтожлик яққол акс этиб турарди. “Шундай қиз-а! — ўйлади Рустам. — Тақдир гўзаллик улашаётганда ҳеч нарсани аямабди-ю, лекин қисматдан қисиб қўйибди. Аччиқ кўргиликлар олдида шундай ҳурлиқо увол-а! Бу азобланиши мумкин бўлмаган қиз!”

Дилором кўксини ушлади. Сездирмасликка ҳарчанд уринмасин, оғриқ зўридан авзойи ўзгариб, лабларини қаттиқ тишлади.



— Сиз ҳали дўхтирга бормадингиз-ку, — деди унга хавотир билан тикилган Рустам.

— Оғримаётганди, эсимдан ҳам чиқиб кетганди. Ҳозир салгина... Эътибор қилишга арзимамайди. Яхшиси, мен бориб кўрай, агар ҳақиқатан ҳам сиз гумон қилаётганлар бегона бўлишса... Эй, шошманг, қўшнилариимизнинг биронтасиникига келган бўлса-чи? Шунақаям бўлиши мумкин-ку! Биз йўқ жойдан ваҳимага тушиб, кимнидир айбдор қилиб қўймайлик тағин. Мен борай.

Дилором нигоҳини Рустамдан олиб, аланглаганча ҳовлидан сингилларини қидирди. Биронтасини ҳам кўрмагач:

— Захро! — деб чақирди. — Миям айниб қопти, боя кўрувдим уйга кирганингни, яна ташқаридан излаб ўтирибман. Менга қара, уйдан чиқмай ўтиринглар. Ҳовлигайм. Мен кўчани айланиб келай Рустам ака билан. Хўпми? — деди синглисини кўриб зўрма-зўраки жилмайган Дилором.

Кўча ҳар кунгидан ҳам осуда, шамол мутлақо эсмай қўйган шекилли, барглар қимир этмайди. Қушлар ҳам бирон фалокат бўлишини олдиндан сезгандай, юрак ҳовучлаб дийдираганча сайраб юборишдан-да қўрқиб, Рустам билан Дилором дарвозадан чиқмасайди, ўтирсайди уйларида, ҳаммаси ўтиб кетарди, деган ўйда шохларда қимир этмай ўтиришарди гўё. Аммо улар-да Рустамнинг эр ўғлон эканлигини билишмасди. Фақат ҳов нарида қўлларидан ёвузликдан ўзга нарса келмайдиган одамларнинг кўплигидан чўчишаётганди.

— Жимжитликни жиним суймайди, кўнглим ғаш бўлади, — деди Рустам атрофга бир қур назар ташлагач.

— Аслида жимжитлик яхши-ю, кўнгил хижил пайти одамни ғалати аҳволга солади. Майли, жимжитликни ўз ҳолига қўяйлик, лозим экан, шундай бўлибди. Қолаверса, иккаламиз гаплашиб жимжитликниям оромини бузиб қўйдик. Анавилар қани? — сўради Дилором Рустамга юзланиб.

— Ҳов ана, — дея кўз қири билан қора “Волга”ни кўрсатди Рустам, — боя чиққанымдаям мошина эшигига суянишиб сигарета чекишаётганди, ҳозир ҳам шундай. Ўлиб-пўлиб қолишмадимикин?

— Балки, — деб кулди Дилором, — юринг, шу ёққа борамиз, қани, қанақа аҳволга тушишаркан?

— Мен ўзим борганим яхшироқмиди?

— Мен ҳам сиз ёнимда пайтингиз ботир бўлиб кетаман.

Дилором ўзини қувноқ кўрсатаётган эса-да, ичини кемираётган мавжудотни ёлғиз ўзи биларди. Қора “Волга”-ни кўрганидаёқ вужудидан совуқ тер чиққан: “Ҳали яна бироз яшасак бўларди, ёшмиз, ахир биздан ҳам авлод қолиши керак-ку”, дея ўйлаганди. Сўнг бир айёрликни кўнглига тугдими, Рустамни қўлтиқлаб оларкан:

— Жудаям яқинидан ўтинг, урилиб кетсангиз ҳам майли, қолгани бир гап бўлар... Кейин латифалардан биларсиз, айтиб мени кулдилинг. Гўё ҳеч нарсани сезмагандай уларнинг ёнидан ўтайлик. — деди.

— Бир-иккита латифа биламан-у, лекин сизга айтолмайман-да, қўполроқ, — деб кулган бўлди Рустам йўл-йўлакай пойлоқчиларни қандай чув туширишни чама-ларкан.

— Эшитмайман. Аммо куламан. Сиз бемалол айтаверинг, тортинманг, яхши йигит. Шундай қиз падружка қилволади-ю, қандай жим кетасиз, авраб кўнглимни олмайсизми? Жим кетаверсангиз, одобли бола экан деб севиб қоламан, сўнг ўзингиз мендан айрилмай қийна-либ юрасиз.

— Сиздай қизга уйланиш жаннатга киришдай гап. Ҳозир биласизми, қанийди, қўлингиз қўлимга ёпишиб қолса-ю ажралмаса, деб худодан тилаяпман. Чунки кейин менга тегмасдан иложингиз қолмасди.

— Вой, шумтака! Энди мен сизни жазолайман мана бунақа қилиб, — деб Дилором Рустамнинг қўлини маҳкам кучоқлади.

— Хушбўй атир ҳидидан маст бўлиб келаётгандим. Шу аҳволда яна озгина юрсак, адойи тамом бўламан. Огоҳ-лантираяпман, мабодо ўзимни босолмай ўпиб қўйсам, айб мендамас.

— Куппа-кундуз куни-я?! Яна уйимизнинг ёнгинасида. Кўшнилар кўришса борми, шунақа маза қилишадики, шунақа маза қилишадики, эвазига менга совға беришдан ўзларини тиёлмай қолишади, — дея қиқирлаб кулди Дилором.

— Нега совға беришаркан?!

— Гийбат қилишлари учун тема тайёр!

— Унда мен тўполон қиламан. Гийбат қаҳрамонларидан бири бўламан-у, қуруқ қўл билан лаллайиб қолиб кетавераманми?!

Рустам шундай деган маҳал улар “Волга”нинг ёнига етиб боришганди. Дилоромни бояги қўрқув тарк этган, энди юраги ҳаприқа бошлаганди. Рустамнинг латифа айтиши шарт бўлмади, шундоғам иккаласи ролни қойилла-тиб ўйнашди.

— Сиз, жаноб! — деди Дилором уларга безовталаниб қараб турган йигитларнинг ёнгинасида Рустамни тўхта-тиб. — Бутунлай ноҳақсиз. Уялмасдан қиз боладан ҳақин-гизни сўраяпсиз-а?! Агар сизнинг ўрнингизда бошқа би-ров... Мана, масалан, манави алпқомат йигитлар бўлган-нида, — деб ўзларига термилиб туришган йигитларни кўрсатди у, — “Ҳаммаси сизга! Биз баридан воз кечдик”, деб айтишарди, тўғрими?

Бунақанги сўроқни кутмаган йигитлар ҳанг-манг бўли-шиб бир-бирларига қарашди.

— Сизларнинг ўрнингизда мен бўлганимда: “Бўлма-сам-чи, жоним, сен учун ҳамма нарсадан кечишга тайёр-ман”, деб жавоб берган бўлардим. Уялтириб қўйдинглар-а, йигитлар. Кўринишларингдан ниҳоятда мардга ўхша-гандиларинг, — деди Дилором душман оғиз очишга ул-гурмасидан, дарров ташаббусни қўлига олиб.

— Ҳа, энди, — дея гап бошлади йигитлардан бири, — сиздай гўзалнинг раъйини қайтариб бўларканми?

— Ни-ма?! — дея бирдан кўзи олайиб кетди Рустам-нинг. — Сен ҳали мен юрадиган қизга кўз олайтираяп-санми?!

У бунгача атрофга бир қур назар ташлаб, йўлда ўзла-ридан бошқа ҳеч зог йўқлигини кўрган ва бундан унум-ли фойдаланиб қолишга қарор қилганди.

Умрини кўчага бахшида қилганлар учун бу ҳақорат эди. Бироқ улар хезланишга улгуришмади. Рустам шун-чалик тез ҳаракат қилдики, ҳатто бир вақтнинг ўзида биринчи барзангининг икки оёғи ўртасига, иккинчиси-нинг қорнига зарба беришга улгурди. Қолгани эса бун-дан-да осон кечди. Йигитлардан бири қулоғи орқасига

теккан муштан ҳушидан кетган бўлса, бошқаси башарасига тепки текканидан ўзини йўқотди.

Рустам дарров иккаласини ҳам судраб келиб машинанинг орқа ўриндиғига бир-бирига суяб ётқизиб қўйди.

— Нима қиламиз энди? — дея унга жовдираб қаради Дилором.

— Бирон жойга мошина-пошинаси билан ташлаб кетамиз. Булар, менимча, фақат икковимас, қаердадир бошқалариям пойлаб туриши мумкин.

— Шошманг, адашган бўлмайлик тагин. Бу икковининг нияти ёмонмасдир, тагин уволига қолиб кетмайлик.

— Кўнглингиз хотиржам бўлиши учун текшириб кўрамиз.

Рустам шаҳарнинг қоқ марказига боргач, машинани тўхтатди ва секин орқасига қайрилиб қаради. Икки барзанги худди ухлаётганга ўхшашар, шунчаки қаттиқ чарчашган, шу боис, машинанинг силкинишлари ҳам таъсир қилмаётгандай эди.

— Ҳеч буларнинг оромини бузгим келмаяпти-да, — деди Рустам нигоҳини Дилоромга қадаб.

— Барибир қачондир кўзларини очиши керак, шунинг учун безовта қилсангиз ҳам бўлаверади. Йўқса, қоронғи тушганини ҳам сезмай қолишади, — деб Рустамга жилмайиб қаради Дилором. Унинг табассуми шунақанги мафтункор чиқдики, кўришганларига неча кун бўлган бўлса, илк маротаба Рустамнинг юраги қинидан чиқиб кетиш даражада тез уриб кетди. Шу боис, у қизга бир неча сония термилиб қолди.

— Ҳой, йигит, — деди табассумига баттар жозиба қўшган Дилором кўлини силкитаркан, — нима бўлаяпти?

— Йўқ, ҳеч нарса, — жавоб қилди Рустам дарров ўзига келиб, — шунчаки ўйланиб қолдим... Мен минган мошина тоғамники эди. Тоғам милицияда полковник. Мафиозларнинг ҳамма жойда одамлари бўлади. Машина кекса бир кишиники бўлганидан кейин... Шошма, мендан бир ёш кичик ўғли бор...

— Нималар деяпсиз, гапларингизнинг биронтасига ҳам тушунмаяпман? — дея Рустамнинг сўзларини бўлди Дилором.

Рустамнинг бунақанги одати йўқ эди. Одатда, у ҳамма нарсани ичида ўйлар, мулоҳазасини умрида бировга билдирмасди, ҳозир эса ўз-ўзидан гапириб юборди.

— Кейин айтаман, — деб у йигитлардан бирининг юзига шапалоқлаб урди.

— Имм! — деди йигит, сўнг кўзини очди.

— Одам боласиям шунча кўп ухлайдими? Индамаса...

— Қаерга келдик? — деди йигит унинг гапини бўлиб, бошини ушларкан.

— Қаерга келганимиз билан ишинг бўлмасин. Тез кимнинг одами эканлигингни айт, йўқса, бутунлай уйғонмайдиган қилиб қўяман. Уқдингни?! — дея важоҳат билан тикилди Рустам.

Йигит бирдан ёнига қўлини юборди. Бироқ қидирганини тополмади.

— Манавини изляяпсан чоғи, — деб унга тўппончани кўрсатди Рустам.

— Вой! — деди ҳайрон бўлган Дилором. — Қачон олиб улгургандингиз?

Рустам унга бир қараб қўйди-ю, аммо гапирмади. Нигоҳида: “Соддалиқ қилманг”, деган мазмун ётар эди.

Барзанги эса бўшашди ва ташқарига бир қур қараб олди.

— Қочиш — ўзинга ўлим тилаганинг. Соли яна нима майнавозчиликни ўйлаб қўйибди? Мана шуни айтсанг, олам гулистон.

Йигит мийиғида кулди, сўнг бошини ушлади.

— Ёмон урибсан, яхшимас, биз сенга тегинмасдик, агар ўзинг бурнингни тикмаганингда. Ҳозир мени ўлдиришинг мумкин. Лекин сен ҳам кўп яшамайсан. Балки эртанги кунни кўриш ҳам насиб этмас. Хуллас, Соли ҳаммангни қириб ташлайди, — деди у овози гўлдираб.

— Қўрқитганинг учун раҳмат.

Шундай дея Рустам унинг башарасига тарсаки тушириб юборишдан ўзини тиёлмади.

— Айтиб қўй хўжайинингга, агар яна бир марта ўзларингга кераксиз бўлган жойда ўралашсанглар, оқибати яхши бўлмайди. Шу гапларимни икки қулоғингга қуйиб ол. Бошқа такрорламайман, — деб Рустам Дилоромга ўгирилди. — Кетдик!

Солининг шотири ҳали кимга дуч келганини билмасди. Фақат ўзи кутмаганида Рустамнинг мушт тушириб қолгани туфайлигина шу аҳволга тушиб ўтирибмиз, деган хаёлда эди. Шу боисдан ҳам Рустам Дилоромга юзланиб гапираётганида, орқа миясига мушт туширмоқчи бўлди. Аммо Рустам Дилоромга гапираётган маҳали орқа ўриндиқни кўрсатувчи кўзгуга ҳам нигоҳ ташлаганини сезмади.

Йигитнинг зарбаси мўлжалга етиб бормади. Қайтанга қўли қайрилиб, чидаб бўлмас даражада оғриқ турганида ўкириб юборди.

— Кўйвор, синдирасан, кўйвор! — деди йиғламоқдан бери бўлиб.

Рустам бу гапга мутлақо парво қилмай, барзангининг қўлини қаттиқроқ қайириб майиб қилди-ю, кўз очиб-юмгунча эшикни очиб пастга тушди-да, шитоб билан Дилоромнинг қўлидан етаклади.

Йўлнинг нариги тарафига ўтишгач, биринчи келган таксини тўхтатиб, манзилни айтди-ю, ҳайдовчининг жавобини ҳам кутмай машинага ўтирди.

Машина жойидан жилгачгина, орқа ўриндиқдаги Дилоромга юзланиб:

— Эртароқ етиб боришимиз керак, — деди.

Қизнинг ранги ўчиб кетганди. У Рустамни бунчалик тош юрак деб ҳечам ўйламаган, гап-сўзларидан, қарашларидан ўта юмшоқ табиат бўлса керак, деган хаёлга борганди. Тўғри, у Соли билан унинг гумаштасини аёвсиз тепкилади. Буни Дилором табиий ҳол деб баҳолади. Ҳатто шундай қилгани учун ундан хурсанд ҳам бўлди. Бироқ бу гал Рустам ўзининг ниҳоятда шафқатсиз эканлигини кўрсатиб қўйди. Унинг назарида йигитнинг қўлини майиб қилиш шарт эмасди. Шундоғам яна бирикки марта пўписа қилганида, дами чиқиб кетадиган аҳволда ўтирганди у.

Машинадан тушишгач, Рустам атрофга бир қур назар ташлади. Сўнг Дилоромга “юринг” дегандек боши билан ишора қилди.

— Бир нарсани тушунишим жуда қийин бўлаяпти, — деди қиз бироз юрганларидан сўнг, ҳар бир дарахт ва уйни назаридан четда қолдирмай келаётган Рустамдан,

— тўғри келган одамни уриб йиқитаяпсиз, ўта шафқатсизлигингизни кўрсатаяпсиз, яна тоғангиз полковник эканлигини айтдингиз. Бундан ҳам кўпроқ мени ўйлантираётгани, ўзингизга беш-бегона қизларни ҳимоя қилаяпсиз. Буларнинг бари нима учун керак сизга? Аслида кимсиз?

Рустам Дилоромга қаради. Қизнинг бевақт берган саволидан бироз оғринди. Шундоғам таксини анча нарига — кўча бошига — асосий йўл билан туташган жойига тўхтатишди. Уйга етиб боргунларича исталган жойдан анави “тасқара”ларнинг биронтаси чиқиб қолиши ва кутилмаганда ўқ узиши мумкин эди. Рустамнинг хаёлида мана шу ўйлар қуюндай айланар, бутун диққатини ён-атрофга қаратганди. Дилором эса унинг хаёлини бўлиб турибди. Шундай эса-да, у жилмайди.

— Кейин... Ҳаммаси тугасин, кейин айтаман, — деди.

Жавоб қизни мутлақо қониқтирмади. Ичида бир нарса: “Жавоб берсин, жавоб берсин”, дея уни ҳоли-жонига қўймасди.

— Йўқ, ҳозир билишни истайман, — деди Дилором қатъий.

Худди шу маҳал уларга қарама-қарши томонда қопқора “Жигули” пайдо бўлди. Унинг-да ҳамма ойналари қорайтирилганди. Рустам машинага қаради-ю, бирдан хушёр тортди.

\* \* \*

Икром кириши билан таққа тўхтади. Дилдора полда ётар, хона ўртасидаги стол устида эса одамнинг билагидай келадиган илон жағларини шишириб, тик турганча вишилларди. Бирдан йигитнинг юраги шиғ этиб кетди. Аксига олиб, қўлида ҳеч нарса йўқ. Ҳамла қилолмайди. Фақатгина орқага чекиниши ва ташқаридан бирон нима кўтариб келиши мумкин. Унгача Дилдора илон билан ёлғиз қолади. Балки Икром калтак-палтак кўтариб келгунича хотинини у чақишга улгурмас. Агар чақиб олса-чи, унда нима қилади?..

Илоннинг вишиллаши кучайди. Афтидан, унинг бардоши тугаётганга ўхшарди. Икром эртарақ бирон чора топмаса, Дилдорадан айрилиши ҳеч гап эмас. Иккинчи томондан, бундай махлуққа у илк маротаба дуч келиши.

Қўлида бирон нима бўлганида ҳам балки кучи етмас. Учадиган илонлар ҳам борлиги ҳақида у кўп эшитган. Бу оёқсиз ёв шунақасидан бўлиб чиқса-чи?..

Айри тили тез-тез оғзига кириб чиқаётган илон Икром томонга озгина силжигандай бўлди. Ана шу маҳал унинг хаёлига туфлиси келди. Агар мўлжални аниқ ололса, оёқ кийимининг ҳам фойдаси тегиши мумкин.

Икром секин энгашиб, у билан олишишга шай турган махлуқдан кўзини узмаган кўйи, аввал пойабзалининг бир пойини, кейин иккинчи пойини ечди. Ва бирдан кескин ҳаракат қилганча илонга қарата отди.

Ўлжасини осонгина бериб кўйишни истамаётган рақиб гўё худди шундай бўлишини олдиндан сезгандай, чап беришга улгурди ҳамда ўзи Икромга ташланди. Худо шу сафар ҳам Икромни қўллади. Ҳавода ўқдай учиб келаётган илон аввал йигит унинг йўлига тўғрилаб қолган туфлининг остига урилиб, полга думалади ва ҳали ўзини ўнгламасидан бурун йигитнинг чангалига тушди. Икром уни бошидан чангаллаб ушлаб олишга улгурди-ю, кўтариб бирдан ташқарига югурди ва дуч келган дарахтга уравериб мажақлаб ташлади. Аммо бу билан ҳам қаноат қилмади. Гўё шунча кундан бери уни қийнаган ташвишу қайғуларнинг ҳаммасини бир қилиб парчалаб ташлаётганга ўхшарди. Ушлаб турган илон эмас, гўёки Бахшудло, яна хаёлида тиклаб-тикламаган бошқа одамлар. Ўн дақиқалар тиним билмади. Ураверди, ураверди. Илоннинг боши янчилиб йўқ бўлиб кетди. Ҳатто унинг дум қисмидаги жони ҳам узилди. Бироқ Икром тўхтаётган демасди, ураверарди, ураверарди. Агар ўша лаҳзада бирон киши кўрганида борми, аниқ жинни-пинни бўлган деб ўйларди. Ниҳоят йигитнинг қўли дарахтга тегди. Бир эмас, уч марта. Шундан кейингина у ўзига келди. Қонга бўялган қўлига қаради. Сўнг:

— Ҳаммангни худди шундай мажақлаб ташлайман. Сенлар ҳали менинг йўлимга ғов бўлмоқчимисизлар, итдан тарқаганлар! — деб ўкирганча икки қулоч бўлиб худди арқондай осилиб турган илонни иргитиб юборди. Шу ондаёқ уни титроқ босди. У тишини-тишига босганча кўзларини юмиб бироз турганидан кейингина хаёлига Дилдора келди. Ва докадай ранги қор тусига кириб, уй



ичкарисига шошди. Югураётиб ҳаяжонланганидан, гарчи ҳеч нарсага қоқилмаган эса-да, икки марта ўмбалоқ ошиб кетди.

— Жоним, гўзалим, кўзингни оч! — деди Дилдоранинг бошини кўтариб. Бироқ келинчақдан садо чиқмади.

— Дилдор! Дилдор, мени кўрқитма... Ташлаб кетма, кўзингни оч!.. Сенга зиён етказадиган ҳеч нарса йўқ, ўлдириб ташладим ўша падар лаънатини...

Аммо келинчақда ҳеч бир ўзгариш сезилмади. Икромнинг кўзидан тирқираб ёш чиқиб кетди ва у хотинини кўтариб ташқарига олиб чиқиб, шалдираб оқаётган булоқ суви ёнига борди.

Юзига теккан муздай сувдан “Оҳ!” деганча келинчақ узун-узун киприкларини секин кўтариб кўзини очди.

— Дилдор! — деди Икром ҳали-ҳамон ўпкасини бо-солмай. — Кўрқитиб юбординг-ку!

— Икром ака, — деди паст товушда Дилдора, — нима бўлди?

— Ҳеч нарса, шунчаки, чўпни кўриб хаёлингга келтириб...

— Илон! — дея кўзлари жовдиради келинчақнинг. — Илон бор эди!

У қўли билан уйни кўрсатмоқчи бўлди-ю, аммо мадори етмади.

— Мен бориб кўрдим. Сенга шундай кўринибди, — жилмайди Икром, — сен ўзинг мени жудаям кўрқитиб юбординг.

— Ростданми, йўқ эканми?! Алдамаяпсиз-а мени?!

— Нега алдарканман? Ўзимнинг хотинимниям алдайманми? Юр, кўрсатаман ишонмасанг...

— Йў-ў-ў-қ, бормайман, кўрқаман!

— Ха...ха...ха, кўрқоқ, атайлабдан менга овқат тайёрлаб бермаслик учун шундай қилгансан! — деди бирдан гап ўзанини ҳазил томон бурган Икром.

— Йўғ-э, ўлибманми!.. Ҳозир, ҳозир ўрнимдан туриб олайин...

Унинг оёқларидан анча мадор қочган, бунинг устига, қалтирарди. Шу боис, ўрнидан туришига Икром кўмаклашиб юборди.

Гарчи Икром Дилдорнинг кўргани ёлғон эканлигига

хотинини ишонтирган эса-да, келинчак эрини маҳкам кучган кўйи кўрқа-писа уйга кирди ва ўша заҳоти стол устига қаради. Не ажабки, у ерда ҳеч нарса йўқ эди.

— Анави ерда кўргандим, — деди у қўли билан стол устини кўрсатиб.

— Ўзим ҳам шундай деб ўйлагандим. Ярамас Худойберди чўпон таёғини эсидан чиқариб қолдирган экан, отиб юбордим ташқарига.

Қоронғи тушгач, Дилдора эрининг бағрида пишиллаб ухлаб қолган эса-да, Икромнинг кўзи алламаҳалгача юмилмади. У ҳар битта тиқ этган товушга қулоқ солар, овоз яна такрорланадими-йўқми, деб ўйлар, бошқа бунақанги сас чиқмаганидан кейин тинчланар, аммо бироздан кейин яна “тиқ” этган товуш бошқа томондан эшитилиб қоларди.

Бир пайтлар у: “Илонлар хун олувчилар хилидан бўлади. Агар биттаси ўлса, уни, албатта, иккинчиси қидириб келади ва шеригини ўлдирган кимсадан ўч олади. Ўлдирдингми, кейин ёқиб ташламасанг, шериги, албатта, топиб келади”, деган гапни эшитганди.

Эрталаб турганида Икромнинг лабига учуқ тошганди.

— Сизга нима бўлди? Нимадан кўрқдингиз? — дея сўради Дилдора.

— Сендан. Бош айбдор сенсан.

— Ўзимнинг аразловчимдан, — дея келинчак эрини маҳкам кучди.

Улар икки ҳафта мобайнида осуда ҳаёт кечиришди. Четдан қараганда, иккаласи ҳам бахтлидай, ташвишсиздай кўринса-да, Дилдора уйдагиларини роса соғинган, куну тун улар ҳақида хаёл сулар, эрига кўрсатмай уч-тўрт марта кўз ёш тўкиб олганди. Айниқса, акасининг фарзандини эслаганда “дод” деб юборгиси келарди. Ҳамма нарсага қўл силтаб кетворгиси келарди-ю, лекин эрини ўйлаб, шаштидан қайтарди...

Дастлабки кунларда бу ер Икромга ёққан эса-да, ҳеч иш қилмасдан сандироқлаб юриш жонига текканди. Қолаверса, хотинининг хомуш тортиб қолгани сабабини ҳам яхши биларди. Ва бунинг учун ўзини айбдор ҳисоблаб, вазиятдан чиқиб кетиш йўлини қидирарди. Бу вақт мобайнида Худойберди хотини билан бор-йўғи бир марота-

ба келиб кетишди. Дилдора Назокатнинг кетишини ҳечам истамади. “Биз билан қолинглар, ҳар қалай, одам кўп бўлса зерикмаймиз”, дея дугонасини авраган эса-да, Назокат қайнонасидан қўрққанидан кўнмади. Худойбердини рози қилиш унинг учун ҳеч нарса эмасди. Шу пайтгача бирон марта унинг гапини ерда қолдирмаган. Айниқса, қаттиқ илтимослари сўзсиз бажарилар эдики, бунинг учун Назокат эрини янада кўпроқ яхши кўриб кетарди.

Аммо Бахшулло ич-этини ейишда давом этарди. Айниқса, Икром билан Дилдоранинг ёлғиз ўзлари бир уйда эканликларини тасаввур қилганида вужудига сиғмай кетар, ўзини қўйишга жой тополмасди. Шундай эса-да, атрофидагиларнинг кўзига ўзини мумкин қадар юмшоқроқ, ўтган воқеаларнинг ҳаммасини унутган, энди фақат ўзининг қўйлари ҳақидагина қайғураётгандай кўрсатишни бошлаётганди. Олдига кимки келмасин, энг аввал отари ҳақида сўрар, қайсидир қўйи анча озиб қолганлигини, уни балки дўхтирга кўрсатиш зарур эканлигини айтарди. Табиийки, суҳбат чорва ҳақида бошландими, охиригача шу тахлит давом этарди. Чунки келувчиларнинг бирон-таси ҳам Икром билан Дилдора ҳақида оғиз очмасди. Ва Бахшуллонинг кундан-кунга яхши одам бўлиб бораётганидан хурсанд эдилар. Айниқса, Нарзулла ота жуда хотиржам: “Энди бунинг эртароқ бошини иккита қилиб, сўнг оёғимни бемалол узатсам ҳам бўлаверади”, дея ўйларди. У фикрини кампирига айтиш учун бир-икки марта оғиз жуфтлади-ю, аммо индамади. Яна озгина кутишни маъқул кўрди.

Бир ҳафтадан кейин Бахшулло гарчи оқсаса-да, ташқарида бемалол юрадиган бўлди. Яна ҳафта ўтиб оёғидаги оғриқ анча камайди.

“Бўлди, — ўйлади у, — бошқа кутолмайман. Шу ҳолимдаям бемалол Икромнинг жағини эзиб қўйишим мумкин. Дилдорани тортиб олмасам, бир умр ўзимни кечирмайман. Бугун кечаси ҳамма ухлаганидан кейин йўлга тушаман. Икромбой айна ширин уйқудалигида етиб бораман. Оғзини бекитиб, бирон жойга обораман-да, ўлдириб қўя қоламан. Қайтанга яхши бўлади. Дилдора эрини мен ўлдирганимни сезмайди... Яна бўй болага турмушга

чиқаётганидан ич-ичидан хурсанд бўлса ҳам керак. Отам ҳам ноилож тўй қилиб беради”. У ширин энтикди. Ва ҳали ўзини тўла тузалиб кетмаган кўрсатиб оқсоқлана-оқсоқлана сайисхонага борди ҳамда тулпорининг ёлини силади.

— Дунёдаги энг яқиним ўзингсан. Доим менга ёрдам бериб келгансан. Эсиз, тилинг йўқ-да. Бўлганида борми, севгилимга етишишимга янаям кўпроқ кўмак берган бўлардинг, — деди тиржайиб.

От ҳам худди унинг гапини тасдиқлаётгандай пишқириб қўйди.

— Раҳмат, гапимни тасдиқлаганинг учун. Бугун йўлга чиқамиз. Тайёргарлик кўриб тур. Ҳозир сенга емиш бераман. Егин-да, маза қилиб дам ол. Балки қайтиб келишимиз чўзилиши мумкин.

У тулпорининг бўйнидан кучоқлади. Сўнг ўзи айтганидай емиш берди ва оқсоқлана-оқсоқлана сайисхонадан чиқиб чодирини томон кета бошлади.

“Бунча кун имиллаб ўтади? Тезроқ ярим оқшом бўлмай-дими? Мен у маразни бўлақларга бўлиб ташламайманми? Бир-иккита бўрини ўзимга ўргатиб олмаган эканман-да. Икромнинг калласини олиб, олдиларига ташласам, кўз очиб-юмгунча суякларинигина қолдиришарди... Эҳ, Дилдора, сенинг қарашларинг мени адо қилади! Сенга етишган куним дунёнинг энг бахтли одамига айланман!”

\* \* \*

Ўзлари отган ўқнинг овозидан ўзлари чўчиб кетган Солининг иккала йигити ҳам бир-бирига қаради. Вазият оғир эди. Бунинг устига, жуда қисқа муддат ичида бири кетиб, ўрнига бошқаси келаётган шефларнинг ҳам феъли турлича, исталган пайтда уларнинг қарорлари ўзгариши, йўқ жойдан баҳона топишиб, тўғри келган одамни қурбонлик қилиб юбориши ҳеч гап эмас. Бир неча соат аввал ҳозиргина отиб ташланган йигитлар билан саломалик қилишган, ҳатто кучоқлашиб кўришишганди. Энди худди ашаддий душманларидай отиб ташлашди. Бироз фурсат ўтиб ўзларини ҳам бошқалар худди шу кўйга солмайди деб ким кафолат беради? Ҳеч ким!

— Нишон! — деди қорувли, сочи тап-тақир қилиб

олинган йигит шеригига. — Бизсиз ҳам Самандарнинг ишини тўғрилаб қўйишибди. Қара, кўчада мошиналар тўхтапти. Ҳали-замон мусорлар ҳам келиб қолишади. Иссиғимиз борида жуфтакни ростлайлик. Бориб шефга ҳаммасини тинчитганимизни айтамыз.

— Эй-й! — деди кўзи олайиб кетган Нишон катта йўл тарафга қўлини чўзаркан. — Ментлар ҳид олишга улгуришибди. Бизни паставка қилиш учун юборишган. Қочдик.

Дарҳақиқат, иккита милиция машинаси улар турган тарафга бурилган эди.

Иккала йигит ҳам бирдан ўзларини жийдазор ичига урди. Улар шунчалик кўрқигандики, юзларини тирнаб кетаётган шохларга ҳам эътибор беришмасди.

Самандар билан унинг машина бошқарган шотирини “Тез ёрдам” машинасига ортишиб, кўкраklarига темир эшитгичлари орқали қулоқ солган дўхтирлар уларнинг ҳали тириклигини милиционерларга айтишди ва тезда касалхонага олиб кетишди.

Орадан тўрт соат ўтгач, Самандар ўзига келди. Унинг боши икки жойидан ёрилган, яра унчалик хавфли бўлма-са-да, қаттиқ урилиш натижасида Самандарнинг мияси чайқалган ва ҳушидан кетганди.

Ўзига келиши билан у энг аввал мошиналар тўқнашувини хотирлади. “Волга”ни Дилором бошқариб келаётгани ёдига тушди ва тепасида турган дўхтирдан:

— Нариги машинадагиларга нима қилибди? — деб сўради.

— Ҳеч нарса, — жавоб қилди оқ халатли киши, — у машинада биронта ҳам одам йўқ экан. Авариядан кейин жуфтакни ростлаб қолишган бўлса керак.

— Худога шукур! — деб юборди кутилмаганда Самандар.

— Танирмидингиз уларни? — сўради дўхтир.

— Ҳа, э-й, йўқ, билмайман, ухлаб қолган эканман. Тўқнашганимизни элас-элас эслайман, ишқилиб, ҳеч ким ўлмаганми?..

— Сизларнинг мошиналаринг ёнида...

Дўхтир гапини охиригача етказолмади. Палатага уч киши кириб келди. Улардан бири милиция кийимида

эди. Елкасидаги погонида иккита катта юлдуз. Самандар шундан билдики, подполковник. Шапка остидан унинг оппоқ сочлари кўриниб турар, юзини ажин босганди. Кўзлари эса қисик, қошлари қалин.

Самандар уни қаердадир кўрганди. Бироқ ҳадеганда эслаёлмади. Лекин кўнгли хотиржам тортди.

— Ўзига келдими шоввоз? — сўради у дўхтирдан.

Врач бош силкиб тасдиқ ишорасини қилди.

— Тинмасанг тинасан, деб бекорга айтишмаган, — деди милиционер ва столни Самандар ётган каравотнинг ёнгинасига қўйиб, ўтиргач: — Хўш, бошинг оғримаяптими? — дея бемордан сўради.

— Озгина, — деди Самандар жилмайишга уриниб.

— Бўлмаса, ҳали кўп оғрийди. Оғришига ёрдам берворамиз...

— Ҳали сўроқ қилишга... — доктор подполковникнинг сўзини бўлиб гап бошлаган эди, милиционер унга ўқрайиб қаради-да:

— Сиз бемалол бориб бошқа касалларни кўраверинг, бунга жин ҳам урмайди, — деди.

Ноилож қолган врач бир беморга, бир бевақт келганларга қаради-да, палатани тарк этди.

— Нима бўлганлигини ўзинг айтиб берасанми ёки бизни сўрашга мажбур қиласанми? Ҳар қалай, ақлли болага ўхшайсан, сўроқ қандай бўлишини яхши билсанг керак.

— Сизнинг ўрнингизда бўлганимда, — деди Самандар мийиғида кулиб, — аввал ўзимни таништирган бўлардим.

— Тўғри! Қара, калланг қандай ишлайди! Анвар ака деяверасан мени. Ҳар қалай, ёшим сеникидан катта. Сенга ўхшаган маразлар билан бир неча бор гаплашганман...

— Тилингиз новвотдан ҳам ширин экан. Қойил!

— Майнавозчилик қилмай, нима бўлганини бир бошидан гапириб бер. Фақат тез бўл. Нервинний бўп қолганман. Яна ҳушингдан кетказиб қўйишим мумкин.

— Менимча, адресда адашганга ўхшайсиз, қуённинг менга қариндошлик жойи йўқ.

— Шунақа де. Йигитлар, дарров бунинг қўлига кишан солинглар, отделга борганидан кейин минилган эшакдай ювош қилиб қўямиз.

Гарчи Самандарнинг умрида милисахонага иши тушмаган эса-да, “отдел” деган жойда нима каромат кўрса-тишларини яхши биларди. У ерда ит ҳам гапириб юборарди.

— Нималарни айтайин? — деди у бирдан ранг-қути ўчиб.

— Уч кишининг отиб ташланиши, иккита машинанинг аварияси... қолганини ўзинг яхши билсанг керак. Ҳар қалай, тилдан Худо берганга ўхшайди-ку.

— Ўртоқ командир! Тўғриси айтман. Биз тўрт киши дам олгани кетаётгандик. Рўпарамизда “Волга” пайдо бўлди. У жуда тез келарди. Қочишга улгурмадик. Қарсиллатиб урди. Кейин мен ўзимни йўқотибман. Бори шу. Агар отиб ташласангиз ҳам бошқасини билмайман... Кейин, — деди у кўзи ёшга тўлиб, — кимлар ўлибди?

— Иккита шеринг, яна таксичи...

— Нега?! — деди овози қалтираб Самандар. — Ким?.. Ким ўлдиради? Биз қалин ўртоқ эдик...

— Қўй оғзидан чўп олмаган бечора, ким билан қалин ўртоқ эдинг? Ўлганлар биланми ёки ўлдириб кетганлар билан?

Анвар Турсунович шундай деди-да, ўткир нигоҳини Самандарга қадади. Шу пайтгача у қанчадан-қанча жиноятчиларга рўпара бўлганди. Уларнинг орасида ўта фирибгарлари, ҳар қандай шароитда ҳам гапини йўқотмайдиганлари, не кўйга солсанг ҳам қилган хунрезликларини бўйнига олмайдиганлари бор эди. Аммо ҳеч бири жазосиз қолмаган. Албатта, “юқоридан” махсус оғзаки буйруқ келиб, қамалмай қолганлари ҳам бўлган. Уларнинг биттаси Шер эди. Ҳар сафар шундай буйруқ олганида, унинг бутун вужудида оғриқ турарди гўё. Хўжайинларининг қилган ишларидан ғазаби кўзирди. Ҳатто бир неча марта буйруқни бажармаган. Лекин жиноятчи барибир озодликка чиқиб кетган. Чунки бунақанги пайтда “иш” бошқа терговчига ўтказиларди. Унга ҳайфсан эълон қилинарди. Албатта, бошқа иш, бошқа сабаб туфайли. Бир сафар ҳатто ишдан кетишига озгина қолган. Ўша пайти у: “Нима қиламан жонимни жабборга бериб? Юравермайманми бошқаларга ўхшаб?” — деган хаёлга борганди. Бироқ кўп ўтмай, аввал қандай бўлса, яна шу

аҳволга тушди. Амалга кўтарилишдан ҳам тўхтади. Қайтанга орқага кетди. Мана ҳозир гарчи ёши анчага бориб, пенсияга чиқиш арафасида унвони подполковник эсада, лавозими бор-йўғи бош терговчи эди.

Самандар гарчи сўзамоллиги, ўзини бечорасифат кўрсатиши билан “уста”ни (дарвоқе, Анвар Турсуновични касбдошлари шундай деб аташарди) чалғитишга уринсада, ҳеч вақога эришмаган, балки ўзининг қанақа одамлигини кўрсатиб қўйганди.

— Бозоров, — деди Анвар Турсунович ўқишни яқингинада битириб, унинг бўлимига ишга келган йигитга, — дўхтирларга айт, укол-пуколини қилсин, кейин буни тезроқ олиб кетамиз, қолганини биз даволаймиз.

Самандар илк маротаба Икромнинг ўрни билинганини сизди. Ҳа, агар Икром бўлганида, у милиционерларга сўроқ бермасди. Қайтанга дўхтирлар югуриб-елиб унинг оғзидан чиққанини муҳайё қилишарди.

Шунингдек, Самандар Солининг сотқинлик қилганини ҳам англади. Чунки бошқа одам унга қарши боролмайди. “Номард ҳатто йигитларимни ҳам ўлдирибди, — хаёлидан ўтказди у. — Мусорларгаям ўша сасиган. Бошқача бўлиши мумкинмас. Мараз, билардим бир кунмас бир кун тулкилик қилишингни, лекин бу даражада паст кетишингни ўйламаган эканман. Шошмай тур, итларнинг кўлидан қутулиб чиқай, ундан кейин ҳолингга маймунлар йиғлайди. Менинг қанақа кучга эгалигимни ҳали билмабсан!”

\* \* \*

Найнов лақабли йигит Икромга хизмат қиларди. Буйруқларнинг ҳаммасини Соли орқали оларди. Шеф қорасини кўрсатмай кетгач, уни ҳеч ким эсламай қўйди. Бир муддат ажабланиб юрди-ю, сўнг ўз ишига андармон бўлиб, барчасини унутди. Шу орада у амал пиллапоярининг анча юқорисига чиқиб олишга ҳам улгурди. Ҳозир эса Солининг яна йўқлаб қолганини эшитган Найнов бурнини жийирди. “Ўзинга бошқа югурдак топиб ол, агар яна бир марта безовта қиладиган бўлсанг, онангни учқўрғондан кўрасан”, дея хаёлидан ўтказди-ю, лекин хабарчи йигитга ҳеч нарса демади. Шу боис, Соли Самандарнинг ҳақиқатан ҳам ўлган-ўлмаганлигидан беҳабар қолди.



Дилором Рустамни сўроққа тугаётган пайтда Соли машинада шотирлари билан шу кўчадан ўтаётганди. Дилоромларнинг уйи ёнига қўйилган қоровул йигитлар сўроқсиз ғойиб бўлгани унинг асабига тегди. Фазаби кўзиди.

— Итдан тарқаганлар! — деди у бўғилиб. — Агар ўзим келмаганимда, сволочлар биронта баҳона топаркан-да. Отбой! Ҳаммани йиғинглар.

Шу маҳал Соли кўча бошида ўзига таниш бўлган йигит билан қиз келаётганини кўриб қолди-ю, воқеа бошқачароқ бўлганини англади. “Наҳотки бошлиқ бўлиш менинг кўлимдан келмаса?” — деган ўй яшин тезлигида хаёлидан ўтди. Чунки Солининг даражасидаги одам бунақанги зумрашаларни ямламай ютиб юбориши керак эди, албатта, унинг назарида. Шугина кўлидан келмаётган экан, демак, бошқа катта ишлар тўғрисида оғиз очмасаям бўлади.

У қўйнидан тўппончасини чиқарди ва машина Рустам билан Дилоромнинг ёнига етай деб қолганда ойнани туширди.

Рустамнинг юраги дукиллаб урар, нимадир бўлишини олдиндан сезганидан, ўзини қўярга жой тополмаётганди.

— Анави итларнинг ёнида тормозни бос, ўқ узишим билан газ берасан! — деди Соли ва ўз-ўзидан қувониб кетди. Чунки бунақанги қулай пайт камдан-кам юз беради. Йигитни аниқ мўлжалга олса, бугунча шунисиям етади. Қизни эса мушук сичқонни ўйнатгандай минг кўйга солади.

“Жигули” тўхташи билан Рустам Дилоромни кучоқлади-ю, у билан бирга ерга ағанади. Ўқ овози икки марта янгради. Кейин машина бирдан тезлик олди.

— Имм! — дея Рустам ёнига ағдарилди. Оғриқ зўридан унинг кўзидан ёш сизиб чиқди. Умри бино бўлиб бирор марта ҳам қиз боланинг ёнида (ҳатто кичкиналигида, мактабга энди борган кезлари ҳам) асло йиғламаганди. Ҳозир эса мутлақо кутилмаганда, ўзи ҳам истамаган ҳолда шундай бўлди. Оғриқ туфайли шу кўйга тушди, дейишимиз ҳам ножоиз эди. Чунки у ҳеч нарса қилолмай қолганидан шундай инграб, кўзидан ёш чиқазиб юборганди.

— Нима бўлди?! — дея шоша-пиша ўрнидан турган

Дилором бирдан Рустамнинг аста-секин қонга беланаётган кўйлагига кўзи тушди-ю: — Вой!!! — деганча бақириб юборди.

Кўзидаги икки томчи ёшни артишга улгурган Рустам ўрнидан туришга ҳаракат қилди. Бироқ уддасидан чиқолмади, оғриқ кучлилик қилиб афти буришди.

— Отиб кетишибди-ку! Отишибди!!! — деб бақирди Дилором қалтираб. — Нима қиламиз?! Одамлар!.. Одамлар! Ёрдам беринглар, ёрдам!!!

— Жим, жим! — деди ҳансираб нафас олаётган Рустам. — Ҳеч ким эшитмасин, ўзим... ўзим ўрнимдан турман, ҳозир, мана... мана бундай.

У бир қўлини ерга тираб қаддини тиклашга урина бошлади. Дилором унинг кўлтиғига кирди ҳамда Рустамнинг оёғидан оқаётган қонга нигоҳи тушиб йиғлаб юборди.

Қизнинг овозини қўшнилардан иккитаси эшитганди. Лекин тезда чиқмасдан, дарвозаларини қия очишиб, аввал мўралашди. Сўнг бири юрак ютиб чиқди.

Қўшниларнинг дарвозасига не бир умид билан қараб чиқаётган Дилором дарров уни кўрди.

— Мўътабар хола! Мўътабар хола, скорийга телефон қилинг, скорийга, илтимос! — деб бақирди ҳаяжон билан.

Бироқ шу лаҳзадаёқ қўшнисининг башараси қаҳрли тус олди.

— Жонимизга тегиб кетдинглар! Сенларнинг дастларингдан тинчгина яшаймизми-йўқми?! Ҳали бировинг ўласан, ҳали биттангни отишади, бошқа биттанг ўйнашинг билан келасан! Сенларга қўшни бўлганимизга айбдормизми?! Уят деган нарса борми?! Ҳе, сени туққанг онангниям!.. Азалдан бузуқ оила эдиларинг, шундайлигича қолдинглар! Яна башарангни қўтир босгурнинг ёрдам сўраганига ўлайми! Ёрдам керак бўп қолганмиш бу ер ютурларга! — дея шанғиллашга тушиб кетди.

Унинг қарғишидан руҳланган иккинчи қўшни ҳам кўчага чиқди. Аввал ҳамсоясининг гапдан тўхташини кутиб турди. Мўътабар холанинг оғзи тиниши билан у бошлаб юборди қарғишни.

Бақир-чақир бошқа қўшниларни ҳам кўчага чорлади.

Бироқ улар нима гаплигини билолмай “сайраётган” кўшнилариға қарашди. Бир муддат унинг шанғиллашини эшитиб туришди ва тезда гап нимада эканлигини тушунишди. Бири: “Менга нима, ҳаммаси қирилиб кетмайдими!” — деб яна уйига кириб кетган бўлса, бошқалари ажойибу фаройиб томошани охиригача кўриш, эртасига ишга борганида ҳамкасбларига завқланиб, худди бир хум тилла топиб олгандай қувониб гапириб бериш учун қаққайганча туришарди. Уларнинг орасида, ҳар қалай, меҳр-оқибатни биладиган учтаси топилди. Бутун умиди сўниб, кўз ёши юзини юваётган, тинимсиз қон йўқотганидан ранги тобора оқариб кетаётган Рустамни кучоқлаганча, уйи томон судраётган Дилоромнинг ёнига югуришди.

Қиз уларнинг кўмакка келганини кўрганидан сўнг баттар ўпкаси тўлиб ўкириб йиғлаб юборди ва югуриб кетди.

\* \* \*

Соли Рустамнинг ўлганига юз фоиз ишончи комил эди. Ахир ўқи мўлжалга аниқ текканини ўз кўзи билан кўрди.

— Газни бос! — дея бақирди шотирига ҳамда ўзи Дилоромнинг устида чўзилиб қолган Рустамга ўгирилиб қаради. — Келиб-келиб мен билан ўйнашасанми? Геройлик қилгинг кеп қолганмиди?

Улар йигирма дақиқада қароргоҳларига кириб боришди. Солининг башарасидаги газаб ҳалигача йўқолмаганди. Негадир Рустамни ўлдириш арзимаган ишдай туйилиб, уни бевосита ўзи бажаргани алам қилаётганди.

Ёлғиз ўзи бир хонага кириб ўтирди. Юраги сиқди. Чидаёлмади. Шотирларини ёнига чақирди. Улар билан бирга ароқ ичди. Сўнг қоровулликка кетган йигитларни эслаб қолди.

— Қани анави итлар?! — деди шотирларидан бирига. — Ҳалиям йўқми?

— Кўчада, биттасининг қўли гипсланган. Киришга кўрқишаяпти.

— Чақир.

“Гуноҳкор” икки банда келгунича, Соли бир қадаҳ шароб ичди. Кайфияти кўтарилди. Бундан кейин нима иш қилиш тўғрисида бироз хаёл сурди.

Боши эгик йигитлари кириб келганида эса яна газаб отига минди.

— Сенларга нима дегандим? — сўради у лабига сигарета қистириб.

Жавоб бўлмади.

— Қўйдик гапингга деб сурвордингларми?

— Йўқ, шеф, — деди гипс ичида ҳам қўли зирқираётган йигит оғриқни унутиб. Унинг “шеф” дегани Солига мойдай ёқди. Қани атрофида ҳеч ким бўлмаса-ю, шу сўзни беш-олти такрорлатса. — Кутилмаганда Дилором билан бирга келган йигит ташланиб қолди.

— Бизни калтакла деб башараларингни тутиб бердингларми?! — деб бақириб юборди Соли. — Нима қилиб сенларни атрофимга йиғиб юрибман?!

У чўнтагидан тўппонча чиқарди-да, шарақ-шуруқ қилиб ўқлади.

— Хўжайин, айбдормиз, — деди ажали келганидан титрай бошлаган гипсли йигитнинг ёнидаги шериги.

— Тўғри, айб ўзларингга, энди уни ювиш керак. Қон билан, албатта. Шундаям ювилса.

— Рухсат беринг, ҳозирнинг ўзида уйига кириб...

— Ўликни обориб кўмиб келасанми? Сенсиз ҳам ишни қойиллатиб бажарадиганлар бор, — дея Соли атрофидаги бошқа шотирларига гўддайиб қараб қўйди. — Қонунни ҳамма эсидан чиқариб қўйган. Қаёқдаги ҳезалаклар бузворишди. Бундан кейин кимда-ким қонундан чиқса, мана бунақанги бўлади!

Кўкракларига темир парчалари санчилганидан кейин айбдор икки йигитнинг ҳам кўзи олайди. Бир зум ранглари оқарганча тик тургач, гурсиллаб ерга қулашди.

— Агар яна кимда-ким чизган чизигимни босса, итнинг кунини бошига соламан! Бу итларни кечқурун қабристонга обориб кўмиб ташланглар. Гўрковга кўпроқ соққа беринглар, анча пайтдан бери хизматимизни қиладди. Бундан кейин ҳам унга иш топилиши мумкин.

Иккала мурдани ҳам бошқа хонага олиб чиқиб кетишди. Сўнг Соли йигитларининг ҳаммасини тўплади. Ҳатто дарвозадаги кўриқчи ҳам келди.

— Анчадан бери жиддий ишлар билан шуғулланмай қўйдик, — деди Соли ҳамма йиғилиб бўлгач, — чўнтакнинг таги кўриниб қолди...

— Самандарнинг йигитлари ҳалигача сариқ чақям опкелгани йўқ, — деди Ботир исмли паст бўйли, қорачадан келган, озғин йигит.

— Давримиз келди, йиғиб қолайлик, деб ўйлашаётганда. Бугун кечкурун заводга тўплайсанлар. Биронтаси келмаса, калласини олинглар... Кейин менда битта идея пайдо бўлди. Билишимча, нархоз билан юрфакда бойваччаларнинг болалари ўқишаркан. Лекин биронтасиям бизнинг доридан татиб кўришмаган, — деб Соли йигитларга бирма-бир қараб чиқди, — соққаларини қаердаги қизларга бериш билан овора. Қийшиқ, — дея дераза ёнидаги бир томонга оғиб турган шотирига юзланди у, — “қушча”ларингни сотишни бас қил. Нечта ўзи улар?

— Олтита, — жавоб қилди Қийшиқ хўжайинига термилиб.

— Кароче, икки группага бўласан. Шилталарга ўхшаб кийинишмасин. Нормальный кийинтир. Институт олдига борсин-да, болаларни илинтирсин. Бошлаб текинга чектирасан. Кейин ўз-ўзидан уйининг ҳамма соққасини кўтариб келади. Уқдингми?

— Айтганингиздай қиламан, — жавоб қилди Қийшиқ иржайиб.

Чунки у бировларни наша чектиришга ўргатишнинг пири эди. Соли “қушча” деб атаган қизларни ҳам у аввал нашага ўргатган, кейин ҳар тунда танасини соттириб пул топиш билан овора эди.

\* \* \*

Ниҳоят тун ярмидан оғди. Бахшулло ҳар эҳтимолга қарши синган оёғини латта билан маҳкам боғлади (гипс-ни олиб ташлаганди у) ва чодирдан чиқиб, ташқарида ҳеч ким йўқлигига тўла ишонч ҳосил қилиш учун атрофни бир қур назардан ўтказди. Чигирткаларнинг чириллаши, узоқда қаердадир итнинг узуқ-юлуқ ҳуришигина жимжитликни бузиб турарди. Осмонда эса юлдузлар шунақанги чарақлаган эдики, термилиб ўтиргинг келади. Бунинг устига, улар жуда пастда, анави тоғларнинг устида тургандай туйиларди. Ой ёғдусида ўн қадам, балки ундан ҳам нарироқдаги одамни бемалол кўрса бўларди. Аммо на табиатнинг бу даражада гўзаллиги, на симириб тўймайдиган ҳавонинг тозаллиги Бахшуллони қизиқтирарди.

Унинг фикру хаёли бу ердан анча олисда, эрининг оғушида пишиллабгина ухлаётган жононада эди. Назарида ундан-да гўзал, ундан-да мафтункор бирор нарса бу дунёда йўқ; агар ўша санам яшамаганида борми, бу олам ўта хунук, шунчаки одамларнинг маълум муддат истиқомат қиладиган ёки шунчаки қўниб ўтадиган маконига айланарди гўё. Бахшуллонинг назарида дунёдаги жамики эркак зоти борки, бари шу биргина Дилдоранинг ишқида яшайди. Бу заминда ундан ўтари йўқ, бўлмайди ҳам.

Бахшулло бориши билан Дилдора ҳовлида уни кучоқ очиб кутиб оладигандай, бўйнига осилиб, юзидан чўлпиллатиб ўпиб оладигандай сархуш хаёлда сайисхонага илдам юриб кетди. Оти бошқа тулпорлар каби ётиб олмабди. Хожасининг кундузи айтган гаплари эсидан чиқмагандай, тик оёқда уни кутиб турарди.

Бахшулло мумкин қадар овоз чиқармай отини эгарлади ва секин сайисхонадан ташқарига етаклаб чиқди. Анча жойгача минмади. Отлиқ одам узоқдан кўзга тез ташланади. Бир-яримтаси чодирдан зарурат юзасидан чиқиб қолса, кўриши ҳеч гап эмас. Ёлғиз от эса кўпам кўзга ташланавермайди. Айтайлик, бирон нимага ўхшаб қорайиб кўриниши мумкин.

Бу пайтда Дилдора Икромни маҳкам кучоқлаганча ухлаб ётарди. Унинг оппоқ юзи ой шуъласида баттар оқариб кўринар, мафтункорлигини икки ҳисса ошириб юборганди. Қошлари эса ҳар-ҳар замон чимирилиб кўяр, у мириқиб туш кўрарди.

Тушида адоқсиз улкан ўрмон ичида кезиб юрганмиш. Дарахtlари шунақанги йўғонки, кучоққа сигмайди. Ўзиям бўйлари шунчалик кўкка чўзилиб кетганидан, унинг учини мутлақо кўриб бўлмайди. Атроф қоронғи, Дилдоранинг ёлғиз ўзи кетиб бораяпти. Ёнида Икром ҳам бор эди, негадир йўқолиб қолди. Лекин Дилдора бундан ҳечам безовталанмади. Ич-ичидан барибир тезда қайтиб келишини сезарди у. Лекин ўрмон тобора қуюқлашар, дарахtlар силкиниб (қизиғи, шамол мутлақо йўқ эди) баттар ваҳимали тус олаверарди. Аста-секин Дилдоранинг кўнглини ваҳима эгаллади. Атрофига аланглаб эрини қидирди. Лекин у ҳеч қаерда йўқ эди. Овозининг борича чақирмоқчи бўлди. Хаёлида шу яқин-атрофида қандай-

дир йиртқич ухлаб ётибди-ю, унинг чинқириғидан уйғо-  
ниб ҳамла қиладигандай туйилаверди. Юраги така-пука  
бўлиб, қунишиб олган соҳибжамол йўлида давом этди.  
Шунда узоқдан қандайдир шуъла кўринди. Кўнглида умид  
учқунлари уйғонган келинчак шу тарафга югурди. Бир  
зумда шуъла алангага айланди. Кўз очиб-юмгунча улкан  
дарахтлар кулга айлана бошлади. Дилдора орқасига бу-  
рилди-ю, қоча бошлади.

— Войдод, ёрдам беринглар! Ёрдам!!! — дея қичқирди.  
Шунда олдидан ҳаммаёғини жун босган, бўйи уч метр-  
лар чамаси келадиган улкан махлуқ чиқди. Уни кўриши  
билан Дилдора бутунлай тамом бўлди...

— Дилдор... Дилдор! — дея турткилади Икром хотини-  
ни. — Тинчликми?!

Келинчак кўзини очди. Икром акаси ёнгинасида,  
кўрганларининг ҳаммаси туш экан.

— Икром ака, — дея эрини маҳкам қучоқлаб йиғлаб  
юборди, — қўрқиб кетдим. Ёмон туш кўрибман. Мени...  
Мени махлуқ...

— Тисс, — деб унинг лабига бармоғини қўйди Икром,  
— ҳаммаси жойида. Мен ёнингданман. Қўрқма.

Бу пайтда Бахшулло анча яқинлашиб қолганди. Оти  
ҳар-ҳар замон пишқириб, илдам юриб келар, манзил  
яқинлашиб қолганидан ўзининг ҳам юраги ҳаприқарди.

Тоғ орасида тонг отиши бошқа жойга нисбатан бироз-  
гина бўлса-да кечроқ кечади. Чодирлар тикилган жой  
нисбатан яланглик бўлгани учун оппоқ тонг этагини ёйиб  
юборган эса-да, ер нисбатан қоронғи эди. Фақат бутун  
тун бўйи чириллаган ҳашаротлар чарчашган шекилли,  
тинчиб қолишганди.

Бахшулло уларнинг уни ўчганидан тонг отаётганини  
сезди ва тулпорининг қорнига ниқтади. От йўртишга  
тушди. Чавандоз қониқмади. Яна бир марта тепди.  
Кейин яна. Тулпор эрталабки муздай тоза ҳавода яйраб  
югуришга тушди. Бахшулло эса бироз эгилди. Чунки йўлда  
у-бу дарахтнинг шохига дуч келиб турарди.

Кўп ўтмай манзилга етди ва анча берида тўхтаб отдан  
тушди-да, уловини дарахтга боғлаб, хуржундан узунлиги  
икки қарич келадиган ханжарни олди ҳамда аста-секин  
тобора аниқ-тиниқ кўрина бошлаган уй томонга юрди.

Юраги шунчалик тез урардики, унинг дукурлаган овози ҳатто унинг ўзига эшитилаётганди. У ҳаяжонланар, ўзини босишга ҳеч кучи етмасди.

Эшик ёнига етгач, секин ичкарига қулоқ солди. Тинчлик. Ичида қувонч пайдо бўлган йигит бирма-бир тахта зиналардан кўтарилди.

\* \* \*

Нарзулла ота бугун бошқа кунлардагидан эртароқ турди. Кўнгли хижил эди. Юраги ҳам санчгандай. “Нима бало, — ўйлади у, — ажалим яқинлашганга ўхшайдими, дейман? Илгари сираям бунақанги бўлмасди. Ё Худо, одам қанча кўп яшаса, яна шунча яшагиси келаркан. Намозгача ҳали эрта экан, ўлиб бетаҳорат нариги дунёга кетиб қолмайин”. Таҳорат қилди. Икки ракаат нафл намозини ўқиди. Шундаям дил хиралиги тарқамади. Ташқарига чиқди-да, ўзи сезмаган ҳолда сайисхона томонга юрди. Бироқ ярим йўлда тўхтади. Бир пайтлар: “Йилда бир марта от ўтириб олиб кавш қайтаради, уни кўрган одам узоқ яшамайди”, деган гапни эшитганди. Шунча от миниб, бирор марта ҳам бундай ҳодисага дуч келмаганди. Шу боис, бунақанги гапга ишонмай қўйганди. Ҳозир эса кутилмаганда эсига тушиб, ҳайиқди. “Нимадан қўрқаман, дунёда кўрмаганим қолдими? Ўлсам, ҳа кўп яшади, иймонини берсин, дейишади”. У хаёл оғушида сайисхонага бориб қолди ва секин ичкарига мўралади. Ҳартугул, ўтириб олган отга кўзи тушмади. Хаёлига келган ҳар хил бемаъни ўйлардан кулгиси қистаб ортига қайтди. Бироз юрди-ю, бирдан жойида тўхтади. Назарида, отлар камдай эди.

Сайисхонага кирди. Сизгиси панд бермабди. Бахшуллонинг оти йўқ. “Балки бўшалиб, ташқарига чиқиб кетгандир”, деган хаёлда сайисхона атрофини айланиб кўрди. Ҳеч қаерда кўринмади. Бу отларни ўғирлаб кетишнинг иложи йўқ эди. Чунки тўртта бўрибосар туни билан чодирлар атрофини кезиб юради, бирорта одам келиб қолса, соғ қўймаслиги аниқ. “Итвачча ҳали мияси айниб... Йўғ-э, яхши бўп қолувди-ку, ўзгарувди”, дея ўйлади у ва ҳассасига суянганча ўели ётадиган чодир ёнига борди. Аввал ташқарида туриб ўғлини чақирди. Жавоб бўлавермагач, секин ичкарига мўралади. Қоронғида Бахшулло-



нинг бор-йўқлигини билолмади. Ўрин-жойининг ёнига борганидан кейин эса ўғли йўқлигини, шунчаки кўрпасини думалоқлаб кетганлигини кўрди-ю, капалаги учди.

— Уканг кетибди, тез бўл, отни эгарла! — деб бақирди шоша-пиша Худойбердининг чодирини ёнига келиб.

Уйқули кўзларини уқалаганча югуриб чиққан Худойберди отасига қараб:

— Қаерга кетади? Нимага кетади? Нима деяпсиз ўзи? — деди ҳайрон бўлиб.

— Энангни эриникига кетади! Икромнинг орқасидан кетган у ифлос! Одам бўлмади-бўлмади-да, ҳаммага шарманда қилди...

— Ота, шошманг, — деди биров ўзига келган ўғил, — балки шу атрофдадир, оёғи синган бўлса, ўзи базўр...

— Оти йўқ, миниб кетган, унинг қўлидан ҳар бало келади! Бўл тез, орқасидан бор! Яна бир нима қип қўйиб, Икром бечоранинг уволига қоп кетмайлик!

— Қизиқсиз-а, ота. Нимага бунча куйиб-пишасиз, жа-а азиз бўлдимиз шу Икром? Укам унинг олдига кетганмикетмаганми, билмай туриб... Кеча итдай чарчаб келувдим. Ҳалиям оёқларим қақшаб оғрияпти.

— Ҳей, бола, уям бировнинг кўз қораси. Қори бечора бизга ишониб ташлаб кетди. Бор, тез бўл, отлан!

Худойберди чодирга кириб тўнғиллаб-тўнғиллаб кийинди, сўнг муздай сувда ювинди. Шундан кейингина отасининг айтган гапларини бошқатдан хаёлидан ўтказиб кўрқиб кетди. Ахир Бахшуллонинг қўлидан ҳар бало келиши мумкин эди. Икки ўртада отаси билан ўзи бош кўтаролмай қолади.

У отига минганида тонг ота бошлаганди.

Кетма-кет теккан қамчи зарбидан тулпор олдинга сапчиди. У мисоли қушдай учиб кетаётган эса-да, баданига қамчи тегишдан тўхтамасди. Оғриқ зўридан от бечоранинг кўзидан ёш сизиб чиқди. Агар имкони бўлганида борми, устидаги қаҳри қаттиқ йигитни ер билан битта қилиб ташлаган бўларди. Лекин чайир, чаққон йигит ҳеч йиқилмасди. От уни бир неча марта синади. Лекин уддасидан чиқолмади.

\* \* \*

Бир-бирини суйиб, бир-бирига чирмашиб ухлаётган

келин-куёвга Бахшулло бироз термилиб турди. Ҳаваси келди. “Қани эди, — дея ўйлади, — манави ширингина ухлаётган фариштанинг боши менинг кўкрагимга қўйилганида...” У чидаб туролмади. Бир хаёл Икромнинг бўғзига пичоқ тортиб юбормоқчи бўлди. Ҳа-да, нима қилади чўзиб? Лекин чўчиди. Кейин Дилдора уни бир умр кечирмайди. Ҳеч қачон бошини кўксига қўймайди. Яхшиси, билдирмагани маъкул.

Бир-бир босиб эр-хотиннинг тепасига келаётганида:

— Тисс! — деган товуш чиқди.

Бахшулло тўхтади.

— Тисс! — деди Икром яна лабига бармоғини босиб.  
— Уйғониб кетмасин.

Бахшулло довдиради. Нима қиларини билмай бир неча сония қаққайиб туриб қолди.

— Ташқарига чиқ. Ҳозир орқангдан бораман, — деди Икром шивирлаб.

Чўпон йигит беихтиёр унинг айтганига бўйсуниб ортига бурилди ва қандай овоз чиқармасдан кириб келган бўлса, шундай чиқиб кетди. Дилдоранинг бошини секин кўксидан олган Икром кийимларини қўлтиқлаб унинг ортидан борди.

— Сени сўяман! — деди Бахшулло вишиллаб Икром ташқарига чиқиши билан.

— Эркакмисан! — деди қони кўпчиган, газабдан асабий титраётган Икром. — Агар бефаросатлигингни билмаганимда, сен билан гаплашиб ўтирмасдим. Мараз, ғуруримга оёқ босдинг. Азбаройи отангнинг ҳурмати учун аввалги сафар индамагандим!

— Сенда куч борми индашга, ўлиб бораяпсан-ку, шу аҳволингга мен билан олишмоқчимисан ҳали? Яхшиси, иззатинг борида қоч. Индамайман. Фақат Дилдора мен билан қолади.

— Ит! Бошқа нарса хоҳламайсанми?!

Икром унинг устига бостириб кела бошлади. Бахшулло ханжарини четга улоқтириб юборди.

— Эркакман мен! — деди қилган ишидан ғурурланиб.  
— Қўлларим билан миянгнинг қатигини чиқариб ташлайман.

Икром бутунлай ўзини унутди ҳамда шер мисоли ра-

қибига ташланди. Билаклари кучга тўлган Бахшулло юзига теккан муштдан қимир этмади. Икром иккинчи зарбани бераётганида эса қўлидан ушлаб қолди ҳамда ўзи калла қўйди. Бироқ мўлжалга етиб бормади. Икром ўзини бироз орқага олганлиги боис, елкасига тегди. Сўнг жайдари муштлашиш бошланиб кетди. Қанча кучинг кўп бўлмасин, уни керакли пайтда ишлатмасанг, ҳаракатингнинг бари беҳуда кетаверади. Бахшулло ҳам ўзига нисбатан жуссаси анча кичик Икромни тезда ерга қулатолмади. Боз устига, ғазаби уникидан икки ҳисса ортиқ Икром чўпон йигитнинг синган оёғига тешиб юборди. Бахшуллонинг суяги бошқатдан сингандай бўлди. Лекин у чидади ва рақибини даст кўтариб ерга ағдариб, устидан ўзи тушди. Икром йиқилиш баробарида яна бир марта рақибининг оёғига тепишга улгурди.

— Итдан тарқаган! — дея сўкиниб юборди Бахшулло ҳамда шундоғам ғазаби ўзига сиғмаётган Икромнинг бутунлай ўзини унутишига ёрдам бериб юборди. Икром уни устидан ирғитиб ташлади ва миниб олди. Сўнг бир неча марта юзига мушт туширди. Албатта, шу пайтгача бошқалардан зўрлиги билан ғўдайиб юрган Бахшулло қаердаги жинқарчанинг тагида ётишни ўзи учун шармандали ҳол деб биларди.

Улар тўрт марта бир-бирининг устидан ошиб ўтди. Шундан сўнггина Бахшуллонинг кучи ўзини кўрсата бошлади. У рақибининг пешонасига кетма-кет мушт туширганидан кейин Икром бўшашди ва бундан усталик билан фойдаланган чўпон йигит сал нарида бир неча муддат аввал ўзи ташлаган ханжарни қўлига олди-да, душманининг бўғзига қадади.

Худойберди даҳшатли манзарани кўрди-ю капалаги учиб кетди.

— Тўхта! — деб қичқирди у отидан сакраб тушаркан.

Акасига кўзи тушиши билан Бахшулло аламидан ўкириб юборди:

— Нимага келдинг, қовуриб қўйганмиди сенга?!

— Бахшулло ука, ўзингни бос, нима иш қилаётганингни ўйла. Билиб қўй, отам оқ қилиб юборади сени. Қамалиб кетасан! Ундан кўра келишамиз, бўптими, ука! — деб аста-секин Бахшуллога яқинлаша бошлади Худойберди.

— Нимага қараб турибсан, кўрсатмайсанми зўрлигингни? Сўй! — хириллади Икром мағлубият аламидан бутун вужуди ёниб.

— Йўқ. Ақлингни йиғ, ука, бир умр тавқи лаънат остида қолиб кетма. Ҳаммасини жўнгина келишамиз. Уям ҳозир худди сенинг аҳволингда. “Ўлдир”, деб айтаверди. Агар ўлдирсанг, билиб қўй, сен ютқазган бўласан.

— Аврама мени! Барибир гапингга кулоқ солмайман. Бу ит яшамаслиги керак. Ўғриларга кун й-ў-ў-қ!!! — деб бақириб юборди Бахшулло. Унинг томоқ томирлари синчалокдай бўртиб чиққан, башараси бўғриқиб кетганди.

— Нимага лалаясан?! — ўқирди унинг тиззалари остида ётган Икром. — Ўғри бўлсам ўлдир!

Кўзи олайган, бутун вужуди қаҳр-ғазабга тўлиб-тошган чўпон йигит, ниҳоят, орзуси ушалаётганидан, душманидан қутулиб, ўзи севиб қолган соҳибжамолга эришаётганидан чексиз шодлик туйди ва энди ханжар тиғини рақибининг бўғзига ботирмоқчи бўлганида:

— Тўхта, номард! — деган овоз эшитилди. Бу, шубҳасиз, Дилдораники эди. Шу боис, у бошини кўтарди-ю овоз келган томонга қаради.

Келинчак тунги оппоқ кийимда, елкалари яланғоч, соchlари ёйилган ҳолда чексиз нафрат билан Бахшуллога тикилиб турарди. Чўпон йигитни бирдан ҳаяжон босди. Бир муддат қилаётган ишидан тўхтади.

Дилдора қўлидаги пичоқни кўксига тиради.

— Шошма! — деди кўкраги тез-тез кўтарилиб тушаркан. — Аввал мен ўзимни ўлдириб олай. Эримнинг қонини кўришга чидолмайман. Керак бўлса, руҳини танасидан чиқаришда фаришталарга ёрдам бериб юбораман. Шунда нариги дунёдаям биз бирга бўламиз!..

Бахшуллонинг қалтираган қўлидан ханжар тушиб кетди.

— Дилдора! — қичқирди Икром. — Ундай қилма!

— Йўқ! — деди Бахшулло бўшашганча душманининг устидан тураркан. — Унда мен... мен...

Икром уни устидан итқитиб ташлади ва титраган кўйи чўккалади.

— Шу дунёдаям ҳали кўп бирга яшаймиз, Дилдор... Мана қара, мен тирикман, сен шошма, аввал гапимни

эшит. Биласанми, қулоғингга айтаман, фақат сенгина эшитишинг керак бўлган гапим бор! Ҳозир... Ҳозир ёнингга бораман!

Ҳар қандай қалтис ҳаракат фожиага олиб келишини учала эркак ҳам ҳис қилиб турарди. Шу боис, укасига нисбатан чексиз нафратда бўлган Худойберди ҳам ҳайкалдек қотган, душмани ўлимдан қутулиб қолгани хаёлининг бир чеккасига ҳам келмаган Бахшулло тирик мурдага айланганди гўё. Унинг юрагидаги муҳаббат ўтига биров бир челақ сув қуйиб, бунга ҳам қониқиш ҳосил қилмай, музлар орасига тикиб қўйгандек эди.

— Икром ака! — деди қисқа сониялар ичида озгина ўзига келган Дилдора эрининг тиззалаб юриб келаётганидан даҳшатга тушиб. — Ўрнингиздан туринг. Нега бунақа юрибсиз, жоним?

Келинчакнинг сўнги сўзи Икромни руҳлантириб юборган бўлса, Бахшуллони бутунлай адо қилди. Унинг энди тирик мурдадан фарқи қолмаганди. Шу боис, Икром билан хотини бир-бирини кучган маҳал Худойберди укасининг биқинига тепиб юборганида ҳам ғиқ этмади. Шунчаки ерга ағанади ва кўзидан ёш сизиб чиқди.

\* \* \*

Худойберди отланиб тулпорини чоптириб кетганидан кейин ҳам Нарзулла ота ўзига келолмади. Тинимсиз у ёқдан-бу ёққа бориб келиб турди. Кўёш юзини кўрсатиб, атрофга заррин нурларини сочаётган маҳал чодирдан чиққан кампирини кўрди-ю, ички ҳаяжони ғазабга айланди.

— Кампир! — деб бақирди. Орқасидан сўкмоқчи бўлди-ю, лекин улгурмади, юраги қаттиқ санчиб, афти бурушди, бир қўли билан кўксини ушлади, сўнг: — Имм! — деди-да, ерга қулади. Йиқилаётиб ҳассасига суянмоқчи эди, бироқ улгурмади.

— Вой-дод! — деб чинқириб юборган Зарбуви кампир чоли томон югурди.

Нарзулла отани чодирга олиб киришганида, у хириллаб нафас олар, ранги докадек оқариб кетганди.

— Чолимдан айрилиб қолаяпман, одамлар, ёрдам беринглар! Ёрдам беринглар, чолим ўлиб қолади! — деб Зарбуви кампир уввос солиб йиғламоқда эди. Уни овсини тезда қўлтиғидан суяб ташқарига етаклади ва:

— Чеча, чеча! Ўзингизни босинг, акам ҳали ўлгани йўқ, гапларингизни эшитиб ётибди! “Кампирим мен ўлмай туриб аза очди”, дейди, қўйинг унақанги гапларни, — дея юпатишга тушди.

Ярим соатлар ўтгач, чолнинг нафас олиши озроқ яхшиланди ва кўзини очди.

— Хайрият, кўрқитиб юбордингиз, — дейишди тепа-сида турганлар. Аммо Нарзулла ота уларнинг гапларини эшитмади. Ҳаммасига бир-бир қараб чиқди.

— Норбой қорини айтиб келинлар, жанозамни ўқисин, — деди-ю, яна кўзини юмди. Нафас олиши секинлашганидан атрофидагиларнинг юраклари орқасига тортиб кетди. Бири кўз ёшини яшириш мақсадида ташқарига чиқиб кетди. Бошқаси тиз чўкиб, кўли билан чолнинг пешонасини ушлади. Назокат эса бирдан юзини бекитди.

— Бор, отни мин, шаҳарга уч, бир марта мен билан бирга борганда қорининг масжидини кўргансан-ку, тез айтиб кел, — деди Эгамназар ота ўғлига юзланаркан.

Эгамназар ота чодирда муқим яшамасди. У кўпроқ қишлоқда кун ўтказишга кўникканди. Ҳар-ҳар замон бир келиб уч-тўрт кун меҳмон бўлиб кетарди. Унинг ўғли Машраб эса хотини ва икки боласи билан шу ерда алоҳида чодирда яшарди.

Аммо ўғил тулпорига минишга улгурмади. Шаҳар билан қишлоқни туташтирувчи йўлдан бу тарафга бурилган машина Нарзулла отанинг чодирини ёнгинасида тўхтади ва ундан Норбой қори тушди.

Машраб уловидан сакраб тушиб югурганча отасини чақириб чиқди.

Қорини кўриши билан Эгамназар отанинг кўзида ёш пайдо бўлди ва муфтий билан қучоқлашиб кўришаётганида юзидаги ёшни артиб олди-да:

— Айни вақтида келдингиз, ҳозир одам жўнатаётгандим, — деди.

Чолнинг овози йиғламсираб чиқди.

— Тинчликми, биродар? — сўради Норбой қори. У икки-уч кундан бери тушида Нарзулла отани кўрар, ҳар сафар безовта чол уни ёнига чақирарди. Юрса ҳам, турса ҳам, қорининг хаёлидан кўрган тушлари кетмади. Ахийри келиб кўришга қарор қилди. Бироқ келиши билан

Эгамназар отанинг бу тахлит кутиб олиши унинг дилидаги сиёҳликни икки ҳисса оширди.

— Акамнинг мазаси йўқ. Кечагина отдай эди. Бугун эрталаб ҳам тузук юрганди. Бирдан йиқилиб қолди. Сизни сўради. Бериб қўйишдан қўрқаяпмиз.

— Худо меҳрибон. Нима қилишни угина билади.

Эгамназар ота дарров қорини Нарзулла ота ётган чодирга бошлаб борди. Касалнинг ёнгинасига чўк тушиб, энкайди-да:

— Ака, мулла бова келди, — деди паст овозда.

Аммо чол унинг гапини эшитмади ва кўзлари юмук ҳолда қимир этмай ётаверди. Эгамназар отанинг юраги шиғ этиб кетди. “Ўлиб қолган бўлса-я!” — деган ўй хаёлидан яшин тезлигида ўтди ҳамда қўрқа-писа гапини яна такрорлади.

Нарзулла отанинг юзи билинар-билинемас қимирлади ва секин кўзини очди. Тепасида турган Норбой қорини кўргач, юзига табассум югурди.

— Худога шукур, — дея пичирлади тобора қуруқлашиб кетаётган лаблари.

— Ота, ҳали кўп яшайсиз, ҳеч нарсадан хавотир олманг, — деб унинг кўнглини кўтарган бўлди Норбой қори.

\* \* \*

Нарзулла ота жон талвасасида ётган бир пайтда Худойберди укасининг ёқасидан ушлаб турарди. Дилдора ўзини босолмай тинимсиз ҳиқиллаб йиғлар, Икром уни овутиш билан овора эди.

— Нокас, бунча паст кетасан? Бизни тириклайин ерга тикдинг-ку. Нима деган одам бўлдик! — деб ўшқирарди Худойберди.

— Индаманг, — деди ўзини анча босиб олган Икром, — майли, ўтган ишга салавот. Биз энди бу ерлардан кетамиз. Ҳалиям укангизнинг омади бор экан. Агар икки ойча аввал шу гапларини айтганида, ҳатто озгина бўлсин хотинимга бошқача кўз билан қараганида борми, бутунлай бошқа аҳволга тушган бўларди.

Худойберди ялт этиб унга қаради. Афт-ангориди тушуниксиз ўзгариш пайдо бўлди. У гўёки ажабланаётганга ўхшарди.

— Мен ўғримасман. Лекин авторитет эдим. Козир, туз! Олдимни кесиб ўтадиган одам қолмагани. Ўғри, жаллод, каззобларнинг бари етти букилиб туришарди. Ҳатто соямга салом бериб, кўзларига суртишга тайёрлариям бор эди. Аммо бунақанги ишларни йиғиштирдим. Бошқаларга ўхшаб яшайман, деган ниятда бу ёқларга келдим... Худо кўп кўрди. Тинч яшаш менинг қўлимдан келмаскан. Кимнидир ўлдиришим, талашим, хонавайрон қилишим керак экан. Ана шу қисматни Худо пешонамга ёзиб қўйган экан. Мана, ҳаммасидан хабар топдинглар. Айтмоқчимасдим-у, лекин мажбур бўлдим.

Бахшуллони чақмоқ чаққандай бўлди. Икром тепган жой чимиллаб тургани. Оғриқ дарров орқага чекинди. Бир силтаниб, акасининг чангалидан чиқди-да, тез-тез юриб Икромнинг ёнига борди.

Икром уни тагин ҳамла қилмоқчи, деб ўйлаб муштларини маҳкам тугди.

— Мени кечир, — деди мутлақо кутилмаганда Бахшулло, — билмабман. Озгина ёшлигимга борибман.

— Кимлигимни билганингдан...

— Йўқ, — дея бош чайқади чўпон йигит бирдан, — кўрққаним йўқ. Дилдора сени ўлдиришимдан, сен билан қасдлашимдан тўхтатди. У менга яхшилаб тушунтириб қўйди. Бошқача ўйловдим. “Чиройли қизлар кучи кўпларники бўлади фақат”, деган хаёлга борган эканман. Тўғри, аслида сен мендан анча кучли экансан, лекин шундай бўлсаям, агар қизда менга нисбатан озгина қизиқиш бўлганида, тўғриси, ҳеч нарса тўхтатолмасди.

Камгап, фақат ўзиникини маъқуллайдиган, чўрткесар укасининг бунақанги кутилмаган ўзгариши Худойбердини шошириб қўйди, у секин юриб уларнинг ёнига келди.

— Бир марта сенга ишонгандик. Яхши бола бўлди, нотўғри иш қилаётганини тушунди, деб ўйловдик. Лекин, мана, адашганимизни ўзинг кўрсатиб қўйдинг. Энди сенга қандай ишонамиз? — деб Бахшуллога таъна қилди.

Чўпон йигит яқингинада Дилдора ташлаб юборган пичоқни ердан олди-да, ўзининг кафтини кесди. Бирпасда яраланган жойдан қон сизиб пастга тома бошлади.

— Қўлингизни беринг, — деди у Икромга тик қараб.

Икромнинг ҳам кафтидан қон чиққач, Бахшулло Худойбердининг қўлини кесди.



— Менинг акам бўлдингиз, — деди чўпон йигит Икромнинг қони билан ўзиникини аралаштиргач, — агар акамнинг хотинига — янгамга кўз олайтирсам, эмган сутим ҳаром бўлсин!

Унинг шу гапидан кейин Дилдоранинг кўзлари порлаб кетди. У хурсандчилигини ичига сиғдиролмай, аввал эрининг, сўнг Бахшуллони юзидан чўлпиллатиб ўпди.

— Байрам қиламиз! — деб қичқирди Худойберди ва Дилдорага қараб: — қани, келин, ҳамма топган-тутганингизни опкелинг. Бахшулло, олов ёқ, ўзим сизларга қўлбола кабоб тайёрлаб бераман. Ҳа, ароқ топиш керак! Шунақанги ичгим келаяптики, у ёқ-бу ёғи йўқ.

— Мен ўзим билан битта опкелганман! — деди Икром ҳам қувониб.

Чўғда пишган гўштни газак қилган йигитлар кўз очиб юмгунча бир шиша ароқни бўшатишди. Озгинадан кайф қилишди. Орада Худойберди укасига қочириқ гаплар қилди. Бир қарашда бундан бирмунча аввал бу ерда ҳозир уч ака-укага айланган йигитларнинг иккитаси қирпичоқ бўлганга сираям ўхшамасди. Худди улар дам олишга келишган-у, айш-ишрат билан оворадай эди.

— Энди отамнинг қўнглини кўтарадиган бўлдинг, — деди зиёфат охирлаётганида Худойберди укасининг елкасига қўлини қўяркан.

— Бетига қаролмайман. Мен қўй боққани кетаман, — деди ердан кўзини узмай ўтирган Бахшулло.

— Ўзим тушунтираман. Кечиради, — деб Худойберди Икромга юзланди, — биз борайлик. Қўйларам эгасиз қолди. Анави куни борганимда Неъмат ака анча тўнғиллади.

— Биз ҳам кетамиз, — деди Икром икки ака-укани ҳайратлангириб, — Дилдора шаҳарни роса соғинибди. Олиб борай.

— Келасизларми қайтиб? — дея унга умид кўзлари билан боқди Худойберди.

— Насиб қилса...

— Сиз ҳам гинани унутинг. Боядан бери разм соламан, ҳечам очилмаяпсиз. Ёки биз билан ака-ука бўлганингиз ёқмадимми?

— Нималар деяпсиз? Бошим осмонга етди. Лекин Дилдораям роса ичикди-да.

— Ундай бўлса майли.

Бахшулло билан Худойберди ўзларининг тулпорларига минди. Дилдора билан Икром эса ўзларига совға қилинган отга мингашишди. Эндигина йўлга тушганларида, айнан улар борадиган сўқмоқда Сайдулло шериги Мурод билан келмоқда эди.

Сайдулло Солига Икромни топганлигини айтди. Аммо уни ўз кўзи билан кўрмаган эди. Бахшуллонинг сўзига ишонганди. Фаросатсизлигига бориб, чўпон йигитни бевақт ўлдириб қўйди (у шундай хаёлда эди. Чунки бунақанги зарб билан урилганидан сўнг одам тирик қолмаслиги керак) ва тайёр ёрдамчидан айрилди. Энди бўлса, минг бир азобда чодирлар тикилган жойга пиёда борди. Ҳар қалай, Икромни ўз кўзи билан кўриб, шу ерда эканлигига тўла ишонч ҳосил қилиши керак. Мабодо адашган бўлса, шўрига шўрва тўкилади. Яқин боролмасдан узоқдан роса мўралади. Аммо Икром деган бандани кўрмади. Бунинг устига, тоғликларни ўта бесаранжом кўргач, “разведка”ни бошқа кунга қолдириб ортига қайтди. Келган йўллари айланма эди. Агар қайтишда ҳам ўша сўқмоқ билан юришса, оёқлари шишиб кетиши ҳеч гапмас. Шундоғам иккиси роса ҳолдан кетиб, оёқларини зўрға кўтариб босишарди. Йўл-йўлакай, дадил юришлари учун наша ўраб чекишди. Аввалига ўйлаганларидай, таналарига куч кирди. Бироқ бирмунча фурсатдан кейин барибир тагин толиқишаётганликларини сеза бошладилар. Шунинг учун таваккал кўзлари билан чамалаб, мана шу сойлик орқали қайтишга қарор қилишди.

— Уфф, — деди оёғида дармон қолмаган Сайдулло харсанг устига ўтираркан, — ҳеч қурса, эшак минволсак бўларкан, бу кетишда энамни эмишгаям рози бўп кетаман.

— Чакволамизми? — сўради унинг ёнига орқасини қўйган Мурод.

— Кейин Ойша холанг сув опкелиб берадимми? Томоғим қуриб, нафас олишгаям қийналаяпман-ку.

— Чиқиб қолар булоқ-сулоқ.

— Чиқсин, кейин битта ўраймиз. Қорин ҳам очқаб кетди. Овқатланиб ҳам оламиз.

Шу пайт улар кетаётган томондан от кишнагани эши-

тилди. Гиёҳвандфурушлар бир-бирига қаради. Муроднинг юзида табассум пайдо бўлди.

— Эгаси гум, от бизга, — деди кўзлари олайиб.

— Зўр бўларди. Юр анавининг орқасига яширинамиз, — деб Сайдулло беш-олти қадам баландликда бир-бирига суяниб ўсган арчаларни кўрсатди, — ҳар қалай, кўрмагани маъқул.

От туёғи овози аста-секин янаям яқиндан эшитила бошлади. Иккала йўлдош чўнтакларигаги тўппончаларини чиқаришди ва келаётганларга термилишди.

— Эй-й, — деди кетма-кет келаётган отларни кўрган Сайдулло кайфияти тушиб, — кўпчиликка ўхшайди-ку.

— Учта. Биттасининг икки... Иккинчиси қиз бола экан, нима қилдик энди?

— Мен олдинда келаётган... Шошма, анави Бахшулло-ку! Вой мараз, тирик қопти-да. Жони тошдан бўлса керак. Шошма, қани бу сафар ҳам омон қолиш у итваччага насиб қилармикин? — деган Сайдуллонинг кўзи бирдан Икромга тушди. — Учинчи отдагиларга қара, шаҳаншоҳнинг ўзлари маликасини ўтқизволиб келаяптилар-ку!

— Ким у шаҳаншоҳ? — сўради ҳайрон бўлган Мурод.

— Ким бўларди, Икром-да.

— Икром?

— Худди ўзи... Мен Икромнинг кўкрагини нишонга оламан, сен олдиндагисини, кейин биргалашиб Бахшуллонинг баданини тешамиз, — деди Сайдулло кўзлари қувнаб.

\* \* \*

Рустамни Дилоромнинг хонасига олиб киришди.

— Дўхтир, — деди қўшнилardan бири, — тезда дўхтир қақариш керак, қаранглар, ўзидан кетиб қолаяпти. Кўп қон йўқотган, тезроқ ҳаракат қилмасак, Худо кўрсатмасин, бир бало бўп қолади.

Ана шу бир бало деган сўз Дилоромни бутунлай эсидан оғдираёзди. Ахир шундай йигит ўлмаслиги керак. У яшаши лозим. Анави Соли-ю Самандарга ўхшаганларни қақшатиш учун у ўлмаслиги лозим. “Ўлиб қолса... ўлиб қолса, қандай чидайман, эндигина тоза кўнгилли, ҳамма нарсага қурби етадиган одамни топганимда, ундан айрилсам?! Ё Худо, буниси энди қандай кўргилик? Адажо-

нимни, ойимни йўқотганим етмасмиди, суянган тоғимни ҳам кўп кўрасанми менга?!” — дея хаёлидан ўтказиб, ҳўнг-ҳўнг йиғлашга тушди. Унга дарров бошқа сингиллар ҳам жўр бўлди.

— Йў... йўқ, — деди каравотда ётган Рустам зўрға, кўзини-да очишга қурби етмай, — ўзимизнинг дўхтир бор.

Кўшниллар дарров бир-бирига қарашди. Тезда уларнинг юзларида қўрқув аломатлари пайдо бўлди. Дарҳақиқат, улар бу оилани жуда яхши билишарди. Шу боисдан ҳам кўпам алоқа қилаверишмасди. Ҳозир... Ҳозир иложсизликдан, азбаройи ичлари ачиганидан ёрдамлашишди.

— Опа! — деди кўзидан дув-дув ёш оқаётган Нигора Дилоромнинг кўлидан ушлаб. — Ўлиб қолади! Касалхонага оборайлик!

Чиқишга тараддуд кўрган кўшниллар унинг гапини эшитишлари билан жойларида таққа тўхташди.

Довдираган, чорасиз қолган Дилором нима ҳам дейиши мумкин? Бундай пайтда, албатта, холис, ақлли одам керак бўлади. Ва кўшниллар орасидан шундайи чиқди.

— Сизлар аделга ётқизиб дарвозага оборинглар, мен машина миниб келаман, — деди у.

Операция бир соатдан мўлроқ давом этди. Бу вақт ичида Дилором ва унинг сингиллари адои тамом бўлишди, ҳисоб. Худди акалари жарроҳ тиғи остида ётибди-ю, буларнинг жонлари ҳалак эди.

Ниҳоят ёши қирқ бешлардан ошган, пешонасида учтўртта ажини бўлган оқ халатли киши ташқарига чиқди. Чўнтагидан сигарета олиб лабига қистирди ва шошилмасдан тутунни ҳузур қилиб ичига ютди.

— Рустам акам яхшимилар, соғайиб кетадиларми?! — дея сўради Дилором унинг ёнига шошиб бориб киприкларини пирпиратганча.

Дўхтир унинг саволига жавоб беришдан аввал қизга бошдан-оёқ қараб чиқди. “Ваҳ-ваҳ! — ўйлади ичида. — Дунёда шундай гўзал ҳам бўларканми? Эсиз, ёшлигим ўтиб кетди-да! Умуман олганда, ҳалиям кеч эмас-у, аммо кийин-да”.

— Ҳимм, — деди қизни кўздан кечириб бўлган шифо-

кор, — озгина кеч қолганларингда, қабристоннинг адресини айтган бўлардим. Ҳартугул, олиб қолдик...

— Эй, Худо! — дея бақриб юборган Дилором юзини кафти билан бекитди.

— Ўзингизни босинг, синглим, мен сизга ўлиб қолди, демадим-ку, тирик! Ҳалиям бахти бор экан, белидан теккани деярли беэён, лекин айнан шу жойдан қон кўп оққан, аммо оёғини синдириб кетибди иккинчи ўқ! Дарвоқе, биз ҳали милисага хабар бермадик. Срочний операция қилишимиз керак эди. Ҳар қалай, одамнинг жони муҳим. Хабар бериш қочмас. Мана, сигаретани яхшилаб чекиб...

— Акажон! — деб унга мўлтираб қаради Дилором. — Худо хайрингизни берсин. Юзингиздан ажойиб инсонлигингиз кўриниб турибди. Олдин ўзига келсин. Милисага хабар бериш қочмас. Биз бу одамни унчалик яхши танимаймиз. Кўзини тезроқ очар...

— Ҳозир наркозда. Ухлаяпти. Келади ўзига... Анча қон куйдик. Ўзи бизда қон йўқ эди. Бир киши опкелувди. Шунга...

— Қанча туради ўша қон?..

— Нималар деяпсиз, гапингизни бошқалар эшитса, — доктор атрофига аланглади, — бизни қип-қизил поражўрга чиқариб кўйишади. Ундан кейин сиздай қиздан...

Шифокор гапини тугатишга улгурмади. Ҳартугул, Заҳро билан Нигоранинг бўйинларида тилла занжир бор экан. Дилором иккаласини ҳам ечиб олиб, докторнинг халати чўнтагига солди-да, деди:

— Яна берамиз, сиз бу ёғидан ҳечам хавотир олманг, ўша одамга ўзингиз қонни бир бало қилиб тўғрилаб беринг, илтимос. Биламан, шу ерда ишлаганингиздан кейин, кўп нарсалардан хабарингиз бор!

— Аслида бошқа одам бўлганида, бунақанги нарсалар билан мени ҳақиқатдан қайтаролмаган бўларди. Сиз эса қиз бола, раъингизни қайтаришга куч тополмаяпман ўзимда. Лекин тиллага қон сотволиб бўлмайди. Кечгача амаларсиз, майли, энди мен борай, касалларга қараш керак.

Шифокор Дилоромдан бошқа нарса умид қилганди. Энди, ҳар қалай, бениҳоя гўзал қиздан бирор сўм олиш-

дан кўра, у билан бирга холироқ жойда чой-пой ичиш дурустроқ-да. “Шу ёғиям бўлади. Одатда, гўзалларнинг макри кўп, ишкал-пишкал... Бунинг устига, ўқ еган одамни олиб келгани... Нима бўлгандаям милисани хабардор қилиш зарур. Яна чатоғи чиқиб, бошим балога қолиб юрмасин”, деган ўй хаёлидан ўтиб, у хонасига кирди-ю, телефонга ёпишди. Ишни битирганидан кейин эса чўнтагига қўлини суқиб, оловдай товланаётган тилла занжирларни қўлига олди. Кўзи қувнади. Агар буларни хотинига олиб бориб берса борми, ўҳ-хў, хурсанд бўлганидан осмонга сакрайди. Ҳар қалай, дўхтирнинг хотини бўлиш ёмонмас-да. Тўрт-беш сўм келиб туради.

— Ўл-а, юлғич! — деди дўхтир кириб кетганидан кейин Нигора. — Пора олмасмиш. Виждонига қарши бормасмиш...

— Ўчир овозингни, — деб уни жеркиди Дилором, — нима бўлгандаям асраб қолди. Сен билан менинг қўлимиздан ҳеч нарса келмасди. Овқат олиб келишимиз керак. Кейин, чамамда, врач берганимизга қоникмади. Уйда озгина тиллаларим бор. Шуларниям бераман. Ҳозир бирон жойга обориб сотиб... эҳ-ҳе, қанча вақт кетади?..

Қизлар уйларига қайтишаркан, йўл-йўлакай бозор қилишди ва дарров таом тайёрлашга тушиб кетишди.

— Опа, — деди овқатнинг суви солинганидан кейин, маъюс тортиб ўтирган Нигора, — ўша Рустам ака сизга ёқдими?

Дилором ялт этиб унга қаради.

— Нима деганинг бу? — сўради ҳайрон бўлиб.

— Ҳеч нима, шунчаки сизга ёққан-ёқмаганлигини билмоқчиман.

— Ўзинг ўйлаб кўр. Биз унга беш-бегонамиз. Лекин қанча ёрдами тегди? Ҳатто жонини беришгаям тайёр у.

— Тушундим буларнинг ҳаммасини. Лекин сизга ёқиб қолдими-йўқми, шуни менга айтинг! Нима, қийинми гапириш! Қилиқларингиздан уни севиб қолганга ўхшайсиз-ку!

Дилором синглисига термилди. Нигоранинг икки юзи қизарган, лаблари билинар-билинемас титрар, нафас олиши тезлашган, кўзини эса тез-тез у ёқдан-бу ёққа олиб қочарди.

— Хўш, — деди Дилором мийиғида кулиб, — нега бунча қизиқиб қолдинг? Сўроқларингнинг тагида бошқа бир гап яширинмаганми, ишқилиб?!

Нигора жавоб қилмади. Лекин узун киприклари орасидан ёш сизиб чиқди.

— Кел ўзимга, — деб қучоғини очди Дилором. Шундоғам йиғламоқдан бери бўлиб турган Нигора дарров ўзини опасининг бағрига отди. — Эркатоим, шириним! Мен аввал сенларни уйли-жойли қиламан. Ундан кейин насиб этса агар...

— Опажон, — деди ҳиқиллаган Нигора, — мен сизга қарши боролмайман. Биласизми?!

— Аввал билмасдим. Мана энди ҳамма нарса аниқ. Мен аслида Рустамга ўхшаган йигитни қидириб юргандим. Унга тегиш учун эмас. Атрофимга одам тўплаб, оиламизнинг илгариги обрўсини тиклайман. Адажоним, ойижоним учун ҳам шундай қилишим зарур. Бошқа мақсадим йўқ. Тўғри, Рустам учун жон куйдираяпман. Унга бирон нима бўлишини ҳечам истамайман...

— Фақат шунинг учунми? Кўнглингизда бошқа ниятингиз йўқми? — деди ич-ичидан келаётган хурсандчиликдан қарсак чалиб юборай деган Нигора.

— Фақат шу. Лекин ўзинг-чи?! Мени роса сўроққа тутдинг... Яхши кўриб қолдингми? Тўғрисини айт!..

— Билмадим, опа. Уни ўйласам ҳаяжон босаяпти. Сиз билан бирга чиқиб кетганида тамом бўлдим. “Ишқилиб, опам севган бўлмасин-да”, деб Худога ёлвордим.

Дилором синглисини қучоғидан бўшатди ва юз-кўзларига термилди.

— Севишга арзийдиган йигит. Лекин сен севиб, у севмаса... Йўқ, синглим, ойижоним орамизда сени ҳаммамиздан гўзал қилиб туққанлар. Ақлинг ҳам кўпроқ. Рустам аввал сени севсин. Агар сендан бошқа қизга кўнгли кетса, кўзи кўр бўлади. Тушундингми, оппоғим! Овқатни иккаламиз оборамиз, мен ташқарида тураман. Ёнига сен кирасан. Хўпми, жоним?!

— Опажон, кўрқаман.

— Нимадан кўрқасан?!

— Билмадим.

— Бу масалада кўрқиш ярамайди. Қолаверса, мени

роса хурсанд қилдинг. Кун бўйи тортган азобларим бир-пасда тумандай тарқаб кетди. Энди бориб энг чиройли кўйлагингни кий. Овқат пишиши билан мен ҳам тайёр-гарлик кўраман.

— Хўп бўлади, — деб Нигора опасининг юзидан чўлпиллатиб ўпди-да, югурганча ошхонадан чиқиб кетди.

Дилором эса столга ўтирди. Пешонасига кафтини кўйди. Ич-ичидан қандайдир ўксик келди. “Мен Рустамни ёқтирганмидим?” — дея ўз-ўзига савол берди. Бироқ жавоб беришга қийналди. Рустам билан бўлган барча суҳбатларини бирма-бир хаёлидан ўтказди. Ҳа, кўнглига ўтиришадиган... Агар яна беш-олти кун шу тахлит гаплашганида, балки ҳақиқатан ҳам севган бўларди. Унда Икром... “Бевафо бошқасига уйланди. Мендан ўша қизни ортиқ кўрди. Йўқ, мен ундан бошқасини севолмайман, ҳар қанча кўркам, ақлли бўлмасин... Нималар деяпман, наҳотки ўзимга-ўзим ҳам ёлғон гапирсам?! Озгина бўлсаям кўнглим илиганди-ку. Рустамни ёқтира бошлагандим-ку. Лекин энди нима қиламан?.. Асли менинг пешонам шўр шекилли, ҳеч қачон ўзим истаган одамга турмушга чиқолмасам керак”, дея ўйлади у ва чуқур нафас олди-да, ўрнидан турди.

Касалхона ёнида милиция машинасини кўрган опасингил бир-бирига қарашди.

— Врач ваъда берувди-ку, ҳеч кимга айтмайман деб, — деди Дилором Нигоранинг саволнамо нигоҳига жавобан.

— Балки бошқа одам учун келишгандир. Болницага кимлар келиб кетмайди?

— Кираверайлик-чи, бир гап бўлар, — деб юришда давом этди Дилором.

Қизларнинг иккисининг ҳам юраги бирдан дукиллаб ура бошлаган, кўнгиллари қандайдир дилхираликдан да-лолат бериб турарди.

— Ие! — деди Рустам ётган палатага кирган милиционерларнинг бири шеригига қараб. — Анвар Турсуновичнинг жияни-ку.

— Йўғ-э! Сен қаердан биласан? Балки...

— Неча марталаб кўришганман бу билан. Нима жин уриб бунақанги аҳволда ётибди? Тоғасига телефон қилай-



лик. Ўзи келсин. Яна бошимизга бало орттириб юрмайлик.

Самандарни энди сўроққа тутмоқчи бўлиб турган Анвар Турсунович ходимларининг телефонда айтган гапларидан капалаги учди. “Самандар менинг қўлимга тушганлигидан итлар қандай хабар топишибди? Дўхтирлар... Менимча, шуларнинг иши. Бирйўла отиб кетишган бўлишса, ишқилиб, уйдагилар тинчмикин? Тез қўнғироқ қилишим керак. Тезроқ”, дея хаёлидан ўтказган подполковник шоша-пиша телефон рақамларини терди. Гўшакни кенжа қизи олди. Отасининг берган саволларига “яхши” деб жавоб берганидан кейин Анвар Турсунович энгил тин олди ҳамда:

— Ҳеч қайсинг уйдан чиқма, қимирламай ўтиринглар, — деди.

Фарзандлар отасининг бунақанги гапларини илгари ҳам кўп эшитишганди. Шу боис, қизи ортиқча савол бермай “хўп” дея қолди.

Терговни кейинроққа қолдирган подполковник хизмат машинасида кўз очиб юмгунча касалхонага етиб келди. Уни кўриши билан истиқболига чиқиб вазият ҳақида ахборот бермоқчи бўлган ходимига қўлини силтади. Гўё гапирма, дегандек.

Бу пайтда Рустам энди ўзига келган, ҳали наркоз тўла тарқаб кетмаганлиги боис карахт эди. Қаерда, нега ётганлигини билмасди. Анвар Турсунович палатага кирди-ю, жиянининг ёқасидан олди.

— Ким? Ким қилди?! — дея ўзини босолмай бақриб юборди.

Рустам ёқасидан ушлаган одам тоғаси эканлигини билди. Аммо нега у бунақанги қўполлик қилаётганини тушунолмай бақрайиб ётаверди.

— Яқинда кўзини очди, — деди подполковникнинг ортидан кириб келган шифокор, — безовта қилиш мумкинмас. Яна озроқ кутишга тўғри келади.

— Қанча? — сўради Анвар Турсунович ортига ўгирилмасдан.

— Бир-икки соат.

Подполковникнинг қўли бўшашди ва жиянининг ёқасини қўйиб юбориб, секин қадини ростлади-да, врачга

билдирмай кўзидаги ёшни артиб олди ва ташқарига йўналди.

Унинг ортидан врач пилдираб борарди.

Анвар Турсунович жиянини иккита қиз бу ерга олиб келганини бош шифокордан эшитганидан кейин пешонаси тиришди. У Рустамнинг шу пайтгача биронта қиз билан гаплашиши ҳақида умуман эшитмаганди. Йигитчиликда бирортаси билан танишиши... Ўн беш кун аввал уни уйлантириш ҳақида гап бўлганди. Анвар Турсуновични опаси ҳол-жонига қўймади. “Отаси, ака-укалари йўқ, ёлғиз ўзи, эртароқ бошини иккита қилайлик, менам набираларим даврасида ўтирай. Жиянинг тенги йигитлар аллақачон икки-учта болали бўп кетишди. Бунинг ўқишини баҳона қилиб уйланишдан қочиб юрибди”, деганди. Анвар Турсунович Рустамни сиқувга олди.

— Йўқ, — деди жияни қатъий, — яна бирор йил шошмай туринглар. Уйланганимдан кейин боқошим ҳам керак-ку. Ундан кейин, кимга уйланаман?

— Шу ёшинггача бирортасини кўз остига олиб қўйманмидинг? — сўраганди подполковник.

— Тўғриси айтсам, тоға, қизларни жиним суймайди, — жавоб қилувди Рустам.

Ўшанда Анвар Турсунович унга ишонганди. Энди эса иккита қиз уни касалхонага олиб келади. Нега?..

Подполковникнинг боши қотиб турганида, Рустамнинг ёнига ўша қизлар келгани тўғрисида хабар беришди.

— Мен ўзим гаплашаман улар билан, — деди Анвар Турсунович бир ходимларига, бир шифокорга қараб, — менга хонани бўшатиб беринглар.

Дилором билан Нигора Рустамни кўришга улгуришмади. Аввалига навбатчи ҳамшира ҳали мумкин эмаслигини баҳона қилиб уларни палатага ўтказиб юбормади. Кейин битта милиционер келиб, бош шифокор ёнига боришларини айтди. Ўшанда Дилоромнинг юраги шиф этиб кетди. “Ҳеч кимга билдирманг, деб ялингандим-а! Номардлик қилибди. Мен аҳмоқ эса яна унга тилла тақинчоқларимни кўтариб келибман”, — дея ўйлаб эзилди. Айни чоғда дўхтирнинг ҳам тиззаси қалтирай бошлаганди. Агар қизлар берган нарсалари тўғрисида милиционерларга гуллаб қўйишса борми, оёғи осмондан бўлиб

кетеди. Кейин уни ҳеч ким бу ерда ушлаб қололмайди. Ўзи яқиндагина бош шифокор бўлганди. Ҳали бу лавозимни эгаллаш учун берган пораларининг ўндан бирини ҳам йиғиб улгурмаган. Агар оёғи тоядиган бўлса, шунча пулидан ҳе йўқ-бе йўқ айрилади. Мисқоллаб йиққан обрўси эса ҳавога созурилади. Пора олганлиги учун қамаб юборишлариям мумкин. “Агар озгина зиён кўрсам, ҳаммаси ўзидан кўрсин. Йигитчани битта укол билан нариги дунёга жўнатиб юбораман”, деб хаёлидан ўтказган врач Дилором билан унинг синглиси орқасидан газаб билан қараб қолди.

\* \* \*

Шотирлари сафга тизилгач, Соли Самандарга хизмат қилган ҳар бир йигитнинг ёнига бориб, бирма-бир кўзига тикилди. Ҳаммасида кўрқув бор. Бари титраб турибди. Бу, албатта, яхши ҳолат. Кўрққан одамни ҳар кўйга солса бўлади. Бу фалсафа унга Шердан мерос. Раҳматли устози сафига қўшилмоқчи бўлган одамнинг аввал юрагини оларди. Юраксиз қолган тана қаёққа бошласанг шу ёққа йўрғалайди-да: қон мурватини бурайдиган асбоб сенинг қўлингда бўлгач...

— Асли бойвачча бўлиб қолган акаларингнинг орқасидан жўнатсам, деб ўйловдим, — деди Соли бармоқларини бирма-бир қисирлатаркан. — Сендақа пачоқлардан кўра, бошқа сал одамбашаралар...

— Окажон, — деди қаторда турган Самандарнинг йигитларидан бири, — любой ишингизни бажарамиз, бир қошиқ қонимиздан кечинг.

— Кўрамиз, — деди унга хунук қараган Соли, — сенлар билан Ботир шуғулланади. Бирортанг ўзбошимчалик қилишни ўйласанг, шу заҳоти каллангни оламан.

Соли уйига кайфи чоғ ҳолда қайтди. Қувонмасинми, кўз очиб-юмгунча йигитларининг сони эликдан ошиб кетди. Энди манаман деганларининг бемалол белини букиб ташлайди.

У кечки овқатни еб, кайфи чоғ ҳолда кейинги кунлар режасини тузиб ўтирганида, Самандарнинг хотини келганини айтишди. Солининг афти буришди. Шундай эсада: “Киритинглар!” — деб буйруқ бергач, ўрnidан туриб телевизорни ёқди ва худди дунёдан беҳабардай курсига келиб ўтирди.

Ҳанифанинг рангида ранг қолмаганди. Кўзлари тўла ёш. Эшикдан кириши билан:

— Акажон! — деб йиглаб юборди. Бироқ Соли ўйлаганидай ўзини гилам устига ташламади. — Укангиз анча кундан бери йўқ. Уйдаги йигитларниям ҳаммаси кетиб қолишди. Кимдан нимани сўрашни билмайман. Бировларнинг гапларига қараганда, Самандар акамни ўлдириб кетишибди. Ҳеч ишонгим келмайди. Акажон, нима қиламан энди-и-и?!

Соли ўзини бамисоли соч-соқоли оқарган, ёши саксонни қоралаб қолган оқсоқолдай тутди. Албатта, хўжа-кўрсинга. Аввал жувонга столни кўрсатиб, ўтиришни таклиф қилди, сўнг бир пиёла чой ичкизди. Ҳаммасини босиқлик, сиполик билан бажарди. Сўнг пешонасини қашлади. Бунақанги одамдан пурмаъно фикрлар чиқади. Солининг назарида, албатта.

— Келин, — деди ғамгин, юмшоқ товушда, — кўргилик экан-да, нима ҳам қилардик? Ўзим ҳам беҳабар қолибман. Йигитлар кеч айтишди.

— Ни-ма?! — деди кўзлари олайган Ҳанифа. — ҳақиқатан ҳам ўлдириб кетишганми?!

— Бу шумхабарни айтиш менга осонмас. Лекин аслидаям бор гап шу.

Ҳанифа олдиндан шундай жавоб бўлишини кутганди. Аммо Соли қандайдир бошқача тарзда айтади, бирданига ўлган демайди, деб ўйлаганди. У довдиради. Қўллари титради. Бошини зўрға кўтариб:

— Соли ака, укангиз... Укангиз... — деди лаблари пир-пираб, — фарзандини кўрмай кетдимиз?

— Ни-ма?! — деди Соли ҳайратланиб. — Бўйингизда борми?

Ҳанифа бош силкиб тасдиқ ишорасини қилди.

— Ундан ҳечам сиқилманг. Умуман, сизга ҳаяжонланиш мумкинмас. Ҳар қалай, укамиз беиз кетмабди-ку. Меросхўр қолибди. Мен йигитларга айтаман, хабар олиб туришади.

— Ҳеч курса, эримни кўмсам девдим. Кейин туғилган қишлоғимга кетмоқчидим.

— Суриштираман. Келин, фақат сиз эмас, биз ҳам бормиз. Биргалашиб кўмамиз. Худойисиниям бирга

ўтказамиз. Қишлоғингизга кетиш қочмас. Ҳозир кен-нойингизга айтаман. Гаплашиб... Ҳар қалай, аёллар бир-бирини тезроқ тушунади.

Соли Ҳанифани ташқарига бошлаб чиқди. Хотинини чақириб:

— Келин оғироёқ экан, ўзларинг нима қилишни гаплашиб олинглар, — деб айтгач, ўзи ичкарига кириб кетди.

“Демак, Самандар болали бўлади. Қонунимиз бўйича ўлганнинг оиласига тегинилмайди. Айниқса, аёли ҳомиладор бўлса... Лекин ўйлаб кўриш керак. Бола ўғил бўлсаю, туғилиб вояга етса, барибир отасини ким гум қилгани билан қизиқади... Бош оғриғидан ҳозирнинг ўзида қутулиб қўйса, яхшироқ эмасми? Ҳозир йўли жуда осон. Битта таблетка ҳамма ишни ҳал қилади... Шошма, моргдагилар ҳеч нима дейишмади. Касалхонадан ҳам хабар йўқ. Самандар ўлган бўлса, нега мен ўлигини кўрмадим? Вой итдан тарқаганлар!..” — шу ўйларни хаёлидан ўтказган Соли бирдан тутоқиб кетди ва эшик ёнида турган йигитини чақириб, тезда машина тайёрлашни буюраркан, Ботирнинг зудлик билан “кулба”га (у эски шаҳардаги уйини шундай деб атарди) етиб келишини тайинлади.

Йўқ, ёрдамчилик вазифасини ўтаётган йигити вақтида келмади. Соли “кулба”га етиб борганидан кейин ҳам анча ҳаяллаб қолди. Лекин бунинг учун у аччиқланмади. Қайтанга, сигарета чекиб миясидаги фикрларини обдон пишитди.

Ёрдамчиси келганидан кейин эса уни бир ўқрайиб қараш билангина жазолаб қўя қолди.

— Ҳамма нарсадан хабаринг борми? — сўради у Ботирдан.

— Бор, — деди шотири.

Соли бундай жавобни кутмаган эди. Шу боис, озгина эсанкиради.

— Нимадан? — деди илжайиб.

— Самандарнинг тирик қолганидан. Рустамнинг бальнисадалигидан. Найновнинг ияги кўтарилиб кетганидан.

Соли бақа бўлиб қолди ва қўлини мушт қилиб тугди.

— Тушунмадим. Самандар тирик?! Рустам ҳам ўлмаган?!

— Ҳа, йигитлар Самандарни ўлган деб хато ўйлашибди. У бор-йўғи ҳушидан кетган экан. Рустам анави Анвар Турсунович деган подполковникнинг жияни бўлиб чиқди...

— Вой мараз! Вой ифлослар! Кимнинг кўзига чўп тиқмоқчи бўлди улар? Қани анави итдан тарқаганлар?..

— Икковиям нариги дунёда юрибди. Ўзингиз гум қилдингиз.

— Сен қаердан билдинг ҳаромхўрларнинг тирик қолганини?!

— Найновдан жавоб бўлавермагач, ўзим бориб текшириб кўрдим.

— Самандар қаерда?

— Ҳозирча отделнинг қамоғида. Ўзига келиши билан Анвар Турсунович...

— Ким у Анвар Турсунович деганинг?! — бақириб юборди Соли.

— Бир марта Шерниям қамаб юбормоқчи бўлган.

— Давом эт!

— Хуллас, унинг ўзи Самандарни сўроқ қиларкан.

— Рустамнинг ўлмаганини қаердан билдинг?

— Дўхтирларнинг каттаси оғайним бўлади. Беш йил аввал шоввозлар машинасини тинчитганида, бирор қора кунимизга керак бўлади, деб бир тийинсиз қайтариб бергандим. Фойдаси тегди. Рустамни тинчитиш осон. У ётган касалхонанинг главврачи танишимнинг итдай хизматини қиларкан.

— Тушундим. Найновнинг ияги кўтарилибди дедингми?

— Ёнига бордим. “Югурдагинг бўлдимми? Агар яна бир марта олдимга мелочовқаларинг билан келсанг, умрингни қамоқда чиритаман”, деди.

— Вой итдан тарқаган! Одам бўп қоптими?! Ким кўтарганини эсидан чиқарибдими? Адашмасам, Москвада ўғилчаси ўқийди. Йигитларга айт, иккитаси самолётга ўтирсин-да, бугуннинг ўзида оёғини ерга теккизмай олиб келсин. Биз мелочовка ишлар қиладиган одам бўп қолдикми, ҳали?! Онангни амма дедирмасам, отимни бошқа кўяман, ифлос!.. Короче, Самандарга выход топ. Айт хотини бўғозлигини. Агар биринг деб гуллайдиган бўлса,

ўзидан ўпкаласин. Рустамнинг давоси бўлса, битта укол, дединг, менимча. Лекин ҳамма иш хамирдан қил суғургандай бўлсин, биров хитланмасин. Тушундингми?!

— Шеф, айтганингиздай бўлади. Фақат ишларнинг бари пачавамас, яхшисидам бор!

— Йўғ-э! — ўшшайди Соли. — Сенларда яхши иш ҳам бўладими?!

— Самандарнинг йигитлари шунча кундан бери йиққанларини олиб келишди. Машина багажи тўлишига оз қолди.

— Нима қип турибсан? Опке. Ҳеч бўлмаса шуни деб эллик-эллик олайин!

Ботир пулларни қоплаб келтиргунича Солининг ҳайдовчиси ароқ билан газак ҳозирлашга улгурди.

— Шошма! — деди қопни кўрган Солининг кўзлари қувончдан порлаб. — Аввал юз-юз оламиз, кейин очасан!

— Хўжайин, ҳали сиз билан бир мартаям ичмаганман! — деди Ботир қувониб.

— Йўғ-э! Мана энди ичасан, мен сенга бир нарсани айтай, белинг бақувват бўлса, тананг соғ бўлади! Қани олдик!

Бир қадаҳ билан Соли қаноатланмади. Яна икки марта куйиб ичди. Кайфияти янада кўтарилди. Тўғри, Ботир олиб келган қопдаги пулдан кўпини кўрганди. Лекин ўзиники эмасди. Аввал Шерга ўзи шунақанги пулларни олиб келиб берди. Сўнг Икромни таъминлади. Кейинроқ унинг кўз ўнгида Самандар эга чиқди. Номард, сариқ чақани ҳам раво кўрмади. Худо бераман деса, эрта-кечи йўқ экан. Қоп ичида камида йигирма-ўттиз минг бор. Албатта, бу кам, лекин бошланишига бўлади.

У қоп ичига қўлини тиқиб, икки сиқим пул чиқарди.

— Кўриб қўй! — деди Ботирга гўддайиб қараркан. — Булар ҳамманинг пули. Аввалги акангларга ўхшаб барини ўзимники қилиб олмайман. Сен, бошқа йигитлар, барчанг шериксан! Энди бор, айтганларимни бажар.

Бойлик Солининг кучига куч қўшди. Файрати жўшиб, нима иш биландир ўзи шуғулланишни истади. “Найнов олдимга эмаклаб келади. Буниси аниқ. Самандар турмага тушгач, шу ёқдаги йигитларнинг ўзлари тинчитишади.

Уларга намёк қилинса бўлди. Рустамнинг иши ҳам ҳал. Демак, Икром қолаяпти. Эртароқ топиб бошини мажақлашим зарур. Агар шундай қилмасам, кўнглим таскин топмайди. У жуда маккор. Кутилмаган жойдан чиқиб келади... Бу ёғи қирғизлар билан тожиклар ҳам “мол”-ни кимга беришни билмай бошлари қотган. Тезроқ ишларни саранжомлашим керак”, дея хаёл сураркан, шишадаги ароқни ичиб тугатиб қўйганини сезмай қолди.

Сўнг йўлга тушишга шайланаркан, ҳайдовчи йигитга эрта тонггача Сайдуллони топиш зарурлигини уқтирди.

— Овга чиқамиз, у тоғларни яхши билади. Бир-иккита кийик овлаб есанг, жонинг роҳат топади. Ҳеч умрингда каклик отганмисан? — сўради у ҳайдовчисидан.

— Йўқ, насиб қилмаган.

— Бўлади. Какликнинг додасини овлаймиз. Ёнида битта кийигиям бўлади. Бир нарсани айтиб қўяй, кийикни тириклай ушлаймиз. Кейин бу ёққа олиб келиб, мен ўзим боқаман.

Шотири Солининг гапларини тўғрилигича қабул қилаётганди. Шу боис шефига қараб қўйди-да:

— Менимча, ялангликда юриб ўрганган кийик шаҳарга кўниколмай ўлиб қолади-ёв, — деди.

— Ўлмайди. Ҳайронман, тоғу тошга қандай қилиб кўникибди? Кийик асли шаҳарлик...

Соли бошқа нарсани назарда тутиб гапираётганини унинг шу гапидан кейин шотири англади ва ортиқча савол бермай йўлга термилганча, машинани бошқариб кетаверди.

— Билсанг, — гапида давом этди Соли, — кийик шунанганг додаки, кўриб оғзинг очилиб қолади. Сволоч, Икром билади.

Унинг ўз-ўзидан газаби қўзиди. Ўриндиқни бир неча марта муштлаб урди. Сўнг асабийлашган кўйи сигарета чекди.

Уйга борганидан кейин ҳам кўзига ҳеч нарса кўринмади. Нега бунчалик асабийлашаётганини ҳам ўзи билмади. Шунчаки ҳайдовчисига Икромнинг қанақалигини айтмоқчи бўлди-ю, тутақиб кетди.

Диванда шифтга қараб ётганида, энг кичик ўғли — эркатойи ёнига келиб суйкалди.



— Адажон, морожний оберинг, — деди эркаланиб.

— Бор, бошим оғрияпти, ойингга айт, — дея ҳайдамоқчи бўлди. Бироқ ўғли айтганига кўнмади, баттар тегажоқлик қилаверди. Шундоғам асаби бузилиб турган Соли ирғиб туриб ўғлининг юзига шапалоқ тортиб юборганини сезмай қолди. Умрида калтак емаган бола гурсиллаб полга қулади. Сўнг қўрқув зўр келиб, тура-сола қочаётганида қоқилиб кетиб, деворга бошини урди-ю, бақирришга ҳам улгурмай ҳушидан кетди.

— Тоҳир... Тоҳиржон! — қичқирди Соли. — Ўғлим!

У югуриб келиб ўғлини кўтарди. Кўзлари юмуқ боланинг нафас олиши ҳам сезилмаётганди.

— Мафтун!!! Қайси гўрдасан, Мафтун!!! — деб қичқирганча Соли хотинини чақирди.

Ошхонада эндигина овқат тайёрлашга ҳозирланаётган жувон сапчиб тушди ва эрининг ёнига югурди.

— Йиқилди! Йиқилиб тушди! — бақирарди Соли, унинг ранг-қути ўчиб кетган, кўзлари олайганди. — Деворга бошини урди! Мен аҳмоқ, мен мараз!

Шовқинни ташқаридаги йигитлар ҳам эшитиб югуриб киришди.

— Болагинам, болажоним, кўзингни оч, жоним болам! — деб йиғлашга тушди аёл.

— Тезроқ дўхтирга... дўхтирга обориш керак! — деб ўқирган Соли ўғлини кўтарганча ташқарига отилди.

Солининг шотирларидан бири шоша-пиша дарвозани очди. Иккинчиси машинани юрғазди.

— Мафтун, Мафтун! — дерди орқа ўриндиққа ўтирган Соли ёнидаги хотинига. — Ўлмайдими? Ўлмайдими, тўғримми? Мана, пешонаси иссиқ. Кўкрагига қулоғингни қўйчи, нафас олаяпти, тўғримми?!

У бутунлай ўзини унутганди. Нима деяётганини билмас, кўзига ўғлидан бошқа ҳеч ким кўринмасди.

— Сўяман! Ўзимни сўяман! Сени урган қўлларимни чопиб ташлайман! Фақат ўлмагин, Тоҳиржон!

\* \* \*

Анвар Турсунович аввал иккала қизга термилди. Буни билдирмаслик мақсадида, қоғозларни у ёқдан-бу ёққа олди. Ора-чора кўз ташлаб қўяверди. Опа-сингил ҳайрон эди. Гарчи уларнинг ҳар иккиси ҳам чақирилиш сабаби-

ни деярли билишса-да, милиционернинг вақтни чўзиб лом-мим демаётгани таажжублантираётганди. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, Анвар Турсунович тилга кирди.

— Рустамни қаердан танийсизлар?

— Шунчаки кўчада кўришиб қолганмиз, — жавоб қилди Дилором.

— Шунчаки... Шунчаки... Қиз билан йигит шунчаки кўчада танишиб қолади. Кейин биттасини отиб кетади. Иккинчиси бирдан унинг ташвишини қилади. Ҳатто касалхонага кўргани келади. Ҳаммаси шунчаки. Соч-соқоли оқарган мўйсафид мана шундай шунчаки гапларга дарров ишонади. Нима дедингиз, синглим?

— Билмадим, — жавоб қилди юзига қизиллик югурган Дилором.

— Мен сизлар билан очиқчасига гаплашмоқчиман. Рустам менинг жияним бўлади. Сизлар унга ким бўласизлар?

— Қиз бола ўртоқлари.

— Яхши. Қаерда турасизлар? Исmlларинг нима? Отаналаринг ким? Ҳар қалай, жиянимнинг қиз бола ўртоқларини мен ҳам билишим керак-ку.

Опа-сингил бироз сукут сақлашди. Ўзлари ҳақида маълумот беришни ишташмаётганди улар. Ҳозир гап бошлалашса, тамом, қолгани ўз-ўзидан очилиб кетаверади. Лекин гапирмасдан ҳам илож йўқ. Булар бир бошладими, охиригача сўраб-суриштиришади. Шу боис, Дилором кимнинг қизи эканлигини яшириб ўтирмади. Шернинг номини эшитгач эса, Анвар Турсуновичнинг кўзлари олайиб кетди. Дилоромдан қайта-қайта сўради. Ҳар сафар қиз энсаси қотиб жавоб бераверди. “Рустам! Кимларга қўшилиб қолдинг, жиян? Келиб-келиб ўғри-муттаҳам, қаллобнинг қизи билан топишдингми, жиян? Опамни бутунлай соб қиларкансан-ку!” — дея хаёлидан ўтказди Анвар Турсунович.

— Ким, нима мақсадда Рустамни отганини ҳам биларсиз, қизим?

— Йўқ, — жавоб қилди Дилором, — билмайман, Рустам уйимизга кузатиб кўяётган эди. Бирдан қандайдир машина пайдо бўлди-ю, тасир-тусур қилиб отиб ташлади.

— Номери, машинанинг ранги...  
— Қўрқиб кетганимдан, билолмадим.  
— Балки отангизнинг ҳамтовоқлари...  
— Адамлар гўрларида тинч ётсинлар. Ўлганларига анча бўлган, шунинг учун аралаштирманг, — деди Дилором хаяжон босиб йиғлаб юборишдан ўзини зўрға тияркан.

— Ҳаммасини тушунаман. Ҳозир отделга борасизлар. Қолган сўроқ шу ёқда бўлади. Сизлардан илтимос, Рустамни эсларингдан чиқаринглар. У ёлғиз фарзанд. Кела...

— Нима, биз фарзанд эмасми? Кўчада қолганмизми? Одам қаторидан аллақачон чиқариб ташлагансизларми?..

Опасининг кўзидаги ёшни кўрган Нигора ҳам йиғлаб юборди.

— Адамларни, — деди у Дилоромнинг гапини давом эткизиб, — ўлдириб кетишди. Лекин бирорталаринг ҳоли-миздан хабар олмадинглар. Ойимларни машинада уриб кетишди. Йиғлаб-сиқтаб ўзимиз обориб кўмдик. Жиянингиз ёмон аҳволга тушиши билан бутун милиция оёққа турди. Нега шунақасизлар? Нега фақат ўзларингни ўйлайсизлар!

Анвар Турсунович нима деярини билмай гангиб қолди. Дарҳақиқат, жиноий тўдалар орасида анча вақтдан бери келишмовчилик борлигини биларди. Бунинг натижасида қанчадан-қанча одам ўлиб кетаётганидан ҳам хабардор эди. Бироқ битта ўзи нима қилсин? Тўда ҳақида гап кетдими, ҳамма бошлиқлар юзини буради. Ҳатто биттаси очиқчасига: “Нима қиласан оғримаган бошингни оғритиб? Яхшиси, “Оч қорним — тинч қулоғим”, деб юравер”, деганди. Шундай эса-да, у бир неча марта қарши курашмоқчи бўлиб кўрди. Қараса, аҳвол чатоқ, ҳамма йиғилишларда айбсиз айбдор. “Ўсиш”дан ҳам тўхтади. Шундан сўнг: “Агар тепадагилар шуни хоҳлашаётган экан, менга нима?” — дея қўл силтаб қўя қолди. Лекин барибир тўдалар қилган жиноятлар ҳақида ҳар сафар хабар топганида, ич-ичидан эзилиб кетарди.

“Буларнинг ички ишлар органи билан алоқа боғлаши мумкин эмас, — ўйлай бошлади у, — Рустам милиционернинг жияни. Демак, у билан салом-алиқ қилинган, чегарадан чиқилган ҳисобланади. Жазо битта. Ўлим. Милиционерга тегишли бўлган одамгаям, у билан алоқа боғлагангаям. Қиз-ўғил — буниси роль ўйнамайди”.

— Сизларни йигитлар уйларингача кузатиб кўйишадди. Қоровуллик ҳам қилишадди. Ҳозирча ҳеч қаерга чиқманглар. Ҳамма ёқ тинчиганидан кейин ўзим хабар берман, — деди Анвар Турсунович қизларга боқаркан.

— Рустам акамлар-чи?! — деди кўзлари жовдираган Нигора. — Уларни...

— Ундан хавотир олманглар, сизлар айтгандай, у менинг қариндошим. Жин ҳам урмайди. Соғайиб кетгунча ўзим шу ерда бўламан.

— Бир мартагина кўриб кетсам майлими?! — деди ўзини тутолмаган Нигора кўз ёшини бармоқлари билан артаркан.

— Майли, — деди ноилож қолган Анвар Турсунович, — фақат битталаринг киринглар. Ҳа, дўхтирлар ҳали тўла ўзига келгани йўқ дейишди.

— Кираману чиқаман, — деб Нигора опасига қараб оларкан, жилмайиб кўйди.

Нигоранинг шу гапидан кейин Анвар Турсунович келин бўлишга ким даъвогарлик қилаётганини дарров англади. Лекин Шернинг қизини жиянига олиб бериш нияти йўқ эди. Ортиқча машмашанинг кимга кераги бор? Қолаверса, булар жуда эрка ўсанликлари аниқ. Қариб қолган опасининг иссиқ-совуғидан хабар олишнинг эпиниям қилмаса керак. Ҳозирча кўриб чиқсин, кейин Рустам тўла ўзига келгач, у билан яхшилаб гаплашиб кўяди.

Дилором хонадан чиқиб кетаётиб, ортига ўгирилди. Анвар Турсунович унга савол назари билан қаради.

— Анави, Рустам акамни операция қилган дўхтирнинг қараши бошқача, — деди қиз киприкларини пирпира-тиб.

Опа-сингил чиқиб кетганларидан кейин Анвар Турсунович баттар сергакланди. Мияси ғовлай бошлади. “Агар дўхтир тўдадагиларга хизмат қилганда, биринчи уларга хабар берарди. Рустам йўқ қилиниб... Балки бошқача ўйин бордир. Нима бўлгандаям, врачни эътибордан четда қолдирмаслик керак”, — деб у энди шифокорни ёнига чорлаб, гап-сўзини эшитиб кўрмоқчи бўлганида, ходимларидан бири кириб келди-да, бошқармага чақиринишадиганини айтди.

— Ким экан? — деди бевақт чақирувдан пешонаси тиришган Анвар Турсунович.

— Арслон Остонакулов, — жавоб қайтарди ходими.

\* \* \*

Соли “Найнов” деб атайдиган одам айни шу эди. Ботир қўнғироқ қилиб: “Қадамнингни ўйлаб бос, сени қандай кўтарган бўлсак, шундай тушириб қўямиз. Кейин кўрасан тоғдан думалаб тушиш қанақа бўлишини”, деб гўшакни қўйиб қўйди. Шу пайтгача ияги кўтарилиб: “Солига қўшиб ҳаммангнинг турмада чиритаман”, деган одамнинг бирдан юраги ўйнаб қолди. Аввалига нима қиларини билмай каловланди. Сўнг қўнғироқ қилиб ёрдамчиларини оёққа турғазиб, Самандарнинг қайси касалхонага тушганлигини аниқлади. Анвар Турсунович уни ўзи билан олиб кетганини эшитгач эса тепа сочи тикка бўлди. “Ҳаром қошигини тикмаган жойи қолмади қари товўқнинг!” — деб бақирди. Суриштирди. Ҳозир Анвар Турсунович бошқа бир касалхонада эканлигини, кимлардир жиянини отиб кетганлигини аниқлади.

— Тинмасанг, тиндиришади, — дея ўзига-ўзи сўзланди у ва иржайганча Солига телефон қилди.

— Мараз! — деди Соли унинг овозини эшитиши билан. — Кўрнамак, остинг семириб кетдим, кресло қўйиб қўййликми?!

Найновнинг ранги оқарди. Ҳаяжон босиб, қўли қалтиради.

— Ока, — деди ўзидан ўн икки ёш кичик йигитга, — ҳаммасини еъ қиламан. Кечга ёнингизга совға-салом билан бораман! Ботирга ҳазиллашгим келувди-да.

— Ҳазил қанақа бўлишини сенга кўрсатиб қўяман, итдан тарқаган! Кечқурун совғанга яраша совға тайёрлайман!

“Ту-ту” деган овоз келганидан кейин ҳам анча вақт Найнов гўшакни жойига қўймади. Юраги санчгандай бўлди. “Кўча болалари”га қўшилиб қолган кунига ичида лаънатлар ўқиди. Кейин вазиятдан чиқиш йўлини қидирди ҳамда кутилмаганда дўхтирларга бош бўлган одам хаёлига келди.

Узоқ салом-алиқдан кейин Найнов уни ресторанга таклиф қилди. “Бобур Тўхлиевич, чақчақлашмаганимизгаям

анча бўлиб кетди. Иш ҳам роса жонга тегди. Ярим соат ичида Гулбоғда кўришамиз, келишдикми?” — деди.

— Агар бирорта ойимчангиз ёки бошқа гап бўлмаса, чойхонага чиқамиз, ўзим бозорлик қиламан-да, қўлбола ош дамлайман, окагинам! Сайратвормасам айтоврасиз, — дея ҳиринглади Бобур Тўхлиевич деганлари.

Найнов унинг гапига кўнмасдан иложи йўқ эди. Фақат шу чойхона деган сўз кўнглига тегиб кетди. Бироқ эътироз билдириб ўтирмади.

У чойхонага атай кечроқ борди. Токи Бобур Тўхлиевич исмли фан номзоди ошни тайёр қилиб қўйсин.

Улар кучоқлашиб кўришишди.

Орадан бирор беш дақиқа ўтар-ўтмас, ош сузилди. Бунгача икки ошна икки қадаҳдан ароқ ичишди. Яйрашиб, у ёқ-бу ёқдан гаплашишди.

— Бир одам ортиқча бўлиб турибди, — деди Найнов Бобур Тўхлиевич иштаҳа билан ўзи пиширган паловни еб, қадаҳларни шайтон неъматига тўлдираётганида.

— Шуям муаммо бўптими? Ортиқчани четга суриш керак, — деди-ю, дўхтирларнинг каттаси бирдан оғзидаги луқмасини чайнашдан тўхтаб, Найновга қаради, унинг лўппи юзидан қон қочди. — Ишқилиб... — дея гўлдирди у.

— Ҳе, — деб кулди Найнов, — бу дейман, чумчуқ пир этса... Сиз билан умримизнинг охиригача ошна бўламиз, хавотир олманг ҳеч нарсадан. Манавини олворайлик.

Бобур Тўхлиевич бир кўтаришда қадаҳни бўшатди ва лаб-лунжини қўли билан артаркан:

— Қанақанги одам экан ўша ортиқча? — деди.

— Шогирдларингизнинг қўлига бир касал тушибди. Хуллас, оқаларга ўша касалнинг умуман кераги йўқ экан. Яхши уқоллардан ишлатворасиз-да... Аввалам бир-икки марта мурувват кўрсатувдингиз, яна бир марта қўллайсиз деган умиддаман, — деб Найнов бир чўқим ошни олиб оғзига солди ва иржайганча ҳамтовоғига юзланди.

Бобур Тўхлиевичнинг бутунлай иштаҳаси бўғилди ва сочиққа қўлини артди.

— Эй, оғайни, бунақаси кетмайди, бу ерда мен меҳмонман, так что, товоқдан қўлимни олмагунимча еб турасиз, — дея унинг қўлидаги сочиқни олиб қўйди Найнов.

“Маданият деган кўчанинг яқинигаюм бормаган бу аб-лаҳлар”, дея хаёлидан ўтказди Бобур Тўхлиевич. Аммо ўзи жилмайди ва пиёлаларга ароқ қуяркан:

— Майдалашиб нима қилдик? Олгандан кейин одам-ни сал қиздирадиган қилиб олайлик-да. Туяни қошиқлаб суфоргандай ангишвонадан фарқи бўлмаган стаканчада эрмак қилиб ўтираммизми? — деди.

Кетма-кет ичилган ароқ барибир кучини кўрсатди, ора-дан ярим соат ўтар-ўтмас иккисининг ҳам яхшигина кай-фи ошди. Бироқ улар сўзларини йўқотмаганди. Айниқса, Соли томонидан қандай жазо берилишини билолмай қий-налаётган Найнов худди ичмагандек эди.

— Йўқотамизми, оғайни? — деди Найнов кўзи сузи-либ ҳамшишасига термиларкан.

— Ҳалиям шуни ўйлаб ўтирибсизми, ошна? Ҳозир бир телефон билан ҳаммасини ҳал қиламан.

— Унда аввал мен сизга шароит яратиб бераман. Қариб мияси айниб қолган бир ходимимиз бор. Ўшани ёнимга чақириб, озгина тарбия дарсини ўтаман. Унгача шогир-дингиз беморни... Ўзи шундоғам қийналиб ётибди. Ўла-диган бўлганидан кейин, нима кераги бор азобланиб? Ухласин-у, қайтиб ўйғонмасин... — деб ҳиринглади Най-нов ҳамда ишлари бароридан келиши учун пиёлаларни шайтон сувига тўлдирди. Сўнг Рустам қайси касалхонада ётганини айтди.

— Аввал шу адресдан бошламайсизми, оғайни? Яқин-гинада бошлиғини ўзим тайинлаганман. Боланинг озги-на қарзи бор. Шу билан узилишиб кетамиз.

\* \* \*

Анвар Турсунович касалхонадан чиқиб кетаркан, юра-ги шунақанги безовталаниб ура бошладики, асабийлаш-ганидан, лабига сигарета қистирди. Қистиришга қистир-ди-ю, лекин тезда тутатолмай қийналди. Гугурт чўплари синиб кетаверди. Бу эса унинг кўнглини баттар ғашлан-тирди. Касалхонадан ҳечам кетгиси келмади. Аммо бор-маса бўлмасди. Арслон Остонақулов деганлари гарчи са-води ҳаминқадар бўлса-да, роса инжиқ одам. Анвар Тур-сунович уни кимлар “катта” қилганлигини билади. Шу-нинг учун ҳам жини суймайди. Бироқ аксига олгандай, айни шу қаёқдаги юмушлар билан бошини қотиради.

Ҳозир ҳам арзимаган иш баҳонасида вақтини ўғирласа керак. У: “Бораман-у қайтаман”, деган хаёлда машинага ўтирди. Лекин ўша борибоқ қайтишнинг ўзига камида икки соат вақт кетади. Бунгача не бир ишлар бўлиб кетиши мумкин. Бу томонини у ҳали хаёлига келтирмаган эди.

\* \* \*

Нарзулла отанинг қуруқшаган лаблари титради. Буни кўрган Норбой қорини ҳам ҳаяжон босди. Ичида дуо ўқиб, Нарзулла отага Оллоҳдан шифо сўради.

Орадан бир неча сония ўтгач, Нарзулла ота кўзини очди, юзини Эгамназар ота томонга бурди.

— Машраб билан Иззатиллага айт, тез Худойбердининг орқасидан борсин. Анави раис берган уйга кетган, — деб у тагин ҳансираб нафас ола бошлади.

Эгамназар ота ўғли билан Иззатуллани қидириб ўтирмади. Улар ташқарида эшик ёнида туришарди. Иккисига буйруқ бераркан, ов милтиқларини ҳам ўзи билан бирга олишларини тайинлади...

\* \* \*

От кутилмаганда юришдан тўхтаб, бир қарич ҳам келмайдиган қулоғини динг қилди.

— Чуҳ, жонивор! — деди Худойберди. Тулпор юриш ўрнига кишнади ва бироз ортга тисарилди. “Бўри! — хаёлидан ўтказди Худойберди. — Бошқа нарсадан бунчалик ҳуркмайди”.

Унинг ортидан келаётган Бахшулло ҳам шу ўйга борди ва акаси гапирмай туриб секин отидан тушди ва ортидан келаётган Икром билан Дилдорага қараб:

— Бўри, — деди паст овозда.

Шу маҳал олд томондан Икромга ниҳоятда таниш бўлган овоз келди. Бу товуш тўппончанинг ўқланишига жудаям ўхшарди.

— Шошма! — дея у ҳам отдан тушди-да, Бахшуллога қаради. — Бўри эмас, бошқа жонзотга ўхшайди.

Бахшулло оғиз очишга улгурмасидан, олд томондан дупурлаган овоз эшитилди.

Сайдулло икки отлиқни Икромлардан аввалроқ кўрди. Атрофда хавф бор-йўқлигини билиш мақсадида, орқа-олдига бир қур назар ташлаётганида, унча узоқ бўлмаган



жойда ўзлари томон икки киши от чоптириб келаётганига кўзи тушди. “Онангни эмгурлар!” — дея қўлларини мушт қилди у ва Муродга:

— Яширинамиз, яна иккитаси келаяпти! Падар лаънатилар, қачон қарама, биттаси халақит беради! — деди шивирлаб.

Улар энгашиб, ниҳоятда эҳтиёткорлик билан қадам ташлаганча янаям тепароқдаги бўйи бир метрдан сал баланд, лекин энига анча катта бўлган арча ортига ўтиб олишди.

Агар Машраб билан Иззатилла фақат тўғрига эмас, ён-верига ҳам қараганларида, албатта, уларни кўрган бўлишарди.

— Худойберди! — деди оти каби ҳансираётган Машраб тулпорининг жиловидан тортиб тўхтатаркан. — Яхшиям ўзинг келаётган экансан! Тезроқ отингга мин! Отангнинг мазаси йўқ, аҳволи оғир. Эртароқ етиб боришинг керак!

— Нима бўлди?! — деди Худойберди хавотирга тушиб.

— Кетишинг билан мазаси қочди.

Худойберди ялт этиб укасига қаради. Унинг нигоҳидан: “Мақсадингга етдингми?” — деган маънони уқиш мумкин эди. Бахшулло бошини эгди, сўнг бирдан сапчиб отига минди-да, бошқаларга қарамай тулпориға қамчи босди ва зумда кўздан йўқолди.

\* \* \*

Нарзулла ота Худого ёлвориб, ўғиллари соғ-омон ўзининг қазосига етиб келишларини сўрарди. Ўзи билан ўзи овора бўлганидан, ёнида ўтирганларни бутунлай унутди. Ҳатто бир-икки марта иккала фарзандининг исмини айтиб чақирди. “Ишқилиб, мени ўзларинг кўминглар, қабримга бир сиқимдан тупроқ ташлаш икковинггаям nasib этсин. Бир-бирингни бўғизлаб қўймаган бўлгин. Икром! Бошинг тошдан бўлсин, болам”, деган гапларни овоз чиқариб айтдики, бошқалар ҳам эшитиб, бир-бирларига қаради. Ҳаммадан ҳам Норбой қорининг таажжуби ошди. Эгамназар ота томонга энгашиб:

— Тинчликми, ота? — деб сўради паст овозда.

— Анча гап эшитдим, — деди ота бошини эгиб, — Икром билан хотини келганидан бери бу ерда тинчлик йўқ эмиш. Нарзулла аканинг кенжаси Икромнинг хотинига ошиқ бўп қопти.

— Оббо! — деди Норбой қори бошини сарак-сарак қилиб. — Чатоқ иш бўпти-да.

— Нимасини айтасиз. Акам ҳали-бери ўладиган...

— Тисс! — деб Норбой қори Эгамназар отани гапир-тирмай лабига бармоғини босди.

Ана шу пайтда ташқарида от кишнади. Нарзулла отанинг бирдан кўзи очилди ҳамда умид билан эшикка қаради. Орадан бир неча сония ўтар-ўтмас, юзи кўз ёшлари билан ювилган Бахшулло отилиб кирди-да, ўзига қараб ётган отасига термилиб туриб қолди. Сўнг секин чўк тушаркан:

— Ота! Ота! — деди йиғлаб. — Мен келдим!

— Худойберди қани? — сўради Нарзулла ота паст товушда. Унинг овози шунчалик мунгли эдики, ўтирганларнинг юрак-бағирларини эзиб юборди.

— Келаяпти, ота!

— Икром соғми?

— У билан ака-ука тутиндик. Мени кечиринг, ота!

Нарзулла отанинг кўзида ёш пайдо бўлди.

— Сен... Сен шунга кетувдингми? Ака-ука киришган...

Чол ортиқ гапиролмади. Фақат унинг лаблари қимирлади, холос. Овози чиқмади. Кўкраги тез-тез кўтарилиб туша бошлади. Бу пайт аввал Худойберди, унинг ортидан Икром чодирга кириб келишганди. Уларни кўрганидан кейин Нарзулла ота хотиржам тортди ва секин кўзини юмди.

— Дўхтир... дўхтир чақирмадингларми? — сўради Худойберди атрофидагилардан.

— Одам кетган, — деди Эгамназар ота, — ҳали-замон келиши керак.

Норбой қори энди дўхтирнинг ҳожати йўқлигини сезди ҳамда Нарзулла отанинг қулоғига энгашиб:

— Калима қайтаринг, калима қайтаринг, — деди.

Унинг гапи ҳамма насага ойдинлик киритди. Ўғиллар изиллаб йиғлашга тушди. Эгамназар ота титрай бошлади. Бошқалар саросималанди. Нарзулла ота қорининг гапини англаган экан. Овоз чиқариб калима қайтаришга куч топди. Сўнг боши бир томонга қийшайиб қолди.

— Ота!!!

— Ота!!!

— Ота!!! — деган йиғи овози бутун овулни тутди.

Сайдулло гарчи отлиқларни отиб ташлаб уловга эга бўлолмаган эса-да, хурсанд эди. Чунки Икромни, унинг хотинини ўз кўзи билан кўрди. Бу унинг учун энг олий мукофот эди. Ахир сўзлари ёлгон чиқмади. Хўжайинларидан бирон нима ундиришни умид қилмай қўйган эса-да, ўзининг жони ёнга қолди.

— Бирорта булоқ топайлик! — деди чавандозлар кетиб бўлгач, кайфияти тушиб, алаmidан нима қилишни билмай ўтирган Муродга. — майшат қиламиз.

— Пиёда қолганимиз учунми? — деди унга алам билан қараган Мурод.

— Тентаксан. Бу калла билан қандай одам бўлиб юрибсан, тушунмайман. Икромни ўз кўзим билан кўрдим-ку... Тур, сен валаксалакка бир ниманинг етиб бориши кийин, булоқ топайлик, ишрат қиламиз!

Улардан унчалик узоқ бўлмаган жойда, шундоққина сўқмоқ йўл ёқасида кичиккина булоқ бор эди. Иккови аввал қониб-қониб сув ичишди. Сўнг бири қоғозга наша ўради. Бошқаси героин ҳидлай бошлади.

Ярим соатдан кейин эса икковиям дунёни бутунлай эсдан чиқариб, чўзилиб қолишди.

Иккаласи ўша чўзилганича қуёш уфққа ёнбошлайдиган маҳал ўзига келишди. Бошлар карахт, қорин оч. Оғиз қуруқлашган.

— Ёмон қотибмиз-ку! — деди Сайдулло шеригига қараб.

— Одамнинг ўлиб қолиши ҳеч гап эмаскан, — деб гудранганча тош устида ётаверганидан бели қотиб қолган Мурод инқиллаб-синқиллаб ўрнидан турди-да, булоқдан кафтларини тўлдириб-тўлдириб сув ичди. Бирон егулик қолмаганмикин, деган илинжда хуржунни титкилади. Бир бўлак яхна гўшт чиқди. Бошқа ҳеч вақо қолмабди. Худди бир неча кун оч юргандай шоша-пиша ямлай бошлади.

Сайдуллонинг ҳам ичаклари бир-бирига ёпишиб кетганди. Муродга хунук қараб қўйди-ю, аммо ҳеч нарса демади. Аввал қониб-қониб сув ичгиси келди.

— Қани, ҳамма нарсани опке, қоринни яхшилаб тўйдириб олайлик, кейин бирон бошпана топармиз. Авлодаждодимиз форда яшаган экан, бир кўрайлик-чи биз ҳам,

— деди Сайдулло юзини ювиб енгил тортгач, оёғини чалиштириб ўтираркан.

— Йўқ. Ҳеч вақо қолмабди. Кайф устида барини пақ-қос туширган эканмиз, — дея жавоб қайтарди Мурод гўштнинг қолган-қутган мазасини тишларидан сўриб оларкан.

— Единг-ку!

— Озгина қолган экан.

— Ит, нега менга ярмини бермадинг?

— Жудаям оз эди, икковимизам чўп чайнагандай бўлардик.

— Бўлмаса, нега ҳаммасини менга бермай, ўзинг единг?!

— Қорним оч бўлса, нима қилай? Менга насиб қилган экан, едим.

— Итдан тарқаган бола экансан-ку! Мараз, сендан шерик чиқмаслигини билардим. Ҳой ит, ота-бобомиз битта майизни қирқ...

— Кўп вайсама! Қараб турсам, жа сўфи бўп кетасан-а!

— Энангни эшшак тепгур! — деб сўкинганча Сайдулло ўрнидан сапчиб турди-да, Муроднинг ёқасидан олди. — Тилинг чиқиб қоптими сен итваччанинг?!

— Аввалам бўлган, бўлган аввалам!..

— Э, тилинга сенинг, ҳароми! — деб ўкирган Сайдулло Муроднинг жағига мушт туширди.

Шериги гурсиллаб ерга ағанади-да, жуда ёмон сўкинди.

— Нима дединг?! — томоғи йиртилгудай бақирди Сайдулло.

— Ўзинг ҳам сўқаяпсан-ку, менинг энам кўчада қолганми?!

— Ҳа, сўқдим. Қилган ишингга яраша сўқдим. Ёшим катта менинг. Сўқсам, камайиб қолмайсан. Айтиб қўяй, бир марта кечирдим, яна оғзингдан бузиладиган бўлсанг, чиққан жойингга тиқаман! Тур ўрнингдан, кетдик. Бирорта чўчқа-пўчқа йўлимиздан чиқиб қолар, отволиб еймиз! Бу ерда чўзилиб ётаверсак, ўзимиз бўриларга ем бўламиз.

Сайдулло нарсаларини йиғиштиришдан аввал дастурхон ўрнига тўшалган хуржун устидаги суяклардан бири-ни қўлига олди-да, шимиб ошқозонини алдаган бўлди.

Уч соатча юришгач, тинка-мадорлари қуриб, оёқларини зўрға босадиган ҳолга келганларида, раиснинг Нарзулла отага совға қилган дала ҳовлисига кўзлари тушди. Йўқ, бирдан кўриб қолишмади. Ёнига борганларидан кейингина уйлигини билишди. Унгача тоғ қисми бўлса керак, деган хаёлда эдилар.

— Худо берди! — деди Сайдулло қувончдан ёрилиб кетгудай бўлиб. — Қара, бутун бошли уй!

— Ичкарида кимдир бор бўлса нима қиламиз?

— Киритмайди, деб қўрқаяпсанми? Онасини учқўргондан кўрсатиб қўймайин тагин, — деб Сайдулло тўппончасини кўлига олиб ҳиринглади.

\* \* \*

Хонасига кириб, телефонда гаплашганидан сўнг хурсанд бўлган шифокор йўлакка чиқиб, атрофига аланлаганча кимнидир қидирди. “Бу одам нега дарров бунчалик ўзгариб қолди? — ўйлади ундан сал наридаги столда ўтирган Дилором. — Бир гап бор. Бизни милиционерларга сотди. Кейин ўзининг қовоғи тушиб кетди. Ёки берган тиллаларим камлик қилганмикин? Яхшиси, гаплашиб кўраман”.

У ўрнидан туриб, шифокорнинг ёнига келди.

— Сиздан бир нарсани сўрамоқчийдим, — деди врачнинг кўзига термилиб.

— Ҳозир эмас, синглим, кейинроқ, ўзим айтаман. Ҳозир ишлар кўп, — дея дўхтир унинг ёнидан ўтиб кетмоқчи бўлганида:

— Анавининг қолганини олиб келгандим, — деди Дилором.

— Нимани?! — дўхтир пешонасини тириштирганча унга қаради.

— Хизмат ҳақингизнинг қолганини.

— Синглим, нималар деяпсиз?! Уялмайсизми? Қиз бола бошингиз билан пора таклиф қилаяпсиз-а! Айтдим-ку, сиз ўйлаган одам эмасман. Худога шукр, давлат ойлик бериб турибди. Шунга қаноат қилиб яшаймиз. Нафсимиз ҳакалак отмаган. Уқдингизми? Энди бу ерда кўп турманг. Мумкин эмас.

У паст овозда, кўзлари олма-кесак териб гапирди. Сўнг тез-тез юриб Рустамнинг хонасига кетди.

— Ассалому алайкум, — деди Нигора, наркоз таъсири кетгач, анча ўзига келиб, шифтга қараб ётган йигитга.

Рустам жилмайди. Ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, аммо эпллолмади. Белидаги оғриқ халақит бериб, юзи озгина бужмайди.

— Қимирламанг, — деди Нигора шошиб, — ҳали сизга мумкинмас.

— Жуда ноқулай...

— Асло унақа деманг, ҳаммаси яхши. Бир қўрқитдингиз, энди мана, дарров ўтиб кетди.

— Дилором қандай?

— Яхши, уларга ҳеч нарса қилмабди... Ҳалиги... Сизга овқат олиб келгандим. Совибам қолди. Шундай бўлсаям, бир-икки қошиқ еб олсангиз, қувват бўлади-да.

— Кейинроқ ерман...

— Бу ерда кўп ўтиришим мумкинмас экан. Киришга-ям йўл қўйишмасди-ю, анави амаки рухсат олиб бердилар. Бирам яхши одам эканларки! Сизнинг тоғангиз бўларканлар.

— Қовоқлари уюлган, баджаҳл, кўрган одам кўрқиб кетади, шундайми?

— Йўқ, ҳечам унақамаслар.

— Тоғам қаердан эшитибди?

— Билмадим, — дея елка қисди Нигора.

— Дилором нега кирмади?

— Бир кишигина кириши мумкин экан, шунга опам мени киритиб юбордилар-да, ўзлари ташқарида қолдилар. Дўхтирнинг айтишича, тезда соғайиб кетаркансиз. Эшитиб роса хурсанд бўлдим...

Нигора гапини тугатолмади. Врач эшикни қарсилла-тиб очиб хонага кирди-да, қизга ўқрайиб:

— Сиз бу ерда нима қилиб ўтирибсиз? Тез чиқиб кетинг. Беморнинг гаплашишига ҳали рухсат йўқ. Қани, эртароқ хонани бўшатиб қўйинг-чи! — деди.

Унинг важоҳатидан Нигора кўрқиб кетиб, ранги оқарди. Рустамнинг эса жаҳли чиқди.

— Жа, ўладиган касал бўлмасам керак. Қолаверса, ҳеч қаерим оғримаяпти. Озгина гаплашсак, ҳеч нарса қилмас, — дея қошларини чимириб шифокорга қаради.

— Бу ерда ким врач: сизми, менми? Худди аввал ҳам беш-олти марта операция бўлган одамдай гапирасиз! Мумкинмас, дедимми, демак, мумкинмас. Қани, қизча, дарров чиқинг.

Нигора худди кўксидан биров итараётгандай зўрға қадам босганча, Рустамга қараб-қараб эшикдан чиқди.

— Ука, сиз хафа бўлманг, — деди врач Рустамнинг кўнглини кўтарган киши бўлиб, — тартиб-қоида шунақа. Агар ҳамма билганини қилаверса, бардак бўп кетади-ку!.. Аҳвол яхшими?

Рустам “Ҳа” дегандек бошини қимирлатди.

— Иродангиз мустаҳкам экан. Ҳозир мен яна кўшимча бир-иккита укол ёзиб бераман. Медсестралар қип қўйишади. Ярангиз тез битиб, оёққа туриб кетасиз, — деб врач Рустамга хунук қараб қўйиб ташқарига чиқди.

Хонасига бориб ёнига ҳамширани чақирди. Кимсан, Бобур Тўхлиевичнинг шахсан ўзларидан буйруқ келди. У Рустамнинг исмини айтиб: “Шу боланинг дарди оғир деб эшитдим. Операциядан чиққани билан, асорати тез таъсир қилиб, бола бечора нобуд бўпти-да. Эсиз, энди илож қанча? Сизлар ҳам Худо эмассизларки, ўладиганни асраб қолсанглар. Лекин майли, майитни моргга жўнатмасдан, йўлини қилиб больницанинг ўзидан қариндошларига бериб юборинглар”, деди. Ҳа, бунақанги буйруқлар очиқчасига айтилмайди. Қоғозга ўралади. Хўлланган қоғозга. Токи ижрочи йиртишга қийналмасин.

— Файрат ака, — деди ҳамшира шифокорнинг хонасига кираркан, — одам эмассиз, шунча вақтдан бери қулоғимни динг қилиб: “Қачон чақираркан?” — деб кутиб ўтирибман. Ўрнимга анави сўхтаси совуқ Барнони беш-олти марта чақирдингиз.

— Нафиса, жоним, — деб ҳамширанинг белидан кучди шу пайтгача шифокор дея номлаб келаётганимиз Файрат Шодиев исм-шарифли врач, — биласан-ку, уларни фақатгина ишга чақираман. Сен бўлсанг, муҳим, фақатгина сену менга тааллуқли ширингина юмушга келасан.

— Ур-р-эй, яна дачага борарканмиз-да, — деб Файрат Шодиевнинг бўйнидан маҳкам кучоқлади Нафиса.

— Бу сафар салгина бошқачароқ ташвиш бор. Шуни ҳал қилсак, олам гулистон. Ўзимам ишдан роса чарчадим. Бир кун тоза ҳавода дам олмасам, йиқиламан.

— Кўйинг унақанги гапларни! Сиз менинг тоғимсиз! Йиқилсангиз нима қиламан? Асло-асло унақа дея кўрманг, — деб Нафиса Ғайратни янада маҳкамроқ кучиб бўйнидан кетма-кет ўпди.

— Шошма, — дея уни шаштидан дарров қайтарди Ғайрат Шодиев, — сенга муҳим топшириқ бор.

— Қанақа? — деди ҳайрон бўлган Нафиса ошиғининг кучоғидан чиқаркан.

— Эсингда бўлса, тўрт йил аввал битта заказни...

— Уфф! Йўқ... Йўқ... Йўқ! — деди буюртманинг қанакалигини дарров англаган Нафиса. — Ўшанда қамалиб кетишимга оз қолган. Ҳаммаларинг ўзларингни олиб қочгансизлар. Қолаверса, ҳозиргача эсимга тушса, қийналаман.

— У пайтда кичкинагина дўхтир эдим. Ҳозир кўриб турибсан, так что, ҳеч нарсадан хавотир олма. Ими-жимида ҳал бўлиб кетади.

— Йўқ, барибир, кўрқаман. Битта одамни ўлдирдим. Энди иккинчиси... Керакмас, тинчгина яшашга нима етсин? Майли, дачангизга бормасам ҳам, хотинчангиз билан бораверинг. Тўғриси, любовница бўлиш жонимга тегди. Хотин қилиб оламан деганингизгаям уч йил бўлди. Беш марта аборт...

— Нималар деяпсан?! — деди жаҳли чиққан Ғайрат Шодиев. — Мен сени арз-дод қилишга чақирдимми? Заказни ким берганини биласанми? Мен сенга ёрдам беришга минг уринганимнинг бари бир пул бўлиб қолади. Бутун уруғ-аймоғинг билан йўқ қилиб юборишади улар. Мана шуниси охири иш. Кейин мен сени бошқа бир жойга ўтказаман. Тинчгина ишлаб юраверасан. Биров мушугингни пишт демайди. Салгина бундайроқ нарса айтсам, тамом, дарров: “Хотинчанг билан қилавер, ана хотинчанг бор-ку”, деб вайсашга тушиб кетасан.

Нафиса бошини ерга эгди. Кўзи намланди.

— Бўлди, бўлди, биласан-ку сени яхши кўришимни! Дарров йиғини бас қилгин-да, айтганимни бажар. Ҳозир айти вақти. Шприцнинг ҳавоси кўпроқ бўлсин.

Нафиса хўрсинди ва бошини қимирлатиб: “Хўп”, деди-да, хонадан оёғини судраб чиқиб кетди.



Машина бирор километр юргач, Анвар Турсунович ҳайдовчи йигитга:

— Тўхта, орқага бур, — деди бақиргудек бўлиб.

— Нимага, ўртоқ подполковник? — дея ҳайрон бўлди ҳайдовчи.

— Ишинг бўлмасин. Буйруқни бажар! — деб ўқрайиб қаради Анвар Турсунович. — Тез бўл!

Қаттиқ тормоз босилганидан чийиллаб овоз чиқарган машина бир силтанишда орқага ўгирилди ва дарров катта тезлик олди.

Анвар Турсунович етиб келганида опа-сингиллар касалхонадан чиқишаётганди. Подполковник уларга эътибор бермай шошганча ёнларидан ўтиб кетди. Қизлар бир-бирига қараб ҳайрон бўлишди.

— Тинчликмикан? — дея сўради Нигора хавотирга туриб.

— Борайлик-чи, бекорга бунчалик шошмаётгандирлар, — деб Дилором ортига бурилди.

Нафиса одатдаги беморни укол қилишга кетаётгандай, бемалол йўлакдан юриб бориб, Рустамнинг палатаси ёнида тўхтади. Чуқур нафас олди. Лекин бу ҳам оёқларининг қалтираётганини босолмади. Бошқаларнинг эътиборини тортмаслик мақсадида шу ергача дадил юриб келди (аслида ичидаги ҳаяжон тўфони шунақанги кучли эдики, тўхтатиб бирон нима сўрашганида борми, қалтираганидан қўлидаги шприцни ташлаб юбориши мумкин эди. Бироқ ҳеч ким тўхтатмади. У бошқа пайтдагидай юришининг эпини қила олди). Эшик тутқичини ушлаганида, кўзини юмди. “Эй, Худо, бирор тасодиф туфайли укол қилолмайин”, дея ўйлади. Аммо каравотда шифтга тикилиб ётган Рустам унга бир қараб қўйди-да, Нафиса гапирмасидан бурун ўзи билиб енгини шимарди. “Кейинроқ укол қиласан, деб айтинг, илтимос”, дея хаёлидан ўтказди ҳамшира ва зўрға беморнинг ёнига борди. “Кошки томирини тополмасам”, дея ўйлади. Аммо спортни жондилидан яхши кўрадиган йигитнинг томирлари манаман деб бўртиб турарди. Томир устини спирт билан артаётган Нафисанинг қўли қалтирарди. Кошки Рустам кўзини шифтдан олиб у томонга қараса. Бир бор қараганида,

Нафисанинг ранги оқарганидан, титраётганидан яхши ниятда келмаганлигини бемалол билиб оларди. Бироқ йигит гўё баданига ҳеч ким игна санчмайдигандек, ўз хаёлига берилганча бемалол ётаверди. Игна учини энди-гина терига санчган ҳамшира эшикнинг қарсиллаб очилганидан: “Вой!” — дея бақирганча шприцни қаттиқроқ итарганиди, у томирни тешиб ўтиб кетди. Бироқ ҳамшира дорини юборолмади.

— Имм! — дея ингради Рустам.

Унинг инграганини ҳеч ким эшитмади. Эшикдан бостириб кирган Анвар Турсунович довдираган Нафисадан:

— Нима қиляяпсан?! — дея бақириб сўради.

— Ук... Укол, — деди ҳамшира йиғламоқдан бери бўлиб.

— Қанақа укол? Кўрсат! Нега қўрқиб кетдинг?! Нега?!

Унинг важоҳатидан ҳамшира бутунлай адо бўлди. Нима деб жавоб беришини билолмай қолди. Нуқул лаблари пир-пир учарди.

Ҳамшира ўзини йўқотиб қўйганидан шубҳаланган Анвар Турсунович ҳали-ҳамон Рустамнинг билагига санчи-либ турган игнани суғуриб олди-да, ҳамширанинг кўз олдига олиб келиб:

— Дори юбордингми?! — деб сўради овозини баттар дағаллаштириб.

— Йў... Йў-ўқ, — деди Нафиса бошини сарак-сарак қилиб.

— Энди айт, қанақа дори эди бу?!

— Те... те... тетиклаштирувчи...

— Яхши, демак, соғ одамга қилинсям зиёни йўқ. Қани, томирингизга битта урайлик-чи, қанақа бўларкан? Ҳар қалай, бардамлик зиён қилмас.

— Керакмас! — деди кўзидан дув-дув ёш оқа бошлаган ҳамшира.

— Нега керакмас бўларкан?

— Ҳалиги... Ҳалиги... ҳавоси чиқарилмаган...

— Нима бўляпти?! — дея шу пайт Файрат Шодиев кириб келди палатага. — Нега тўполон қиляяпсизлар?!

— Шунақами?! Тўполонми?! — деб уни масхаралаб кулди Анвар Турсунович.

— Тушунмадим! — дея ўдағайлади қовоғи солиқ Файрат Шодиев. — Сизнинг қўлингизга қаердан шприц тушиб қолди? Нима қилмоқчисиз?!

— Манави, — деди Анвар Турсунович ҳамширани кўрсатиб, — қизчангнинг озгина мазаси йўқ экан, укол қилиб қўймоқчиман.

— Кечирасиз-у, формада бўлганингиз учун ортиқча гапирмаяпман. Эс-ҳушингизни йиғиб олинг. Уят эмасми, болангиз қатори қизга тегажоглик қилгани?..

— Тегажоглик?! Ҳозир тегажоглик қанақа бўлишини кўрасан! — деб Анвар Турсунович аввал шприцни ҳамширага тутқазди, кейин Файрат Шодиевнинг башарасига шунақанги қаттиқ мушт туширдик, кўз олди қоронғилашиб кетган бечора врач гурсиллаб полга йиқилди.

— Агар мана шу шприцдагини томирингга юборсам, тил тортмай ўласан, итдан тарқаган! — деб ўшқирди Анвар Турсунович. Ҳамширанинг довдираши, врачнинг кўзлари бежо боқаётгани унинг шубҳаларини баттар оширган, қолаверса, шприцда дори микдоридан кўра ҳаво кўпроқ эканлигини пайқаб қолганди. — Ҳамшира... Шошма, ҳамшира танимаган-билмаган одамига ўз-ўзидан шу ишни раво кўрадимиз? Қани, ўрнингдан тур-чи?!

Анвар Турсунович Файрат Шодиевнинг ёқасидан бўғиб турғизди ҳамда палатадан олиб чиқаётиб, жиянига юзланди-да:

— Бировга бир нарса қилишига йўл қўйма, — деди. Сўнг ҳамширага: — дарров орқамдан юринг, қамалишни истамасангиз, — деб пўписа қилди.

Қиз бола тугул, эркак кишига ҳам қамоқ ҳақида гапирилдими, бир сесканиб тушади. Нафиса эса қалтираб қолди ҳамда пилдираб Анвар Турсунович билан ўзининг хўжайини ва “севиклиси” ортидан эргашди.

Анвар Турсунович йўлакда турган опа-сингилларни кўргач, ич-ичидан хурсанд бўлиб кетди.

— Яхши, шу ерда экансизлар, Рустамни ёлғиз қолдирманглар, — деди мулойимлик билан. Аслида Анвар Турсунович бирор марта ҳам синалмаган одамга ишонмаган. Лекин ҳозир ишонди. Гарчи опа-сингиллар Шернинг қизлари бўлишса-да, ишонди. Сабаби, улардан бири Рустамни севади. Демак, ёмонликни раво кўрмайди. Бировни унинг ёнига яқинлаштирмайди.

Файрат Шодиевнинг қўлига ўзининг хонасидаёқ кишан солинди. Сўнг икки томонидан иккита милиционер

ушлаб ташқарида турган “Виллис” сари судраб кетишди.

Анвар Турсуновичнинг ғазаби кўзиганди. Агар имкони бўлганида эди, қаллоб дўхтирни бурдалаб ташларди. Лекин қонун бор. У қонундан чиқиб кетолмайди. Бу унинг қон-қонига сингиб кетган. Шу боисдан ҳам бўлимга ет-гунларича лом-мим демади. Тишини-тишига босди. Мабодо, ҳеч қурса, тилига эрк берганида борми, ўзини босолмай қолиши аниқ эди. Шунингдек, Файрат Шодиев ҳам миқ этмади. У негадир ўта хотиржам эди. Худди қандайдир айланишга, айтайлик, концертгами, киногами кетаётган одамга ўхшарди. Ора-чора деразадан ташқарига мамнун қараб кўярди. Чунки унинг “танка”си бор. Айтса тамом, манави шарти кетиб, парти қолган подполковникни пуфакдай учуриб юборади.

— Битта телефон қилиб олсам майлими? — деди у ўта мулойимлик билан.

— Кимга? — сўради Анвар Турсунович пешонасини тириштириб.

— Ҳар қалай, уйдагиларни хабардор қилиб кўяй. Айтигин сизлар олиб кетганларингни. Хотинимнинг юраги чатоқ. Хавотирланса қон босими ошиб кетади.

— Хотинингнинг жони азиз, бошқаларники бир пулга қиммат, шундайми? — деди Анвар Турсунович киноя билан. Аммо телефонни Файрат Шодиевнинг олдига суриб кўйди.

Гўшакни кўтарган котиба қиз Бобур Тўхлиевичнинг йўқлигини айтди.

— Илтимос, — деди Файрат Шодиев, — балки уйдадир, кўнғироқ қилиб, мени милиция бўлимига олиб келишганларини айтиб кўйсангиз. Тагин сўраб қолсалар-у, иш жойимда бўлмасам, ранжишлари мумкин.

— Оббо айёр-эй, — деди Анвар Турсунович унга қараб жилмаяркан, — хотиним дегин. Иш жойингда бўлмасанг, ранжишлари мумкин экан-да. Сендан бошқа дарди йўқ экан-да. Ҳар соатда телефон қилиб соғлигингни сўраб турадимми?.. Мен сени қаллоб деб ўйласам, сотқинлик касалинг ҳам чиқиб қолди-ку. Ҳечқиси йўқ. Бунақанги касалликларнинг давоси бор.

— Нималар деяпсиз, командир? Ҳар нарсадан шубҳа қилаверасизми?

— Касбимиз шунақа... Энди менга айт-чи, ҳамширага сен буйруқ берганмидинг, Рустамнинг томирига дори ўрнига ҳаво жўнатишни? Ҳозир, ҳали ҳеч бир қоғозга ёзмасимдан, иссиғида айт. Шунда балки келишиб кетармиз. Ҳар қалай, мен ҳам одамман. Иссиқ жон...

— Мени бутунлай доводиратиб қўйяпсиз, командир. Агар уни ўлдиришни истаганимда операция пайти бир ёқли қилардим. Шунда ҳеч нарсани сезмаган бўлардингиз. Ўзим жонини сақлаб қолган бўлсам-у, яна ҳаял ўтмай, қотиллик қилишга қўл урсам. Шу мантиққа тўғри келадими? Айтинг, тўғри келадими?

Ғайрат Шодиев гапираётганида ҳаяжонланиб кетди. Албатта, подполковник олдида ўзини ноҳақликдан эзилган кўрсатиши керак эди-ку!

Анвар Турсуновичнинг боши қотди. Дарҳақиқат, гумондорнинг сўзида жон бор эди. Жиянини ўлдираман деса, аввалроқ ишга... Йўқ, ҳали унда у Рустамнинг кимлигини билмаган... Лекин барибир ўқ теккан одамни келтиришганидаёқ унинг кўнглида шубҳа уйғониши, одамларига кўнғироқ қилиб, суриштириши, шундан кейингина, агар лозим бўлса, соғайтириши, агар ўлиши керак бўлган одам бўлса, ҳеч кимга билдирмай, тинчгина ҳал қилиб қўя қолиши керак эди. Ҳаммаси чалкаш, на охири кўринади бу ишнинг, на боши. “Буни сўроққа тутишдан фойда йўқ, яхшиси, ҳамширадан ҳамма нарсани билиб олган маъқул. У кўрқади, ниманики билса, ҳаммасини айтиб беради”.

— Ҳозирча ушлаб тураман. Ҳаммасининг тагига етгач, агар айбдор бўлмасангиз, қўйиб юбораман.

— Ҳақингиз йўқ. Аввал айбимни айтинг, сўнг...

— Айбингми? Кўрасан айбингни! — деб Анвар Турсунович навбатчини чақирди-да, гумондорни вақтинчалик камерага қамаб қўйишни буюрди.

Ғайрат Шодиев йўлакда Нафисага дуч келди. Қизнинг рангида ранг қолмаган, титраб турарди. “Севгилиси” уни кўриб илжайди.

— Сени роса кўрқитворишибди-ку. Ҳеч нарса қилмагансан. Бекордан-бекорга икковимизниям олиб келишди, — дея ўтиб кетди.

Аммо ҳамшира қиз унинг нима демоқчи эканлигини

англаёлмади. Шу боисдан ҳам Анвар Турсуновичга ҳаммасини рўй-рост айтиб қўйди.

\* \* \*

Бу пайтда Найнов Бобур Тўхлиевич билан хайрлашиб ишхонасига қайтиб келган эди. У юмшоқ курсига ўтиргач, лабига сигарета қистириб тутатди. Бир-икки марта тутунни завқ билан ичига ютиб чиқарганидан кейин соатига қаради. Сўнг навбатчини чақирди.

— Икки марта чақиртирдим, — деди навбатчи унинг саволига жавоб бераркан, — келмади.

— Вой, қари шоқол, ҳали бизни менсимай қўйдингми? Ўзингнинг бошлигингни-я! Кўрсатиб қўяман буйруқни бажармасликни! — деб бақирди ва навбатчига машина тайёрлашни буюрди.

У Анвар Турсунович ишлайдиган бўлимга келганида подполковник Нафисани сўроқ қилиб бўлиб, энди ташқарига чиқаётганди. Арслон Остонақуловга кўзи тушиши билан афти бужмайди.

— Саломларимни қабул қилинг, подполковник. Мана, ўзимиз келдик. Сизни безовта қилиб оромингизни бузганимиз учун кечирим сўраб кетайлик, дедик-да, — деб ўшшайди.

Киноя подполковникка заррача таъсир қилмади. Шу боис, кўришиш учун қўлини узатди. Бироқ Найнов унга ўқрайиб:

— Хонангизга бошланг, — деб кўришмасдан ёнидан ўтиб кетди. Анвар Турсуновичнинг қўли ҳавода муаллақ қолиб кетаверди.

— Нега буйруқни бажармадингиз? — сўради Найнов хонага кирганларидан кейин зўрға ўзини босаркан.

— Имконим бўлмади. Жияним касалхонада эди.

— Грипп бўптими? Иситмаси бор эканми?!

— Менимча, ҳаммасидан хабарингиз бўлса керак. Агар ёнидан кетганимда, уни ўлдиришган бўларди. Ҳозир у...

— Тушунмадим. Сиз, менимча, совет давлатида яшаётганингизни эсингиздан чиқариб қўйганга ўхшайсиз. Касалхонада ким кимни ўлдириши мумкин? Ким?! Эртақ айтаяпсизми менга? Баҳона қилишга бошқа нарса қуриганмиди? Ёки мен ким-у, сиз кимлигингизни эсингиздан чиқардингизми?

— Ҳеч нарсани унутганим йўқ, — деди Анвар Турсунович мумкин қадар босиқлик билан. У бошлиқларнинг бундан-да қўпол муомалаларига кўникиб кетганига анча бўлганди. Ҳозир ҳам манави тасқара майнавозчилик қилаётганини яхши англаб турарди. — Лекин укол қилишмоқчи бўлишганига ўзим гувоҳ бўлдим. Ўзим тўхтатиб қолдим. Медсестра тан олди. Заказ бўлган экан. Бошлигининг буйруғи билан Рустамнинг қон томирига ҳаво жўнатиб ўлдириши лозим бўлган.

— Йўғ-э! — деди кўзи каттариб кетган Арслон Остонақулов. — Вой, сволочлар! Дўхтир қани?!

Унинг жаҳли чиққанининг сабаби бошқа эди: “бююртма”си амалга ошмаган! Демак, ҳамма ишнинг пачаваси чиққан!

Нафисага Файрат Шодиев ишонарди. Шу боис: “Сизнинг айбингиз йўқ экан, узр”, дейишиб қўйиб юборишса керак, деган ўйда қўлини орқага қилиб кириб келди.

— Ҳа, шоввоз! — дея ўкирди уни кўрган заҳоти Найнов. — Кимни ўлдирмоқчи бўлдинг?!

— Ҳеч... Ҳеч кимни, — деди бирдан ранги оқарган Файрат Шодиев.

— Шприцни ҳавога тўлдириб-а! Усулнинг зўрлигини қаранг. Биров билмайди. Қойил!

Найнов ўрнидан туриб, Файрат Шодиевнинг ёнига борди-да, ёқасидан ушлаб, бир-икки силтади. Шунинг баробарида кўзини қисиб қўйишга ҳам улгурди.

— Ўртоқ командир, — деди кўз қисишдан бироз ўзига келган дўхтир, — Нафиса энг билимдон, ҳалол медсестра. Унинг қўлидан бунақанги хунрезлик келмайди. Подполковник шприцни тортиб олаётганида ўзи сезмаган ҳолда...

— Ни-ма?! Ҳали мен... Шошма, нималар деб валдира-япсан?!

— Башарамга мушт туширганингиз ҳам ёлғонми?! Ҳалигача жағим оғрияпти. Бутун ходимларим, касаллар олдида мени шарманда қилдингиз. Айтдим-ку сизга, ўлдириш ниятим бўлганида операция пайти ўлдирмайманми?! Йўқ жойдан...

— Подполковник! — деб бақариб юборди Арслон Остонақулов. — Ҳали сиз ўзингиз ҳамма қилғиликни қилиб

қўйиб, бир бечора дўхтирни айбдор қилаяпсизми?! Мен сизни қалби тоза юрист деб билардим. Ҳақиқатгўйлигингиз қаёққа кетди?

Анвар Турсунович карахт аҳволга тушиб қолди. У бир дўхтирга, бир Найновга қарар, қони қайнар, бироқ ўзини босишнинг улдасидан чиқарди.

— Ўртоқ дўхтир, — деди Арслон Остонақулов Файрат Шодиевга юзланиб, — агар подполковникнинг устидан шикоятингиз бўлса, ёзма равишда қолдилинг. Биз ҳаммасини ўрганиб чиқамиз. Озодсиз, бориб ишингизни қилаверинг. Ҳа, анави медресага кетаверсин. Сержант сизларни кузатиб қўяди. Англашилмовчилик ҳамма касбдаям бўлиб туради.

Анвар Турсунович тиришган пешонасини қашлади. У Арслон Остонақуловнинг ҳам бу ишга алоқаси борлигини дарров сизди. Мана шу нарса унинг юрагини эзди. Шу боис, ҳамкасбига ўқрайиб қаради-да:

— Медреса кўрсатма бериб бўлган. Ҳақиқатан ҳам “заказной убийства”га тайёргарлик кўрилган. Фақат амалга оширишга...

— Қани кўрсатма?! — сўради Найнов ҳам хўмрайиб.

Анвар Турсунович иккиланиб (албатта, у тезда шумликка ўтган ва ўзини шунақа кўрсатаётган эди. Зеро, кўрсатма икки нусхада эди) Нафиса ёзиб берганларни Арслон Остонақуловнинг кўлига тутқазди.

— Яхши, — деди қоғозни бефаросатларча буклаб ён чўнтагига солаётган Найнов, — бу иш билан шахсан ўзим шуғулланаман. Албатта, сизнинг масалангиз ҳам четда қолиб кетмайди.

\* \* \*

Солининг ўғли мия чайқалишидан хушидан кетган эди. Дўхтирлар уни тезда ўзига келтиришди. “Бироз ётсин. Ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетади”, дейишди.

— Фақат бу ерда эмас, уйда дам олади, — деб Соли ўғлини кўтариб касалхонадан ташқарига чиқди ҳамда боласини орқа ўриндиққа ётқизиб, ўзи ҳайдовчининг ёнига ўтириб лабига сигарета қистирди.

Уйига борганидан кейин бостириб-бостириб ароқ ичмоқчи эди, аммо Найнов кўнғироқ қилиб қолди. Қандайдир совға билан келишини айтди. Анча ҳовуридан



тушган Соли юқоридаги гапни айтди-да, гўшакни қўйиб, уйкуга кириб кетди.

Уйқудан тиниқиб уйғонганида, Найнов келганлигини айтишди. Бунини эшитиб Соли гижиниб қўйди. Сўнг шотирларига Найновни кулбага олиб боришни буюрди. Орқасидан: “Мен боргунимча биронтанг ҳам гаплашма”, деб қўшиб қўйди. Шундан сўнг ошхонага кирди. Ўғли Тоҳирни кўрди. Кучоқлаб юзидан ўпмоқчи бўлганди, у ўзини олиб қочди.

— Боши билан қаттиқ урилган шекилли, кўрқиб қолибди, — деди хотини киприклари пирпираб.

— Йўқ, дарров кўрқиб қолишга бунинг ҳақи йўқ. Менинг болам бунақа бўлмайди. У ҳар қандай шароитда мард бўлиши керак. Шундайми, Тоҳир?

Ўғлидан садо чиқмади. У мўлтираб отасига қараб тураверди. Қараши Солига ёқмади. Лекин ҳеч нарса деёлмади. Индамай чиқиб кетаркан: “Сенинг аламингниям бошқалардан оламан”, дея хаёлидан ўтказди.

Найнов топшириқни бажаролмаганди. Шундай эса-да, иржайиб турарди.

— Ў-ў, амалдор!.. Қадамларига ҳасанот! Айтмабсиз-да келишингизни, қўй-пўй сўйиб кутиб олардик, — деди киноя билан Соли ва гийқиллаб қолган столга ўтирди.

— Окахон, бир қошиқ қонимдан кечинг, — дея дарров ҳимояланишга ўтди Найнов.

— Бир қошиқ?! Сенда қон кўп. Бор-йўғи бир қошиғини олсам, бир жойинг камайиб қоладими? Ёки шуниям қизғанасанми?.. Совға қани? Кўрсат!

— Бир эмас, иккита. Рустамга қўшиб тоғасиниям туширдим. Яқинда қамаб юбораман. Кейин у ёқдагиларга тайинлаб қўяман. Тинчителилади.

— Э-й, совғанг эртақмиди? Қойил! Совға деб олдимга эртақни кўтариб келдингми, афирист! — деб бақириб юборди Соли.

— Ҳал... Ҳал ҳаммаси, — деди оёғига қалтирай бошлаган Найнов.

Соли газаб билан тўппончасини олди-да, Найновнинг қорнига тиради.

— Мараз, нималар деб валдираяпсан? Насиянгни орқангга ур, ит! — деб Соли бармоғини тепки устига қўйди.

Бироқ босмади. Чунки ҳали бу Найновдан кўп фойдаланиш мумкин эди. Бошқа биттасини тарбиялаб унинг даражасига келтиргунча қанча вақт ўтиб кетади?

— Карим, — дея давом этди у, — бунинг маошини оладиган вақти келибди. Яхшилаб сийланглар. Ундан кейин биргалашиб бориб, больницадаги ишни битириб келасизлар.

Арслон Остонақулов яқин орада бунақанги калтак емаган эди. Аввал икки оёғининг ўртасига Солининг ўзи тепди. Кейин унинг йигитлари савалашга тушишди. Кўз очиб-юмгунча Найнов қонига беланиб қолди.

— Бўлди, — деди орадан бирор ўн беш дақиқа ўтганидан кейин, — ҳозирча шу ёғиям етади. Бугун кечаси билан айтганимни бажармаса, эртага тонгдаёқ жонини оламан. Ҳадемай, боласиям Москвадан келиб қолади. Ўзиники камлик қилса, уникиниям ишлатамиз.

Бу гапни эшитган Найновнинг юраги товонига тушиб кетди.

— Ўғ... Ўғлим?! Нега? Мен... Мен... Ўғлимсиз ҳаммасини ҳал қиламан! — деб ўкирган Найнов йиғлаб юборди.

— Бўлмасам-чи, қаёққаям борардинг? Энди менга бир бошидан ҳаммасини гапириб бер. Нима бўлди, Рустамнинг тирик қолишида ким айбдор? — деб Соли оёғини чалиштирди.

Арслон Остонақулов аввал лабидаги қонни артди. Сўнг ҳансираб-энтикканча ҳамма воқеани бирма-бир гапириб берди. Ҳеч ким, ҳатто Соли ҳам гап қўшмай, эътибор билан унинг сўзларини тинглади. Кейин бармоқларини қарсиллатиб ўйланиб тураркан:

— Медсестра билан дўхтир ҳам ортиқча экан. Мусорларга барибир сотишибди. Ипни узиб ташлаш керак, йўқса, у айланиб, сенинг бўйнингга сиртмоқ бўлади, — деди. — Подполковник бўлса, бир-икки кун яшаб турсин. Адашмасам, ёши анча ўтиб қолган. Юрак хуружи билан ўлиб қолишيام ҳеч гапмас. Беш киши борасизлар.

Гарчи қоронғи тушган эса-да, ҳали вақт бор эди. шу боисдан, тўда одамлари тамадди қилишди. Устидан наша чекилди (албатта, бардамлик учун). Сўнгра иккита машина йўлга тушди.

Қовоқ-тумшуғидан қор ёғаётган Файрат Шодиев касалхонага келиши билан опа-сингилни ҳайдаб юборди.

— Ит ҳам тегинмайди бу болага! Йўқ жойдан ваҳима қилиб... Садқайи сенларга ёрдам кетсин! Яхшилиқни билмаган нокаслар, оборинглар эди бошқа жойга. Ҳам жонини сақлаб қолайлик, ҳам айбдормиз, — деди у. — Сизларга бу ер гастиниса эмас.

Кесатиқлардан қизарган қизлар нима қиларини билмай қолишди. Улардан кўзини узмай ётган Рустамнинг эса жони чиқиб кетди. Агар ҳозир озгинагина соғ бўлганида борми, бу гаплари учун Файрат Шодиевнинг башарасини бузиб қўйган бўларди.

— Майли, сизлар бораверинглар, мендан хавотир олмаңглар. Ҳалиям жоним бор. Ҳеч кимга укол қилдирмайман. Битта-иккитасининг суробини тўғрилаб қўйиш ҳам қўлимдан келади.

Кечаси соат ўндан ошганида, энди кўзи илинган Нигора сапчиб ўрнидан туриб кетди ва пешонасидаги терни артаркан, каравотдан тушиб, кун бўйи роса толиққанидан тошдай қотиб ухлаб қолган Дилоромнинг ёнига борди. Бир муддат уни уйғотсамми-уйғотмасамми деб турди. Ахийри юраги жудаям безовта ура бошлагач:

— Дилором опа! Опажон! — деди паст товушда.

Дилором уйғонмади. Шунда секин унинг қўлига туртди.

— Имм, — деган қиз нариги томонга ўгирилиб яна ухлашда давом этди.

— Нима қилсам экан-а?.. Агар Рустам акамга бирон нима бўлса, мен яшолмайман... Опам ҳам қаттиқ чарчаганлар, яхшиси, безовта қилмай ўзим касалхонага бораман. Навбатчи ҳамшираларга илтимос қилиб Рустам акамнинг палатасига кириб олсам, кечаси билан юзларига термилиб чиқаман. Кўнглим ҳам хотиржам бўлади, — деб Нигора қадини ростлади-да, овоз чиқармасдан шкаф ёнига борди. Кийимларини бирма-бир олди-да, оҳиста қадам ташлаганча ташқарига чиқди.

Кўчада машина кам эди. Онда-сонда битта ўтар, лекин уларнинг бирортаси ҳам тўхтамасди. Бунга сайин қизнинг юраги баттар безовталана бошлади. “Уфф, нега

тўхташмайди? Нега? Ишқилиб, боргунимча Рустам ака соғ-омон бўлсин”, дея хаёлидан ўтказган қиз тинимсиз у ёқдан-бу ёққа бориб келаверди. Охири кўчанинг ўртасига чиқиб олди. Ниҳоят узоқдан “Запорожец” кўринди. Аввал у чироқларини ёқиб ўчирди. Бироқ қиз қочмади. Қулочларини кенг ёйиб тураверди. Ҳайдовчи “сигнал” берди. Қиз бунгаям парво қилмагач, тормозни босишга мажбур бўлди. Шундаям анча нарида. Лекин улови ҳамма вақт ҳам тезда унинг айтганини қилавермаскан, шекилли, Нигорага тақалиб тўхтади. Кўзлари косасидан чиққудек бўлган Ҳайдовчи — қирқларни қоралаб қолган озгин киши — амаллаб эшигини очиб тушди-да:

— Ўлгинг келдими? Кўзинг кўрми? Нега қочмайсан?! — дея бақира кетди.

— Амаки, амаки, касалхонага олиб боринг, илтимос, жон амаки, акажоним оғир аҳволдалар, бормасам нобуд бўладилар! — деб унга ялинишга тушди Нигора.

— Ҳа-а, шундоқми? — деди дарров шаштидан тушган киши Нигорага бошдан-оёқ разм солиб чиқаркан. — Мен сени ичволган, дискотекадан чиққан, деб ўйлабман. Ўтир.

Машинанинг жойидан қўзғалишиям қийин бўлди. Нигора ҳатто: “Бу “арава”да касалхонагача етолмасам керак”, деб ўйлади. Аммо жойидан қимирлаб олган “Запорожец” секин-аста тезлашди ва бундан мамнун бўлган Ҳайдовчи бир-икки марта қизга ойна орқали қараб қўйди. Бироз ўтиб, томоқ қирди, сўнг секин гап бошлади:

— Бу дейман, синглим, кўринишингиздан жа ажойиб қизга ўхшайсиз, нега ярим тунда юрибсиз? — деди кўпни кўрган бамаъни одамлардай.

— Айтдим-ку, акам касал, — дея жавоб қилди энсаси қотган Нигора.

— Билдим. Лекин касалхонагаям бу маҳалда ёлғиз бориб бўлмайди-да. Менинг ўрнимга бемазароқ одам тўхтаганда нима қилардингиз? Сизга ўхшаган кўзга яқин қизларнинг харидорлари кўп бўлади. Ҳеч бўлмаганда, бир кеча роҳатланиб олай дейди-да.

Бу гаплардан Нигора қизариб кетиб, юзини кафтлари орасига оларкан, бошини эгди.

— Эй-й, — дея хўрсиниб қўйиб гапида давом этди Ҳайдовчи, — бизнинг давримизда мардлар кўп бўлган.

Ўша даврнинг одамлари номардлик нималигини билишмайди. Мана, масалан, мен сиздай соҳибжамолни кўрганам заҳоти бирон жойга обқочиб кетишим, кейин туни билан ишрат қилишим мумкин эди-ку, лекин қилмадим. Бўлмаса, ичган ароғим икки шишадан кам эмас. Кайфи бор одам кўпроқ нимани хоҳлайди? Майшат. У қанча кўп бўлса, шунча яхши. Лекин зўравонлик қилмадим. Чунки виждон бор. Ҳеч қачон биронта аёлни зўравонлик билан хилват жойга олиб бормаганман. Қачонки ўзи хоҳласа, шундан кейин борганман.

Нигора унинг нимага шаъма қилаётганини дарров фаҳмлади ва бояги уялиш ўрнини қўрқув эгаллади. “Нега бир ўзим чиқдим? Дилором опам турмасалар, бошқаларини уйғотсам бўларди-ку! Шошилиб... Эй, Худо, ўзинг асра! Бу ким, қанақанги одам? Гап-сўзлари жуда бошқача... Тузукроқ машина тўхтатсам бўлмасмиди? Келиб-келиб “Запорожец”нинг олдига чиқибман-а?! Уфф, бунча кўп гапирмаса?..” — дея ўйлай бошлади.

— Яқинда, — валдирашда давом этди ҳайдовчи, — битта журнални ўқиб қолдим. Эркак-аёл бир-бирига яқинроқ бўлса, танаси яйраб, умри узаяркан.

— Биринчидан, — деди Нигора охири чидамай, — мен қиз боламан. Иккинчидан, Икром аканинг сингиллари бўламан. Манимча, эшитган бўлсангиз керак шунақанги одамни.

— Бе, шаҳарда Икром исмли одамдан ками бормикин? Ана, қўшнимнинг отиям Икром. Нима бўпти? Бу ёғини сўрасангиз, ўғилчали бўлсам, отини Икром қўяман деб ният ҳам қилиб қўйганман. Ҳа, Икром деган исм кўнглимга яқин бўлиб қолган... Ҳалиги, синглим, касалхонага ҳали узоқми?

Нигоранинг юзи аввал жиддий тортди, сўнг кулгиси қистади. “Бечора, қуён юрак экан-ку. Кутилмаганда Икром ака хаёлимга келганини қаранг. Эртароқ айтсам бўларкан, манави совуқ башаранинг сассиқ гапларини эшитмасдим”, дея ўйлади ҳамда:

— Машинангиз жуда эскими дейман, ҳеч юриши унмайди. Тезроқ ҳайданг, шошиб турибман. Икром акам йигитлари билан кутиб туришибди, — деди.

Бу гапдан кейин ҳайдовчининг бўлари бўлди. Ўгирилиб Нигорага бир қараб қўйди-да:

— Ўзим ҳам бир жойга шошиб тургандим. Сал бери-роққа ташлаб кетаман, — деди.

Шу-шу унинг уни ўчди ва мумкин қадар тезроқ ҳайдаш учун газни кўпроқ босди.

\* \* \*

Нигора касалхонага етиб борганида Файрат Шодиев аллақачон нариги дунёга равона бўлган, ҳамшира қиз Нафиса эса сўнгги нафасини олмоқда эди.

Файрат Шодиев ўша куни кечки пайт Нафисани ишдан олиб кетди. Ал-Хоразмийдаги икки хонали уйига боришди (у ерда ҳеч ким яшамасди. Уч йил аввал, атайлабдан, дам олиш ва маишат қилиш учун харид қилганди. Нафиса ҳафтада камида икки марта у ерда “меҳмон” бўларди). Дастурхон тузашди. Ҳамшира ош дамлади. Бамисоли эр-хотин бўлган икки жуфт маза қилиб ошхўрлик қилишди. Албатта, орага коньяк аралашиб турди. Шу кеч Файрат Шодиев бошқа пайтдагидан кўпроқ ичди. Сабаби аён. Иш чаппасига кетишига бир баҳя қолди. Кейин... Севгилиси ҳам бу сафар ишончини оқламади. Сотиб қўйди. Бунинг ўзи очиқ айтди. “Жоним, мени кечиринг, билмасдан, кўрққанимдан айтиб қўйдим”, деди. Қўшнига, қариндошга, бошқа ҳар қандай одамга билмасдан сирни айтиб қўйиш кечирилиши мумкин. Фақат милиция одамига билмасдан айтиш кечирилмайди. Дўхтир Нафисани яхши кўради. Шу боис, сўнгги чорани қўлламай, касалхонанинг ўзида бир-икки сўкиш, жа ошиб кетса, бир шапалоқ тушириш билан қаноатланиб, сўнг ишдан ҳайдаб юбориши ҳам мумкин эди. Аммо Бобур Тўхлиевичдан бошқача буйруқ олди. “Касалнинг, — деди амалдор дона-дона қилиб, — ўтиб кетганини даволаб бўлмайди. Барибир асорати қолади. Шунинг учун кечиш лозим”. Файрат Шодиев бир қарорга келолмай талай муддат ўйланиб ўтирди. Хўжайини қўнғироқ қилиб, масала қай даражада (албатта, Бобур Тўхлиевич ҳам ўзидан кўрқиб қолганди. Ахир Рустамни йўқ қилиш тўғрисидаги буйруқни у берганди. Шу боисдан ҳам куйиб-пишаётганди) ҳал этилганини сўраганида, шунчаки: “Квартирамга олиб бориб тинчитаман”, деб қўйди ва манзилни ҳам аниқ-тиниқ қилиб айтди. Шу билан ҳаётига нуқта қўйилишига ўзи ҳам сабабчи бўлиб қолди.

Солининг шотирлари Файрат Шодиевни уйдан топишолмагач, Найнов Бобур Тўхлиевичдан унинг қаерда бўлажagini билиб олди. Амалдор Найновнинг ниятини дарров илғади ва ич-ичидан хурсанд бўлди. Чунки унгача бўлган занжир узиб ташланади. Қарабсизки, у оппоқ, Қўй оғзидан чўп олмаган. Давраларда адолат, ҳалоллик ҳақида бемалол гапираверади. Ҳеч ким қилмишларини юзига солмайди.

Нафиса кўп типирчилади. Бироқ бақувват қўл чангалидан чиқиб кетолмади. Нафаси қайтиб кўзи олайди. Сўнг қўл ҳаракатлари секинлашди ва аста-секин жони танасини тарк этиб, бутунлай шалвираб қолди.

\* \* \*

Нигора аввал касалхона эшигини қия очиб, секин ичкарига мўралади. Йўлак ўртасига стол қўйиб ўтириб олган навбатчи ҳамшира ярим уйқу ҳолатида эди. Қиз секин ичкарига кирди. Товуш чиқармасдан юришга ҳаркат қилди-ю, эплаёлмади. Навбатчи уйғониб у томонга қаради. Кўзини ишқалаб:

— Сиз нима қилиб юрибсиз? — деди ва ўрнидан турди.

— Ҳали... Ҳалиги, мен Рустам акамларнинг ёнларига келгандим. Мазалари анча йўқ эди, хавотир олганимдан уйда ўтиролмадим. Илтимос, унинг ёнига қўйиб юборинг. Озгина ўтираман-у, кетаман...

— Ғалати қиз экансиз. Бу ер бальниса, тушунасизми шуни? Хоҳлаган пайтда касалларнинг ёнига...

Ҳамширанинг қолган гаплари оғзидан қолди. Нигора чаққонлик билан унинг чўнтагига битта қип-қизил ўн сўмликни солиб қўйди.

— Ҳимм, — деди бирдан ўзгарган навбатчи, — шу маҳалда овора бўпсиз... Лекин, илтимос, овоз чиқармай ўтиринг. Яна битта-яримтаси сезиб қолса, бошим балога қолиб кетади. Хўпми?

— Хўп, — деди иши осон битганидан хурсанд бўлган Нигора. У ўзи сезмаган ҳолда анави ҳайдовчини кўрқитиб қўйганидан кейин анча дадиллашганди. Ана шу дадиллиги сабаб, ҳамширанинг чўнтагига пул солишни удалади. Бошқа пайт бўлганида ҳеч қачон бу иш қўлидан келмасди.

Эшик очилиб ёпилиши билан Рустам бирдан бошини кўтарди.

— Ким? — деди.

Нигора ҳали чироқни ёқишга улгурмаганди. У Рустам томонга қаради. Бир муддат сўзсиз туриб қолди.

— Ким?! — сўради Рустам бу сафар овозини хиёл кўтариб.

— Мен, — деди хавотирланиб қолган Нигора чироқ ёқишни ҳам унутиб.

— Сиз, Нигора?! Алламаҳалда нима қилиб юрибсиз?

— Сиздан хавотир олдим. Кўнглим ҳеч тинчимади. Кейин келавердим. Ҳозир овозингизни эшитиб озроқ ҳовурирдан тушдим.

— Ҳозироқ уйга кетинг. Дилором қаерда?

Опасининг исми Нигоранинг кўнглига оғир ботди. “Мендан кўра опам кўпроқ керак экан-да”, деган ўй яшин тезлигида ўтди хаёлидан ва бошини эгди.

— Опам уйда қолдилар, уларга айтганим йўқ. Қаттиқ чарчагандилар, шунга, ўзим келавердим, — деди паст товушда.

— Уйғониб қолса хавотир олади.

— Уйғонмайдилар. Қаттиқ ухлайдилар. Мен эртароқ уйга бораман. Ҳали турмасларидан олдин.

— Чатоқ бўпти-да.

— Келишимни хоҳламаганмидингиз?

Нигора бу гапни беихтиёр айтиб юборди.

— Бундай демоқчимасдим. Энди, барибир, бемаҳалда юришингиз... Қиз бола кечаси юриши яхшимас-да. Сизга “кетинг” дедим-у, дарров ўзим гапимни қайтариб олдим. Чунки келишингизда бемазаларга учрамаган бўлсангиз ҳам, қайтишингизга кафолат йўқ.

Нигора астойдил қувониб кетди ва чироқни ёқди-да, Рустамнинг ёнига стол қўйиб, ўтирди.

— Ухламаётганмидингиз? — сўради йигитдан.

— Мениям уйқум келмаётганди. Кунни билан ухлаб тўйиб олдим, шекилли, — жавоб қилди йигит қизга тикилиб ётаркан.

— Қаёқда ухладингиз? Шу ҳолингиздаям тинчлик беришмади. Роса жаҳлим чиқди. Лекин кўлимдан ҳеч нарса келмасди... Хавотирим шундан.



— Мафиозлар бир нарсани охирига етказмагунча тинчишмайди. Кундузи тоғам халақит берди...

— Яна келишлари мумкинми?

— Билмадим. Балки келишмас. Қўл силтаб кетишгандир.

Рустам Нигоранинг кўнглини хотиржам қилиш учунгина шундай деди.

— Рустам ака, — дея беморнинг қўлидан ушлади Нигора, — сизнинг бу ерда қолишингизни ҳечам истамайман. Қўрқаяпман. Лекин олиб кетиш ҳам қўлимдан келмайди.

Майин, мунгли товуш йигитнинг юрагини ўйнатиб юборди. Бунинг устига, қиз унинг қўлини ушлаб турибди. Тўғрисини айтганда, Рустамнинг кўнглида Дилором билан Нигорага мойиллик бор эди. Иккала опа-сингил ҳам унга ёқарди. Шунинг учун ҳам у қайси бирини танлашни билолмай боши қотганди. Одамда шунақанги ҳолатлар ҳам бўлиб тураркан-да. Бўлмаса, бараварига иккита опа-сингилни бирданига яхши кўриб қолиш етти ухлаб тушига ҳам кирмаган. Ўқ теккунча у Дилором билан кўп гаплашди ва келажакда шунга уйланаман деган қарорга келиш арафасида эди. Аммо касалхонага опанинг ўрнига сингил келиши ҳамда ўзини унга яқин тутиши тагин уни чалкаштириб қўйди. Бировини танлаш керак. Лекин қайси бирини? Ҳар иккиси ҳам одамнинг жонини олади. Чирой, истара, маънили сўзлар... Ҳеч бир тарафдан бири иккинчисидан қолиб кетмайди. Аммо иккисини бир вақтнинг ўзида севиб қолиш мутлақо мумкин эмас. Агар бошқа одам бўлганида, имкониятидан фойдаланган, тулкиликнинг кўз кўриб қулоқ эшитмаган усулларини қўллаб, ҳар икковининг ҳам кўнглини овлаган бўларди. Лекин шу “хислат” Рустамда йўқ эди-да.

— Зерикдим. Зўрға ётибман. Биргалашсак, бемалол ҳозирнинг ўзида чиқиб кетоламиз, — деди Рустам хаёлини бир жойга жамлаб.

— Навбатчи медсестра бор. Тўполон кўтариб юборади. Ўзимни ёнингизга зўрға қўйди.

— Тўхтанг. Қандай кирдингиз?

— Битта ўнталикни чўнтагига тиқиб қўйдим. Ўзи эшигингизгача кузатиб қўйди.

— Унда яна битта ўнталикнинг бахридан ўтасиз, хоним.

— Кўнармикин?

— Кўнмай қаёққа борарди? Сиз боринг-да, бу ёққа қақриб келинг. Икковлашамиз.

Қиз ўйлаб ўтирмай дик этиб турди-да, эшик томонга юрди. Тураётганида Рустам томонга бироз энгашган эди, сочларидан таралган хушбўй ҳид йигитнинг юзига урилди. Жуда қисқа сония Рустамни гангитди. Лекин буни Нигора сезмади ва эшикни очиб йўлакка чиқиб кетди.

Бирпасдан кейин Рустамнинг қулоғига: “Йўқ, йўқ, мени ўлдиришади. Қутулмас балога қолиб кетаман”, деган гап эшитилди. “Оббо, кўнмади, шекилли. Келсин, ўзим бошқача гаплашаман”, дея хаёлидан ўтказди Рустам.

— Ҳа, йигит, — деди ҳамшира палатага кириши билан чироқни ёқаркан, — ҳолингиз эсингиздан чиқиб кетди-ми? Қизингиз келиши билан типирчилаб қолибсиз! Сизнинг дастингиздан бўлган мижролар каммиди? Яна бир балони бошламоқчимисиз?

— Бемалол юроламан. Ишонмасангиз, ҳозир ўзингиз ҳам кўрасиз. Бир жойга борамиз-у қайтамиз, йўқ деманг, илтимос. Узоғи билан бир соат... Майлими? — деди Рустам ўрнидан туриб ўтираркан. Операция бўлган жойи шунақанги чимиллаб оғридики, у зўрға юзини тиришишдан сақлади.

— Ана кўрдингизми? — деди ҳамширанинг ёнида турган Нигора навбатчининг чўнтагига яна битта ўн сўмликни солиб қўяркан.

— Уфф, қани пул билан битадиган иш бўлсаки... Ёнига индамай қўйиб юбордим-ку. Бўлмаса, дўхтир: “Бировни киргизманг бу палатага”, девди. Ношукурчилик қилаяпсизлар. Кун билан ҳамма нервиний бўлиб юрди. Жанжални эсласам, уйқум қочади! Яхшиси, — ҳамшира чўнтагидаги пулни олиб Нигоранинг қўлига тутқазди, — буни олинг-да, ўзингиз кетинг. Касални безовта қилманг.

— Бу энди сизники бўлди! — деб Нигора пулни бошқатдан ҳамширанинг чўнтагига солди.

Навбатчи чуқур хўрсинди. Албатта, ҳар кун иттиз сўм (Нигора унинг ёнига борганида ҳам ўн сўм бергани) тополмайсан. Кўпи билан, унда ҳам омадинг келса, етти-

саккиз сўм ишлаб олишинг мумкин. Нигорага ўхшаган пулнинг бетига қарамайдиганлар доим келавермайди-да бу ерга. Бунинг устига, бир нарса бўлса, ўзларидан ўпкалашсин. Муҳими, қайтиб келса, эрталаб жойида ётган бўлса, у бировдан гап эшитмаса бўлди. Лекин шу маҳалда қаёққа боришади? Кўнгилхушлик қилишга йигитнинг умуман қурби келмайди. Ўзи зўрга ётибди. Операция қилинган жойидан сув чиқса, аҳволи баттар оғирлашади. Ўн кунда тузаладиган жароҳат бир ойга чўзилиши мумкин.

У нима қиларини билмай турганида, Нигора ялинди:

— Опажон, илтимос, хўп денг, яхшилигингизни бир умр эсимдан чиқармайман.

— Унда бундай қилайлик, — деди ҳамшира Нигорага юзланиб, — очиқчасига бўлса, очиқчасига. Сизгаям шу ердан каравот қўйиб бераман. Эрталабгача нима қилсанглар шуни қилинглар. Ишим йўқ. Шунда мен ҳам бежавотир бўламан, сизларам бемалол бир-бировларингн ялаб-юлқайсизлар.

Нигора ҳамширадан бунақанги гапни кутмаган эди. Шу боис, шолғомдай қизариб ерга қаради. Рустам эса юзини девор томонга бурди. Навбатчининг ўзи ҳам ноқулай аҳволга тушди. Бироқ:

— Ҳали қиз боламисиз? — деб юборишдан ўзини тилмади.

— Онамга бугун яхши кўрган қизимни олиб келиб кўрсатаман, деб айтувдим. Бир йилдан бери бугунни кутаман. Чунки туғилган куним. Орзуим ушалишига ёрдам беринг, илтимос, — деди Рустам.

Бу гап бефаросатлик қилган ҳамширани хижолат қилиб қўйди. Шунинг учун ҳам рози бўлди. Фақат бир соатга. Унинг кўнганидан хурсанд бўлиб кетган Нигора кучоқлаб юзидан ўпиб олди.

Рустамнинг ўрнидан туришига, ташқарига чиқишига ҳамширанинг ўзи кўмаклашди. Шунинг билан бирга: “Тезроқ қайтинглар, мени балога қолдирманглар”, дея қиз билан йигитга қайта-қайта тайинлашни ҳам унутмади.

Рустам бир қўли билан Нигоранинг елкасидан кучган, қиз эса унинг белидан — жароҳатининг тепароғидан оҳис-

та ушлаганди. Йигит қиздан таралаётган хушбўй ифорни деярли сезмаётганди. Чунки бели билан оёғидаги оғриқ шунақанги авж ола бошлагандики, бақириб юбормаслик учун у пастки лабини маҳкам тишлаганди. Касалхонадан чиққанидан кейин нафас олиши ҳам тезлашди. Агар Со-лининг йигитлари келиш хавфи бўлмаганида, асло у ҳозирги ишни қилмаган бўларди. Нигорани касалхонада ўзининг ёнида қолишга кўндирарди. Иккаласи тонг от-гунча гаплашишарди. Шунда танасидаги оғриқ пайдо бўлмас, суҳбатга халақит бермасди.

Таксига ўтириш Рустам учун жуда оғир кечди. Бели шунақанги зирқирадики, суяк-суягигача етиб борди. Би-ринчи марта Нигоранинг олдида инграб ҳам юборди. Қиз унинг сочларини силади. Инграган Рустам бўлди-ю, ёш унинг кўзидан оқди.

— Яхши бўлиб кетади, озгина чиданг, озгина, — деди шивирлаб.

Ҳайдовчи кексароқ киши эди, ортига бурилиб бир қизга, бир йигитга қаради-да:

— Дўхтирларгаям ҳайронман, шу аҳволда қандай қўйиб юборишди?! — деб тўнғиллади, сўнг ўгирилиб машина-сини юргизди.

Анвар Турсунович жиянининг бундай пайтда келиши-ни хаёлигаям келтирмаганди. Лекин у ҳам хотиржамлик-ни йўқотиб, икки-уч марта ташқарига чиқиб сигарета чеккан, бир хаёл, бориб Рустамнинг ёнида ўтирмоқчи ҳам бўлганди. Чунки у энди ҳеч кимга ишонмай қўйган-ди. Лекин қандайдир куч уни уйда олиб қолди. Шу бо-исдан ҳам дарвоза қўнғироғи чалинганда сапчиб тушди ва шоша-пиша тўнни елкасига илди-да, ташқарига отил-ди.

— Нима бўлди? — дея Рустамни суяб турган қиздан сўради.

— Ётгим келмади, — деб Нигоранинг ўрнига Рустам жавоб қилди.

Анвар Турсунович ортиқча савол бериб ўтирмай, жия-нининг иккинчи қўлтиғига кирди.

Рустам юмшоқ ўринга ётганидан кейин бироз оғриқ пасайди ва чуқур нафас олди. Анвар Турсунович йигит-нинг белини қайта боғлаб қўйишни хотинига тайинлади-да, Нигоранинг билагидан ушлаб, ташқарига имлади.

Қиз бўлган воқеани ипидан-игнасигача қолдирмай бир-ма-бир гапириб берди. Подполковник унинг сўзларини тингларкан, ўз-ўзидан севиниб кетди. Ахир у айна қиз айтган нарсаларни хаёлидан ўтказган, бироқ негадир касалхонага боришга оёғи тортмаганди. Нигоранинг пешонасидан ўпиб қўяркан:

— Қиз бола бўлсанг ҳам унча-мунча йигитлар қилол-майдиган ишни уддалабсан, умрингдан барака топ. Энди ҳеч нарсадан хавотир олмай бемалол дамингни олсанг ҳам бўлаверади, — деб у Рустам ётган хонадан хотинини чақириб, Нигорага жой қилиб беришни тайинлади. Қиз тонг отгунча Рустамнинг ёнида ўтирмоқчи эди. Аммо буни қандай қилиб йигитнинг тоғасига айтсин? Ноилож, Анвар Турсуновичнинг аёли билан бирга кетди.

Подполковник эрталабгача ухлаёлмай чиқди. Бу орада бир неча марта дарвоза ёнига бориб келди. Кўча томонга кулоқ солди. Деворларни кўздан кечирди. Хавф сезмаганидан кейин уйга қайтиб кирди. Лекин барибир кўнгли тинчийвермади. Шу боис, ташқарида айланиб юришни маъкул топди.

\* \* \*

Доктор билан ҳамширани осонгина тинчителишганидан Найнов роса хурсанд бўлганди. Ичида: “Бошланиши ёмонмас, худо хоҳласа, қолганиниям силиққина ҳал қиламиз”, деб ўйлаганди. Аммо касалхонада Рустамнинг йўқлигини билгач, тепа сочи тикка бўлиб кетди. “Ким? Ким хабар берди унга? Нега кетади?!” — дея сочини гижимлади. Сўнг навбатчи ҳамширанинг ёқасидан олди (ниқобли одамлар пайдо бўлиши билан ҳамширанинг ранги докадек оқарган, оёғигача титрарди).

— Қаерга кетди?! — деди томоғи йиртилгудек бўлиб.

— Билмайман. Бир қиз билан чиқиб кетишди. Дарров келамиз дейишганди. Лекин ҳалигача келмади!

Найнов унинг ёқасини қўйиб юбориб, дўхтирнинг жагини сиқди.

— Балки сен биларсан, сен уюштиргандирсан?! — деди.

— Билмайман. Ҳозир, ҳозир...

— Итдан тарқаганлар! — деб уни бўралатиб сўкди Найнов. — Ҳаммангнинг каллангни оламан!

У алам устида ҳамширага қўшиб навбатчи дўхтирни

ҳам бир ёқли қилиши мумкин эди. Аммо қўрқди. Файрат Шодиев билан Нафисани Солининг йигитлари ўлдиришганди. Ҳар қалай, қонундан анча-мунча хабардор бўлган Найнов четда томоша қилиб турганди. Энди эса... Нима бўлгандаям жавобгарликдан қўрқди. Қолаверса, бу иккаласини тинчителиши икки пулга қиммат, бу билан Солининг олдида қаҳрамонлик қилган одам бўлиб қолмайди. Солига Рустам керак. Бошқа ҳар қандай қурбонлик унинг ўрнини босолмайди. Шундай эса-да, Найнов қуруқ кетгиси келмади. Аввал навбатчи дўхтирнинг, сўнг ҳамширанинг оч биқинига мушт туширди. Бечора ҳамшира ўзи нозиккина эмасми, иккинчи зарбани девордан еб полга йиқилганча типирчилаб қолди. Унга бировнинг раҳми келмади. Бостириб кирганлар устидан бирма-бир сакраб ўтишиб, ташқарига чиқиб кетишди. Яхшики, улар кетиши билан навбатчи дўхтир бор билимини ишга солиб, ҳамширани жонлантирди. Йўқса, ўттиз сўм ундираман деб ўлиб кетиши ҳеч гап эмасди, бечора.

Хабарни Соли хотиржам қабул қилди. Ҳатто кулиб қўйди. Бироқ сал ўтиб, заҳар сочди. Найновни туғилганига пушаймон ейиши даражасида калтаклади. Аммо ўлдирмади. Чунки у ҳали керак эди. Тўлалигача фойдаланиб улгурганича йўқ. Зарур бўлса, кейин ҳам бемалол танобини тортиб қўйиши мумкин. Қолаверса, ертўлада ўғли ётибди. Бунисини Соли Найновга айтгани йўқ.

— Бир ҳафта бошқа ишлар билан шуғулланасизлар, — деди Соли Найновни жазолашни охирига етказганидан сўнг йигитларига, — озгина чекиниш қиламиз. Ҳамма ёқ тинчиганидан кейин қолган ишларни охирига етказиб қўямиз. Биламан, — деди у гапида давом этиб, — Рустамга Шернинг катта қизи ёрдам берган. Бошқа ҳеч кимнинг қўлидан келмайди. Ҳалиям Икромнинг келишидан умид қиляпти. Ҳаммасига кўрсатиб қўяман. Мен билан ўйнашиш нималарга олиб келишини кўради. Лекин ҳозирча унгаям индамаймиз, бир-икки кун даммини олиб турсин.

Соли ўзи ўйлаганчалик уззу-кун маишатдан сархуш бўлолмади. Нимадир доимо миясига урилар, хотиржам бўлишига ҳалақит берарди. Ўша нимадирни у яхши биларди. Тўғрироғи, кимдир: Икром. Ҳеч қаерда кўрин-

майдиган, бирорта сўзи эшитилмайдиган, кўпчиликнинг хаёлидан бутунлай ўчиб кетган Икром. Шу боис, орачора бир нуқтага термилганча сигарета чекиб ўйланиб қоларди. Шундай кунларнинг бирида Сайдулло келди. Соли уни бутунлай унутган экан. Кўриб бироз чиройи очилди. Лекин буни билдирмаслик учун қовоғини уйиб олди.

— Хушxabар, хўжайин, — деди Сайдулло ялтоқланиб, — Икромни ўз кўзим билан кўрдим. Хотинчаси билан ялло қилиб юрибди.

— Йўғ-э, даҳшат-ку, мана буни кайфу сафо деса бўлади. Ҳаво тоза, баланд тоғлар, кўм-кўк арчазорлар, тандир кабоб, ёнингда ойимча... бундан ортиқ жаннат бўлиши мумкинми?! Биз бу ёқда итнинг кунини кўриб юрибмиз, — деди Соли ўзини афсусланган кўрсатиб, — бориб биз ҳам дам олиб келайлик. Ишлайвериб чарчаб кетдик. Бугуноқ кечки пайт йўлга тушамиз. Сайдулло бошлаб боради.

— Нима десангиз шу, хўжайин, фақат кечаси юришим бироз оғир бўладими, деб ўйлайман-да, — деди Сайдулло бошини эгиб.

— Шу пайтгача ... еб юрибсанми?! Бошқа одам бўлганида, кўзини юмиб тўғри келган жойга обориб қўядиган бўлиб кетарди! Сен эшак бўлса!..

— Ҳаммаси айтганингиздай бўлади, — деди Сайдулло баттар эгилиб хожасининг гапини бўларкан.

Аслида бошлиқнинг сўзини бўлиш мумкинмас эди. Лекин ҳозир вазият тақозо қилганлиги боис, Солининг ўзи ҳам кўпроқ шуни истагани учун индамади.

Кўёш уфққа ёнбошлашидан бурун учта машина йўлга чиқди. Уларнинг ичида ўтирганларнинг кўнглида ўзгача иштиёқ, кўтаринкилик бор эди.

\* \* \*

Ҳамма ёқ бирпасда тўс-тўполон бўлиб кетди. Ўғиллар сочларини фикимлаган, Икром довдираган, аёллар йиғисини бошлаб юборишганди. Ҳатто Эгамназар ота ҳам саросималаниб қолди. Биргина қори ўзини йўқотмаганди. Шу боисдан ҳам, марҳумнинг иягини боғлаш, бошини қиблага қаратиб қўйиш, устини ёпиш каби юмушларни у буюриб турди.

Ҳартугул, бироздан кейин Эгамназар ота ўзига келиб, барча бошқарувни кўлига олди.

Бахшулло жиннига айланганди гўё, унинг кўзига ҳеч нарса кўринмас, нуқул ўзини ўлдиршини айтиб бақирарди. Ҳатто бир-икки марта бошини дарахтга урди. Агар аҳвол шу тахлит кетаверса, ўзини бир бало қилиб қўйиши ҳеч гап эмасди. Аввал Машраб, сўнг Неъмат чўпон уни шаштидан қайтармоқчи бўлиб кўришди. Аммо кучлари етмади. Шундан кейингина аҳвол Эгамназар отага етказилди.

— Шошманг, — деди унинг ёнида турган Норбой қори, — мен гаплашиб кўрай-чи.

У бир-бир босиб ташқарига чиқди. Кўрдик, Бахшулло ҳақиқатан ҳам телбага айланган.

— Отангнинг гўрида тик туришини хоҳлаяпсанми? — деди унинг ёнига бориб.

Қорининг сўзларини чўпон йигит эшитмади.

— Ҳаммасига мен аҳмоқ айбдорман! Отамни мен ўлдирдим! Мен ўлдирдим! — деб кўксига урганча бақирришда давом этди у.

— Отаси ўлган бир сенми?! Нега дунёни бошингга кўтараяпсан?! Отангнинг руҳи мана шу ерда, атрофимизда, сен билан мени кўриб, гапларимизни эшитиб турибди! Нега унинг жаннатга боришига қаршилиқ қилаяпсан, бола? Тириклигида берган азобларинг камлик қилганидай, гўрида тинчгина ётишигаям қўймайсанми?!

Унинг сўзларидан атрофдагилар бир қалқиб тушишди ва ҳамма бирдек тек қотди. Бахшулло ҳам бу сафар унинг гапларининг ҳаммасини эшитди ва қорига юзланди-да, тиз чўкди.

— Мулла бова, — деди ингроқ товушда, — энди мен нима қиламан?! Отам мени деб ўлди-да!

— Аввал ўзингни бос! Кейин отангнинг руҳини шод қилишни ўйла!

Қори бошқа гапирмади, ичкарига кириб кетди. Бахшулло мунғайганча ўтириб қолди.

Икром ҳам Бахшуллодан кам азобланмаётганди. “Нега келдим?! Мени деб бўлди ҳаммаси. Қаерга борсам, бирор фалокатни бошлайман. Аслида мен ўлсам, яхши бўларди. Ҳеч кимга бунчалик оғирим тушмасди. Қори не умид-



да олиб келганди бу ёқларга? Нима бўлди? Яна одам ўлиши... Нима фарқи бор, ўлдирмаганим билан, сабабчи бўлдим-ку! Нима қилсам, нима қилайин?! — дея ташқарида чодир деворига суянганча ўйларди у. — Кетаман, ҳозироқ кетаман. Бошим оққан ёққа, ҳеч ким йўқ жойга! Биров мени тополмайди!” — деган якуний қарорга келди бироздан кейин у ва бошини кўтариб, кўзи билан Дилдорани қидирди. Бироқ тополмади. “Ичкарида хотин-халаж орасида бўлса керак”, — деган хаёлга бориб ўрнидан турди. Бир-икки қадам босди. Аммо дарров ниятидан қайтди. Чунки ўзи учун жонини беришга тайёр одамни тупроққа топширмай туриб кетиб юбориш ўтакетган номардлик эканлигини англаб етди ҳамда қўлига асо тутиб, отасининг чодир эшиги ёнида унсиз йиғлаб турган Худойбердининг ёнига борди-да:

— Узр. Сизларга кўп ташвиш келтирдим, — деди.

Худойберди илқис бошини кўтариб унга қаради.

— Нималар деяпсиз, жўра, ҳаммаси Худодан, Худо шундай бўлишини хоҳлаган экан, бўлди. Мен ҳеч кимни айбдор деб ҳисобламайман, — деди.

Мархумни аср намози ўқилганидан кейин қишлоққа олиб кетишди. Чодирларда фақат хотин-халажларгина қолишди. Нарзулла отанинг жасади ортилган арава кўринмай кетгунча улар уввос солиб йиғлаб туришди. Уларнинг орасида Дилдора ҳам бор эди. У ҳам бошқалардан кам изтироб чекмаётганди. Шунинг билан бирга, ўзини ниҳоятда ёлғиз сезар, юраги кўрқувдан гупиллаб урарди. Айниқса, Зарбуви кампир бир-икки марта олақараш қилганидан кейин бутунлай адо бўлди ва Назокатнинг қўлидан маҳкам ушлади.

— Илтимос, — деди дугонасининг қулоғига пичирлаб. — Мени ҳечам ёлғиз қолдирманг.

Назокат унинг нима сабабдан бунақа деяётганини биларди. У ҳам қайнонасининг ёмон қараш қилганини кўрганди.

— Ҳеч нарсадан хавотир олманг, ҳаммаси яхши бўлади, — деб шивирлади у ҳам Дилдоранинг қулоғига.

Икром Нарзулла отанинг худойиси ўтгунча саросималаниб юрди. Норбой қорини холи топиб, у билан гаплашмоқчи бўлди-ю, аммо имконини қилолмади. Шу боис,

пайт пойлаб юраверди. Нима дейишни билмасди. Лекин гаплашгиси келаётганди. Маслаҳат... Йўқ, энди унинг маслаҳатини олмайди. Агар аввалги иши билан шуғулланиб юрганида ҳозиргидай виждон азобига қолмаган бўларди. Бунисини у аниқ билади. Яна қоридан маслаҳат сўрайдиган бўлса, у тагин бирон кўздан панароқ жойга боришни маслаҳат беради. Лекин, албатта, у ёқдаям одамлар бор. Демакки, Икромни азоблайдиган нарса, албатта, топилади.

Қорининг ўзи Икромни ёнига чақириб қолди.

Чодирга кирса, Норбой қори ёлғиз ўзи ўтирибди. Улар бошқатдан кучоқлашиб кўришишди.

— Ҳаммасидан хабарим бор, — деди қори бошини ҳам қилиб унинг ёнидан жой олиб ўтирган Икромга, — аммо шунақа бўлишини мутлақо хаёлимга келтирмаган эканман. Танангиз билан бирга руҳингиз ҳам тозаланади, деб хаёл қилгандим. Бандамиз-да, ҳамма вақт ҳам мўлжалимиз тўғри чиқавермайди.

— Мен сизни ҳеч қачон айбламадим. Лекин бу ерга келганимдан хурсанд ҳам бўлганим йўқ. Одамлар яхши. Биронтасиниям ёмон дейишга тилим бормайди. Ўзи менга ҳеч қаерда жой йўқ экан. Ҳозир бошим қотиб, гарангга ўхшаб юрибман. Бировнинг ола қараганига кўзим тушмаган бўлсаям, ич-ичимдан бу ерга сиғмаётганимни сезаяпман. Отаси ўлганидан кейин ҳам Бахшулло икки-уч келиб кечирим сўради. Аммо, кошки, ўрнига тушса, яра барибир яралигича қолиб кетаркан. Яхшиси, кетаман.

— Мен сизни тушуниб турибман. Шундай бўлсаям, шаҳарга қайтишингизни хоҳламайман. Борасиз, бир кун тинч яшайсиз, ана, икки кун хотиржам бўларсиз, лекин учинчи кунга сиз топмасангиз ҳам, бемаза одамлар сизни топишади. Яна аввалгидай...

— Улар аллақачон бу ердан ҳам мени топишди. Яқин кунларда келиб қолишсаям ажабланмайман... Аввалгидай бўлмайди. Чунки мен кириб қолган одамлар орасидан фақатгина ўлиб чиқиб кетиш мумкин...

— Яна одам ўлдириш, зўравонлик қилиш, бировларнинг молини ўғирлаш билан шуғулланаман, демоқчимисиз? — деди қори овозини бир парда кўтариб.

— Йўқ, бошим оққан томонга кетмоқчиман, Магадан-

гами, Сибиргами... Ишқилиб, зог яшамайдиган жойга борсам бўлди. Дилдора ёнимда, шунга овуниб кунимни ўтказавераман. Амаллаб олтмиш ёшгача етсам, бўлди. У ёғига биров мени изламай қўяди. Кейин балки қайтиб келарман.

— Келин билан маслаҳат қилдингизми?

— Йўқ.

— Аввал маслаҳатлашинг, кейин у ёғи бир гап бўлар. Ёлғизлик фақат Аллоҳга хос. Унгагина ёлғизлик ярашади. Лекин бандасини жамоа бўлишга ҳукм қилганми, шундай бўлиши шарт.

Икром ҳеч нарса деёлмай қолди. Боши ғувиллайверди. Ортиқ ўтиролмади ҳамда секин ўрнидан турди-да, ташқарига йўналди. Қори уни тўхтатмади. Зеро, ҳозир Икром ёлғиз бироз юришини тушуниб турарди.

Кечга бориб Икром безовта бўла бошлади. Биров унга ёмон гапиргани йўқ. Ҳар ким ўзи билан ўзи овора. Бахшулло отасининг худойиси ўтиши билан қўй боққани кетиб қолди. Қолаверса, ундан умуман хавотир олмасаям бўлади. Чунки Икром билан ака-ука киришган. Фурурли тоғ йигити ҳеч қачон онтига қарши бормайди.

— Ишқилиб, — деди у тўшакка ётганидан кейин кўксига бошини қўйиб, хаёл сураётган Дилдорани эсидан чиқазиб, — кетгунимизча бирорта ишқал чиқиб қолмасинда.

— Қанақа ишқал? — деди келинчак дарров бошини кўтариб эрига қараркан.

— Ишқал... Ҳа-а, — деб кулган бўлди Икром, — анча йил аввалги гап ёдимга тушиб гапирворибман.

— Ҳечам унақага ўхшамади. Нимани яширмоқчи бўлаяпсиз, айтинг, илтимос, — дея у мўлтирабгина эрига тикилди. Икром хотинининг ўзидан-да кўпроқ азият чекаётганини билмасди. Айниқса, Зарбуви кампирга ҳар сафар дуч келганида ўзини қўярга жой тополмас, қизариб бўзариб, айтаётган гапларидан адашиб кетарди. Кампир унга ҳеч нарса демас, шунчаки ўқрайиб қараб қўярди. Шунинг ўзи келинчакка етиб ортарди. Шу пайтгача у ҳамма аламини ичига ютиб, зўрға чидаб юрганди. Энди ортиқ бардоши етмайди. Агар Икром саволига жавоб бермаса, дод солиб йиғлаб юборади.

— Жоним, — деди Икром уни бағрига босаркан, — сендан нимани ҳам яширардим? Ҳаммаси жойида. Фақат, шу бир-икки кун ичида кетамиз. Ўзи яқингинада шу қарорга келдим.

— Қори домла шу ердалар-ку, омон-эсон кетволамиз, насиб бўлса.

— Кетгинг келаяптими?

— Ҳа, — деди Дилдора бош силкиб.

Икром аввал унинг лабидан, сўнг бўйнидан, кейин баданидан ўпди. Бирпасдан кейин эса улар дунёнинг энг олий лаззати қуршовида қолишди...

Тун ярмидан оққанда, Икром бирдан уйғониб кетди. Унинг юраги гупиллаб урар, пешонасидан тер чиқиб кетганди. Бироз ўзининг аҳволини ўзи тушунолмайдиганга ўхшайди. Хаёлида кимдир чодирга бостириб кирадигандай, хотини икковини чавақлаб ташлайдигандай туйилаверди. “Шу маҳалда ким ҳам келиши мумкин?” — деб ўйлаб кўзини юмганди, ташқарида итларнинг безовталангани, жон ҳолатда хура бошлагани эшитилди. Шунда ҳам Икром ёмон ўйга бормаса-да, айти пайтда кўнглининг ҳам ғашлиги кучайди. Бироқ Солининг (аслида, ўзининг) йигитлари ташқарида пайдо бўлгани хаёлининг бир чеккасига ҳам келмади.

Икром эшик бўсағасига етганида алланимага қоқилиб кетиб йиқилиб тушди. Бу пайтда итларнинг ҳуриши авжига чиққанди. Бундан баттар хавотири кучайган Икром ўрнидан сапчиб турди.

— Икром ака, — Дилдоранинг овози келди орқа томондан, — нима гап?

— Ҳеч гап йўқ, шунчаки, ташқарига чиқаяпман. Сен ухлайвер, — жавоб қайтарди Икром.

Ҳураётган итлардан бири жон аччиғида чийиллади, сўнг уни ўчди. Бу ҳол Икромни баттар сергаклантирди. У шоша-пиша ичкарига қайтиб кирди-да, чироқни ёқмасдан, пайпаслаб кийимларини топиб кийди, сўнг чала уйқудаги Дилдоранинг қўлидан ушлади.

— Дилдор, Дилдор, тур, тур!

— Тинчликми? — дея уйқули кўзларини сийпалади келинчак.

— Билмадим. Тез кийиниб, бурчакка бориб ўтир, ус-

тингга биронта кўрпа ташлаб ол. Хуллас, борлигинг сезилмасин!

Икром шивирлаб гапирган бўлса-да, овозидаги саросима сезилиб турарди. Бундан Дилдора баттар ҳаяжонланиб, вужудини кўрқув эгаллаб олди.

— Нималар бўлаяпти, Икром ака! — деди у ҳам титроқ товушда шивирларкан.

— Ҳозирча ҳеч нарса. Сен менинг айтганимни қил...

— Бахшуллонинг яна феъли айнидими? Яна биронта фалокатни бошладимиз?! — деди Дилдора Икромнинг кўлидан маҳкам тутиб.

— Йўқ... Бўлди, гапни кўпайтирмай, айтганимни бажар.

Икром чодирнинг дераза томонидаги гилам устида турган сумкани кавлаштириб, доим ўзи билан бирга олиб юрадиган тўппончани топди ва ташқарига йўналди. Бироқ чиқишга улгурмади.

\* \* \*

Бахшулло сира ўзига келолмаётгани боис, қўйларни шимол томонга ҳайдади. У ёқда ўт-ўлан мўл эмасди. Фақат баҳорда бошқача бўларди. Лолақизғалдоқлар шунақанги кўп очилардики, бахмал гилам тўшалган дейсиз. Улар орасида кезиб юриш у ёқда турсин, четдан туриб томоша қилсангиз ҳам, бошқа дунёга тушиб қолгандай бўласиз. Жаннат! Ўзга нарса эмас. Кетгингиз келмайди. Бир умрга қолсам дейсиз. Аммо бу дилбар онлар жуда қисқа фурсатда ўтиб кетади. Кейин ҳамма ёқ қақраб, ўт-ўлану қизғалдоқлар қовжирайди. Адир қоқ суяқдан иборатга ўхшаб қолади. Лекин бу ердаги сокинлик барибир одамга роҳат бағишлайверади.

Бахшулло ана шу сокинликни кўмсади. Қўйларини ўша сокин дарага қўйиб юбориб, ўзи отдан тушди. Ерга хуржунни тўшаб устига ўтирди. Иссиқлик кезиб юрган ялангликка бирпас термилди. Сўнг чалқанча ётиб, осмонни томоша қилган бўлди. Ва ўз-ўзидан уйқу босди.

Одамнинг юзига куёш тушиб турганида тушлари ҳам ғалати бўлади. Қанақангидир воқеалар содир бўлади-ю, уларни кўришга қийналасиз, доим офтоб халақит бераверади. Бахшуллода ҳам шундай бўлди. Ўндан зиёд одам. Ҳаммаси қора кийимда, лекин уларнинг афт-ангорини

илғашга чўпон йигитнинг қурби етмайди. Қандайдир нур халақит бераверади.

Итнинг ҳуришидан уйғониб кетди. Ўрнидан тургиси келмади. Аммо куёш аллақачон уфққа ёнбошлаганини кўриб, қўйларидан хавотир олди-ю туришга мажбур бўлди. “Кўп ухлабман”, дея хаёлидан ўтказди у ва шоша-пиша хуржунни эгар устига ташлади-да, бир сакраб отга минди.

Сурув анча узоқлаган экан, етиб олгунча бирор беш дақиқа кетди. Қўйларни санаган бўлди. Назарида, ҳаммаси жойида. Бироз енгил тортди-да, сурувни умумий қўтон тарафга ҳайдади. Кўп юрмади. Узоғи билан юз қадамча масофадан кейин беихтиёр сўл томондаги сойликка қаради ва кутилмаганда учта машинага кўзи тушди. Аввалига ҳайрон бўлди. Чунки сойликдаги йўлнинг боши берк эди: икки чақиримча тоғ оралаб юради, сўнг тўхтади. У ёғига фақат бульдозер юра олади. Раис дала ҳовлисига қурилиш... “Тўхта, — сергак тортди Бахшулло, — ким бўлди булар? Нега бу томонга кетаяпти? Раис... Бўлиши мумкинмас, у дачани отамга совға қилган, ўлганидан дарров қайтариб олмас. Бунинг устига, раис ҳеч вақт “Жигули”да келмайди. Бир гап борга ўхшайди”.

У сурувни тезроқ ҳайдашга тушди. Эртароқ бориб қўтонга қамаб, кейин бевақт келаётганларни кузатмоқчи бўлди. Аммо шунча ҳаракат қилмасин, қўйларини қўрага қамагунча икки соатлар вақтини йўқотди. Одатда, иш якунида қўйларини бир сидра саноқдан ўтказарди. Бу сафар ундай қилмади, шоша-пиша қўра эшигини бекитди-да, яна ирғиб отига минди. Ҳайрон бўлиб ўзига қараган Неъмат акага:

— Ишим чиқиб қолди, ҳозир келаман, — деди.

Бахшуллонинг қилиқларидан ҳамма хабардор эди. Ҳали ҳам унга тўла ишонишмасди. Шунинг учун Неъмат ака от жилловини ушлади:

— Қаерга бораяпсан? Қоронғи тушаяпти. Чодирга кириб дамингни олмайсанми? — дея Бахшуллонинг кўзига тикилди.

— Ака, ишим чиқди, деяпман-ку. Дарров келаман, — жавоб қилди бетоқатланган Бахшулло.

— Яна бир балони бошламоқчимисан? Туш отдан! — бақирди Неъмат ака.

— Ишонмасангиз, юринг мен билан! — деди Бахшулло ҳам овозини бир парда кўтариб.

Шундан кейингина Неъмат ака от жilовини қўйиб юборди. Чўпон йигит отига кетма-кет қамчи босиб, тоғ томонга елдай учиб кетди.

Атайин қисқа йўлга (аслида, йўл эмасди: тоғ тошларидан иборат баландлик. Чўпонлар бу жойга “Етим тоғ” деган ном беришганди. Чунки у ҳеч бир томони билан бошқа тоғларга қўшилмаган, ҳамма тарафи сойлик билан ўралганди. Бир қарашда бу ердан осонлик билан ўтиш мумкин эса-да, юриш, айниқса, от билан юриш анча мушкул эди. Чунки туёқ сиғадиган даражада ҳам сўқмоқ йўқ эди) отини бурди. Эртароқ дала ҳовлига бориб, анави машинадагиларни кутиб туришни мўлжаллаганди у. Гарчи Етим тоғдан ошиб ўтишга ярим соатдан зиёд вақт сарфлаган эса-да, Бахшулло “меҳмон”лардан олдин етиб борди. Атайин отини анча нарига — кўздан пана жойга боғлади. Сўнг уйнинг ёнига борди-да, ҳамма ёқни бирма-бир кўздан кечирди. Ҳеч кимни учратмагач, анча нарига бориб, “меҳмон”лар келишини кута бошлади. Назарида, машинадагилар айнаи шу жойни мўжал олиб келишаётганди.

Ниҳоят орадан бирор соатча ўтгач, салқин туша бошлаган маҳал кимларнингдир баланд овозда гаплашганлари эшитилди (тоғда секин гаплашилса-да, овоз анча нарига боради). Бахшулло секин энгашди ва келаётганларни кузата бошлади. Оралиқ масофа унчалик ҳам узоқ эмасди. Бироқ ҳали ой чиқмаганлиги учун ҳамма ёқ зимзиё, шу боис, икки қадам наридаги одамни ҳам кўриш амримаҳол эди. Бахшулло келаётганлар неча киши эканлигини аниқлаёлмади. Лекин Сайдуллонинг овозини таниди.

— Мана ўша уй! — деди Сайдулло баланд овозда гурур билан. — Шу ерда дам олсак бўлади. У ёғига пиёда тўрт соатлик йўл.

— Шу ерга келгунимизча оёқдан оёқ қолмади. Ҳе, топган йўлингни сенинг!.. — деб сўқинди Соли ва чўнтагидан сигарета чиқараркан, йигитларига уйни назоратдан ўтказишни буюрди.

Дам олиш бир ош пишгулик вақтдан зиёдроққа чўзил-

ди. Соли чарчоқни унутиш учун йигитларига қўшилиб наша чекди. Қимор ўйнади. Лекин барибир орқага худди шундай пиёда қайтишни ўйлаганида, юраги орқасига тортиб кетаверарди. Ўзи бўптими, шу ерга етгунларича камида икки соат яёв юришди. Ҳали олдинда яна тўрт соатлик йўл бўлса, қайтишда яна шунча юрилиши лозим. Сайдуллонинг гапларига қараганда, чодирлар тикилган жойда отлар кўп эмиш, иш битгач, бемалол миниб қайтилса бўлавераркан.

Бахшулло уйдан узоққа кетмади. Кириб-чиқиб турганларни кузатиб ўтираверди. Бир хаёл, бориб Икромга бўлаётган воқеа ҳақида айтмоқчи бўлди-ю, тагин фикридан қайтди. Балки булар бошқа ниятда келишган бўлиши ҳам мумкин-ку. Қолаверса, Икром бошқалар каби ҳали унга тўлалигича ишонмайди. Ёмон хаёлга бориши мумкин.

Ниҳоят “меҳмон”лар йўлга тушишди. Бахшулло уларнинг ортидан изма-из бораверди. Тўхтасалар тўхтади, юрсалар юрди, ўтирсалар ўтирди. Соли билан унинг шотирлари йўл чарчоғини босиш учун наша чекаётганларида, қунишибгина арча остида ўтирди. Ундан аста-секин совуқ ўта бошлаганди. Ёзнинг сўнгги ойи кечалари тоғда анча салқин бўлади. Бахшулло қўйларини қамаб бўлгач, фуфайкасини ечиб ташлаганди. Ҳозир шу иши учун ўзини озгина койиган бўлди.

Чодир тикилган манзилга етишларига бирор соатча вақт қолганида, чўпон йигит келгиндиларнинг мақсадини тўла англаб етди. “Икромни бир ёқли қилиш илинжида эканлиги аниқ буларнинг”, дея ўйлади ва бунинг олдини олиш чорасини ўйлай бошлади. Бу пайтда меҳмонларнинг кўпчилигини уйқу элтган, зўрға оёқларини судраб босишаётганди. Шу боис, икки-учтаси олдиндагилардан беш-олти қадам ортда қолаётганди. Айниқса, энг орқадагининг бутунлай тинка-мадори қуриганини Бахшулло сизди ва кўнглида то манзилга етгунларича ғанимларни бирма-бир камайтириш фикри туғилди.

Ниятини амалга ошириш учун энг орқада зўрға кетаётган, бошқаларга нисбатан анча озгин йигитга яқинлашди-да, бирдан бўйнидан бўғиб, оғзини бекитди. Кучли қўл чангалига тушган йигит типирчилади, шерикла-



рини чақирмоқчи бўлди, аммо мадорсизлиги панд берди. Бахшулло унинг бўйнини қаттиқроқ қайириб юборганди, қирсиллаган овоз чиқди. Шундан сўнг чўпон йигитнинг “ўлжа”си бўшашди. Бахшулло уни судраб сўқмоқ чеккасига ўтказди-да, ётқизиб қўйди.

Кейинги ғанимни “тинчитиш”да ўзининг суроби тўғриланиб қолишига оз қолди. Бахшулло унга етишига бор-йўғи икки қадам қолганди. Солининг шотири тўхтади. Чўнтагидан сигарета олиб, эринмасдан лабига қистирди-да, сўнг тутатди. Шунинг баробарида, ортидан келаётган чўпон йигитни кўрди. Аммо у билан бирга ажал келаётганини билмасди. Чунки ўзининг шериги деб ўйлади ва ҳаттоки:

— Имилламай тезроқ юрсанг ўласанми? — деди ва энди олдинга уч-тўрт қадам босганди ҳамки, ичига ютган тутунни қайтиб чиқаролмай бўғилди. Бахшулло пайт пойлаб, унинг ҳам бўйнидан бўққанди. Бу галгиси боягига ўхшаб нимжон эмасди. Шу боис, яхшигина қаршилиқ кўрсатди. Лекин барибир ожизлик қилди. Бахшуллонинг бахтига, олдиндагилар анча илгарилаганди. Шу боисдан ҳам, жон таслим қилаётган йигитнинг тапиллатиб оёғини ерга урганини эшитишмади.

Иккита ғанимни бир ёқли қилгач, Бахшулло ўз-ўзидан хурсанд бўлиб кетди. Унинг билакларига ғойибдан қўшимча куч энгандай эди. У шу дамда бир неча ой илгари бўриларни ер тишлатганини эсга олди. Ўшанда ҳам аввалига роса кўрққанди. Кейин бир-иккитасини уриб ўлдиргач, завқланиб, бошқаларига шер мисол ташланганди. Бироқ ҳозир худди шундай шиддат билан олдинга интилмади. Эҳтиёткорлик билан иш тутиш лозимлигини у яхшигина англаб турарди. Шунинг учун ҳам учинчисини “овлаш”га анча вақт сарфлади. Сўқмоқ йўл сўлга буриладиган жойга келгандагина (бу ернинг ўнг тарафи чуқур жарлик эди. Агар кўзга қаралмаса, биттагина нотўғри қадам билан ҳам тушиб кетиш ва соғ қолмаслик мумкин эди) Бахшулло унинг ортидан яқинлашди ҳамда секингина туртиб юборди. “А-а-а!!!” — дея наъра тортган Солининг шотири зулматга — жарлик тубига кулади.

— Итдан тарқаган! — дея сўкинди Соли. — Шунча одам ўтди, биронтаси қуламади. Бу ифлоснинг кўзи қаерда

эди?! Баттар бўлсин, оvsарлиги бошига етди. Тезроқ юринглар! Ҳов мараз! — деди унинг жаҳли чиқиб Сайдуллога бақираркан. — Ҳали кўп юрамизми?!

— Оз қолди, — деб жавоб қилди бирдан саросимага тушган Сайдулло, — беш-ўн минут...

Улар йўлларида давом этишди. Яхшики, Соли йигитларига, ҳеч бўлмаганда, бир қур назар ташламади. Агар эътиборлироқ бўлганида, жарликка қулаган йигит билан учинчи шотиридан айрилганини сезарди. Сўнг бундан кейин ўзига ҳам осон бўлмаслигини англади, эҳтимолки, ниятидан ҳам қайтган бўларди. Афсуски, унда эртани кўра билиш, ақл билан иш тутиш қобилияти анча оқсоқланаётганди.

Манзилга етганларидан сўнг, Соли шотирларини тўхтатди-да, чодирларни кузатди.

— Чўпонларнинг итлари бўрибосар. Ташланса, соғ қўймайди, — деди унинг ёнига келган Сайдулло.

— Ана шу итлар энди бизга ёрдам беради. Яқин борганимиздан кейин акиллашга тушишади. Демак, бошқалар қатори, биз қидираётган ҳайвон ҳам хотинчасининг қўйини совитишга мажбур бўлади. Итлар жуда яқинларингга келгунча индаманглар, кейин битта ўқ билан тинчитиб қўяқоласизлар. Овоз чиқармайдиган мосламани пистолетларингга ўрнатинглар!

Солининг тадбири дарров иш берди. Чодирлардан эркаклар бирма-бир чиқа бошлади. Унгача учта ит жон таслим қилди. Бундан, албатта, хавотирга тушган чўпонлар милтиқларини ўқлаб чиқишди. Бироқ улар нима бўлаётганини тезда англаёлмадилар. Бир муддат саросимага тушишди. Бундан усталик билан фойдаланган Солининг йигитлари Иззатиллани елкасидан яралашди. У оғриқ азобидан инграркан, ерга гурсиллаб йиқилди. Ҳали-ҳамон нималар бўлаётганига ақли етмаган Худойберди унинг йиқилганини кўрган заҳоти ёнига югуриб борди-да, турғизмоқчи бўлиб энгашган маҳал биқинига тепки тегди. Саросимага тушган йигит қадини ростламоқчи бўлганида, иягининг тагидан шунақанги қаттиқ мушт тегдики, гўё боши узилиб кетгандай бўлди ва у ҳам Иззатилланинг ёнига йиқилди-ю, ҳушидан кетди. Соли талотўпга аралашмади. Чеккада ўтириб, имкон қадар вазиятни

кузатди. Даставвал “иш”лари силлиқ кетаётганидан хурсанд бўлди. Аммо кутилмаганда бирдан вазият бошқача тус олди. Унинг одамларига Бахшулло ортларидан бориб ташланаётган бўлса, Икромнинг қўлидаги тўппонча ҳам ишга тушиб кетди. Соли милтиқ билан тўппончанинг овозини бир-биридан яхши фарқларди. Аввалига унинг боши қотди. “Итлар, — хаёлидан ўтказди у, — нима дегандим? Ҳамма ёқни бозор қилиб юборишди”. У ҳали ўйини охирига етказмасдан, “тарс” этган овоз ҳавода янгради-ю, чироқ ёруғида ниқобли йигитлардан бири қулаганини Соли аниқ кўриб қолди. Шундагина тўппончани бошқа одам (унинг тахминича, Икром) отганини англади ва ўзи ҳам тўполонга аралашмаса, ҳаммаси барбод бўлажagini тушунди ҳамда тахминан ўқ қайси тарафдан отилганини чамалаб, секин пусиб бораверди.

Икром бундай пайтда қандай иш тутишни биларди. Шу боис, чўпонлар каби очиқчасига жангга кирмади. Дарахтлар ортига бекиниб, гоҳида эмаклаб, мумкин қадар бировнинг кўзига ташланмасдан ҳаракат қиларди. Шундай эса-да, бешта ўқи мўлжалга етиб бормади. Фақат Соли кўриб қолган йигитнигина нишонга ола билди. Шунда ҳам ниқобдаги қароқчи белидан яраланиб, ерга ағанади. Бахшулло эса бунгача асли касби ўғрилиқ бўлган йигитларнинг иккисини ҳушидан кетказишга улгурган эди.

Борган сари отишма қизғин тус ола бошлади. Энди нима бўлаётганини англаб етган чўпонлар ҳам кўксиларини ерга босишган ва эҳтиёткорлик билан жойларидан силжишаётганди. Улар ўқ отишда Солининг йигитларига нисбатан анча уста эдилар. Чунки ора-чора тоққа каклик овига чиқиб туришарди. Гоҳида ов баҳонасида ким нишонни аниқ олиш мусобақасига киришиб кетишарди. Шунинг учун ҳам Солининг йигитларининг отишма бошидаги устунлиги дарров чаппасига айланиб кетди. Шотирлари бирма-бир ер тишлай бошлади. Бу пайтда тонг ҳам аста-секин оқариб келар, уришаётганлар яққолроқ кўрина бошлаганди.

Яна ярим соатлар ичида Икромни бир ёқли қилмаса, кейин ҳамма умидлари барбод бўлажagini билган Соли Икромни роса қидирди. У шу пайтгача бир марта ҳам

тўппончасини ишга солмаганди. Имкони бўлганди, бириккита чўпонни бемалол отиб ўлдириши мумкин эди, лекин бу ишни қилмади. Чунки унга фақатгина Икром керак эди. Шу боисдан ҳам фақат тишини-тишига босиб кутди.

Бу пайтда ўзининг йигитларидан фақатгина Сайдулло қолган, у ҳам қуршовга тушиб бўлганди. Ўқи ҳам қолмаган, шекилли, пусиб ётишдан бошқа ҳеч нарса қилмаётганди. Ниҳоят Соли излаган одамини топди. Икром ётган жойидан туриб, харсанг тош ортига беркинганида, Солининг унга кўзи тушди. Оралиқ масофа узоғи билан ўн қадам. Соли кўзини юмиб ҳам рақибини бемалол отиб ташлаши мумкин.

У секин тўппончаси милини Икромга қаратди. Шошилиб хатога йўл қўйишдан чўчиб, мумкин қадар бемалол душманининг орқа миясини мўлжалга олиб, тепки устига бармоғини қўйди. У шу пайтгача қанчадан-қанча одамни бир туки ўзгармасдан отиб ташлаганди. Ўша пайтлари на ҳаяжон босган ва на қўрқув. Ҳозир эса ўз-ўзидан қўли қалтиради. Пешонасидан тер чиқиб кетди. “Ҳозир, ҳозир сен маразни нариги дунёга жўнатаман, қимирламай тур, ана шундай”, дея ўзига-ўзи пичирлаб руҳини тетиклаштирди. Ана шу маҳал шитирлаган овоз эшитилди. Бироқ Соли унга эътибор берадиган аҳволда эмасди. Рақибни рўпарасида, уни отиши сув билан ҳаводек зарур.

Ниҳоят тепкини босди. Тўппончаси “гуп” этиб овоз чиқарди. Бироқ Икром йиқилмади. Унинг ўрнига бошқа бир йигит типирчилаб қолди. “Уҳ, итдан тарқаган!” — дея бақириб юборган Соли ўрnidан сакраб турди-да, Икром томонга яна бир марта ўқ узиб, қочишга тушди.

Соли отган ўқ товушидан Икром чўчиб тушди ва ортига бурилиши билан оёғи остига гавда қулади ҳамда ўзидан сал нарида ниқобли одам қочиб кетаётганини кўрди. Ерда юзтубан ётганча инграётган йигитнинг кимлигини билиш учун қўлтиғидан олиб, озгина ердан кўтарди-ю, қотиб қолди. Инграётган Бахшулло эди.

— Нима қилиб қўйдинг?! — деди Икром аламдан титраб.

— Охир... охиргиси қочишга улгурмасин... У... Бу ерга

келганларнинг каттаси. Имм!.. Мени қўйинг, орқасидан боринг! — деди оғриққа бардош бериш учун қўлини маҳкам мушт қилган Бахшулло.

— Ҳозир... Ҳозир, сен шу ерда ёта тур! Мен... Мен уни ушлайман!

Бахшулло Солини кеч кўриб қолди. Икромга яқинроқ эди-ю, аммо уни нишонга олган одамдан анча нарида эди. Агар тезда Икромни итариб юбормаса, совуқ темир парчаси уни тешиб ўтиши аниқ. Бахшулло ўзини Икромнинг устига отди. Аммо бироз кеч қолди. Соли қўлидаги тўппончасини ишга солишга улгурди ва... ўқ Бахшуллонинг танасига тегди.

Икром Солининг орқасидан изма-из югурди. Анча вақтдан бери тоғ ҳавосидан нафас олгани, қанча-қанча жойларга пиёда бориб келгани унга қўл келиб, Солига нисбатан илдамроқ югурарди у. Солининг эса, икки километрлардан сўнг тинка-мадори қуриди. У ҳансираб нафас оларкан, чўккалади-да, бироз дам олмоқчи бўлди. Назарида, орқасидан ҳеч ким қувмаётган эди; бемалол арча ортига яшириниб, наша чекиб, чарчоқёзди қилиб олса бўладигандек эди. Бироқ ортига бир ўгирилиб қаради-ю, адашганини билди. Чунки Икром ўзи томон елдай учиб келарди. Шоша-пиша у томонга ўқ узди-да, ўрнидан туриб яна қочишга тушди. Аммо бу сафар оёқлари кўпам ўзига бўйсунавермади. Ўн-ўн беш қадам ташлар-ташламас тўхтаб қолди. Ортига бурилди-да, анча яқинлашган Икромга ўқ узди. Лекин Икром ўзини четга олишга улгурди ҳамда нафаси бўғзига тикилган Солининг тиззасини мўлжалга олиб, тепкини босди.

— А-а! — деб бақириб юборди Соли. Шу маҳал унинг қўлидаги тўппонча ерга тушиб кетди. — Икром ака! — деб бақирди у, — мени кечиринг, акажон, қулингиз бўлай, мени кечиринг!

Икромнинг юзида шафқатдан асар ҳам йўқ эди. У ғазаб билан шахдам қадам ташлаб Солининг ёнига келди ҳамда аямасдан башарасига тепди. Душмани гурсиллаб йиқилди.

— Нонкўр! — деб ўкирди Икром шер мисоли.

— Ака...

Икром Солини гапиришга қўймади. Биқинига, кўкра-

гига, башарасига аямасдан тепаверди. Ўзи чарчаб қолгунча, оёқларини қимирлатишга-да мадори қолмагунча тепди. Солининг инграганлари, ялинишлари унинг қулогига кирмади. Фазаби борган сари ошаверди.

Бир пайтлар энг яқин одамларидан бири бўлган Солининг гингшишга-да қурби келмай, бир қоп гўштдан фарқи қолмагандагина тўхтади.

— Сенга нима ёмонлик қилгандим, ҳароми?! — деди ҳансираганча нафас оларкан.

— Ме... Ме...

Юзи қараб бўлмайдиган даражада эзилиб кетган, ҳамма ёғи қонга беланган Соли ортиқ гапиролмади.

— Сени одам деб ўйлагандим...

Икром ҳам ортиқ гапиришга чидамади. Оддийгина тўппончасидаги ўқлардан биттасинигина ишлатса, тамом, Солининг жони узилади. Лекин бу жуда оддий ва осон жазодай туйилди Икромга. Кўрнамаклик қилган одам бундан каттароғига лойиқ. У ит азобини кўриб, кейин ўлиши керак. Балки ўлмаса яхшироқдир. Одамнинг бир умр азобланишига ҳеч нарса тенг келолмайди. Бунинг учун Соли ногирон бўлиб қолиши керак. Хотинига ҳам кучи етмасин. Ақли-ҳуши жойида бўлсин-у, танаси унинг измидан чиқсин.

Икром охири шу қарорга келди. Соли яшайди. Аммо дунёнинг нимаики азоби бўлса, барини тортади. У бутунлай ўзидан кетиб қолган Солининг иккинчи тиззасини ҳам ишдан чиқарди.

— Мана шунинг ўзи сенга етиб ортади, итдан тарқанган! — деди ва ортига қайрилиб, бошини ҳам қилганча кета бошлади.

Соли қочганидан кейин беш дақиқа ўтар-ўтмас, Сайдулло қуролини отиб юбориб, иккала қўлини ҳам кўтарганча таслим бўлди. Йўқса, у ҳам бошқалар қатори асфаласофилинга равона бўлиши аниқ эди. Яхшиси, тирик қолган маъқул. Ўласи қилиб калтаклашар, милисага бериб юборишар, ана борингки, кўп йилга қамалиб кетар. Лекин нима бўлгандаям, жони омон қолади-ку! У ёғига бир амаллаб кунини кўради-ку!

Ҳақиқатан ҳам чўпонлар аяб ўтиришмади. Оёқлари остига олишиб роса тепкилашди. Агар Эгамназар ота

келиб ҳайҳайламаганда, ўлдириб қўйишлари ҳам ҳеч гап эмасди.

Ташқарида фақатгина чўпонларнинг овози эшитила бошлаганидан кейин чодир ичида юракларини ҳовучлаб ўтирган хотин-халаж ташқарига чопиб чиқишди. Шунингдек, Дилдора ҳам. У ҳаммадан биринчи Бахшуллони кўрди. Зеро, у Дилдораларнинг чодиридан унча узоқ бўлмаган жойда ётарди. Югуриб борди-да, чўпон йигитнинг бошини кўтарди.

— Ёрдам беринглар! — деб қичқирди. Унинг овозини эшитган уч-тўрт аёл билан бирга бир-икки эркак шу тарафга югуришди. Бахшулло эса Дилдорага қараб жилмайди. Унинг табассуми ғалати чиқди.

— Хайрият, — деди чўпон йигит нимжон овозда, — сизни бошқа кўролмайман деб кўрққандим. Ҳеч бўлмаганда, қўлингизда ўлиш насиб этди. Менга бошқа ҳеч ниманинг кераги йўқ...

— Нималар деяпсиз? — деди кўзидан дув-дув ёш оқаётган Дилдора. — Ҳали кўп кўришамиз, гаплашамиз... Тўйингизда ўзим ўйнаб бераман!

— Сиз дунёда тенги йўқ...

Бахшуллониң лаблари қолган гапларини талаффуз қилолмади. Озгина қимирлади, холос. Сўнг кўзи юмилди. Танаси бўшашди.

— Бахшулло, йўқ, унақа қилманг! Сиз яшашингиз керак! — деб Дилдора унинг бошини тиззасига қўйиб қичқирди.

— Бахшулло!

— Бахшулло!

Бу овозлар кетма-кет янграганда, Зарбуви кампир дод-фарёд қилиб, босқинчиларнинг гўрларига гишт қалаб, Худойбердини ўзига келтириш билан овора эди. Кичик ўғлининг ҳам исми эшитилганидан кейин: “Вой, бошим!” — деб кўзини очган катта фарзандига термилганча қотиб қолди. Юраги гўё урмаётгандай эди.

— Бахшулло, — деди у паст овозда худди ўзи каби азият чекаётган Назокатга қараб, — Бахшулло дедими? Унга нима қипти? Ким чақирди уни? Бахшуллогинам қўйларини боқиб...

Кампир боши тебраниб секин қаддини ростлади.

— Яхшики, менинг болам қўй боққани кетгани...

У гарчи Худойбердини беҳуш топган эса-да, тириклигидан ич-ичида хурсанд бўлганди. “Шунча талотўпда омон қопти-ку, шунисига шукр!” — деб хаёлидан ўтказганди. Энди кичиги... Ким унинг отини айтсаям, ёмон айтди. Худди Бахшулложонига бирон нима бўлгандай бақирди-я! “Ҳа-аҳ, қирилгур, нафасингни шамол учирсин, шундайчаям дейсанми?”

Кампир ҳов нарида Икромларнинг чодирини ёнида уймалашган одамларга қарарди-ю, шундай ўйни хаёлидан ўтказарди. Юраги безовта эди. Кўзи ёшга тўлганди. Тўпланганлар ичида ўғли бўлмаслигини жудаям истарди.

— Бахшулло! — деган овоз яна бир марта янгради.

— Энажон! Энажон! Сизга нима бўлаяпти, энажон? — деди Назокат эрини унутиб, қайнонасини қўлтиқларкан. — Рангингиз оқарибди.

Зарбуви кампир секин ўтирди, лаблари титради. Кўз ёши оқди.

Шунда: “Бахшуллодан айрилдик!” — деб бақирди тўпланганлар ичида кимдир.

Бунини эшитган Худойбердининг ҳам кўзлари олайди. Қўли мушт бўлиб тугилди ҳамда ўрнидан турибоқ гандираклаб, энди хотин-халажу эркаклар кўпайган Икромнинг чодирини ёнига югурди.

Дилдора Бахшуллонинг юзини силаб унсиз йиғлар, чиройли лабини маҳкам тишлаб олганди. Биров унинг қилигини оддий ҳол деб тушунган, бошқа бири ёнидагига маъноли қараб қўйган, яна биттаси келинчакнинг тиззасига бошини қўйган йигитга қараганча тош қотган эди.

Ҳамма Бахшулло билан овора бўлиб қолганлиги сабаб асирга тушган Сайдулло унутилди. У аввал секин чодир орқасига ўтди. Сўнг олд-орқасига қарамай қочишга тушди. Тўғри сўқмоқ йўлдан юрмади. Яланглик тугаши билан ўзини арчазорга урди. Оёқ остидаги ўт-ўлан ҳўл эди. Тепаликка чиқаётганида бир неча марта йиқилиб тушди. Шундай эса-да, тўхтамади, тобора баландлаб бораверди. Лекин тоғ тепасига энди чиқдим деганида, олдидан семизлиги билақдай, икки қулочлар чамаси келадиган илон чиқди. Уни кўрди-ю, Сайдуллонинг кўзи олайди. Қўрқуви икки ҳисса ошди. “Мен шундай ўтиб кетаман, ҳечам



зиёним тегмайди”, деб аста-секин орқасига тисарила бошлади. Шу пайт оёғи қоқилди-ю, мувозанатини йўқотиб ўтириб қолди-да, пастга сирпаниб кетди. Илондан қутулди, аммо шунақанги тез сирпанаётгандики, майда тиканлар, ер устида ётган шохлар аввал шимини йиртиб юборди, сўнг орқа терисини тилиб ташлади. Фақатгина рўпарасидан арча чиқиб, оёқларининг ўртаси билан урилгандан кейингина тўхтади. Ўзиям оғриқ зўридан ўкириб юбориб, ярим соатча жойидан қимирлолмай қолди. “Майиб бўлдим”, деб ўйлаганди. Ҳартугул, ўрнидан турди. Шимини ечиб, аҳволини бир сидра кўздан кечирди. Озгина қизарибди. Агар сўнгроққа бориб, мазаси қочмаса, ҳозир юришига мутлақо халақит бермайди. Лекин орқаси шунақанги ачирдики, бунинг оқибатида башарасини гижимлади-қолди. Мабодо шу ҳолида одамлар бор жойга чиқиб қолса борми, шармандаликдан ўзини ўлдирса ҳам камлик қилади. Сайдулло бироз ўзига келганидан кейин тепага эмас, ёнламасига юрди. Боягидай ўпкасини қўлтиқлаб ҳовлиқмади. Эҳтиёткорлик билан секин-аста юриб кетаверди. Ора-чора тўхтаб, дам олди. Хавф ортда қолганига юз фоиз ишончи комил эди. Ҳеч кимнинг кўзига кўринмасдан, машиналар турган жойга эртарақ етиб олса, марра уники. Бугундан қолдирмасдан Тожикистонга ўтиб кетади. У ёқда танишлари кўп. Кўчада қолиб кетмайди.

Ярим соатча шу тахлит юрганидан кейин ўзига таниш бўлган сўқмоқ йўлдан чиқди. Чиройи очилди. Юз қадамча илдам юрди ва кутилмаганда жойида таққа тўхтади. Кўрқувдан юраги товонига тушиб кетаёзди. Рўпарасида бир йўла бешта бўри пайдо бўлганди. Оралиқда битта тана қонига беланиб ётибди. Онда-сонда бироз қимирлаб қўйишидан ҳали тириклигини билиш мумкин эди. Сайдулло ётган одамни кийимидан таниди. Соли. Унинг қандай қилиб бу ерга келиб қолганини билолмас, умуман, ҳозир бу ҳақда ўйламасди ҳам. Чунки туни билан юриб бирорта ҳам егулик тополмаганидан кўзлари қонга тўлган бўрилар исканжасига тушмай қочиб қолиш уни кўпроқ ташвишга соларди. Аксига олиб, қўлида қуроли ҳам йўқ. Асирга тушганида тортиб олишганди. Барибир унинг ўқи қолмаган, ҳозир қўлида бўлганида ҳам фойдаси тегмасди.

У аста-секин ортига чекина бошлади. Бўрилар худди шуни кутиб туришгандай олдинга юришди. Чорасиз қолганидан Сайдулло бечоранинг кўзидан ёш чиқиб кетди. Шундай эса-да, чиқмаган жондан умид қабалида иш тутиб йиртқичлардан кўзини узмаган кўйи энгашди. Ердан тош қидирди. Аксига олиб, у турган жойда қўлга илингулик ҳеч вақо йўқ эди. Шу боис, яна қаддини тиклашга мажбур бўлди. Бу вақтда бўриларнинг тоқатлари тоқ бўлганди. Ахир ўзи бўлибдими, тун бўйи очликда изғишнинг. Ҳаммаси бараварига югуришди. Сайдулло эса ортига бурилди-ю, қочди. Бироқ уч-тўрт қадамдан нарига ўтмади. Аввал думбасига, сўнг бўйнига ўткир тиш ботиб, гурсиллаганча юзтубан ерга йиқилди. У йиртқичлар чангалидан қутулмоқчи бўлиб тинимсиз типирчилар, дод солиб ёрдам сўрарди. Аммо бўрилар шафқат нелигини билишмас, осонгина қўлга тушган емишни ғажиш билан овора эдилар. Орадан бирозгина ўтиб, Сайдуллонинг овози чиқмай қолди. Типирчиламай ҳам қўйди. Чунки бўрилар қиёфасидаги азроил унинг жонини суғуриб олаётганди.

\* \* \*

Соат тўққизга қараб кетсаям, Дилором уйғонмади. Қотиб ухлайверди. Сингиллари ҳам безовта қилишдан чўчишди. Тўғрироғи, унинг оромини бузгилари келмади. Чунки кечаги кун Дилором учун жуда оғир кечганини билишарди. Унинг хонасига кирмаганликлари боис, Нигоранинг йўқлигидан ҳам хабар топишмади. Униям чарчаганга йўйишди.

Дилором тушга яқин уйғонди. Тўшакдан тургиси келмай бироз шифтга қараб ётди. Кечаги кунни бирма-бир кўз ўнгидан ўтказаркан, ўпкаси тўлди. Тўйиб-тўйиб йигламоқчи бўлди. Лекин ўзини босди. Хаёлига: “Нигора бир ўзи касалхонага югуриб кетмасин”, деган ўй келган эди.

Ўрнидан туриб тошойна ёнига борди, тўзғиган сочларини номига тузатган бўлиб, кийимларини кийди-да, ташқарига чиқди. Сингилларидан биринчи сўрагани: “Нигора қаерда?” — бўлди. Иккала синглиси аввал бири-бирига қаради, сўнг елка қисишди.

— Биз уни сиз билан ухлаётган бўлса керак, деб ўйлагандик, — деди Заҳро.

— Вой аҳмоқ қиз-а, Рустам аканинг ёнига ёлғиз ўзи кетиб қолган бўлса-я! — дея гудранди у пешонасига тушган сочларини тўғриларкан. Сўнг шоша-пиша ювиниб келгач, хонасига кириб кийинди ҳамда нонушта ҳам қилмасдан кўчага отланаётганида, телефон асабий жиринглади. Гўшакни унинг ўзи қўтарди.

— Сиз кимсиз? — деб сўради нотаниш овозни эшитгач.

— Мен... — деди телефондаги аёл ва бироз жим қолди, тўғрироғи, ёнида кимдир бор, шекилли, у билан бир-икки оғиз гаплашди, бу орада Дилором ўзига савол назари билан қараб турган сингилларига кўз ташлаб қўйди. — Мен Рустамжоннинг тоғасининг аёли бўламан. Кечаси Нигорахон билан Рустамжон бизникига келишди. Ҳалигача икковиям ухляпти. Нигорахон ётиши олдидан сизларга телефон қилиб қўйишимни тайинлаганди. Шу пайтгача бир-икки бор рақам тердим, лекин тушолмадим.

— Опажон, — деди Дилором шошиб, — адресингизни айтинг. Ҳозироқ бораман.

Аёл манзилини айтиб, гўшакни қўйди. Дилоромнинг боши қотди. “Кунни кеча операция бўлган одам қандай қилиб тоғасиникига кетади, ким уни касалхонадан қўйиб юборди? Нигора кечаси нима қилиб юрибди у ёқларда? Нега бир оғиз ҳам айтмасдан кетиб қолди?” — каби саволлар миясида айланар эди.

— Балки яна алдашаётгандир, — деди опасига тикилиб турган Захро.

— Уфф, ҳеч кимга ишониб бўлмай қолди. Энди нима қилсам экан? Касалхонага боролмайман. Аҳмоқ қиз, нега бир ўзинг санқийсан? — дея пешонасини ушлади Дилором.

Уни ҳаддан зиёд ҳаяжон босганди. Назарида, қўнғироқ уларни чоҳга тушириш учун бўлган навбатдаги тузоқ эди. Аммо сингилси учун чоҳ у ёқда турсин, ёниб турган алангага ўзини ташлашга-да тайёр. Алам қилаётгани, тинимсиз ҳар кунни қандайдир кулфат бошига тушиб тургани. Шундай пайтларда бошқаларга жудаям ҳаваси келди унинг: ҳеч қанақанги ташвишсиз уйларига келишади; овқатлангач, маза қилиб дам олишади; хавотир деган

нарса кўнглининг бир чеккасига ҳам келмайди. Дилором ва унинг сингиллари эса ором нелигини неча вақтдан бери билишмайди. Тинимсиз хавотир исканжасида яша-шади. Нега? Бу савол ҳар доим очиқ. Тўғри, жавобига минг хил вариант мавжуд. Лекин биронтаси ҳам аниқ эмас.

— Сизлар уйда қимирламай ўтиринглар. Дарвозани биронта одамга оча кўрманглар. Мен бориб хабар олай-чи, балки аёл алдамагандир. Ҳақиқатан ҳам Нигора Рустам билан уникададир. Борибоқ телефон қиламан, — деди Дилором сингилларига, ўйлаб ўйининг охирига етолма-гач.

— Яна юрагимизни ҳовучлаб ўтирарканмиз-да. Бизам борамиз. Сизниям бир ўзингиз ҳеч қаёққа чиқмайсиз, — деди Захро қовоғини солиб.

— Йўқ. Бир ўзим кетаман. Айтганимни қилиб, уйда қимирламай ўтиринглар! — дея Дилором баланд овозда гапирди-да, ташқарига чиқиб кетди.

Аёлнинг уйига етиб боргунича хаёлан минг бир кўчага кириб чиқди. Шунақанги паришонхотир эдики, такси ҳайдовчисининг: “Етиб келдик”, деган гапини эшитмади ҳам. Таксичи бир муддат унга қараб тургач гапини так-рорлади. Дилором чўчиб тушди.

— А-а, келдикми? — деди ойнадан ташқарига қараб оларкан. — Сезмай қолибман.

— Тушунаман, — деди ҳайдовчи мийиғида кулиб, — сизларнинг ёшларингда ҳамма қиз шунақанги бўлиб қола-ди.

Қиз унга хўмрайиб қараб қўяркан, пулини бериб, шош-ганча машинадан тушди ва йўл четидаги уйларнинг ра-қамига бирма-бир кўз ташлаб кетаверди. Ниҳоят ўша қирқ тўртинчи уйни топди. Бир зум унинг рўпарасида нима қиларини билмай иккиланиб турди. Бир хаёл орти-га қайтиб ҳам кетмоқчи бўлди. Лекин агар кетадиган бўлса, сингисини қаердан топади? Касалхона... У ерда ҳам бўлмаса-чи? “Эсиз, — ўйлади қиз, — аввал больни-цага кирсам бўларкан, Нигоранинг бор-йўқлигини би-либ олардим. Майли, кўрайлик...” У эшик кўнғироғини босишдан аввал сумкачасини очиб, ичидаги ханжарни олишга қулай қилиб қўйди ҳамда юрак ютиб тугмачани

босди. Орадан бир неча сония ўтиб, ичкаридан: “Ҳозир”, деган аёл кишининг овози эшитилди. Дилором очиқ сумкачасига бирров назар ташлади. “Пичоқни оламан-у, эшик очилиши билан аёлнинг томоғига тирайман”, деган ўй яшин тезлигида хаёлидан ўтди ва сумкачасига қўлини тикди-да, ханжар дастасидан ушлади.

Дарвозанинг кичик табақасини очган оппоққина аёлнинг истараси иссиқ эди. Аммо буни Дилором алдамчи кўриниш қабул қилиб, ханжарини сумкачасидан чиқармоқчи бўлганида, ичкарида — ҳовлида ёш болаларнинг қувноқ овози эшитилди. У хижолатдан қизариб кетиб:

— Мен телефонда гаплашган қизман, — деди.

— Адашмасам, Дилоромхонсиз, — дея жилмайди аёл ва эшикни кенгроқ очди, — синглингиздан билиб олгандим. Ҳозиргина Нигорахон уйғонди. Сизнинг келаётганингизни айтиб қўйганман.

Ўй гарчи оддийгина эса-да, ҳамма ёқ саранжом-саришта эди. Дилоромнинг ўз-ўзидан баҳри-дили очилиб, кайфияти кўтарилди. Бир-бирини қувиб ўйнаб юрган учта болакайни кўрганида эса кўзлари қувнади. Ўзи ҳам уларнинг ортидан югургиси келди.

У синглисига қовоғини солмоқчи, шу билан хафалигини билдирмоқчи эди. Аммо эплаёлмади. Нигора унинг бўйнига осилди. Маҳкам қучоқлади. Юзидан ўпди. Шу билан опасининг кўнглидаги гина ғуборини тарқатиб юборди.

— Опажон, Рустам акамларни касалхонада қолдиргим келмади, — деди Нигора уй бекаси уларни холи қолдириб хонадан чиқиб кетганидан кейин, — шунинг учун тоғалариникига олиб келдим.

— Жинни бўлиб қолибсан, Нигор! Бир кунда икки жойидан операция бўлган одамниям шунчалик қийнайсанми? Нега уйдан чиқиб кетдинг? Бир оғиз айтсанг бўлмасмиди? Хавотир олавериб...

— Жудаям ширин ухлаётганингиз, безовта қилгим келмади, опажон... Рустам акам роса бардошли эканлар, худди соппа-соғ одамдай келдилар. Ҳозир ухлаётган бўлсалар керак. Кейин, кеннойиси, тоғалари ажойиб инсон экан. Гаплашсайиз маза қиласиз.

Опа-сингилнинг гапларини Анвар Турсуновичнинг аёли

Саодат опа эшитиб турарди. Нигоранинг сўзларидан кейин терисига сизмайдиган даражада қувониб кетди ва эшикни очиб ичкарига кираркан:

— Узр, — деди жилмайиб, — суҳбатларингни бўлиб қўйдим. Чой ичволайлик, Рустамжон ҳам уйғониб қолди.

Нигоранинг юзига табассум югурди. Шунинг билан бирга, андак қизарди ҳам. Гўё Рустамнинг уйғонганлиги айнан унга тааллуқлидай. Қизнинг кўкраги тез-тез кўтарилиб тушаётганидан унинг ҳаяжонланаётганини билиш қийин эмасди. Дилором синглисигаги ўзгаришни дарров илғади ҳамда:

— Вой, эсим қурсин, уйга телефон қилиб қўйишим керак эди. Сингилларим роса хавотир олишаётгандир, — деди синглисини ноқулай аҳволдан қутқариш учун.

Тамадди пайти Нигора ўтиролмади ҳисоб. Бир пиёла чой ичар-ичмас, Рустам ётган хона томонга қараб қўяр, гўё йигит чиқади-ю, кўз ташлаб қўймаса, кўрмай қоладигандай эди.

Тамадди тугаши билан Нигора дик этиб ўрнидан турди. Унинг қилиғига опаси “пиқ” этиб кулди. Саодат опа эса эътибор бермаган киши бўлди.

— Сизлар Рустамжон билан гаплашиб туринглар, менинг озгина ишларим бор эди, — деди у ва дастурхонни йиғиштира бошлади.

— Сизга ёрдам бериб юбораман, — деди Дилором.

Саодат опа бундан бошқача маъно сизди, шу боис, монелик қилмади. Нигора эса жуда ноқулай аҳволга тушиб қолди. Рустамнинг ёнига кирай деса, Саодат опа билан опасидан уялади. Кирмайин деса, юраги қафасдан чиқиб кетгудай урапти.

— Сен киравер, опамларга қарашиб, орқангдан бораман, — дея далда берди Дилором.

Нигора қуш мисоли Рустам ётган хонага кириб кетди. Унинг ортидан Саодат опа жилмайиб қараб қолди. Дилоромнинг юрагининг аллақайси четида эса ўкинишга ўхшаш бир нарса пайдо бўлди. Жуда қисқа сонияга рашк қилишга ҳам улгурди. Бироқ буни ўзидан бошқа ҳеч ким сезмади. Сезиши мумкин ҳам эмасди. Бирдан хаёлини чалғитди. Икромни эшлашга уринди. Лекин худди аксига олгандай, унинг юз қиёфасини тасаввур қилолмади.

Дилором кирганида, синглиси йигитининг ёнгинасида ўтирарди. Опасини кўриши билан уялганидан Рустамдан бироз узоқлашди.

Рустам Дилоромга қараб кулди.

— Биз доим кутилмаган ишлар қилишни яхши кўра-миз, — деб ҳазиллашган бўлди.

— Ҳа, кутилмаган ишларинг бировларнинг юрагини ёрворишигаям оз қолди-да, — жавоб қилди Дилором ва беморнинг соғлиғини суриштира бошлади.

— Ўзим ҳам ҳайронман, — деди Рустам унинг ҳамма саволларига “яхши” деб жавоб берганидан кейин, — менимча, касал бўлмасам керак. Дискотекада ўйинга тушаётганларга ўхшаб талтайиб келдим. Ҳозир ҳам, бир жойим оғримасаям, ётибман. Фақат синглингиз жойимдан кўзғалишимга қўймапти.

— Тўғри қилади. Бунинг ўрнига... — деди-ю, Дилором тутилиб қолди. “Мен бўлганимда”, демоқчи эди у, лекин айтолмади. Худди айтиб қўйса, ичидаги ҳамма сири ошкор бўлиб қоладигандай эди. — Бошқа бўлгандаям шундай қилган бўларди.

Айни чоғда синглиси билан Рустам “чуқурроқ” гаплашиб олишганга ўхшайди, деган хаёлга ҳам борди. Ваҳоланки, жа унчалик эмасди. Ҳали на униси ва на буниси кўнглидагини ошкор қилган, сўзлашувлари кечаги воқеалар ҳақида бўлганди, холос.

Бу пайтда Анвар Турсунович ишдан уйига қайтган эди. Иши ниҳоятда кўп эди. Лекин ҳаммасига қўл силтади. Зеро, тунда бўлиб ўтган воқеаларни эшитиб, ич-ичидан зил кетди. Жиддий шуғулланилса, жиноятчиларни, албатта, кутилганидан анча тез топиш мумкин эди... Куни кеча ўзи кўрган, сўроқ қилган дўхтир билан ҳамширанинг нима сабабдан ўлдирилгани ҳам аён. Занжирни узишган. Демакки, тепасида турганлар нимадандир ҳайиқишган. Бундан чиқди, ожизлашган. Айни шунда темирни қизигида босиш керак. Лекин бундан ундан бошқа ким ҳам истарди? Ахир оғриманган бошини нима қилади, оғритиб? Тўда ожизлангандаям, кучайгандаям, барибир тўда. Бир куни келиб ўч олишлари мумкин. Аммо қачонгача? Уларнинг дастидан қанчадан-қанча беғуноҳлар ҳам қурбон бўлаяпти. Аммо бир нарса жудаям

қизиқ. Рустамни уйга олиб борган анави қиз касалхонада хунрезлик бўлишини қаердан билибди? Ким унга шунақа бўлишини айтган? Агар Рустам касалхонада бўлганида, сўзсиз, бугун ҳеч ким уни тирик кўрмасди. Мақсад... Яхшиси, қиз уйдан кетмасдан бориб гаплашса, калаванинг учи топилиб қолар. Ҳар қалай, Шернинг қизи...

У уйга келиши билан ҳовлида хотинини учратди. Негадир аёлининг оғзи қулоғида эди.

— Тинчликми, ҳар кунгидан хурсанд кўринасиз? — деди у Саодат опага.

— Кечаги қизнинг опаси келди. Бунисиям бирам ширин экан! Келин қилгиси келади одамнинг. Нигорахонни-ку, Рустамжон эгаллаб олибди. Дилоромхонниям бегона қилмайлик, дадаси! Биласиз, укам ўттизга кирсаям уйланмай юрибди. Аввал ўқишини баҳона қилувди. Энди тайинлироқ қиз йўғимиш, — дея умид кўзлари билан эрига боқди Саодат опа.

— Бу қиз ёқишини қаёқдан биласан? — киноя қилди Анвар Турсунович. — Уканг ҳали яна кўп юради. Уйланмай ўтиб кетсаям ажбланмайман.

— Унақа деманг, дадаси. Дилоромхон роса истарали қиз экан. Келиним бор деса дегулик. Санжар кўнмай қаёққаям борарди? Ўзим киришаман.

— Ҳа, сенинг бошқа дарди-касалинг йўқ. Кўзингга бундайроқ қиз кўриниб қолса, тамом. Келин қилгинг келади. Дарров укангни эслайсан. Ҳовлиқма, шошилма. Шу уканг бўлса, бир гап бўлар. Кейин яна бир нарсани айтай: у қизларнинг отаси бемаза одам бўлган.

— Вой ўлмасам, бу нима деганингиз? — деди ҳайратдан кўзлари каттариб кетган Саодат опа.

— Уларнинг отасини Шер деб аташарди. Жиноий тўданинг бошлиғи эди. Бир-икки йил аввал ўлган. Қисқаси, сен мақтаётган қизлар яхши оилада тарбия топмаган. Биронтасини келин қиладиган бўлсак, бошимиз ғурбатдан чиқмай қолади. Шунинг учун ҳовлиқма. Ҳали Рустам билан ҳам яхшилаб гаплашиб кўяман. Ўзига келаверсин. Ёши йигирма бешга қараб кетаяпти, ҳалиям ғўр. Аҳмоқ. Чиройига ош пиширармиди? Шу қизларни деб, мана, нима аҳволга тушди? Шундаям кўзи очилмади-я!

Саодат опа анграйганча эрига термилиб қолди. Анвар



Турсунович эса ошхона тарафга шошмасдан юриб кетди.

Овқатланиб бўлганидан кейин хотини орқали Нигорани ёнига чақирди. Қиз уялибгина, бошини бироз эгиб кириб келди. “Агар бошқа одамнинг қизи бўлганинда, ўйлаб ҳам ўтирмасдан келин қилган бўлардим”, дея хаёлидан ўтказди Анвар Турсунович ва томоғини қириб, пиёладаги чойдан бир хўплади-да, ётиғи билан бирмабир савол бера бошлади. Бироқ қиздан қониқарли жавоб ололмади. “Негадир безовталандим. Кўнглим ғаш тортиди. Бошқача бўлиб кетавердим. Кейин кечаси бўлсаям йўлга чиқдим”. Мана шу жавоби. Анвар Турсуновичнинг қиздан олгани — унинг хушмуомалалиги, аниқ-тиниқ гапириши бўлди. Унинг сўзларида жиноятга алоқадор ҳеч вақо йўқ эди.

— Майли, қизим, раҳмат. Кеннойингизни чақирворсангиз, — деди унинг жавобини тинглаб бўлган Анвар Турсунович.

— Хўп, — деди қиз ва секин чиқиб кетди.

\* \* \*

Икром келганида, Бахшуллони чодир ичкарасига олиб киришганди. Йиғи-сиғи шунақанги авжига чиққан эдики, қиёмат-қойим бўлганга ўхшарди. Бахшуллони бориб кўришга Икромнинг юраги бетламади. Ташқарида челакни тўнтариб устига ўтирди-да, бошини эгди. Аёлларнинг бақир-чақири, айтиб-айтиб йиғлашлари унинг қулоғини қоматга келтирарди. Бир муддат иккала қулоғини кафтлари билан бекитиб, кўзини чирт юмди. Бахшуллони ўрнида ўзи бўлиб қолгиси келди. Шунда бунчалик ўртанмас, виждони қийналмасди... Бирдан ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолганлигини Икром сезмади. Ўтираверди қулоқларини бекитиб. Бу маҳал Норбой қори Бахшуллони ёнига кириб энди Курьон тиловат қилмоқчи бўлганида, чўпон йигитнинг қовоқлари билинар-билинемас қимирлади. Шунда у бутун диққатини жамлаб, йигитга синчиклаб қаради ва яна бир марта ундаги қимирлашни сизди ҳамда бирдан Бахшуллони қўл томирига бармоғини теккизди. Чўпон йигитнинг юраги ураётганди.

— Жим! — деди у ёнидагиларга. — Тирик!

Шу биргина калом тезда барчани тинчлантирди. Аввалига айюҳаннос солаётганлар бир-бирларига қарашиди.

Сўнг қорининг сўзини эшитганлар ҳамон додлаётганларни туртди. Шу билан бир неча сонияда чодир ичига сув куйгандек жимлик чўкди.

— Дўхтир чақирин керак, тезроқ. Йўқ, яхшиси, машинага олиб боринглар, ишқилиб, Худо умрдан қисмасин.

Кўз ёшини артишга улгурган йигитлар бирдан Бахшуллони кўтаришди. Аммо Зарбуви кампир ўғлининг ҳаётлигини билмасди. У ҳушидан кетган, юзига неча марта лаб сув сепишларига қарамай, ҳалигача ўзига келмаганди. Шу боис, уни ҳам касалхонага олиб кетишга тўғри келди.

Бироқ буларни Икром билмасди. Унинг ҳали-ҳамон боши ҳам, ўзи билан ўзи овора эди. Шовқин-сурон, чоп-чопда биров унга эътибор қилмади. Чўпонлару уларнинг аёлларининг ҳам эсига келмади. Дилдора бир неча бор эркаклар орасига назар ташлади. Эрини қидирди. Топмади. “Ташқарида бирон юмуш билан юрган бўлса керак”, деб ўйлади.

Машина туман марказига катта тезликдан чанг-тўзон кўтариб кетганидан сўнг, уларни кузатиб қайтаётган қорининг кўзи Икромга тушди. Бир-бир босиб унинг ёнига борди.

— Икром, — деди. Аммо бутунлай хаёлга ғарқ бўлган йигит бошини кўтармади.

— Икром, — дея яна бир марта такрорлади қори. Шундан сўнгина Икром бошини кўтариб қорига қаради. Унинг кўзлари қизариб кетганди. Қарашида бир дунё ўкинч бор эди. — Қайғурма, ҳаммаси изига тушиб кетади. Асосийси, жон омон. Аллоҳ шифосини берса, яра битади. Худонинг ишига қарши бориб бўлмайди. Яратган эгам шундай бўлишини истаган экан, бўлди...

— Қори ака, мени деб Бахшулло ўлиб кетди, инсофданми шу?! Қачонгача одамларнинг бошига етаман? — деди Икром Норбой қорининг гапини бўлиб.

— Ҳай-ҳай, унақа гапларни оғзингга олма. Худога шукр қил. Бахшулло яраланибди. Лекин ўлмаган...

— А-а?! Тирикми у?! Ҳозир... — Икром ўрнидан сапчиб турганди, қори унинг қўлидан ушлади.

— Шошилма, уни касалхонага олиб кетишиди...

— Касалхонага... Бораман орқасидан, нима қилиб бўлсам, тузатаман!

— Айтдим-ку, Худо шифосини берса, тузалади. Сенга бошқа иш бор.

Икром унга савол назари билан қаради.

— Келинни олгин-да, тез шаҳарга — қайнотангникига бор. Сендан илтимос, мен боргунча ҳеч қаерга қимирлама.

Қорининг буйруқ оҳангидаги гаплари Икромга оғир ботди. Қошлари чимирилди-ю, лекин бир муддат гапирмади. Сўнг бошини хиёл эгиб:

— Бахшулло жонини беришга тайёр бўлди мен учун. Энди тузалишига қарамай қочиб қолайми? — деди.

— Бу ерда бўлган воқеа шунчаки қолиб кетмайди. Барибир милиса келади. Ҳамма ёқни текширади. Уларнинг кўзига кўринмаганинг маъқул. Қолганини ўзинг яхши тушунасан. Шунинг учун қайнотангникига бориб тур. Суриштирдим. Қишлоқдан район марказига автобус бўларкан...

Икром қорининг гапларини охиригача эшитмади. Ҳеч бунақанги аҳволга тушмаганди. Ҳатто Нарзулла ота ҳам унга “кетасан” деган гапни айтмаган. Шундай одамнинг сўзларини охиригача тингламаслик одобсизликка киришини Икром биларди. “Ёши улуғ, обрў-эътиборли одамларнинг гапларини ҳамиша охиригача эшит. Агар у сенга ёқмасаям”, деганди Қора дев. Қора ишларга кўмилган одамдан ҳам шунақанги гаплар гоҳ-гоҳида чиқиб турарди. Демакки, тўғри юриб, тўғри иш қилганида, балки оқил ҳам бўларди у.

Чодирда ҳўнг-ҳўнг йиғлаб ўтирган Дилдорани кўрди Икром. Унга бироз термилиб турди-да:

— Нарсаларингни йиғиштир. Ҳозироқ кетамиз, — деди. Хотинининг йиғиси сабабини суриштирмади. Кўполроқ сўзлади.

— Тинчликми, Икром ака, нега бирдан...

— Кетишимиз керак. Тамом. Бошқа ҳеч нарса сўрама.

Енгил эпкинда қизгалдоқ тебраниб, гўзаллиги янада ошиб кетади. Аммо қаттиқ шамол бўлса борми, барглари бирма-бир учиб, мафтункорлигини йўқотиши ҳеч гап эмас. Дилдора эрининг қанақа одамлигини яхши билар-

ди. Мабодо асаби бузилиб, жаҳли чиқса, ўзини эсдан чиқариб қўйиши мумкин. Бу ҳақда унга турмушга чиқишидан аввал Дилдора кўп ўйлаганди. Мана, бугунгача Икромнинг дағаллигини сезмай келаётганди. Шу боис эрининг кескин гапидан сесканиб кетди ҳамда Икромга бир муддат тикилиб қолди. Хотинини кутмасдан кийимларини юмалоқлаб сумкага тиқаётган Икром Дилдорага бир қараб қўйди-да:

— Тез бўл, анграймай, — деди.

Келинчакнинг юзига шапалоқ тушгандай бўлди. У бир неча сонияга эрини ёмон кўриб кетди ва кўзидаги ёшни артиб ташлаб:

— Ўзим йиғиштираман, — деди. Асаби бузилган Икромга оғир ботмайдиган қилиб мулойим овозда гапирди. Икром чодир деворига суяниб ўтирди-да, бошини кафтлари орасига олди.

Икром билан Дилдора тайёр бўлгунларича Норбой қори Эгамназар отага ҳамма нарсани тушунтирганди. Чол бошини сарак-сарак қилди. “Эй, аттанг, одам ўз-ўзидан ёмон бўп қолишيام ҳеч гап эмаскан-да. Нарзулла акам раҳматли бировни норози қилмаганди... Лекин сизнинг гапингизда жон бор. Ҳақиқатан ҳам кетмаса бўлмаскан”, деди у қорига ва Икромларнинг чодирини ёнига бориб турди.

Аввал иккита сумка кўтариб олган Икром, унинг ортидан Дилдора чиқди. Қори билан Эгамназар отани кўрганларидан кейин иккисиям бошини эгди.

— Биздан ўтган бўлса узр, берган тузларингизга рози бўлинг, — деди Икром бироздан кейин.

— Сизлардан ёмонлик кўрмадик. Қайтанга, ўзимиз тинч яшашларингга қўймадик. Энди ҳамма вақт ҳам одамнинг айтгани бўлавермаскан-да... Аслида қўйвориш ниятим йўғиди, лекин қаёқ-қаёқларни ўйлаб мажбур бўлдим сизларни кузатишга, — деди Эгамназар ота ва йигитни қучоқлади-да, — борган жойларингизда тинчгина яшанглар, Худонинг ўзи йўлларингизни ёруғ қилсин, — дея қўшиб қўйди.

Эгамназар отанинг ўғли Машраб уларни қишлоққача кузатиб, автобусга чиқариб юборадиган бўлди.

Икром қўналгадан анча узоқлашганларидан кейин сиздики, бу ерларга ҳам ўрганиб қолган экан, кетгиси кела-

вермаганидан бир неча марта бурилиб ортига қараб қўйди. Дилдора эса Назокат билан зўрға хайрлашди. Дугоналар бир-бирларини қўйиб юборгилари келмай талай муддат кучоқлашиб туришди. Фақатгина Икром: “Ҳали яна келамиз”, деганидан сўнг хайрлашишга мажбур бўлишди.

Автобус илон изи йўлдан пастликка эниб бораётганида Дилдора ташқаридан кўзини узмас, бу бағри кенг улкан тоғларни охириги марта кўраётгандай кўзидан тинимсиз ёш оқарди. Икром уни ўз ҳолига қўйиб берди ва қўлини пешонасига тираб хаёлга чўмиб кетаверди.

— Дилдор, — деди улар район марказига етиб автобусдан тушганларидан сўнг, — Бахшуллони кўриб кетайлик. Омон қолганига тўла ишонч ҳосил қилай, кўнглим хотиржам бўлади.

Туман марказида такси юрмаскан, шу боис касалхонани эру хотин пиёда излаб топишларига тўғри келди. Албатта, юк кўтариб уч чақиримча пиёда юриш икковининг ҳам тинка-мадорини қуритиб ташлади. Лекин қора терга ботсалар-да, юраверишди. Ниҳоят жарроҳлик касалхонасига етишди. Касалхона ҳовлисида олма дарахти остидаги ўриндиқда Худойберди ўтирарди. Кўзи дарвоза томонида бўлгани учун Икром билан Дилдорани дарров кўрди ва ўрнидан туриб уларнинг истиқболига юрди.

— Бахшулло қалай? — дея сўради Икром Худойберди билан кучоқлашиб кўришаётганларида.

— Худога шукр, дўхтирлар бақувват бола экан, дейишди. Бошқа бўлганида ўқ теккандаёқ ўларкан, операция қилишди. Ҳозир яхши ухляпти, — дея жавоб қилди Худойберди ўпкаси тўлиб.

— Момом-чи? — деди Дилдора кўришаётганлардан кўзини узмай.

— Энамни дарров ўзига келтиришди. Шундай бўлсаям дўхтирлар укол қилиб ухлатиб қўйишди.

— Хайрият.

— Ким келаркан, деб кутиб ўтирувдим, — деди Худойберди Дилдорага бир қараб қўйиб, Икромни нарироққа тортаркан. — Дўхтирлар келишимиз билан милисага хабар беришди. Бирдан беш-олтита милиса келди. Бахшуллони кўришди. Кейин мендан нима бўлганини суриштиришди. Айтмасдан иложим йўқ эди. Айтишга айтиб қўйиб,

сени ўйлаб ўтирувдим. Яна улар сени бегона билишиб, опкетиб қоладими, деб ўйладим. Биров келса, Икромга айтинглар, тоққа чиқиб кетсин, демокчийдим. Яхшиям ўзинг келдинг.

— Биз шаҳарга қайтаяпмиз, Худойберди. Шундай қилсак, ҳаммага яхши бўларкан. Бахшуллони кўриб кетайлик деб кирувдик.

— Падар лаънатилар нимага кепти ўзи? Кимликларини билдингларми? Ҳеч ақлимга сиғдиrolмаяпман, — деди Худойберди қаншарини қашлаб.

— Билмадим, — деб жавоб қилди Икром.

Ваҳоланки, у ҳамма нарсани биларди. Бечора чўпонлар унинг касрига қолишди. Агар у бўлмаганида, биров буларнинг тинчини бузмасди. Лекин буни қандай қилиб айтади?

Худойберди ҳам, гарчи биров бир нарса демаган эсада, айти Икром сабабли шунақанги воқеалар содир бўлганини тахмин қиларди. Айти шунинг учун ҳам келган одамдан Икромнинг тоққа чиқиб кетиши кераклигини айтмоқчи бўлганди.

— Бахшуллониям қандай қилиб келиб қолганига ҳайронман.

— Ҳаммаси яхшилик билан тугади-ку, шунисига шукр. Худойберди, сендан бир нарсани илтимос қиламан. Бахшулло тuzалганидан кейин шаҳарга жўнатинглар. У шаҳарда юриши керак бўлган йигит. Қўлидан кўп иш келди. Мен ўзим ёрдамлашаман.

— Шаҳарга? Билмадим, бир нарса деёлмайман. Айтиқса...

— Кўнглинг тўқ бўлсин. Бахшулло мард йигит. Илтимос, соғайиши билан борсин. Хўпми?

— Кўрамиз.

— Бўпти, унда биз кетдик.

— Момомни кўролмасдан кетаяпмиз, салом айтиб кўйинг. Тезроқ соғайиб кетсинлар, — деди Дилдора уларга яқинлашиб, — кейин мендан хафа бўлмасинлар.

— Нимага хафа бўлади, келин? Сизни ўз қизидай яхши кўради.

Икромнинг кўнгли тоғдай кўтарилганди. Чунки озгина бўлсаям дили таскин топди.

Улар кечга яқин шаҳарга кириб боришди. Дилдора чуқур-чуқур нафас олди. Унга қараб Икром кулди.

— Шаҳарнинг ҳавоси тозароқмикин? — деди.

— Етиб келганимга шукр қилаяпман. Тоғ-тошлар орасида қолиб кетаманми деб ўйловдим, — дея қовоғини уйди келинчак.

— Мен бошқача деб ўйлабман.

Бир зумда Икромнинг хаёлидан Дилдоранинг: “Сахрога бўлсаям сиз билан кетишга тайёрман”, деган гаплари ўтди. Бироқ у ҳақда ҳеч нарса демади.

Нафиса ошхонада идишларни ювиш билан, Назира опа айвонда кўрпа қавиш билан, Абдулазиз ака эса ишхонасида китоб ўқиш билан овора эдилар. Дарвоза эса очиқ эди. Шунинг учун Икром билан Дилдора кириб келганини ҳеч ким сезмади. Дилдора остона ҳатлаши билан йиғлаб юборган, бу аҳволда уйдагиларнинг кўзига кўринишдан уялиб, ёшларини кафти билан артар, аммо барибир яна ўпкаси тўлиб йиғлайверарди. Охири у чидамади.

— Ойи! — деди бақириб.

Назира опа бу маҳалда игнага ип ўтказаётганди, қизининг овозини эшитиб, сапчиб тушди, игна бармоғини тилиб ўтди. Аммо у бунга эътибор қилмади. Қулоғини динг қилди. Гўё Дилдоранинг овозини эшитмагандай, унга шундай туйилгандай эди. Шу боис, хўрсиниб қўйиб, тагин ишини давом эттирмоқчи бўлганида, қизи: “Ойи!” — деб қолди.

Кўрпани улоқтириб юборган аёл қандай қилиб ўрнидан ирғиб туриб ташқарига отилиб чиққанини билмайдди. У Дилдорани маҳкам кучоқлаганда ҳам кўзига ишонмасди...

Шу куни Абдулазиз аканинг хонадонида ҳақиқий байрам бўлди. Меҳмонхонада стол тузалди. Бутун оила жам бўлди. Эркалар озгинадан ичишди. Сўнг келин-куёвдан тоғ таассуротлари сўралди. Албатта, бўлган воқеалар очиқ-ойдин айтилмади. Борган жойлари жаннатга қиёс қилиниб мақталди.

— Лекин, ойижон, — деди Дилдора Нафиса опага юзланиб, — барибир ўзимизнинг уйимизни соғиндим. Икром акамларга кетамиз деб турволдим. Шундаям икки ҳафта деганда зўрға опкелдила.

— Ёлғонни қаранг, ёлғонни, — дея Икром кулди, — ўзинг: “Мен дугона топволдим, кетмайман”, деб қанча тўполон қилдинг?

Даврадагилар ёш келин-куёвнинг гапларига кулишди.

Икром уч кун ҳеч қаёққа чиқмади. Тўртинчи кун и тушга яқин масжидга борди. Ҳартугул, Норбой қори келган экан. Икромни кўриши билан ўрнидан туриб, у билан илиқ кўришди. Икром шундан билдики, кайфияти яхши.

— Вақтида кетган экансан, — деди қори бир пиёладан чой ичганларидан сўнг, — ҳамма ёқни милиса босиб кетди. Икки кун текшир-текшир бўлди. Барака топгур, тоғликлар барибир мард бўлишади. Бирови сенинг шу ёқда яшаганлигингни айтишмади. Милисалар мениям обдон сўроқ қилишди. Бугун келдим.

— Уларнинг мардлиги бўлса бордир. Лекин мен ўзимни қўярга жой тополмай юрибман. Чунки шунча тўполоннинг барига мен сабабчиман. Биласизми, ўзимнинг йигитларим ўзимни овлашга боришибди. Кўрнамак. Соли дегани бўларди. Бир пайтлар олдимга ялиниб келганди. Мен аҳмоқ унга ишонибман. Хуллас, ўша бош экан. Орқасидан қувиб бориб отиб ташладим. Тирик эди...

— Милиционерлар тоғдан иккита одамнинг суякларини топишибди. Бўрилар еб кетибди.

— Иккита? — деди Икром ҳайрон бўлиб.

— Ҳа, иккита... Майли, кимки нима қилса, Аллоҳ олдида шундай мукофот олади. Бирови шу дунёнинг ўзидаёқ, бошқаси нариги дунёга борганда...

— Унда менга тинчлик йўқ экан-да. Энди яшамасам бошқаларга яхшими, деб ўйлайман. Айтишлик ҳеч кимим йўқ. Биргина хотинимни ҳисобга олмаганда. Уям бир кун куяр, икки кун куяр, кейин мени эсидан чиқариб юборади. Кўнгли чопса, бошқа бировга тегиб ҳам кетаверади.

— Йў-ў-қ, бу гапларни қўй, ҳар кимга ўлчаб берилган умр бор. Шу умрни охиригача яшаш керак... Энди нима қилмоқчисан?

— Билмадим, бошим қотган.

— Яна беш-олти кун дам олиб тур, жўялироқ иш топилиб қолар. Лекин зинҳор йигитларингнинг қолганла-



ридан ўч оламан деб ўйлама. Кўлингдан келса, яхшилик қил. Агар келмаса, ёмонлик қилмасанг ҳам яхшилик ўрнига ўтади.

Икром чуқур хўрсинди. Сўнг қорига юзланиб мийиғида қулди.

— Биласизми, гуноҳнинг ўзи менинг орқамдан қувиб юрибди. Қайси ишнинг бошини тутмай, охири бориб гуноҳга тақалади, — деди.

— Намоз ўқиш керак, Икромжон. Чунки шайтоннинг борлигиниям эсимиздан чиқармаслигимиз керак. Иродали, намозхон, иймонли одамга у яқинлашолмайди.

— Хўп, — дея бош силкиди Икром, — энди мен борай, кейинроқ яна келаман.

Қори уни ортиқ ушлаб турмади. Икромга ёлғизлик кераклигини яхши англаб турарди.

У қайнотасининг уйигача пиёда борди. Ёнидан қанча одам ўтди — ҳаммасига эътибор қилди. Ҳеч кимда ғам йўқдай эди. Дунёда қанча ташвиш бўлса, бари Икромнинг елкасида турганга ўхшарди. Юраги сиқилди. Энди бировга қарамасликка қарор қилиб қадамни тезлатди. Аммо кошки мияси ишлашдан тўхтаса, ўн-ўн беш қадам босар-босмас, бир-биридан даҳшатли ўйлар гирдобида қолаверди.

Ниҳоят уйга етди. Кўнғироқни босди. Дарвозани Дилдора очди. “Яхшики, шу бор”, дея Икром хаёлидан ўтказар-ўтказмас:

— Келдингизми? — деди хотини жиддий боқиб.

Унинг бу гапи Икромга жуда бошқача туйилди. Бир муддат у Дилдорага термилиб қолди. Ичида алам қўзғалиб бўғзига тикилди.

— Нега туриб қолдингиз, киринг, — деб келинчак ортига бурилиб кета бошлади.

“Тушунмадим, — дея пичирлади Икромнинг лаблари, — ўзгариб қолибдими?”

У ичкарига бир қадам босди-ю, тўхтади. Сўнг ортига бурилди-да, тез-тез юриб кета бошлади. “Ичкуёв — ит куёв”, деб бекорга айтишмаган-да. Тўрт кун турдимми-йўқми, ияги кўтарилиб қолибди. Мен келиб дастурхонларинг бўшаб қолганга ўхшайди. Иккинчи қадам босмайман”, деб ўйлади у.

Машина тўхтатиб, шаҳар марказига борди. Тўғри келган ресторанга кирди. Ўтирди. Хизматчи қизга бир шиша ароқ олиб келишни буюрди. Кейин ичсамми-ичмасамми деб ўйланиб қолди. “Жинни бўлгандан кўра ичганим маъқул. Кейин ҳаммасини жой-жойига қўяман. Мени беҳурмат қилишларига чидаб туrolмайман”, — деган қарорга келди бироз мулоҳаза қилганидан кейин. Кетмакет икки қадаҳ шайтон сувини сипқорганидан сўнг сигарета чекди. Аввал чекмасди. Аслида ҳозир ҳам чекаётгани йўқ эди. Шунчаки тутунни оғзига солиб чиқараётганди. Аммо шунинг ўзи унга қониқиш бераётганди. У шу зайилда икки соатдан мўлроқ ўтирди. Бу вақт ичида ресторан хўжайинининг бўлари бўлди. Чунки у Икромни яхши танирди. Узоқдан кўрди-ю, оёғигача титроқ кирди. Келарини ҳам, келмасини ҳам билмай, гоҳ хизматчи қизларни ёнига чақириб, Икром нима деганини сўрар, гоҳ узоқдан пойлаб кетарди. Икром ҳеч кетавермаганидан кейин юрагини қўлтиқлаб у ўтирган столга яқинлашди. Аввал томоқ қирди. Бироқ хаёлан дунёнинг у бурчагидан кириб, бу бурчагидан чиқаётган йигит эътибор ҳам қилмади. Бунинг ўрнига қадаҳини ароққа тўлдирди ва бир сипқоришда ютиб юбориб, янги сигаретани лабига қистирди. Ваҳоланки, чап қўлининг бармоғида бошқа бир сигарета тутаб турарди.

— Ока, — деди ресторан директори паст овозда.

Икром унга ўтирилди ва бағбақаси осилган, икки юзи кип-қизил, тепакал кишига бошдан-оёқ қараб чиқди.

— Ока, — такрорлади директор қалтироқ товушда, — келганингизни билмабман. Бўлмаса...

— Овсармисан? — дея бирдан унинг гапини бўлди Икром.

— Бир дақиқа, — деди семиз киши кўзи олайиб ва ортига бурилди-да, ўзидан кўз узмай турган хизматчи қизларни имлаб ёнига чақириб, уч-тўрт хил таом билан бирга коньяк ҳам олиб келишларини буюриб, ўзи Икромнинг рўпарасига ўтираркан:

— Биздан ўтибди, ока, эътиборсизлик қилибмиз, бир қошиқ қонимдан кечинг, — деди ялиниб.

Унинг гапидан Икромнинг қошлари чимирилиб, пешонаси тиришди ва қадаҳини ароққа тўлдириб:

— Ма, ич! — деб директорга узатди.

— Хўп, хўп бўлади.

— Отинг нима? — дея сўради Икром қўлларидаги сигареталарни навбатма-навбат чекаркан.

— Матёқуб, — деб лаб-лунжини артди директор.

Шу маҳал хизматчи қизлар таомлар билан бирга бир шиша коньяк ҳам келтиришиб, Икромга ишва билан жилмайишганча ноз-неъматларни стол устига қўйишди.

— Манавининг ҳаммасини бир кўтаришда ичасан, шунда гуноҳингдан ўтаман, бўлмаса, ўзингдан кўр, — деди Икром коньякни қўлига олиб.

— Сиз нима десангиз шу, — деб Матёқуб ходимларига ўқрайиб қўйганди, улар дарров нари кетишди.

Икром шошмасдан шишанинг оғзини очди. Сўнг мийиғида кулиб директорга узатди. Матёқуб саросималанди. Умрида бунақа қилиб ичмаган эди. Аммо илож қанча, кимсан, бутун шаҳарни қўлига олган, одамларни соясига салом бердира оладиган одам унинг ресторанига кириб ўтирибдими, шунинг ўзи катта гап. Бир шиша экан-ку, яшиги билан ичганда ҳам камлик қилади. Муҳими, обрў олиш. Назарга тушиш. Мабодо Икромнинг қўлини қайтарса борми, нақ калласидан айрилади. Матёқубнинг хаёлида мана шу ўй.

Директорнинг кўзидан ёш чиқиб кетди. Ичиб тугатгунча нафаси бўғилиб ўлиб қолишига бир баҳя қолди. Бўш шишани стол устига қўйганида эса иккала юзи шолғомдай қизарганди.

— Энди одам бўлдинг, — деди Икром унинг устидан ошкора кулиб, — йигитларингга айт, мошина тўғрилашсин.

— Раҳмат! Раҳмат, ока! — деди хурсанд бўлиб кетган Матёқуб. — Ҳозир мошинани еъ қиламиз.

Икром сигареталарни кулдонга асабий эзди. Сўнг ўрнидан туриб ташқарига йўналди. Матёқуб икки қўли кўксидан пилдираб орқасидан эргашиб борарди.

— Йўқол! — деди эшик ёнида Икром. — Эргашсанг башарангни бузаман!

Матёқуб жойида қотди.

Оппоқ “Жигули”нинг орқа ўриндиғига ўтирган Икром қаёққа боришини билмай бироз ўйланиб қолди. Йигит-

ларини бирма-бир кўз олдидан ўтказаркан, кутилмаганда Дилоромни эслади. “Нима қилиб ўтирган экан? Менга меҳри жуда бўлакча эди”, дея хаёлидан ўтказди ҳамда буйруқ кутиб ўтирган Матёқубнинг ҳайдовчисига ўша қиз яшайдиган уй манзилини айтди.

Сочларини силлиқ тараган ва орқасига ташлаб олиб айвонда хаёл суриб ўтирган қиз дарвоза қўнғироғининг кетма-кет босилганидан сергакланди. Юраги негадир безовта ура бошлади. “Сингилларимнинг ҳаммаси уйда. Бу ким бўлдийкин?” — дея ўйлаётганида қўнғироқ яна кетма-кет уч марта босилди. Қиз сапчиб ўрнидан турди ва югургилаб борди-да, дарвозани очди-ю, қотиб қолди. Остонада Икром турарди.

— Икром ака! — деди лаблари титраб. Унинг кўкраги жуда тез кўтарилиб тушар, қувончдан кўзлари порларди.

Зумда Икромнинг кўз олдига: “Келдингизми?” — дея қовоқларини солиб кутиб олган Дилдора келди. “Шундай кутиб олиш қўлингдан келмади-я”, деган ўй ўтди унинг хаёлидан.

— Икром ака! — деди Дилором такрор ва бирдан йигитнинг бўйнидан қучоқлади.

— Дилором! — деди Икром ҳам уни маҳкам бағрига босаркан.

— Нега? Нега ташлаб кетдингиз?! Нима гуноҳимиз бор эди?! Сиз фақат ўзингизни ўйладингиз!

Қизнинг кўзидан дув-дув ёш оқар, ўпкаси тўлиб кетганидан ўзини босолмас, йиғлаган сайин йиғлагиси келарди. У гўё отасининг, акасининг елкасига бош қўйгандай, барча ҳасратларини тўкиб солгиси, суянган тоғининг кўксига муштлаб-муштлаб дод солгиси келарди. Айни лаҳзада рўйи заминни, унинг аъзоларини эсидан чиқарганди.

— Ичкарига кирайлик, ўтган-кетган...

— Ҳаммасига тупурдим! Кўрса кўраверсин, ким менинг ташвишимни енгил қилди?! Қарашга, гап-сўз қилишга нима ҳақлари бор?!

Икром Дилоромнинг белидан қучиб бироз кўтарди-да, ичкарига олиб кириб, ортидан дарвозани ёпди ҳамда қизнинг юз-кўзларидан ўпди. Қиз бундан баттар тўлиб кетди. Ўзи ҳам Икромнинг бўйнига лабини босди. Агар

Нигора бир неча сонияга кеч қолганида, муҳаббатнинг кейинги босқичлари бошланиб кетиши тайин эди. Чунки йигит билан қиз роса пишиб етилганди.

— Опа! — деди баланд овозда Нигора.

Икром чўчиб тушди ва Дилоромнинг боши узра ўзларига ҳайратланиб тикилиб турган Нигорага қаради. Сўнг кучоғидаги қизни ўзидан бироз итарган бўлди. Аммо бу ҳам Дилоромга таъсир қилмади, қайтанга, қўйиб юборса, Икром тагин кетиб қоладигандай баттар ёпишиб олди.

— Бўлди, бўлди, — деди Нигорадан хижолат тортган Икром, — мана келдим-ку, энди ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

— Опа, нима қиляяпсиз? — деди бироз жаҳли чиққан Нигора.

Шундан кейингина Дилором ўзига келди, йигитнинг елкасидан қўлини олмаган қўйи синглизига ўгирилиб қаради-да, жилмайиб:

— Икром акам келдилар, — деди, — қочқоқ Икром акам!

— Унда мен ҳам кўришайин, — деб Нигора уларнинг ёнига яқинлашди. Атай опаси билан Икромни бир-биридан ажратиш учун шундай қилди. Оҳ, буни Дилором қанчалик хоҳламаган эди! Лекин, на илож, озгина бўлса-ям ўзини босиши керак-ку.

— Уйга таклиф қилмайсизларми? — деди Икром Нигора билан қўл бериб кўришгач.

Уйга киргунларича Дилором Икромнинг қўлидан ушлаб борди. Худди қўйиб юборса, қочиб кетадигандай. Кейин кўрпачага ўтқазиб, ўзи сингиллари билан биргаликда дастурхон тузади. Қозон остига ўт ёқди. Икром эса Нигорани секин имлаб ёнига чақирди.

— Анавиндан борми? — сўради жилмайиб.

— Нимадан? — ҳайрон бўлди қиз.

— Оқидан.

— Топилади.

— Ош пишгунча майдалаб ўтирсам, дегандим.

— Шундоғам ичиб келибсиз, маст бўлиб қолмайсизми?

— Организм бақувват, олиб келавер. Бекорчиликда...

— Хўп, — деди Нигора жилмайиб ва ташқарига чиқиб

кетди. Зум ўтмай, қўлида бир шиша ароқ билан қайтиб келди.

Икром пиёлани тўлдирди, сўнг бир кўтаришда сипқориб юборди. Аввалги ичганидан миясида ажиб бир ширинлик бор эди. Ана шу ширинлик дарров қуюқлашди. Секин-аста кўз олдини туман қоплай бошлади. Туман десак ҳам балки нотўғри бўлар, чунки у ёнига келиб кетаётган қизларни кўрар, уларнинг гапларини эшитар ва айна пайтда ўзи ҳам гапирарди. Бироқ нима деганларини шу заҳоти эсдан чиқарарди. Яхшики, ҳолини билди, бошқа ичмади. Йўқса, ўта маст бўлганидан ухлаб қолиши тайин эди.

Дастурхонга ош тортилди. Тўрт опа-сингил ва Икром иштаҳа билан ейишди. Шундан сўнггина бўлиб ўтган воқеалар ҳақида гап очилди.

— Қани, йигит, — деди Икромнинг ёнида ўтирган Дилором, — бирма-бир гапиринг-чи, қаёқларда қочиб юрувдингиз?

Икромнинг кайфи анча тарқаган, лекин боши оғрий бошлаганди. У бир неча бор бостириб-бостириб кўк чой ичди, лекин оғриқ босилмади.

— Деярли айтгилиги йўқ. Тоғ томонларда озгина дам олдим. Мия сал чарчаган экан...

— Асал ойларингиз чўзилиб кетмадимиз? — деди Дилором киноя билан.

— Чўзилди, ўзим ҳам сездим. Шунинг учун дарров орқага қайтдим. Майли, мени қўйинглар, ўзларингдан гапиринглар, нима гаплар бўлди?

Икромнинг саволидан кейин опа-сингилларнинг юзидаги табассум йўқолиб, жиддий тортиб қолишди. Заҳро лаганни дастурхондан олиб ошхона тарафга кетди, унинг ортидан қолган икки сингил ҳам кетишди. Дастурхон атрофида Дилором билан Икром ёлғиз қолди. Аввалига ҳеч биридан садо чиқмади. Дилором бир неча марта хўрсиниб қўйди. Унинг ичи гапга, ғам-ғуссага тўлиб кетганди. Аммо қай биридан бошлашни билмас: “Балки айтмаслигим керакдир, шартми ярани тирнаш?” — деган хаёлга борарди. Ниҳоят, сўз топди: “Ойижонимни бериб қўйдик”, деди. Бу пайтда унинг кўзи ёшга тўла эди.

— Нега? Нима учун? Ҳали ёш эдилар, кўп яшашлари керак эди-ку, — деди Икром қизга термилиб.

Шундан кейин қиз гўё портлади. Аввал Икром бош қилиб қолдирган Соли билан Самандарнинг гўрига гишт қалади. Сўнг кўз ёши юзини ювиб, бўлиб ўтган воқеаларни бирма-бир айта бошлади. Ора-чора у лабларини маҳкам тишлар, бир муддат жим турар, сўнг яна сўзлашда давом этарди. Айни чоғда унинг-да алами келган, қони қайнаганди. Ўзини босиб ўтириш учун икки марта пиёлани ароққа тўлдириб ичди.

— Яқингинада, — деди Дилором сўзининг охирида, — ўша Анвар Турсуновичнинг уйидан келдик. Нигора билан қилган муомаласи ёқмади. Хаёлимда у ҳам бизни гуноҳкорлар қаторига қўшиб қўяётгандай туйилаверди. Лекин тўғриси айтмай, жияни Рустамжон ажойиб йигит. Бизга жуда кўп ёрдами тегди. Яхшиям ўша учраб қолди, бўлмаса, биз ҳам аллақачон оймлар билан адамларнинг ёнларида юрармидик? Балки бекор дуч келгандир. Фурбатда яшаш жонимизга тегиб кетди. Ҳеч кимнинг ёрдам бергиси йўқ. Ким бўлса, нимадир юлсам дейди. Бундай ҳаётда яшагандан яшамаган минг марта афзал.

— Бундан бу ёғига, — деди Икром бир нуқтага термилганча, — бирон кимса мушукларингни пишт демайди. Деганини яксон қиламан. Самандар қамоқда бўлса, Солини ўзим ўлдирдим. Агар бўлганларидаям итнинг кунини бошларига солардим. Подполковник ҳам овозини ўчиради. Нормальный яшайсизлар. Ўзим ота бўлиб ҳаммангизни турмушга бераман...

— Йўқ, сингилларимга оталик қилишингиз мумкин, лекин менга қилолмайсиз, чунки сизни севаман! — деди Дилором Икромнинг гапини бўлиб.

— Лекин мен уйланганман...

— Нима қипти уйланган бўлсангиз, мен сиздан бирон нима сўраяпманми? Севаман сизни, холос! Ҳеч нима, ҳеч нима керакмас! Дунёга келиб бир одамни яхши кўриш мумкинмасми?!

Дилором бошқа гапиролмади. Ичидан шундай бир фарёд отилдики, кафти билан юзини бекитиб, тишларини бир-бирига босмаганида, овозининг зўридан уй ларзага келиши ҳеч гап эмасди.

Икром беихтиёр қизни бағрига босди. Хушбўй ҳид та-

ралаётган сочлар юзини силади. Яна кўз ўнгидан хотинининг дарвозада қарши олгани ўтди. Аммо Дилдоранинг нозик қарашлари, эркаланишлари, муҳаббатга тўла нигоҳ билан боқишлари, меҳр билан юзини силаганларини ёдига олмади. Биргина ўша совуқ қараш ҳаммасини босиб кетди. Сўнг... Сўнг Бахшулло билан боғлиқ можаролар... “Балки қайтиб келганимиз унга ёқмадимикин? Унинг кўнгли Бахшуллода бўлиб, номигагина “кетамиз” деган бўлса-чи? Аслида у кетамиз дедими?” — дея ўйлади Икром ва кўнглида пайдо бўлган саволга жавоб топиш илинжида хотирасини титкилади. Аммо қидирган сўзини тополмади. Дилоромнинг ялтироқ сочларига лабини босди.

\* \* \*

Соли ўзи билан олиб кетмаганидан хурсанд бўлган Найнов ишга ҳам чиқмади. Ахир қандай қилиб борсин, юзи шишган, кўзи кўкарган? Кўрган одам нима деб ўйлайди? Ишхонаси оддийроқ бўлганда ҳам майли эди. Атайин бошлиғига кўнғироқ қилиб хириллаб гапирди. “Томоғим бўғилиб, иситмам чиқиб кетди. Бир-икки кун даволанмасам, бўлмайди, шекилли”, деди. Бошлиқ: “Муздай ароқдан камроқ ичиш керак эди”, деди-ю, аммо рухсат берди.

Орадан тўрт кун ўтиб кетди. Иситма тез тушиши, томоқ оғриғи ҳам бир-икки кунда ўтиб кетиши мумкин, лекин кўкарган кўзнинг асл ҳолига қайтишига бу муддат камлик қилади. Ишхонасига кўнғироқ қилгиси йўқ, Солининг йигитларидан эса дарак йўқ. Ўғли ким-қаерда, билмайди. Мана шулар уни исқанжасига олиб анча қийнади. Бир хаёл Солининг кулбасига бориб суриштиргиси келди. Бироқ яна Солининг кўзига кўриниб, бошига бир балоларни орттириб олишдан қўрқди. Охири нима қиларини билмай, аламини ичкиликдан олаётганида хотини кўзида ёш билан ёнига келди.

— Ўғлингизга беш-олти кундан бери телефон қиляяпман, ўзи олмаяпти. Ўқишга бормаётганмиш. Бирга турадиганлари: “Иккита бола келиб олиб кетди. Шу-шу келгани йўқ”, дейишди. Ёмон болалар олиб кетган бўлса нима қиламиз, адаси! — деди.

Найнов: “Ўғлинг шу ерда — Солининг ертўласида ётиб-



ди”, десинми? Бунақа деёлмайди. Кейин хотинидан қутулмас балога қолади. “Сизни деб болам бечора азоблана-япти, отаям шунақа бўладими? Болангиз итнинг кунини кўриб ётса-ю, сиз қайси юрак билан бемалол ўтириб ичкиликбозлик қиласиз?” — деб дод-вой солиши аниқ. Ҳа, бошдан хотинини талтайтирди, кўнглига қаради, мана оқибати: оғзига келган гапни тап тортмай бемалол айта-верадиган бўлди. Шунча одамнинг бўйнини қайириб ташлайдиган одам келиб-келиб хотинининг олдида мум тишлаб қоладими?

— Иш тутма, топаман. Болангнинг ўзи сал маишатпараст-да. Пули тамом бўлгунча кайф-сафодан бош кўтармайди, — дея хотинини юпатмоқчи бўлди Найнов. Аммо унинг хотини дарров юпаниб қоладиганлардан эмас-да. Тезда жағи очилиб кетади.

— Ўзингизга ўхшаган-да, дадаси, сиз ҳам баъзида ҳафталаб йўқ бўлиб кетасиз-ку. Мана, ёшингиз бир жойга бориб қолган бўлсаям, қаердаги гўдаклар билан муштлашиб, ҳамма ёгингизни кўкартириб юрибсиз. Ишқилиб, болагинамнинг бирон жойи кўкармаган бўлсин-да! — деб аёл кўз ёшини артди.

— Ўчир овозингни! — бақириб юборди Найнов. — Бир камим сенинг сассиқ гапларингни эшитиш қолувди! Топаман, дедим-ку, тилингни осилтирмай йўқол бу ердан!

Хотини безрайиб қолди. Неча йиллардан бери эридан бунақанги қўпол сўзларни эшитмаганди. Ўйловдики: “Нима десам, эрим сўзсиз бажаради. Анча устун бўлиб олдим. Сал бурнимдан баланд гапирса, қовоғимни уйиб оламан, кейин орқамдан кучукдай думини ликиллатиб юради”, деб. Адашибди. Эри асаби бузилганида унинг қовоқ-тумшуғига қараб ўтирмаскан.

Пиёлани шайтон суви билан тўлдирган Найнов бир кўтаришда бўшатди. Сўнг асабий ҳолда лаб-лунжини енгига артиб, чўнтагидан сигарета чиқариб тутатди. Хотини ҳали кетмаган, бутун нафратини нигоҳига йиғиб эрига термилиб турарди. Тутунни ғазаб билан ичига ютган Найновнинг унга кўзи тушди-ю, асаб томирлари баттар таранглашди.

— Ҳалиям турибсанми, манжалақи?! Ўлдираман! — дея ўқирган Найнов шишани қўлига олди.

Хотинининг нафаси ичига тушиб кетди. Сўкиш ортидан муштлар ёмғири ёғилиб қолиши мумкинлигидан (бир марта шундай бўлганди. Албатта, жуда илгари, аёлнинг аниқ эсида йўқ) кўрқиб икки ҳатлашда эшик ёнига етди ва ташқарига ўқдай отилди. Яхшики, бир йўла эшикни ёпишга ҳам улгурди, йўқса, ортидан учган шиша бирон жойини майиб қилиши аниқ эди.

— Қутурмай ўл! — деди у шишанинг синганини эшитганидан кейин ранги оқариб.

Найнов яна ярим соатча сигарета чекиб ўтирди. Сўнг шахт билан туриб ташқарига чиқди-да, машинасини юрғазди. Бошқа пайт бўлганида хотини ҳайҳайлар, шу аҳволида машина ҳайдатмаган бўларди. Лекин ҳозир деразадан қараш билан чекланиб қўя қолди.

Найнов Солининг кулбасига етганидан кейин бир муддат қийшиқ дарвозага термилиб турди. Бирдан машинадан тушишга юраги дов бермади. Соли йигитлари билан бирга калтаклаганини эслаб, ичида сўкинди ва: “Шунча таёққа чидадим, энди жа нари борса, жонимни олар, ўғлимни қўйиб юборса бўлди”, дея хаёлидан ўтказди-да, эшикни очди.

Ичкарига киришдан аввал дарвозанинг тешигидан пойлади. Ҳеч ким кўринмади. Фақатгина чуғурчуқларнинг шовқин-сурони эшитилди. У чуқур нафас олди-да, дарвозани итарди. Гийқиллаб кетди. Шундоғам така-пука юраги баттар безовталанди. Қўли қалтираб чўнтагидан сигарета олди. Амаллаб тутатди ҳамда юришда давом этди.

Ҳовли ўртасидаги синиқ стулда соқоли ўсиб кетган бир йигит бошини эгиб ўтирар, бошқа эрмак тополмаганидан, ерга пичоқ санчиш билан овора эди. Ёнгинасида эса бир шиша пиво турарди. У Найновни кўриши билан ўрнидан туриб ўшшайди.

— Бормисиз, ака! Бир ўзим ўтиравериб хит бўлиб кетдим-ку. Бундай хабар олишним билмайсиз, — деди дагал овозда.

— Жа, бир ўзингмасдирсан, келиб туришгандир, — дея иржайди Найнов ҳам.

— Ока, ҳамма ёқ ишқалга ўхшайди, кетганларнинг биронтасиям қайтиб келгани йўқ. Бунақа бўлиши мумкинмас эди, — деб Солининг Баҳодир исмли шотири

Найнов билан кўришди-да, яна жойига ўтирди. Сўнг пивони қўлига олиб, шишанинг оғзидан қултулладиб ичди-да:

— Ташлаб кетган пуллариям тугади. Бугун завтрак бўлгани йўқ. Ўтирибман тишимнинг кирини сўриб. Яхшиям подвалда икки яшик пиво бўлгани, йўқса, очимдан ўлармидим? — дея норозиланиб тўнғиллади Баҳодир.

Найнов чўнтагини кавлаб, битта беш сўмлик чиқарди-да, Баҳодирнинг қўлига тутқазди:

— Ма, бориб бирон нима еб кел.

У шундай деб йигитнинг қўлидаги пивони олди. Ичди. Газагига сигарета чекди.

— Бор экансиз-ку, — дея Баҳодир ўрнидан ирғиб турди-да, дарвоза томонга бир-икки қадам босиб бирдан тўхтади ва орқасига ўтирилди, — анави болага қараб туринг, ока, уям кечадан бери қорнини уқалаб ётибди. Нон-пон олиб келарман. Яна ўлиб қолиб, оқадан балога қолиб кетмайлик.

Баҳодир ертўлада ётган бола Найновнинг ўғли эканлигини билмасди. Унга ҳеч ким айтмаганди. Ўғирланган машинанинг эгаси билан ҳисоб-китоб қилиб қайтганидан кейин Соли уни қоровулликка қолдирди-да:

— Подвалда биттаси ётибди, унинг учун калланг билан жавоб берасан, — деди.

Соли шотирлари билан кетганидан кейин Баҳодир ертўлага тушиб болани кўрди. Йигирма ёшлар атрофидаги озғингина йигитча қўли орқага боғланганча зах устида ўтирарди. Баҳодир уни бурнидан қисди.

— Сенга ўхшаганларни издеватса қилишни яхши кўраман. Лекин Шефдан ҳали рухсат теккани йўқ. Тегсин, кейин сичқончадай бир ўйнатай, ўзингма маза қил, — деди.

Йигитча лом-мим демади. Фақат кўзидан дув-дув ёш оқди.

Кейинчалик нон, гўшт бериб турди. Албатта, жуда озгинадан. Шунда ҳам йигитчанинг қўлини ечмади. Овқатни ерга — газета устига қўйиб чиқиб кетаверди.

Бечора бола уни еб олгунча итнинг азобини кўрди. Амаллаб ётиб газета устига қўйилган таом ёнига борди.

Сўнг оғзи билан нонни олмоқчи бўлди. Дастлаб эплаёлмади. Кичикроқ тишлаган экан, қолган қисми тупроқ устига тушиб кетди. Зах ҳиди уфуриб турган тупроқ устидаги нондан яна бир бурда ейиш умидида йигит уни тупроққа қориштириб қўйди. Лекин барибир насибасини, гарчи тупроқ билан қўшиб бўлса-да, оғзига солишни амаллади.

Бир сафар Баҳодир пиёлага қайноқ чой қуйиб кетди. Роса чанқаган йигит уни ичаман деб тўкиб қўйди, шунинг билан бирга, лабини ҳам куйдириб олди.

Айнан шундай бўлишини олдиндан билган Баҳодир яширинганча кузатиб турарди. Оғзи куйган йигитча типирчилаб қолганини кўриб роса мириқиб кулди.

— Баттар бўл, — деди сўнгра ва чиқиб кетди.

Найновнинг оёғи учигача музлади. У сўкиниб юбормаслик учун зўрға тишини тишига босиб турди. Баҳодир чиқиб кетиши билан ўзини ертўлага урди.

— Болам, Умиджон! — деб бақирди.

Унинг ўғли ерда юзтубан ётарди. Бошини зўрға кўтарди. “Дада”, демоқчи бўлди-ю, лекин овози чиқмади. Бунинг ўрнига зўрға қимирлаб қўйди.

— Умиджон! — деб қичқирди яна бир марта Найнов ҳамда бир-бир босиб ўғлининг тепасига келди.

— Сени нима аҳволга солди бу итдан тарқаганлар?!

У ҳансираб нафас олар, бутун вужуди титрарди.

— Ҳаммасини онасиникига тикаман! Биттаям қолдирмайман! — деб ўкирган ота дарров ўғлининг қўлларини ечиб ўрнидан турғазди ҳамда юз-кўзидан ўпди.

Умиднинг оёқда туришга ҳам ҳоли қолмаганди. Отаси кучоғидан озгина бўшатиши билан гурс этиб ерга ўтириб қолди. Найновнинг жон-пони чиқиб кетди ҳамда кўзидан ёши оқиб яна ўғлини турғазди ва суяб ертўладан олиб чиқди.

Аввал қуёшдан Умиднинг кўзи қамашди. Сўнг уни йўтал тутди. Кетма-кет йўталаверганидан эгилиб қолди. Найнов уни амаллаб Баҳодирнинг стулига ўтқазди. Сўнг зах босган юзини ювди.

— Ҳали отдай бўлиб кетасан, сени бу аҳволга солганларнинг онасини кўзига кўрсатаман!

Шу маҳал дарвоза қарсиллаб очилди-да, ҳовлиққанча

Баҳодир кириб келди ва болани Найновнинг ёнида кўриши билан кўзи олайиб кетди.

— Нима қилдингиз?! — деб аввал ўқирди, сўнг ёнидан тўппонча чиқарди. — Мусорлар келаяпти. Кимдир бизни сотганга ўхшайди. Боланинг олдини тўсманг! Отиб ташлаб, қуён бўламиз. Бўлмаса, Соли икковимизниям теримизга сомон тикади!

— Бу менинг ўғлим бўлади, итдан тарқаган! — дея ўқириб юборди Найнов ва Баҳодирга ташланиб, тўппончасини ушлади. Бироқ бу пайтда тўппончадан ўқ чиқиб, унинг қорнини тешиб ўтганди. Лекин Найнов йиқилмади.

— Единг-ку, мараз! — деди.

— Кўйвор! — дея бақирди Баҳодир ва яна бир марта тепкини босди. Найнов турган жойида бир сапчиди, аммо тўппончани кўймади. Қайтанга, янада маҳкамроқ ушлади. Баҳодир бир неча марта силтаб тўппончани тортди. Аммо натижа чиқмади. Бунинг ўрнига Найнов гурсиллаб ерга йиқилди. Тўппонча ҳам унинг қўлида қолди.

Баҳодир энди қочишга ҳам кеч қолган эди. Биринкетин уйга бостириб кирган милиционерларнинг бири унинг чотига шунақанги тепдики, Баҳодирнинг тухуми оғзидан чиқиб кетай деди ва мувозанатини йўқотиб ерга кулади-ю, яна уч-тўрт тепки билан сийланди.

Сўнг унинг қўлларини орқасига қилиб боғлашди.

Машинага ортаётганларида Найновнинг жони узилди.

\* \* \*

Дилдора қовоғини солиб уйга кириб кетаётганида онаси тўхтатди.

— Нима гап, тинчликми, ким келибди? — сўради қизининг афт-ангорига қараб ҳайрон бўларкан.

— Куёвингиз.

— Нега унда қовоғингни осволдинг? Уришиб қолдингларми?

— Йўқ, ўзим шунчаки. Индамасдан қаерларгадир кетиб қолибдилар. Бир оғиз айтсалар...

— Қизим, у эркак киши. Бирон иши чиққандирки, кетгандир. Ҳамма нарсани ипидан-игнасигача айтавериши керакми? Унақа қилма, яхши бўлмайди. Тез орқанга қайт-да, ширин муомала қил. Чой дамлаб бергин. Юрган одам чанқайди.

— Уфф, ойи!..

— Бор!

Дилдора ноилож ортига қайтди. Аммо бу пайтда Икром дарвозахонада йўқ эди. Кетиб бўлганди. Дилдора бироз туриб қолди. Аччиқланди. Гўзал чеҳрасининг қошлари чимирилди. Бир хаёл кўчага чиқиб эрининг ортидан қарамоқчи бўлди. Лекин дарров ниятидан қайтди. “Салга тегиб қолади-я, тавба! Худди қиз болага ўхшайдилар. Токайгача ёш болага ўхшатиб эркалайман?” — дея хаёлидан ўтказган келинчак изига қайтиб ошхонага кирди. Ювилган пиёлаларни бошқатдан юва бошлади. Мақсади, онасининг кўзига кўринмаслик эди. Кўриб қолса, яна сўроқ бошланади. Орқасидан насиҳат. Ажаб-маски, уйдан чиқиб, бориб етаклаб кел, десалар.

Ҳовли тарафдан эшитилган кулги овози унинг хаёлини бўлди. Пардани тортиб, деразадан ташқарига қаради ва акаси билан бирга келаётган бегона йигитни кўрди. Баҳром алланималарни ўша йигитга тушунтириш билан овора эди.

Бўй-басти келишган, кийимлари ўзига роса ярашган, сочлари силлиқ таралган, лабида ним табассуми бўлган йигитга Дилдора бир муддат тикилиб қолди. “Ким экан?” — дея хаёлидан ўтказиши билан ошхонага келинойиси Нафиса кирди.

— Дилдорахон, — деди қайнсинглиси унга юзланиши билан, — акайиз телефон қилиб меҳмон обораяпман, дегандилар. Жиянингиз йиғлайвериб жой тайёрлашга қўймади. Мен у-бу нарса тайёрлагунча, меҳмонхонага кўрпача ёзиб чиқинг.

— Хўп. Ким экан? Бунақанги ўртоқларини ҳечам кўрмагандим-ку! — сўради Дилдора.

— Аввал ҳам икки марта келганди. Сизлар у пайтда тоққа кетгандиларинг. Роса ажойиб, истарали бола. Одобини айтмайсизми? Агар турмушга чиқиб кетмаганингизда, сизни шу болага берардик. Узукка кўз қўйгандай мос тушардинлар ўзиям, — дея жилмайди Нафиса.

— Қўйсайиз-чи, кеннойи, Икром акамларга ҳеч қайсиси тенг келмайди. Бўпти, мен борай, киргунларича ишимни битириб оламан.

Дилдора шошиб чиқиб кетди. Унинг юрак уриши ўз-

ўзидан тезлашди. Бунинг натижасида биров қизарди. Ҳаяжонланди. Ҳатто ўзига-ўзи: “Тавба, менга нима бўла-япти?” — деб ҳам қўйди.

Барибир улгурмади. Меҳмонхонага аввал акаси, унинг ортидан ўша бегона йигит кириб келди. Дилдора уларга салом бераркан, зимдан меҳмонга назар ташлади ва сездики, йигит ҳам унга худди шундай қараб қўйди. Йўқ, тўғри қаради. Аммо бу қарашда қандайдир сеҳр бор эди.

— Алишер, бу Дилдора. Мен сенга унинг тўйи бўлганини айтгандим, — деб синглисини ўртоғи билан та-ништирди Баҳром.

Йигитнинг юзи дарров ўзгарди. Жуда бошқача — қан-дайдир умидсизланишми, афсусми бордай эди. Келин-чак ҳам айби очилиб қолгандай ўнғайсизланди.

— Хурсандман, — деди йигит майин товушда, — аф-сус, тўйларингга келолмадим. Москвада ўқишда эдим.

— Москвада ўқийсизми? — деб юборди беихтиёр Дил-дора.

— Фақат ўқимайди, ишлайди. Ҳеч мединститутда ҳам ўқиб, ҳам ишлайдиганларни кўрганмисан? — деди ўртоғининг ўрнига жавоб берган Баҳром шундай дўсти борлигидан мағрурланиб. — Йўқ, кўрмагансан. Лекин бу ана шундай меҳнатқаш бола.

— Жа, мақташни оширворасан-а, ўртоқ, — деди Дил-дорадан кўзини узмаган Алишер.

— Оширмаяптилар, кўриниб турибди. Майли, сизлар ўтиринглар, мен ҳозир чой олиб келаман, — дея жил-майди Дилдора.

— Кеннойингга айт, овқатни тезлаштирсин.

“Қарашлари бунчалик ўткир? — хаёлидан ўтказди Дил-дора меҳмонхонадан чиқиши билан. — Одамни титратиб юборди-я! Москвада ҳам ўқиб, ҳам ишласалар, роса ақли бола эканлар-да. Икром акам бўлса, исминиям тўғри ёзолмаса керак. Ҳечам Москвага бормаганман. Фақат телевизорда кўраман...”

У хаёл билан бўлиб Назира опага урилиб кетишига сал қолди.

— Сенга нима бўлди? — сўради ойиси. — Ҳардамхаёл бўлиб юрибсан. Икромжон қани, кўринмайди?

— Чиксам, яна кетиб қоптилар, ҳайронман, ўзгариб қолдилар.

— Бекор қовоғингни уйиб кутволдинг-да. Бир оғиз ширин сўз...

— Ойи, қўйсайиз-чи, ҳар доим ёнларини оласиз. Ёш боламидилар... Тавба... Акамларнинг меҳмони келган. Кеннойимга қарашаяпман, — деб Дилдора ойисининг ёнидан тез узоқлашди. Ичидаги ҳаяжонни, ширин ўйларини қизганди. Қолаверса, қўрқдиям. Агар ойиси билан яна озгина гаплашса, хаёлидагилар ошкор бўлиб қолади-гандай эди.

Унинг шундай аҳволга тушишини олдиндан сезгандай, Нафиса унга тикилиб:

— Яхши бола эканми? — дея жилмайиб сўради.

— Билмадим, — елка қисди Дилдора, — одамни бир кўришдан қанақалигини айтиб бера оладиган хислатим йўқ.

— Алишер акангизни Москвага олиб кетмоқчи. Ўтган сафар келганида шундай деган экан.

— Нима қиларканлар Москвада?

— Яхши иш бор экан. Бу ердагидан пулиям кўп эмиш, обрўсиям баландмиш, — деди Нафиса кўзлари чақнаб.

— Хоним, сизни бошқа томони қизиқтираётгандир. Москвага акамларнинг орқасидан бориб, сиз ҳам шу ёқлик бўлиб кетмоқчидирсиз?

— Йўғ-э, нималар деяпсиз? Баҳром акам ҳали кетаман демадилар. Кейин, у киши ёлғиз ўғил бўлсалар, оймларга ким қарайди? Таклифларини айтдим, холос.

Шу пайт телефон жиринглади. “Икром акам бўлсалар керак”, хаёлидан ўтказди Дилдора. Гўшакни эса Нафиса олди. Саломлашиб сўзлашди. Сўнг: “Ҳозир”, деб чиқиб кетди.

Дилдора бўлса, аллақачон Алишер тўғрисида хаёл сура бошлаганди. Овозининг майинлиги қулоғидан кетмас, чеҳраси, ним табассуми, боқишлари кўз ўнгида намоён бўлаверарди. Айни чоғда акасидан хафа бўла бошлаганди ҳам.

Ошхонага Нафисанинг ортидан Баҳром ҳам келди ва гўшакни олиб гаплаша бошлади.

— Вой, ҳали чой дамламабсиз-ку. Қаранг, қайнаб кетибди, — деди Нафиса хаёл суришдан бўшамай қолган Дилдорага.

— Ҳозир, ҳозир, — деди Дилдора ва шоша-пиша чой дамлади-да, меҳмонхонага кирди.



— Хуш келибсиз! — деди Алишерга чиройли табассум билан боқаркан.

— Мен Баҳромнинг сингиси борлигини билмас эканман. Ҳечам айтмаган, — дея жилмайди Алишер ҳам.

— Анча вақтдан бери танишмисизлар? — сўради келинчак.

— Ҳа, кўп бўлди.

— Москва яхшими?

— Яхши.

— Илгари нега бизникига келмасдингиз?

— Ўқишдан чиқолмасдим. Икки йил деганда, уйгаям зўрға энди келдим... Сиз нега ўқишни ташладингиз? Куёв бола кўймадими?

Дилдора Алишернинг шу сўзни ишлатишини ҳечам хоҳламаганди. Ҳозир куёвни эслаш қандайдир ортиқчадай эди унга. Бошқа нарсалар... Айтайлик, унинг гўзаллиги ҳақида гапирса ҳам майлиди. Бу йигитга шундай сўзларгина ярашади.

— Шундай латофатли қиз, албатта, олий маълумотли бўлиши керак.

Алишер қизнинг кўнглидан кечаётганларини топди, уни жуда чиройли қилиб вақтида айта олди ва айни дамда Дилдорани ҳаяжонлантириб юборди.

— Пешона экан... Балки кейинроқ яна...

Дилдора гапираётиб йигитга қаради. Алишер ўзига тикилиб тургани унинг хаёлига келмаганди. Иккисининг нигоҳлари тўқнашди. Жуда сирли ва фақат Дилдора билан йигитгагина маълум бўлган нигоҳий сўзлашув пайдо бўлди.

Дилдора чўчиб тушди. Сал бўлмаса, Алишер ўрнидан турадиган, унинг қўлларидан ушлайдиган эди. Ҳар қалай, қаддини ростлаб, у томонга интилишида шунинг аломатлари бор эди.

— Кечирасиз, — деди киприклари пирпираган келинчак ноқулай вазиятдан қизариб, — ошхонага бориш эсимдан чиқибди.

“Нима қилаяпсан, аҳмоқ қиз? — деди у ўзига-ўзи меҳмонхонадан чиққач. — Бошингда эринг бор-ку! Дарров Икром аканга хиёнат қилгинг келиб қолдими? Йўқ, бунақаси кетмайди. Бу йигит ҳаммадан ақлли, зўр бўлган

тақдирда ҳам, бегона. У билан кўз уриштиришим мумкин эмас... Ҳозир кўз уриштираман, кейин у йўлини топиб бирон жойга ўтиришга таклиф қилади. Ундан кейин... Йўқ... Йўқ, асло... Қаерга кетиб қолдилар Икром акам? Нега орқаларидан бормадим? Жуда ёмон қаршиладим, ўзим аҳмоқман. Сиқилиб юрганликларини билиб туриб қовоқ уйдим-а! Икром акажон, эртароқ келинг, соғиниб кетдим!” Келинчакнинг кўзида ёш пайдо бўлди.

— Кеннойи, — деганча ошхона эшигини очиб мўралади Дилдора кўзидаги ёшни тезда артиб олгач, — озгина бошим оғриётганди. Меҳмонга ўзингиз қараб туринг. Бирпас ётайин.

Нафиса унга гапиришга улгурмади. Дилдора эшикни ёпди-ю, Икром иккаласига ажратилган хонага кириб кетди. Бир муддат чалқанча ётиб хаёл сурди. Сўнг негадир ўз-ўзидан кўнгли айниб кетди. Гидамга қайт қилиб юборишдан қўрқиб ташқарига югурди.

Ичидагини тўккунча бўлари бўлди ўзиям, юзи қизариб, томоқ томирлари бўртиб кетди. Ёшлигида бир-икки марта кўнгли айниганди, албатта, ёмон нарса еб қўйганида. Лекин қайт қилиб бунчалик ҳолсизланмаганди.

У қаддини ростлаётганида боши ҳам айланди. Зўрға деворга бориб суянди. “Шунчалик ёмон нарса еганмидим?” — дея хаёлидан ўтказганида, Нафиса ҳовлига чиқиб қолди.

— Нима бўлди? — сўради ёнига келиб.

— Билмадим. Кўнглим айниб қайт қилдим. Бошим ҳам айланаяпти. Эрталаб еганим бўйича туз тотганим йўқ. Нимага бундай бўлаётганига ҳайронман. Қийналиб кетдим.

Нафиса мийиғида кулди. Ахир унга ҳамма нарса аён бўлганди. Фақат буни дарров айтгиси келмади. Суюнчи олади. Аввал қайнонасида, кейин Икромдан.

— Ҳозир уйга кирайлик, кейин мен сизга кўнглингизнинг айнигани сабабини айтаман, қани юринг, қўлингиздан ушлаб оламан, — деди Нафиса.

— Қўяверинг, ўзим бораман. Ойим кўрсалар, дарров ваҳима қиворадилар.

Нафисанинг хаёлидаги гап Дилдоранинг ҳам кўнглидан ўтганди. Юрагига бир олам қувонч келди-ю, аммо

аниқ ёки аниқмаслигини билмагани учун хурсандчиликни бироз ортга сурганди.

Ахир у сўнгги пайтларда жуда хавотирда эди. Турмушга чиққанига қанча вақт бўлди-ю, ҳалигача бўйида йўқ.

— Тахминимча, — дея жилмайди Нафиса уйга кирганларидан кейин, — сиз ёмон нарса емагансиз. Ҳамма айб Икромжонда.

— Нега улар айбдор бўларканлар? — деди Дилдора дарров юзи тундлашиб.

— Чунки, ўзимнинг қадрдон қайнсинглим, сизни қаттиқроқ севиб юборганлар. Насиб бўлса, энди куёв тушмагур — ота, сиз — она бўласиз!

— Йўғ-э, ростданми?! — дея кўзлари қувончдан порлади Дилдоранинг. — Аниқми?! Кеннойи, қанчалик кутганимни билсангиз эди!

У Нафисани кучоқлаб юзларидан чўлпиллатиб ўпди.

— Агар Икром акам эшитсалар борми?! Териларига сиғмай кетадилар!

У беихтиёр қорнини сийпалади. Унинг қилиғига Нафиса кулиб юборди. Зумда хаёлига ўзининг фарзандли бўлгани келди. Ўшанда энг аввал Баҳром акасига айтганди. Тўшақда аввал эрининг сочларини бармоқлари билан таради, юзидан ўпиб қўйди. Йўқ, у бутунлай бошқача бўлишини истаганди: Баҳром тегажоқлик қилади, Нафиса эса нозланади ва бирдан эрининг бўйнидан кучоқлаб олади-да, қулоғига шивирлайди: “Адаси, ўглингиз хафа бўлиб қолади”, дейди. Аммо ўйлагани бўлмади. Баҳром шифтга қараб ётди-ю, кўзини юмди. Нафиса қараса, эри ухлаб қоладиган. Мажбур бўлиб ўзи ташаббус кўрсатди.

— Энди бир дўхтирга боринг, хўпми? Ҳар қалай, анигини билган яхши.

\* \* \*

Икромнинг кўз олдини туман қоқлай бошлади. У нима қилаётганини англамас, қўллари эса Дилоромнинг юзини силар, сочларидан тинимсиз бўса оларди. Йигитнинг қилиғи қизга хуш ёқаётганди. У умрида биринчи марта сирли бахт қасрига тушиб қолгандай эди. Бутун инонихтиёрини ўзи севган одамига топшириб қўйганди. Айни чоғда юраги ҳам безовта эди. Чунки ўтирган жойларига ҳар дақиқада сингилларидан бири кириб қолиши эҳти-

моли бор эди. Икромни ўзининг ётоғига олиб киришдан ҳам чўчиётганди. Аввалги дамлардаги каби Икром яна уни ташлаб кетишидан кўрқарди. Шу боисдан ҳам индамай ўтирарди. Бироқ бу ҳол узоққа чўзилмади. Эшик овоз чиқариб очилди-ю, Дилором беихтиёр йигитнинг кучоғидан чиқиб кетди. Остонада Заҳро уялибгина турарди.

— Узр, — деди у, — чойларингдан хабар олмоқчийдим.

Аслида мутлақо бунақа эмасди. Уч опа-сингил эшик тирқишидан пойлашиб, опалари билан Икромнинг бир-бирига тобора чирмашаётганликларини кўришгач, агар халақит беришмаса, улар янада чуқурлашиб кетишларини тушунишди ва келишиб Заҳрони киритиб юборишга қарор қилишди.

Гарчи сингиси келганидан Дилором хижолат бўлган эса-да, Икром аввалги ҳолда эди. У ҳеч нимадан тап тортмай қизнинг қўлидан ушлаб ўзига тортди.

— Заҳро, ҳозир чойнакни ўзим обораман, — деди ноилож қолган қиз сингисига.

Заҳро опасига ўқрайди ва лабини асабий тишлаб чиқиб кетди.

— Икром ака, — дея йигитнинг сочини силади Дилором, — мен ҳозир келаман.

У ўрнидан туришдан олдин Икромнинг юзидан ўпиб қўйди ҳамда чойнакни олиб чиқиб кетди. Сингилларининг ёнига борганида иккала юзи қип-қизил эди. Ҳаяжонланганидан кўкраги тез-тез кўтарилиб тушарди.

— Опа, — деди Нигора аччиқланиб, — нима қиляяпсиз? Икром аканинг хотини бор-ку.

— Нима бўпти? Нима бўпти, айт?! Мен у билан танишганимда, уни севиб қолганимда ҳам хотини бормиди?! Аслида... Синглим, қўй, мени қийнама. Биламан. Ҳаммасини биламан. Лекин шу одамни севсам нима қилай? Айбим нима?.. Эй Худо! — деб у столга ўтирди-да, юзини кафтлари билан бекитди.

— Опажон, — дея унинг ёнига келиб тиз чўкиб ўтирди Заҳро, — агар сизнинг севгингизга яраша севги билан жавоб қайтарганида, биз ҳам тўғри тушунган бўлардик. Икром ака ҳозир маст. Мастлигида сизни кучоқляпти.

Балки, хаёлида хотинидир. Хотинимни қучоқлаяпман, деб ўйлаётгандир... Сизни... сизни шунчаки ўйинчоқ қилиш-ларига чидолмаймиз.

Дилором жавоб қилмади. Йиғлади. Унга қўшилиб сингиллари ҳам йиғлашди. Барчаси қайғуда эдилар. Вазият шунчалик мураккаб эдики, ундан қандай чиқишни бирортаси билмасди. Фақат бир нарса аниқ эди. Мабодо Дилоромнинг ҳаёти алғов-далғов бўлиб кетса, барчасининг кўнглида бир умрлик доғ пайдо бўлади. Чунки Санобар опа ўлганидан кейин у гўё она вазифасини бажараётганди.

Йигирма дақиқадан зиёдроқ чўзилган жимжитликдан кейин Дилором бошини кўтарди. Кўз ёшларини бармоқлари билан артди.

— Сизлар айтганча бўла қолсин. Икром акам хотини билан бахтли бўлсин. Биз ҳам яшайверамиз бир кунимизни кўриб. Мендан хафа бўлманглар.

У ўрнидан турди ва Икром ўтирган хонага борди. Бу пайтда йигит ёнбошидаги ёстиққа суянганча ухлаб қолганди. Қиз бир муддат унга термилиб турди. Сўнг ортига қайтиб ётоғига кирди-да, адёл олиб чиқиб устига ёпиб қўйди.

Икром уч соатча ухлади. Уйғонганида ҳам бир қанча муддат кўзини очмади. У ҳақиқатан ҳам ўзини уйида хаёл қилар ва бундан бу ёғига нима иш қилиши ҳақида ўйларди. Кимдир эшикни очиб ёпганидан сўнггина у кўзини очди. Атрофига қаради ва бирдан ўрнидан туриб кетди.

— Қачон келдим бу ерга? Нега келгандим? Нима учун бундай ётибман? — деб ўзига-ўзи савол бериб ўрнидан турди-да, кийимларини тўғрилаган киши бўлиб эшик томонга юраётганида Нигора кириб қолди.

— Яхши дам олдингизми? — деди у жилмайиб.

— Қандай ухлаб қолдим? Кун кеч бўлиб кетгандир, — деди Икром ва тезда Нигоранинг ёнидан ўтиб ҳовлига чиқди. Бориб жўмракдан юзини ювди. Бунгача Дилором унга сочиқ олиб келиб улгурганди.

Уни кўрган Икром хижолат тортди. Бирон нима демоқчи бўлди-ю, аммо сўз тополмади. Тез-тез артиниб:

— Мен борай, — деди.

— Чой қайнаб қолди, Икром ака, ичиб кейин борар-сиз.

У гарчи севгисидан воз кечган эса-да, йигитнинг кетишини ҳечам истамаётганди. Яна бироз қолса, гаплашса, кейин майли, ўша хотинчасининг ёнига кетаверсаям рози эди. Аммо Икром қолмади. Эртага яна қайтиб келажagini айтиб чиқиб кетди.

\* \* \*

Эри келавермаганидан хавотирланган Дилдора неча бор кўчага чиқиб келди. Неча бор ўзини қарғади. Неча бор уйидагиларга билдирмай йиғлаб олди. Охири хонасига кириб, ёстиқни қучоқлаганча ухламоқчи бўлди-ю, буни-ям эпини қилолмай, хаёл суриш билангина андармон бўлиб ётаверди. Ҳовлида эрининг Баҳром билан сўрашганини эшитганидан кейин эса дик этиб ўрнидан турди. Бир хаёл чопиб чиқмоқчи бўлди. Аммо дарров шаштидан қайтди. “Келсинлар, қулоқларидан яхшилаб тортиб кўяман. Шундай янгиликни айтаман деб кутсам-у, бу кишим қаёқлардадир изғиб юрсалар”, деб яна ётиб олди. Бир неча дақиқадан кейин Икром хонага кирди. Хотинини кўрди ва бирдан унинг қандай қилиб кутиб олгани ёдига тушиб остонада туриб қолди. Ҳатто ортига бурилиб чиқиб кетмоқчи ҳам бўлди. Агар Дилдора бошини кўтармаганида шундай ҳам қиларди.

— Мен сизни соғиниб кетдим, — деди келинчак унга қарамасдан ҳам.

— Шунинг учун қарагинг ҳам келмаяптими? — деб кесатган бўлди Икром.

— Жиннивой, қанчалик кутганимни билмайсиз-да.

Дилдора ўрнидан туриб, унинг ёнига келди. Икромнинг қовоқ солиб турганига эътибор ҳам бермай бўйнидан қучоқлаб:

— Фарзандингиз адамлар қачон келадилар, деб сўраб кўймапти, — деди.

— Нима? Нима дединг? Яна бир марта айт! — дея ҳаяжонланиб кетди Икром.

— Ўзингизга ўхшаб ниҳоятда ўжар бўлади, шекилли...

Дилдоранинг қолган гапи оғзида қолди. Икром бирдан уни қучоқлаб юз-кўзларидан ўпишга тушиб кетди.

Уйдагиларнинг ҳаммаси шу куни ниҳоятда хурсанд эди.

Лекин Дилдора билан Икромчалик эмас. Кечки овқат маҳали ҳам эр-хотин зўрға ўтиришди. Эртароқ ётадиган маҳал бўлса-ю, бирга бўлишса, мириқиб гаплашишса...

Эртасига Икром бутунлай бошқа одам бўлиб уйғонди. У илк бора қандайдир масъулиятни ҳис этди. Лекин ўша масъулият нима эканлигини билмасди Икром. Жавобгарлик деган бир нарса елкасида пайдо бўлганди. Мана шуни аниқ биларди у. Қизиғи, бундай туйғу Дилдорага уйланганида пайдо бўлмаганди.

Икки кун уйида бўлди. Дилоромга берган ваъдасини эсидан чиқарди. Албатта, бу ҳам илк маротаба эди. Ҳамма вақт ваъдасининг устидан чиқаётган одам учун бу гайриоддий ҳол эди. Аммо биринчи сафар шундай бўлди. Тўғрироғи, у Дилоромни эслаганди. Лекин боргиси келмади. Қизни кўрса юраги эзилади. Кўнглига қарайин дейди-ю, бу кўнгилга қараш бошқа томонга кетиб қолади. Уни айни мана шуниси чўчитади. Маст ҳолатида Дилоромнинг юзини силаганлари, сочларидан ўпганлари ёдига келди. Албатта, эсма-эс. Аниғини билмайди. Аммо шунга яқин иш қилгани аниқ.

Учинчи кун пешинга яқин борди. Аксига олиб, Дилором уйда ёлғиз экан. Сингиллари бозорга кетган.

— Сизни роса кутдим. Келмадингиз. Яна бирон ёққа кетиб қолдиларми, деб ўйлагандим, — деди қиз Икромни ҳовли ўртасига қўйилган столга ўтиришга таклиф қилганидан кейин.

— Ишлар чиқиб қолди, — жавоб қилди Икром бошқа гап тополмай.

— Хотинингиздан сизни тортиб олиш ниятим йўқ. Сизни мана шу ҳолатингиз учун севаман. Аммо севгим учун ҳеч нима умид қилмайман. Тинч-тотув яшаб юргангизни, бахтлилингизни эшитсам, шунинг ўзи менга мукофот.

— Дилором, — деди Икром қизнинг қўлидан тутиб, — ҳеч нарсани сендан яширмайман. Аслида менинг ҳам сенда кўнглим бор. Лекин уйландим. Сенгача уни учратдим. Энди бахтингни боғлаёлмайман. Ақли-хушли йигит учраса, албатта, ўзим бош бўлиб узатаман. Демакки, синглим бўласан.

Дилоромнинг кулгиси қистади. Кўзини ерга қаратди.

Тишини тишига босди. Кейин аччиқланди. Аммо буни-сини ҳам билдирмади.

— Шу ёғига ҳам раҳмат. Умуман, сени танимайман, деганингизда ҳам бирон нима деёлмасдим. Фақат сиздан бир илтимос: кунда-кунора хабар олиб тулинг, ҳозирча, тўла ўзимизга келиб олгунимизча. Рустамжон ҳам со-гайиб қолибди. Ҳозир кўчага бемалол чиқаётган экан, бирор кун сиз билан таништириб қўяман. Ҳар қалай, ёмон боламас.

— Уни синглим яхши кўради, дегандинг-ку.

— Ҳалиям шундай. Лекин унга суянсақ бўлади. Ния-тим, сингилларимни эртароқ турмушга бериш.

— Ўзинг-чи?

— Икром ака, келинг, бу ҳақда бошқа гаплашмайлик. Умуман, ўзим ҳақимда ўйлаётганим йўқ.

— Сени кўрдим. Яхши ўтирган экансан. Ўзинг айтганингдай, хабар олиб тураман. Кейин мени ҳозирги тинч-лик ўйлантираяпти. Одатда, ҳар қандай жимжитлик ор-тида, барибир, бирон нима яширинган бўлади.

— Балки Рустамнинг тоғаси билан гаплашиб кўрарсиз. Ёмон одамга ўхшамади.

— Ментлар билан ошначилик қилишим қолувди. Беш-олти кун ўтсин, кўрамиз, тузукроқ жойга ишга кирсам-ми, деб ўйлаб юрибман. Янаям Худо биледи.

Улар икки соатлар чамаси гаплашиб ўтирганларидан кейин Икром кетди.

Ваъда қилганидай, кейинги кунлари Дилором ва унинг сингилларининг ҳолидан хабар олиб турди. Ҳар боргани-да талай муддат қолиб кетар, кетгиси келмасди. Нима-дир уни қаттиқроқ боғларди бу уйга. Албатта, сўнгги пайтларда Дилором ундан ўзини олиб қочадиган бўлиб қолди. Бу эса Икромни баттар қизга талпинтираверарди. Бўлмаса, ҳар сафар уларникидан чиққанида ўзига-ўзи ваъда беради: “Бу уйга камроқ келаман. Ярим соатдан зиёд ўтирмайман”, деб. Лекин барибир сўзида туролмай-ди. Гап қизиб кетади. Икром ўтираверади. Вақт эса ўта-веради. Ана шундай кезлари ҳам йигит Дилдорани Дило-ром билан таққослайди. Хотинини жон-жаҳди билан ус-тун қўйишга уринади. Аммо удалолмайди. Назарида, уларнинг иккиси ҳам бир хилдай. Муомала, жилмайиб



боқишлар, қадди-қомат... Тагин уларнинг иккиси ҳам Икромни севади. Фақат Дилором Дилдоранинг борлигини билади. Шунда ҳам барибир севаверади. Дилдора ҳам шундай қила олармикин? Икром шу ҳақда жуда кўп ўйлади. Жавоб тополмади. Шу тахлит орадан бир ойдан зиёд вақт ўтиб кетди ва Икром навбатдаги марта Дилоромларникига борганида Рустам билан учрашиб қолди. Гарчи йигит аввалига уни хушламайгина қарши олган эсада, исмини эшитгач, юзи ёришди. Ҳатто кучоқ очиб бошқатдан кўришди.

— Дилором опа, — деди улар билан бирга битта стол гирдидан жой олган қизга (“опа” дейиш жуда ноқулай бўлди ўзига ҳам. Бунинг устига, Дилором ундан кичкина. Лекин яқинлигини билдириб қўйиш учун шундай деди. Албатта, Икромнинг ёнида. Ва илк маротаба). — Бундай учрашув учун юз-юз қилсак узукка кўз қўйгандай бўлади-да.

— Очиғи, — унинг гапини қувватлади Икром ҳам, — бир ойдан бери ичмаётгандим. Лекин ҳозир шундай тор-таяптики, Дилоромхон мурувват қилсалар, савобга кўмилиб қоларди-да.

— Ичкилик ҳам савоб берарканми? Агар шунинг орқасидан савоб келса, кечганим бўлсин, — дея нозланди Дилором. Унинг нози шунақанги гўзал эдики, ҳар қандай йигитнинг эси оғиши мумкин эди. Жумладан, эндигина танишган манави икки йигит ҳам. Аммо уларнинг бундай қилишга ҳақлари йўқ эди, шу боисдан, ҳавас билан чегараланиб қўя қолишди.

— Ака, — деди Рустам Дилором ўрнидан туриб уларнинг истагини бажо келтириш учун кетганида, — тоғамдан эшитдим: каззобларнинг барининг уйи куйибди.

Дабдурустдан айтилган бу гап Икромни ғалати аҳволга солди. У қошини чимириб йигитга қаради.

— Тушунмадим, — деди қовоғини солиб.

Рустам ўзининг гапидан ўзи ноқулай аҳволга тушди. Сўзлашдан олдин бироз тараддудланди.

— Ҳалиги, — деди бир неча сониядан кейин, — бу оиланинг бошига кўп ташвиш келтирганларнинг (Дилоромлар оиласини назарда тутаётгани у. Икром дарров англаганлиги боис, ортиқча савол бериб ўтирмади) бари

қўлга тушибди. Бир-иккитаси ўлибдиям. Тоғамнинг сўзларига қараганда, тоғда икки кишининг суяқларини топишибди. Бўрилар еб кетибди уларни. Ўшалардан биттасини ким дейишганини биласизми?

Икром йўқ дегандек бош чайқади.

— Сиз!..

— Мен?.. — деди қўзлари олайган Икром.

— Ҳа, сиз. Шунинг учун ҳамма сизни қидиришдан тўхтаган. Бўлмаса, тўдага оммавий ҳужум бошланган экан. Юқоридан шундай буйруқ берилибди...

— Шошманг, оғайни, — деб Икром уни гапиришдан тўхтатди, — хаёлимда ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб кетгандай. Бир бошдан, озгинадан олиб, гаплашайлик.

— Кечирасиз. Сизнинг яхши одамлигингизни кўп эшитгандим. Илгаридан кўришсам деб юрардим. Шунинг учун... Озгина ҳовлиқмалик қилиб қўйдим.

Дилором бир шиша ароқ келтириб стол устига қўйди ва ҳар иккала йигитга ҳам назар ташлади. Иккиси ҳам жиддий. “Ораларидан оламушук ўтдими?” — дея хаёлидан ўтказиб, столга ўтирди.

— Рустамжон, қани очинг, — деди вазиятни юмшатиш учун.

Сухбат анчага чўзилди. Бояги узук-юлуқ, тушунарсиз гаплар оралиғига Дилоромнинг изоҳлари қўшилгач, аниқлик кирди. Рустам билганларининг барини сўзлади.

“Наҳотки ҳеч ким қолмаган бўлса?! Мумкин эмас. Бир-бирини танимайдиган ўғрилар қанча? Уларнинг кўпини фақатгина мен биламан. Солигаям, Самандаргаям айтмаганман. Шундай экан, улар қўлгаям тушмаган бўлишса керак”, ўйлади Икром ҳамда Рустам гапини тугатганидан сўнг:

— Тоғангиз билан кўришсам, — деди.

Рустам бундай гапни кутмаганиди, шунинг учун ҳам Дилоромга юзланди. Қизнинг эса юзида табассум пайдо бўлди.

— Аслида, — дея Икром шишани қўлига олиб қадаҳларни ароққа тўлдирди, — улар билан битта қозонда қайнамаймиз. Лекин кўришиб, гаплашиб олишим керак деб ўйлайман. Айтайлик, мана шу ерда. Айтайлик, бугун...

— Нега бунча тез? — деди ҳайрон бўлган Дилором.

— Яхши иш қанчалик тез бўлса, шунча яхши, — деб Икром жилмайди ва қўлига қадаҳини олди, — бундан кейинги ишларимизнинг ривожини учун.

Бу сафар Дилором ҳам ичди. Шунчаки, озгина. Кейин чуқур нафас олди.

— Энди, дўстим, — деб Икром Рустамга қаради, — тоғангизга телефон қилинг. Оғринмаса, шу ерга келсин. Дилоромхон бўлса, сингиллари билан меҳмонхонада дастурхон тузайди.

Анвар Турсуновичнинг вақти тигиз эди. Чунки Найнов ўлганидан кейин вақтинчалик унинг ўрнида ишлар, Соли, Самандар ва унинг шотирларининг жиноят иши билан шахсан ўзи шуғулланаётганди. Аввалига жиянига: “Вақтим йўқ”, деди. Аммо Рустам: “Анави жиноятчилар билан боғлиқ”, деганидан кейин кўнди. Шернинг уйи ва яна у ерда Рустам бўлгани учун ҳайдовчисиз келди.

Меҳмонхонага кириб, тузалган дастурхонни кўрганидан сўнг бошқача ўйлади. Яъни жияни алдаб чақирган. У шунчаки уйланиши тўғрисида айтмоқчи бўлган. “Топган вақтингни қара, аҳмоқ”, дея хаёлидан ўтказди. Аммо ичидагини тилига кўчирмади. Икром билан кўришаркан, жиянини кўрсатиб:

— Сиз манави иш ёқмаснинг дўсти бўласизми? — дея сўради қовоғини бироз уйиб.

— Шундай десаям бўлади, — деб жилмайди Икром.

— Майли, тушлик тайёр бўлгани учун бир марта икковингниям кечирдим. Бошқа пайти тагин мени бевақт безовта қилсанглар, адабларингни бераман.

У столга ўтиргач, иккала йигитга ҳам бирма-бир қарганидан кейин (Дилором ошхонада овқат тайёрлаш билан овора эди):

— Алдаб чақирингизга чақирдинглар, энди тез-тез чойпой куймайсизларми? Завтрак ҳам бўлмаган бугун, — деди.

Анвар Турсунович чойдан бир хўпларкан, мийиғида кулиб бир бурда нон синдириб оғзига солди. Шернинг уйида ўзининг мана шундай чой ичиши етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди. Ҳозир ҳам йўлда кела-келгунча, хаёлан минг бир кўчага кириб чиқди. Ашаддий жиноят-

чининг уйига кўплашиб келмаса, ҳар хил гап чиқиб кетиши мумкин, айниқса, ҳозиргидай нозик маҳалда. Балки Рустам бу ерда бўлмаганида ёлғиз ўзи келмасди ҳам.

— Гапир, — деди у луқмасини ютганидан сўнг, — фақат тезроқ, ишларим бошимдан ошиб ётибди.

— Бу одамнинг оти Икром, — деб Рустам ёнидаги столда ўтирган йигитни кўрсатди.

— Нима бўпти, Икром бўлса? Худди шаҳарда битта Икром бордай айтасан, — деди Анвар Турсунович бепарво.

— Тоға, сиз тушунмадингиз, бу йигит ҳамма жиноий тўдаларнинг бошлиғи...

Анвар Турсунович лабига пиёлани олиб борди-ю, қотди. Икромнинг сурати столи тортмасида турарди. Лекин ўзини кўрмаганди. Ҳозир ҳам эътиборсизлик қилгани туфайли, жиянининг ёнида шунчаки оддий ўртоғи ўтирибди, деб хаёл қилувди.

У пиёлани секин столнинг устига қўйди ва ўткир нигоҳини Икромга қадади.

— Икром?! — деди ҳайратини яширолмай.

— Худди ўзи, — деб бемалол жавоб қилишга уринди Икром. Лекин унинг ичида ҳам қандайдир ҳаяжон пайдо бўлди.

— Сени ўлдиришмаганмиди?

— Кўриб турибсиз, тирикман.

— Рустам! — деди жаҳл билан Анвар Турсунович. — Нега қараб турибсан?! Қўлларини орқасига қайир бу муттаҳамни!!!

— Сиз, — деди Икром зўрға ўзини босаркан, — меҳмонсиз. Жиноятчини ушлагани келганингиз йўқ.

— Нимага келганим билан ишинг бўлмасин. Сенларнинг уруғларингни...

— Улгурасиз, ака. Ҳозир бировнинг уйида ўтирибсиз. Шунчалик тез қўлимга кишан солмоқчи бўлсангиз, марҳамат, — деб Икром иккала қўлини ҳам у томонга узатди, — бунинг учун қайиришнинг ҳожати йўқ.

Анвар Турсунович саросималанди. Ҳозир Икром қаршилик кўрсатганида нима қилишни биларди. Лекин у ихтиёри билан таслим бўлиб турибди.

— Сен! — деди у жиянига кўрсаткич бармоғини ниқ-

таб. — Ўғри-каззоб билан бир дастурхондан нон ейишим учун чақирганмидинг! Ош-қатиқ бўлайинми бу билан!

— Тоға, — деди ранги оқариб кетган Рустам, — бунақанги ниятим йўқ. Сизни ҳалол одам бўлганингиз учун Икром ака билан гаплаштирмоқчийдим.

— Ўғрилигим, жиноятчилигим, сиз айтганингиздай, каззоблигим ҳам бор гап. Асли сиз билан тил топишолмаймиз, буниям яхши биламан... Лекин бир нарсани сизга айтайин... Тўғриси, агар ўзим ёмон йўлдан қайтмаганимда, очиги, мени енголмасдингиз. Анави тодагилар ҳам ўз-ўзидан ўлиб кетишмасди. Уларни ким ўлдиргани билан наҳотки қизиқмаган бўлсангиз?!

— Мақсадингни айт: нега чақирдинг бу ерга?!

— Мақсадим... Мақсадим... Билмайман.

— Шафқат бўлмайди сенга!

— Бунисидан хабардорман.

— Унда мендан нима хоҳлаяпсан?

— Олиб бориб турмага тиқиб қўйишингизни.

— Унисини бошқалар ҳам эплайди, ҳеч хавотир олма.

— Йўқ, ака, бошқаларнинг қўлидан келадиган иш эмас мени қамаш. Барибир қўйворишади. Умуман, сиз турмага тиқсангиз ҳам фойдаси йўқ. Чунки очиқдан кўра, қамоқда ошигим олчи бўлади...

— Унда нимани истайсан?

— Менимча, энди ҳеч нимани. Шунчаки сиз билан гаплашгим келувди. Аслида жиянингиз билан ҳам бундан бир неча соат олдин танишдим. Яхши бола экан, гаплашиб ўтириб, сиз билан ҳам кўришиш истаги пайдо бўлди.

Ана шу маҳал Дилором буғи чиқиб турган лаган олиб кирди. Қўлидаги идишни учала эркакнинг ўртасига қўяр чоғи ўтирганларга бир қур назар ташлашни ҳам уддалади.

— Ана энди, — деди Икром кулиб, — ҳақиқатан ҳам ош-қатиқ бўладиган бўлдингиз.

Анвар Турсунович бир хаёл туриб кетмоқчи бўлди. Аммо Икромнинг юзида қандайдир милт этган одамийликни кўрди. Ана шугина уни олиб қолди.

Таомланиш жараёнида биров гапирмади. Ҳамма ўзининг хаёли билан банд бўлди. Хуштаъм ош еб бўлинга-

нидан сўнггина, Икром Анвар Турсуновичга бир пиёла чой узатар экан:

— Миямга бир фикр келди, ака, — деди.

— Каллакесар билан битта лагандан ош егандан кейин унинг гапини охиригача эшитишгайм маҳкум бўлдим, шекилли. Умуман олганда, сенларнинг сиёсатларингга аста-секин тушуниб бораяпман. Лекин мен ўйлаганимдан анча ақлли экансан.

— Раҳмат, ҳўш, менга энди айтинг: бутун тўданинг деярли ҳаммасини қўлга олибсиз... Соли ўлган, бунисини яхши биламан. Самандар қўлга тушган, бошқалар ҳам шундай, аммо шу билан жиноят тўхтаб қолдими? — деди Икром Анвар Турсуновичнинг юзига жиддий боқиб.

— Тўхтамади. Бир ҳафта ичида бешта мошина ўғирланган. Битта ресторан таланган. Иккита одам ўласи қилиб дўппослаб кетилган... Менимча, буларни ўзинг яхши биласан. Чунки биз сени ўлди, деб ўйлаганимиздан фойдалангансан.

— Йў-ўқ, ака, шу сафар адашдингиз. Айни ана шу ишларнинг бари менсиз қилинган. Агар гапимга ишонмасангиз, ана, мени қаманг, кўрамыз, ўғирлик тўхтарканми-йўқми?..

— Майда-чуйда...

— Мен майда-чуйда ҳақида оғзимниям очганим йўқ...

— Мени, — деди Анвар Турсунович чўнтагини ковлаб, — ошдан кейин чекадиган одатим бор. Ташқарига чиқайлик. Рустам шу ерда қолади. Бошқа унинг даллоллик қилишига ҳожат йўқ.

Анвар Турсунович ҳовлига чиқаётиб ҳар эҳтимолга қарши қўйнига қўлини тикиб тўппончасини бир ушлаб қўйди. Хаёлидан: “Ишқилиб, ўқланган бўлсин”, деган ўй ўтди.

Сигаретасини чекиб бўлгунча Анвар Турсунович гапирмади. Хаёл суриб юраверди. Икром ҳам ўзининг ўйи билан банд бўлди.

— Мен сенинг нима демоқчи бўлганингни тушунгандай бўлдим. Балки ҳақдирсан. Лекин бу усул ҳеч қачон қўлланилмаган. Ажабмаски, яхши натижа берса. Бундан чамаси ўн йилча аввал Прагага борганман. Ўшанда меҳмонхонада жуда галати, роботлар тўғрисида кино кўрган-

дим. Яъни бошқа планетадан ерга роботлар тушади. Улар шунақанги қиргин-барот қилишадики, у ёқ-бу ёғи йўқ. Ҳеч нима, ҳеч ким тўхтатолмайди. Шунда бир одам ўзи билмаган ҳолда биттасини зарарлаб қўяди. Жуда оддий нарса билан. Ҳозир айна нима эканлиги эсимдан чиқиб кетди. Лекин оддийлиги рост. Хуллас, зарарланган робот ўзлариникига ҳужум бошлади. Шундай қилиб, келгиндилар бир-бирларини қириб ташлашади.

Икром кулиб юборди ва беихтиёр подполковникнинг елкасига қўлини қўйди.

— Ака, биз жа унчаликка бормаймиз, — деди.

— Мен ҳам шундай бўлсин демайман. Аммо таклифингни яхшилаб ўйлаб кўраман. Натижасини, албатта, эртага айтаман.

Анвар Турсунович жияни билан хайрлашмади. Лекин Икром билан қўл бериб хўшлашди ва чиқиб кетди.

Икром уйига қайтиб келганида кайфияти анча кўтарилганди. Бунинг устига, Дилдора қулоғига шивирлаб: “Ўғлингиз безовта қилишни бошлади, шекилли”, деганидан кейин баттар шодланиб кетди ва унинг белидан қучиб энди ўпмоқчи бўлганида, аввал эшик тақиллади, сўнг Нафисанинг овози эшитилди.

— Икромжон, — деди у, — бир йигит телефонда сўраппти.

— Ким бўлди? — деди Икром бошини қашлаб хотинига қараркан.

Дилдора елка қисди.

Икром эринибгина хонасидан чиқиб гўшакни кўтарди-да:

— Алло, — деди.

— Икром ака, Икром ака! — деган жўшқин овоз келди гўшакдан.

— Эй-й, — деди Икром юзига табассум югуриб, — Бахшулло!

\* \* \*

Бахшулло тўртинчи кун ўзига келди. Аввалига мия карахтлиги халақит бериб бировни танимади. Ёнига келган энасига, Худойбердига термилди. Нега уларнинг йиғлаётганликларини тушунолмади. Шу боис, ажабланиб қараб тураверди. Зарбуви кампир кўз ёшларини тўкиб

бўлиб ўғлининг ниҳоят ўзига келганидан хурсанд ҳолда овқат берди. Ўғил еди. Шундан кейингина Бахшулло тирик қолажагига тўла ишонди.

Йигирма беш кун деганда чўпон йигит касалхонадан чиқди. Ўтовга борди. Икром билан Дилдора кетган, чодирлар хувиллаб қолгандай эди. Унинг сира қўй боққиси келмади. Беш-олти кун ўтиб тўла соғайиб кетганидан кейин ҳам эрталаб чодиридан чиқиб, тоғларга тикилганча ўй суриб ўтираверди. Унинг бундай одамови бўлиб қолганидан кампир яна безовталанди ва бирон чора ахтариб юрганида, Худойберди Икромнинг гапини айтди. “Йўқ! — деди аввалига кампир. — Болам бечора бир ўлимдан қолди. Икромнинг олдига борса яна битта касофат бўлади. Ҳеч иш қилмасаям кўзимнинг олдида бўлсин. Вақти келиб аввалгидай бўлиб кетар!” Бироқ Бахшулло жонланиб қолган эди. Хабар унинг юрагини ҳаприқтириб юборди ва у: “Кетаман!” — деб туриб олди.

Кампир уни бошқа олиб қололмаслигига кўзи етгач, ноилож рози бўлди. Шунда ҳам ўғлига: “Дилдорани бутунлай эсингдан чиқар, болам. Унинг эри бор. Насиб қилса, сенгаям ундан чиройлироғи, ақллироғи дуч келиб қолар”, дея қайта-қайта тайинлаб рухсат берди. Шунда ҳам ёнига Худойбердини қўшди.

Ака-ука шаҳарга келганларидан кейин телефон будкасини қидириб анча санқишди. Чунки, катта шаҳарда Икромнинг манзилени биров билишига улар гумон қилишарди.

— Акам билан келдик! — деди Бахшулло Икромнинг овозини эшитганидан кейин.

— Ҳозир етиб бораман. Адресни айтинглар! — деди Икром.

Шаҳарга илк маротаба келган ака-ука атрофга қараб, турган жойларини айтишди.

Тоғликлар билан Абдулазиз ака тез чиқишиб кетди. У ўзи азалдан қишлоқликларнинг лаҳжасини ёқтирарди. Қандайдир содда... Айниқса, самимий эди. Сўзлар кўпол чиқса-да, дилдан айтилгани кўполликни босиб кетарди.

Дилдора Худойберди билан куюқ сўрашган, дугонаси Назокатни бирга олиб келмаганидан ранжиганини очиқ-ойдин айтган эса-да, Бахшулло билан қуруққина қилиб



саломлашди. Ҳатто унинг келганидан ич-ичидан хафа ҳам бўлди. Лекин билдирмади. Ошхонага кирди-ю, қайтиб чиқмади.

Укасини Икромга омонат қилиб топширган Худойберди эртасига тоққа жўнаб кетди. Уни Икром билан бирга Бахшулло кузатиб қўйди. Ундан кейин Икром Дилоромларникига қўнғироқ қилди. Гўшакни Рустам кўтаргач, кулди.

— Оғайни, — деди ҳазиллашиб, — тўйдан олдин эга чиқволдингизми дейман.

— Ака, энди бир келувдик-да. Дарров шуниям кўп кўрасизлар, — дея аразлаган бўлди Рустам.

— Бўлди, ана, сўрамадик... Лекин сиз билан бир кўришайлик. “Бўстон” чойхонасида. Зарур гап бор.

— Илгари разборларингизни қиладиган чойхонами?

— Ука, хафа қилаяпсиз... Мен ош дамлатиб қўяман. Иккита яримта сиздан.

— Келишдик, — деб Рустам гўшакни қўйди.

Икром Бахшулло билан бирга бозорлик қилди. Сўнг чойхонага бориб, масаллиқни ошпазга топширди-да, сув устига қурилган чорпояга чиқиб ўтирди. Бахшуллога назар солди. Тоғда кўкрагини кериб юрган йигит бу ерда ёш болага ўхшаб қолибди, ҳар нарсага ҳайрат билан тикилади. Ўзича янги бир нарса кашф қилгандай бўлади. Айниқса, метрога тушганида бутунлай ўзини йўқотди у. Яхшики, ёнида Икромнинг бўлгани, йўқса, анқайиб ҳалиям метронинг ичида юраверармиди?

Икром уни сўроққа тутиб ўтирмади. Агар Рустам келиб қолмаганида, балки шаҳар ёққан-ёқмаганини сўраши ҳам мумкин эди.

— Агар шунақанги кечикишингизни билганимда, яримтани ўзим билан олиб келардим. Ҳозиргача Бахшулло икковимиз майдалаб ўтирган бўлардик.

— Бир қошиқ қонимиздан кечасиз, ака. Бошқа илож йўқ.

— Шу сафар, — деб Икром ўрнидан туриб Рустам билан кўришди. Сўнг Бахшуллони таништирди.

— Тоғда орттирган энг қадрдон укам. Илгари на акам, на укам ва на опа-синглим бор эди. Энди бўлса, топдим. Демакки, бунинг номига айтиладиган ҳар қандай гап-сўз менга ҳам тегишли бўлади.

— Сизга яқин бўлган одамнинг бизгаям яқинлиги бўлади, ака, — деди унга Рустам жилмайиб.

— Мана кўрдингларми, ўз-ўзидан йўқ жойдан кичкинагина битта тўда пайдо бўлди. Лекин пайдо қилмаймиз, кераги йўқ. Борини йўқ қилайлик, кейин тинчгина яшай-верамиз-да... Дарвоқе, Рустам, тоғангиз билан учрашишимиз керак эди бугун. Ҳеч нарса демадимми?

— Мен шу ернинг адресини айтдим, ҳализамон келиб қолсаям ажабмас.

— Шунақами? — деб Икром мийиғида кулиб қўйди. “Ишонмабсан-да менга, ёлғиз келсанг, бирон нима қилиб қўйишимдан кўрқибсан-да. Майли, кўраверайлик-чи, нима томоша кўрсатаркансанлар? Барибир ментлар билан бошимиз битта қозонда қайнамайди. Алам қиладиган томони, ўзимникиларни осонгина қўлларингга топшириб, энди бир ўзим сенлар билан олишарканман”, дея хаёлидан ўтказди у ва Бахшуллога қараб:

— Шайтон шишасининг оғзини оч. У билан ҳам озгина салом-алик қилайлик. Озгина кайфият кўтарилади, — деди.

Бу пайтда улар ўтирган чойхона эшиги ёнига иккита милиция машинаси келиб тўхтаган ва ундан саккизта милиция ходими тушган эди. Икром ўтирган жойдан кўча бемалол кўринарди. Шунинг учун ҳам у милиционерларни кўрди-ю, дастурхон устида помидор тўғраш учун олиб келинган пичоқни қўлига олди ҳамда Рустамга яқинроқ ўтириб, унинг биқинини мўлжалга олди. Ҳар қандай уста муштлашувчи ҳам бу масофадан пичоқни қайтариб қололмайди. Икром бир ҳамла билан Рустамнинг биқинини ёради. Кейин кўксига ҳам аёвсиз тифини санчиб олаверади. Зеро, сотқиннинг жазоси мана шундай.

Милиционерлар бошқа чорпояга чиқишди. Ўзаро қий-қиришиб кулишганча, бирови помидор тўғрашга тушиб кетган бўлса, бошқа бири гуруч юва бошлади. Икром бўшашди ва яна бир бор шайтоннинг қилмишига қойил қолди. “Бир зумда хаёлим алғов-далғов бўлиб кетди. Боягина тўла ишонган одамим душманга, сотқинга айланишга улгурди-я! Уфф, нималар бўлаяпти ўзи? Аввалги қатъиятим қаёққа йўқолди? Бу аҳволда жинни бўлиб қоламан, шекилли”, ўйлади у ва пешонасини қашлаб:

— Тоға қачон келади? — дея сўради Рустамдан.

— Ишларим битиши билан бораман, сизлар ошни дамлаб турунглар, девди, — жавоб қилди Рустам ҳозиргина Икром дастурхон устига ташлаган пичоқни олиб пиёз артаркан.

— Биз анавиларга ўхшаб, — Икром милиционерларни кўрсатди, — ўзимиз ош дамламаймиз, бу иш ошпазлардан ортмайди. Яхшиси, юз-юз қилайлик. Ҳа, дарвоқе, тоғага телефон қилинг, сал нарироққа келсин, яна анави милиционерлар...

Унинг гапи оғзида қолди, чунки фуқаро кийимидаги Анвар Турсунович ўзлари ўтирган чорпоёга яқинлашиб келаётганига кўзи тушганди.

— Бошлаворибсизларми? Сизлардан шерик чиқмаскан, — деди у йўл-йўлакай ҳазиллашган бўлиб.

— Ака, ош ҳали дамланганиям йўқ, — жавоб қайтарди Икром.

— Зато, шишанинг оғзи очилган, кўрмасам ҳам гарантия бериб айтаман.

Ҳамма кулиб юборди.

Салом-алик, ўзаро ҳол-аҳвол сўрашишдан сўнг озгинадан ичкилик ичиш баҳонасида гурунг қизиб кетди. Сухбат асносида Икром: “Ўйлаб кўрдингизми?” — деб сўрамоқчи бўлганида, Анвар Турсунович гап ўзанини бошқа ёққа — мана шу чойхонанинг қурилиши тарихига буриб юборди. Тарих хийла узун экан, тугатгунча ярим соатдан зиёдроқ вақт ўтди. Шундан Икром билдики, ҳозир ўзи ўйлаган келишув ҳақида гаплашишнинг мавриди келгани йўқ.

Анвар Турсунович сўзлаб бўлгач, Бахшулло билан қизиқди. Ота-онаси, қариндош-уруғини суриштирди. Ўзининг ҳам тоққа чиқмаганига кўп бўлганлигини, жуда соғинганини айтди. Ва шу билан ош сузилгунча Икромнинг оғиз очишига имкон бермади. Сўнг икки-учта латифа айтди. Ҳамманинг кайфияти чоғ эди. Ўтирганларнинг бари бир қарашда қайғусиздай кўринарди. Бироқ Икромнинг лаби жилмайган эса-да, ичида минг хил ўй кезиб юрарди. Ош еб бўлиниб, устидан бир-икки пиёладан кўк чой ичилгач, Анвар Турсунович жиянига Бахшуллони шаҳар айлантириб келишни буюрди. Рустам-

нинг кетгиси йўқ, бўлажак гапларни эшитишга иштиёқ-манд эди. Бироқ тоғанинг амри вожиб, шу пайтгача икки қилмаган. Бу сафар ҳам эътироз билдиришга ўзида куч тополмади.

— Қани кетдик, — дея Бахшулло билан чиқиб кетди.

Улар кетганидан кейин ҳам Анвар Турсунович тезда муддаога ўтмади. Аввал обдан сигарета чекди. Сўнг узоқ-узоқларга термилиб пешонасини тириштирганча хаёл сурди. Афтидан, гапни нимадан бошлашни билолмай, иккиланди.

— Мен, — деди у сигарета қолдигини улоқтираркан, — ҳаммасини обдан ўйлаб кўрдим. Ўз фикримга қаноатланмай, яқинда Москвада КГБда ишлаб келган ўртоғим билан ҳам маслаҳатлашдим.

— Тўғри ЦКга бормабсиз-да, — деди Икром киноя билан.

— У ердагиларниям ақли тўлиб-тошиб ётмагандир. Хуллас, масала жудаям нозик. Бундан ташқари, шу пайтгача биров тажрибада қўллаб кўрмаган. Лекин сенинг гапингда жон бор. Қамаганимиз билан натижа чиқмайди. Кўрдим: одамларни усталик билан атрофингга жуда тез йиғаркансан. Агар бошқача замон бўлганида, сендан зўр тадбиркор чиқарди. Афсус, бошида яхши тарбия олмангансан-да.

— Келинг, олдиндан бир нарсани келишиб олайлик. Мен сизни “аввал унақа тарбия олгансиз, бунақа тарбия олгансиз” деб камситаётганим йўқ. Агар ахтарса, ёшлигингиздан хоҳлаганча айб топиш мумкин. Шунинг учун менинг ҳам ўтмишимни қўшмаганимиз маъқул! — деди Икром Анвар Турсуновични гапиришдан тўхтатиб.

— Лекин, — деди овозини бироз баландлатган Анвар Турсунович, — бошингга тушганларнинг бари ёшлигингда олган “неъмат”ингнинг каромати! Майли, сен айтганча бўлсин, эсламаймиз у ёғини. Билсанг, жиянимни муштдай бошидан ўзим катта қилганман. Нималарни ўргатмаганман унга! Агар менинг айтганим бўйича иш тугганида, ўҳ-хў, бутунлай бошқача одам бўларди. Билмадим, нега сенга дарров ёпишиб қолди? Мўлжалим бўйича зўр олим ёки спортчи бўлиши керак эди. Беш ёшидан дзюдо билан шуғулланиб келади... Гап чўзилди. Қисқа-

си, айтмоқчиманки, паспортингни алмаштиришинг керак. Бошқа исм, бошқа фамилияда юрасан. Чунки ҳамма сени ўлдига чиқариб бўлди. Агар тириклигингни билишса, қамаласан. Шунинг учун бошқа паспортда юрасан. Яна бирон жойга ўқишга киритиб қўямиз. Ўқиш билан бирга ишлайсан...

Иқром кулди ва бошини қўтариб Анвар Турсуновичга юзланди:

— Бунча мурувват бекорга бўлмаса керак, — деди.

— Албатта. Бекордан-бекорга ҳамма нарсани қўлингга тутқазиб қўймаймиз, мана қилмишингга яраша мукофот, деб. Одамларингни йиғасан. Сўнг ўзинг туртки берган нарсани қиласан. Яъни шаҳарда бирортаям машина ўғирланмайди; магазинлардан, ресторанлардан, заводлардан солиқ йиғилмайди; зўравонлик қилинмайди. Мабодо шаҳарнинг бирор жойида шунақа воқеа содир бўлса, сўзсиз, сен жавоб берасан.

— Яшанг, ака, қойил! Бундан баттари бўлиши мумкин эмас... Яхшиси, қамасангиз тинч бўламан.

— Қўрқаяпсанми?

— Қўрқанимда сиз билан бунақа қилиб гаплашиб ўтирмаган бўлардим. Ўзингиз менинг ўрнимда бўлганингизда шуларнинг барини қилолармидингиз? Нега энди қўлингиздан келмаётган ишни менинг елкамга юклаяпсиз? Жиноятчиманми? Исботланг жиноятларимни! Кейин олиб бориб турмага тиқинг. Хоҳланг, бир умрга. Тамом-вассалом.

— Дунёга келиб, ҳеч қурса, битта савоб иш қилишинг керакми-йўқми? Тоқайгача бировга зўравонлик қилиш, бировнинг молини талаш билан кун ўтказасан?.. Инсоф қил-да сен ҳам.

— Тоғдаги отишма, менинг йигитларимнинг ўлишига нима сабаб бўлганини яна эслатайми? Мен қасам ичганман, бошқа ҳаром ишга қўл урмайман деб. Айтганингиздай, ўқишга киришим, бирон жойда ишлашим мумкин. Лекин кимларнидир ўғирлик қилишдан тўхтатиш, разборини назорат қилиш... Ундан кейин анави магазинчиларингизнинг ўзлари ўғри. Килодан уришади. Импорт нарсаларнинг устига қўйиб сотишади. Подприлавка. Ароқ заводининг директори сўфими? Уларга ўзларинг шароит

яратиб бериб қўйибсизлар-ку! Аввал ўшаларнинг танобини тортинглар.

— Сен шотирларингни йиғиштириб олсанг, у ёғини ўзимиз эплаймиз.

— У ёғини кўрамиз. Шароитга қараб ишлайман... Ўхшаса, ана! Ўхшамаса, мен айбдор эмасман.

— Ўзинг биласан. Мен таклиф қилдим. Ўйлаб кўриш сендан. Ҳа, Бахшулло тоза йигитга ўхшайди, ҳаромга аралаштирма. Лекин тоза ишда фойдаланса бўлади. Рустамдан ҳам. Бўпти, мен кетдим. Срочний йиғилишим бор.

Ўта жиддий, сирли қиёфага кирган Анвар Турсунович: “Ўйлайманки, кейинги кўришишимиз бошқача бўлади”, дея хайрлашди-да ўрнидан турди. Унинг нега бундай деганини англаёлмаган Икром тарашадай қотди. Аввалига Анвар Турсунович кўринмай кетгунича ортидан термилиб турди. Сўнг адоқсиз ўйлар гирдобиди ўтираверди.

Тоғаси билан Икромнинг суҳбати жуда узоқ давом этишини гумон қилган Рустам Бахшулло билан анча олислаб кетган эди. Қайтиб келгунича уч соатдан зиёд вақт ўтди. Келиб, Икромнинг бир нуқтага термилиб ўтирганини кўргач ҳайрон бўлди. Йигит шунчалик ўзи билан ўзи овора эдики, айланишга кетганларнинг қайтганини, чорпоёга чиқиб ўтирганини ҳам сезмади.

— Ака, — деди Рустам жойлашиб ўтирганларидан кейин, — тоғам гипноз қилиб кетдими, нима бало?

— Ҳа, йўқ, ўзим шундай. Айланиб келдингларми? Унда дастурхонга фотиҳа айтайлик-да кетайлик. Маза қилиб ўтирдик, — деди тезда ўзига келган Икром.

— Бахшулло мен билан кетса нима дейсиз? — деди унга тикилган Рустам.

— Ўзи хоҳлаётган бўлса борсин. Зерикмайди, — дея Икром қўлини фотиҳага очди.

У уч кун мобайнида хаёл суриб юрди. Биров билан тузук-қуруқ гаплашмади. Чиқиб бирон жойларга бориб кўнглини ҳам ёзмади. Унинг паришон юришидан Дилдора безовталанди. Бир неча бор саволга тутди. Аммо тайинли жавоб ололмади.

“Нима демоқчи бўлди? Агар айтганимга кўнмасанг ўзингдан кўр, демоқчимиди? Қандай тушуниш мумкин

уни?” — дея ўйлар, бироқ саволларига жавоб тополмай қийналарди. Тўртинчи кун Рустам кўнғироқ қилди. “ЦУ-М”нинг ёнига келинг, зарур гап бор”, деди.

Икром унинг ёнига тушкун кайфиятда борди. Бахшулло иккаласини бирга кўрди. Тоғлик бола анча оқарибди. Ташқи кўриниши ҳам шаҳарга монанд ўзгарибди.

— Рустам, — деди Икром улар кўришгач, — тоғанг мени кўрқитмоқчи бўлди, шекилли. Айтиб қўй, мен пўписалардан кўрқадиган одам эмасман. Менга ёрдамиям керакмас. Муҳтожлигим ҳам йўқ. Нима қилишни ўзим биламан...

— Калланг борлигини яхши биламан.

Икром ортига ўгирилиб, Анвар Турсуновични кўрди. Подполковникнинг қачон, қандай пайдо бўлиб қолганига ҳайрон эди.

— Лекин, — гапида давом этди у, — мен сени мутлақо кўрқитмоқчи эмасман.

Икром беихтиёр жилмайди ва Анвар Турсунович билан қўл бериб кўришди ҳамда:

— Айтганингизга кўнмасам нима қиласиз? — деди киноя билан.

— Ҳеч нима. Рўйхатда ўлдига чиққан одамсан. Биласан, ўликларга биров тегинмайди...

Бу гап Икромни титратиб юборди. Пешонаси тиришди. Қўли мушт бўлди. Лекин подполковник ҳақ, унга қарши боришга Икромда куч йўқ эди. Азалдан шундай. Тўғри гап айтилган жойда унинг боши эгилади.

— Мен... Мең кўндим. Фақат битта шартим бор. Буйруқ бермайсиз. Ўзим билганча иш тутаман.

— Келишдик, — дея қайтадан қўлини берди Анвар Турсунович, — жиноятсиз тоза ишласанг, бўлди.

Икром ёнига Бахшулло билан Рустамни олиб, ўзларининг эски — доим “разбор”лари ўтказиладиган чойхонага борди. Чойхоначи қадди хиёл букик, қилтириққина эди. Энди эса қорин қўйибди. Юриши ҳам бошқача. Ияги кўтарилган. Фозга ўхшаб лапанглайди. Икром уни узоқдан кўрганди, лекин дарров таниёлмади. Фақат яқин борганида билдики, ўша муте, бечораваш чойхоначи.

У Икромни кўрди-ю, бақа бўлиб қолди. Нима қиларини билмай саросималанди. Зеро, у ҳам Икром Соли би-

лан бирга ўлган деб эшитганди. Қулоқларига кўпам ишонмаганди-ю, аммо хурсанд бўлганди.

— Ҳақимбой, — деди унга яқинлашган Икром, — чўчқадай семирибсанми?

— Ока... Ока, ўзингизмисиз? — чойхоначининг кўзида ёлғондакам ёш пайдо бўлди. — Сиз ҳақингизда ёмон гаплар эшитиб, жуда хафа бўлгандим, оқажон!

Агар ҳали-ҳамон Икромнинг аввалги шашти бўлганида, бунақанги кўзбўямачиликни кечирмасди. Ҳозир эса чойхоначига индамади, аксинча, киноя қилди:

— Шунинг учун семириб кетдингми?

— Йўғ-э, шу десангиз, касал... Касал бўлиб қолиб, бир ой тўшақда қимирламай ётиб... Сабил қолгур, шунақанги бемаза касаллик эканки, семиртириб юборди.

— Эртагингни боғчага бориб айтасан! Бизнинг хона бўшми?

— Албатта, хўжайин... Бўш... бўш, — деди чойхоначи кўз ёшларини тезда артиб жилмаяркан.

Чойхонанинг махсус хонасига кириб кўрпача устига ўтиргач, Икром илгариги даврни, бу ерда нима ишлар қилганини эслади. Дили бироз хира тортди. Чуқур хўрсинди. Шундан сўнг чойхоначидан бу ерга кимлар келиб турганини сўради.

— Анави ўпка Ҳошим икки куннинг бирида шу ерда. Беш-олтита шотирлари билан маишат қилади. Қимор ўйнашади. Яқинда қанақадир раисни разбор қилиб, анча пулини шилди. Кейин бечорани роса калтаклашди, — деди чойхоначи Икромдан кўзини узмай.

— Нега раисга ичинг ачияпти? У бегуноҳ фариштамиди? — сўради Икром.

— Билмадим, ока, у ёғидан беҳабарман. Лекин шунча пулини олгандан кейин калтаклаш шарт эмасди, менимча.

— Билмаган нарсангга бурнингни тикма. Ҳозир борасан-да, ўша ўпкага телефон қиласан. Айт, мен кутаяпман. Бир ўзим. Уқдингми? Битта ортиқча гап учун каллангни оламан!

— Ҳўп бўлади, хўжайин. Ҳозир-ҳозир, — деганча чойхоначи орқасига ўгирилиб, тез-тез юриб кетди.

— Рустам, сен ҳам бор, бу овсарга ишониб бўлмайди: ҳозир ўпкани менга сотди, телефонда мени унга сотади.



Рустам ўрнидан чаққон туриб Ҳаким чойхоначининг ортидан кетди. Бахшулло эса Икромга юзланди. Унинг юзи бироз оқарганди. Бир нарса сўрамоқчи бўлди-ю, негадир ҳадди сиғмади. У айти дақиқада тоғдаги Икромга дағдаға қилган чўпонга мутлақо ўхшамасди.

Икром унинг елкасига қўлини қўйди.

— Ука, буларга шунақа қилиб гапирмасанг, дарров бошингга чиқади. Шунинг учун гапларимга кўпам эътибор бераверма.

Бахшулло “хўп” дегандек бошини силкиди. Шундан сўнг иккаласи ҳам Рустам қайтгунча сўзлашмасдан жим қолишди.

Икром Рустамнинг қўлидаги телефон апаратини кўриб ҳайрон бўлди.

— Нега кўтариб келдинг? — сўради мийиғида кулиб.

— Бошқа телефон қилмасин, дедим-да.

— Яхши. Энди гап бундай: улар келиши билан сизлар манави жойдан, — Икром тўрдаги эшикни кўрсатди, — нариги хонага ўтиб ўтирасизлар. Мен аввал бир ўзим гаплашиб кўрай. Керак бўлсаларинг, ўзим хабар қиламан. Кўрай-чи, қанақа ўзгариш бўлибди?

Рустам Бахшуллога қараб қўйди. Иккисининг ҳам Икромни ёлғиз қолдириш ниятлари йўқ эди. Айтиб бўладими, келаётганлар нима хаёлда? Чойхоначининг сўзларига қараганда, ўта ваҳший йигитлар. Ваҳшийдан эса ҳар балони кутиш мумкин.

— Ҳаммамиз бирга кутиб олганимиз маъқулмиди? — деди Рустам.

— Биринчидан, икковинг ҳам яқинда тузалдинг. Ўқеган одамлар йиллаб даволанишади. Иккинчидан, Ҳошимнинг ўзгарганини бир кўришим керак. Ёнимда сизлар бўлсангиз, у ёрилмайди. Гувоҳлар ёнида сир бермайдиган одати бор унинг. Тўғрироғи, бор эди. Қолаверса, ҳеч қачон ўзбошимчалик қилмаган... Ўпкалигига эса, бутунлай бошқа нарса сабаб: энди бизга қўшилганида ҳовлиқма эди, кейин ўзини босиб олганди; ҳатто анча тулкиям бўлиб кетди. Тоққа Соли билан бирга бормай омон қолганлардан биттаси. Умуман, кўпинча у фақат мен билан ишларди. Шунинг учун кўзга ташланавермасди. Бир хил пайтлари борлигини ўзим ҳам эсдан чиқариб юборардим.

Чойхоначи бир кўлида дастурхон, иккинчи кўлида чойнак билан кириб келди. Икромга хушомад билан иржайганча дастурхон ёзди. Сўнг қўйнидан бир шиша ароқ чиқариб дастурхон устига қўйди.

— Балосан! — уни мақтади Икром. — Ҳар нарсага ақлинг етади. Кўнглимда нима борлигиниям дарров илгадинг-а! Энди бориб закусангни тезроқ олиб кел.

Чойхоначи лапанглаб чиқиб кетди-да, бирпасдан кейин пиёла билан бирга қовурилган гўшт кўтариб келди.

— Ҳозирча шуни тамадди қилиб тулинг, хўжайин, сиз учун алоҳида жиз-биз қиляяпман.

— Бўпти, тезлаштир, анча пайтдан бери туз тотганим йўқ. Қорин пиёз пўстлоғи бўлиб кетди.

— Хўп бўлади, хўжайин, дарров есть қиламиз. Аввал манавидан озгина қуйиб берай, — деб ароқ шишасини кўлига олганида, Икром:

— Нима дедим сенга, кўппак?! Ўзимизам очишни биламиз! — дея бақариб берди.

Шунда ҳам юзидаги табассумни йўқотмаган чойхоначи Ҳаким ўзига ярашмаган чаққонлик билан эшикка йўналди.

Икром пиёлаларни ароққа тўлдирди.

— Биттадан ичсак етади, — деди ва ҳаммадан олдин пиёласидагини сипқорди. Лаб-лунжини артгач, кўлтиғига ёстиқни қуйиб ёнбошлади.

— Рустам ука, яна битта хизмат: Ҳакимга айт, сигарета олиб келсин, кейин тайинлаб қўй, Ҳошим келганида, менинг ёлғиз ўзим ўтирганимни айтсин, — деди.

Икром сигаретани чекмади, шунчаки ҳамма ёқни тун қилди. Сўнг Бахшулло билан Рустамни боя айтган хонага киритиб юборди.

Орадан ўн дақиқалар ўтгач, эшик қарсиллаб очилди ва остонада бўйнига тилла занжир осган, сочини тақир қилиб олдирган, енгсиз майка кийган, оғзида сақич чайнаган Ҳошим кирди. Икромни кўриб иржайди-да, бурнини тортиб қўйди.

— Ит ҳам танимайдиган бўлиб кетибсанми? — деди унга бошдан-оёқ қараб чиққан Икром.

— Энди, — деди Ҳошим ўпка оғзини қийшайтириб янада хунук тиржаркан, — сизга ўхшаган зўрлар даф

бўлиб кетганидан кейин мана шунақа бўламиз-да. Бўрилар суякларингизгача шимиб ташлаган дейишганди-ку. Омон қолибсиз-да! Зў-ў-р! — деб киноя қилди у.

— Дунё ўзимга қолди, деб оғзинг қулоғингда юрган-мидинг?! — деди Икром унга ўқрайкан.

— Нима деб ўйловдингиз? Мен кетаман, булар лайлак ҳайдаб юради, деганмидингиз?

— Ҳеч бўлмаганда, бировнинг олдига борганда салом беришни ўрганади, деб ўйловдим.

— Отдан тушсангиз ҳам эгардан тушмабсиз-да, хў-жа-ийн! Тушадиган вақт кеп қолди...

— Ортиқча гапирвормадингми? Ҳаддингдан ошмаяпсанми? Ҳалиям сенга ўхшаган чурвақаларнинг бурнини бемалол ерга ишқаб қўйишим мумкин. Бошқа акачаларингга ўхшатиб, — дея Икром дастурхон устидаги сигарета қутисини қўлига олди.

— Менимча, тоғда ўлиб кетганингизда яхшироқ бўларди. Ҳар қалай, итнинг куни бошингизга тушмасди. Лекин раз менинг қўлимда ўлгингиз келибди, иложим қанча? — деб Ҳошим ўпка бармоқларини бир-бирига ишқалаб қирсиллатди. Зумда остонада иккита барзанги пайдо бўлди. Икром уларни танимади. “Янги тўда йиғишга улгурибди-да, валакисаланг”, дея хаёлидан ўтказди.

— Вақтни чўзиб нима қилдик? Қолаверса, муҳтарам хўжайин, сизни беш қўлдай биламан. Агар ҳозир имкониятдан фойдаланмасам, кейин ўзим афсус қилиб қолишим мумкин. Кўраяпсизми, қаҳрамонлик қилаяпман. Сизнинг зўрлигингизни тан олишим қаҳрамонликдан кам бўлмаса керак, — деб Ҳошим ўпка барзангиларга қаради-да, улар томонга қўлини чўзди. Сўл тарафдаги қошлари қалин, арабнусха йигит унинг қўлига тўппонча тутқазди.

Икром илгари неча маротаба қалтис вазиятларга тушган, лекин бирор марта ҳам кўнглида кўрқув ҳис қилмаганди. “Битта жоним, ўлсам кимга аза-ю, кимга тўй”, деб юраверган. Энди эса вужудида қандайдир чўчишга ўхшаш бир нарса пайдо бўлди. Кўз олдида қорни бирмунча билиниб қолган Дилдора келди. “Ўзимнинг етимлигим камлик қилганидай, болам ҳам ҳали туғилмасидан етим бўладими?” — деган ўй яшин тезлигида хаёлидан ўтди.

Дилдора негадир сиқила бошлади. Ўтиб кетар, деган умидда ҳовлига чиқди. Ҳали қимирлашга эрта бўлган фарзанди ҳам безовталангандай туйилди. Бундан келинчак баттар саросималанди. Уйга кириб соатга қаради: “Нега шу пайтгача келмади? Қаёқларда юрибди? Ишқилиб, тинчмикин? — дея Икром ҳақида ўйлади. — Йўқ, нега бунақа хаёлларга бораяпман? Яхши томонга ўзгарган-ку. Анчадан бери ёмон одамлар билан кўришмайди. Охирги пайтларда ўзимам ваҳимачи бўлиб бораяпман, шекилли”. У тинчланмоқчи бўлди-ю, аммо ўзини анави Карим олиб қочмоқчи бўлганида, акаси ўғирланганида ҳам мана шундай аҳволга тушгани ёдига келди. Шундан сўнг Икромнинг бошига бирон кулфат тушганига шубҳаси қолмади. Бир хаёл дарров кийиниб эрини қидирмоқчи бўлди. Лекин қаёққа боради? Кимдан сўрайди? Мана шу саволлар кўндаланг бўлганидан сўнг бўшашиб қаравотига ўтириб қолди. “Икром ака! — деди лаблари пичирлаб. — Менга сиқилиш мумкин эмас-ку. Нега индамай бир ёқларга кетиб қолдингиз, жоним?” Атрофига аланглаётиб, стол устидаги кичкинагина ён дафтарчага кўзи тушди ва шоша-пиша ўрнидан туриб қўлига олдида варақлай бошлади. Унинг биринчи бетида катта-катта қилиб телефон рақамлари ёзилганди, лекин кимнинг рақами эканлиги кўрсатилмабди. Бироз термилиб тургач, Дилдора дафтарчанинг қолган бетларини ҳам очиб кўра бошлади. “Бориб гаплашишим керак... Аниқланмаган... Гумоним бор...” каби жумлалар ва уларнинг тагида сана ёзилган. Саналар эски. Демак, Икром буларни анча илгари илдириб қўйган. Дилдора тағин варақлади. Беш-олтита телефон рақамларини кўрди ва дарров ўрнидан туриб уларга бирма-бир кўнғироқ қила бошлади. Аксига олиб, ҳеч ким кўтармади. Шундан сўнг у биринчи кўрган рақамини терди. Бир неча сония ўтгач:

— Алло! — деган қиз боланинг товуши келди. Дилдора бундай бўлишини кутмаганди, нима деярини билмай доддираб қолди. Ичидан бир нима чирт этиб узилди. Гўшакнинг нариги томонидаги қиз кетма-кет уч марта “алло” дегач:

— Ҳалиги, — дея зўрға товуш чиқарди, — мен Икром

аканинг аёли бўламан. Сиз мабодо Икром акамни танимасмидингиз?

— Икром ака!.. Икром акамга нима бўлибди?..

Нариги қизнинг ҳам бирдан овози ўзгарди: қалтиради, хавотир тусини олди.

— Билмадим. Лекин сиз танийсизми?..

— Фақат Икром акамни эмас, сизни ҳам танийман, Дилдорахон! Нима бўлди, тинчликми, ишқилиб?

— Сиз ўзингиз кимсиз?

— Мен Дилоромман. Тўйингизда кўргансиз мени.

— Ҳа-а, ўша қиз сизми? — деди Дилдора киприклари пирпираб ва зумда кўз олдига келин-куёв ёнига қадаҳ кўтариб келган, сўнг қўлидаги идишини тушириб юборган қиз келди. Гўзал эди. Кўзидан ўт чақнарди. Рашк олови ҳам учқунлаб қолди ва бу уни бирмунча ҳаяжонлантирди ҳам.

— Эсингиздан чиқариб юборган бўлсангиз керак деб ўйловдим.

— Сиздай қизни эсан чиқариб бўларканми? — деди Дилдора овози биров дадиллашиб. — Ҳар қалай, доимий хотирлаб юрадиган иш қилгандингиз.

— Ҳалигача ўзим ҳам хижолатдаман, — дея жавоб қайтарди Дилором кинояни англамай, — бахтиёрлигингизни эшитиб тураман. Хурсандман.

— Нимагадир хурсандлигингиз сезилмаяпти. Ўшанда кўзларингиз бутунлай бошқа нарсани гапиргандай бўлувди.

Дилдоранинг шу гапидан сўнггина Дилором Икромнинг хотини бекордан-бекорга қўнғироқ қилмаганини тушунди. “Орадан шунча вақт ўтиб энди рашк қиласанми?” — деган ўй ўтди унинг хаёлидан. Шундай эса-да, сир-бой бермасликка уриниб:

— Ҳа, кўп ичиб қўйган эканман. Тўйдан кейин сингилларим айтишди. Роса уялдим. Уйдан озгина асабим бузилиб чиққан бўлсам керак. Лекин ҳозир телефон қилганингиздан роса хурсанд бўлдим. Аввалдан гаплашиш ниятим бор эди...

Дилоромнинг атайин гапни чалғитаётгани озгина билиниб қолди ва бу Дилдоранинг рашк ўтини баттар кучайтирди. Ҳатто нима мақсадда қўнғироқ қилаётганини эсидан чиқариб:

— Сиз билан ҳозир кўришсак, нима дейсиз? — деб юборди.

Дилором ундан бунақанги таклиф кутмаганди. Шу боис, довдиради:

— Кўришиш... Ҳозир уйда...

— Кўришиб гаплашишни истамайсизми? — деди Дилдора Дилоромнинг сўзларини бўлиб. — ҳозиргина гаплашиш ниятингиз борлигини айтгандингиз-ку.

— Уйда ҳеч ким йўқлигини айтмоқчийдим. Майли. Яхши бўлади. Қаерда кўришишни хоҳлайсиз?

— Яхшироқ жойларни мендан кўра сиз кўпроқ билсангиз керак.

— Унда Ўрдага борамиз. Анҳор бўйида сайр қиламиз. Сув бўйида юриш одамнинг баҳри-дилини очади.

— Келишдик. Ярим соатда мен шу ёқда бўламан.

Аввал гўшакни Дилдора қўйди. Дилором эса, бироз туриб қолди. “Нега бунча паст кетдим? — ўйлади у. — Хушомад қилишгаям уриндим-а! Тавба! Ҳеч ўзимни бунчалик пастга урмаган эдим. Телефон қилишдан мақсади нима? Жеркиб гапирсаям индамадим-а?! Икромнинг хотини бўлса бўпти-да... Худди айбланувчи одамга ўхшаб қолдим. Ўзиям ғалати келинчак экан. Кесатишлар... Дилором, нимага бунчалик ялтоқландинг? Севганинга эга чиққан бўлса! Камига дўқ-пўписа қилса! Индамай ўтираверасанми?.. Йўқ, яхши қиз, обрўйингни сақлаб, тўғрироғи, Икром акамнинг ҳурмати учун ичимдан отилиб чиқаётган алангани бўғзимда ушладим. Энди бунақа бўлмайди. Битта ортиқча гапинг учун тилингни суғуриб оламан”. У секин гўшакни қўйди-да, хонасига кириб оппоқ кўйлагини кийди. Шуниси кўзига яхши кўринди.

“Бекорга довдирамадинг, — хаёлидан ўтказди Дилдора, — бирон айбинг борки, юшоқ супургига ўхшаб, мулойимлашаяпсан. Балки Икром акам сеникидадир... Шошма, уйига борсам-чи? Балки бирон ниманинг устидан чиқармидим? Йўқ, энди кеч бўлди. Уйидан чиқариб юборади. Боя, бирон кун меҳмонга борарман, деб адресини олмабман-да. Эсиз! Лекин наҳотки Икром акам мени ўшанга алмаштирсалар?.. Кўнгиллари ўша қизда экан, нима қилардилар менга ўйланиб? Бекорга сиқилмаяпман. Бекоргамас. Хиёнат... Йўқ, кечиролмайман. Агар

ҳақиқатан ҳам ўйлаганларим рост бўлиб чиқса, ажрашаман, тамом-вассалом!”

Кўзгу ёнида туриб қолган Дилдора бир қарорга келиши билан кийимлари илинган шкафни очди ва келин бўлгани бери атиги бир мартагина кийган оппоқ кўйлагини қўлига олди.

\* \* \*

Анвар Турсунович Икром билан хайрлашганидан кейин ишхонасига борди ва кабинетига кириб ўтираркан, Самандарнинг сигарета қутисини чўнтагидан олиб стол устига ташлади. Бир муддат хаёл сургач, бир дона тамакини қутидан олди ва уни бироз айлантириб эзгилаган бўлди, сўнг секин лабига қистириб тутатди. Тутунни бирикки марта чуқур-чуқур ичига тортаркан, хотинининг гапларини эслади: “Намунча кўп чекасиз? Ўзингизни ўйламасангиз, болаларни ўйланг. Телевизорда дўхтирлар кўп чеккан одам рақ бўлишини айтишди”, деб қўлидан сигаретасини тортиб олиб кулдонга эзиб ташлаганди у. Ўшанда Анвар Турсунович бақариб бермоқчи бўлди-ю, аммо ўзини босди. Индамай қўя қолди. Ҳозир эса хотинининг меҳрибончилигидан хурсанд бўлиб кетди. “Эй хотин, менга қолса, чекармидим? Ўзим ҳам ёмон кўраман. Лекин ишимни...” — дея хаёл сураётди у Самандарни эслаб қолди ва тугмачани босди-да, кирган навбатчига уни олиб келишни буюрди.

Самандар ҳар доимгидай бошини эгиб кириб келди. Қўлларини кишандан бўшатишгач, билакларини уқалади ва шундан-да лаззатланди.

— Қани ўтир, шоввоз, — деди Анвар Турсунович стол кўрсатиб, — би-ир гаплашайлик.

— Эринмаган одам экансиз, командир. Қанчадан бери гаплашамиз, бир хил гапдан зерикмадингизми? — деди Самандар норози бўлиб.

— Нимага зерикарканман? Ўрганиб қолдим. Қилган ишларингни эшитсам, кино кўргандай бўламан. Қани, гапир, ука, қулоғим сенда. Адашмасам, ўтган сафар Икромни қандай қилиб йўқ қилмоқчи бўлганларингга келиб қолгандик, — деди Анвар Турсунович ва ручкасининг учини қоғозга теккизиб айлантирди.

— Командир, айтдим-ку, менинг ҳеч қандай айбим

йўқ. Шунақа режа тузилаётганини қулоқма-қулоқ эшитгандим. Ўзи мен унақанги бемаза ишларга аралашмаганман...

— Бу гапингни аввал ҳам минг марталаб айтгансан. Қолаверса, бу ерда анойилар ўтирибди, деб ўйласанг, ёмон адашасан. Икром йўқолгач, Соли икковинг бошлиқ бўлиб қолгансан. Сен яширганинг билан бошқалар аллақачон айтишган. Лекин кимлар айтгани, биласан, бизда сир тутилади. Майли, Икромни йўқ қилиш режаси четда туриб турсин. Нега ресторан директорини ўлдирдинг? Биласанми, нечта боласи чирқираб қолди?

— Ўлмаганидаям болалари чирқиради. Қизи тенги қизга осилиб... У ёғини билмайман. Эшитганим шу. Бир йигитнинг қизига тегажоглик қипти, кейин шу йигит ўлдириб кетган бўлса керак-да. У нарсалардан хабарим бўлмаса...

— Шунақа де!.. Шернинг қизи ким биландир юраркан-у, унинг ҳар бир қадамини кузатиб юрган сендай одам беҳабар бўлармишми? Хуллас, ҳозир камерага кирасан-да, ҳаммасини яхшилаб ўйлаб кўрасан. Қилмишларингнинг барини бўйнингга олиб, чин кўнгилдан пушаймон бўлсанг, жазонинг анча енгиллашади. Мабодо тан олмасанг, ўзингдан кўр. Ҳар қалай, биздаям жазонинг тури кўп. Шундай сайратиб қўяйликки, ўзинг сезмай қол! Уқдингми?!

Самандар жавоб қилмади. Фақат бошини эгиб қимирлатди-да, тасдиқ ишорасини қилди.

Шундан сўнг навбатчи Самандарнинг қўлини орқасига қилиб кишан солди-да, хонадан олиб чиқиб кетди.

Роса чарчаганидан Анвар Турсуновичнинг боши ғувиллаб оғрирди. У бироз ўтиргач, ортиқ ишлолмаслигига кўзи етди ва туриб ташқарига чиқаркан, навбатчига бирорта бошлиқ сўраб қолса, тезда уйига телефон қилишни тайинлади. Сўнг ҳайдовчисини чақириб, машинани уйга ҳайдашни буюрди.

У орқа ўриндиқда ўтираркан, Самандарни аллақачон унутган, хаёлини бутунлай Икром эгаллаб олганди. Чунки қилмоқчи бўлган ишларини бирорта одам эшитса борми, унинг ўзи ишдан учиб кетиши, эҳтимолки, устидан жиноий иш кўзғатилиши ҳам мумкин эди. Ахир бутун



бошли катта тўданинг бошлиғини кўра-била туриб очиқ-да қолдириш, яна унга ваколат бериш ақлга сиғмайдиган ҳолат... Неча кундан бери шу нарса хаёлидан кетмайди. “Менга нима, ҳар ким жиноятига яраша жазосини олсин, ушлаб қамаб юбораман”, деган ўйга ҳам боради, бироқ кейинги пайтларда тобора авжга чиқаётган майда-чуйда безориликлар, катта-катта ўғирликлар ҳам жонини ҳалқумига келтирди. Шу боисдан ҳам, зора, бирон натижа чиқиб қолса, дея Икромдан умид қилди.

Уйига боргач, ошхонага кириб қизи дамлаган чойдан бир пиёла ичар-ичмас, хотини ҳовлиққанча кириб келди.

— Дадаси, — деди жилмайиб, — сизга зарур гапим бор.

— Сен қачон зарурмас гапни гапиргансан? Ҳамма вақт зарур бўлган гапларинг. Қулоғим сенда, айтавер ичингдагининг ҳаммасини... Шошма, аввал қизларингга тайинла, қорним роса очқаган, бирон нима олиб келаверишин, — деди Анвар Турсунович ҳам кулиб.

— Вой, дадажониси, охириги пайтларда бошқача бўлиб кетаяпсиз-да. Майли, жонингиз соғ бўлсин, шуниси керак менга. Айтмоқчи бўлганим жиянингиз тўғрисида.

— Жиян... Жиян... Жиян! Бу сафар нима каромат кўрсатибди қулоқсиз жиян?

— Рустамжон ҳечам қулоқсиз боламас. Ёши ўтиб кетаяпти-да. Уйлантириш керак.

— Агар шу аҳволинг бўладиган бўлса, эртага мен ҳам уйлантириб қўй, дейман. Қанча пайтдан бери ейишга бирон нима олиб келармисан ё қизларга буюрармисан, деб қараб турибман, қимирлагинг келмайди.

Саодат опанинг қовоғи осилиб кетди. Пишиб етилиб, ташқарига чиқиш учун бўғзига келиб навбат кутиб турган сўзларини қайтадан ичига ютиб, ортига бурилди ва тўғри ошхонага борди-да апил-тапил бир коса овқат сузди. Сўнг олиб келиб эрининг олдига қўйди. Бунгача Анвар Турсунович ҳам шоша-пиша битта сигаретани чекиб қолдиғини кулдонга босиб бўлганди.

— Заҳарни ичингизга ютиб бўпсиз-ку, овқат нима керагиди сизга? — кесатди Саодат опа.

— Пачкада битта қолган экан, увол бўлмасин деб чекиб қўя қолдим, — дея жилмайди Анвар Турсунович.

— Увол бўлмаса ундан нарига ўтиб кетмайдими? Тавба, азиз қилган нарсасини қаранг...

— Бўпти, хотин ака, бояги гапингизни гапиринг, чала бўлиб қолганди. Бошқа мавзуга кейин навбат берамиз, — дея Анвар Турсунович бир қошиқ насибасини оғзига солди-да, иштаҳа билан чайнай бошлади.

— Адаси, сизга жиддий гапираяпман. Жиянингиз бир-икки кундан бери битта ўртоғини уйга олиб келаяпти...

— Бахшулло, тоғлик бола. Соддагина, кўнгли тоза, давом этинг. Лекин айтмоқчи бўлган гапингизга унинг мутлақо алоқаси йўқ. Хўш, Рустамни уйлантириш керак. Аммо кимга?

— Анави қизга. Исми Нигора эди. Жиянингизнинг ўзи бир-икки кундан кечиктирмай совчиликка боринг, деди. Бўлмаса...

— Бўлмаса, сабри тугаб, ўзи олиб келади уйга. Тўй-пўйнинг кераги йўқ, — дея яна хотинининг гапларини тўлдирди Анвар Турсунович, — шу қизни айтишингни кўнглим сезиб турувди. Энди битта гап: мен унақанги оиладан келин қилишга бутунлай норозиман. Агар менинг хоҳишим билан унинг сариқ чақалик иши бўлмаса, бориб опамдан розилик олсин-да, уйланаверсин. Тўй қиладимиз ёки шундай уйга олиб борадимиз, ишим йўқ.

— Ўйлаб гапираяпсизми, адаси? Иккови бир-бировига кўнгил қўйган экан, нима қиласиз, айириб? Рустамжон калласини йўқотиб қўйганларданмас. Ундан кейин, қизни кўрмаганимда, у билан гаплашмаганимдаям сизга ишонардим. Ёмон бўлса, отаси ёмондир. Лекин қизи шундай тарбияли, шундай фаросатли...

— Шундай чиройли, бир пиёла сув билан қулт этказиб ютиб юборсанг бўлади.

— Эй-й, ҳазилингиз ҳам қурсин. Бориб ўзим опам билан гаплашаман. Кейин совчи бўлиб бораман. Сиз бўлсангиз тоға бўлиб, четда туриб томоша қилиб ўтираверинг. Сизга иш бўлса бўлди. Бошқа ҳеч нима қизиқтирмайди.

Саодат опа аразлаб чиқиб кетди. Ортидан Анвар Турсунович жилмайганча қараб турди-да, кейин косани бўшатиш билан овора бўлди. Қорни очлигидан, овқат ейишга берилиб кетиб, хотинининг дераза ёнида унга бир қараб ўтиб кетганини кўрмай ҳам қолди.

Анҳор бунёд бўлганидан бери жуда кўп нарсаларга гувоҳ бўлган. Бу ерда неча-неча ошиқларнинг суҳбатларию севги изҳорлари тингланмаган дейсиз. Қанча қизлар (баъзан йигитлар) муҳаббатдан чеккан изтиробларини тинчгина оқаётган сувга тўкиб соларди. Ҳеч кимга ошкор этилмайдиган сир аста-секин узоқ-узоқларга оқиб кетаверарди. Фақат бугина эмас, гоҳ-гоҳида сув сирнинг эгасини ҳам ўзи билан бирга олиб кетган. Бир қалқиган, икки қалқиган, шунча қайғуни бағрига сингдиришга чидолмай тўлғонган, аммо қурби етмагач, ноилож тақдирига тан берган. Сир эгаси сири билан бирга аста-секин анҳорнинг энг тубига тушиб, устидан оқаётган сувга ошно тутинган.

Бу анҳорнинг бошқа кўрганлари ҳам жуда кўп, ҳар бири алоҳида дoston. Уларга тўхталиш, шундоғам семир-иб кетган қиссамизни баттар семиртириб юборади.

Кўприк устида оппоқ кўйлак кийган икки қиз пайдо бўлди. Иккисининг ҳам бўйлари тенг, гавда тузилиши ўхшаб кетади. Устидаги кийимлар бир хил. Яна улар бир пайтда келишди. Тагин битта одамни бир-биридан кам севмайди. Фақат бири севгани билан бирга яшайди, бошқаси айрилиқ гирдобиди.

“Тавба, — ўйлади Дилдора, — оқ кийинишимни қаердан билибди? Асли сенга қора ярашарди. Ниятинг қора бўлганидан кейин... Бировнинг эрига осилиб, оқ кийиниб олганига ўлайинми?”

Дилоромнинг юзида табассум пайдо бўлди. Бу тасодиф унинг дилкашлигини оширди.

— Салом, — деди Дилдора зўрма-зўраки жилмайиб.

— Мени танимасангиз керак деб ўйловдим, — деди Дилором ҳам табассум билан.

— Бир умрга хотирамга муҳрланганингиздан кейин тан-имай бўларканми? Лекин аввалгидан ҳам очилиб кет-тибсиз. Очиқ кийиниш сизга сира ярашмаскан.

Дилдора оғзидан бундай гаплар чиқаётганига ҳам ҳай-рон эди. Нияти: олифта, бировларнинг эрига кўз олай-тирадиган қизни обдан ер билан битта қилмоқчи эди. Лекин Дилоромнинг юзидаги истара бунга йўл қўймади.

— Сиз аввал ҳам гўзал эдингиз, ҳозир ҳам шундайсиз, — дея дарров Дилором ҳам мулозамат қилди.

— Унчаликмасдир. Ҳар қалай, аёл киши оғирлашганидан кейин хунук бўлиб кетади, деб кўп эшитганман.

— Ни-ма?! Наҳотки? Муборак бўлсин! — деб Дилором келинчакни маҳкам қучоқлади-да, юзидан ўпди. — Зўр янгилик-ку!

Табиий, унинг қилиғи Дилдорага ёқмади. Силтаб ташламоқчи бўлди, лекин ўзини босди. Ҳовлиқмалик қилгиси келмади.

— Ювишимиз керак. Бирон жойга кириб ўтирамыз, оёқдан қолиб пиёда кезгандан кўра, маза қилиб гаплашиб ўтиришга нима етсин? — дея гапида давом этди Дилором.

— Сиз қаерда ўтиришни яхши билсангиз керак. Ҳар қалай, ресторанларнинг ҳаммаси сизга танишдир.

Дилором қотиб қолди. Дилдорага тикиларкан, лаблари титради.

— Нима деганингиз бу? — деди овози қалтираб.

— Бизга ўхшаганлар уйдан кўчага чиқмайди. Сиз бемалол бўлсангиз керак...

Дилдоранинг гаплари Дилоромнинг суяк-суягига бориб қадалмоқда эди. Ҳалигача бирорта қиз унга бу оҳангда сўзламаган, мабодо илгари битта-яримтаси озгина ортиқча гап қилган тақдирда ҳам, шу заҳоти оғзини ёпиб ташларди. Ҳозир хангу манг бўлиб қолди. Телефонда Дилдоранинг кесатишларига чидаганди. Ҳатто ўзининг паст кетганидан хафа ҳам бўлганди. Бир хаёл учрашув пайти Дилдорани обдан “сийламоқчи” бўлди-ю, “Унинг ўрнида мен бўлганимда бундан баттарини қилардим”, деб ўйлаб шайтонга ҳай берди. “Кўнглидаги гумонларининг ҳаммасини тарқатиб, дугона бўлиб оламан”, дея ният қилди. Аммо Икромнинг хотини билан кўришгандаёқ ундан яна кесатиқлар ёғилавергач, алами келди.

— Биласизми, Дилдорахон, мен сизни бироз тушунмаяпман. Юмшоққина қилиб, кўчада юрадиган қизсиз, демоқчисиз, адашмасам. Агар бошқа биров шунақа деганида, очиги, чидаб туrolмасдим. Аммо сизни тушунишга ҳаракат қиляпман. Балки... Кўйинг, рестораниям падарига лаънат, азбаройи хурсанд бўлганимдан таклиф қилгандим. Мана, сиз билан кўришдик. Озми-кўпми бир-биримизни билдик. Энди хайрлашсак ҳам бўлаверади,

чамамда. Чунки барибир гапимиз келишмайди. Агар адашмасам, сизнинг шубҳа-гумонларингиз бунга халақит беради...

Дилором ортига ўгирилиб икки-уч қадам босди. Тўхтади. Бурилиб, Дилдорага юзланди. Келинчак жойидан кимирамасман, унга тикилиб турарди.

— Хато ўйлаяпсиз, яхши қолинг...

— Шошманг, — дея тез-тез юриб унинг ёнига келди Дилдора, — мен... мени тўғри тушунасиз, деган умиддаман. Асли... Асли Икром акамни қидираётгандим. Илгари ҳам бирон ёққа дом-дараксиз кетардилар. Лекин бу сафар негадир юрагим ғаш. Балки бўйимда бўлганидан бери шунақа тез сиқиладиган бўлиб қолгандирман... Хуллас, кечиринг мени.

Дилором бир муддат келинчакдан кўзини узмади. Унинг Дилдорага ҳам ҳаваси келар, ҳам ичи ачирди.

— Икром акамдан хавотир олманг, у киши тегирмонга тушса, бутун чиқадиганлардан. Ўзим неча марта гувоҳи бўлганман, — деди. — Яна бошқача хаёлларга бориб юрманг. Доим ака-сингилдай бўлганмиз.

— Унда нега менинг кўнглим нотинч?

— Ҳозир айтдингиз-ку... балки ҳақиқатан ҳам ҳомиладорлик даврингиз бироз оғир кечаётгандир.

— Мендан хафамасмисиз?

— Йўқ.

— Унда юринг, бирор жойда ўтираман. Уйга борганим билан барибир сиқилиб кетаман. Шундоғам ўзимни кўярга жой тополмаяпман.

— Кетдик унда, — деб жилмайди Дилором.

Улар узоққа боришмади. Шундоққина йўлнинг нариги тарафидаги сув бўйига қурилган қаҳвахонага киришди. Сухбатлари дарров қизиди. Дилором Дилдоранинг кўнглидаги шубҳа-гумонларни бутунлай тарқатиб юбориш учун Икром билан боғлиқ воқеаларни билганича гапириб берди. Албатта, уни севиб қолганини айтмади. Дилдора унинг сўзларини тингларкан, гоҳ ҳаяжонланар, гоҳ кўзига ёш келар, баъзи воқеаларни эшитганида юзида табассум пайдо бўларди ва ўз ўрнида эрига бўлган ҳурмати аввалгидан ортиб борарди. Яна Икромни жудаям соғиниб кетарди. Айни лаҳзада ёнида бўлиб қолса-ю, елкасига бошини қўйиб, Дилоромнинг сўзларини тингласа.

Икки қиз уч соатдан мўлроқ ўтирди, қоринлари очқаб, икки сихдан кабоб ейишди. Кейин суҳбат яна давом этди ва гап айланиб Дилоромнинг уйига Рустам билан бирга борган Бахшуллога тақалди.

— Сиз уни танийсизми? — сўраб қолди Дилором келинчақдан.

Дилдора нима деярини билмай қолди. Бир зум тарадудланди. Сўнг:

— Ҳа, тоққа борганимизда шуларникида турганмиз. Икром акам билан ака-ука бўлиб қолган. Ёмон боламас.

— Кўриниб турибди. Соддагина экан. Кейин жудаям камгап. Рустамжон оғзи тинмай гапиради, у бўлса, миқ этмайди. Кейин уятчан экан. Озгина ҳазиллашувдик, қизариб кетди. Сингилларимнинг шўхликлари келиб, баттар уялтираверишди. “Ҳай-ҳай” демаганимда қочиб кетарди, бечора.

— Сизга ёқдими? — сўради Дилдора жилмайиб.

— Нимани назарда тутаяпсиз?

— Тўғри маънода.

— Ёқди. Қадди-қомати келишган, рангиям бизникидан бошқача. Тоза ҳавода юрганлиги шундоққина кўри-ниб турибди. Қўполгина экан-у, лекин шу ҳам ярашади. Умуман, жуда бошқача.

— Тушунарли...

— Вой, сиз бошқа хаёлга борманг, мендан пишиқ экансиз, айлантириб сўраб олаяпсиз.

— Чунки эримни сиздан қизғанаяпман. Агар эртароқ эрга тегиб кетсангиз, кўнглим хотиржам бўлади.

Дилором унга қараб анқайиб қолди. Шахло кўзлари шахлолашгандай (бошқача айтиш тўғри келмас), гўзаллиги янаям кўпроқ ошгандай эди. Ана шу ҳолнинг ўзи ҳам Дилдоранинг рашкини кучайтираётганди. У ўзининг да ундан кам эмаслигини билганида балки бунчаликка бормасди.

— Қизиқ, — деди юзига табассум югурган Дилором, — Икром акамнинг менга ким бўлишини қанча кўп айтдим... Барибир... Лекин сиз ҳақиқатан ҳам бошқа йўли йўқ деб ўйласангиз, турмушга чиққанам бўлсин. Ўша сиз айтган тоғлик йигитга!

— Ростданми?! — дея ўрнидан туриб кетди Дилдора.  
— Мен жудаям хурсанд бўлардим.

— Сизни хурсанд қилай дедим-да.

Иккала қиз шарақлаб кулиб юборишди. Бу пайтда қаҳвахонада хўрандалар кўпайганди. Улар кабутарлардай оппоқ кийиниб олган қизларга ажабланиб қарашди.

— Вой, — деди шунда Дилдора, — ойим ўлдиради. Роса хавотир олаётган бўлса керак. Қаранг, кун ҳам бо-тай деб қолибди.

\* \* \*

Орқа эшик “ғийқ” этиб очилиб, аввал Рустам, кейин Бахшулло кўринди. Чойхоначи Ҳошимга: “Икром ёлғиз ўзи”, деб айтганди. Шу боис, гўдаиб келганди у. Кўкрагидан иккита дарча очиб, кейин кайфу сафо қилиб яшайман, деб ўйлаганди. Демак, алданибди. Қаердаги хизматкорнинг ҳадди сиғибди уни алдашга.

— Асл башарангни билиш унчалик қийин эмаскан. Ўпкалик бир умрлик касал экан, қутулолмаскансан, ўзингга ўхшаган манави иккита нусханг, — Икром Ҳошимнинг орқасида турган йигитларни кўрсатди, — қўлингдаги ўйинчоғинг билан мени кўрқитмоқчи бўлдингми? Мени-я?!

Ҳошимни кўрқув босди. Кўрсаткич бармоғини эса тепки устига қўйди.

— Тепкини босасан, мен ўламан! — деди Икром Ҳошимнинг кўзига тикилиб. — Кейин сен ўласан. Гўштингни итларга беришади. Солини бўрилар еб кетганини эшитгандирсан. Уям мени ўлдирмоқчийди. Сендан кўпроқ хоҳлаганди у, одамлариям сенинг чурвақаларингдан кўп эди. Шунинг учун обрў билан бўриларга ем бўлди. Сен бўлсанг, итларнинг насибасисан.

Икром сўзлаётган маҳал Рустам Ҳошимга анча яқинлашиб қолганди. Ҳошим буни сезмади. Сезишга кулоқлари халақит берди. Бутун диққат-эътибори Икромга қаратилганди.

— Лекин...

У шу сўзнигина айтишга улгурди. Тўппонча ушлаб турган қўлининг остидан шунақанги қаттиқ тепки тегдики, қурол отилиб кетди. Ҳошимнинг орқасида турган барзангилар Рустамга ташланишга шайланишди. Бироқ уларни Ҳошимнинг ўзи қўллари икки ёнга ёзиб тўхта-тиб қолди.

— Бу одам мушт билан енгиладиган эмас, — деди у нияти амалга ошмаганидан титраб, — бошқача йўл билан гумдон қилиш керак.

— Қочишни хаёлинггаям келтирма. Аллақачон сен келган машина қўлга олинган, чойхонани менинг одамларим босиб кетган. Белги беришимни кутишаяпти. Тавба қиласанми ёки ўласанми? Танла! — деди Икром Ҳошимга еб қўйгудек тикилиб.

— Акажон! — деб кутилмаганда бирдан тиз чўкди Ҳошим. — Кечиринг.

— Қанақа йўл билан кечиришимни билсанг керак!

— Биламан! — деб Ҳошим чўнтагидан кичкирагина пичоқча олиб, Икромга ташланмоқчи бўлди-ю, аммо шу сафар ҳам омад ундан юз ўгирди. Чаққон Рустам ўз вақтида биқинига зарба берди. Лекин шу заҳоти Рустамнинг яраси ҳам ўзининг борлигини биргина чимиллаш билан билдириб қўйди. Унинг афти бужмайди. Барзангилар эса бу сафар жойларидан жилишмади ҳам. Аввалига Ҳошимнинг Икромга тавба-тазарруси ажаблантирган бўлса, Рустамнинг тепишини оддий, шунақа бўлиши керак, деб қабул қилишди. Аслида улар томон кучлироқ эди. Ҳар икки барзанги ҳам Рустамдан ёмон уришмасди. Бунинг устига, Бахшулло билан Рустамнинг ярадорлиги тўлалигича устунлик улар томонида эканлигини кўрсатиб турарди. Бироқ Икромнинг усталиги ҳаммадан зўр келди. У ўтирган жойида ғалаба қозонди. Бахшуллога имлаб, тўппончани олдириганидан сўнг, барзангиларни ҳам тиз чўктирди. Қолган ишларни Рустам билан Бахшулло осонгина уйдлашди. Одам қаршилиқ кўрсатмаса, ҳар қандай барзангини осонгина қонига белаш мумкинлигини икки йигит бирпасда кўрсатишди.

— Кўрдингми, ит?! — деди Икром Ҳошимга ўшқириб. — Чиранишнинг оқибатини! Менинг кимлигимни бошқатдан эсингга олдингми?!

Тўртта тиши синган, битта кўзи бутунлай ёруғ дунёни кўришдан маҳрум бўлган Ҳошим гапиролмади. Тушуниксиз гўлдиради.

— Мени бунақа йўл билан ҳам ушлаб бўлмайди, оғайни, — деди Икром унга нафрат билан боқаркан.

У шу сўзларни гапираётганида негадир тушида аввал



Қора девнинг, Қосимнинг азобланаётганликларини, сўнг Норбой қорини эсга олди. Йўқ, у атайин эсламади. Ўзидан-ўзи ёдига тушди. “Қўлимни қонга ботирмайман, деб қасам ичгандим-ку”, ўйлади у. Шундан кейин тоғдаги воқеаларни бирма-бир кўз олдидан ўтказди ва яна жиноят ботқоғига кириб қолганлигини англади. Ич-ичидан эзилди. Қайғуси шунчалик улуғ эдики, Ҳошимга термилганча қотиб тураверди.

— Икром ака, — деди Рустам унинг қотиб турганини кўргач, — сизга нима бўлди?

Икром худди уйқудан биров бехосдан уйғотиб юборгандай чўчиб унга қаради. Сўнг қўлини мушт қилиб: “Падар лаънатилар, одамни мажбур қилишади”, деб ўрнидан турди ҳамда жаҳл билан барзангилардан бирининг тепасига бориб энгашди-да, сочидан гижимлаб тортди. Эндигина оғриқ кучи сусайиб, ўзига кела бошлаган барзанги ингради ва секин бошини кўтарди.

— Охирги бир-икки кун ичида нечта жойни ўмардинлар? — сўради Икром жирканиб унга боқаркан.

— Битта “нол олти”ни гумдон қилдик, кейин бугун тушгача вокзалдан доля йиғдик, — жавоб қилди йигит башараси бужмайиб.

— Аввал, — деб унинг сочини силтаб тортди Икром, — “нол олти”нинг эгасини топиб келасан. Тушундингми, мараз!

— Вой! Тушундим, акажон, ярим соатда бажараман, акажон! — деди барзанги кўзидан ёши оққудек бўлиб.

— Билиб қўй, ярим соатда келмасанг, бутун уруғ-аймоғинг билан қуритаман.

Биринчи барзанги қутулганига шукур қилиб минг тавба-тазарру билан ташқарига чиқди-ю, машинасига югурди. Унинг ортидан қараб қолган Рустам мийиғида кулди.

Иккинчи барзангига йиғилган пулларни олиб келиш топширилди. Пул қаердалигини Икромнинг ўлдириб қўйишидан кўрққан Ҳошим айтди. Унинг ўзини эса оёқ-қўлини чандиб, Рустам билан Бахшулло яшириниб турган хонага киритиб ташлашди.

— Асабийлик одамни тез қаритиб юбораркан, озгинадан ичмасак бўлмайди, — деди Икром ҳамма иш битганидан кейин.

У ич-ичидан хурсанд эди. Ўзига бўлган ишончсизлик тарқаб, ўрнини куч-қувват эгаллади.

Машина эгаси бошқа вилоятдан экан. Деҳқон. Бир умр пахта терган. Яқинда пешонасига офтоб чиқиб, мукофотга “Жигули” беришган экан. Шаҳарга қариндошлариникига келган-у, пешонасига чиққан офтобни булут қоплаган. Барзанги йўқлаб борганида қон босими ошиб, аллақачон дўхтирлар томирига игна санчишга улгуришган экан. Қариндош-уруғи ҳам роса қонларига ташна бўлишибди. Барзанги машина ҳақидаги хабарни етказиши билан уни алдаб-сулдаб уйга киритишди-да, уч кишилашиб обдан тепкилашди. Агар машина эгаси устидаги тўшакни улоқтириб юбориб, ўрнидан тура-сола ҳай-ҳайламаганида, аччиқ устида барзангини бир ёқли қилиб қўйишлари ҳеч гап эмасди.

— Агар, — деди барзанги кўзидан ёши оққанча моматалоқ бўлган юзини секин силаркан, — шунақа қилишларингни билганимда, умуман келмасдим. Машиналарингни топиб, ёрдам бергани келсам-у... Бошқа одамлар бўлмаганида, тирик қўймасдим.

— Биламиз мақсадларинг нималигини, — деди машина эгаси, — кўп эшитганмиз. Айт, ўзимнинг мошинам учун қанча тўлайин?

— Бир тийинсиз...

Учта қариндоши билан бирга машина эгаси барзангининг ортидан эргашди.

Чойхонага келишгач: “Ичкарига кирсак, соғ чиқмай-миз”, деб юрак ҳовучлаганча кўзлари олазарак бўлишди. Аммо Икромнинг муомаласи, илтифотидан зумда ҳамма ҳадиклари тарқаб, ўрнини қувонч эгаллади.

Иккинчи барзанги келтирган пуллар эса эртасига болалар уйига топшириладиган бўлди. Албатта, бундан на барзангиларнинг, на Ҳошимнинг хабари бўлди.

Ҳошимнинг ўзини эса, шотирлари қовурғасини синдиришди. Сўнг касалхонага олиб бориб ташлашди. Дўхтирларга тайинландики, у ногирон бўлиб чиқсин. Яъни ортиқ бировга зулм ўтказолмайдиган бўлсин...

Икром уйига кетганидан кейин Рустам билан Бахшулло Дилоромларникига боришди.

Дилором сўлғин кайфиятда ўтирганди, йигитларни кўриб хурсанд бўлди.

— Намунча, қаерларда изғиб юрибсизлар? — деди гүёки аразлаган бўлиб.

— Дунёни айланиб чиқдик. Бахшуллога ёқадиган биронта қиз топиладими деб ўйловдим, қаёқда, биронтаси ҳам кўнглига ўтирмади. Ҳеч бири тоғликларга тўғри келмаскан, — деди Рустам жилмайиб.

Бахшулло ундан бунақанги гапни мутлақо кутмагани, шу боис, шолғомдай қизариб кетди. Бир Рустамга, бир Дилоромга қараркан:

— Ҳеч... Ҳеч... — деди бошқа гап тополмаганидан.

Унинг довдираши Дилоромнинг ҳам завқини келтирди.

— Наҳотки шундай бўлса?! Кўнглингиз бунчалар ноциклигини билмаган эканман... Ҳа, битта дугонам бор. Тўғриси, тоғдан келган. Менимча, шу қиз сизнинг дингизга ўтиради-ёв, — деди у жилмаяркан.

— Сиз бунинг гапига ишонманг, алдаяпти, — деб Бахшулло Рустамга ўқрайиб қоради.

— Нигора қаерда? Мен унинг ёнига борай, бўлмаса, бундан балога қолиб кетаман, — дея Рустам Дилоромга термилди.

— Хонасида. Киринг, сизни кутиб ўтирибди. Йўқ, бўлиб кетганингиз учун ҳали обдан ойлик беради.

— Аввал жазолашни қулоғидан тортишдан бошламан, — деди шу маҳал эшикни қия очган Нигора опасининг гапини қувватларкан.

Бирдан кулги кўтарилди. Рустам кўксига кўлини қўйиб, бошини бироз эгиб:

— Бир қошиқ қонимдан кечинг, хоним, — деб у томонга юрди.

Дилором ҳам меҳмонхонада Бахшуллони ёлғиз қолдириб, ошхонага кирди. Чой дамлади, қозон остига олов ёқди. Сўнг дастурхон ёзди. Бахшулло эса жойидан қимирламай ўтираверди. Меҳмонхонага кириб чиқаётган қизга сўз ҳам қотмади. Фақат Дилором рўпарасидаги столга келиб ўтирганидан кейин, гарчи қорни роса очқаган эсада:

— Қорним тўқ эди, — деб қўйди.

Дилором унинг гапига мийиғида кулди.

— Мен оч деб ўйлабман, қани, тоғликларга ўхшаб овқатингизни тез еб ташланг-чи, — деди.

— Ким сизга бизни очофат деб айтди? — дея қизга қаради Бахшулло.

— Унақа демоқчимасдим. Кечирасиз. Тез ейиш маъносида айтгандим.

— Унда ўзингиздан кўринг.

Бахшулло берилиб овқатланди. Дилором термилиб ўтираверди. Йигитнинг чайир қўлларига тикиларкан, меҳри ийиб кетди.

— Тиқилиб қоламан, деб ўйловдим, — деди Бахшулло косадаги насибасини еб битиргач, — овқат яхши бўлибди.

— Раҳмат, — жавоб қайтарди қиз.

Уларнинг суҳбати узоқ чўзилди. Кўпроқ Дилором гапирди, сўзга нўноқроқ йигит тинглади. Фақат берилган саволларгагина қисқа қилиб жавоб бериб қўяверди. Шуниси қизга маъқул келгандай, у яна сўзида давом этаверарди. Охири уйқуси зўр келиб гапидан ҳам чалкашиб кетаверди. Шундан кейин йигит кетажагини айтди. Дилором эса Рустамни эслаб қолди.

— Вой ўлмасам, иккови битта хонада шу пайтгача... Чиқайин ҳам демайди, — деб у шошиб ўрнидан турдида, аввал секин эшикни қоқди.

Синглиси эшикни очди.

— Нима бало, шу пайтгача... — дея Дилором энди гап бошлаган эди, сингил лабига кўрсаткич бармоғини босиб:

— Тисс, — деди паст товушда, — ухлаб қолдилар. Роса чарчаган бўлсалар керак. Безовта қилгим келмади.

— Заҳроларнинг хонасига кириб ёт, — деб Дилором энди ортига бурилганида, телефон асабий жиринглади.

Қиз истар-истамас гўшакни кўтарган эди:

— Алло! — деган Саодат опанинг овози эшитилди.

— Мен Дилоромман, Саодат опа, — деди у жавоб қайтариши билан.

— Рустамжон мабодо сизларникида эмасми? Агар бўлса, тезроқ келсин, тоғаси... — Саодат опа ортиқ гапиролмади, йиғлаб юборди.

\* \* \*

Анвар Турсунович ташкилотга қайтиб боргач, Самандар ва унинг шериклари билан боғлиқ жиноят ишини

яна бир карра кўриб чиқди. Чалкашликлар, адоқсиз саволлар устида бош қотирди. “Буларга, — дея хаёлидан ўтказди у, — ўлим жазоси ҳам юмшоқлик қилади. Одам дегани шунчалик ҳам қабиҳ ишларни қиладими? Инсон деган ном ҳайф уларга. Ҳайвон билан тенглаштириш ҳам ноўрин. Қайси йиртқич ўзининг қавмига тажовуз қилибди...” Жаҳли чиққанидан кўлидаги “иш”ни отиб юборди. Сигарета чекди. Хона бўйлаб юрди. Бир хаёл Самандарни яна сўроқ қилгиси келди. Аммо дарров ниятидан қайтди. Унинг башарасини кўргиси келмади. Сўнг кўлидаги тамакисини кулдонга эзиб ўчирди-да, ташқарига чиқди. Бу пайтда қоронғилик заминни этаги билан ёпган эди. У остонада бироз турганидан кейин машинаси тарафга кета бошлади. “Қарибсан, — деди ўзига-ўзи, — илгари ярим тунгача ишласанг ҳам чарчамасдинг. Яна ишлагинг келаверарди. Энди битта делони кўрар-кўрмас толиқиб қоласан... Пенсияга чиқаман. Мана шу ишни охиригача етказаман-да, кейин дам оламан. Невараларимни боғчага олиб бораман, олиб келаман. Уйда маза қилиб дам оламан, ҳеч нимага бошимни қотирмайман”. Ниятидан ўзи хурсанд бўлиб кетди. Юзига табассум югурди ҳамда “Виллис”нинг орқа ўриндиғига ўтираркан, ёшгина сержант йигитнинг елкасига енгилгина уриб қўйиб:

— Бахтиёр, уйга ҳайда, — деди ва ўриндиққа суяниб кўзини юмди. Машинанинг бир текисда юриши уни аллалади ҳамда бироздан кейин унинг пишиллаб ухлаган овози кела бошлади. Ҳайдовчи йигит кўзгу орқали бошлиғига қараб қўйди-да кулимсиради. Бу пайтда у чорраҳага яқинлашиб қолганди. Кўк чироқ ёниқ, бемалол ўтиб кетаверса бўлади. У тезликни янада оширди. Ана шу пайт сариқ чироқ ёнди. Бироқ сержант бунга эътибор бермади. Ҳатто кўрмади ҳам. Агар кўрганида, балки газнинг ўрнига тормозни босган... Йўқ, босмасди тормозни, тезлик хийла баланд эди. Бундай пайтда эртароқ чорраҳадан ўтиб кетиш ҳаракатида бўларди. Аммо бу сафар ён томондан оппоқ “Газ-24” елдай учиб келди-да, Анвар Турсунович ўтирган “Виллис”нинг қоқ белидан урди. Зарба шунчалик кучли эдики, машина икки марта думалаб ерда сирпанганча йўл чеккасига чиқиб қолди.

Анвар Турсунович ухлагани бўйича қайтиб уйғонмади. Ҳайдовчи йигитнинг эса касалхонада жони узилди.

— Опа! — деб бақириб юборди Дилором. — Тинчликми?!

— Рустамжон... Рустамжоннинг тоғасидан айрилиб қолдик!

Шундан кейин гўшакдан қисқа товуш келиб қолди.

Қизнинг яқинида турган Бахшуллони бирдан ҳаяжон босди. Рустам эса Дилоромнинг овозидан чўчиб уйғонди ҳамда кўзини уқалаб ўрнидан сакраб турди-да, тез-тез юриб уларнинг ёнига келди.

— Тинчликми? — сўради бўғиқ овозда.

— Рустам ака, — деди унга жовдираб қараган Нигора, — тоғангизнинг тоблари қочиб қолибди. Тезроқ бораркансиз.

— Ни-ма? Нега мазаси бўлмас экан? Соғ эди-ку. Яхши юрувди-ку...

Нигора бирдан унинг бўйнидан қучоқлади.

— Боринг, тезроқ боринг...

Қизнинг юрак уриши ҳатто Рустамга ҳам эшитилди. Кўнгли нохушлик рўй берганини сезди ҳамда тезда оёқ кийимини кийиб ташқарига отилди. Ортидан Бахшулло югурди.

\* \* \*

Саодат опа эрининг ўлганига сира ишонгиси келмасди. Уйидаги азани, жағи боғланиб устига мато ёпилган, кўзлари юмуқ эрини худди тушида кўраётгандай эди. Гоҳ овозининг борича додлаб йиғлар, гоҳ атрофидагиларга меровсираб қарар, эртароқ уйғонгиси келарди. “Тавба, — дерди баъзан, — нимага мен уйғонмайман? Жонимга тегиб кетди! Уфф, тезроқ тонг отса нима қиларди?!”

Анвар Турсуновични олиб чиқаётганларини кўришга у чидаб туrolмади. Тобут дарвозахонага етганида, шилқ этиб ёнига қулади...

Икром кечаси Рустам кўнғироқ қилгандаёқ етиб келди. Эрталабгача ўтирди. Рустамга ҳамдард бўлди. Тонг отар паллада Норбой қорининг ёнига борди. Ҳамма бўлган гапларни айтди.

— Жуда хунук иш бўпти. Тоза одам деб эшитгандим. Эсиз, шундайларнинг эрта вафот қилгани чатоқ-да. Майли, Худонинг иши. Бандасининг қўлидан нима ҳам келарди? Худо шундай бўлишини хоҳлабдими, демак, шун-

дай бўлади. Ҳаммага Худо сабр берсин... Энди, Икром-жон, гап бундай: айтишингизча, ҳамма сизни аллақачон ўлдига чиқариб қўйибди. Шундай экан, ҳозирча кўзга кўринмаганингиз маъқул, — деди Норбой қори ва Икромга қаради.

— Таъзияга борма, демоқчимисиз? — дея ҳайрон бўлди Икром.

— Йўқ, ундай демоқчимасман. Куни кеча битта дўконга киргандим. Соч сотишаётган экан. Озгина жаҳлим чиқувди. Худо бошингга қанақанги сочни берган бўлса, шундан айирмасин. Лекин ҳозир ўйлаб қарасам, гоҳ-гоҳида фойдаланса бўларкан. Демоқчиманки, кийиб олинг, биров танимасин.

Икром сира соч кийишни истамасди. Аммо қорининг гапини икки қилгиси келмади.

У Анвар Турсуновичнинг қабри тепасида анча вақт турди. “Ҳаммаси сиз айтгандай бўлади”, деб қасам ичди.

Олти ой ўтди. Дилором ҳақиқий маънода Бахшуллони ёқтирди ва ажойиб кунларнинг бирида уларнинг тўйи бўлиб ўтди. Сўнг Рустам ҳам Нигорага уйланди. Бу пайтда Икром ўғилчали бўлган эди. Дарвоқе, унинг паспортидаги исми Миркамол бўлиб ўзгарган эди...



Адабий-бадий нашр

*Ўзбек тилида*

**Нуриддин Исмоилов**

**ИБЛИС САЛТАНАТИ**

*Саргузашт-детектив роман*

**(Учинчи китоб)**

*Муҳаррир Ш.Набихўжаева*

*Дизайнер Сергей Бауэр*

*Техник муҳаррир Зокиржон Алибеков*

*Мусаҳҳиҳ У.Ражабова*

*Саҳифаловчи Фафуржон Мадалов*

Нашр лиц.№ А1 097.

Босишга 10.02.2009 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32. Шартли босма табоғи 18,48.

Адади 1 000.

-сонли буюртма.

Нархи шартнома асосида.

«VEKTOR-PRESS» нашриёти.

100000, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

«NisoPoligraf» ШКда чоп этилди.

100182, Тошкент, Ҳ.Бойқаро кўчаси, 41.